

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Р.САЙФУЛЛАЕВА, Б.МЕНГЛИЕВ, Г.БОҶИЕВА,
М.ҚУРБОНОВА, З.ЮНУСОВА, М.АБУЗАЛОВА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Тошкент – 2010

Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2009. – 391 б.

Ўқув қўлланма – 5A220100 – Филология (ўзбек филологияси) бакалаври йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун тайёрланган.

Қўлланма узлуксиз таълим тизимида 1999 йилнинг 16 августида тасдиқланиб, умумий ўрта таълимда жорий этилган «Она тили» (қар.: Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. «Таълим тараққиёти». 1999. 1-махсус сон), 2000 йилнинг 10 августида маъқулланиб, академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар ва филология йўналишида 2000-2001 ўқув йилида татбиқ қилинган «Ҳозирги ўзбек тили» ўқув дастурининг (тузувчилар А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Собиров, Н.Қосимова) бевосита давоми бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлиариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш Президиумида муҳокама этилган ва тасдиқланган (2002 йил 15 июнь, 27-баённома) 5A220100 Филология (ўзбек филологияси) бакалаври йўналиши учун намунавий ўқув дастури (тузувчилар Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева. М.Қурбонова, Т., ЎЗМУ, 2003) асосида ёзилган.

Қўлланма 1993-2006 йиллар чоп этилиб, синовдан ўтказилган бир неча ўқув қўлланмалари асосида яратилди. Тажриба-синов давомида академик А.Ҳожиев, профессорлар А.Нурмонов, Н.Маҳмудовлар томонидан билдирилган тегишли таклиф-мулоҳазалар ушбу нашрда инобатга олинди.

Ўқув қўлланмани яратишда ўзбек тилини субстанциал тадқиқ қилиш натижасида эришилган ютуқларга таянилган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор
Ҳ.Ғ.Неъматов

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор
Р.Расулов
филология фанлари номзоди, доцент
В.Каримжонова

Muharrirdan

Qo'llanma oliy o'quv yurtlari uchun O`zR Vazirlar Mahkamasining 2001-yil 16-avgustdagi "Oliy ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 343-Qarori asosida O`zR Oliy va o`rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan 2002-yilning 18-iyunida tasdiqlanib, BM-343-52201-131 raqami bilan qayd etilgan, O`zMU, SamDU, BuxDU, QarDUda sinovdan o`tgan «Hozirgi o`zbek adabiy tili» namunaviy dasturi (tuzuvchilar H.Ne'matov, N.Mahmudov, A.Nurmonov, R.Sayfullayeva, M.Qurbonova.) asosida yozilgan, unda hozirgi o`zbek tilining asosiy sathlari tizimlarining lisoniy holati talqini va nutqiy voqelanishi yoritildi.

Avvalo shuni ta'kidlash joizki, o`quv fanining nomi («Hozirgi o`zbek adabiy tili») XX asrning ikkinchi yarmida yetakchilik qilgan **o`zbek formal tilshunosligi** ta'siri ostida shakllangan va an`ana sifatida o`quv rejasidan o`quv rejasiga ko`chib kelmoqda. Shuning uchun bu muqaddimada fanimizda mavjud bo`lgan ikki ilmiy yo`nalish – **formal tahlil** va **substansial tahlil** haqida qisqa ma'lumot berish zarur.

Tilshunoslikda XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asrning boshlarida **formal yo`nalish** ijtimoiy ehtiyoj natijasida shakllangan va o`z oldiga, asosan:

- ommaviy savodxonlikni ta'minlash;
- zamonaviy adabiy til me`yorlarini ishlab chiqish;
- adabiy til me`yorlarini ommalashtirish

kabi o`z davri uchun o`ta zarur masalalar yechimini maqsad qilib qo`ygan, tilshunoslik nazariyasi ham, ona tili ta'limi ham mana shunga xizmat qilar edi. Jamiyat oldida ommaviy savodxonlikni ta'minlash, shevalararo farqlarni yo`qotish, adabiy tilni ommalashtirish, til va xalqning tarixiy yozma yodgorliklarini nashr etish va yoyish, ta'limni zamonaviy usullarda yo`lga qo`yish kabi amaliy vazifalar turgan paytda eng samarali va eng qulay lingvistik tavsif va ta'lim yo`li mana shu formal usuldir. Shuning uchun jahonning barcha ilg`or davlatlari tilshunosligida XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab bu ilmiy yo`nalish keng ommalashdi. O`zbek tilshunosligida ham bunday yo`nalishning tamal toshlarini Abdurauf Fitrat, Elbek, Qayum Ramazon kabilar qo`ygan bo`lsalar-da, uning keng va izchil ommalashishi professor Ayyub G`ulomov nomi va faoliyati bilan bog`liq.

XX asrning boshi va o`rtalarida o`zbek madaniyati va fani uchun juda zarur bo`lgan formal tilshunoslik ta'siri ostida oliygohlarning filologik yo`nalishlarida asosiy maqsad o`zbek adabiy tili me`yorlarini ommalashtirish bo`lganligi sababli o`quv fani ham shunday nomlangan. Davr, maqsad va vazifalar tamoman o`zgargan, tilshunoslik zamon talabi bilan uzviy bog`liqlikda boshqa tahlil usullariga o`tib ketgan bo`lsa ham, o`quv fanining nomlanishi saqlanib qolmoqda.

Qo'llanma o`zbek formal tilshunosligi yutuqlariga tayanib, funksional-struktural (Praga strukturalizmi) tahlil usullarini ongli, izchil, dialektik

tamoyillar bilan to'ldirib, tilga tafakkurni shakllantiruvchi va rivojlantiruvchi, nutqiy muloqotda son-sanoqsiz shakll va ko'rinishlarda voqelanadigan, har bir voqelanish ko'rinishi o'ziga xos maqsad va vazifaga ega bo'lgan *imkoniyatlar xazinasini* sifatida yondashadigan **o'zbek substansial tilshunosligi** talqinlarini o'z ichiga oladi. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" yosh avlodning mustaqil fikrlash va ijodiy tafakkur ko'nikmalariga ega bo'lishini talab qiladi. Bunday ko'nikma va malakalarni shakllantirishning asosiy vositalaridan biri esa tarbiyalanuvchilarga o'zbek tili imkoniyatlari xazinasini ochish, undan ijodiy va unumli foydalanish ko'nikmalarini shakllanish. Bunday ehtiyoj hozirgi kunda o'zbek tilshunosligida shakllangan va tilimizning asosiy sathlari birliklarining nisbatan yaxlit tavsifini bergan ilmiy yo'nalishlardan substansial tahlil usullari bilan qondirilishi mumkin. Shuning uchun davr va oliy ta'lim DTSlari talablariga mos mazkur dastur asosida tuzilgan bu qo'llanmada asosiy e'tibor, *adabiy til me'yorlarini ommalashtirishga* emas, balki **lisoniy imkoniyatlar xazinasini ochish va boyitish, bu xazinadan nutqning turli ko'rinishlarida ijodiy, unumli va samarali foydalanish malakalarini hosil qilishga** qaratilgan. Substansial tahlil nuqtai nazaridan esa "*Hozirgi o'zbek adabiy tili*" tushunchasi va atamasi *hozirgi o'zbek tili* (hozirgi o'zbek tili lisoniy imkoniyatlari)ning muayyan bir voqelanish ko'rinishi, ya'ni tom ma'noda nutqiy ko'rinishlardan birining nomi. Shuning uchun o'quv qo'llanmasining sarlavhasi ham – uning tanlovda g'olib chiqqan ilk nashridagidek – "*Hozirgi o'zbek tili*" bo'lishi lozim edi. Lekin o'quv rejalarida fanining *adabiy til* deb nomlanishi – bunga monelik qildi. Kitobxon shuni yaxshi bilishi kerakki, adabiy til me'yorlarini ishlab chiqish, o'rganish va ommalashtirish formal tilshunoslik, til (jumladan, ona tili)ning ichki imkoniyatlarini va ularning voqelanish usullarini o'rganish va o'rgatish esa substansial tilshunoslik oldida turgan ijtimoiy biuyurtma – vazifa. Shu bilan *substansial tilshunoslik*, bir tomondan, *formal tilshunoslikdan*, ikkinchi tomondan, sof *struktural-funksioanl* tahlildan (Praga strukturalizmi) dan tubdan farq qiladi va fanda *yangi bir ilmiy yo'nalish* mavqeni kasb etadi.

Qo'llanma o'quv-metodik maqsadlarni ko'zlayotganligi va o'zbek tilshunosligining ma'lum bir bosqichini (jumladan, formal-funksional, substansial yo'nalishdagi tadqiqotlarni) yakunlovchi ish bo'lganligi sababli unda A.Abduazizov, M.Abuzalova, Sh.Akramov, T.Asadov, B.Badriddinova, E.Begmatov, Sh.Bobojonov, O.Bozorov, M.Boshmonov, I.Madrahimov, N.Mahmudov, B.Mengliyev, S.Muhammadjonova, N.Musulmonova, D.Nabiyeva, M.Narziyeva, S.Nazarova, G.Ne'matova, L.Ne'matova, A.Nurmonov, D.Nurmonova, Sh.Orifjonova, R.Rasulov, Sh.Rahmatullayev, R.Sayfullayeva, R.Safarova, H.Saidova, H.Usmonova, B.Yorov, L.Raupova, B.Qilichev, S.G'iyosov, Sh.Shahobiddinova, N.Shirinova, O.Shukurov, M.Qurbonova, Z.Yunusova, N.Yo'ldosheva, N.Vohidova, G.Toirova kabi tilshunoslarning ishlaridan ham unumli foydalanildi va ayrim o'rinlarda

qo‘llanmaning ma‘lum bir band yoki bo‘limi shu sohani maxsus tadqiq qilgan dissertatsion va monografik tadqiqotlar asosida talqin qilindi. Ishlardan aynan olingan o‘rinlarga qo‘llanmada manbalari ko‘rsatilgan holda berildi. Aynan olinmagan, lekin monografik tadqiqotlarda batafsil yoritilgan mavzular (chunonchi, o‘zbek tili fonemalarining oppozitiv siralari va turlari, fonetik hodisalar, so‘zlararo ma‘noviy va shakliy munosabatlar) bayoni shu mavzu va yo‘nalishda yaratilgan tadqiqotlar asosida yoritilgan bo‘lsa-da, bu monografik tadqiqotlar:

- keng jamoatchilikka ma‘lum bo‘lganligi (chunonchi: A.Abdualazizovning «O‘zbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi», M.Mirtojiyevning «O‘zbek tilida polisemiya» va b.);

- o‘quv fanining mazkur namunaviy dasturida, hamda ushbu qo‘llanmaning so‘ngida ilova qilinadigan ilmiy adabiyotlar va manbalar sirasida keltirilganligi;

- bu “So‘zboshi”da ta‘kidlanayotganligi sabablariga ko‘ra alohida ajratilmadi.

O‘zbek substansial tilshunosligi asoschilari A.Fitrat, A.G‘ulomov, yetuk namoyandalari F.Abdullayev, G.Abdurahmonov, M.Asqarova, O.Azizov, A.Borovkov, A.Hojiyev, S.Ibrohimov, F.Kamolov, A.Kononov, M.Mirzayev, A.Muxtorov, I.Rasulov, V.V.Reshetov, A.Rustamov, U.Tursunov, X.Xoliyorov, R.Qo‘ng‘urovm, Sh.Shoabdirahmonov, S.Usmonov kabilar bo‘lgan o‘zbek formal tilshunosligining¹ bevosita davomi va unga tayanishi sababli reallik obyektivlik – lisoniy birliklarning nutqiy voqelanish ko‘rinishlari va xususiyatlari tavsifida 1950-80-yillarda amalda bo‘lgan darslik va qo‘llanmalariga tayanildi.

Shu sababdan bu qo‘llanmada 1950-54- yillarda O‘zFA TAI tomonidan turli mualliflar tomonidan e‘lon qilingan «Hozirgi zamon o‘zbek tili kursidan materiallar» risolalar sirasidan boshlab, oxirgi nashri 1992- yilda amalga oshirilgan U.Tursunov, Sh.Rahmatullayev, A.Muxtorovlarning «Hozirgi o‘zbek adabiy tili» darsligigacha berilgan tavsiflardan unumli foydalanildi.

Shu bilan bog‘liq ravishda eslatib o‘tish joizki, qo‘llanmaning «Kirish» qismida o‘zbek halqi va tilining shakllanish tarixi, shevalarga munosabati, o‘rganish tarixi va bosqichlari kabi mavzular F.Abdullayev, G‘.Abdurahmonov, A.Aliyev, A.Borovkov, E.Fozilov, S.Ibrohimov, F.Kamolov, A.Kononov, M.Mirzayev, A.Nurmonov, V.Reshetov, Sh.Shoabdurahmonov, A.Shcherbak, Sh.Shukurov, B.O‘rinboyev, A.G‘ulomov, kabi tilshunoslarning, B.Ahmedov, A.Asqarov, A.Muhamadjonov, kabi tarixchi olimlarning, V.Abdullayev, E.Karimov, N.Karimov, N.Mallayev, A.Qayumov, B.Qosimov, B.Valixo‘jayev kabi adabiyotshunoslarning ishlariga asoslanilgan.

¹ Bu yo‘nalish namoyandalari va ularning fan taraqqiyotidagi xizmatlari Шукуров Ш.,Базарова Д. Узбекское советское языкознание. Отв.ред. Ш.Ш.Шаабдурахманов. – Т.: Фан, 1986. -232 с.; Узоқов Х. Ўзбек тилшунослари. – Т. Ўқитувчи, 1972, - 268 б.; А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 250 б. kitoblarida berilgan.

Qoʻllanma bakalavriat bosqichidagi talabalar uchun moʻljallanganligi bois unda fanimizning hali yechimini topmagan munozarali nazariy masalalari alohida tahlil etilmadi.

Qoʻllanmaning maqsadi oʻzbek tili substansial (formal-funksional, substansial) tabiatining maʼlum bir qirralarining hozirgi holatini lison va nutq farqlanishi nuqtayi nazaridan asoslab berishdan iborat.

Substansial tahlilning bosh tamoyili asosida tilimiz qurilishini yoritishda lisoniy birliklarga *umumiyluk, mohiyat, imkoniyat, sabab* (**UMIS**) va ularning voqeylanishi natijasida hosil boʻlgan nutqiy birliklarga *alohidalik (yakkalik), hodisa, voqeylik, oqibat* (**AHVO**) sifatida munosabatda boʻlindi. Bu UMIS va AHVO tushunchalari sunʼiy, «oʻylab chiqilgan uydirma»¹emas, balki oʻta muhim ilmiy falsafiy va metodologik umumiylik, taʼlim oluvchini ashyoviy fikrlashdan uzib, unda relyativ tafakkur malakalarini hosil qildirishning muhim vositalaridan. Gnoseologiya (bilish umumiy nazariyasi) dan maʼlumki, xususiylik umumiylikka (demak, hodisa – mohiyatga, imkoniyat – voqelikka, sabab – oqibatga) nisbat berilmaguncha, u taʼriflangan, tavsiflangan, oʻrganilgan deb sanalishi mumkin emas. Shuning uchun **lisoniy imkoniyatlar tilshunosligi** boʻlgan substansial tahlilda bular yuksak umumiylikka ega boʻlgan kategorial tushuncha sifatida juda muhim va ishning maxsus boʻlimi ayni shu masala sharhiga bagʻishlanadi.

Mualliflar ushbu kitob «Hozirgi oʻzbek adabiy tili» namunaviy dasturi asosida yaratilgan ilk qoʻllanma boʻlganligi bois u koʻp kamchiliklarga ega ekanligini toʻla tan oladi va uni mukammallashtirishga koʻmaklashadigan barcha fikr-mulohazalarni mamnuniyat bilan qabul qiladi, uni davom ettiruvchilarga xayrixoh ekanligini biliradi.

Soʻzning yakunida qadimiy yunon va arablarda mashhur boʻlgan, akademik A.N.Kononov hamisha takrorlaydigan “*Men qoʻlmdan kelganicha qildim, mukammalroq qilguvchiga yoʻl keng, omad yor boʻlsin!*” degan hikmatini keltirish lozim topildi.

Hamid Neʼmatov
filologiya fanlari doktori, professor

¹ Qiyos. Махмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, -№ 1. Б.53

КИРИШ

Қўлланманинг бу бўлими икки қисмдан иборат. Биринчисида ўзбек халқи ва тили тарихининг шу ўқув фанини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган айрим зарур тушунча ва атамалари изоҳланади. Бу тушунча ва улар билан алоқадор масалалар бакалаврият ўқув режасидаги "Ўзбекистон тарихи", "Ўзбек тили тарихи", "Ўзбек шевашунослиги", "Ўзбек тилшунослиги тарихи", "Ўзбек тили услубияти" ва бошқа ўқув фанларида муфассал ўрганилиши боис бу ерда улар шу - "Ҳозирги ўзбек тили" –ўқув фани эҳтиёжига зарур шакл ва мазмунда (асосан атамалар билан таништириш мақсадида) баён қилинади.

Бўлимнинг иккинчи қисми "Тил-лисон-меъёр-нутқ муносабати" масаласига бағишланади. Чунки ҳозирги кунда талабалар "Тилшуносликка кириш" ўқув фанидан бу масалага доир "Ҳозирги ўзбек тили" ўқув фанининг амалдаги намунавий дастури талаб қиладиган ҳажмда билим, малака ва кўникма ҳосил қилмайди. Шунинг учун ўз тавсифида лисон-нутқ дихотомиясига изчил амал қилишни мақсад қилиб қўйган ушбу қўлланма учун бундай кириш зарурий деб топилди.

1-ҚИСМ.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ТИЛИ ТАРИХИДАН

Ўзбек халқининг шаклланиш ва номланиш тарихидан

Ҳар қандай халқнинг шаклланиш ва номланиш тарихи жуда чигал масала, у кўпинча ҳар хил баҳсу мунозарага сабаб бўлади. Барча халқ тарихини ўрганишда бўлган бу мураккаблик ўзбек халқи тарихига ҳам оид. Чунки ҳар бир халқ ўз шаклланиш тарихида бошқа турли-туман халқ, тил, маданият билан узоқ-яқин муносабатда бўлади, элат, халқ, миллат даражасига кўтарилгунча узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтади. Бирор халқ ёки миллат, шубҳасиз, ўзаро тил, маданият, минтақа жиҳатидан яқин бўлган қавм-у қабилаларнинг бирлашиши, ораларидаги фарқнинг аста-секин йўқола бориши, уларнинг тил, маданият (жумладан, расм-русум, одат, адабиёт, санъат в.х.), минтақа, иқтисодий ва ижтимоий муносабат асосида яқинлашиши заминида шаклланади. Халқнинг, миллатнинг шаклланишида иштирок этган қавму қабила, ҳар хил катта-кичик этник уюшма ўз даврида ҳар хил ном билан аталиб келган. Шунинг учун айтиш мумкинки бир халқ турли даврда турли номланган. Истаган халқ ёки миллатнинг ҳозирги номидан кўра унинг этник жиҳатдан шаклланиши анча қадимий. Бу ҳодисани ҳозирги рус, инглиз, немис, француз каби

халқлар тарихида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек халқининг шаклланиш ва номланиш тарихи масаласи ҳам худди шундай. Миллат сифатида мавжуд номини - ўзбек этнонимини халқимиз расмий равишда XX асрнинг бошларида олган бўлса-да, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўзбек миллати этник асосининг шаклланиши узоқ асрларга бориб тақалади. Шоир Эркин Воҳидов:

*Тарихингдур минг асрлар ичра тинҳон,
ўзбегим,
Сенга тенгдош Помир-у оқсоч Тъянишон,
ўзбегим.*

деб ёзганида муболаға йўқ - ўзбек халқи асосининг Ўзбекистон (ва унга яқин) ҳудудларда шаклланиши IX ва ундан олдинги асрларга мансуб. Бунинг ёрқин далили ушбу давр ёзма ёдгорликларда қайд этилган топоним (жой номлари) ва антропонимлар (киши номлари)дир. Жумладан, Ўзбекистонда [будун] таркибий қисмига эга бўлган топонимларни кўплаб учратиш мумкин: [Ширбудун], [Қусбудун], [Қузбудун]. Бу топоним таркибидаги будун сўзи қадимги туркий тилда - X-IX асрларда, «халқ, эл, улус» маъносида жуда кенг қўлланган. Демак, [Ширбудун] – шир халқи, шир элати маъносини англатади. [Шир], [сир], [чир] номи билан эса қадимги туркий халқлардан бири номланган. Сир будун – «сир халқи», «сир қавми» маъносида Култагин ёдгорлигида (732-йил) кенг қўлланилади. Демак, Бухоро шаҳридан 5 км шарқда жойлашган ва Бухоро амирларининг истироҳатгоҳларидан бири бўлган Ширбудун қишлоғи номи таркибида сақланган [будун] сўзи бу топонимнинг шу сўз қўлланилган даврга (яъни X-IX асрларга) мансублигидан, шу вақтларда Бухоронинг қоқ марказида бутун бошли бир масканда туркий халқларга мансуб шир (сир, чир) қавми муқим бўлганлигидан далолат беради. Чунки кўп ҳолларда қишлоқ шу қишлоқда яшаган аҳоли – уруғ (қавм, элат) номи билан аталиб келган. Чунончи, [Манғит], [Қипчоқ], [Қарлуқ], [Жалойир], [Саёт], [Олот], [Арабон], [Арабхона], [Ўзбекон], [Ўғузработ] в.х. [Ширбудун] таркибидаги шир, сир, чир қисмини [Сирдарё] ва [Чирчиқ] гидронимида ҳам кўриш мумкин. [Чирчиқ] атамаси VII аср обидаларида ҳам, Чир суйи, Чир суви шаклида ундан кейинги даврларда қўлланилган. [Будун] ва сир-шир-чир таркибий қисмига эга бўлган ономастик лексикани бутун Ўзбекистон ҳудудидан топиш мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, туркий тоифага мансуб халқлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадим замондан бери муқим бўлиб келган. Манбаларнинг хабар беришича, бу минтақада V-VI асрларда ҳукмронлик қилган эфталитлар туркий халқларга мансуб бўлган. Ўзбекистон ҳудудида қадим даврлардан бошлаб туркий ва эроний халқлар (ҳозирги кундагидек) ёнма-ён ва иттифоқ яшаб келган. Ўзбек халқининг тарихий илдизи ҳам мана шу қадимги даврларга бориб тақалади. Лекин бу асосни фақат ўзбек халқига

нисбат бериш мумкин эмас. Туркий-эроний қоришма – Марказий Осиёнинг барча халқлари учун умумий асос. Шунинг учун бевосита ўзбек халқи, ҳозирги ўзбек миллати асосини Ўзбекистон ҳудудида туркий халқларнинг қарлуқ тоифасига мансуб бўлган Иликхон (Қорахонийлар) давлатининг ўрнатилиши, бу давлатда расмий сарой тили сифатида, Маҳмуд Кошғарий таъбирича, «туркий хоқонийнинг оммалашини даври»да кўриш мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида туркий хоқоний тилининг берилган лексик-грамматик хусусиятини Юсуф Хос Ҳожибнинг қарийб 15000 мисралик "Қутадғу билиг" асари тил хусусияти билан қиёслаш Маҳмуд Кошғарийнинг «туркий хоқоний»и, Хос Ҳожибнинг «туркча»си ва Аҳмад Юғнакийнинг «туркий»си айна бир тил эканлигини кўрсатади. Бу тил – Хоразмийнинг "Муҳаббатнома", Хўжандийнинг "Латофатнома" асарларида ўз аксини топган, Сайфи Саройи, Юсуф Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий асарларида сайқалланган, Алишер Навоий асарларида камолот босқичига кўтарилган эски ўзбек тилининг илк тараққиёт босқичи. Шунинг учун Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар давлати халқини турк (турклар) деб атаган, уларни шу минтақада яшаётган ўғуз, туркман ва уйғурлардан фарқлаган. Қарлуқ тоифасига мансуб бўлган халқ ҳозирги ўзбек миллатининг асосини ташкил этган ва IX асрлардан бошлаб этник асос турк, турклар, тил эса туркий деб номланган деб айта оламиз. Тил хусусияти шундан далолат бериб турибди. IX-XVI асрларда бу турклар ўзлари билан ёндош яшаган ўғуз, уйғур қавмини, IX асрдан бошлаб бой ва обод, юксак маданиятли ўлкага кўплаб кўчиб келган ва ўтроқлашган арабларни, XI-XIV асрларда Чингиз, Боту, Чигатой, Жўжи каби мўғул саркардалари қўшини таркибида келган ҳар хил мўғул ва ўша давр жанубий Шарқий Сибирь, Шимолий Хитой (Мочин), ҳозирги Мўғулистон, Олтой минтақаларида яшаган қирғиз ва уйғур тоифаларига мансуб туркий уруғ ва қавмларни, XIV-XV асрларда эронзамин, арабзамин, Рум (Шарқий Рим империяси, Византия - ҳозирги Туркиянинг Анадолуси), Кавказ, Волгабўйи ўлкаларидан кўчириб келтирилган туркий ва нотуркий элатлар вакиллари ўз таркибига сингдириб, ўзи ҳам, тили ҳам шу ном билан аталиб келди. Алишер Навоий ҳам бу халқ ва тилни шу ном билан - турклар ва туркий деб атайди ва у турли қавм ва уруғларга бўлинишидан қатъи назар, тил (жумладан, адабий) ва маданият жиҳатдан бир деб билиб, ғурур билан:

*Агар бир қавм, ва гар юз, йўқса - мингдур -
Муқаррар турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимга осон
Черик тортмай Хитодин то Хуросон.
Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
На ёлғиз турк, балким туркмон ҳам.*

("Фарҳод ва Ширин"дан)

Турк назмида чу тортиб мен алам,

Айладим ул мамлакатни якқалам.

("Лисонут тайр"дан)

Ва, ҳатто, «турк сортдин тезфаҳмрокдур» ("Муҳокаматул луғатайн") деб ёзади.

[*Турк*] сўзи туркий тилларда (жумладан, ўзбек тилида) - кенг ва тор маънога эга. Кенг маънода ўз ичида бир неча ички гуруҳларга бўлинадиган ўзаро қариндош (келиб чиқиш, лексик ва грамматик воситалари билан ўзаро ўхшаш бўлган) тиллар (туркий тиллар шаклида) ва шу тилларда сўзловчи халқ ва улар аجدодларининг умумий, барчаси учун хос бўлган номи сифатида қўлланилади. Тарихий манбалар ва ҳозирги илмий адабиётларда туркий тилларнинг ўзаро яқинлик даражасига кўра икки тармоғи - Ғарбий хун, Шарқий хун тармоқлари, ҳар бир тармоқнинг бир неча гуруҳи ажратилади. Туркий тилларнинг Ғарбий хун тармоғи қуйидаги асосий ички гуруҳларга бўлинади.

1) қарлуқ гуруҳи (ҳозирги ўзбек, уйғур тиллари);

2) қипчоқ гуруҳи (қорақалпоқ, қozoқ, татар, бошқирд, нўғой тиллари);

3) ўғуз гуруҳи (туркман, озарбайжон, турк, Туркия туркчаси, гагауз тиллари);

4) булғор гуруҳи тиллари (чуваш тили) гуруҳлардан иборат бўлса, шарқий хун тармоғи қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1) уйғур-ўғуз гуруҳи (қадимги туркий тил, ёқут, хакас, тува тили, тўфалар тили,)

2) қирғиз-қипчоқ гуруҳи (қирғиз, олтой тиллари) .

[*Турк*] сўзи кенг маънода шу тиллар ва халқларнинг умумий номи сифатида қўлланилади ва туркий тил ҳамда халқларни нотуркий (чунончи, араб, форс, тожик, мўғул, славян в.б.) тил ва халқлардан ажратади.

Тор маънода [*турк*] сўзининг маъноси ва қайси тил ва халққа нисбатан ишлатилаётганлиги бу сўзнинг муайян ишлатилиш ўрни (худуди) ва даври билан узвий боғлиқ равишда ўзгаради. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий X-XII асрларда [*турк*] сўзини тор маънода «Қорахонийлар давлатида етакчи мавқега эга бўлган, бошқа ёндош туркийзабонлардан (ўғуз, туркман, уйғур, қипчоқлардан) тил жиҳатидан маълум даражада фарқланган тоифа» маъносида қўллайди. Алишер Навоийда келтирилган парчада [*турк*] ва [*туркман*] сўзлари зидланишидан англашилиб турганидек, [*турк*] сўзи кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам ишлатилган. Тор маънода [*турк*] сўзи билан Маҳмуд Кошғарий каби қарлуқ тоифасига мансуб, ўзбек халқининг шаклланишига таянч асос бўлган ўтроқ аҳолини номлаган.

Кавказ, Туркия, Олтой, Волгабўйи, Болтиқбўйи, Шарқий Европа худудида қўлланилган [*турк*] сўзининг тор маъноси (қайси халқ ёки этник

гурухни атаб келаётганлиги) даври ва минтақаси шарт-шароитига мос аниқланади ва ҳар бир даври худуд учун ўзига хос.

XIII асрда ҳозирги Ўзбекистон аҳолиси таркибида катта ўзгариш содир бўлди: Темурийлар давлати Дашти Қипчоқдаги (Сирдарёнинг ўнг қирғоғидан шимол-шарқда жойлашган Қозоғистон чўлларида) Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида қипчоқ тоифасига мансуб кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинади ва 92 уруғга мансуб бўлган кўчманчи ўзбек тоифаси вакиллари бу худудга кўплаб келиб жойлаша бошлади. Кўчманчилар ўтроқ аҳолини сорт деб атаганлари сабабли кўчманчи ўзбеклар ўзлари босиб олган ва ўзини турк деб номлаган ўтроқ (жуда кўп ҳолларда зуллисонайн, шаҳарда истиқомат қилувчи ёки суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи) аҳолини, одатига кўра, сорт деб атади. Натижада XIII аср ва ундан кейинги даврда ҳозирги Ўзбекистонда (Шайбонийлар давлати худудида) аҳолини сорт-ўзбекка ажратиш оммалашди. [Сорт] атамаси билан Қорахоний-Чингизий-Темурийлар давлатида турк деб аталган, қарлуқ тоифасига мансуб туркийзабон (ва зуллисонайн) ўтроқ аҳолининг (уларга сингиб кетган бошқа элатларнинг) авлодлари, ўзбек номи билан қипчоқ тоифасига мансуб Шайбонийхон билан келган кўчманчи чорвачилик ёки лалмикор деҳқончилик билан шуғулланувчилар аталган. XVII-XIX асрларда бадий адабиётда [сорт] ва [ўзбек] атамаларининг фарқли қўлланилиши шу фарқланиш билан боғлиқ. Турди Фароғий шеърларида, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" асарларида бунинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Чунончи, Турди ғазалларидан бирида шундай байтлар мавжуд:

*Ўзбак ўғли ўқиса тафсир ила мишкотни,
Рўз савм-у шаб қиём афзун этиб тоотни,
Етса торожи ҳаводис, жамъ ўлуб авбоша дер:
"Саҳмгин солиб сурон ур, молин олғил сортни".*

[Ўзбек] сўзининг бугунги кунда тилимизда баъзан воқелантирадиган «соцца», «оқ кўнгил», «тўғри» каби маънолари ҳам шу фарқ билан боғлиқ:

Севсам, севибман-да, ўзбекман, соцца. (Ғ.Ғулом)

Рус истилоси даврида ҳам IX-X асрдаги туркларнинг авлоди бўлган аҳоли [сорт], [сарт] номи билан юритиларди. Шунинг учун XIX аср охирида ўзбек тилининг рус ҳарбийлари томонидан ўрганилиши учун Н.П.Остроумов, М.С.Андреев, Л.А.Зимин кабилар томонидан тузилган илк қўлланмаларда у шу ном билан аталган.

XX аср бошларида бугунги ўзбек миллатининг расмий номланиши анча баҳсу мунозарага сабаб бўлди. Асосий баҳс [турк] – [туркистонлик] – [сорт] – [ўзбек] атамасидан бири устида борди. Шу даврда илғор адиблар кўпроқ [ўзбек] атамасини маъқуллашди.

[Ўзбек] сўзи этноним (халқ номи) сифатида қадимги даврдан қўлланиб келинган. IX аср араб манбаларида ўзбеклар, уларнинг ботирлик ва

қўркмасликлари, шунинг учун халифа сардорлари улардан ўзлари учун қўриқчилар ёллаганлиги ҳақида маълумот бор. Лекин фанимизда рус ва совет даврида бир фикр - ўзбек сўзи Олтин Ўрдада 1313-1342-йилларда хонлик қилган Султон Муҳаммад Ўзбекхон номидан олинган деган талқин тарғиб этилган. Бу – хато талқин. Зеро бу сўз этноним сифатида, айтиб ўтилганидек, XIV асрдан анча олдин ҳам қўлланган. Аксинча, Султон Муҳаммадга бу антропоним (киши номи) [ўзбек] этноними асосида берилган.

Ғарбий Европа ўзбек тили ва маданияти билан XVII-XVIII асрлардан бошлаб яқиндан таниша бошлади ва тилимиз Ғарбий Европада *чигатой тили* номи билан машҳур бўлди. Бу ном ҳақиқатан ҳам чингизий Чигатой ибн Чингиз (вафоти 1242-й.) билан боғлиқ. Бунга сабаб шуки, XVII ва ундан кейинги асрларда мумтоз адиблар ҳудудимизга XIII-XIV асрларда кирган Чигатой улуси номи асосида тил ва адабиётимизни ҳам шу ном билан атаган. Европада бу номнинг кенг оммалашишида Ҳерман Вамберининг XIX аср ўрталарида минтақада кенг ёйилган "Chagatayische sprachstadium" ("Чигатой тили дарслиги") дарслигининг хизмати катта.

Европада ўзбек тили, бундан ташқари, (*қорахоний*), (*шарқий турк*), (*шарқий туркча*), (*шарқий Туркистон тили*), (*исломой шарқий туркий*), (*чигилий*), (*туркий туроний*), (*Навоий туркийси*) ва бошқа номлар билан маълум. Бу атамадан ҳар бирининг ўзига хос илмий-тарихий асоси бор.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек тили ва халқининг илдизи қадим-қадимдан бошланган ва қарлуқ қавмлари ҳамда лаҳжалари турли даврларда ўғуз, уйғур, қипчоқ каби туркий қавмларини, шунингдек, эроний, арабий, мўғул каби нотуркий қавм вакиллари лаҳжаларини ўзига сингдирган, IX-X асрдан бошлаб ҳозиргача узлуксиз ижтимоий-маданий тараққиёт натижасида миллат ва миллий тил сифатида шаклланган. Бу мураккаб тарихий жараён таъсири тилимизнинг шевавий бўлинишида (ўзбек умумхалқ тилининг уч катта лаҳжага ажралишида), лексик-грамматик хусусиятида (чунончи, қаратқич келишигининг қарлуқча [-нинг] қўшимчаси билан *мен*, *сен* олмошларида ўғузча [-инг] кўринишининг сақланиши, *илон* сўзининг шу ўғузча шаклда тилда меъёрлашиши, унинг қарлуқча *йилон* шаклининг эскириши ва қипчоқча шевавий *жилан* кўринишининг мавжудлиги, тилимизда катта миқдордаги тарихан арабий, форсий, қисман мўғулча бўлган сўзларнинг борлиги в.х.) ўз аксини топган. Шунинг учун «номи ўзидан, ўзи номидан қадимийроқ» ибораси ўзбек тили ва миллати тарихига ҳам дахлдор.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш

Адабий тил (аникроғи, адабий нутқ) - умумхалқ тилининг ишлов берилган, сайқалланган ва маълум бир меъёрга солинган шакли. Шунинг учун тилнинг бундай кўриниш шаклига тилшунос Мустақим Мирзаев: "Адабий тил – умумхалқ тилидан ясалган гулдаста,"- деб баҳо берган эди. Демак, ўзбек тили шева ва лаҳжалар бир бутунлигидан иборат бўлган ўзбек миллий тилидан фарқланади. Ўзбек тили ўзбек миллатига тегишли бўлган миллий тилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий тил билан адабий тил (нутқ) орасидаги алоқа бутун-қисм, умумийлик-хусусийлик муносабатидек бўлади. Адабий тил (нутқ) меъёрлашган. У халқ шеваларидан устун туради ва унинг меъёрларига қатъий риоя қилиш шу тилда (халққа) сўзловчилар, турли шева ва лаҳжа вакиллари орасида расмий мулоқот учун шарт. Адабий тил (нутқ) умумхалқ маданияти савиясининг бир кўзгуси. Ёзма ва оғзаки нутқда адабий меъёрга риоя қилиш сўзловчи (ёзувчи) маданий савиясини белгилайди.

Кўпгина халқлар адабий тил (нутқ) меъёрига XIX-XX асрларга эга бўлган бўлса, ўзбек халқида адабий тил (нутқ) анъанаси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бевосита ўзбек халқи тарихига мансуб бўлган адабий нутқ меъёрига риоя қилиб ёзилган ёзма ёдгорликдан катта ва энг қадимийси - Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари, Маҳмуд Кошғарийнинг араб тилида ёзилган "Девону луғотит турк" қомусида берилган IX-XI асрлар адабий тили фонетик-лексик-грамматик меъёрининг тавсифи XI асрга мансуб. Машҳур туркийшунос олимлар академик В.Радлов ва академик А.Кононов (Россия), Маҳмед Фуад Кўпрулу, Аҳмад Арат, Бесим Аталай (Туркия), Кари Броккельман, Анна Мари фон Габен (Олмония), Йилий Немет (Можористон), Карл Менгес, Омелян Притсак (АҚШ) кабиларнинг умумий фикрига кўра, адабий-бадий нутқ "Қутадғу билиг" ёки "Девону луғотит турк"да келтирилган туркий шеърий парчаларда акс эттирилган ҳолатга келиш учун камида 300-500 йиллик бадий ишлов анъанасига эга бўлмоғи керак эди. Шунинг учун ўзбек халқи узлуксиз минг йиллик адабий тил анъанаси билан тўла маънода фахрланса, арзийди.

Ўзбек тили тарихини қуйидаги асосий тараққиёт босқичларига ажратамиз:

1-жадвал

№	Асрлар	Даврнинг номланиши	Манбаларда тилнинг турлича номланиши	Асосий адиблари ва ёзма ёдгорликлари
1.	X-XIV	Ўзбек тилининг илк тараққиёт даври	туркий, эски туркий тил, туркий, туркий хоқоний,	Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Баласоғуний, Аҳмад

			шарқий туркий, чигатой тили	Югнакий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Дурбек, Қутб Хоразмий асарлари
2.	XIV-XIX	Ўзбек тилининг такомиллашиш даври	эски ўзбек тили, туркий тил, чигатой тили, Ўрта Осиё туркчаси, Навоий туркчаси, шарқий туркча	Хоразмий "Муҳаббатнома" си(1353-й.)дан бошлаб Ниёз-Муҳаммад (Комил) Хоразмийгача (XIX аср иккинчи ярми)
3.	XIX-XX	Миллий адабий тилнинг шакллана бошлаши	янги ўзбек тили, туркий тил, сорт тили	Муқимий, Фурқат асарларидан бошлаб ўзбек жадид адабиёти илк намуналаригача
4.	XX-XXI	Ўзбек миллий адабий тили	ҳозирги ўзбек тили	Абдулла Қодирий, Ҳамза, Айний, Ойбеклардан муосир адибларгача

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УНИНГ ШЕВАЛАРГА МУНОСАБАТИ

Ўзбек тили - кўп диалектли тил. Бу унинг мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги, бугунги ўзбек миллати ўтмишда хилма-хил этник таркибга эга бўлганлиги билан белгиланади.

Ўзбек миллий тилини ташкил этувчи турли-туман шеваларни уч лаҳжага бирлаштириш мумкин. Булар: 1) қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси; 2) қипчоқ лаҳжаси; 3) ўғуз лаҳжаси.

Лаҳжалар ўзаро фарқли хусусиятга эга. Бу фарқлар, айтилганидек, лаҳжаларнинг ҳар бири дастлаб ҳар хил қабила ёки қабила бирлашмаларининг тили бўлганлиги билан боғлиқ. Бу тарихий жараёни ҳар томонлама тўғри англаган Е.Поливанов ўзбек тилининг кўп диалектли тил эканлигини назарда тутиб: "Ўзбек миллий тили (ўзбек лаҳжаларининг бир бутунлиги, яхлитлиги сифатида) ягона тизимнинг, аслида ҳеч қачон

амалда бўлмаган ўзбек бобо тилининг диалектологик парчаланиш йўли билан эмас, балки фарқланувчи тил тизимларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган", - деган эди. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи билан юзаки танишишдан ҳам шундай хулосага келиш мумкин.

Ўзбек миллий тилининг лаҳжалари орасида, одатда, қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозирги ўзбек миллий адабий тилининг меъёрларини белгилашда муҳим аҳамият касб этган деб, одатда, алоҳида ажратилади. Бунинг боиси шундаки, ўзбек халқининг шаклланишида қарлуқ этник таркиби Қорахонийлар давридан бошлаб алоҳида мавқега эга эди.

Ўзбек тили бу лаҳжасининг номланишида (қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси) бир мунча англашилмовчилик мавжуд. Биринчидан, бу атамадаги [*чигил*] сўзи ортиқча, чунки чигиллар қарлуқларнинг бир бўғини, холос. Бу бўғин қанчалик катта ва, Кошғарий сўзига кўра, аҳамиятли бўлмасин, қарлуқ тоифасига мансуб.

Иккинчидан, атама таркибидаги [*уйғур*] сўзининг ҳам қадимги уйғурларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу атама ўзбек тили билан биргаликда туркий тиллар ғарбий хун тармоғининг қарлуқ гуруҳига мансуб бўлган ҳозирги уйғур тилига ишора қилади, холос. Шунинг учун ҳозирги ўзбек миллий адабий тили меъёрларининг бу лаҳжа хусусияти билан яқинлиги бежиз эмас. Лаҳжанинг қайта номланишида тарихчи ва шевашуносларнинг хулосаси зарур.

А.К.Боровков қайд қилиб ўтганидек, ўзбек тилининг бирорта шевасини ҳам адабий тилга ҳамма жиҳатдан асос бўлган деб айтиб бўлмайди. Бунинг бош сабаби шундаки, ҳозирги ўзбек миллий адабий тили узоқ адабий ишлов анъанасининг (жумладан, эски туркий, эски ўзбек, янги ўзбек адабий тилларининг) бевосита давоми ва XX асрда у (ёзув ва адабий ишлов анъанасига эга бўлмаган халқларда бўлганидек) тамоман янги бир ҳодиса сифатида юзага келмаган: миллий адабий тил камида минг йиллик адабий ишлов маҳсули. Иккинчидан, ўзбек тилининг барча лаҳжалари ўзбек тилининг тараққиётига маълум бир даражада ҳисса қўшган. Бирининг адабий тилга таъсири бир соҳада кучлироқ бўлса, бошқа соҳада ўзга бир шевалар гуруҳининг таъсири кўпроқ сезилади. Масалан, Андижон, Фарғона шеваларида ўзбек тилига хос энг кўп тарқалган грамматик шакллардан бирини – ҳозирги замон феълининг [-*ял*] аффикси воситасида ясалувчи шаклини берган дейилади. Лекин бу шакл қипчоқ лаҳжаларида ҳам айнан шундай қўлланади. Шуниси характерлики, бир қарашда адабий тилдан бирмунча узоқроқ деб тасаввур қилинадиган қипчоқ лаҳжаси морфологияси сингармонизмдан, яъни фонетик ўзига хосликдан холи олинса, адабий тил морфологияси билан қарийб бир хил. Ёки адабий тилга фонетик жиҳатдан асос дейилган Тошкент шевасида [x] ва [χ] товушлари, қаратқич ва тушум келишиклари шакллари фарқланмайди. Қипчоқ шеваларида эса улар қатъий ажратилади. Қипчоқ

шеваларининг адабий тил луғатини, хусусан, унинг чорвачилик атамалари тизимини ривожлантиришда, адабий тилнинг услубий имкониятларини бойитишда катта ҳиссаси бор. Масалан, [қирқим], [ўтов], [тўл], [саримой], [чакки], [чалон], [улоқ], [совлиқ] каби умумий ва чорвачилик атамалари, [қуйруқ], [бовур], [патир], [товоқ], [кулчатой], [лочира] сингари пазандачилик атамалари адабий тилга қипчоқ шеваларидан кириб келган.

Адабий тилнинг ривожланишига ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси ҳам маълум даражада ҳисса қўшган. Бунинг учун адабий тилдаги [ёшулли], [ўғлон], [буён], [қайдин], [қорағўз] каби қатор сўзларни мисол сифатида келтириш kifоя.

Демак, ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётида таянч манба бўлган тарихий анъана билан бир қаторда барча лаҳжа ва шеваларнинг ўзига хос ўрни бор.

Ўзбек тилининг ўрганилиш тарихи ва босқичлари

Ўзбек тилининг ўрганилиш тарихини қуйидагича даврлаштириш мумкин:

I. XI-XIII асрлар (Қадимги туркий тилшунослик)

II. XV-XIX асрлар (Эски туркий тилшунослик)

III. XX асрнинг бошидан XX аср 90-йилларгача (формал ўзбек тилшунослиги)

IV. XX асрнинг 90-йилларидан бугунги кунгача (замонавий ўзбек тилшунослиги)

I. босқич. Ўзбек тилшунослиги фани Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари билан бошланади. Бу асар 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида топилган.

«Девону луғотит турк» уч томдан иборат бўлиб, 1915-17 йилларда Истанбул шаҳрида нашр этилган. Шу нашр асосида К.Броккельман бу асарни 1928 йилда немисча таржимада нашр қилди. 1939 йилда Анкарада Басим Аталай таржимасида турк тилида босилди. Олим С.Муталлибов девон таржимаси устида самарали ишлаб, 1960-63 йиллар давомида уч томда ўзбек тилида нашр қилди.

Маҳмуд Кошғарийнинг асари кириш ва луғат қисмидан иборат. Кириш қисмида муаллиф «Девон» нинг яратилиш сабаблари, ўз иш услуби, асарнинг тузилиши, туркча сўзларнинг тузилишида қўлланиладиган ҳарфлар, китобда айtilган ва айtilмаган нарсалар, туркий табақалар ва қабилаларнинг баёни, турк тилининг хусусиятлари, тилда ва лаҳжаларда бўладиган фарқлар ҳақида фикр юритади.

Асарнинг луғат қисмида 7500 сўз саккиз бўлимда изоҳланади.

Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар қурилишини тасвирлашда қиёсий

усулдан фойдаланиб, тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири бўлиб қолди.

Илмий фан хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг қадимги туркий тилшуносликда ҳам ўзига хос ўрни бор.

Замахшарий – йирик тилшунос сифатида араб тилшунослигининг ривожига улкан ҳисса қўшган олим. Бироқ унинг луғатларида туркий сўзларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, уларда XII-XIII асрлар Марказий Осиё туркий адабий тилининг лексикаси ўз аксини топган.

XIII-XIV асрларда яшаб ижод этган Абу Ҳайён ал-Андалусийнинг қадимги туркий тилшуносликда тутган ўрни ўзига хос. У туркий ва араб тил муқоясасига доир кўплаб асарлар яратган бўлиб, улардан характерлиси «Китоб ал-идрок ли лисонал-атроқ» луғатидир. Асар 1312 йилда Қоҳирада битилган бўлиб, луғат ва грамматикадан иборат. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, асарда қипчоқ унсурлари жуда кучли бўлиб, шу билан бирга, ўғуз унсурлари ҳам учраб туради.

Қадимги туркий тилшунослик тараққиётида тилшунос Жамолиддин Муҳаммад Абдуллоҳ Туркийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Унинг тахминан XIII-XIV асрларда ёзилган «Китобу-луғат ал-муштоқ фи луғат - ит турк во-л-қафчоқ» («Турк ва қипчоқ тилларига муштоқларни қизиқтирувчи китоб») асари араб, форс, турк, мўғул тиллари қиёсига бағишланган, у туркий тилларнинг тарихий тараққиётини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

II босқич. Эски ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва тараққиётида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Алоий Бинни Муҳибий, Мирзо Меҳдихон кабиларнинг лингвистик қарашлари ва асарлари муҳим аҳамиятга эга.

XIX асрнинг охирига келиб, ўзбек тилшунослигида рус босқинчиларининг маҳаллий халқ маданияти, урф-одати ва тилини ўрганиш эҳтиёжи натижасида бир қанча амалий аҳамиятга эга грамматикалар вужудга келди. М.А.Терентьевнинг «Турк, форс, қирғиз ва ўзбек тили грамматикаси» (1875), А.Старлевскийнинг «Рус кишисининг Ўрта Осиёдаги йўлдоши» (1878), З.А.Алексеев ва В.Вишнегорскийнинг «Сорт тили самоучители» (1884), М.Андреевнинг «Сорт тилини биринчи бор ўрганувчилар учун қўлланма»си (1896), Ф.Машковцевнинг «Сорт тили дарслари» (1899), В.П.Наливкиннинг «Сорт тилини амалий ўрганиш учун қўлланма»си (1898), Н.Будзинскийнинг «Сорт тили дарслиги» (1910) кабилар бунга мисол.

III босқич. Том маънодаги фан сифатида ўзбек тилшунослиги XX асрнинг 20-30- йилларида шакллана бошлади ва шу асрнинг охирларига келиб ўзининг юқори чўққиларидан бирига эришди.

XX аср ўзбек тилшунослигининг шаклланишида Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Е.Д.Поливанов, Қаюм Рамазон, Фаҳри Камолов ва Аюб Ғуломовларнинг хизмат катта.

Бу даврда ўзбек тилининг ички қурилиши замонавий тилшунослик ютуқлари асосида ишлаб чиқилди ва ўзбек тилшунослиги замонавий жаҳон тилшунослигининг бир бўлаги сифатида шаклланди. Имло қоидалари яратилиб, ўрта, ўрта махсус ва олий мактаб учун бу тилдан меъёрий дарслик, қўлланма ва илмий грамматикалар яратилди. Тилшуносликнинг бугунги мавжуд барча бўлимлари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот иши вужудга келди.

Луғатшунослик бўйича олиб борилган ишлар ниҳоятда самарали бўлди. Бир тилли, кўп тилли ва турли соҳавий луғатлар яратилиб, лексикография тилшуносликнинг алоҳида, етук соҳаси сифатида намоён бўлди.

Ўзбек тилшунослиги замонавий фан сифатида тўлиқ шаклланди.

Ўзбек тилини ўрганиш бўйича қилинаётган барча ишлар бир асосий мақсадга - ҳозирги ўзбек тилининг тараққиёт қонуниятларини ва шу асосда унинг барча тармоқлари бўйича меъёрларини белгилашга қаратилди. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўли ва даражаси ҳам худди шу мақсадга эришиш, шу йўлдаги ҳаракатнинг натижалари билан белгиланади. Шу мақсадда ўзбек тилшунослиги қуйидаги бўлимлар бўйича тадқиқот ишларини амалга оширмакда:

1. Фонетика.
2. Лексика.
3. Лексикография.
4. Дерирация.
5. Грамматика.
6. Пунктуация.
7. Диалектология.
9. Услубият.
10. Тил тарихи.

Бу соҳаларнинг барчаси бўйича ЎЗР ҒА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, университетлар ва педагогика институтларининг тилшунос олимлари самарали меҳнат қилишди.

Аввало, ўзбек тилининг фонетик ва грамматик қурилиши соҳасида олиб борилган кенг қамровли ишларни алоҳида таъкидламоқ лозим. Бу борада, айниқса, А.Н.Кононов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, У.Турсунов, А.Ғуломов, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Абдуллаев, С.Усмонов, М.Мирзаев кабиларнинг хизматлари катта. Ундан кейинги авлод сифатида А.Сафоев, Ж.Мухторов, И.Қўчқортоев, А.Ҳожиёвларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Ўзбек тили грамматикаси бўйича олиб борилган кенг қўламли ишларнинг якуни ва

умумлашмаси сифатида 1975-76 йилларда яратилган икки томли «Ўзбек тили грамматикаси»ни кўрсатиш мумкин.

Сўнгги йилларда экспериментал фонетиканинг юзага келиши ўзбек тилшунослиги тараққиётининг қонуний натижаси. Ўзбек тили лексикологияси ва фразеологияси ҳам алоҳида соҳа сифатида шаклланди. Ўзбек тили лексикологияси ва фразеологиясининг ривожланишида С.Иброҳимов, Ф.Камолов, О.Усмонов, С.Усмонов, Ш.Раҳматуллаев каби тилшуносларнинг хизмати катта. 1980 йилда нашр қилинган «Ўзбек тили лексикологияси» номли асар бу борадаги сўнгги ютуқларни умумлаштирди.

Ўзбек тили лексикографияси ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. Кўп томли «Ўзбек совет энциклопедияси», икки томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», ўзбек тили фразеологияси, терминологияси, касб-хунар лексикаси, Навоий асарлари тили ва бошқа соҳалар бўйича ҳам қатор луғатлар юзага келди. «Ўзбек тилининг морфем луғати» янги типдаги луғат сифатида яратилди. Ўзбек луғатчилигининг ривожланишида, айниқса, А.К.Боровков, К.К.Юдахин, В.В.Решетов, О.Усмонов, Р.Дониёров, З.Маъруфов, Ш.Раҳматуллаев, С.Акобиров, Г.Михайлов каби олимлар самарали меҳнат қилишди.

Деривация ўзбек тилшунослигининг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқди.

Ўзбек тилшунослиги соҳаларидан бири диалектологиядир. Ўзбек диалектологиясининг фан сифатида юзага келиши ва ривожланишида Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, Ғози Олим Юнусов, В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, У.Турсунов, М.Мирзаев ва улар издошларининг хизматлари беқиёс. Бу борада А.Алиев, Б.Жўраев, А.Шерматов, А.Жўраевлар уларнинг бу борадаги ишларини муносиб давом эттирдилар. Ўзбек диалектологияси ўзининг сўнгги ютуқлари билан ареал тилшунослик, социолингвистика фани билан омикталашиб кетди. Ўзбек тили тарихини ўрганиш тилшунослигимизнинг илғор соҳасидан бирига айланди. Бу соҳада А.Н.Кононов, А.К.Боровков, Ғ.Абдурахмонов, С.Н.Иванов, С.Муталлибов, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ф.Абдуллаев, П.Шамсиев, А.Рустамов, Ш.Шукуров, Ҳ.Неъматовларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида диққатга моликдир.

Бу давр ўзбек тилшунослигининг мумтоз даври ҳисобланса-да, унда ҳукмрон мафкурага, собиқ коммунистик мафкуранинг миллатларнинг бирлашиб, ягона совет халқи вужудга келиши ҳақидаги ғояси қолипларига туширишга бўлган тазйиқлар натижасида кўп ҳолларда ўзбек тилининг лисоний универсалияларга мувофиқ жиҳатларини кўпроқ очиш, унинг табиатини ҳукмрон тил бўлган рус тили қолиплари асосида кўришга интилиш, уни илмий тадқиқотларда зўрма-зўракилик билан ёритишга уриниш ҳоллари кучайди. Масалан, фонетикадаги урғу масаласини

олайлик. Рус ва бошқа Европа тилларида урғунинг роли катта. Бироқ бу ўзининг барқарор белгиси бўлмаган ўзбек тилига ҳам шундайлигича олиб ўтилди ва асосий фонетик белгиси сифатида алоҳида эътиборга олинди. Ёки ўзбек тилида ҳам [ц], лаб-тиш [в] ундоши борлиги уқтириб келинди. Товушлар орфоэпиясини рус тили талаффуз меъёрларига яқинлаштиришга уринишлар давом этиб келди.

Ўзбек тили грамматикаси талқинида ҳам рус тили қоидаларига ўзбек тили далилларини тикиштириш ҳоллари юз берди. Бу, масалан, морфологияда сўз туркумлари таснифи ва тартибида, грамматик қўшимчалар таснифида, сўзларнинг бирикув омиллари ва воситалари талқинида, гап моҳиятини белгилашда, қўшма гаплар таснифида яққол намоён бўлди.

Луғатчиликда ҳам рус тили луғатлари шаблон вазифасини ўтади. Масалан, «янги типдаги» ўзбек тилининг морфем луғатида ўзбек тилига ўзлашган сўзларни морфемаларга ажратиш, сўз бораётган тилларникидагидек амалга оширилди: *ахборот – ахбор-от, тракторист – трактор-ист* каби. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам шундай йўл тутилган ҳолатлар кўзга ташланади.

Ўзбек тилшунослиги, умуман олганда, улкан ютуқларни қўлга киритиши билан биргаликда, даврнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий таъсири унда ўз изини қолдирмаслиги мумкин эмас эди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб ўзбек тилшунослигининг (амалий, фактографик) босқичи тугалланган ва тўпланган бой далилий ашёни диалектик методология асосида ўрганишга кучли замин тайёрлаб, ўзи эса турғунлик ҳолатини бошдан кечирмоқда эди. Шу боисдан бутун собиқ шўро давлати ҳудудида олиб борилаётган ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати ўзбек тилшунослиги фанини ҳам четлаб ўтмади. Ўзбек тилшунослигининг янги авлодлари Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева каби олимлар қайта қуриш шароитида ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари бўйича республика ва иттифок матбуотида чиқиш қилдилар. Кўтарилган масалаларни моҳиятан иккига бўлиш мумкин:

1) ўзбек тилшунослиги унинг олдида 30-40-йилларда қўйган вазифасини - ўзбек тили турли сатҳ бирликларининг замонавий таҳлил усулларида мукамал тавсифини бериш; адабий тил меъёрларини белгилаш, таълимнинг турли босқичи учун зарур бўлган ўқув қўлланмалари, дарслик ҳамда луғатлар яратиш ва оммалаштиришни муваффақият билан бажарди ва йиғилган ҳодисалар тавсифи асосида илмий тушунчалар ҳосил қилиш хусусийликларда умумийликни, ҳодисаларда моҳиятни, оқибатларда сабабни, воқеликларда имкониятни очиш даражасига кўтарилди;

2) узоқ йиллар давомида ўзбек тили иттифоқдаги туркий, қолаверса, бошқа тиллар каби рус ва Европа тиллари қолиплари асосида ўрганиб келинди. Уни ўз ички субстанциал табиатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида яхлитлик сифатида ўрганиш учун шарт-шароит вужудга келди. Қайта қуриш, ошкоралик ва истиқлол натижаси ўлароқ, миллий тилшуносликлар бошқа миллий фанлар каби коммунистик мафкура кишанларидан халос бўлди. Ўзбек тилининг барча соҳалари бўйича қатор янги талқинлар юзага келди. Бу борада Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Ғ.Зикриллаев, Р.Сайфуллаева, О.Бозоров, Б.Менглиев, Ш.Шаҳобиддинова ва М.Қурбонова каби назариётчи тилшуносларнинг ишлари алоҳида эътиборга молик. Улар ўз тадқиқотларида ўзбек тилининг асл табиатини очиб беришни мақсад қилиб қўйдилар. Шу тарзда ўзбек субстанциал тилшунослиги шаклланди ва қисқа муддатда жиддий ютуқларни қўлга киритди. Улар асосида ўрта мактаб она тили дарсликлари бутунлай янгиланди. Бу ютуқлар нималарда кўзга ташланди?

Биринчидан, лисон ва нутқ фарқланмаслиги натижасида тилшунослигимизда *фонема* ва *товуш*, *морфема* ва *қўшимча*, *лексема* ва сўз каби атамалар моҳиятидан келиб чиқилмаган ҳолда, муқобил атамалар сифатида ишлатилар эди. Лисон ва нутқнинг фарқлануви уларни қатъий тартиблаштирди.

Иккинчидан, лисон ва нутқни фарқлаш грамматикада умумий ва хусусий маънони фарқлаш талабини қўйди. Шунга кўра, фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик диалектикаси асосида ўзбек тили грамматик категориялари тадқиқ қилинди.

Учинчидан, сўз туркумлари таснифи тилшунослигимиздаги энг чигал масалалардан бири эди. Масалан, ўзбек тилида олмош барча мустақил сўз туркумини, қолаверса, гап ва матнни ҳам алмаштира олса-да, у рус тилидагидек от, сифат, сон туркумига хос сўзлар алмаштирувчиси сифатида талқин қилинар эди. Бу нуқсоннинг асосизлиги илмий исботини топди.

Тўртинчидан, тақлидларнинг сўз туркумлари сирасида тутган ўрни ҳам ўзбек тили табиатига ёт эди. Унга чуқур илмий таҳлиллар асосида мустақил сўзлар сирасидан ўрин берилди.

Бешинчидан, грамматик қўшимчалар моҳияти ҳам, уларнинг номланиши ҳам ўзбек тилининг табиатига ёт эди. Шу боисдан сўз *ўзгартирувчи* ва *шакл ясовчи* атамалари остида ўрганилувчи ҳодисалар қайта кўриб чиқилди ва *синтактик шакл ҳосил қилувчилар* ҳамда *лугавий шакл ҳосил қилувчилар* атамаси остида қайта таснифланди.

Олтинчидан, *гап маркази* тушунчаси фанга киритилиб, у асосда ўзбек тилининг гап қурилишига хос субстанциал моҳияти очилди ва ўзбек тилида гапнинг энг кичик қурилиши **[кесим]** қолипига эга эканлиги тан

олиниб, унинг [эга-кесим] қолипли рус ва бошқа тиллардан фарқи асосланди.

Еттинчидан, қўшма гап таснифи ва таркибини белгилашда ҳам ўзига хос ва янгича иш тутилди. Бунда гап маркази тушунчасига, туркий хусусият – ўзбек тилида ривожланган кесимлик шакллари ва қўшма гап таркибида содда гапларни бир-бирига боғловчи воситаларга, тобе гапнинг ҳоким гап валентлиги силсиласида тутган ўрнига асосланилди.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги «нутқ-лисон» тамойилидан «лисон-нутқ» тамойили асосида иш кўришга жадал ўтмоқда. Бошқача айтганда, ўзбек субстанциал тилшунослиги аниқлаган лисоний умумийликларнинг нутқий воқеланишини текширишга жиддий киришмоқда. Лисоннинг амалий воқеланиши, ундан амалий фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи қуйидаги замонавий йўналишлар иш бошламоқда:

1. Социолингвистика.
2. Психолингвистика.
3. Прагмалингвистика.
4. Лингвокогнитология.
5. Лингвокультурология.
6. Нейролингвистика.
7. Компьютер лингвистикаси.
8. Корпус лингвистикаси.

Тилшуносликнинг бу йўналишлари ўзбек формал ва субстанциал йўналишлари олдига тўсиқ қўймайди, албатта. Аввало, формал, сўнгра субстанциал йўналиш олдига қўйилган ижтимоий буюртмани бажариб бўлган бўлса-да, ўз тадқиқ тамойиллари асосида соҳанинг ечилмаган айрим масалалари билан шуғулланишни давом эттираверади. Лекин у давр учун долзарб аҳамият касб этмайди.

2- ҚИСМ

ТИЛ, ЛИСОН, МЕЪЁР ВА НУТҚ МУНОСАБАТИ. ТИЛ САТҲЛАРИ ВА БИРЛИКЛАРИ

Илмий билиш ва унинг босқичлари

Илмий билиш – илмий тадқиқот йўли билан изланиш натижасида борлиқ ҳақида янги билим ҳосил қилиш. Табиат ва жамиятдаги мураккаб, хилма хил ва ранг-баранг ҳодисалар моҳиятини, ривожланиш қонунларини илмий билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, илмий тадқиқот ва изланишларнинг йўналишини ифодалайди.

Фалсафа ва фанда илмий билишнинг икки босқичи фарқланади:

а) фаҳмий (эмпирик, амалий) билиш;

б) назарий (идрокий, мантиқий) билиш.

Биринчи босқичда ўрганилаётган манба, унинг бўлимлари ва таркибий қисмлари, белги-хусусиятини аниқлаш, саралаш, изчиллаштириш ва тасвирлаш ишлари амалга оширилади. Бунда асосий эътибор ўрганиш манбаининг ташқи, зоҳирий хоссаларини аниқлашга қаратилади. Аслида бу ҳали том маънодаги таҳлил эмас, лекин илмий ўрганишнинг зарурий, таркибий қисми, босқичи. Буни Алишер Навоий «Лисонут тайр» достонидаги «Кўрлар ва фил ҳикояти»да кўрларнинг фил ҳақида тасаввур ҳосил қилиши мисолида тасвирлайди.

Назарий билиш эмпирик, яъни фаҳмий билишсиз амалга ошмайди. Амалий билиш жараёнида тўпланган фактик материал назарий билиш жараёнида ақлий тафаккур йўли билан умумлаштирилиб, уларнинг моҳияти очилади. Бу босқичда Навоийнинг мазкур асаридан орифнинг фил ҳақида назарий билим ҳосил қилиши мисолида баён этилади.

Манбани ўрганишнинг ҳар икки босқичи ҳам бирдай муҳим бўлиб, иккинчисини биринчисисиз, биринчисини иккинчисисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларни бир-биридан узиш, қарама-қарши қўйиш, билишнинг икки қутби сифатида муносабатда бўлиш мумкин эмас. Билишнинг икки зарурий босқичи ҳам ўз-ўзича чекланганлик хусусиятига эга. Масалан Навоий фаҳмий билиш ҳақида

Қосир этти фаҳмдин идрокни

дея унинг чекланганлигига ишора қилса, немис шоири ҳ ёте:

Назария қуруқ ёғочдир

деб назарий билишнинг ҳодисалардан узилганлигини уқтиради.

Хўш, билишнинг икки зарурий босқичи нуқтаи назаридан ўзбек тилшунослиги тараққиётини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзбек тилшунослиги ўзининг (XX асрнинг 20- йилларидан 90- йилларигача) амалий босқични босиб ўтди. Бу даврда амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат эди:

1) тилнинг бўлимлари аниқланди;

2) ҳар бир бўлимга доир бирликлар чегараланди;

3) бирликларнинг зоҳирий аломатлари ёритилди. Масалан, фонетика соҳасида ҳозирги ўзбек тилида 6 та унли, 25 та ундош борлиги аниқланиб, уларнинг бевосита сезги аъзоларига таъсир қилувчи хоссалари ўрганилди. Унлилардаги лабланганлик-лабланмаганлик, тил орқа, тил ўрта, тил олди, юқори торлик, қуйи ва ўрта кенглик белгилари шулар жумласидандир. Бироқ ҳар бир унлининг моҳияти-субстанциясига бу зоҳирий белгилар қай даражада дахлдор деган муаммо назарий ўрганиш жараёнида фонемаларнинг вариант-инвариантлик муаммоси остида тадқиқ қилинди. Ҳар бир унлининг (ундошларнинг ҳам) моҳияти назарий усулларда очиб берилди. Шундай ҳолатни морфологияда ҳам кузатиш мумкин. Бунда сўз

туркумлари, ҳар бир туркумга хос грамматик шакллар аниқланди. Грамматик шаклнинг зоҳирӣ белгилари - нутқий хусусияти тадқиқ қилинди. Масалан, ҳар бир келишикнинг 20 дан 50-60 тагача маъноси ажратилиб, тавсифланди. Бу маъноларни янада кўпайтириш мумкин эди. Зеро ҳодисалар чексиз бўлиб, улар қанчалик кўпайса, манба моҳиятини шунча қоронғилаштиради, тўсиб қўяди. Қуйидаги мисолларга диққат қилинг:

Гулноранинг китоби

Гулноранинг опаси

Гулноранинг уйи

Гулноранинг йиғиси

Бунда эмпирик ёндашув қаратқич келишигининг «қарашлилиқ», «мансублиқ», «эғалиқ», «субъект- ҳаракат» каби тўртта маъносини фарқлашни тақозо қилади (қаторни яна давом эттириш ва маънолар сонини кўпайтириш мумкин). Бу – зоҳирӣ маъно, нутқий ҳодиса. Эмпирик тилшуноздан моҳиятга томон бундан чуқурроқ бориш талаб қилинмайди. Назарӣётчи келишикнинг ҳар бир қўлланишидаги фарқдан «кўз юмиб», умумий жиҳатни қидиради. Фарқларнинг (китоб), (опа), (уй), (йиғи) ва бошқа сўзлар таъсирида эканлигини назарӣй йўл билан аниқлайди ва шу асосда қаратқич келишигининг моҳиятини очади.

Назарӣй ўрганиш жараёнида тил ҳодисаларида зоҳирӣ (нутқий) ва ботиний (лисоний) жиҳат фарқланади. Ҳар бир бирлик ёндошлари билан ўзаро муносабатда ўрганилади, уларга тизимий ёндашилади. Масалан, юқоридаги мисолнинг биринчисида (*Гулноранинг китоби*) қаратқич келишигининг «қарашлилиқ», иккинчисида (*Гулноранинг опаси*) «мансублиқ» нутқий (хусусий) маънолари воқеланган. Бироқ қаратқич келишиги шаклининг барча қўлланиши учун умумий жиҳат - «олдинги исмни кейинги исмга тобелаш» маъноси бевосита кузатишда берилмаган ва лисоний аҳамиятга эга. Бу умумийлик юқоридаги мисолларда «*Салим* сўзининг *опа* сўзига қаратувчилик муносабатини ифодалаш», иккинчиси «*Ҳалим* сўзининг *китоб* сўзига қаратувчилик муносабатини ифодалаш» тарзида бевосита кузатишга чиққан, сезги аъзоси билан ҳис қилинадиган қиймат касб этиб хусусийлашган. Эмпирик тилшунос ҳар бир бирликни алоҳида-алоҳида текширади. Масалан, [а] унлисини бошқа унлисиз, бирор замон ёки келишик шаклини бошқасидан ажратиб, узиб олган ҳолда ўрганади. Назарӣй ўрганиш босқичида эса улар ўз тизимдоши билан яхлитликда таҳлил этилади. Ҳар бир бирликнинг, дейлик, унлининг бошқа тизимдоши билан ўзаро муносабатида намоён бўладиган белгиси назарӣётчи учун муҳим аҳамият касб этади. Тил ҳодисаларини бу тарзда ўрганиш тизимий ёндашиш дейилади. Назарӣй тилшунослик ҳар қандай бирликнинг моҳияти унинг муносабатини чуқур таҳлил қилиш билан очилади, деган ғояга таяниб иш қўради.

Фалсафий УМИС ва АҲВОнинг лисоний тизимда воқеланиши

Диалектика ҳар қандай ўрганиш манбаида, борлиқдаги ҳар бир нарсада икки жиҳат борлигини таъкидлайди ва уни қуйидаги икки томонли категориялар асосида системалаштиради:

Умумийлик - алоҳидалик

Моҳият - ҳодиса

Имконият - воқелик

Сабаб - оқибат

Биринчи жиҳат (уни тегишли категорияларнинг бош ҳарфлари асосида қисқача УМИС деб атаймиз) нарсаларнинг бевосита кузатишда берилмаган субстанцияси бўлиб, ақлий, идрокий усул билан англанади.

Иккинчи жиҳат эса (АҲВО – алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат) УМИС нинг воқеланиши бўлиб, уни тадқиқотчи, ўрганувчи киши сезги аъзолари ёрдамида ҳис қила олади.

Ҳар бир нарсада УМИС турлари (умумийлик, моҳият, имконият, сабаб) яхлит ҳолда мавжуд бўлади ва АҲВО турлари биргаликда (алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат) яхлит ҳолда воқеланади. Масала моҳиятини яққолроқ тасаввур қилиш учун ҳаммага тушунарли бўлган ҳаётий бир далилга мурожаат қиламиз.

Ҳовлида бешта ҳар хил ўрик дарахти бўлиб, улар бевосита кузатишда берилган, сезги аъзолари ёрдамида уларни ҳис қила оламиз. Лекин онгимизда яхлит ўрик тушунчаси мавжуд. У бевосита кузатишда берилмаган бўлиб, ақлий йўл билан тикланган. Фалсафада ана шу «умуман ўрик»ка нисбатан УМИС, муайян, кўз олдимизда турган ўриikka нисбатан АҲВО атамасини кўллаш мумкин. Бевосита кузатишда берилмаган УМИС ва сезгилар ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган АҲВОнинг бири иккинчисисиз бўлмайди. Масалан, «умуман ўрик» тушунчаси хусусий, якка, алоҳида ўриklar ҳақидаги тасаввурлардан тикланса, якка ўрик «умуман ўрик» нинг воқеланиши, муайянлашуви. УМИС ва АҲВОни фарқли белгилари асосида қуйидагича тасаввур қилиши мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

УМИС	АҲВО
Моддийликдан холи	моддийликка эга
такрорланувчан	Бетакрор
Чекланган	Чексиз

ва ҳ.

Буни қуйидагича шарҳлаш мумкин:

1.«Умуман ўрик» УМИС сифатида онг орқали идрок этилади. У ўзида якка, алоҳида ўрикларнинг барча умумий белгиларини мужассамлаштириб, фарқли жиҳатини четда қолдиради. Масалан, бир ўрик дарахти эрта, иккинчиси эса кеч пишади, учинчиси аччиқ данакли, тўртинчиси эса кам ҳосиллидир. Бу фарқли жиҳатлар «ўрик» УМИСда акс этмайди. Улар АҲВОларда намоён бўлади. АҲВО моддий тарзда бўлиб, сезги узвларига таъсир қилади.

2.«Умуман ўрик» УМИСи ҳар бир ўрик АҲВОсида такрорланади. Борлиқда қанча АҲВО бўлса ҳам, ҳар бирида УМИС ўзининг бир қиррасини намоён қилаверади. Лекин АҲВО сифатидаги муайян ўриклар такрорланмайди. Кесилган бир ўрикни қайта экишнинг иложи йўқ. Аммо қанча ўрик кесилганию экилгани билан умуман, ўрик УМИСи ўзгармасдан тураверади. УМИС барқарор, АҲВО ўткинчидир.

3.УМИС сифатида «умуман ўрик» битта. Аммо ўрик АҲВОлари чексиз. Шу кунгача мавжуд бўлган ва келажақда экиб, ўстириладиган ўриклар сонини тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо УМИС битталигича тураверади.

УМИС ва АҲВО муносабати фалсафада субстанция ва акциденция, тасаввуфда *зот* ва *тажалли* сифатида қаралади.

Хўш, фалсафий УМИС ва АҲВО тил ҳодисаларга нисбатан қандай татбиқ этилади?

(*Қалин*), (*қора*), (*катта*) сўзларидаги [а] товушларини талаффуз қилайлик. Сезгиларимиз 6 та [а] унли товушни ҳис қилади. Бундаги бирорта (*а*) товушини қайта талаффуз қилиб бўлмайди. Қайта айтилгани эса энди еттинчи (*а*) товуши бўлади. Талаффуз қилинган (*а*) товушини (бошқа товушларни ҳам) қайта талаффуз қилиш мумкин эмас ва ҳар бир қайта айтилган товуш янги экан, демак, нутқимиздаги (*а*) товушлари чексиз бўлиб, ҳеч қачон такрорланмайди ва сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилинади (айтганда эшитилади, ёзганда ўқилади). (*а*) товуши АҲВО бўлиб, у юқорида зикр этилган «алоҳида ўрик»ка монанд.

АҲВОлар қанчалик кўп, ранг-баранг бўлишига қарамай, онгимизда уларнинг умумлашмаси сифатидаги якка [а] УМИСи бор. Бу [а] юқорида айтилган «умуман ўрик» каби моддийликка эга эмаслик (онгда психофизик ҳолатда мавжудлик), барча (*а*) АҲВОларида такрорланувчанлик, микдоран чеклилик (яъни, битталиқ) хоссаларига эга. Фонетик АҲВО *товуш* ва фонологик УМИС *фонема* деб юритилади.

Фалсафий УМИС ва АҲВОнинг лексикада воқеланишига диққат қиламиз. Мисоллар: *Мен китоб ўқишни бошладим. Бу китобни Ҳалим нега келтирди. Китоб қизиқарлилиги билан мени тезда ўзига ром қилди* гапларида учта (*китоб*) сўзи мавжуд. Бу сўзнинг ҳам ҳар бири «муайян ўрик», «муайян (*а*) товуши» каби моддий воқеланганлик, такрорланмаслик белгиларига эга ва улар қаторини яна чексиз давом

эттириш мумкин бўлганлиги сабабли микдоран чекланмаганлик каби АҲВОларнинг барчасига хос белгиларни ўзида мужассамлаштирган. Чексиз (*китоб*) сўзларининг замирида эса «умуман китоб» УМИСи яширинган. У нутққа чиқадиган барча (*китоб*) сўзлари учун доимий асос сифатида яшайди. Чунки иккинчи (*китоб*) сўзи биринчисининг такрори эмас. У – янги сўз. Учинчиси ва қолган барча сўзлар учун шундай фикрни айтиш мумкин.

Шунингдек, морфологияда [-ни] тушум келишиги шаклининг турли нутқий қўлланишлари морфологик АҲВОлар бўлиб, бу кўшимчалар онгдаги [-ни] УМИСи (морфемаси) асосида воқеланган.

Синтаксисда УМИС ва АҲВО муносабати қуйидаги тарзда намоён бўлади. Масалан,

Китобнинг варағи

Уйнинг эшиги

Ҳалимнинг саволи

Қоғознинг қалинлиги

Ручканинг қопқоғи

каби сўз бирикмалари алоҳида-алоҳида АҲВО бўлиб, уларнинг умумий **[қаратқич келишигидаги мустақил сўз + эгалик шаклидаги мустақил сўз=қаратувчи ва қаралмишнинг турли муносабатлари]** қолипи - УМИСининг (мустақил сўз атамаси учун қулайлик мақсадида тилшунослар томонидан қабул қилинган инглизча *word* сўзининг бош ҳарфи бўлган W шартли белгисидан фойдаланамиз: **[W^{қаратқич келишиги} - W^{эгалик кўшимчаси}]** тарзида) воқеланиши. Ўзбек тилида барча гаплар эса АҲВОлар сифатида [кесимлик кўшимчалари билан шаклланган атов бирлиги], яъни **[WPm]** (бунда (W)- юқоридагидек мустақил сўз, атов бирлиги, (Pm) эса кесимлик кўрсаткичи бўлиб, *предикат, маркер* сўзларининг бош ҳарфларидан иборат) УМИСининг юзага чиқиши.

Эсда тутиш керакки, УМИС ҳеч қачон муайян бир АҲВОда тўла-тўқис воқелана олмайди, унда ўзининг маълум бир қисминигина юзага чиқаради. Масалан, **[WPm]** УМИСи *Мен келдим* гапида бошқа, *Кетадимми?* гапида бошқа бир қиррасини намоён қилган. Гапнинг дарак ва сўроқ белгилари бир бутун ҳолда бирданига воқелана олмайди. Бироқ АҲВО УМИСдан ташқарида ҳам бўла олмайди. Ҳар қандай содда гап барибир **[WPm]** УМИСи доирасидан ташқарига чиқа олмайди. Буни Сўфи Оллоёр ҲАҚ (УМИС) ва сифат (тажалли, АҲВО) муносабати мисолида маҳорат билан тасвирлайди:

Субутидир анинг (яъни ҲАҚнинг) саккиз сифоти,

Сифот зоти эмас, на гайри зоти

Мазмуни: ҲАҚнинг саккизта сифати барқарордир, бироқ улардан бирортаси (ўз-ўзича, якка ҳолда) унинг зоти (УМИС)ни ташкил эта олмайди.

Тил, лисон, меъёр ва нутқ муносабати

УМИС ва АХВО муносабати диалектиканинг, яъни бутун борлиқ - табиат, жамият ва инсон тафаккурининг асосий яшаш қонуниятидан бири бўлганлиги сабабли, у ҳар бир фанда ўзига хос тарзда хусусийлашади. УМИСнинг тилдаги тажаллиси *лисон*, АХВОники эса *нутқ* деб юритилади. Лисон ва нутқнинг мажмуи *тил* дейилади.

Тилшуносликда лисоний ва нутқий жиҳатни фарқлашга интилиш ушбу фан билан тенгдош. Чунки ҳар қандай фан чексиз ҳодисаларни умумлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Хусусий ҳодисалар замиридаги умумийликни кўришга интилиш билишнинг ҳар иккала босқичи (фаҳмий ва идрокий)да ҳам мавжуд. Шу боисдан айтиш мумкинки, билишнинг фаҳмий босқичи мутлақ хусусийлик билан ўралашиб қолмаганлиги каби, идрокий босқич ҳам мутлақ умумийликни - УМИСни тиклай олмайди. Бироқ ҳар босқич ўз вазифасига эга. Чунки ҳар бир давр ўз фани олдига муайян мақсад ва аниқ талабларни қўяди. «Фанларнинг тараққиёти шу даврнинг илғор фалсафий фикри, давр учун етакчи бўлган фан соҳаларининг ютуқлари билан узвий боғлиқ. Турли фанларнинг манбалари кўп қиррали бўлганлиги сабабли, даврнинг етакчи фалсафий фикри аниқ фанлардан ўрганиш манбаининг қайси томонларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини, борлиқдаги мавжуд қонуниятларни мантиқий категорияларда қай усулда акс эттириш йўллариини белгилаб беради» (Ҳ.Неъматов). Шу асосда айтиш мумкинки, замонавий ўзбек тилшунослигининг биринчи босқичи, диалектика нуқтаи назаридан, тилдаги УМИС ва АХВОни бир-биридан фарқламай тасниф этиш босқичи. Тилшуносликда лисон ва нутқни изчил фарқлаб ўрганиш аввало тилшунослар В.фон Ҳумбольдт, Б.де Куртенэ ва Ф.де Соссюр номи билан боғлиқ. Лисон ва нутқнинг фарқланиши, тилга тизим сифатида ёндашув ХХ аср жаҳон тилшунослигида туб бурилиш сифатида баҳоланади. Чунки у мавжуд қарашларни тубдан ўзгартириб юборди. Тилга, хусусан, ўзбек тилига система сифатида ёндашувнинг дастлабки йилларида *лисон* ўрнида *тил* атамаси қўлланилиб, у кўп маънолилиқ табиатига эга бўлганлиги сабабли айрим чалкашликларни келтириб чиқарар эди. Чунончи, инсоннинг нутқ сўзлаш қобилияти ҳам, нутқи ҳам ушбу атама билан юритилар эди. Шу боисдан назариётчи тилшунослар УМИСнинг тилдаги воқеланишига нисбатан *лисон* атамасини қабул қилдилар. Натижада *тил*, *лисон*, *нутқ* муносабати қуйидагича тушунилды (2-жадвал):

2-жадвал

ТИЛ		
ЛИСОН	МЕЪЁР	НУТҚ

Юқорида УМИС ва АХВОнинг тилдаги тажаллиси мисолида лисон ва нутқнинг ўзаро муносабати ҳақида кириш характерида сўз юритилди. Энди унга батафсил тўхталинади.

Тил – соф лисоний қобилият ва имконият. У тафаккурни шакллантиришга (кодлаштиришга), хотирада қатъий системага тизиб сақлашга, ахборотни узатиш ва қабул қилишга имконият берувчи муҳим (бирламчи) инсоний ижтимоий-руҳий коммуникация воситаси. Тилда бош ички зиддият аташ (номинатив) ва ифодалаш (экспресив) вазифаларининг диалектик бирлиги.

Лисон УМИС табиатли лисоний бирликларнинг серкирра, кўп қаватли сатҳларидан ташкил топган барқарор, ташқи муҳит таъсирига ўта сезгир, ўзгариш, ривожланиш ва мослашиш имманент қобилиятини ўз ичига мужассамлаштирган мураккаб қурилишли иерархик системасидир. Лисон дейилганда маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан (олдинги авлодлар томонидан) тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий ва мажбурий, фикрни ифодалаш ва бошқа мақсад учун хизмат қиладиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро бирикиш қонуниятлари йиғиндиси тушунилади.

Меъёр лисоннинг ички қурилиш тизимига нисбатан ташқи омил бўлиб, лисоний имконият – синонимик қатор, лисоний бирликларнинг дублет, алловариант ва вариантлари, соҳавий бирликларидан ҳар бирининг воқеланиш ўрни ва хусусиятини белгилайди.

Нутқ лисоннинг меъёр элагидан ўтган муайян моддий (ёзма, оғзаки, тасвирий/имо-ишора, сигнал, ва ҳ. к. шаклларида бирида воқеланишидир.

Демак, лисонда бирлик ва бирикиш қонуниятлари фарқланади. Ҳар қандай лисоний бирлик психофизик табиатли бўлади. Шу билан бирга улар икки томоннинг бир бутунлигидан иборат:

- а) лисоний бирликнинг шаклий, ташқи томони;
- б) лисоний бирликнинг маълум бир вазифаси, маъновий қиймати.

Лисоний бирлик УМИС сифатида мавжуд экан, у моддийликдан холи бўлмоғи лозим. Бунда «лисоний бирликнинг ташқи томони» кўринишга, моддийликка ишора қилмайдами, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, лисоний бирлик моддий қиёфадан холи. Бироқ улар онгда қандайдир тарх, рамз сифатида сақланади. Масалан, [a] фонемасининг талаффуз хусусияти ҳақида умумлашма тасаввур ўзбек тилида сўзлашувчи барча жамият аъзолари тилида бирдир. Бу [a] фонемасининг шакли, ташқи томони бўлса, унинг маъно фарқлаш, чегаралаш томони ички жиҳати саналади. [a] фонемаси хусусиятлари ва маъно фарқлашнинг ўзига хос бирлиги, яхлитлиги сифатида онгда мавжуд бўлади. Ҳар бир фонеманинг маъно фарқлаш ва талаффуз хусусиятлари умумлашмаси

ўзига хос бўлиб, бириники иккинчисиникидан фарқланади ва мустақил фонемага қўйилган талаб унинг айнан ўхшаш бўлишига йўл қўймайди.

Лисоний бирликларнинг бу ташқи ва ички томонини бир-биридан ажратиш, улардан бирини мутлақлаштириш мумкин эмас. Ички ва ташқи томон бир варақнинг икки бетига ўхшайди ва ажратиш мумкин эмас. Нутқ эса юқорида таърифланган сўзлашиш қобилияти асосида айрим шахс томонидан маълум бир хабар бериш мақсади учун ишга солиниши ёки қўлланиши натижаси.

Бир-бирини шартловчи, бир-бирига боғлиқ бўлган «лисон - нутқ қобилияти - нутқ» занжирида фақат нутққина ташқи (моддий) шаклда (оғзаки, ёзма) намоён бўлади ва сезги аъзоларимизга таъсир қилади.

Ф.де Соссюр лисон-нутқ муносабатини шатранж ўйини қоидалари асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилган.

Шахмат доналари ва ҳар бир донанинг юриш қоидаси онгдаги лисоний бирликлар ва уларнинг бириктиш имкониятига ўхшайди. Ўйинчи бамисоли сўзловчи бўлиб, шахмат ўйинини билиши эса сўзловчининг нутқ қобилиятига ўхшайди. Доналарнинг ҳаракатлантирилишини нутққа қиёслаш мумкин. Қиёсланг:

шахмат - ўйнаш қобилияти - ўйин

лисон - нутқ қобилияти - нутқ

Шахмат доналари ва уларнинг юриш имконияти ўйновчининг барчаси учун умумий бўлганлиги каби лисондан фойдаланишда ҳам шу тилда сўзлашувчилар тенг ҳуқуқли.

Лисон ва шатранж қурилмалари ўзаро қиёсланадиган бўлса, аввало, уларнинг бирликлари орасида умумий ўхшашликлар борлигини таъкидлаш лозим. Ҳар иккала қурилма ҳам бирликлар системаси (тизими) ва бу бирликларнинг ўзига хос вазифалари билан иш кўради. Бунда маълум қоида ва қонуниятларга таянилади. Ҳар иккала ҳолатнинг иштирокчиси инсон бўлиб, улар ҳар иккала фаолиятда ҳам маълум бир имкониятни ишга солувчилар. Шу боисдан шахмат тахтаси, унинг доналари, яъни шахмат ўйинининг ташқи, моддий томонини лисоний бирликнинг ташқи томонига, шахмат ўйини қоидалари - доналарининг жойлашуви, ҳаракат қоидалари, яъни шатранж ўйинининг ички томони ҳақидаги тасаввурларни лисоний бирликларнинг мазмун мундарижасига қиёслаш мумкин.

Лисон ва нутқ муносабатига диалектика категориялари нуқтаи назаридан ёндашилса, у ҳақдаги тасаввур ва билим тўлақонли бўлади (3-жадвал):

3-жадвал

БОРЛИҚ		
ТИЛ		
ЛИСОН		НУТҚ

Умумийлик	МЕЪЁР	Алоҳидалик
Моҳият		Ҳодиса
Имконият		Воқелик
Сабаб		Оқибат


Лисон билан нутқнинг ўзаро муносабатини теран англамоқ учун, аввало, лисоннинг ўзини, унинг қандай қурилма эканлигини аниқ тасаввур этмоқ лозим бўлади.

Лисон бўлинувчан бирликларнинг мажмуи ёки турғун хусусий бирликларнинг ўзаро барқарор, доимий боғланиш муносабати асосида ташкил топган янги бир бутунлик. Масалан, гап сўз ва кўшимчага, улар эса товушга бўлинади. Шу нуқтаи назардан лисоний бирликларни аввало, икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) ташкил этувчи энг кичик лисоний бирлик;

б) энг кичик ташкил этувчилар асосида вужудга келган ҳосила лисоний бирлик.

Ташкил этувчи дейилганда, ҳосилалари ўзаро бирикиб, йирикрок лисоний бирликни ҳосил қилувчи бирлик тушунилади. Масалан, ABC учбурчаги ҳосила бирлик:



Бу ҳосила бирлик АВ, ВС, СА томонлар ва шу чизиклар асосида вужудга келган бурчаклардан иборат. Ташкил этувчидан бирортаси ўзгарса, бутунлик ҳам ўз моҳиятини ўзгартиради. Масалан, [ука] лисоний бирлиги уч фонема кўринишининг мувофиқлиги асосида ташкил топган. Булардан бирортаси алмаштирилса, бошқа лисоний бирлик вужудга келади. Масалан, [ака].

Ташкил этувчи ва ҳосила бирлик орасида поғонали муносабат мавжуд бўлади. Поғонали муносабат лисоний бирликларнинг сатҳма-сатҳ қатламланишида муҳим аҳамият касб этади. Қатламланиш қуйидаги тартибда бўлади:

Фонема

Морфема

Лексема

Қолип

Ўзбек тилидаги фонемалар маълум бир бутунликни, бир сатҳ (фонологик сатҳни) ни ташкил этади. Бу сатҳ эса унлилар ва ундошлар тизимидан ташкил топади. Дейлик, унлилар тизими яна иккига -

лабланмаган унли ([*u*]-[*э*]-[*a*]) ва лабланган унли ([*y*]-[*ў*]-[*o*]) тизимчасидан ташкил топган. Кўринадики, ташкил этувчининг ўзи ҳам ташкил этувчидан иборат. Демак, ташкил этувчилик – нисбий тушунча. Бунда минимал ташкил этувчигина бошқа бўлакларга бўлинмаслиги мумкин.

Минимал ташкил этувчи нафақат бирликларни, шу билан биргаликда, бирликларнинг ўзаро муносабатини ҳам ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш лозимки, энг кичик (минимал) ташкил этувчи бўлган фонема яна ички ва ташқи жиҳатга ажралади.

Айтилганлар асосида, лисон ҳамда нутқ бирликлари сифатида қуйидагилар ажратилади. Лисон ва нутқ бирликлари ҳам лисон ва нутқнинг ўзи каби каби УМИС ва АХВО муносабатида бўлади (4-жадвал):

4-жадвал

ЛИСОНИЙ БИРЛИК	НУТҚИЙ БИРЛИК
Фонема	Товуш
Морфема	Кўшимча
Лексема	Сўз
Қолип	ясама сўз, сўз бирикмаси, гап

Лисоний ва нутқий бирлик

1. **Фонема** ва **товуш**. Энг кичик бир ёқлама (яъни фақат шаклий томондан иборат) лисоний бирлик фонема. Фонема муайян тил эгаларининг маълум товуш типи ҳақидаги умумий тасавури. Ҳар бир фонема сўзловчи онгида ўз типини фарқловчи белгилари мажмуи асосида вужудга келган махсус «акустик-артикуляцион портрет» ёки «товуш образи» сифатида сақланади. Муайян фонеманинг фарқловчи белгилари унинг артикуляцион ва акустик хусусияти асосида шаклланади. Артикуляцион белги муайян товушни талаффуз қилиш учун нутқ аъзоларининг бир хил ҳаракатга мослашган автоматик, стандарт ҳолати ҳақидаги тасаввур бўлса, акустик белги сифатида бир турдаги товушга хос талаффуз сифати ва миқдори тушунилади.

Ўзбек тилида сўзловчи шахснинг онгида ҳозирги ўзбек тилидаги 29 та товуш типи - фонема ҳақида маълумот бор. Бу маълумот киши онгида унинг тил ўрганиши, ўзгалар ва ўзининг нутқини кузатиш натижалари сифатида ҳосил бўлади. Масалан, ўзбек тили соҳиби ўзининг эшитиш ва сўзлаш аъзолари фаолиятини кузатиш натижасида [*a*] фонемасининг унлилик, кенглик, лабланмаганлик, [*y*] фонемасининг унлилик, торлик, лабланганлик, [*n*] фонемасининг ундошлик, шовқинлилик, жарангсизлик, портловчилик, лаб-лаблик каби белгиларга эга эканлиги ҳақидаги «табiiй» (гўёки ўзи ҳосил қилинган) билимга эга бўлади. Нутқ сўзлаганда, ана шу типик белгини жонлантиришга, онгидаги имкониятни

воқелантиришга, фонетик умумийликни хусусийлаштиришга ҳаракат қилади.

Лисоний бирликлар нутқий бирликларга нисбатан миқдоран чекланган бўлса-да, аммо уларнинг сони ҳам санокли эмас. Шу боисдан уларнинг хотирада сақланиш механизмини билиш лозим бўлади.

Маълумки, инсон нарсани унинг умумлаштирувчи ва фарқловчи белгилари асосида хотирада сақлайди. Хотирада сақланиши лозим бўлган нарса миқдор жиҳатдан кўп бўлса, эслаб қолишнинг асосий йўли – таснифлаш, яъни гуруҳга ажратиш. Тасниф эса ўхшаш ва ноўхшаш, умумий ва фарқловчи белгиларини аниқлаш асосида кечади. Бу тамойил барча лисоний бирликлар, хусусан, фонемалар таснифида ҳам тўла амал қилади.

Ҳозирги ўзбек тилида 29 та фонема сўзловчи онгида, аввало икки гуруҳ – унли ва ундошга бўлинган ҳолда мавжуд бўлади. Бу гуруҳлар товуш талаффузидаги овоз ва шовқиннинг иштироки даражасига қараб белгиланади. Бўлиниш шу тарзда алоҳида фонемагача давом этиб боради. Унли ҳам, ундош ҳам қарама-қарши белгилари асосида кичик гуруҳчаларга бўлиниб бораверади. Масалан, ўзбек тилидаги 6 та унли бир тизим бўлиб, улар шовқинсизлиги билан ундошдан ажралади. Бироқ бу тизимчанинг ўзи ҳам унсурларнинг қарама-қарши белгилари асосида бўлинади. Унлиларнинг қарама-қарши қўйилиши қуйидагича (5-жадвал):

5-жадвал

И	У
Э	Ў
А	О

Умуман олганда, минимал лисоний бирлик бўлган фонема инсон нутқ аъзоси ёрдамида вужудга келган товуш кўринишларининг умумий андозаси бўлиб, чексиз товушнинг умумлашмалари қатори сифатида онгда яшайди. Сўзловчи ушбу психо-акустик образ асосида нутқ аъзоларини ҳаракатга келтириб товуш ҳосил қилади. Ёки тингловчи ўзга томонидан ҳосил қилинган товушни эшитиш орқали онгидаги андозага солиштириб кўради.

Фонеманинг маъно фарқлаш хоссаси мавжуд бўлиб, бир фонеманинг турли кўриниши бўлган товушларда бу ҳодиса кузатилмайди. Бир фонеманинг нутқий варианты бўлган товуш бошқа фонеманинг варианты бўлган товуш билан алмаштирилса, сўз маъноси янгиланади, яъни бошқа сўзга айланади. Қиёсланг: [қора] ва [қара], [ота] ва [ата], [она] ва [ана]. Шу боисдан ҳам фонемага тилнинг маъно фарқловчи энг кичик бирлиги деб таъриф берилди. Бир фонеманинг турли варианты маъно фарқламайди. Масалан, тил олди ва тил орқа (ў) унлилари қуйида маъно фарқламаган: ўл-ўл.

Лексема ва сўз. Лисоннинг борлиқ ходисаларини номлаш, ифодалаш, кўрсатиш учун хизмат қилувчи бирлиги – лексема. Лисоний бирлик сифатидаги лексема бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган иккита психофизик томон – акустик структура (товуш қобиғи), яъни номема ҳамда маълум бир тушунча асосида вужудга келган мазмуний структура, яъни семеманинг бирлигидан иборат.

Лисоний бирлик сифатидаги лексеманинг товуш структураси фонетик бирлик кўриниш (вариант) ларининг турлича комбинациялари асосида вужудга келган. Ўзбек тилида мавжуд барча лексеманинг шаклий томони тилимизда мавжуд 29 та фонема асосида, холос. Шу боисдан ташқи фонетик структураси асосида лексемаларни кучли ва кучсиз зиддиятга қўйиш мумкин. Кучли оппозиция биттадан (*у* - олмош, *э* - ундош), иккитадан (*от* - иш), учтадан (*бор* - кел), тўрттадан (*қунт-банд*) фонема вариантининг зидланиши асосида ҳосил бўлган бўлса, кучсиз зиддият, лексеманинг таркибидаги айрим фонема вариантлари асосида бўлади (*туб-туп*, *боб-бон*).

Ҳар бир лексема лисоний бирлик сифатида мазмун мундарижасига ҳам эга. Лексеманинг мазмун мундарижаси денотат ёки референт деб аталадиган борлиқдаги нарса, ҳаракат, белги, миқдор кабини ифодаладиган тушунчаларни англатади. Масалан, борлиқда [юз] деб аталувчи киши бурни икки томонининг пешонадан ияккача бўлган қисми мавжуд. Шу асосда киши онгида “юз” тушунчаси вужудга келган. Мазкур тушунча асосида эса семема (лексема маъноси) шаклланади. Тушунча билан маъно битта нарса эмас, улар фарқли хусусиятга эга. Масалан, инглиз, рус, немис тилида сўзлашувчи кишиларнинг онгида “ака” ва “ука” тушунчалари мавжуд. Бироқ бу тушунчалар [*brother*] (инглиз), [*брат*] (рус) ва [*bruder*] (немис) лексемаларида битта маъно (семема)да бирлашган. Ёки [юз], [бет], [башара], [чехра], [ораз] лексемалари битта тушунчани ифодалайди, лекин маънолари ўзаро фарқланади.

Лексеманинг мазмун силсиласи бўлган семемани ташкил этувчи аъзо - сема. Номема товушларнинг турлича комбинациялари асосида ташкил топганлиги каби, ана шу семаларнинг турлича бирикуви ва баъзиларининг ўрин алмашинуви асосида турли мазмундаги семема вужудга келади. Бу семемаларнинг семик таркиби қуйидагича:

[юз] - «одамга хос», «бошнинг олд қисми», «буруннинг икки томони», «пешонадан ияккача», «бурундан қулоққача», «қўлланилиши чегараланмаган», «услубий бетараф», «туркий қатламга оид», «умумистеъмол»;

[жамол] - «одамга хос», «бошнинг олд қисми», «буруннинг икки томони», «пешонадан ияккача», «бурундан қулоққача», «қўлланилиши чегараланган», «бадий услубга хос», «арабий қатламга хос».

Ҳар иккала лексема ҳам бир тушунчани ифодалайди. Уларнинг мазмун мундарижаси – семемаларининг семик таркиби фарқланади. Лексемалар семемаларининг аташ семалари денотатнинг инъикоси - тушунчани ифодалайди. Ҳар бир лексема семемаси ўхшаш ва фарқловчи семага эга. Ўхшаш сема уларни гуруҳларга бирлаштиришга, фарқли сема эса ажратишга хизмат қилади.

Лексеманинг нутқий қўлланилишидаги варианты сўз бўлиб, улар турлича матний қуршов асосида ҳар хил хусусият касб этади.

Лексема туб ёки ясама бўлиши мумкин. Масалан, [китоб], [савдогар], (нончи) бирликларини олайлик. Қатордаги [китоб] ва [савдогар] бирликлари тайёрлик, умумийлик, ижтимоийлик хоссаларига эга. Бироқ тилимизда (нончи) деган лисоний бирлик йўқ. У нутқ жараёнидагина ҳосил қилиниши мумкин ва юқоридаги бирликлар эга бўлган хусусиятдан холи. [нончи] бирлигининг нутқ жараёнидагина хослиги унинг тайёрлик белгисига эга эмаслигини кўрсатади.

3. Морфема ва қўшимча. Морфема лексемадан ажралган ҳолда ўз моҳиятини намоён қила олмайдиган, шакл ва денотатив бўлмаган мазмуннинг бирлигидан иборат бўлган кичик лисоний бирлик. Қўшимча ана шу психофизик моҳиятнинг нутқда намоён бўлиши. Морфема ҳам ташқи (моддий) ва ички (маъно, вазифа) жиҳат яхлитлигидан иборат. Атов мустақиллигига, мустақил синтактик мавқега эга бўлмаган бу бирликлар ўзида лексик ва грамматик моҳиятни уйғунлаштирган бўлади:

а) янги сўзлар ҳосил қилади;

б) сўзларга қўшимча лексик-семантик қиймат беради.

Бир тилга хос бирлик бошқа тилларниқидан фарқланади. Масалан, аморф, агглютинатив ва флектив тиллардаги лексема моҳиятан ўзига хос.

4. Қолип ва ҳосила. Лисоний бирликнинг навбатдаги тури қурилма - қолип. Қолип деганда ясама сўз, сўз бирикмаси ва гаплар ҳосил қилиш схемалари тушунилади. Қолиплар икки хил бўлади:

а) сўз яшаш қолипи;

б) синтактик (сўз бирикмаси ва гап) қолип.

Қолип ҳам бошқа лисоний бирлик каби УМИС табиатли бўлади. Масалан, нутқдаги чексиз ясама сўз (масалан, (сутчи), (нишолдачи) каби битта бевосита кузатишда берилмаган лисоний бирлик (масалан, [нарса/буюм оти+чи=шу нарса/буюм билан шуғулланувчи киши], яъни сўз яшаш қолипининг нутқий ҳосиласи. Китобни ўқимок нутқий ҳосиласи бошқа ўзига ўхшаш чексиз сўз бирикмалари (қоғозни йиртмоқ, уйни сотмоқ ва ҳ.к.) билан биргаликда [От^{тушум келишиги}+ Феъл]=воситасиз тўлдирувчи феълли бирикма] лисоний синтактик қолипидан чиққан нутқий бирлик.

Қолип миқдоран чекланган. Масалан, ўзбек тилида сўз бирикмаси ҳосил қилишнинг 18 та устувор қолипи ажратилган ва нутқимизда улардан сон-саноксиз сўз бирикмаси ҳосил қилинади.

Қолип ҳам бошқа лисоний бирлик каби шакл ва мазмун яхлитлигидан иборат. Юқорида келтирилган қолипларнинг тенгликдан чап қисми шаклий, ўнг қисми эса мазмун томони деб юритилади. Қолипнинг **[сифат+от]** тарзида мазмуний томонсиз берилиши ҳам хато эмас. Чунки, масалан, [-ми] морфемаси мисол сифатида олинганда, унинг грамматик маъноси, [китоб] лексемаси ҳақида фикр юритилганда, ҳар доим унинг семемаси ҳам берилиши [масалан, [-чи=сўроқ, таажжуб билдирувчи морфема], [китоб=варақларидан ташкил топган, муқоваланган, босма ёки қўлёзма ҳолдаги ўқиш қуроли] шарт эмас. Шу боисдан қолип ҳақида гап кетганда, унинг шакл томонини қайд этиш етарли.

Шундай қилиб, фонема, морфема, лексема ва қолип лисоний, товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси ва гап эса нутқий бирлик. Уларнинг ўзаро муносабати ва ўзига хос белгиларига доир фикрни жадвалда қуйидагича хулосалаш мумкин (6-жадвал):

6-жадвал

БОРЛИҚ		
ТИЛ		
ЛИСОН	МЕЪЁР	НУТҚ
Фонема		Товуш
Морфема		Қўшимча
Лексема		Сўз
Қолип		ясама сўз, сўз бирикмаси, гап

Демак, лисоний ва нутқий бирлик ўзаро қуйидаги диалектик муносабатда бўлса (7-жадвал):

7-жадвал

ЛИСОНИЙ БИРЛИК	НУТҚИЙ БИРЛИК
Умумийлик	Хусусийлик
Моҳият	Ҳодиса
Имконият	Воқелик
Сабаб	Оқибат

бир вақтнинг ўзида қуйидаги қарама-қарши белгиларга эга бўлади (8-жадвал):

8-жадвал

ЛИСОНИЙ БИРЛИК	НУТҚИЙ БИРЛИК
моддийликдан холи	моддийликка эга
Чекланган	Чексиз
Ижтимоий	Индивидуал
Барқарор	Ўткинчи

Лисоний парадигма ва унинг турлари

Лисоний бирликлар бир-бирини эслатиб туриш хоссасига эга. Шу боисдан улар жамият аъзолари онгида бир тизимга бирлашган ҳолда яшайди. Масалан, [a] фонемаси [o] фонемасини, [y] фонемаси [ʉ] фонемасини, [u] фонемаси [э] фонемасини эслатади. Лекин [a] фонемаси [к] ёки [х] фонемасини эслатмайди. Чунки улар икки тизим - унли ва ундош тизимига киради. Унлилар бир-бирини унлилар тизимида, ундошлар бир-бирини ундошлар тизимида эслата олади. Ҳатто [y] фонемасининг [a]ни эслатиши ўз тизимдоши билан биргаликда амалга оширилади. Масалан, [a], [o] фонемалари кичик, ички тизим ҳосил қилиб, биргаликда қолган фонема жуфтликларини эслатади. Эслатиш икки томонлама бўлиши ҳам мумкин. Масалан, [юз] лексемаси, бир томондан [бет], [чеҳра], [жамол], [ораз] каби бирликларни, иккинчи томондан, [бурун], [кўз], [қулоқ], [қош], [лаб] лексемаларини эслатади ва бунда у икки тизимнинг аъзоси ҳисобланади.

Бир-бирини эслатовчи бирликлар умумий, ўхшаш белги-хусусиятга эга бўлади. Ана шу ўхшашлик ва умумийлик уларни бирлаштирувчи, бир тизимда ушлаб турувчи белгилари саналади. Масалан, унлилар «соф овозга эгалик» умумий белгиси остида бирлашади. Аммо улар фарқли белгига ҳам эга бўлиши шарт. Масалан, [a] «лабланмаганлик», [o] «лабланганлик» фарқловчи белгига эга, «кенглик» белгиси эса уларни бирлаштиради.

Умумий белгиси асосида бирлашган ва бир-бирини тақозо этадиган, аммо ҳар бири ўзига хос белгиси билан бошқасига қарама-қарши турувчи лисоний бирликлар тизими *парадигма* дейилади (*парадигма* грекча *paradeigma* - мисол, намуна деган маънони билдиради). Парадигмани ташкил этувчи бирлик *парадигма аъзоси* деб юритилади. Парадигмада камида иккита аъзо бўлиб, улар, асосан, бир лисоний сатҳга мансуб бўлади. Бир парадигма аъзолари орасидаги ўзаро муносабат *парадигматик муносабат* дейилади.

Ф.де Соссюр лисоний микросистема ва, умуман, лисоний бирлик орасидаги парадигматик (ассоциатив, бир-бирини эслатиб туриш, ўхшашлик) муносабатини лисоний бирлик учун энг асосий муносабат сифатида баҳолаган эди.

Бир парадигма таркибига кирадиган бирликлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

1. Парадигмадаги битта бирлик эсланганда, шу парадигмага кирувчи бошқа аъзо ҳам хотирланиши (эсга олиниши) зарур.

2. Муайян нутқ шароити учун ўзаро парадигматик муносабатда турган бирликдан, яъни парадигма аъзоларидан биттаси танланиши лозим.

3. Бир парадигманинг аъзолари ўзаро ўхшашлик билан бирга, ҳар бир аъзо иккинчисидан қайсидир бир хусусий белгиси билан фарқланиб туришади.

4. Парадигма аъзолари нутқда бир позицияда (мавқеда) келиб, бир-бирини маълум ҳолатда алмаштира олиши, ўрнини эгаллаши мумкин.

Лисоний парадигма ва унинг аъзоларига нисбатан Ф.де Соссюр томонидан қўйилган бу талаб қарийб юз йилдан бери деярли ўзгаришсиз сақланиб келмоқда.

Парадигма, қамровига кўра, катта ва кичик ёки ташқи ва ички парадигмага бўлинади. Бу парадигмалар бир-бирига нисбатан олинади. Масалан, ундошлар жарангли ва жарангсизга бўлинади.

Демак, *парадигматик муносабат* атамасининг муқобиллари сифатида *ўхшашлик муносабати*, *ассоциатив муносабат* атамалари ҳам ишлатилади. *Тизим* сўзи ҳам кўп ҳолларда *парадигма* атамаси ўрнида ишлатилади: *унлилар тизими*, *келишик тизими* каби. Жарангли ва жарангсизлар алоҳида кичик ёки ички парадигма бўлиб, ундош тизими бир бутун ҳолда уларга нисбатан катта ёки ташқи парадигма дейилади.

Лисоний бирликлар тизимининг қайси лисоний сатҳга мансублигига кўра, *фонетик*, *лексик*, *морфологик*, *синтактик парадигма* фарқланади.

Айтилганидек, фонема тизими ва уларнинг ички бўлиниши *фонологик парадигма* дейилади. Фонологик парадигманинг хусусияти, уни ташкил этувчи бирликнинг парадигматик муносабати хусусида «Фонетика-фонология» бўлимида баҳс юритилади.

Семантик-грамматик умумийликка эга бўлган лексик бирликлар луғавий парадигмани ташкил этади. Синонимик, партонимик, гипонимик, иерархионимик, градуонимик, функционимик қаторга бирлашган лексемалар тизими, алоҳида луғавий гуруҳ, луғавий-мавзувий тўда, луғавий-мазмуний майдон, сўз туркуми ҳам йирик (макро) парадигмани ташкил этади. Лексик парадигма ва уларда амал қилувчи парадигматик муносабат ҳақида «Лексикология-семасиология» бўлимида баҳс юритилади.

Морфологик категория (морфологик шакллар тизими) – морфологик парадигмадир. Морфологик шаклларнинг парадигматик муносабати ҳақида тилшуносликнинг «Морфология-морфемика» бўлимида батафсил тўхталинади.

Синтактик қолиплар тизими синтактик парадигмани ташкил этади. Синтактик парадигма иккига - гап парадигмаси ва сўз бирикмаси парадигмасига бўлинади. Гап парадигмасининг ўзи икки - содда гап қолипи ва қўшма гап қолипи каби ички (микро) парадигмага бўлинади. Бу билан «Синтаксис» бўлимида танишасиз.

Лисоний муносабат ва унинг турлари

Муносабат кенг қамровли тушунча, бир бутунликнинг таркибий қисми - бирликлари орасидаги ўзаро алоқа ва боғланишни англатади. Бундай алоқа турлича бўлиши мумкин. Қуйидаги гапга диққат қилинг: *Уларнинг исми - Ҳалим ва Ҳалим*. Бундаги нутқий бирликлар турли муносабат билан боғланган. (*Улар*) сўзи (*исм*) сўзи билан, (*у*) олмоши (-лар) қўшимчаси билан кетма-кет, занжирсимон алоқада. Ёки (*исм*) сўзи учта товушнинг кетма-кетлигидан иборат. Бундай чизиксимон, линиявий кетма-кетлик алоқаси *синтагматик алоқа* дейилади. Синтагматик алоқа лисонда ҳам, нутқда ҳам мавжуд бўлади. Масалан, [*китоб*] лексемаси бешта товушнинг бирикувидан иборат номемага эга бўлиб, у лисоний бирлик саналади. Шунингдек, ясама сўз ((*сувчи*), (*эртапишар*)), сўз бирикмаси (*китобни ўқимоқ*) да ҳам бирикувчи аъзолар синтагматик алоқада бўлади.

Синтагматик алоқани синтактик алоқадан фарқлаш лозим. Синтагматик алоқа барча тил бирликларига хос кетма-кет боғланиш бўлса, синтактик алоқа сўз ва гапларнинг ҳоким-тобелик муносабати. Демак, синтагматик алоқа ва синтактик алоқани бутунлай бошқа-бошқа ҳодисалар ҳам, шунингдек, уларни бир-бирига айнан тенглаштириш, бир-бирини қопловчи тушунча сифатида қараш ҳам мумкин эмас. Синтагматик ва синтактик алоқа бутун-бўлак муносабатида. Бошқача айтганда, синтактик алоқа синтагматик алоқанинг бир кўриниш.

Кўпинча синтагматик алоқани нутққагина хос деб тушуниш ҳам учрайди. Бу - ҳодисани тор маънода тушуниш. Юқоридаги гапда иштирок этаётган бирликлар орасида поғонали муносабат ҳам мавжуд. Поғонали муносабат деганда бирликнинг бошқаси томонидан қамраб олиниши тушунилади. Масалан, (*Ҳалим*) ва (*Карим*) сўзлари эркак кишининг исми бўлиб, аёлнинг исми бўлган (*Ҳалима*) сўзига қарама-қарши туради. Лекин уларнинг барчасини [*исм*] лексемаси қамраб олади. [*исм*] лексемаси эса, [*ном*] лексемаси билан биргаликда, [*от*] лексемаси томонидан қамраб олинади. Уни шартли равишда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (9-жадвал):

9-жадвал

От					
Исм				НОМ	
<i>Ҳалим</i>	<i>Салим</i>	<i>Гулнора</i>	<i>Лола</i>	<i>қўй</i>	<i>китоб</i>

Бу поғона юқорига ва қуйига қараб яна давом эттирилиши мумкин. Демак, [Салим], [исм], [от] лексемалари поғонали муносабатга киришган.

Лисоний бирликларнинг поғонали муносабати икки хил. Масалан, [дарахт] ва [тана], [илдиз], [барг], [шох] бирликларининг ўзаро муносабати [дарахт] ва [олма], [ўрик], [нок], [гилос] лексемаларининг ўзаро муносабатидан фарқ қилади.

Аввалги поғонали муносабатда [дарахт] бутунни ва қолганлари қисмни ифодаласа, кейингисида [дарахт] турни ифодалаб, меванинг муайян номини ифодаловчи бирликлар турнинг кўриниши - жинс сифатида намоён бўлади. Иккинчи муносабатдаги бирликлар [дарахт] лексемасининг хусусий кўриниши - жузъийлашиши. Биринчисида эса бундай муносабат мавжуд эмас. Шу боисдан «Гилос дарахтдир» тарзидаги ҳукми айтиш мантиқий. Бироқ «Илдиз дарахтдир» дейиш мумкин эмас.

Тилшуносликда лисоний бирликнинг бутун-бўлак муносабати *партонимик* (*part* - қисм, бўлак), тур-жинс муносабати *гипонимик муносабат* дейилади. Партонимик муносабатга киришувчи қисмни ифодаловчи бирликлар *партоним*, гипонимик муносабатга киришувчи жинс номлари *гипоним* дейилади. Бутунлик *тотоним* ва тур номи *гипероним* дейилади.

Ўхшашлик (парадигматик) муносабати ўзаро тенг (поғонали муносабатдаги [дарахт] ва [тана], [дарахт] ва [гилос] бирликлари семантик қамрови жиҳатдан тенг эмас эди), бир умумий белги асосида бирлашиб, қатор ҳосил қилувчи, аммо ўзига хос белгиларга кўра фарқланиб турувчи бирликларнинг ўзаро алоқасини ифодалайди.

Юқорида айтилганидек, парадигма аъзолари ўзаро тенг бўлиб, нутқда бир хил ўринни эгаллайди ва бир хил хусусиятга эга бўлади. Берилган мисолдаги [Ҳалим], [Карим], [Ҳалима] сўзлари ўзаро тенг, бир хил ўринда кела олади, бироқ ўзаро фарқларга ҳам эга.

Ўзаро ўхшашлик муносабатида бўлган бирликларнинг бир-бири билан фарқли хусусияти асосида қарама-қарши қўйилиши *зиддият* (*оппозиция*), зиддиятга киришаётган парадигма аъзолари *зиддият аъзоси* дейилади. Зиддиятдаги бирликлар ўзаро маълум бир белги асосида қарама-қарши қўйилади. Бу белги *зиддият белгиси* дейилади.

Навбатдаги мавзуда зиддият тури ва моҳияти хақида сўз юритилади.

Лисоний зиддият ва унинг турлари

Зиддият (ар. *қарама-қаршилик*: вар. *оппозиция*. лат. *oppositio*-*қарама-қарши қўйиш*) – лисоний бирликларнинг ифодаланишидаги фарқларга мувофиқ ифодаловчиларининг ва, аксинча, ифодаловчилардаги фарқларга

мувофик ифодаланмишларининг муҳим лисоний фарқланиши. Масалан, [б] ва [т] фонемалари орасида зиддият мавжуд бўлиб, шунга мувофик, (бои) ва (тои) бирликлари орасида шаклий-мазмуний қарама-қаршилик муносабати амал қилади. Ёки «бирлик сон», «кўплик сон» орасидаги семантик зиддият (китоб) ва (китоблар) бирликларида ҳам шаклий (формал), ҳам мазмуний (семантик) фарқни келтириб чиқаради.

Табиат, жамият ва тафаккурдаги мавжудлик ва тараққиётнинг асосий омили қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни бўлганлиги каби лисоний парадигмада бирликларни бир-бирига боғлаб турувчи, парадигманинг яшовчанлигини таъминловчи омил лисоний зиддиятдир. Демак, лисоний зиддият фалсафий қарама-қаршилик бирлиги ва кураши қонуннинг тилдаги хусусийлашмаси, воқеланиши.

Лисоний зиддиятни аниқлаш ёки лисоний зиддиятга бундай ёндашиш зиддиятли ва зиддиятсиз муносабатни фарқлашни тақозо қилади. Чунки турли лисоний бирлик ва бир бирликнинг турли варианты орасидаги муносабат ҳар хил табиатли унсурлар, аъзолар орасидаги муносабатлар сифатида муайянлаштирилмоғи лозим. Масалан, шахс сон шакли бўлган [-миз] ва [-сиз] (ўқиймиз-ўқийсиз) ҳар хил лисоний морфологик бирлик бўлиб, бир парадигманинг турли аъзолари сифатида зиддиятли муносабатда бўлади. Бироқ турли фарқли хоссага эга бўлган тил олди ва тил орқа (ў) унлилари битта (ў) фонемасининг вариантлари сифатида фонетик жиҳатдан фарқланса-да, функционал жиҳатдан тафовутга эга эмас. Чунки ўзбек тилида битта (ў) фонемаси мавжуд бўлиб, унинг вариантлари маъно фарқлаш табиатига эга эмас. Баъзилар [ўй] сўзини айтганда, (ў) ни тил олди, бошқалар эса тил орқа унлиси сифатида талаффуз қилади. Барибир, бу сўз (ў) товушлари қандай бўлишидан қатъи назар, «фикр», «хаёл» маъноларини беради. Лисоний бирликнинг варианты орасидаги бундай муносабат зиддиятсиз муносабат дейилади.

Зиддият парадигматик муносабатнинг хос кўриниши ва хоссаси сифатида синтагматик муносабатга қарама-қарши қўйилади .

Маълум бир лисоний бирлик мансуб зиддиятлар мажмуи бу бирликнинг парадигматик сифатини аниқлашда, парадигматик муайянлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Парадигматик муайянлаштириш бирликнинг бошқа бирликдан фарқланувчи субстанциал табиатини ойдинлаштириш демакдир.

Тилшунослар лисоний зиддиятни бир неча томондан таснифлайдилар:

1. Зиддият тизимида тутган ўрнига кўра.
2. Зиддият аъзоларининг ўзаро муносабатига кўра.
3. Турли вазиятда зиддиятнинг амал қилишига кўра.

Лисоний зиддият, зиддият тизимида муносабатига кўра, ўлчами ва учровчанлик белгилари билан фарқланади.

Лисоний зиддият ўлчовига кўра, бир ўлчамли ва кўп ўлчамли турга бўлинади.

Агар белгилар мажмуи тизимда зидланувчи икки аъзо учунгина амал қилиб, бошқа аъзога тегишли бўлмаса, бир ўлчамли зиддият дейилади. Масалан, ўзбек тилидаги [л] ва [х] фонемалари ҳосил бўлиш ўрнига кўра «ён» ва «бўғиз» белгилари асосида зидланиб, бу белги ундошлар тизимининг бошқа аъзоларида учрамайди. Чунки бу ундошлар ўзбек тили фонологик тизимида ягона ён ва ягона бўғиз ундошларидир.

Кўп ўлчамли зиддиятда зидланувчи бирликдаги белги бошқа аъзода ҳам учрайди. Масалан, тил олди ундошлари бўлган [м] - [д] зидланар экан, [м]даги «тил олди»лик белгиси [д] фонемасида ҳам мавжуд. Бунда аъзолар бошқа белги асосида зидланади.

«Учроччанлик» белгисига кўра зиддият ажралган ва мунтазам зиддиятга бўлинади. Ажралган зиддиятда шундай белги асос қилиб олинадики, бу белги бошқа зиддиятга асос бўла олмайди. Масалан, унлиларнинг лабланган-лабланмаганлик белгиси фақат тенг қийматли зиддият учун асос бўлади. Бундай зиддият «ажралган» зиддият дейилади. Лекин тилнинг кўтарилиш даражасига кўра белгиси тенг қийматли зиддиятга ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Бир белги турли аъзони жуфтлаб зидлаш учун хизмат қилса, мунтазам зиддият дейилади. Масалан, эрлик, аёллик жинси асосидаги зиддият [ота]-[она], [ўғил]-[қиз], [ака]-[сингил], [чол]-[кампир] зиддиятида учрайверади.

Аъзолари орасидаги муносабатга кўра зиддият:

А) нотўлиқ (приватив);

Б) даражали (градуал) ;

В) тенг қийматли (эквиволент)

каби турга бўлинади.

Нотўлиқ зиддиятда қаршиланувчи аъзодан бири зиддият белгисига ижобий, бошқаси эса бетараф муносабатда бўлади. Масалан, [бола] ва [ўғил] лексемаларини олайлик. Улар «эркак жинсли» деб аталган зиддият белгисига икки хил муносабат билдиради. Бу белги [ўғил] лексемаси семантик таркибида аниқ берилган, шу боисдан унинг муносабати ижобий ёки белгиланган дейилади ва шартли равишда [+] белгиси билан берилади. [бола]лексемасида эса жинс белгиси аниқ эмас. Чунки унинг семантик таркибида «эр» ёки «аёл» (яъни жинс) семаси йўқ. Бошқача айтганда, бола ўғил ҳам, қиз ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун бу лексеманинг зиддият кўрсаткичига ишораси белгиланмаган (номаълум, мажхул) дейилади ва шартли равишда +/- ёки О (ноль) белгиси билан берилади. Бу чизмада қуйидагича берилади (10-жадвал):

10-жадвал

«эркак»

[ўғил] (+)	[бола] (0)
------------	------------

Нотўлиқ зиддият тилнинг барча сатҳида амал қилувчи муҳим қонуниятдир. Масалан, морфологияда лексемаларни умумий грамматик маъносига кўра мустақил ва номустақил лексемага бўлиш привативлик асосида амалга оширилади. Бунда «луғавий маъно ифодалай олмаслик» нотўлиқ зиддиятнинг белгиси бўлиб, зиддиятда мустақил лексема белгиланмаган, кучсиз аъзо бўлса, номустақил лексема белгилли, кучли аъзо сифатида намоён бўлади (11-жадвал):

11-жадвал

«луғавий маъно ифодалай олмаслик»	
[номустақил лексемалар] (+)	[мустақил лексемалар] (0)

Чунки мустақил лексема луғавий маъно ифодалашни ҳам, номустақил лексема вазифасида келиши ҳам мумкин. Масалан, от кўмакчи, феъл кўмакчи, кўмакчи феъл ва ҳ.лар номустақил лексема каби луғавий маънога эга бўла олмайди.

Нотўлиқ зиддиятда белги танлаш ихтиёрий эмас. Масалан, бир қарашда юқоридаги зиддиятда белгини «луғавий маъно ифодалаш» деб ҳам, «луғавий маъно ифодалай олмаслик» деб ҳам қўйиш мумкиндек туюлади. Келинг, зиддият белгисини юқорида қўйилганидек эмас, балки «луғавий маъно ифодалай олиш» деб ўзгартириб кўрайлик(12-жадвал):

12-жадвал

«луғавий маъно ифодалай олиш»	
[мустақил лексемалар] (+)	[номустақил лексемалар] (0)

Бу тўғрими? Биринчидан, нотўлиқ зиддиятда қайсидир бир аъзо О (ноль) белгисини олиши керак. Олдинги зиддиятда мустақил лексемалар ушбу белгига эга эди. Бунда энди номустақил лексемалар олиши керакка ўхшайди. Йўқ, бундай эмас. Чунки номустақил лексема гоҳ луғавий маъно ифодалаш, гоҳ ифодаламаслик хоссасига эга эмас. Зиддиятнинг иккинчи аъзоси [+] белгисига эгами? У (яъни мустақил лексемалар) ҳ а м и ш а «луғавий маъно ифодалай олиш» белгисига эга бўлиб, бошқа хил вазифада қўлланила олмайдими? Йўқ, у бундай хусусиятга эга эмас; олдинги зиддиятда кўриб ўтганимиздек, мустақил лексема «луғавий маъно ифодалай олмаслик» белгисига эга бўла олади. [-] белгисига ҳам, қисқаси [0] белгига эга. Демак, кейинги «зиддият» зиддият эмас. Зиддият лисоний бирликнинг моҳиятини, субстанцион табиатини ўзида акс эттирмоғи лозим. Акс ҳолда «сунъий» зиддият келиб чиқади. Бошқа зиддият каби нотўлиқ зиддият ҳам объектив ва хоҳиш- иродамизга боғлиқ эмас.

Даражали зиддият аъзолари камида учта бўлиб, бир белги (зиддият белгиси) нинг ўсиб боришига кўра аъзолар қатор ҳосил қилади. Масалан, тилнинг кўтарилишига кўра унли фонемалар даражаланиши куйидагича: [a] - [э] - [и] ёки [o] – [ў] – [у]. Бунда белги биринчи аъзода кучсиз, иккинчи аъзода ўртача ва кейинги аъзода кучли ёки аксинча бўлиши мумкин. Даражали зиддият ҳам барча сатҳ бирликларида учрайди. Масалан, лексикада [нинни]-[чақалоқ]-[гўдак]-[бола]..., [турқ]-[башара]-[бет]-[юз]-[чеҳра]..., морфологияда [ҳаракат номи]-[сифатдош]-[равишдош] («фееълни ўзгалаш даражасига кўра» белгиси асосида) каби.

Эквиполент (тенг қийматли) зиддиятда икки аъзо қаршилангирилиб, ҳар бири ўзига хос, иккинчисига хос бўлмаган белгига эга бўлади.

Масалан, овоз ва шовқинга кўра жарангли ва жарангсиз ундош тенг қийматли (ўзига хос белгига эга бўлган аъзоли) зиддиятни ҳосил қилади.

Мунтазам (пропорционал) зиддиятда бир зиддият белгиси жуфтланган турли бирликлар учун оппозитив кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. «жинс» белгиси [ота]-[она], [ака]-[опа], [сингил]-[ука], [тоға]-[холла] луғавий зидланишлари учун умумий.

Зиддият аъзолари микдорига кўра зиддият икки аъзоли (бинар) ва уч (кўп) аъзоли зиддиятга бўлинади.

Учинчи белгисига кўра зиддият доимий ва мўътадиллашган зиддиятга бўлинади.

Мўътадиллашиш жараёнида муносабатга киришаётган бирликлар ўртасидаги зиддият кучсизланади. Масалан, [ём]-[ёд] зидланишда сўз охиридаги [m], [d] товушлари жарангли-жарангсизлик билан фарқланмайди. [d] фонемасининг нутқдаги вазиятидан келиб чиққан ҳолда унда жарангсизлик белгиси кучсизланади. Аммо бу соф нутқий ҳодиса. Мўътадиллашиш лисоний бирликнинг нутқий воқеланишида юз беради. Лексема ва морфема ҳам нутқий воқеланганда, уларнинг лисонда бошқа бирликлар билан зиддиятли муносабатини белгилайдиган хоссаси, белгиси кучсизланиши мумкин.

Юқорида келтирилган [m] ва [d] ундошларининг жарангли-жарангсизлилик белгисига кўра зидланишини ёрқин намоён қиладиган вазият [d] фонемасининг сўз боши ва сўз ўртасида воқеланиши. Зиддиятни воқелантирадиган позиция кучли ва уни сўндирадиган нутқий ҳолат кучсиз позиция дейилади.

Лисоний тасниф ва унинг турлари ҳақида тушунча

Тасниф (арабча «саралаш», «тартибга солиш») нарса ва предметни аниқ ва доимий ўринга эга бўлган гуруҳ (синф) га бўлиш. Агар тасниф илмий асосга эга бўлса, у узоқ давр мобайнида амал қилади. Масалан,

химиявий элементлар таснифи бугунги кунда улар сони 200 дан ошиб кетаётган бўлса-да, ўзгармасдан амал қилмоқда.

Таснифлаш бўлишдан барқарор табиатлилиги билан ажралиб туради. Тўғри, таснифлашда ҳам оддий бўлишда амал қиладиган барча тамойиллар асос бўлиб хизмат қилади. Яъни таснифда ҳам бўлишдаги каби:

1) таснифланган бўлақлар ҳажми таснифланаётган бутунлик ҳажмига тенг бўлиши;

2) тасниф бир асосда амалга оширилиши;

3) тасниф (таснифланган) гуруҳлар бир-бирини инкор қилиши;

4) тасниф узлуксиз бўлиши, яъни унда «сакраш» бўлмаслиги лозим.

Бу қоидаларни қисқача шарҳлаймиз.

1. Таснифланган гуруҳ ҳажман таснифланувчи бутунликка мос келиши. Масалан, фонема унли ва ундошга, лексемалар мустақил ва номустақил лексемага, қўшимча сўз ясовчи ва грамматик қўшимчага ажралади. Агар таснифланган гуруҳ сони анча кўп бўлса «ва бошқалар», «ва ҳоказо» тарзида санашни тугатиш ҳам мумкин. Масалан, «фёълнинг мавзуий гуруҳлари «ҳаракат фёъли», «нутқ фёъли», «тафаккур фёъли», «юриш фёъли» ва ҳоказо» каби.

Бу қоиданинг бузилиши қуйидаги хатоларга олиб келади:

а) **нотўлиқ тасниф**да турнинг барча жинслари тўлиқ саналмайди. Масалан, «Сўз ясовчи от ясовчилар ва фёъл ясовчиларга бўлинади» каби. Чунки сўз ясовчилар айтилганлардангина иборат эмас;

б) **ортиқча аъзоли таснифлар** таснифланган гуруҳлар ҳажман таснифланувчи бутунликдан катта бўлади. Масалан, «унлилар лабланган, лабланмаган ва бўғиз турларига эга»;

2. Таснифнинг бир асосда амалга оширилиши лозимлиги. Таснифланувчи бутунликни гуруҳларга бўлиш бир белги, асос, мезон асосидагина амалга оширилмоғи лозим. Масалан, сўз туркумлари уч морфологик, семантик ва синтактик белги асосида таснифланиши мумкин. Лекин ҳар бир таснифда уларнинг биригагина таянилади. Таснифда бунга риоя қилмаслик икки хил хатога олиб келади:

а) **таснифни амалга ошира олмасликни келтириб чиқаради.** Масалан, сўзлар морфологик жиҳатдан ўзгарувчи ва ўзгармас семантик жиҳатдан автосемантик (мустақил маъноли) ва синсемантик (номустақил маъноли) сўзларга бўлинади. Лекин уларни бир пайтнинг ўзида морфологик ва семантик тасниф қилиб бўлмайди. Чунки ўзгармас сўз автосемантик ҳам, синсемантик ҳам бўлиши мумкин. Масалан, кўмакчи ўзгармас, синсемантик, равишлар ўзгармас, автосемантик сўз;

б) **таснифнинг бир босқичининг ўзида гоҳ у, гоҳ бу асосни қўллаш ёки биридан иккинчисига ўтиш тасниф изчиллигига путур еткази.** Масалан, эргашган қўшма гапнинг анъанавий таснифида

тасниф дастлаб синтактик белги асосида (эга эргаш гап, кесим эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, аниқловчи эргаш гап) бошланиб, семантик асос билан давом этар ва тугар эди: пайт эргаш гап, шарт эргаш гап, ўрин эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, натижа эргаш гап ва ҳ. Анъанавий усулда тасниф дастлаб синтактик белги асосида амалга оширилиб, иккинчи босқичда семантик тасниф амалга оширилса, тўғри бўлар эди. Масалан (13-жадвал):

13-жадвал

Эргаш гап									
Эга эргаш гап		Кесим эргаш гап		Аниқловчи эргаш гап		Тўлдирувчи эргаш шгап		Ҳол эргаш гап	
Ҳол эргаш гап									
Сабаб эргаш гап	Ўрин эргаш гап	Пайт эргаш гап	Шарт эргаш гап	Натижа эргаш гап	Тўсиқсиз эргаш гап	Мақсад эргаш гап	Даража-микдор эргаш гап		

3. Тасниф аъзолари (гуруҳлари) бир-бирини инкор этиши лозим. Масалан, ундошлар тил олди, тил ўрта, тил орқа, бўғиз, жарангли, жарангсиз турлардан иборат дейилган таснифда аъзоларнинг айримлари бошқаларини инкор эта олмайди. Яъни жарангли ундош тил олди ундоши билан зидлана олмайди, тил олди ва тил ўрта ундошлари бир-бирини инкор этиш хоссасига эга.

4. Таснифда сакраш бўлмаслиги лозим. Агар «кесим содда кесим, мураккаб феъл кесим, мураккаб от кесимга бўлинади» таснифини амалга оширсак, хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки дастлаб кесимни содда ва мураккабга, сўнгра феъл ва от кесимга бўлиш тўғри ва изчил таснифни беради.

Таснифнинг бўлишдан фарқи шундаки, бўлишда аъзолар гуруҳланиши шарт эмас. Масалан, «лабланмаган унлилар [и], [э], [а] дир» дейиш тасниф эмас, балки бўлишдир. Тасниф характериға эга бўлиш учун и ёки а гуруҳ (синф) бўлиб, ўз навбатида, яна бўлиниб кетиши лозим эди. Унлиларни лабланган ва лабланмаган унлиға бўлиш тасниф бўлиб, лабланмаган ёки лабланган унлини бўлиш оддий бўлиш бўлса-да, тасниф мақомида эмас.

Тасниф дихотомик, политомик ёки дихополитомик бўлиши мумкин.

Дихотомик таснифда бирликлар икки гуруҳға ажратилади: «фонемалар унли ва ундошға ажралади» каби. Политомик таснифда гуруҳ сони иккидан ортиқ бўлади: «Грамматик қўшимча луғавий шакл ҳосил қилувчи, синтактик шакл ҳосил қилувчи ва луғавий синтактик шакл ҳосил қилувчига бўлинади», ёки «феъллар нутқ феъллари, руҳий-ҳолат феъллари ва ҳ.к.» каби.

Дихополитомик таснифда таснифланувчи бутунлик дастлабки босқичда иккига, кейинги босқичда иккидан ортиқ синфга ажралади. Масалан (14-жадвал):

14-жадвал

Фонема					
Унли			Ундош		
Юқори тор	Ўрта кенг	Қуйи кенг	Лаб	Тил	Бўғиз

каби.

Тасниф асосини танлаш муҳим. Чунки бирор тизимни турли асосда тасниф қилиш ҳар хил натижа беради. Масалан, ундош фонемани овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангли ва жарангсизга, ҳосил бўлиш ўрнига кўра лаб, тил, бўғиз ундошига ажратиш мумкин.

Лисоний тасниф таснифланаётган бирликларнинг ички, субстанциал белгиларига кўра ёки муҳим бўлмаган зоҳирий хоссасига асосланган бўлиши мумкин. Шу боисдан табиий ёки ёрдамчи тасниф фарқланади. Табиий таснифда лисоний birlikнинг ички, барқарор белгиларига асосланилади. Юқорида табиий таснифга мисоллар келтирилди.

Ёрдамчи таснифда birlikнинг онтологик бўлмаган хоссасини билдирувчи белгиларига таянилади. Масалан, «сўзларнинг бўғин сонларига кўра таснифи (бир бўғинли, икки бўғинли ва кўп бўғинли сўзлар)», «унлиларнинг тилнинг горизонтал ҳолатига кўра таснифи» ва ҳ.

Тасниф изчиллиги – субстанциал ёндашувнинг асосий талабларидан биридир.

ФОНЕТИКА-ФОНОЛОГИЯ

Фонетика ва фонологиянинг ўрганиш манбаи, предмети, мақсад ва вазифалари

Тилнинг фонетик сатҳи хусусида. Лисоний сатҳ сирасида фонетика энг кичик ташкил этувчи ва бошқа сатҳлар бирликлари учун моддий асос бўлувчи бирликни берадиган сатҳ сифатида ажралиб туради.

Инсоннинг нутқ фаолияти сезги аъзолари асосида ҳис қилинувчи нутқ бирликлари - товуш ёки товушлар тизими воситасида рўёбга чиқади. Нутқ товуши ўзида уч жиҳатни бирлаштирган мураккаб нутқий бирлик сифатида намоён бўлади. Улар қуйидагилар:

а) талаффуз аъзолари билан бошқариладиган марказий нерв системаси маҳсули (физиологик жиҳат):

б) табиатдаги ҳар қандай товуш каби акустик табиатга эга (физик, акустик жиҳат):

в) кишиларнинг ахборот узатиш, коммуникация воситаси (функционал, социал, лисоний жиҳат).

Нутқ товушининг ҳақиқий ва муҳим жиҳати – унинг функционал аспекти. Тилшуносликда айтилган уч жиҳатни яхлитликда ўрганиш ёки ажратган ҳолда тадқиқ қилиш масаласида бир хиллик йўқ. Баъзи мутахассислар нутқ товушининг физиологик томони биология, акустик жиҳати физика фанининг ўрганиш предмети бўлиб, тилшунос унинг фақат функционал томонинигина текшириши лозим деган фикрни илгари сурса, айрими ҳар учала жиҳат бир-биридан ажралмас, уларни яхлитликда ўрганмоқ керак деган ақидага таянади. Ана шу икки қараш кураши натижасида тилшуносликда икки - фонетика ва фонология соҳалари ажралди. Пировард натижада фонетика нутқий вариант (хусусийлик)ни, фонология эса лисоний инвариант (умумийлик)ни тадқиқ қилиш билан машғул бўладиган бўлди.

Фонетика ва унинг бирлиги. Фонетика деганда энг қуйи лисоний сатҳ ҳам, тилшуносликнинг шу сатҳни ўрганадиган соҳаси ҳам тушунилади. Фонетика (гр.*phonetikos* - товушга, овозга хос) тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, нафақат ўрганиш манбаининг функционал томонини, балки нутқ товушини ҳосил қилувчи талаффуз аппаратини, шунингдек, уларнинг акустик хоссасини ва тил эгалари томонидан қабул қилиниш жиҳатларини ҳам текширади. Фонетикада тилшуносликнинг бошқа фан соҳалари, адабиётшунослик, физиология, физика, психология каби фанлар билан алоқаси янада яққол намоён бўлади. Бу фанлардан фарқли ўлароқ, фонетика товушга сўз, қўшимча ва гапга моддий қиёфа берувчи тил тизими унсури сифатида қарайди.

Фонетика нутқдаги товуш ўзгаришлари ва алмашилини, урғу ва унинг турини ҳам ўрганади.

Фонетикани ўрганиш имло (орфография), тўғри талаффуз (орфоэпия) меъёрини яхши ўзлаштириб олишда, адабий ва диалектал талаффуз фарқларини аниқлашда, логопедия ва сурдопедагогикада нутқий нуқсон диагностикаси ва уни бартараф этишда катта аҳамиятга эга. Фонетика ютуқлари алоқа воситаларини текшириш ва улар самарадорлигини оширишда ҳамда нутқни автоматик аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Фонетиканинг турлари. Фонетика, аввало, умумий, хусусий ва қиёсий фонетикага ажралади.

Умумий фонетика. Инсон талаффуз аппаратининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда нутқ товуши ҳосил қилишнинг умумий шартлари (масалан, ҳосил бўлиш ўрнига кўра лаб, тил, бўғиз ундошларининг фарқланиши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, сирғалувчи, портловчи-сирғалувчи товуш хоссаларининг аниқланиши кабилар), шунингдек, товушнинг умумий акустик хоссалари ўрганилади. Қисман артикуляция, қисман акустик белгига таянган ҳолда нутқ товушининг универсал, шунингдек, фарқловчи белгиларига таянадиган ички таснифини бериш билан ҳам шуғулланади. Умумий фонетика товушнинг бирикиш қонуниятлари, бир товушнинг иккинчисига таъсири хусусиятини (аккомодация ва ассимиляциянинг турли кўринишлари), бўғиннинг табиати, бўғинда товушнинг бирикиш қонунияти, бўғинга бўлиниш шартлари, сўзларнинг фонетик тузилиши, қисман урғу ва сингармонизм масалаларини ҳам текширади. Умумий фонетика интонация учун қўлланиладиган восита (товуш баландлиги, кучи (интенсивлиги), чўзиқлиги, тезлиги (темп), пауза, тембр каби масалаларни ҳам текширади.

Хусусий фонетикада юқорида айтилган масалалар муайян тиллар мисолида текширилади. Хусусий фонетика тарихий ва муосир, синхрон ва диахрон, тасвирий ва экспериментал каби кўринишларда иш юритади.

Қиёсий фонетика бир нечта қариндош ёки қариндош бўлмаган тилнинг ёхуд бир қанча диалект ва шеванинг унли ва ундош товушлари, улардаги фонетик ўзгариш ва бошқа ҳодисаларни қиёсий аспектда текширади.

Қиёсий фонетика умумий ва хусусий фонетика оралиғидаги вазиятни эгаллайди.

Фонология. Фонология (гр. *phone* - товуш, *logos* - таълимот) термини тилшуносликда XIX аср охирида нутқ товушининг физиологик-акустик (физик) томонидан функционал (лингвистик) томонини фарқлаш эҳтиёжи билан пайдо бўлди. Фонология тил товуш қурилишининг структур ва функционал қонуниятини ўрганувчи соҳа бўлиб, семиотик

(ишоравий) тизим сифатида нутқни акустик-артикуляцион аспектда ўрганадиган фонетикадан фарқланади.

Фонетиканинг бирлиги бевосита кузатишда берилган нутқ товуши бўлганлиги каби, фонологиянинг бирлиги – сўзловчиларнинг ана шу бевосита кузатишда берилган нутқ товуши асосида ётган товуш типи ҳақидаги ижтимоий тасавури. Ҳар бир фонема киши онгида умумий фарқловчи хусусияти асосида вужудга келган махсус «акустик портрет» ёки «товуш образи» сифатида яшайди. Бу фарқловчи белги товушнинг артикуляцион ва акустик белгиси асосида вужудга келади ва барқарорлашади.

Бошқа лисоний birlik каби фонема ҳам парадигматик ва синтагматик муносабатрда яшайди. Бу *фонологик парадигматика* ва *фонологик синтагматика* дейилади.

Ўзаро қарама-қарши белгига эга бўлган, бироқ умумий, интеграл белгилари асосида бирлашган бир типдаги фонемалар сираси *фонологик парадигма*, фонемаларнинг ўзаро муносабати *фонологик парадигматик муносабат* дейилади.

Фонологик парадигманинг марказида фонологик зиддият туради. Фонологик зиддият (оппозиция) фонеманинг фарқли белгиларини ўзида ифодалайди. Масалан, ўзбек тилидаги унли фонемалар бир умумий белги - «ўпқадан келаётган ҳавонинг товуш пайчаларига урилиш натижасида ҳосил бўлган овознинг оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамай чиқишидан вужудга келадиган товуш типи» инвариант хоссасига эга. Бу моҳият 6 та унли фонема учун ҳам амал қилади. Бироқ бу моҳият остида бирлашган фонемалар ўзаро зидланиб, кичик гуруҳлар ҳосил қилади. [u] ва [y] «юқори тор» белгиси билан «ўрта кенг» хоссасига эга [ə] ва [ʏ] ҳамда «қуйи кенг» хоссасига эга [a] ва [o] фонемалар гуруҳларига қарама-қарши туради. Ёки «лабланмаган» белгисига эга [u], [ə], [a] фонемалари гуруҳи «лабланган» белгисига эга [y], [ʏ], [o] гуруҳига қарама-қарши туради. Ўз навбатида [u], [ə], [ə] гуруҳи аъзолари ўзига хос белгилари асосида ўзаро зидланади.


Тилшуносликда фонологик зиддиятнинг турли тип ва кўринишлари фарқланади. Н.С.Трубецкой «Фонология асослари» асарида фонологик зиддиятни уч асосга кўра таснифлайди:

1. Фонологик зиддиятнинг зиддият тизимида муносабатига кўра таснифи. Бунда зиддият бир ўлчовли ва кўп ўлчовли, мунтазам ва ажралган зиддиятга бўлинади. Бир ўлчовли зиддиятда фонемалар бир белги асосида зидланади. Масалан, [u] ва [y] фонемаларидан бири лабланмаган ва иккинчиси лабланган бўлиб, бунда улар бир белги - «лабланган»лик хоссасига кўра қарама-қарши туради.

Кўп ўлчовли зиддиятда зиддият аъзолари бирдан ортиқ белги асосида қарама-қарши қўйилади: [u]~[o] зиддиятида [u] ёпиқ ва лабланмаган бўлса, [o] ярим ёпиқ, лабланган.

Мунтазам зиддиятда зидланувчи аъзолар ўзаро ўзига хос белгилар асосида қарама-қарши қўйилади: «[u]-тор~ [o]-кенг» зидланиши мунтазам зидланиш. Бунда [u] фонемаси «тор»лик, [o] фонемаси «кенг»лик белгисига эга. «[u] (тор)~[o] (тор эмас)» зидланиши эса мунтазам эмас. Чунки биринчи аъзода зиддият белгиси аниқ, иккинчи аъзода аниқ эмас. Агар иккинчи аъзонинг зиддиятдаги белгиси «кенг» бўлганда эди, зиддиятни мунтазам зиддият дейиш мумкин бўлур эди.

Бир белгининг бўлинишлари асосида зидланиш ажралган зидланиш дейилади. Қуйидаги икки зидланишга диққат қилинг:



Биринчи зидланишда зиддият белгиси бўлинган, ажралган, иккинчида эса бундай ҳол мавжуд эмас.

2. Аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра зиддият таснифи. Бунга кўра, приватив (нотўлик), градуал (даражали), тенг қийматли зиддиятлар ажратилади.

Биринчи таснифда зиддият белгиси характерига кўра зиддият турлари ажратилган бўлса, иккинчи таснифда фонемаларнинг зиддият аъзоларига муносабатига кўра таснифи амалга оширилади.

3. Барқарорлик даражасига кўра зидланиш барқарор ва барқарор бўлмаган турга бўлинади. Барқарор зидланишда фонемалар қандай нутқий вазиятда бўлишидан қатъи назар, улардаги зиддият сақланиб қолади. Масалан, тил олди унлиси тил орқа ундоши билан келган вазиятда тил орқа унлиси сифатида намоён бўлади. Бунда [a] унлиси билан тил орқа [y] унлиси орасидаги зиддият кучсизланади.

Барқарор бўлмаган зиддиятнинг нейтраллашмаган ҳолатини таъминловчи фонетик позиция – *кучли позиция*. Масалан, [b] фонемаси сўз бошида жарангсизлашмайди ва бу позицияда унинг [n] фонемасига зидлиги сақланади. Бу кучли позициядир. Нейтралланиш, сўнишга олиб келувчи позиция кучсиз позициядир. Демак, бундай позициядаги зиддият барқарор бўлмаган зиддият дейилади. Унли ва ундош орасидаги қарама-қаршилиқ барқарор зиддиятга мисол бўла олади. Ёки ундошнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра, унлиларнинг тор-кенглик хоссаларига кўра

зидланиши ҳам барқарор зиддият. Лабланиш белгисига кўра [ў]-[э] тизимчаси ҳам барқарор зиддият асосига қурилган.

Демак, ўзбек тилининг фонетик парадигмаси деганда, ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятга эга бўлган барқарор бир умумий белги остида бирлашадиган фонетик унсурлардан ташкил топган тизим тушунилади. Бу бутунлик ёки парадигма ўз ичида айрим белгилари билан умумийликни ташкил этган ва шу умумийлик учун асос бўлган белгилари билан бошқа шундай умумийликдан фарқ қиладиган кичик бутунлик, ички парадигмалардан ташкил топади. Бу тизимчалар унли ва ундош фонемалар парадигмалари. Парадигма аъзоларининг умумий белгиси уларнинг шу тизимни ташкил этишини таъминласа, фарқловчи белгиси бу ички парадигманинг яна кичик бўлақларга бўлиниб кетишига олиб келади. Жарангли ундошлар парадигмаси, жарангсиз ундошлар парадигмаси каби.

Унли фонемалар парадигмаси

Тилнинг кўтарилиш даражаси (юқори, ўрта, қуйи) ва лабланиш-лабланмаслик – кучли позициядаги унли фонемаларнинг асосий, система ҳосил қилувчи белгиси. Унлиларнинг тил горизонтал ҳолатига кўра (олд қатор, ўрта қатор ва орқа қатор) белгилари асосий ҳисобланмайди. Чунки бу белгилар уларга нутқий ёндош товуш таъсирида ўзгариб туради. Масалан, [қ] ундоши билан қўшничилик муносабатида [а] унлиси тил орқалик хоссасига эга бўлса, [к] ундоши қуршовида ўз ҳолатини сақлайди.

Унли фонемаларнинг асосий белгиларига кўра таснифи қуйидагича (15-жадвал):

15-жадвал

Унли фонемалар	Асосий белгилари				
	Тилнинг кўтарилиш даражаси			Лабланиш белгиси бор-йўқлиги	
	Юқори	Ўрта	Қуйи	Лабланган	Лабланмаган
[u]	+				+
[y]	+			+	
[ў]		+		+	
[o]			+	+	
[э]		+			+
[a]			+		+

Жадвалдан кўринадикки, тилнинг кўтарилиш даражасига кўра унли фонемалар уч поғонали, лабланиш белгисига кўра икки поғонали системани ҳосил қилади.

Унли фонема яхлит тизимни ташкил этиб, бу тизим ҳам ўз навбатида тизимчаларга бўлинади. [u] ва [y] фонемалари «юқори тор» белгиси остида бирлашиб, бундай белгига эга бўлмаган фонемалардан ажралади. Бироқ [u] ва [y] кичик парадигмаси аъзолари фарқловчи белгилари ([u]-лабланмаганлик ва [y]-лабланганлик белгилари) асосида ўз мустақилликларини сақлаб қолади ва зиддиятда туради. [э]-[ў] тизимчаси «ўрта кенг» белгисига кўра [u]-[y] тизимчасидан ҳам, [э]-[о] тизимчасидан ҳам фарқланади.

Демак, унли фонеманинг ҳар бири икки белгидан иборат:

[u]-юқори, лабланмаган

[y]-юқори, лабланган

[э]-ўрта, лабланмаган

[ў]-ўрта, лабланган

[a]-қуйи, лабланмаган

[о]-қуйи, лабланган.

Тилнинг кўтарилиш даражаси бирлаштирувчи белги бўлганда (масалан, [u], [y] унлилари «торлик» белгиси остида бирлашади) лабланганлик-лабланмаганлик фарқловчи белги саналади: (u)-лабланмаган, [y]-лабланган. «Лабланганлик» бирлаштирувчи белги бўлганда, тилнинг кўтарилиш даражаси фарқловчи белги саналади. Масалан, [u], [э], [a] унлилари «лабланмаганлик» умумий бирлаштирувчи белгисига эга, бироқ «юқори» ([u]), «ўрта» ([э]), «қуйи» ([a]) лик белгилари бу фонемаларнинг фарқловчи белгилари саналади.

Маълум бўладики, ўзбек тилида унли фонемалар бир белги асосида уч (тор, ўрта, кенг) ва икки аъзоли зиддиятни (лабланган, лабланмаган), икки белги («тилнинг кўтарилиш даражаси» ва «лабланганлик-лабланмаганлик») асосида олти аъзоли зиддиятни ҳосил қилади.

Ундош фонемалар парадигмаси

Кучли зиддиятдаги ундош фонемаларни фарқловчи асосий белги қуйидагилар ҳисобланади:

а) ҳосил бўлиш ўрнига кўра;

б) ҳосил бўлиш усулига кўра;

в) овоз ва шовқин иштирокига кўра;

Ҳозирги ўзбек тилида 24 та ундош фонема бўлиб, уларни юқорида санаб ўтилган белгилари билан қуйидагича кўрсатиш мумкин: (2-жадвалга қаранг).

Бошқа сатҳ бирликларида бўлгани каби, фонемаларнинг асосий белгилари коррелятив ва коррелятив бўлмаганларга ажралади. Зиддиятда турган фонеманинг бирида бор, аммо иккинчисидан мавжуд бўлмаган белги – *коррелятив белги*. Масалан, [б]-[п] зидланишда жарангли-жарангсизлик коррелятив белгидир. Аммо тил олди ва портловчилик белгиси ҳар иккала фонема учун ҳам хос бўлганлиги сабабли коррелятив бўлмаган белги дейилади. Шунингдек, [х] ундошда жарангсизлик белгиси мавжуд. Аммо шу белги асосида уни бошқа фонема билан зид қўйиб бўлмайди. Чунки [п] фонемасининг жарангли жуфти [б] фонемаси. [х] фонемасининг эса жарангли жуфти ўзбек тили фонологик тизимида мавжуд эмас.

Ўзбек тилидаги 8 та фонема учун «жарангли-жарангсизлик» коррелятив белги ҳисобланади:

[б]-[п], [д]-[т], [к]-[г], [с]-[з] [ж]-[ч], [ж]-[ш], [ғ]-[қ], [в]-[ф]

«Жарангли-жарангсизлик» белгиси асосида коррелятив муносабатга киришмайдиган фонемаларнинг жарангли ёки жарангсиз жуфти бўлмайди. Масалан: [с], [л], [к], [м], [й], [х], [ҳ], [н], [р], [нг].

Ундош фонемалар тизимини жадвалда куйидагича бериш мумкин (16-жадвал):

16-жадвал

	ФОНЕМАЛАР																							
	п	б	ф	в	т	д	с	з	ч	ж	ш	ж	к	г	ғ	қ	х	х	м	н	нг	й	л	р
Шовкинли	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+					+		
Сонор																			+	+	+		+	+
Жарангли		+		+		+		+		+		+		+	+	+			+	+	+	+	+	+
Жарангсиз	+		+		+		+		+		+		+		+	+	+							
Пордловчи	+	+			+	+			+			+	+	+		+								
сиргалувчи				+	+				+	+		+	+						+			+	+	+
Аффрикаг									+			+												
Титрок																								+
Бурун																			+	+	+			
Ён																							+	

Лабиал	+	+	+	+															+						
тил олди					+	+	+	+	+	+										+				+	+
тил ўрта																						+			
тил орқа											+	+										+			
чуқур тил орқа												+	+	+											
Бўғиз																+									

Нутқда лисоний зиддиятлар сўниши мумкин.

Фонеманинг асосий коррелятив белгилари фарқловчи белги ҳисобланади. Масалан, [с] фонемасининг жарангсизлик, [з] фонемасининг жаранглилик белгиси фарқловчи белгидир.

Ундош фонемада ҳам асосий белги фарқловчилик даражасида бўлмаслиги мумкин. Масалан, [м] фонемасининг жаранглилик белгиси фарқловчи белги саналади. Чунки фонема худди шу белгиси асосида бошқа фонема билан зиддиятли жуфтлик ҳосил қила олмайди.

Ундош фонемалар артикуляцион ўрнига кўра қуйидаги бинар зиддиятли муносабатларга киришади:

а) «лаб-лаб-тил олди»: [п]-[м]; [б]-[д]; [м]-[н]; [ф]-[с]; [в]-[з]; [ф]-[ш]; [в]-[л]; [в]-[р];

б) «лаб-лаб - тил ўрта»: [ф]-[й]; [в]-[й];

в) «лаб-лаб - тил орқа»: [п]-[к]; [б]-[к]; [ф]-[х]; [в]-[г];

г) «лаб-лаб - бўғиз»: [ф]-[х]; [в]-[х];

д) «тил олди - тил орқа»: [м]-[к]; [п]-[к]; [д]-[г]; [с]-[х]; [з]-[г]; [н]-[г].

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундош фонемалар қуйидаги зиддиятли муносабатда бўлади:

а) «портловчи-сирғалувчи»: [п]-[ф]; [б]-[в]; [м]-[с]; [д]-[з]; [м]-[ш]; [к]-[х].

Айрим фонемалар аффрикат фонемалар билан тенг қийматли зиддиятда бўлади: [т]-[нз], [д]-[дж].

Сирғалувчи фонемалар ҳам аффрикат фонемалар билан тенг қийматли зиддият ҳосил қилади: [ш]-[ч], [ж]-[дж].

Яна қуйидаги зиддиятли жуфтликлар мавжуд:

а) «портловчи-шовқинли - бурун сонанти»: [б]-[м] [д]-[н] [з]-[н];

б) «сирғалувчи - сонант»: [з]-[л]; [ж]-[п];

в) «шовқинли сонант-бурун сонант»: [л]-[н]; [п]-[н];

г) «ён сонант-титроқ сонант»: [л]-[п];

«титроқ сонант - тил ўрта сонант»: [ф]-[й].

Фонеманинг вариантлашуви

Фонема ва товуш муносабати инвариант-вариант диалектикасини ўзида акс эттиради. Нутқий вариантланишда фонема турли-туман товуш сифатида юзага чиқади ва уларни шартли равишда, масалан, (б1), (б2), (б3), (б4), (б5), (б6), ... (бп) тарзида белгилаш мумкин. Нутқда воқеланган барча (б) ларни битта [б] фонемасига бирлаштиришда уларнинг умумий хоссалари «йиғилади». Бундай умумий хосса – физик (акустик) ва физиологик (артикуляцион) ўхшашлик. Турли талаффуз шароитида бу умумий белги ўзгаришга учраши мумкин. Лекин бу ўзгариш миқдор ўзгариши даражасида бўлиб, сифат ўзгариши босқичига етмайди. Акс ҳолда, у бошқа фонеманинг вариантыга айланиб кетган бўлур эди. Масалан, [а] фонемаси «қуйи кенг» ва «лабланмаган»лик моҳиятига эга. Шу боисдан у нутқий воқеланганда, қанчалик ўзгаришга учрамасин, барибир, товуш бу фонеманинг варианты ҳисобланиши учун мазкур моҳият чегарасидан чиқмаслиги лозим. *Қалам* ва *катта* сўзида 4 та (а) товуши мавжуд бўлиб, бунинг барчаси юқорида айтилган «қуйи кенг», «лабланмаганлик» умумий белгисига эга. Шу боисдан [а] фонемасининг варианты ҳисобланади. Бироқ (а) товушлари юмшоқ-қаттиқлиги ва тил олди-тил орқалиги билан фарқланади. *Қалам* сўзидаги [а] товушлари тил орқа ва қаттиқ унлилар бўлса, *катта* сўзидаги [а] лар тил олди ва юмшоқ унлилардир. Бу белгилар [а] фонемаси моҳиятида мавжуд бўлмай, балки [а] товушининг талаффузи жараёнида бошқа ((қ) ва (к)) товушлар таъсирида юзага келган ҳодиса. Бошқача айтганда, (а) товушлари моҳиятига дахлдор бўлмаган, ўзга, бегона моҳият зарраларининг [а] фонемаси кўринишига ёпишган тажаллидир. Бу тажаллилар бир қарашда [а] товуши моҳиятига дахлдордек туюлади. Шу боисдан дарслик ва

қўлланмаларда [a] фонемасининг субстанциал белгисидан бири сифатида мазкур хосса ҳам ажратилади. Бир фонема ҳам тор, ҳам кенг ёки ҳам жарангли, ҳам жарангсиз бўла олмаганлиги каби [a] фонемаси ҳам тил олди, ҳам тил орқа товуши сифатида воқелана олмайди.

Демак, умумийлик ва хусусийлик методологияси билан қуролланган тилшунос товушлардаги моҳиятга дахлдор ва дахлдор бўлмаган жиҳатларни бошқалардан кўра тезроқ ва аниқроқ илғайди.

Фонеманинг моҳияти доирасидан чиққан товуш унинг варианти саналмайди. Масалан, [b] фонемаси жарангли ундош фонема. Талаффузда у жарангли бўлсагина, [b] фонемасининг варианти саналади. *Китоб* сўзи *китоп* тарзида талаффуз этилса, воқеланган (n) товуши [b] фонемасининг нутқий варианти ҳисобланмайди. Чунки жарангсизлашув ҳодисасидаги миқдор ўзгариши меъёр чизигидан ўтиб, сифат ўзгариши даражасигача етган ва [n] фонемаси моҳияти чегарасига кирган. Худди шундай [a] фонемаси воқеланишида ҳам «торлик» белгисининг кенглик чегарасига етиши билан вариант [u] фонемаси моҳияти чегарасига кириб кетади.

Товуш (вариант)ларнинг бир фонемага бирлашиши учун уларнинг барчасида ўзгаришсиз сақланадиган муҳим бир хосса эътиборга олиниши лозим. Бу бир гуруҳга кирувчи барча вариантнинг ушбу гуруҳга кирмайдиган бошқа вариантга бир хил қарама-қарши туриши (бундай белги, одатда, фонологик фарқловчи белги ҳам дейилади) ва бир хил маъно фарқлашидир. Бошқача айтганда, товуш (вариант)лар бир фонемага бирлашиши учун улар функционал умумийликка ҳам эга бўлиши лозим. Маъно фарқлаш хоссаси ана шундай функционал умумийлик. Фонема маъно фарқлаш хоссасига эга. Лекин товушнинг барчаси ҳам ҳар доим маъно фарқлайвермайди. Бир фонеманинг нутқий варианти ўрнини иккинчи фонеманинг нутқий варианти эгалласа, сўз ўзгариб кетади: *бош-бот*, *бош-беш* каби. Лекин бир фонеманинг бир варианти ўрнини унинг иккинчи бир варианти билан алмаштирилса, маъно фарқлаш амалга ошмайди. *Ўт* (ўсимлик) сўзидаги (y) унлисини бир киши тил олди, бошқаси эса, шеванинг фонетик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, тил орқа товуши сифатида талаффуз этади. Лекин улар бир фонема варианти бўлганлиги сабабли ўзаро маъно фарқлаш қобилиятига эга эмас.

Демак, фонема деганда унинг физик-физиологик хоссалари мажмуидан иборат маълумотнигина тушунмаслик керак. Масалан, физик-физиологик умумийлик бўлган [b] балки барча тилларда бўлиши мумкин. Фонема эса ҳар бир тилда ўзига хос. Чунки фонема ўзининг ижтимоий хоссасини маълум бир тилдагина бажаради. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мавҳум (лисоний) [b] нинг қарама-қаршиликлар тизими маъно фарқлаш вазифаси фақат маълум бир тил учунгина хос. Бошқача айтганда, товушларнинг уларни бир гуруҳга киритувчи функционал хусусиятлари

(акустик-физиологик хоссалари билан биргаликда) фақат бир тил доирасидагина амал қилади.

Фонема функционал қўлланишдан ташқарида амал қиладиган, муайян товушлар гуруҳидан умумлаштириладиган мавҳум товуш типи эмас. У муайян функция бажарадиган товушлар умумлашмаси. Бироқ фонемани «соф функция» билан ҳам чегаралаб қўймаслик лозим. Чунки у эшитиш аъзосига таъсир қиладиган ва функция бажарадиган бирлик. Бироқ ҳар иккала хоссасини ҳам варианты – товуш орқали намоён қилади.

Фонема ва унинг варианты бўлган нутқ товуши қандай муносабатда бўлса, ёзма нутқда фонеманинг график ифодаси ва ёзма товуш шундай муносабатда бўлади.

Фонемани талаффуз қилиб ва эшитиб бўлмаганлиги каби, фонеманинг график ифодаси ҳам онгда шартли равишда ўринлашган. Талаффуз қилган бирлигимиз фонема эмас, балки товуш бўлганлиги каби, (*б*) тарзида қоғозга ёзганимиз ҳам графема (фонема ифодаси) эмас, балки ҳарф (товуш ифодаси)дир. Онгимиздаги (*б*) графемаси барча (*б*) ҳарфлари учун инвариант экан, бирорта ҳарф ҳам графеманинг барча хоссаларини бирданига ва умуман намоён қила олмайди. Ҳар қандай ҳарф индивидуал, вариант хоссани ўзида мужассамлаштиради.

Ҳарф графема варианты бўлганлиги каби, бир вақтнинг ўзида фонема вариантнинг ифодаси. Ҳар қандай товуш фонема варианты, ҳар қандай ҳарф графема варианты.

Фонемани тиклаш «нутқ-лисон», яъни хусусийлик - умумийлик тарзида, унинг воқеланиши эса «лисон-нутқ», яъни умумийлик-хусусийлик йўналишида кечади. Демак, бошқа сатҳ бирликларида бўлгани каби, фонеманинг воқеланиши ва унинг тикланиши бир-бирига қарама-қарши туради. Бу ҳолат графема ва ҳарф диалектикасида ҳам акс этади.

Фонетик жараён

Фонема нутқда воқеланар экан, унинг варианты нутқий шароит (ёнма-ён келган товушлар ёки қўшимчалар таъсирига учраши) туфайли турлича намоён бўлади. Натижада товуш сўз моҳиятида бўлмаган хоссаларга эга бўлади. Айрим товуш ёндош товушга мослашади, айримида ўзгариш кучайиб, бошқа товушга алмашиб кетади. Нутқда содир бўладиган ўзгариш товушнинг *комбинатор-позицион ўзгариши* дейилади. Қуйида унинг турлари ҳақида сўз боради.

Сингармонизм. Унли ва ундошнинг ўзгариши фарқланади. Унлининг нутқ жараёнида ўзгариши *сингармонизм* дейилади. Сингармонизм унлиларнинг мослашиши, уйғунлиги демакдир. У асосан туркий тилларга хос.

Сингармонизмнинг икки асосий кўриниши мавжуд:

- а) тил гармонияси;
- б) лаб гармонияси.

Тил гармониясида унли товуш юмшоқлик ёки қаттиқлик, тил олдилик ёки тил орқалик жиҳатдан бир-бирига мослашади. Сингармонизмнинг тил гармонияси қонуниятига кўра сўзнинг бошида тил олди унлиси келса, сўз ўртаси ва охирида ҳам тил олди унлиси келади. Бошқача айтганда, сўзнинг бошида ундошнинг артикуляцион ўрнига боғлиқ равишда унли товушда юз берган ўзгариш сўзнинг кейинги бўғинларидаги унлида ҳам юз беради. Бу ҳол сўзнинг талаффузида артикуляцион қулайликка олиб келади. Масалан, (*қалам*) сўзидаги (*қ*) ундоши чуқур тил орқа ундоши бўлганлиги боис, биринчи бўғинда (*а*) унлиси ҳам тил орқалик хусусиятига эга бўлади. Бунинг натижасида эса кейинги бўғиндан (*а*) товуши ҳам тил орқа унлиси сифатида намоён бўлади. Демак, биринчи (*а*) унлиси (*қ*) ундошига, кейинги бўғиндаги (*а*) эса олдинги бўғиндаги (*а*) унлисига мослашади.

Лаб гармониясида унлининг мослашиши икки томонлама бўлади. Бунда унли ҳам тил олди - тил орқалик жиҳатидан, ҳам лабланганлик-лабланмаганлик жиҳатидан ўзаро ва ундошларга мослашади. Бунга кўра, сўз бошидаги унли лабланган тил олди унлиси бўлса, сўз охирида ҳам лабланган тил олди унлиси келади. Сўз бошидаги унли лабланган тил орқа унлиси бўлса, сўз охиридаги унли ҳам лабланган тил орқа унлиси бўлади. Масалан, (*бошқирд*), (*согин*), (*бўгин*) сўзидаги каби.

Ассимиляция. Нутқ товуши қатор келганда баъзан бир-бирига таъсир қилиб, бири иккинчисини ўзига мослаштиради. Бундай ҳодиса *ассимиляция* дейилади. Ассимиляция икки хил бўлади: прогрессив ва регрессив *ассимиляция*. Агар олдинги товуш кейинги товушни ўзига ўхшатса, мослаштира, прогрессив *ассимиляция* юз беради: *кет-ди-кетти*, *айт-ди-айтти*, *от-дан-оттан*, *юрак-га-юракка*.

Кейинги товуш олдинги товушга таъсир қилиб, уни ўзига ўхшатса, мослаштира, регрессив *ассимиляция* юз беради: *йигит-ча-йигичча*, *бир-битта*, *уч-сўм-уссўм*.

Регрессив *ассимиляция*, одатда, прогрессив *ассимиляция*га нисбатан нутқда камроқ учрайди. Чунки *ассимиляция*нинг бу турида кейинги товуш олдинги товушни ўзига мослаштиради. Демак, талаффуз жараёни бошланмасдан бурун сўзнинг талаффуз технологияси ҳақидаги тасаввур ҳам ҳосил бўлмоғи лозим.

Ассимиляция тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин.

Тўлиқ *ассимиляция*да бир товуш иккинчи товушга айнан мослашади ва тўлиғича унинг тусига киради. Юқорида келтирилган сўзнинг ҳаммаси тўлиқ *ассимиляция*га мисол бўлади.

Қисман ассимиляцияда нутқ товушидан бири иккинчисини бирон томондан қисман ўхшатади (мослаштиради): *Ош-га-ошқа, иш-га-ишқа*, сўзларида жўналиш келишигидаги (*з*) товуши олдинги (*ш*) товушининг таъсирида (*к*) товушига айланмоқда. Бу сўзда қисман ассимиляция юзага келмоқда, яъни (*з*) жарангли товуши ўзидан олдинги (*ш*) товушига фақат бир томонлама – жарангсизланиш томонидан ўхшамоқда, холос, лекин тўлиқ унинг тусига кирган эмас. [*Учта*] лексемасининг (*ушта*), [*почта*] лексемасининг (*пошта*) деб талаффуз қилиниши ҳам шу ходисага мисол бўла олади.

Диссимиляция. Оғзаки нутқда товушлар доимо бир-бирига ўхшайвермасдан, баъзан унинг акси бўлади. Айрим пайтда талаффузда икки ўхшаш товуш бир жойда ёки бир сўзда келган вақтда бири ноўхшаш товушга айланиб ҳам қолади. Бундай ходиса диссимиляция каби прогрессив ва регрессив бўлади.

Кейинги товуш ноўхшаш товушга айланса, прогрессив диссимиляция: *зарар-зарал, зарур-зарил, бирорта-биронта, муяссар-муястар, кисса-киса* каби. Олдинги товуш ўзгарса, регрессив диссимиляция юз беради: *коридор-калидор, иттифоқ-интифоқ* каби юз беради.

Диссимиляция ходисаси оз учрайди. Ҳатто ассимиляциянинг регрессив турига нисбатан ҳам кам юз беради.

Метатеза. Оғзаки нутқда баъзан ёнма-ён келган ундош товушларнинг ўрни алмашиши мумкин. Бундай жараён **метатеза** дейилади: **р-й:** *дарё-дайро*; **м-ғ:** *ёмғир-ёғмир*, **б-р:** *тебратмоқ-тербатмоқ*; **м-л:** *ямламоқ-ялмамоқ*; **ҳ-в:** *аҳвол-авҳол*; **п-р:** *тупроқ-турпоқ*, **р-г:** *ўрганмоқ-ўгранмоқ*; **ғ-р:** *тўғрамоқ-тўрғамоқ*, **н-м:** *айланмоқ-айналмоқ* ва бошқалар.

Протеза. Сўз бошида битта унлининг орттирилиши **протеза** ходисаси саналади. Одатда, аксарият сонор *р* товушидан олдин *ў* ва *у* унлилари орттирилади: *рўмол-ўрамол, рўза-ўраза, райҳон-ўраҳон, рози-ўрози, раис-ўраис, ранг-ўранг, рўзгор-ўразгор* каби.

Айрим ҳолатда сўз бошида сирғалувчи ва портловчи икки ундош қатор келганда *и* унлиси орттирилиши мумкин: *шкаф-ишкаф, справка-исправка, стол-истол, стул-истул, штраф-иштариф, станция-истанса*.

Эпентеза. Сўз бошида, ўртасида ва охирида икки ундош қатор келганда, улар орасида (*и*), баъзан (*у*) ва (*а*) унлиси орттирилади: *фикр-фikir, ҳукм-ҳукум, доклад-дакалад, класс-киласс*.

Эпитеза сўз охирида бир ўринда келган икки ундошдан сўнг (*а*) товушининг қўшилиш ходисаси: *диск-диска, банк-банка, танк-танка, киос-киоска, отпуск-отпуска* каби.

Прокопа. Бунда сўз бошида баъзан унли ёки ундош товуш тушиб қолади: *йироқ-ироқ, йигна-игна, йигач-ағач, йирик-ири, йуз-уз*.

Синкопа ҳодисасига биноан сўз ўртасидаги ва охиридаги кенг унли тор унли каби талаффуз қилинади ва айрим ҳолатда тушиб қолади: *валочка-валичка, трактор-трактир, автор-автир, директор-директир, генератор-генератир* каби.

Апакопа сўз ўзагидаги охирги унли ёки ундошнинг тушиши ҳодисасидир: *дўст-дўс, хурсанд-хурсан, газета-газит, смена-смен ва ҳоказо.*

Синерезис ҳодисасига кўра сўз ўртасида бир жойда келган икки унлининг бири кучсизланади ва нутқда тушиб қолади. Иккинчи унли фонема эса чўзиқ талаффуз этилади: *маориф- мо:риф, саодат-со:дат, қироат-қиро:т, жамоат-жамо:т.* Бу ҳодиса асл ўзбекча сўзларга хос эмас.

Редукция сўзнинг биринчи бўғинида бирор унлининг, одатда, тор унлининг кучсизланиб талаффуз қилинишидир. Масалан, *бир, бил, тил* сўзлари бир бўғинли бўлганлиги ва урғу шу сўздаги (*и*) унлисига тушганлиги туфайли бу сўзлардаги (*и*) унлиси меъёрдагидек талаффуз қилинади ва эшитилади. Лекин шу сўзларнинг охирига иккинчи бир бўғин қўшилиши билан, урғу ҳам иккинчи бўғинга кўчади. Натижада биринчи бўғинидаги (*и*) унлиси кучсизланади ва эшитилар-эшитилмас ҳолда сушт талаффуз қилинади: (*билак*), (*тилак*), (*бироқ*). Биринчи бўғиндаги урғунинг ана шундай кучсизланиб талаффуз қилиниши редукция ҳодисасига мисол бўла олади (*редукция* сўзининг луғавий маъноси «кучсизланиш», «орқага қайтиш», «пастга тушиш» демақдир). Редукцияга қуйидаги сўзларнинг биринчи бўғинида келган (*и*) нинг кучсизланиб талаффуз қилиниши ҳам мисол бўла олади: (*пишиқ*), (*шира*), (*пишак*), (*қилиқ*), (*ичак*) каби. Редукциянинг иккинчи бўғинда келиши ҳам учраб туради. Бу ҳодиса сўзга учинчи бўғин қўшилганда содир бўлади - иккинчи бўғиндаги унли тамоман кучсизланиб, тушиб қолади. Масалан, *бурун-бурни, бўйин-бўйни, эгин-эгни, кейин-кейини* сингари.

Элизия унли билан туговчи ва унли билан бошланувчи икки сўзнинг қўшилиши натижасида унли товушдан бирининг тушиб қолиш ҳодисаси. Бунда бир неча ҳолат кузатилади: а) биринчи сўз охиридаги унли тушиб қолади: *ёза олади - ёзолади, бора олади - боролади, қора от-қорот*; б) унли билан бошланувчи иккинчи сўзнинг бош унлиси тушиб қолади: *борар экан - бораркан, борар эмиш-борармиш, ёзган экан - ёзганкан* каби; в) Абдусалом сўзининг *Абсалом, Абдужаббор* сўзининг *Абжаббор, олиб кел* сўзининг *опке* тарзида талаффуз қилиниши натижасида бир унли ва бир ундошнинг тушиб қолиши ҳам элизиянинг юқори, мураккаблашган кўриниши ҳисобланади. Бундай ҳолда сўзларнинг қисқарган шакли ҳосил бўлади.

Морфонология

Маълумки, фонема варианты сўз ва морфема таркибида уни ташкил этувчи сифатида иштирок этар экан, бошқа товуш билан комбинация ҳосил қилиш жараёнида ва позицион омил таъсирида турли ўзгаришларга учрайди - ҳар хил морфем вариант вужудга келишига сабаб бўлади. Субстанциал ёндашувда эса вариантлашув ва нутқ шароитига мос вариантнинг танланиши тилнинг таркибий қисми бўлган меъёрга дахлдорлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Сўз инвариант - алловариант – вариант муносабати хусусида кетар экан, морфема вариантлашувининг:

а) соф фонетик (орттирма нисбат шакллари: [-*дир*]-[-*тир*], [-*каз*]-[-*қаз*]; ўзлик ва мажхул нисбат шакллари: [-*ин*] -[-*л*], [-*ин*]-[-*н*];

б) морфологик (кесимлик шакллари: [-*ман*], [-*м*]; [-*миз*], [-*к*]; [эди], [ди]);

в) функционал-синтактик (орттирма нисбат шакллари: [-*каз*]- [-*дир*], [-*сам*]- [-*р*];

г) лексик (кичрайтириш шакли: [-*чоқ*], [-*чак*]) каби турлари мавжуд бўлиб, бу вариантларни икки:

а)асемантик (соф фонетик);

в)семантик (морфологик, функционал-синтактик, лексик) турга ажратиш мумкин.

Сўз ва морфема таркибидаги ҳар қандай товуш алмашинуви, аввало, фонетик-фонологик табиатли, семантик қийматга эга эмас. Морфонология морфемик-морфологик вариантнинг ана шу кўринишлари воқеланишининг меъёрий жиҳатини текширади. Бу эса бугунги кунда тил структурасининг фонетик, лексик ва морфемик сатҳлари оралиғида ажратилаётган морфонологиянинг аслида фонетика-фонология доирасида қаралиши лозимлигини кўрсатади.

Демак, маълум бўладики, ўзбек субстанциал тилшунослиги тилнинг лисон - нутқ бўлинишида морфонологияни меъёрда, сатҳдаги ўрнини эса фонологияда кўради.

Морфонема ҳақида. Маълумки, фонема вариантлари сўз ва морфемалар таркибида уни ташкил этувчи сифатида иштирок этар экан, бошқа товуш билан комбинациялар ҳосил қилиш жараёнида турли ўзгаришга учрайди.

Аксарият тилшунослик атамалари каби *морфонология* ҳам икки маъноли:

1)маълум бир қуршовдаги лексема ва морфема нутқий варианты таркибидаги фонетик ўзгариш системаси;

2) тилшуносликнинг шу ўзгаришни ўрганувчи соҳаси.

Морфема нолуғавий маъно ифодаловчи энг кичик лисоний бирлик. Фонеманинг сўзнинг сўз ёки қўшимча билан, шунингдек, қўшимчанинг қўшимча билан бирикуви натижасида юз берадиган фонетик ўзгариш натижасидаги варианты ҳам мавжуд. Масалан, [онг], [от], [сон] каби сўзларга феъл ясовчи қўшимча қўшилганда, ўзак таркибидаги (о) товуши (а) товушига айланади. Демак, (о) ва (а) товуши комплекси бир морфонема, яъни «[о-а]» морфонемаси. Аммо бу фонетика объекти сифатида икки фонеманинг варианты.

Тилшуносликда морфонология ва унинг бирлиги масаласи атрофидаги мунозара давом этмоқда.

Морфонологияда қуйидаги масалалар ўрганилиши тавсия этилади:

- сўз ва бўғиннинг фонетик структураси;

- сўз ва қўшимчанинг маълум қуршовдаги фонетик варианты.

Сўз ва бўғин тузилиши. Туркий тилларда сўзлар ўзакнинг бир бўғинли эканлиги билан характерланади. Бу бўғин тўрт хил фонетик структурага эгадир:

1) CVC;

2) CV;

3) VC;

4) V.

Ҳозирги ўзбек тилида CVC типидagi ўзак бошида (дж), (нг) дан бошқа барча ундош кела олади: [бор], [тор], [зор], [нор], [кор], [йор], [сол], [холл], [лол], [рол], [мол], [пол], [шол], [фол], [вал], [жар] каби.

Туркий ўзак бошида (CCVC тарзида ([трактор], [трасса] каби)) ундошлар қаватланиб келмайди.

Морфемаларнинг фонетик структураси қуйидагича:

1) CVC (-каз – ўтказ, кеткиз);

2) CV (-қи – чопқи, ги – кузги);

3) VC (-им – китобим, уйим);

4) V (-а – туна, ата, сана);

5) C (-к – курак, тилак);

Сўз ва морфема вариацияси. Агглютинатив морфонема. Туркий тиллар гарчи устувор агглютинацияга эга бўлса-да, барибир уларда ҳам комбинацион ўзгариш содир бўлиб туради. Морфеманинг ўзакка, ўзакнинг ўзакка қўшилиши натижасидаги ўзгаришлар туркий тилларда фузия унсури мавжудлигидан далолат беради. Бу эса агглютинативлик, флективлик ёки аморфлик муайян тиллар учун мутлақ ҳодиса эмаслигидан келиб чиқади. Ўзбек тилида агглютинация жараёнидаги қуйидаги морфонологик ҳолатлар эътиборли.

1. Унлилар алмашинуви:

а) [о]-[а]: онг -англа, от- ата, сон – сана, ёш - яша;

б) [а]-[о]: тарқа - тарқоқ, яра - яроқ, чанқа - чанқоқ, сўра - сўроқ, алда - алдоқ, тара -тароқ;

в) [и]-[у]: *сови - совуқ, қови - қовуқ, қури - қуруқ*;

2. Ундошлар алмашинуви:

а) [қ]-[ғ]: *қилиқ - қилиғи, бўлиқ - бўлиғи, қизиқ - қизиғи*;

б) [к]-[г]: *билак - билаги, тилак - тилағи, кичик - кичиғи*;

в) [г]-[к]: *баргга - баркка, эгган - эккан, тегган - теккан*;

г) [н]-[з]: *бизни - биззи, сизни - сиззи, қизни - қиззи*;

д) [н]-[т]: *отни - отти, ўтни - ўтти, тошни - тошти*;

е) [н]-[р]: *қорни - қорри, шаҳарни - шаҳарри*;

ж) [н]-[п]: *гапни - гаппи, қопни - қоппи*.

Бундай мисолни кўплаб келтириш мумкин.

Композицион деривация ва аналитик шакл ясалишидаги морфонема. Композицион деривация ва аналитик шакл ясалиши жараёнида сўзга фонетик-интонацион яхлитлик бериш учун қатор фонетик ва морфонологик ҳодиса (урғу, товушлар алмашинуви, фонетик қайта бўлиниш) иштирок этади.

Қўшма сўз ва аналитик сўзшаклларни ҳосил қилишдаги морфонологик ўзгаришда урғунинг роли жуда катта.

Бу типдаги морфонологик ўзгаришнинг айримларини кўриб ўтамиз.

1. Ҳар икки аъзо ёпиқ бўғинли бўлганда:

а) [н]-[м]: *ўн беш - ўм беш*;

б) [б]-[в]: *белбоғ - белвоғ*;

в) [ч]-[с]: *уч сўм - ус сўм*;

г) [б]-[п]: *ичиб қўй - ичип қўй*;

д) [н]-[м]: *ўн бир - ўм бир*.

2. Биринчи аъзо очик бўғин билан тугаб, иккинчи бўғин ёпиқ бўғин билан бошланганда:

а) [б]-[в]: *бора берди - бораверди*;

б) [к]-[г]: *бу кун - бугун*.

3. Биринчи аъзо ёпиқ бўғин билан тугаб, кейинги бўғин очик бўғин билан бошланганда ҳам узвлар яхлитлигини таъминлаш учун морфонологик ҳодиса (товуш тушиши) юз беради:

а) (э) тушиши: *келар эмиш - келармиш*;

б) [б]-[в] ва (и) тушиши: *босиб олди - босволди*.

4. Фонетик қайта бўлиниш:

қайн она – қайнона - қайна

қайн ота – қайнота – қайната

қайн уни – қайнини – қайни.

Редупликация жараёнидаги ўзгариш. Жуфт сўзнинг кўпчилигида узвларнинг бири иккинчисининг фонетик ўзгариши асосида бўлади. Бу ҳам морфонологик ҳодисанинг ёрқин кўриниши. Мисоллар:

1. Биринчи узви ўзгаради:

а) [т]-[с]: *бутун –бус-бутун*;

б) [т]-[п]: *катта – кап-катта*;

в) [к]-[м]: *кўм-кўк*;

г) [қ]-[р]: *қоп-қора*.

2. Иккинчи узви ўзгаради:

а) [й]-[п]: *йозоч - йозоч -позоч*;

б) [м]-[с]: *мол – мол - сол*;

в) [м]-[п]: *мол – мол - пол*;

г) [т]-[м]: *тугун – тугун-мугун*.

г) [т]-[п]: *тугун – тугун-пугун*.

Демак, маълум бўладики, бир лексема ёки морфеманинг вариантини юзага чиқарувчи алмашинувчи товуш жуфтлиги *морфонема* дейилади.

Ўзбекча талаффуз меъёри

Нутқ товуши талаффузни белгилашда товушнинг тўғри айтилиши асосий роль ўйнайди. Ўзбек тили талаффузи меъёрини ўрганишда айрим товушларни талаффуз қилиш қонуниятини билиш зарур. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. (б) ундоши билан тугайдиган (*сароб*), (*хитоб*), (*адаб*), (*мактаб*), (*тилаб*) каби сўзларнинг охири ўзбек тилининг деярли ҳамма шевасида (п) тарзда талаффуз қилинади ва бу ҳол талаффуз учун меъёрий ҳодиса ҳисобланади. Лекин бу сўзларнинг охирига аффикс ёки бир унли товуш қўшилиши билан (п) товуш яна (б) тарзида талаффуз қилинади: (*китоби*), (*мактаби*). Худди шунга ўхшаш б товушининг сўз охирида (п) тарзида талаффуз қилиниши (*бориб*), (*келиб*), (*айтиб*) сингари феълларда ҳам мавжуд.

Оғзаки нутқда ва деярли барча ўзбек шевасида [учта] сўзи - (*ушта*), (*уч сўм*) сўзи – (*уссўм*), (*беш сўм*) сўзи – (*бессум*), (*қучди*) сўзи – (*қушди*), (*ечди*) сўзи – (*ешди*), (*изсиз*) сўзи – (*иссиз*), (*юзсиз*) сўзи – (*юссиз*) тарзда талаффуз қилинади ва бундай талаффуз қилиш адабий талаффуз меъёрига мувофиқ. Лекин (*тошни*) ўрнида (*тошиши*), (*тишни*) ўрнида (*тишиши*), (*сўзни*) ўрнида (*сўззи*), (*қорни*) ўрнида (*қорри*), (*кимни*) ўрнида (*кимми*) типдаги айрим талаффузлар ва (*ўрда*), (*шўрда*), (*ўтта*), (*шўтта*), (*аққа*), (*баққа*) каби шакллар адабий талаффуз меъёрига мос эмас. Чунки бундай қўллаш кўпчилик шевага эмас, балки бир ёки бир типли шеваларга хос бўлганлиги учун умумхалқ тилининг талаффузини акс эттирмайди. Иккинчидан, улар оғзаки нутқда ҳар хилликни кўпайтиради.

3. [*Мароқанд*], [*дардманд*], [*қанд*], [*банд*], [*пўст*] каби бирликлар сўнгидаги (д) товушининг нутқда (т) тарзда талаффуз қилинишини ёки шу типдаги сўзнинг баъзиларида сўз охиридаги (д) ёки (т) ундошининг

оғзаки нутқда тушиб қолишини ((хурсан), (Самарқан), (гўш), (нас) сингари) ихчамликка интилиш нуқтаи назаридан, тилимиз табиатини ҳисобга олган ҳолда ва анъана бўлиб қолганлигидан талаффуз меъёрига мувофиқ қилишини эътироф этишга тўғри келади.

4. Оғзаки нутқда (олса), (солса), (олган) сингари сўзлар талаффузида (л) товушини кўп ҳолларда тушириб қолдириш ҳам бугунги кунда адабий талаффуз меъёрига айланиб қолган. (Сопти), (қипти), (қопти), (кетаркан), (совор), (айт) каби сўзларнинг оғзаки нутқдаги талаффузи ҳам шу ҳодисага киради.

5. (Бунча)-(мунча), (бундан)-(мундан) типдаги сўзнинг адабий нутқимизда барабар ишлатилиши ҳам адабий талаффуз меъёрига зид эмас. (Тамбур) сўзининг (тамбур) тарзида, (сунбула) сўзининг (сумбула) тарзида талаффуз қилиниши ҳам талаффуз меъёридан четга чиқиш бўлмайди.

6. (Чироқ), (оёқ), (ёноқ), (япроқ) типдаги сўзларнинг охиридаги (қ) товушини (ғ) тарзида айтиш нутқимиздаги шу сўзларнинг асли ҳолатига тўғри келмаганидек, ўзбек тилининг табиатига ҳам мос эмас. Шунинг учун ҳам юқоридаги сўзлар охиридаги (қ) товушини ўзининг орфографик ҳолатини сақлаган ҳолда оғзаки нутқда ҳам (қ) тарзида талаффуз қилиш мақсадга мувофиқ. Айтиш вақтида бу талаффуз билан имло мувофиқлигини таъминлайди.

7. Ҳозирги ёзувимизда бир хил ёзилувчи айрим сўзлар ҳам борки, уларнинг оғзаки талаффузи фарқ қилади ва бу фарқни нутқда аралаштириш ярамайди. Масалан, (равшан) ва (тавсия) сўзларидаги (в) товуши оғзаки нутқда (у) га мойил қилиб лаб-лаб (е) тарзда талаффуз этилмоғи лозим. Бу сўзлардаги (в) ни (ф) тарзида талаффуз қилиш ҳозирги талаффуз меъёридан чекинишдир.

8. Оғзаки нутқда бир товуш билан бошқа бир товуш алмашилиб қўлланилиши мумкин. Масалан, (кетди) сўзини (кетти), (борамиз) сўзини (борамис), (баланд) сўзини (балан) каби. Бу қоида кўпроқ ундошга хос. Лекин у баъзан унлига ҳам жорий қилиниши мумкин. Масалан, (шу ерда) бирикмаси халқ шевасининг деярли кўпчилигида (ишерда) деб талаффуз қилинади ва бу ҳол адабий талаффуз меъёридан четга чиқиш бўлмайди. Бироқ унлини алмаштириб талаффуз қилиш ундошни алмаштириб талаффуз қилишга нисбатан амалда кам учрайди. Чунки унлини алмаштириб талаффуз қилиш кўпинча сўз маъносининг бузилишига олиб келади. Масалан: кир-кер-кар-кор-кўр; сил-сел-сал-сол-сўл.

9. Ундошларнинг талаффузи ҳам муҳим аҳамият касб этади ва уларни нотўғри талаффуз қилиш кўпол хатоларга олиб келиши мумкин. Масалан, баъзан (нг) товуши ёзилишига қараб $n+g$ тарзида (борин-гиз, келин-гиз, ўзин-гиз каби) талаффуз қилинмоқда. Ҳолбуки (нг) товуши аслида (н) товушига ўхшаш содда бир товуш бўлиб, унда бурун резонанси

кучлироқдир. Алфавитда бу товуш ўзининг алоҳида график белгисига эга бўлмай, кўшимча (з) товуши ёрдамида икки ҳарф билан берилганлиги туфайли алифбодаги бу камчилик имло орқали талаффузга салбий таъсир этиб, баъзи сўзларни бузиб талаффуз қилишга сабаб бўлади. Демак, унли ва ундош товушни тўғри талаффуз этмаслик жиддий чалкашлик ва нуқсон туғдириши мумкин.

10. Ўзбек тилига ўзлашган байналмилал сўзнинг деярли ҳаммаси аслида қандай қўлланган бўлса, оғзаки адабий нутқда ҳам асосан аслига мос равишда талаффуз қилинади. Бунга (*фабрика*) сўзининг (*набрика*) эмас, асл ҳолича (*фабрика*) тарзида талаффуз этилиши мисол бўла олади. Шунингдек, (*автомобиль*) сўзини (*афтамабиль*), фамилияларнинг охиридаги (-ов) аффиксини (-ўф) тарзида, хотин-қизлар фамилиясидаги (-в) ни эса лаб-лаб (-в) тарзида (у) унлисига яқин талаффуз қилиш ҳам талаффуз меъёридан чекиниш ҳисобланмайди.

ГРАФИКА

Графика ҳақида тушунча

Графика асли грекча *graphikos* сўзидан олинган бўлиб, тилшуносликда ёзув деган маънони англатади.

Ёзув, умуман олганда, ҳарф ёки чизик воситасида акс эттириладиган шартли белгиларнинг муайян системаси. Тилшуносликда ёзувнинг пиктографик, идеографик ва фонографик каби турлари ўрганилган.

Ўзбек ёзуви ҳозирги ҳолга келганга қадар узоқ тарихий йўлни босиб ўтиб, жуда кўп ўзгаришга учради.

Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати. Ёзув ижтимоий талаб асосида жамиятнинг муайян тараққиёт даврида пайдо бўлган ва унинг ривожланиши билан боғлиқ равишда мукамаллаша борган. У тилдан кейин жамият томонидан қўлга киритилган энг катта маданий ютуқлардан бири ва тилнинг ифодаси сифатида жамиятга хизмат қилади. Ёзув билан тил ўзаро узвий алоқадор. Шунинг учун ҳам тил билан ёзув ўртасида жуда кўп умумий томон мавжуд. Ёзув кўп ҳолда тилнинг ўрнини босади. Баъзи ҳолларда эса тилда бўлмаган имконият ёзув орқали юзага чиқади. Масалан, ёзув туфайли кишиларнинг узоқ масофадан ҳам бир-бирлари билан, ҳатто авлодлар билан ҳам алоқа боғлаш имконияти мавжуд. Бироқ ёзувнинг тилга нисбатан ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Биринчидан, у тилнинг тўлиқ акси эмас, балки ёзувдаги шартли ва сунъий акси. Шунинг учун ҳам тилнинг хизмат доирасига зид равишда ёзувнинг хизмат доираси чегараланган. Иккинчидан, ёзув орқали иш кўрилганда вақтдан ютқазилади. Учинчидан, ёзув махсус воситасиз, яъни ёзув асбобисиз

амалга ошмайди. Тўртинчидан, ёзув саводи йўқ киши учун, шунингдек, тегишли шароит бўлмаган тақдирда (масалан, қоронғида) аҳамиятини йўқотади. Бундан ташқари, тил жамиятнинг барча аъзоларига барабар хизмат қилганидек, жамият тараққиёти давомида ўз шаклини кескин ўзгартирмаган ҳолда ўсиб, мукаммаллашиб боради. Ёзув эса, бир томондан, тилга нисбатан кам ўзгаради, иккинчидан, у алоқа воситасининг шартли шакли сифатида ўз тусини янги ижтимоий-сиёсий ўзгариш ёки жамиятнинг талабига мувофиқ нисбатан тезроқ ёки бутунлай ўзгариши ҳам мумкин. Қисқаси, ёзув кўп жиҳатдан тилга яқин бўлиб, баъзи ҳолда унинг ўрнини боса олса ҳам, лекин функцияси жиҳатдан унга нисбатан анча чегаралангандир. Шунинг учун ҳам у жамиятда алоқа воситаси сифатида тил билан тенг ҳуқуқли бўла олмайди.

Тил жамият билан бир вақтда юзага келган. У жамиятнинг шаклланишида асосий роль ўйновчи энг муҳим омилдан бири. Шунга кўра, тилсиз жамиятнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин ёзувсиз жамият бўлган. Жамиятнинг келгуси тараққиётида радио ва телевизион алоқа воситалари каби ёзувдан устунроқ бўлган янги воситалар ҳам юзага келиши мумкин.

Оғзаки нутқ ва товуш тили алоқа воситаси сифатида кишиларнинг эҳтиёжини юқори даражада қондирса ҳам, ҳозирги давр техник тараққиёти нуқтаи назаридан унинг иккита жузъий камчилиги бор:

1) у бир индивид (шахс) нинг тили сифатида яқин масофада турган суҳбатдошига эшитилади, холос;

2) оғзаки нутқ замонда чегараланган, яъни у айтилаётган пайтдагина қабул қилинади.

Ёзувнинг асосий хусусиятидан яна бири унинг график белги бўлиб хизмат қилиши. Ёзув учун график белги қабул қилинганга қадар кишилар ҳар хил жонли ва жонсиз предметдан символик тарзда фойдаланар эди. (Масалан, олов ёқиб, тошларни ҳар хил шаклда қўйиб, дарахтларни ўйиб ва уларга белги қўйиб, қушлар ёки итлар орқали хабарлашиш ва бошқалар).

Ёзув ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки маълум бир эҳтиёж ва зарурат асосида-фикрни узоқ масофага етказиш талаби билан яратилган. Шу билан бирга, товуш тилдан фарқли ўлароқ, ёзувнинг ўзига хос характерли белгилари бор.

Биринчидан, ёзув мустақил ва асосий алоқа воситаси бўлолмайди. У асосий алоқа воситаси бўлган тил учун ёрдамчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёзув жамият тараққиётининг кейинги даврида пайдо бўлган. Бунинг устига ёзув ўтмишда жамият аъзоларининг барчасига эмас, балки унинг фақат бир қисмигагина хизмат қилар эди. Шунинг учун ҳам ёзув мустақил алоқа воситаси бўлолмайди. Иккинчидан, ёзувнинг асосий вазифаси нутқни узоқ масофага етказиш ва кейинги даврларга қолдириш

учун хизмат қилишдан иборат. Учинчидан, кўз билан қабул қилинадиган график белги ёзувнинг асосий қуроли бўлиб ҳисобланади.

Демак, ёзув кўз билан кўрадиган ва кишилар ўртасида ўзига хос алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган график белгилар системаси бўлиб, унинг жамиятда ўзига хос катта ўрни ва хизмати бор, яъни ёзув маълум бир масофа билан ажралган одамлар орасидаги алоқани яхшилашда, ёзма адабиётни ва ёзма адабий тилни юзага келтиришда, маълум бир даврда яратилган маданий-адабий ёдгорликни кейинги даврда етказиб беришда ниҳоят даражада муҳим роль ўйнайди.

Оғзаки нутқ ва ёзма нутқ. Нутқ ҳам тил ва ёзув каби икки хил шаклга эга: а) оғзаки нутқ; б) ёзма нутқ. Оғзаки нутқ тилнинг (нутқнинг) табиий ҳолда кўриниши. Ёзма нутқ эса шу табиий нутқнинг ёзувдаги ифодаси. Шунга кўра, оғзаки нутқ ўзининг табиийлиги, таъсир доираси ва талаффуз хусусиятига кўра, ёзма нутқдан жиддий фарқ қилади. Оғзаки нутқ – фикрни ифодалашнинг асосий воситаси. Унда товуш комплекси, баъзан айрим товуш воситалари билан фикр баён этилади. Нутқ органи воситаси билан фикрни рўёбга чиқариш ва эшитиш органи орқали уни уқиб, идрок қилиш – оғзаки нутқнинг асосий хусусиятидан бири.

Нутқнинг ёзма шакли унинг табиий шакли каби нутқ органи ёрдамида ифодаланмайди. Ёзма нутқда эса кишилар ўз фикрини турли шартли белгилар системаси воситаси билан ифода қилади. Шунга кўра, ёзма нутқ табиий нутқнинг шартли кўриниши бўлиб, фикрни ифодалаш воситаси сифатида у маълум даражада чегараланганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам нутқнинг ёзма шакли қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, у табиий нутқнинг ўрнини боса олмайди, балки ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади, холос.

Ёзувнинг тарихий аҳамияти

Ёзувнинг келиб чиқиши ва тараққиёти жамият тараққиёти билан, унинг маданиятининг юқори савияга кўтарилиши, шунингдек, сиёсий-ҳуқуқий, эстетик ва шу каби фикрларни қайд қилиш ҳамда кейинги даврга қолдиришга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши билан боғлиқ. Демак, ёзув жамиятнинг энг буюк маданий кашфиётидан бири бўлиб, кишилик жамиятининг ҳар томонлама тараққиётида жуда катта роли ва ўзига хос аҳамияти бор.

Халқларнинг қадимий ёзувини ўрганиш жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ёзувни ўрганиш ва илгариги даврда яратилган ёзма ёдгорликни ўқиш қадимда амал қилган тилнинг лексик-грамматик хусусиятини, ўша ёдгорлик эгаси бўлган халқнинг тарихий урф-одати ва маданияти билан яқиндан танишиш имкониятини беради.

Агар ёзув бўлмаганда, аждодларимиз томонидан яратилган юксак маданият намуналари етиб келмаган бўлар эди. Ҳомер, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Фирдавсий, Низомий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Пушкин каби буюк сиймоларнинг ажойиб фикрларидан баҳраманд бўла олмас эдик.

Жамиятда китоб, газета, журнал, ва умуман матбуотнинг таълим-тарбиявий аҳамияти юксак даражага кўтарила бораётган ҳозирги пайтда ёзувнинг, ёзма нутқнинг роли ҳам ўсиб, таъсир доираси кенгайиб бормоқда.

Ўзбек ёзуви тарихидан қисқача маълумот

Марказий Осиёда энг қадимги даврда яшаган қабилалар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар грек, эрон, хитой тарихчилари ва ёзувчилари асарларида, тошларда битиб қолдирилган ёзув ва бошқа материалларда баён қилинган.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи қадимда турли ёзув системасидан фойдаланиб келган. Ўзбек ёзувлари тарихида амалда ишлатиб келинган асосий ёзув системасини фонографик, яъни товуш ёзуви, ҳарфий ёзув ёки алфавит ташкил этган. Ўзбек халқи Марказий Осиёнинг бошқа халқлари сингари оромий, юнон, карошта, суғд, хоразм, қўшан, эфталит, пахлавий, сурия, ҳинд, урхун (руник), уйғур, араб ёзуви каби бир қанча ёзувдан фойдаланган. Ўрхун-руник ёзувини бошқа туркий халқлар билан биргаликда ижод қилган.

Собиқ шўро даврида бошқа Шарқ халқлари билан бир қаторда аввал лотин, кейинчалик эса рус графикасига асосланган ёзувни қабул қилиш ўзбек халқи ҳаётида ўзига хос ҳодиса бўлди.

Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Марказий Осиёнинг Эронга яқин ҳудудида расмий ёзув сифатида клинопись, яъни миҳ ёзуви ишлатилар, айрим жойларда эса халқаро дипломатик муомалада оромий ёзуви қўлланилиб, клинописдан бирмунча оддий ва қулай эди. Турли ёдгорликларда қайд этилишича, эрамиздан олдинги III-I асрларда оромий ёзуви билан бир қаторда юнон ва карошта ёзуви ҳам ишлатилган.

Ҳозирги эрамиздан бошлаб суғд ёзуви қўлланила бошлади. Бу ёзув тахминан VI асргача давом этди. II асрнинг охири ва III асрнинг бошида Хоразм шоҳи чиқарган пулларда хоразм ёзуви учрайди. Бу ёзув Марказий Осиёда анча кенг тарқалган бўлиб, оромий ёзувиغا яқин эди.

V-VIII асрлар давомида туркий халқлар Ўрхун-Енисей номли ёзувдан кенг фойдаланган. Бу ёзув баъзан руник ёзув деб ҳам юритилади. Енисей дарёси ҳавзасидан топилган Ўрхун ёзуви ёдгорликлари ҳақида дастлаб XVIII асрнинг бошида рус хизматчиси Ремезов хабар берди. Кейинроқ швед офицери Иоганн Страленберг шу дарё ҳавзасида номаълум ёзувли тош борлигини қайд этади. Бу ҳақда олим Мессершмидт

ҳам ўз асарларида маълумот бериб ўтади. Аммо узоқ вақт давомида олимлар бу ёдгорликларни ўқишга, унинг қайси халққа тегишли эканлигини аниқлашга муваффақ бўла олмадилар.

XIX асрнинг биринчи чорагида «Сибирский вестник» («Сибир ахбороти») журналида Григорий Спасскийнинг Енисей ёдгорликлари ҳақида мақоласи босилди. Бу мақола лотин тилига таржима қилиниб, кўп мамлакатларнинг олимларига маълум бўлди. Лекин турли мамлакат олимлари уни турлича талқин қила бошладилар.

1890 йилда Фин-Угор илмий жамияти Ўрхун дарёсига археологик экспедиция уюштирди. 1891 йил эса Россия Фанлар академияси академик В.В.Радлов бошчилигида Ўрхунга катта экспедиция юборди. 1892 йилда бу экспедициянинг иш натижалари иккита атлас ҳолида нашр қилиниб, уларда номаълум ёзув ёдгорликларининг сурати, улар топилган жойларнинг плани, харитаси ва бошқа маълумотлар берилган эди. Ёдгорликларни биринчи бўлиб даниялик Вильгелм Томсен ўқишга муваффақ бўлди. У ўқишда турли алфавитларга таянмай, ишни ҳарфларнинг ўзаро нисбати ва ўхшашликларини аниқлашдан бошлади. Туркий тиллардаги баъзи бир товушларнинг қатор келиш ёки келмаслик ҳолатини аниқлаб, уни ёдгорликка солиштириб кўрди. Ёдгорлик ёзувини чапдан-ўнгга қараб эмас, балки ўнгдан чапга қараб ўқиш кераклигини аниқлади. В.Томсен биринчи бўлиб (турк-турк) сўзини ўқиб, мазкур ёдгорлик туркий халқларга тегишли деган хулосага келди. 1893 йилнинг 25 ноябрида деярли барча ҳарфларни аниқлаб ёдгорликларнинг «сири»ни очди. Бу орада академик В.В.Радлов ҳам 15 га яқин ҳарфни аниқлаб улгурган эди.

В.В.Радлов ўзининг ва В.Томсеннинг кашфиётига таяниб, Ўрхун дарёси атрофидан топилган бир неча ёдгорликлар матнини биринчи бўлиб таржима қилди.

Шундай қилиб, В.Томсен икки сўзни олдин ўқиган бўлса-да, айти бир вақтда рус олими В.В.Радловнинг ҳам бу ёзувни ўқишда хизмати каттадир. Шунга кўра, ушбу ёзувни биринчи бўлиб ўқиш ва изоҳлаб беришда ҳар икки олимнинг хизматлари ҳам бир хил баҳоланади.

Кейинчалик Ўрхун-Енисей ёзувининг янги-янги ёдгорликлари топилди, ўрганилди ва аниқланди.

Умуман, Ўрхун-Енисей ёдгорликларини текшириш ва ўрганишда В.Томсен, В.В.Радлов, П.М.Мелиоранский, А.Гейкель, С.Е.Малов кабиларнинг хизматлари жуда катта. Ҳозирги вақтда уларнинг ишини янгидан етишиб чиққан рус ва миллий республика олимлари муваффақият билан давом эттирмоқда.

Ўрхун-Енисей ёдгорликларига хос айрим лексик бирлик ва грамматик шаклни ҳозирги ўзбек, уйғур, озарбайжон, қирғиз, қозок, туркман, қорақалпоқ, татар, бошқирд, қорачой, болқар ва бошқа туркий

тилларда учратиш мумкин. Шунга кўра, С.Е.Малов таъкидлаганидек, бу ёдгорликлар кўпчилик туркий тиллар тарихини ўрганишда муштарак бир манба сифатида жуда катта аҳамият касб этади.

Қисқаси, Ўрхун-Енисей ёзуви туркий халқларнинг энг катта маданий ёдгорликларидан. Айни вақтда ушбу ёзув туркий халқларнинг жаҳон халқлари орасида энг қадимий ва етук маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Маълум бўладики, бу ёзувнинг ҳам тарихий, ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан бекиёс даражада катта аҳамияти бор.

VI-VII асрдан бошлаб туркий халқлар ва мўғулларда уйғур алфавити қўлланган. Академик В.В.Радловнинг таъкидлашича, бу алфавит туркий халқлар орасида анча кенг ишлатилган. XIV-XV асрларда яратилган «Бахтиёрнома», «Меърожнома», «Тазкираи авлиё» каби асарлар уйғур ёзувида кўчирилган. Ҳатто 1469 йилда тузилган Умар Шайх ёрлиғи уйғурча ёзилган.

Қадимги уйғур ёзуви билан иш кўриш айрим ёзма адабий тилларга ҳам ўз таъсирини ўтказди ва сезиларли из қолдирди. Масалан, қадимги уйғур тилига хос бўлган бир қанча морфологик, лексик, фонетик унсурни Навоийгача яратилган ҳамма ёдгорликда учратамиз.

VII-VIII асрларда Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олинади ва шундан кейин ўзбек халқи ҳам араб ёзуви билан иш кўра бошлайди. Шунинг учун бу даврдан бошлаб, ўзбек олимларининг деярли барча асарлари асосан араб алифбосида ёзилган.

Араб ёзуви ўзбек тили хусусиятларига кўп жиҳатдан мувофиқ келмас эди. Араб алифбоси, ёзилиши жиҳатидан мураккаб бўлиши билан бирга, у ўзбек тилининг махсус товушларини ифода эта олмас эди. Унинг бу жиҳатини сезган айрим мутахассислар ўз муносабатларини билдирдилар. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Хатти Бобур» ёзувини яратди, лекин бундай илғор тадбирлар, ўша замонда амалга ошмай, эътиборсиз қолиб кетди.

Араб ёзуви октябрь тўнтаришидан кейин ҳам бир неча йиллар давомида амалда бўлди. Бироқ араб ёзуви, айниқса, маданиятнинг талабларига тўла жавоб бера олмай қолди. Халқни тез орада ёппасига саводли қилиш, илмий, бадий, сиёсий адабиётларни кўплаб бостириш, газета, журналларни халқ орасига тезда тарқатиш ишига тўсқинлик қила бошлади. Шунинг учун ҳам 1929 йилдан бошлаб ўзбек ёзуви лотинлаштирилган алфавитга кўчирилди. Бу ҳодиса ўша даврда жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳодиса бўлиб майдонга келди. Бу ёзув туркий тиллардаги товушлар хусусиятини, хусусан, уларга хос фонетик ҳодисаларни беришда араб ёзувига нисбатан жуда катта қулайликларга эга эди. Лотин алфавити то 1940 йилгача амалда ишлатилиб, ўз вақтида Шарқ халқларининг ёзуви тарихида муҳим роль ўйнади. Умуман олганда,

Шарқ республикаларининг лотинлаштирилган алфавитга кўчиши ўша даврда жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳодиса бўлди. Бироқ 1940 йилда собиқ шўро ҳудудида ёппасига кирилл алифбосига ўтишга қарор қилинди ва бу ёзув 1991 йилгача ўзбек халқининг ҳам «миллий» ёзуви сифатида амал қилди.

1993 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси лотин алифбосини миллий ёзув сифатида қабул қилишга ва бу ёзувга ўтишга қарор қилди. Лотин алифбоси ўзбек халқи мустақиллигининг бир белгиси сифатида намоён бўлди.

ИМЛО

Ўзбек имлосининг асосий тамойиллари

Бугунги ўзбек имлоси фонетик, морфологик, тарихий-анъанавий, фарқловчи (дифференциал) ва шаклий(график) ёзув тамойилларига таянади. Шева ва айрим шахсларнинг нутқидаги хилма-хилликни ҳисобга олмаганда ҳам оғзаки нутқ товушининг бир-бирига таъсир қилиши натижасида сўз таркибида, турли характердаги жуда кўп ўзгариш содир бўлади. Бу хилма-хилликнинг ҳаммаси ҳам орфографияда ўз аксини топаверганда, ёзувда бир хилликни таъминлаб бўлмас эди. Ёзувда бундай нуқсонларга барҳам бериш учун орфографиянинг юқорида саналган қоидалари ишлаб чиқилган.

Фонетик ёзув. Бу ёзувга асосан сўзларга кўшимча қўшилиши натижасида юз берган фонетик ўзгариш нутқ жараёнида қандай эшитилса, шундай ёзилади.

Сўз таркибидаги ўзак ва кўшимчанинг ёзувда эшитилишига қараб меъёрлаштирилиши *фонетик ёзув* деб юритилади. Масалан, адабий талаффузда жўналиш келишигининг асосий шакли сифатида *-га* қабул қилинган. Баъзан бу шакл (*к*) ва (*қ*) товушидан кейин (*-ка*), (*-қа*) тарзида талаффуз этилади ва шу тарзда ёзилади: *теракка, булоққа*.

Тилимизда кўпгина морфемалар фонетик вариантнинг мавжудлиги уларнинг фонетик ёзув асосида ёзилишидан дарак беради: [*-ган/-қан/-кан*] сифатдошлари; [*-гунча/-кунча/-қунча*]; [*-гач/-кач/-қач*] равишдошлари; [*-дир/тир*]; [*-каз/-газ/-гиз/-қаз/-қиз*] каби нисбат шакллари ва ҳ.

Ҳозирги ўзбек орфографиясида барча ўзак ва кўшимчани ёзишда ҳам фонетик тамойилга амал қилинавермайди.

Морфологик ёзув. Фонетик ёзувдан фарқли равишда морфологик ёзувга кўра тилдаги морфемалар нутқда қандай айтилса ёки эшитилса, шундай эмас, балки асл ҳолича ёзилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, сўз ўзагига қўшилувчи морфеманинг ёзувда тўлиқ ёки қисман бир система

асосида акс эттирилиши ёки уларнинг вариантларидан бирининг танлаб олиб ёзилиши асосида бир хилликка эришиш *морфологик ёзув* дейилади.

Ҳозирги ўзбек орфографиясида морфологик тамойил асосий ва етакчи тамойилдан бўлиб, ёзувда кенг қўлланади. Масалан, (*айтди*) сўзидаги (-*ди*) шакли (-*ти*) тарзида эшитилади (*айтти*), *айтган* сўзидаги (-*ган*) шакли (-*кан*) тарзида эшитилади (*айткан*), *айтгин* сўзидаги (-*гин*) шакли (-*кин*) тарзида эшитилади (*айткин*).

Тарихий-анъанавий ёзув. Ўзбек халқининг ёзуви тарихида кўпгина сўз ва иборалар борки, оғаки нутқда қай тарзда талаффуз этилишидан қатъи назар, уларнинг ёзилишида маълум анъанага амал қилинади. Сўз ёки морфеманинг ҳозирги талаффуз меъёрига мос келмайдиган, тарихий шаклида ёзилиши тарихий-анъанавий ёзув қоидаси асосида. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида:

-буйруқ-истак майлининг [-*гин*] шакли ўрнида [-*гил*], [-*гил*] шакллари: *айтгил, урмагил*;

[-*гани*] мақсад равишдошининг [-*гали*], [-*кали*], [-*қали*], [-*гали*] шакллари: *айтгали, куйдиргали*;

[-*дан*] чиқиш келишиги ўрнида [-*дин*], [-*ми*] юкламасининг [-*му*], [-*дир*] шаклининг [-*дур*] тарзида ишлатилиши бунга мисол бўлади.

Фарқлаш тамойили нутқимиздаги шакли ва талаффузи бир-бирига яқин сўз ва морфемаларни ёзувда фарқлашни талаб этадиган ёзув қоидаси. Масалан: *отли-отлик, тўнли-тўнлик, пальтоли-пальтолик, ёндош-ёндаш, қисм-қисим, роса-расо, танбур-тамбур* ва ҳ.к.

Шаклий ёзув. Сўзларни шаклий ёзув асосида ёзиш - қайси халқнинг тили ёки графикасидан олинган бўлса, ўша этимологик ёки график ҳолатини сақлаб қолиш. Ўзбек тили лексикасида араб, форс-тожик, рус, инглиз тилидан ўзлашган қатор сўзлар мавжуд бўлиб, ўзбек халқи талаффузида улар ўзига хос тарзда қўлланилиши мумкин. Аммо шаклий ёзув қоидасига мувофиқ уларнинг ўзлари мансуб тилдаги этимологияси сақлаб қолган ҳолда ёзилади. Масалан, *муаллим-ма:лим, маориф-мо:риф, Саодат-Со:дат, Муҳиддин-Мўйдин, гўшт-гўш, бахт-бах, фикр-фиқир, ҳукм-ҳуқум, стол-устал, станция-истанса* ва ҳ.к.

Орфографиянинг кўриб ўтилган ёзув қоидаларидан фонетик ва морфологик тамойил ўзбек тилидаги ва сўз кўшимча бирикуви натижасидаги фонетик ҳодисаларни, тарихий-анъанавий ва фарқлаш тамойиллари баъзи сўзни ва кўшимчани қандай ёзишни меъёрлаштиради, шаклий ёзув фақат бошқа тиллардан ўзлашган сўзни қандай ёзишни ўргатади. Лекин айтилган вақтда кўриб ўтилган ёзув қоидаларининг ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тўлдириш учун хизмат қилади.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикология ҳақида тушунча

Лексикология (от. грек. *lexikos* сўзга оид ва *logos* - таълимот) тилнинг луғат таркибини, лексикасини ўрганувчи тилшунослик бўлими. Лексикологиянинг ўрганиш манбаи сўз бўлса, ўрганиш предмети унинг қуйидаги жиҳатлари:

а) лисоннинг асосий луғавий бирлиги сифатидаги лексема муаммоси, лексик бирлик типлари;

б) тил луғат таркиби структураси;

в) луғавий бирликларнинг қўлланилиши;

г) луғат таркибининг бойиши ва тараққиёти;

д) лексик бирликларнинг тилдан ташқаридаги борлиқ билан ўзаро муносабати.

Сўз умумлингвистик муаммо, шу боисдан у умумий сўз назарияси доирасида ҳам ўрганилади. Лексик бирлик доирасига нафақат алоҳида сўз (тугал шаклланган бирликлар), балки сўзга тенг барқарор бирлик, мураккаб, таркибли сўз ҳам киритилади. Лекин сўз асосий луғавий бирлик саналади.

Шакл ва мазмун бирлигидан иборат сўз тил бирлиги сифатида уч йўналишда ўрганилади:

а) структур жиҳатдан (сўзнинг қурилиш хусусиятлари);

б) семантик жиҳатдан (сўзнинг луғавий маъноси);

в) функционал жиҳатдан (сўзнинг лисон ва нутқ структурасида тутган ўрни).

Структур ёндашувда сўз лексикологик назариясининг асосий вазифаси унинг алоҳидалиги ва ўзига хослиги мезонини тиклашдир. Биринчи ҳолатда сўз сўз бирикмаси билан қиёсланиб, унинг тугал шаклланганлик ва алоҳидалик белгилари очилади. Сўзнинг нутқдаги аналитик шаклининг лисоний асоси ёритилади. Иккинчи ҳолатда сўзнинг турли грамматик шаклидан ҳосил қилинган лисоний инвариантини тиклаш хусусида сўз боради. Шу муносабат билан грамматик шакл олган лексема - сўзшакл тушунчаси муайянлаштирилади. Шунингдек, лексеманинг турли нутқий - фонетик, морфологик, лексик-семантик вариантлари ўрганилади.

Луғавий бирликнинг семантик таҳлилида, улар (луғавий бирликлар) лексик семантика - семасиология тадқиқ манбаига айланади. Бунда сўзнинг тушунча (сигнификат) ва борлиқдаги аталмиш (денотат)га муносабати ўрганилади. Семасиологияда сўзнинг семантик хусусияти – бир маънолилиқ ва кўп маънолилиқ, умумий ва хусусий, мавҳум ва муайян, бош ва ҳосила, тўғри ва кўчма маънолари текширилади. Бунда

асосий эътибор сўзнинг семантик структурасига, сўз маънолари типи ва уларни ажратиш мезонига, сўз маъноларининг ўзгариши ва тараққиёти, сўзнинг маъносини йўқотиши ва грамматик формантга айланиши – десемантизация ҳодисасига қаратилади.

Функционал ёндашувда сўзнинг нутқда воқеланиш жараёнидаги роли, шунингдек, бошқа лисоний сатҳ бирликлари воқеланишига, улар умумий маъноларининг парчаланишига қўшган «ҳиссаси» текширилади. Масалан, (*одамча*) сўзида [*одам*] лексемаси (-ча) морфемасининг «кичрайтириш-камситиш» маъносини (*қизча*) сўзидаги «кичрайтириш-эркалаш» маъносидан фарқлаган, морфологик сатҳ бирлиги бўлган [-ча] морфемасининг «кичрайтириш» умумий маъносини парчалаб, унинг бирини иккинчисидан ажратган.

Лексикология лексикага тил тизимидаги ички система сифатида қарайди. Шунингдек, ўзаро маъновий умумийликка эга бўлган луғавий бирлик янада кичик, ички тизимча сифатида қаралади. Шу асосда катта ва кичик, ички тизимларнинг поғонали, бир-бирини ташкил этувчилик муносабати очилади. Масалан, [*олма*], [*ўрик*], [*нок*] каби ҳўл мева номи бир тизимни ташкил этади. Сабзавот номи бошқа бир тизимни ташкил қилади. Улар юқорироқда яна бирлашади - кичик тизимчалардан ташкил топган «мева-сабзавот номи» тизимини ташкил қилади ва умумлаштириш юқорига қараб давом этаверади.

Тилнинг луғавий таркиби бир хил эмас. Сўзлар турли асосга кўра кўплаб типларга ажратилади. Масалан, қўлланиш даражасига кўра умумий истеъмол ва чегараланган (ёки хусусий) лексика, қўлланиш даврига кўра эскирган сўз, замонавий сўз ва неологизм, қўлланиш доирасига кўра диалектизм, профессионализм, жаргон каби турларга бўлинади.

Лексикология тил луғат таркибининг бойишини ўрганганда унинг 3 типини ажратади. Булардан 2 таси (янги сўз яшаш, сўзни янги маънода қўллаш) ички бойиш имконияти бўлса, биттаси ташқи (сўз ўзлаштириш)имкониятдир.

Луғавий бирликнинг борлиққа муносабатини ўрганиш лексикологиянинг муҳим аспектидан бири. Бунда уларнинг киши ҳаётига, амал қилаётган даврга муносабати очилади. Масалан, яқин ўтмишда [*савдогар*] сўзида салбий оттенка бўлган бўлса, бугунги кунда ижобий бўёқли сўз сифатида кенг истеъмолда.

Лексикологиянинг умумий, хусусий, тарихий, қиёсий, назарий, амалий лексикология каби тури мавжуд.

Умумий лексикология лексиканинг қурилиш, амал қилиш ва тараққий этишининг умумий қонуниятини очса, хусусий лексикология маълум бир тилнинг луғат таркибини ўрганади.

Тарихий лексикология сўзнинг тарихий шаклий ва маъновий ҳолатини, тараққиётини текширади.

Қиёсий лексикология қариндош ва қариндош бўлмаган тилларнинг лексик бирликларини таққослаш билан шуғулланади. Масалан, *қалқимоқ* сўзи ўзбек тилида нарсаларнинг юзага чиқишини ифодалайди ва унинг турк тилидаги варианты маъноси («кишининг ўрнидан туриши») фарқланади (Саат қачда калкийурсунуз? - Қачон уйқудан турасиз?) Ёки қариндош бўлмаган ўзбек ва рус тилларидаги [*яблоко*] (мева) ва [*олма*] (мева ва дарахт) лексемаларининг лисоний қийматлари ҳар хил.

Амалий лексикология лексикография (луғатчилик), таржима, лингво-поэтика ва нутқ маданиятини ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири лексикологик назарияни бойитади. Масалан, таржима қиёсий лексикология учун қимматли материаллар беради.

Назарий лексикология лексикада лисоний ва нутқий жиҳатларни фарқлаб, уларнинг тизимий муносабатларини тадқиқ қилади.

Лексикология ўз ўрганиш предмети тадқиқида умумлингвистик тадқиқ усул - дистрибутив (сўзнинг чегарасини белгилаш, морфологик структурасини аниқлаш), субституция (сўзлар маъновий хусусиятларини таҳлил этиш), компонент таҳлил (лексема ва сўзлар маъновий таркибини аниқлаш), трансформацион ва статистик методларидан фойдаланади.

Лексема ва сўз

Назарий ёндашувда лексик сатҳ бирлиги тилшуносликда *лексема* атамаси билан номланади. Лексема тилшуносликнинг энг муҳим ва марказий тушунчасидан бири бўлса ҳам, унинг мазмун ва чегараси ҳозиргача аниқ белгиланган, деб бўлмайди.

Тилшуносликда лексема ва унинг лисоний тизимда тутган ўрни масаласидаги мураккаб ва чигал муаммодан бири лексеманинг тил структур бирлиги бўла олиш-олмаслиги. Кўплаб тилшунослар тилнинг структур бирликларини санар экан, фонема, морфема ва конструкция билан чекланиб, лексемани тилнинг алоҳида қурилиш бирлиги эмас, балки ва уни морфеманинг бир кўриниши сифатида қарайди. Ўзбек тилшунослигида лексикани тизим сифатида тадқиқ этиш натижаларини умумлаштирувчи ўқув қўлланмасида (Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари) ҳам лексема «жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемани ўзига бириктира оладиган морфема тури» тарзида морфеманинг бир кўриниши сифатида таърифланади. Лексемани морфема орқали таърифлаш, ўз-ўзидан, лисоний қурилишда унинг алоҳида,

мустақил ўрни йўқлигига ишора қилади. Ҳолбуки, лексема кўп ҳолларда, жумладан, В.В.Виноградов таъкидланганидек, лексика ва грамматиканинг асосий бирлиги сифатида қаралади. Агар лексемага шундай ёндашилса, тилнинг асосий яруси-лексик сатҳ ҳам ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиб, морфемик сатҳнинг таркибий қисми мавқеида бўла олади, холос. Бу каби ҳолатлар тилшунослар, олдига лексеманинг тил тизимида тутган ўрнини белгилаш ва асослаш вазифасини қўймоқда.

Европа тилшунослигида лексемага морфема орқали таъриф берилиб, у «корневая морфема» (ўзак морфема) сифатида қаралади. Ўзбек тилшунослигида ҳам лексема морфеманинг бир кўриниши сифатида эътироф этилади. Бироқ турли қурилишли тилларда лексема ва морфема муносабатида фарқли ҳолатлар мавжуд. Маълумки, агглютинатив ва флектив тиллардаги ўзакнинг кескин фарқланиши тилшуносликка кириш курсига доир барча дарслик ва қўлланмаларда муфассал шарҳланган. Уларда таъкидланишича, агглютинатив (масалан, рус, араб) тиллардаги ўзак ҳар доим сўз ясовчи ёки грамматик шаклдан холи тасаввур қилинмайди ва маъно англатмайди. Шунинг учун мазкур тилларга ўзакни морфемаларнинг бир тури сифатида қараш ва шу асосда фақат ўзакдан иборат, тарихий ясамалигини йўқотган ўзак лексемаларни мустақил қўлланишга эга бўлмаган морфеманинг бир кўриниши сифатида баҳолаш хос ва шу хусусият билан флектив тил агглютинатив тилдан фарқланиб туради.

Ўзак ва морфема туркий тиллар учун бир-бирини қопловчи, маънодош тушунча эмас. Тўғри, унинг иккаласи ҳам тилнинг энг кичик маъноли бўлаклари. Бу жиҳатдан фонема билан зиддиятда туради. Шунингдек, ўзак ҳам, морфема ҳам, яхлитлик (цельнооформленность), умумийлик, тайёрлик, мажбурийлик ва такрорланувчанлик хоссаларига эга. Бироқ улардан бири киши онгида аниқ денотатив маънога эга бўлиб, борлиқнинг бирор бўлаги билан алоқадор ҳолда идрок қилинади. Бошқаси эса мустақил денотатив эмас, нисбий маъновий мустақилликка эга бўлиб, боғланишларсиз аниқ маъно касб этмайди. Баён қилинган фикрларни далиллаш учун қуйидаги русча *ч, пись*, арабча *қрЪ, ктб* ва ўзбекча *ўқи, ёз* ўзакларини қўлланиш ва маъно англатиш хусусиятига кўра қиёслаш етарли. Мустақил ва алоҳида ажратилган ҳолатда *ч* нинг ўзак эканлигини мутлақо англаб бўлмайди (*читать, учеба, учение*), бироқ мулоҳаза юритиш натижасидагина *пись* нинг *пишу, письмо* сўзлари билан алоқадорлиги сезилади. Арабча *ктб, қрЪ* ўзаклари ҳақида эса бир қарашда уларнинг ўқиш ва у билан алоқадор тил унсурлари эканлиги, бироқ мустақил қўллана олмаслиги хусусиятини айтиш мумкин. Ўзбекча [*ўқи*] ва [*ёз*] ўзакларини шарҳлашда бу тил эгаси қийинчилик сезмайди. Бунда мулоҳаза [*ўқи*] ва [*ёз*] сўзларининг қандай маъно ташиётганлиги (*ўқи – read, ўқи - study, ёз - write, ёз - summer*) доирасида бўлиб, омонимик

боғланишларни ойдинлаштириш масаласига йўналтирилади. Кўринадики, ўзбек тилида лисоний сатҳ бирлиги сифатида энг кичик маъноли бирликнинг икки алоҳида тури – лексема ва морфемани қатъий чегаралаш учун етарли илмий асос мавжуд. Демак, туркий тилларда лексемани морфема орқали эмас, балки лисоний сатҳнинг морфемадан юқорида турган ва тил эгаси онгида борлиқдаги маълум бир воқелик билан бевосита алоқада бўлган лисоний бирлик сифатида қараш лозим.

Таҳлилдан кўринадики, ўзбек тили учун тилнинг қурилиш бирликлари сифатида *фонема-морфема-лексема-қолип* тизмаси намоён бўлади. Буларда иерархик боғланиш ҳам мавжуд бўлиб, энг кичик морфема бир фонемага, энг катта морфема бир лексемага ва энг кичик лексема бир морфемага, энг катта лексема қолип маҳсулига тенг келади.

Лексема лисоний бирлик бўлса, сўз унинг нутқий воқеланиши, нутқий бирлик. Шунинг учун лексема барча лисоний бирликларга хос бўлган тайёрлик, умумийлик, мажбурийлик каби хоссаларга, сўз эса нутқий бирликларнинг тайёр эмаслик, индивидуаллик, ихтиёрийлик белгиларига эга.

Лексеманинг тайёрлиги ва сўзнинг тайёр эмаслигини далилловчи асосий белгидан бири унинг нутқда намоён бўлиши учун ҳар доим тайёр туриши, сўзловчи уни фақат ишга солиши. Кўринадики, лексема маълум бир тилда сўзлашувчи онгида шакл ва мазмуннинг яхлитлиги сифатида нутққа чиқишга шай бўлиб туради, маълум бир қонуният асосида, сўз яшаш қолипи асосида нутқ жараёнида ҳосил қилинмайди. Масалан, ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг онгида, дейлик [стол], [она], [ручка], [бормоқ], [қизил], [ўн] лексемалари борлиқдаги бирор нарса, предмет, ҳаракат, миқдор, белги каби ифодаловчи онгдаги тушунчанинг инъикоси сифатидаги маънолари билан тайёр ҳолда, сўзловчининг «буйруғи»ни кутган ҳолда туради. Сўзловчига у аждодлар томонидан шаклий ва мазмуний яхлитлик сифатида «мерос қилиб қолдирилган». Сўзловчи унинг на шакл, на маъно томонини ҳамма учун умумий қилиб ўзгартира олади. Уларни нутқ жараёнида бошқа бир маънода қўллаши мумкин. Лекин тил жамияти онгида мазкур шакл бу маънони ифодалашга хосланмаганлиги учун у умумийлик ва барқарорлик хоссасига эга бўла олади. Масалан, сўзловчи [ҳайкал] лексемасини «асар» маъносида қўллаши мумкин: *Менинг ҳайкалим битди* каби. Аммо мазкур шаклга «асар» маъноси вақтинча бирикиб туради ва бу бирикиш омонат бўлганлиги туфайли яшовчанлик касб эта олмайди. Демак, сўзловчи лексеманинг на шаклий томонини, на мазмуний томонини ўзгартира олади.

Сўз эса тил жамияти аъзолари онгидаги лексеманинг сўзловчи томонидан нутқ шароитига мос равишда қўлланилиши. Лексема сўз сифатида воқеланганда, ўзининг бир қиррасинигина олиб чиқади.

Сўзловчи лексемани сўз сифатида нутққа чиқарганда, унга морфологик, синтактик, услубий жиҳатдан ишлов беради. Сўз сўзловчи томонидан лексема асосида унинг нутқ мақсадига мос равишда тайёрланади. Масалан, *Мен қизиқ, саргузаит китобларни севаман* гапидаги *китобларни* сўзини олайлик. Ундаги нутқий луғавий маъно учун [*китоб*] лексемаси асос бўлган. Бироқ лексеманинг фонетик қиёфаси (яъни товушлар), морфологик белгилари (кўплик, тушум келишиги), синтактик вазифаси (сўз кенгайтирувчиси, тобе аъзо, тўлдирувчи эканлиги) кабилар сўзловчининг индивидуал саъй-ҳаракати асосида юзага келтирилди. [*китоб*] лексемаси онгимизда «варақдан ташкил топган, муқоваланган, босма ёки қўлёзма ҳолдаги, даврий бўлмаган ўқув қуроли» ва «йирик ҳажмли асарнинг қисми» каби иккита семемаси билан тайёр ва барқарор ҳолатда туради. Юқоридаги гапда (нутқда) унинг бир семемаси юзага чиққан. Ушбу лексеманинг онгимизда бирикув имкониятлари жуда кенгдир. Бу гапда у *қизиқ, саргузаит* сўзларинигина бириктирган. Бошқа валентлик ўринлари бўш қолган. Шунингдек, семемадаги «босма» семасигина юзага чиққан бўлиб, «қўлёзма ҳолдаги» семаси воқеланмаган. Лексеманинг семантик имкониятида китобнинг қандайлиги, масалан, бадийлиги ёки илмийлиги белгиланмайди. Лекин у бадий ёки илмий бўлиши мумкин. Сўзловчи эса юқоридаги сўзда унинг бадийлигини бўрттирган. Демак, лексема кенг маъноли бўлиб, сўзловчи сўзда унинг маълум бир қиррасинигина юзага чиқаради. Лекин сўз сўзловчи томонидан бошқа жиҳатдан бойитилади. Яъни, айтилганидек, у фонетик, морфемик, синтактик, услубий томондан «тўйинтирилади».

Лексема сўзшакл, ясама сўз сифатида нутқда юзага чиқади. Лексемани грамматик шакллантириш уни сўзшакл қиёфасига киритиш (сўз ва *сўзшакл* синоним атама, чунки нутқда грамматик шаклланмаган, сўзшаклга айланмаган сўз йўқ) ва ундан нутқий мақсад учун маълум қолиплар асосида ясама сўзлар ҳосил қилиш сўзловчининг «сўз тайёрлаши»дир.

Маълумки, ясама сўзнинг айримлари нутқ жараёнида ясалади, айримлари эса бир вақтлар ясалган, бугунги кунда ҳаммамиз учун тайёр ҳолга келиб, туб лексема қаторига чиқиб олган. Қуйидаги учта бирликни қиёсланг:

китоб
китобхон
китобчи

Бу бирликдан иккитаси [*китоб*] ва [*китобхон*] онгимизда тайёр. [*Китобхон*] лексемаси аслида ясама, аммо бугунги кунда у онгимизда лексема ҳолида мавжуд. Аммо (*китобчи*) сўзи қандайдир ғайриоддийликка эга. Чунки у нутқий ясама сўз бўлиб, лексема сирасига ўтмаган. (*Китобчи*) сўзи ҳам, [*ишичи*] (*worker*, рабочий) сўзи ҳам аслида

[от+ чи = от англатмиши билан шуғулланувчи шахс оти] қолипи ҳосиласи. Аммо [ишчи] лексемаси бу қолипдан узоқлашиб, ундаги ўзак ва қўшимча қотган ҳолга келган, яъни бу лексема ҳозир юз бераётган нутқий жараёнда ясалмаган. (*Китобчи*) сўзи эса мазкур қолип асосидаги, ундан нутқ жараёнида ҳосил бўлган нутқий ҳосила. Демак, айрим ясама сўз қолипдан чиқиб, давр ўтиши билан лексемалашиб, тайёр ҳолга келиб қолади.

Лексеманинг онгда парадигматик ва синтагматик муносабат асосида яшаш. Лексема тил жамияти аъзолари онгида бошқа лексема билан ўхшашлик қатори (парадигмалар) ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Масалан, [ўзил] лексемаси бир томондан [ота], [она] лексемалари билан, иккинчи томондан [қиз] лексемаси билан парадигма ҳосил қилиб яшайди. Парадигмадаги бир аъзонинг моҳияти унга парадигмадош бошқа аъзонинг моҳиятига қиёсан олинади, унга муносабатда бўлади. Масалан, [ака] лексемаси [ука], [сингил], [она] лексемалари билан парадигма ҳосил қилар экан, бунда уларнинг умумий белгиси бу лексемаларни бир парадигмага солса, фарқли белгилари мустақилликларини таъминлайди. Лисоний бирликлар орасидаги бундай бир-бирига ишора қилиб, эслатиб турувчи белгилар, муносабатлар ассоциатив муносабат ҳам дейилади. [ака] лексемасининг моҳияти [ука] лексемасининг моҳиятига қиёсан белгиланади. Қиёс эса эслатиш, эшлаш, ёнма-ён қўйиш муносабатидир.

Лексемалар моҳиятида синтагматик муносабат ҳам мужассам. Масалан, [дафтар] лексемаси нутқда [йиртмоқ], [ёзмоқ] лексемалари билан бир томондан, морфологик шакл ва сўз ясовчи қўшимча билан иккинчи томондан бирикув ҳосил қилади. Бу воқеланиш лексемада имконият сифатида мавжуд. Айтилган бирлик билан юз берган алоқа лексема моҳиятида имконият сифатида яширин.

Сўзловчи нутқ жараёнида зарур бўлган бирликни ўхшаш ва фарқли белгилари асосида парадигмадан танлаб, синтагматик имконияти доирасида нутқда турли-туман комбинация ҳосил қилади. Нутқда лексеманинг моҳияти ҳеч қачон тўла-тўқис воқеланмаганлиги каби синтагматик имкониятнинг ҳам фақат зарури воқеликка айланади. Зеро диалектика уқтирганидек, моҳият бир ҳодисада бус-бутун юзага чиқмайди, имконият тўла воқеланмайди. Нутқий воқеланиш унинг бир зарраси, холос.

Лексема сўздан бойроқ ва кенроқ. Бироқ сўз нутқда турли «бегона» – бевосита лексемага алоқадор бўлган лисоний ва алоқадор бўлмаган контекстуал ҳодисалар билан «бойитилган», нутқда воқеланиш учун шакллантирилган бўлади. Лексеманинг «бой»лиги «ўзиники»дир. Сўз эса, айтилганидек, ўз асосидаги лексемага тегишли бўлмаган бошқа нулуғавий омиллар - фонетик, морфологик, синтактик услубий моҳиятлар

ҳамда нолисоний ҳодиса зарраларини бириктириб, ўзига тегишли бўлмаган ҳодисалар ҳисобига «бойийди».

Айтилганлар асосида лексема ва сўзга шундай таъриф бериш мумкин. *Лексема – маълум бир тил жамияти аъзолари онгида тайёр, умумий ва мажбурий, шакл ва маъно бирлигидан иборат, яхлитланган, борлиқдаги ҳаракат, нарса-предмет, белги, миқдор кабиларни билдирувчи тушунчалар ва муносабатларни ифодалайдиган, нутқда сўзларни ва грамматик морфемаларни бириктирадиган лисоний бирлик. Лексемаларнинг ва сўз ясаш қолипларининг нутқда реаллашган аниқ шакл ва маънога эга бўлган муайян кўриниши - сўз.*

Бир семемали ва кўп семемали лексемалар

Формал тилшунослик бир маъноли ва кўп маъноли сўзни фарқлаганлиги каби назарий лексикологияда бир семемали ва кўп семемали лексема фарқланади. Назарий лексикология нуқтаи назаридан нутқда қўлланган сўз ҳар доим бир маъноли. Чунки сўз лексеманинг бир марталик кўриниши бўлиб, у лексемага зид равишда бетакрорлик табиатига эга.

Лексема бир тушунчани ифодаласа, у бир семемали лексема дейилади. Масалан, [қалам] лексемаси бир тушунчани ифодалайди ва шу сабабли бир семемали лексема ҳисобланади. Аммо нутқда лексема кўчма қўлланишда ҳар хил тушунчаларни ифодалайвериши мумкин. Лекин маъно ва тушунча орасидаги муносабат ижтимоий шартланганлик ва барқарорлик касб этмаса, лексеманинг кўп семемалилиги ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Масалан, *Қашқирлар тоғ-тошлар аро изгишарди* гапидаги (*қашқир*) сўзи жангари тўдани ташкил этган кишиларни ифодаламоқда. Ушбу қўлланишда (*қашқир*) сўзи «тоғда яшовчи ўта йиртқич бўри» маъносини эмас, балки «тоғда уя қурган йиртқич кишилар» маъносини ифодаламоқда ва лексема онгимизда ушбу маъно билан эмас, балки олдингиси билан яшайди. Демак, бу маъно нутқий бўлиб, тушунча билан вақтинчалик боғланишга эга.

Жамият тараққий этиши билан нутқий ҳосила маъно вақтинча ифодалаган тушунчаси билан доимий алоқадорлик касб этиб, бора-бора барқарорлашиб боради ва ҳосила нутқий маъно лисонийлашади. Натижада бир семемали лексема бирдан ортиқ семемали лексемаларга айланиб боради.

Лексема кўп семемали бўлса, ҳар бир семемада бошқа-бошқа тушунча акс этган, семемаларда фарқли семалар мавжуд, ҳар бир семеманинг нутқий воқеланишидаги қуршови ўзига хос, ҳар бир семемаси асосида боғланувчи бирликлар парадигмаси турлича бўлади. Қуйида бир

лексеманинг лисоний моҳияти – семемалари тикланишига диққат қиламиз.

[қойил] лексемаси икки хил куршовда келиш имкониятига эга. Биринчи куршовда лексема атрибутив вазифада келади ва нарса-предмет шахс кабиларни ифодаловчи отлар билан бирикиб, [сифат+от] куршови ҳосиласи сифатида намоён бўлади. 1. **Қойил** иш. **Қойил** одам. 2. *Белим қисиб қовурғамни шиширдим. Дўстим сенинг зўрлигинга қойилман.* Шунингдек, лексема, ушбу маъноси билан [қолмоқ], [бўлмоқ] феъллари билан кўшма феъллар ҳосил қилади. 1. *Загчакўз бир мисол билан ҳаммани қойил қилмоқчи бўлди.* 2. *Холам русчани ҳам қойил қиладилар.* 3. *Қовун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаиш бир карчни оғзига солди-ю, мазасига қойил бўлди.* (ЎТИЛ)

Мустақил қўлланишдаги нутқий маънода [қойил] лексемасининг «нарс-предмет ёки шахсга оид», «белги», «тасанно айтишга лойиқ», «ижобий», «сўзлашувга хос», «умумий хусусият», «шахсий баҳо», «меъёрдан ортиқ» семалари воқеланишини кузатиш мумкин. Семалар қаторида «белги», «тасанно айтишга лойиқ», «шахсий баҳо» семалари уюштирувчи мавқеда бўлиб, лексеманинг асл моҳияти шуларда парчаланган.

Лексема ўз семантик табиатига кўра [ажойиб], [зўр] лексемалари билан парадигматик муносабатда бўлади. Бу лексемалар ҳам нарса-предмет ёки шахснинг бирор меъёрдан ортиқ белги-хусусиятга бўлган шахсий муносабатини ифодалайди. Бироқ улар шахсий муносабатнинг белгига кўра даражаланишини намоён қилади. «Бирор хусусиятнинг меъёрдан ортиқлиги» белгисининг ошиб бориши» даражаланиш қатори

[зўр] - [ажойиб] - [қойил]

тарзида бўлади.

Демак, ҳар учала лексема ҳам ижобий, умумий белгини ифодаласада, улар ўртасидаги даражали зиддият бирликларнинг тилдаги ўзига хос мавқеини сақлаб туради.

Лексема асосида ҳосил бўлган кўшма феълларда ҳам лексеманинг асосий семалари ўз мавқеида қолади, ёрдамчи феъл уни ҳаракат/ҳолатга айлантиради ва ҳосила шахснинг ички ҳолатини ифодалайди. Демак, [қойил] лексемаси асосида ҳосил бўлган нутқий ҳосилада [қойил] ва [қилмоқ] лексемалари семалари қоришган ҳолда тажаллиланади. Ҳосила ҳолат/белги ифодаси сифатида намоён бўлади.

[қойил] лексемаси иккинчи семемаси билан сўз-гап вазифасида келади. 1. *Қойил! Мен буни ҳеч кимдан кутмаган эдим.* 2. *Қойил! - Комил ўтирган ерида чапак чалиб кетди.* Бу нутқий маъноларда лексеманинг вазифа семаси бўртади ва лексема моҳиятидаги маъновий «мағиз»ни ўз вазифасига мослаб воқелантиради. Шу боисдан семемадаги «сўз-гап» вазифа семаси алоҳида ажралиб туради. Нутқий маънода олдинги семема

воқеланишидан фарқли ўлароқ, «шахсий баҳо» семаси кучайиб, «шахсий муносабат» даражасига етади. Шу асосда лексема семемасининг бу турини «кучли ижобийлик», «муносабат» ва «сўз-гап» семалари қуршови тарзида қабул қиламиз. Демак, лексеманинг иккала семаси ўзаро «шахсий баҳо» ва «шахсий муносабат» семалари асосида даражали зиддиятда турса, вазифа семаларининг ўзига хослиги асосида эквиолент зиддият ҳосил қилади.

[қойил] лексемаси иккинчи семаси билан [масанно], [офарин] лексемалари билан парадигматик муносабатда бўлади. Лексема бир томондан ўз семантик кўлами билан ушбу лексемадан фарқланса, иккинчи томондан, услубий хосланганлиги ва бўёқдорлиги билан ҳам ажралиб туради. [қойил] лексемасида услубий белги «сўзлашувга хослик» тарзида бўлса, [масанно], [офарин] лексемалари бадий бўёқдорлиги ва китобийлиги билан характерланади.

Лексемалар орасидаги яна бир муҳим фарқ уларнинг семантик имконияти ва, шу асосда, вазифа семаларида. [қойил] лексемаси феъллар билан эркин бирикув ҳосил қила олмайди. Унинг феъллар билан боғланиши деривация даражасида. [қилмоқ], [бўлмоқ], [қолмоқ] феъллари билан бирикиб, юқорида айтилгандек, кўшма феъл ҳосил қилади, холос. [масанно], [офарин] лексемалари эса нутқ феълининг баъзилари билан эркин бирикиб, тўлдирувчи вазифасида келиш имкониятига эга (*масанно айтмоқ, офарин айтмоқ*). Бу эса, [масанно], [офарин], [қойил] сўзларининг луғавий-грамматик хусусияти билан белгиланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, [қойил] лексемаси икки семемали лексема бўлиб, уни жадвалда қуйидагича бериш мумкин (17-жадвал).

17-жадвал

№	Семема	Семалар	Воқеланиш қолипи	Парадигмаси
S ₁	Предмет ёки шахснинг умумий ижобий, офарин айтишга лойиқ меъёрдан ортиқлик хусусиятини ифода этувчи сифат	«белги», «нарса/предмет/ шахсга хос» «офарин айтишга лойиқ», «ижобий» «сўзлашувга хос» «меъёрдан ортиқлик» «умумий хусусият» «сўз-гап»	[сифат+от]	[ажойиб] [зўр]
S ₂	Кучли ижобий	«сўз-гап»,	[сўз-гап]	[офарин]

муносабатни ифодаловчи сўз- гап	«кучли ижобийлик», «муносабат»		[масанно]
---------------------------------------	--------------------------------------	--	-----------

Ҳар қандай лексема, хоҳ у бир семемали, хоҳ кўп семемали бўлсин, нутқда кўп маъноли бўлади. Сўз эса ҳамиша бир маъноли.

Ясама сўзнинг лексемалашуви

Ясама сўзлар лисоний ҳам, соф нутқий ҳам бўлиши мумкин. Мисол сифатида қуйидаги сўзларга мурожаат қиламиз. *Пахтакор, ишчи, китобчи, ақлли, дафтарчи, шарсимон, уйсимон*. Бу сўзларни икки гуруҳга бўламиз:

- 1) [*пахтакор*], [*ишчи*], [*ақлли*], [*шарсимон*];
- 2) (*китобчи*), (*дафтарчи*), (*уйсимон*).

Ҳар иккала гуруҳ сўзи ҳам ясама сўз ҳисобланади. Бироқ биринчиси қулайлиги, одатланилганлиги, кенг истеъмоллиги билан характерланса, иккинчи гуруҳ унчалик қулай эмаслиги, кам истеъмоллиги, фавқулоддалиги билан ажралиб туради.

Демак, биринчи гуруҳ ижтимоий шартланганлик хоссасига эга ва шу боисдан юқоридаги зикр этилган белгилар уларнинг барчаси учун умумий. Иккинчи гуруҳ эса нутқий ҳодиса эканлиги, эндигина сўз яшаш қолипидан чиққанлиги боис, одатланилмаганлик, фавқулоддалик касб этган.

Кўринадики, нутқий ясама сўзнинг айрими нутқ босқичидагина мавжуд бўлса, баъзилари ўзини чиқарган қолипдан узоклашиб, бир бутун ҳолда лисоний сатҳга «кўтарилиб кетади».

Ҳосиласининг лисон ва нутққа муносабати жиҳатидан сўз яшаш қолипи ҳам фарқланади. Уларни унумсиз (тарихий) ва унумли (замонавий) сўз яшаш қолипи сифатида фарқлаш лозим.

Нутқий ясама сўзнинг лисоний сатҳга кўтарилиши бир неча босқичда кечади. Уни нутқдан лисонга силжиши, лисонийлашиши даражасига кўра қуйидагича тартибланиш мумкин:

- 1) ихтисослашган лексема;
- 2) соддалашган лексема;
- 3) тублашган лексема.

Ихтисослашган лексема нутқий ясама сўз лисонийлашувининг энг қуйи даражаси. Ихтисослашган лексема ясамалигини йўқотмаган, яъни ўзида қолипнинг шаклий томони изини сақлаган, бироқ маъновий томондан қолипдан узилган, маъносини қолипнинг ўнг (мазмуний) томонидан келтириб чиқариш имкони бўлмаган, торайган маъноли лексема. Масалан [*ишчи*] (*worker*, *рабочий*) лексемаси « завод ёки

фабрикада ишловчи, ўрта маълумотли мутахассис» маъносига эга бўлиб, у [от]+[чи]+отдан англашилган нарса устида ишловчи киши] қолипи ҳосиласи. Қолип ҳосиласи сифатида у қолипнинг чап томони хусусиятини ўзида мужассамлаштирган: Чунки [ишчи] лексемасининг шаклий томони, яъни номемасида қолипнинг [от+чи] умумийлиги зарраси, кўриниши воқеланган. Лексема семемаси эса «шу отдан англашилган нарса билан шуғулланувчи шахс» моҳияти кўринишига эмас, балки унинг торайган, маълум бир ихтисосни англатувчи кўриниши ҳолатига эга бўлиб қолган. [Ишчи] лексемасига қиёсан олинадиган, дейлик, (китобчи) сўзида сўз яшаш қолипнинг шаклий томонидан ҳам, маъновий томонидан ҳам узилиш кузатилмайди. Ёки [ёзувчи] лексемаси ва (ёзувчи) сўзини қиёслайлик. Ҳар иккала ҳосила ҳам [[фёъл]+[увчи]+шу фёлдан англашувчи ҳаракат билан шуғулланувчи шахс] қолипи маҳсули. Уни гап таркибида кузатамиз: 1. *Ёзувчи ҳаётни теранроқ кузатади.* 2. *Иншо ёзувчи ижодкорлигини намоён қилиши керак.*

Биринчи гапда [ёзувчи] лексемаси касбни англатиб, ихтисослашган маънога эга. Иккинчи гапда эса лексема муайян ёзиш ҳаракатини бажарувчи шахсни ифодалаган. «Адиб» маъносидаги [ёзувчи] лексемаси шаклан эмас, балки маъновий жиҳатдан қолипдан узилган, ихтисослашган маъноли лексема. Иккинчи ҳосила эса ҳам шаклан, ҳам мазмунан қолипга мувофиқ келганлиги боис, нутқий ясама. Лексема ҳосил бўлишининг бу усулдаги бошқа кўриниши сифатида сўзнинг атамавий маъно касб этиши (қўйиши, айириши, бўлиш сўзлар)ни кўрсатиш мумкин.

Соддалашган лексема ясама сўзлар лисонийлашувининг янада юқорироқ босқичи. Соддалашиш бу маълум бир сўз яшаш қолипнинг ҳосиласида ўзак ва қўшимчанинг ўзаро бирикиб ажралмас ҳолга келиши, сўзшаклдаги грамматик воситанинг қотиб қолиши натижасида янги маъно ифодалашидир. Ўзбек тилидаги [олдин], [кейин], [ташқари], [ичкари], [юқори] каби юзлаб сўз соддалашган ясама сўз - лексема. Сўз бирикмаларининг синтактик қолипдан узилиш ҳолати сифатида (**бошнинг оғриги** – [бошоғриқ], **белнинг боғи** – [белбоғ]) мисолларини кўрсатиш мумкин.

Тублашган лексема шундай лексемалашган ясама сўзки, уларнинг ясалишини, таркибини этимологик маълумотсиз аниқлаб бўлмайди. Масалан, [син] фёлининг ўзаги [си], [тингла] фёлининг ўзаги [динг], [тўқ] сўзи ўзагининг [тў] эканлигини тил тарихи бўйича чуқур маълумотга эга бўлмасдан билиб бўлмайди.

Демак, маълум бўладикки, тилда лексема яшаш ҳодисаси йўқ. Балки ясама сўзнинг, нутқий ҳосиланинг лисонийлашуви, лексемалашуви мавжуд.

Семема ва унинг таркибий қисмлари

Нарса шакл ва мазмун яхлитлигидан иборат диалектик бутунлик бўлганлиги каби лексема ҳам ташқи ва ички жиҳатдан ташкил топади. Лексеманинг ташқи қобиғи *номема* деб аталади. *Номема* деганда лексеманинг моддий томонини ташкил этган фонемалар ҳосиласи - нутқ товушлари назарда тутилади. Масалан, [китоб] лексемасининг ташқи томони к+и+т+о+б товушлар йиғиндиси. Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор қилиш лозим. Маълумки, лисоний бирлик моддийликдан холи дея талқин қилинади. Шунга кўра, лексема ҳам, бошқа лисоний бирлик каби моддийликка эга бўлмаслиги лозим. Демак, моддийлик сўзи бу ўринда бевосита сезги аъзосига таъсир қиладиган дея жўнлаштирилмаслиги лозим. Ёки шакл деганда моддий кўринишга эгаликкина тушунилмайди. Бирор нарса ҳақида ўйлар эканмиз, онгимизда унинг ташқи қиёфасини тасаввур қилган ҳолда бошқаларидан ажратамиз. Нарсанинг онгдаги қиёфаси ҳам шакл дейилади. Номема киши бирор лексема ҳақида ўйлаганда, ички нутқда яққол маълум бўлади. Воқеланган ташқи нутқда бу шакл ҳақиқий, реал моддий қиёфа касб этади. Демак, онгдаги лексеманинг шаклий томони сезги аъзоларидан ташқарида, унга таъсир қилмайдиган ҳолатда бўлса, лексема нутқий воқеланганда сўзга айланади, моддий бўлмаган шакл, яъни номема моддийлик касб этади, сезги аъзоси билан ҳис қилинадиган бўлади.

Лексеманинг ички, мазмуний томони *семема* дейилади. Семема онгда акс этган нарса, белги, миқдор, ҳаракат каби тушунчанинг лексемада мужассамлашган кўриниши. Бошқача айтганда, семема лексеманинг ички жиҳати.

Бирорта лексеманинг семемаси иккинчи лексеманинг семемасига айнан ўхшаш бўлмайди. Бошқача айтганда, бир хил семемага эга иккита лексема йўқ. Бунга иккита синоним лексеманинг семемасини қиёслаш асосида амин бўлишимиз мумкин:

[Юз] - инсон боши олд томонининг пешанадан ияккача бўлган қисмининг услубий бетараф ифодаси.

[Бет] - инсон боши олд томонининг пешанадан ияккача бўлган қисмининг сўзлашув услубига хос ифодаси.

Кўринадики, биринчи семемадаги «услубий бетараф» унсури иккинчи семемада, иккинчи семемадаги «сўзлашув услубига хос» унсури биринчи семемада йўқ.

Агар семема айнан бўлиб қолса, демак, бу улар тавсифида ноқислик мавжуд дейишга асос бўлади. Семема мукамал тавсифланганда, бу тавсифданок ушбу тилни энг нозик жиҳатларигача пухта билган киши сўз қайси лексема ҳақида кетаётганлигини равшан англайди.

Ҳар қандай бутунлик бўлақдан ташкил топганлиги каби, семема ҳам таркибий қисмдан иборат бўлади. Масалан, лексема бутунлик сифатида нолема ва семемадан ташкил топади.

Нолема бутунлигини товуш ҳосил қилади. Тилшуносликда семемани ташкил этувчи унсур сифатида сема ажратилади. Масалан, [китоб] лексемаси икки семемали бўлиб, унинг бир семемаси «варақдан ташкил топган, муқоваланган, босма ёки қўлёзма ҳолдаги даврий бўлмаган ўқув воситаси» бўлиб, у қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- 1) “варақлардан ташкил топган”;
- 2) “ўқув воситаси”;
- 3) “даврий бўлмаган”;
- 4) “босма ёки қўлёзма ҳолдаги”;
- 5) “муқоваланган”.

Семемада бир сема алмаштирилиши билан у бутунлай бошқа семемага айланиб кетиши мумкин. Масалан, юқоридаги «даврий бўлмаган» семасини «даврий бўлган» семасига алмаштирсак, у ўз-ўзидан [журнал] лексемасининг семемаси бўлиб қолади.

Лексеманинг семемасини аниқлашда у парадигмадоши билан муносабатда текширилади. Дейлик, [юз] лексемаси семемаси очилаётганда, у [бет], [афт], [чехра], [ораз], [турқ], [башара] ва ҳоказо лексема қуршовида ўрганилади. [Келмоқ] лексемаси семемасини [бормоқ], [кетмоқ] ва бошқа лексема семемаларисиз аниқлаб бўлмайди.

Лисоний моҳият сифатида семеманинг мантикий категория сифатида тушунчага муносабати масаласи мураккаб. Бунда, биринчидан, семема бирламчими ёки тушунча, иккинчидан, семема тушунчада қай тарзда акс этади деган мунозарада кўзга ташланади. Тилшуносликда семемага муносабатда икки йўналишни фарқлаш лозим бўлади:

- а) ичдан ёндашув (яъни, семемадан лексемага);
- б) сиртдан ёндашув (яъни, лексемадан семемага).

Ўзбек тилшунослигида семема ва тушунча муносабати турлича талқин қилинади. Масалан, айрим мутахассислар семема, кўпинча, онгимиздаги маълум бир тушунча билан боғлиқ бўлади, деб ҳисоблайди. Тушунча онг, мантиқ бирлиги, семема эса, тилга, лексемага хос бирлик. Кўп ҳолда бир семема бир неча тушунчани ўз ичига олади. Жумладан, [ўрик] лексемасининг семемаси қуйидаги тушунчаларда намоён бўлади:

- а) ҳўл меванинг бир тури;
- б) шу меванинг қуритилгани;
- в) шу мевани берадиган дарахт.

Шунга кўра, тушунча ва семема ўзаро ҳамма вақт ҳам мос келавермайди. Бу ҳодиса, айниқса, маънодош лексемаларда яққол кўзга ташланади. Кўринадикки, лингвистик белгилардаги асимметрия ҳодисаси

семема ва тушунча муносабатида ҳам кўринади. Буни чизмада қуйидагича бериш мумкин (18-жадвал):

18-жадвал

СЕМЕМА	Тушунча
	Тушунча
	Тушунча
ТУШУНЧА	Семема
	Семема
	Семема

Бунда айрим эътирозли жиҳатлар мавжуд.

Биринчидан, семема кўпинча эмас, балки ҳар доим ҳам онгдаги тушунча билан боғланган. Семема тушунчанинг ифодасидир. Олимлар тавсифда *кўпинча* сўзини қўллашда семеманинг ҳар доим ҳам маълум бир тушунча билан боғланавермаслигини назарда тутаяди. Уларнинг бу фикри қуйидагича ифодаланади: «Шуни ҳам айтиш керакки, ёрдамчи лексема семемаларида тушунча билан боғланиш йўқ. Чунки, ёрдамчи лексема, айтилганидек, кўшимча ва лексема зиддиятида оралик учинчи вазифасини ўтайди. Улар шаклан лексема, мазмуни (вазифаси), семемасига кўра эса кўшимча» (Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари. 57-бет.)

Демак, муаллифлар лексема ва семема муносабатининг диалектиклигини «бўрттирган»лари боис, барча лексемада семемани кўрадилар. Шунинг учун лексема **«жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури»** тарзида таърифланади. Бироқ юқоридаги тавсифда «ёрдамчи лексема, айтилганидек, кўшимча ва лексема зиддиятида «оралик учинчи вазифасини ўтайди» дейилишининг ўзиёқ уларни мустақил лексемага зид қўйишга интилиш борлиги сезилади. Зеро номустақил лексема шаклан мустақил лексемага уйғун. Улар мазмун мундарижаси асосида грамматик кўшимча билан бир қаторда туради. Шу боисдан ёрдамчи лексемалар мазмун мундарижасини семема эмас, балки грамматик маъно дейиш мақсадга мувофиқ. Мустақил лексема, ёрдамчи лексема ва грамматик кўшимча муносабатини чизмада қуйидагича бериш мумкин (19-жадвал):

19-жадвал

Мустақил лексема	Номустақил лексема	Грамматик кўшимча
семема	номема	грамматик маъно
		Граммема

Тилшунос Ш.Раҳматуллаев семемага эга бирликнигина лексема сифатида баҳолайди: «Биз анализ йўлига, яъни нутқдан тилга бориш

йўлига ўрганиб кетганмиз. Албатта, конкрет бирликдан (сўзформадан) абстракт бирликларга (сўзформани таркиб топтирувчи бирликларга) бориш осон кўчади. Шу йўл билан бориб, сўзформа таркибида лексик маъно англатувчи қисмни ажратамиз ва уни лексема деб номлаймиз. Асли лексик маъно англатувчи тил бирлигига *лексема* дейилади.»

Демак, олим лексема талқинига ичдан (маънодан) келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлганлиги туфайли номустақил бирликни лексема сифатида қарашни маъқул кўрмайди.

Бунда шакл эмас, балки маъно (семема) етакчилик қилади. Кўринадики, мустақил ва номустақил бирликларга бир хил ўлчов (мезон) билан муносабатда бўлиш улар табиатини хиралаштиради. Чунки ёрдамчи лексема маъноси билан қўшимчага яқинлашса, номемага эгалиги асосида лексема билан уйғунлашади. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маълум бир ҳодиса, масалан, лексема таърифланар экан, таъриф таърифланаётган ҳодисани тўлиқ қамраб олмаслигини эътиборга олиш лозим.

Диалектикада ҳам ҳодисаларга берилган ҳар қандай таъриф мутлак бўлмаслиги, унда, барибир, айрим ҳодиса «таърифга сиғмай қолиши» таъкидланади. Демак, лексема «ўзида тайёрлик, мажбурийлик, такрорланувчанлик, ижтимоийлик хусусиятларини мужассамлаштирган, шакл ва денотатив маъно бирлигидан иборат мустақил англаниш ва қўлланиш табиатига эга бўлган лисоний бирлик» деб таърифланар экан, бу таърифнинг барча лексема учун бирдай амал қилмаслигини таъкидлаш лозим. Чунки денотатив хусусиятга эга бўлмаган ёрдамчи лексема таърифдан четда қолади. Тушунчага асосланмаган лексеманинг мазмун томони грамматик маъно бўлса, денотатив табиатли лексемаларнинг мазмун томони семема.

Бир неча тушунчани ўзида мужассамлаштирган лексеманинг мазмун мундарижаси мураккаб табиатлилиги билан характерланади.

Ҳар қандай лисоний бирлик серқирра моҳиятли бўлиб, бу унинг камида икки парадигмага киришини таъминлайди. Лексема бирдан ортиқ тушунчани қамраб олган экан, бунда унинг серқирраллиги янада «кучаяди». Масалан, [узум], [ўрик] лексемаси ўзида бир неча тушунчани сақлар экан, бу билан у камида икки луғавий парадигмага киради (20-жадвал):

20-жадвал

[узум]	[узум]
	[ток]
[ўрик]	[зардолу]
	[ўрик]

Биринчи парадигмада [узум] лексемаси бир денотати асосида мева ва бошқа бир денотати асосида эса дарахт номини ифодаловчи от-лексема билан уядошлик қатори ҳосил қилса, иккинчи парадигмада [ўрик] лексемаси бир маъноси билан [зардоли], иккинчи маъноси асосида [турушак] лексемаси билан маънодошлик муносабатида бўлади.

Лексема таркибида бирдан ортиқ тушунча мужассамлашганда лексема турли синтагматик қуршовга киради. Масалан, юқорида тилга олинган олма лексемасида иккита («мева», «дарахт») тушунча мавжуд бўлиб, у ҳар бир ифодалаган тушунчаси асосида ҳам бошқа-бошқа, ҳам умумий қуршовга эга бўлиши мумкин.

Олмани кесдик синтактик қуршовида [олма] қайси тушунча, денотатни англатаётганлиги муайянлашмайди. Бирок, *олмани эдик*, *олмани едик* синтагматик қуршовида аталаётган денотат фарқланаётганлиги сезилиб туради (биринчи қуршовда «дарахт», иккинчисида «ҳўл мева»). Кўринадики, лексема бирдан ортиқ тушунчани ифодалаганда ҳар бир тушунчага мос синтагматик қуршов мавжудлиги ҳам англашилади.

Булар эса, семема лексема лисоний моҳиятининг алоҳида синонимик ва синтагматик қуршовга эга бўлган туридир, деган хулосага олиб келади.

Демак, лексема бирдан ортиқ тушунчани ифодалаганда ҳар бир тушунча учун алоҳида-алоҳида семема тўғри келади.

Сема турлари. Семема таркибидаги сема бир хил эмас. Сема моҳиятига кўра уч хил бўлади:

- 1) аташ семаси (денотатив сема);
- 2) ифода семаси (коннотатив сема);
- 3) вазифа семаси (функционал сема).

Аташ семаси борлиқ билан, ифода семаси сўзловчининг муносабати билан, вазифа семаси эса лексеманинг лисон ва нутқдаги роли билан белгиланади.

Аташ семаси лексеманинг борлиқдаги ҳаракат-ҳолатлик, нарса-предметлик, микдорлик, белгилик хусусиятини атовчи, номловчи семадир. Улар борлиқ, тушунча ва семемани бир-бирига боғлаб туради. Масалан, юқорида келтирилган [китоб] лексемасининг барча семаси – аташ семаси.

Бир хил ёки ўхшаш тушунчани ифодалаганлиги сабабли лексемада кўп ҳолда аташ семаси бир хил бўлади. Масалан, [яхши], [тузук], [дуруст], [ажойиб] ёки [юз], [чеҳра], [ораз], [турқ], [афт], [бет] маънодошлик қаторидаги барча лексемаларнинг аташ семаси бир хил. [Яхши], [тузук], [дуруст], [ажойиб] лексемаларининг аташ семалари қуйидагилар: 1)«белги»; 2)«барқарор белги»; 3)«сифат белги»; 4)«шахсий баҳо»; 5)«ижобий»; 6)«ички-ташқи». Шу билан биргаликда, бу

лексемаларда фарқланувчи аташ семалари ҳам мавжуд бўлиб, улар [тузук] лексемасида «меъёрдан бир поғона пастлик», [яхши] лексемасида «меъёрдалиқ», [ажойиб] лексемасида «меъёрдан бир поғона юқорилик» семаларидир. [Юз], [чеҳра], [ораз], [турқ], [афт], [бет] лексемаларида эса: 1) «инсон боши олд томониға хос»; 2) «пешанадан ияккача бўлган қисм» семаси аташ семаси.

Айтилганидек, семемани семага ажратишда, семанинг табиатини белгилашда лексема парадигмада ўз коррелянти билан текширилиши лозим. Акс ҳолда лексеманинг релевант (муҳим) ва иррелевант (муҳим бўлмаган) семасини фарқлашнинг имкони бўлмайди. Масалан, инглиз тилидаги [brother] лексемасининг семемаси «қариндош», «қон-қариндош», «бевосита» аташ семаларига эга. Ўзбек тилидаги [ака] лексемасида эса бу сема билан биргаликда «мендан катта» релевант семаси ҳам бор. Чунки [ака] лексемаси шу семаси билан [ука] лексемасига қарама-қарши туради. [Brother] лексемасига шу сема билан қаршиланувчи бирлик йўқ, шу боисдан унда ноаниқ табиатли «мендан катта/мендан кичик» семаси мавжуд бўлиб, у ноаниқ бўлганлиги сабабли иррелевантдир. Рус тилидаги [кобыла] лексемасида «урғочи» семаси муҳим бўлиб, у ўзбек тилидаги [байтал] лексемасининг ҳам, [бия] лексемасининг ҳам муқобили бўла олади. Бироқ [байтал] ва [бия] зидланишида «урғочи» семаси эмас, «қулунли» ([бия] лексемасида) ва «қулунсиз» ([байтал] лексемасида) семаси релевант (муҳим).

Кўринадики, лексема семемаси таркибида аташ семалари энг муҳим, белгиловчи ҳисобланади ва борлиқ парчасига мувофиқ келади.

Ифода семаси деганда семема таркибида турли қўшимча маъно (услубий бўёқ, шахсий муносабат, қўлланиш доираси ва даври)ни атовчи сема тушунилади. Аташ семаси каби ифода семаси ҳам лексема семемани фарқлаш қувватига эга бўлган сема бўлиб, улар ҳам лексик парадигмада аниқланади. Масалан, [юз] ва [бет] лексемасининг ифода семаси ўзаро қиёсда очилади:

- [юз] - инсон боши олд томонининг пешонадан ияккача бўлган қисмининг услубий бетараф ифодаси.

- [бет] - инсон боши олд томонининг пешонадан ияккача бўлган қисмининг сўзлашув услубига хос ифодаси.

Бу семемалардаги «услубий бетараф» ([юз] лексемасидаги) ва «сўзлашув услубига хос» ([бет] лексемасидаги) семалари услубий бўёқни кўрсатувчи ифода семасидир.

[Турқ] лексемасидаги «салбий», [жамол] лексемасидаги «ижобий» семаси шахсий муносабатни кўрсатувчи ифода семаси бўлса, [аэроплан] лексемасидаги «архаик», [компьютер] лексемасидаги «неологизм», [харсеб] лексемасидаги «шеваға хос» семаси қўлланиш даври ва доирасини кўрсатувчи ифода семаси.

Ифода семаси ҳам муҳим ёки муҳим бўлмаган турга ажратилади. Шу боисдан фарқловчи, муҳим ифода семалари *ингерент коннотатив сема* ва муҳим бўлмаган ифода семалари *адгерент коннотатив сема* дейилади.

Вазифа семаси лексеманинг бирикув-бириктирув (валентлик) имкониятини, лисоний қолипда қандай ўринни эгаллашини билдирувчи семадир. Масалан, [китоб], [дафтар], [мактаб], [бормоқ] каби лексемаларнинг валентлик имконияти ўта кенг ва шу боисдан гапда турли гап бўлаклари вазифасида келади. [Қатъий], [кескин], [мовий], [қизғиш] лексемаларининг вазифа семаси тор ва шу боисдан аниқ. Улар айрим сўзлар билан бирика олади, холос.

Семема семалари ўзаро диалектик муносабатда ва тескари мутаносибликка эга. Семемани учбурчакка қиёсласак, ҳар бир турга мансуб сема унинг бир бурчагини ташкил қилади. Учбурчакда бир бурчакнинг катталаниши бошқаларининг кичрайиши ҳисобига юз берганлиги каби семемадаги бир семанинг кучайиши бошқа семанинг кучсизланиши эвазига содир бўлади. Масалан, мустақил лексемада аташ семаси кучайса, ифода семаси кучсизлашади. Ифода семаси кучайса, аташ семаси кучсизланади. Масалан, кўчма маъноли лексемада аташ семаси кучсизланиб, ифода семаси кучайган. Лексема нутқда воқеланганда ҳам унинг аташ семаси ўз ўрнини маълум даражада ифода семаси воқеланишига бўшатиб беради. Масалан, [бўри] лексемаси одамга нисбатан қўлланганда ундаги «хайвон», «итсимонлар оиласига мансуб», «ёввойи» аташ семалари кучсизланиб, «йиртқич», «вахший», «қонхўр» ифода семалари кучайган ҳолда юзага чиқади.

Мустақил лексема ёрдамчи сўз вазифасида қўлланганда ундаги аташ ва ифода семаси кучсизланиб, вазифа семаси эса кучайиб воқеланади.

Семанинг даражасига кўра тури. Сема даражасига кўра бирлаштирувчи (интеграл) ва фарқловчи (дифференциал) семага ажратилади. Бирлаштирувчи сема бирдан ортиқ лексемадаги ўхшаш, бир хил семадир. Фарқловчи сема эса ўхшаш, маъновий яқин лексемалардаги фарқланувчи семалардир. Масалан, [ота], [она], [ака], [она], [ука], [сингил] лексемасидаги «қариндош», «қон-қариндош», «бевосита» семаси интеграл сема бўлса, «мендан катта» семаси [ота], [она], [ака], [она] лексемаларини ўзаро бирлаштирувчи, аммо [ука], [сингил] лексемаларидан фарқловчи семалардир. «мендан кичик» семаси [ука] ва [сингил] лексемасини ўзаро бирлаштирувчи, бироқ олдинги лексемадан фарқловчи сема. Кўринадикки, бир сема лексемани бир вақтнинг ўзида нима биландир бирлаштирувчи, нима биландир фарқловчи қарама-қарши табиатли моҳиятга эга. Бирлаштирувчи сема система ҳосил қилувчанлик, системага асос бўлувчи, фарқловчи сема эса системада туғилувчи, пайдо бўлувчанлик хоссасига эга.

Семема семасини тартибланда қатор умумий, бирлаштирувчи семадан бошланиб, хусусий, фарқловчи семага қараб боради. Масалан, [ота] лексемасининг семемаси таркиби қуйидагича берилади:

- 1) “шахс”;
- 2) “қариндош”;
- 3) “қон-қариндош”;
- 4) “бевосита”;
- 5) “1-авлод”;
- 6) “мен”дан катта”;
- 7) “эркак”;
- 8) “умумуслубий”.

Чунки предмет шахс ва шахс эмасга, шахс қариндош ва қариндош эмасга, қариндош қон-қариндош ва никоҳ қариндошга, қон-қариндош бевосита ёки билвоситага, бевосита 1-авлодга ёки 2-авлодга, 1-авлод мендан каттага ёки мендан кичикка, мендан катта эркак ёки аёлга бўлинади.

Лексемани семага ажратиш тилшуносликда компонент ёки узвли таҳлил ёхуд семик таҳлил деб юритилади. Семемани семага ажратиш моддани атомга ажратишга, бошқача айтганда, сема химиявий элементга ўхшайди. Борлиқда химиявий элемент тури санокли бўлганлиги ва уларнинг ҳар хил комбинациясидан беҳад кўп модда ҳосил қилинганлиги каби, чекланган миқдордаги семанинг турли хил комбинациясидан ҳам кўплаб семема вужудга келади.

Семема ва нутқий маъно

Семеманинг нутқий луғавий маъно сифатида воқеланиши.

Семема ва нутқий маъно муносабати, албатта, бошқа лисоний бирликда бўлгани каби, диалектиканинг умумийлик-хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик, сабаб ва оқибат, умуман олганда, зот ва тажалли диалектикасини ўзида акс эттиради. Шунингдек, барча лисоний бирлик ва уларнинг нутқий воқеланишида кузатилган тайёр - тайёр эмас, ижтимоий-индивидуал, чекланган - чексиз, барқарор-беқарор, такрор - бетакрор умумнисбатли белгиси семема ва нутқий маъно муносабатида ўзига хос тарзда тажаллиланади.

Семеманинг тайёр ва нутқий маънонинг тайёр эмаслиги.

Семеманинг асосий хусусияти – унинг тил жамияти аъзолари онгида тайёр ҳолда эканлиги. Демак, семема маълум бир қонуният ёки қолипнинг маҳсули ёки ҳосиласи эмас. Масалан, [китоб] лексемасига хос «варақлардан ташкил топган, муқоваланган, босма ёки қўлёзма ҳолдаги даврий бўлмаган ўқув қуроли», [шод] лексемасининг «жонли предмет эмоционал ҳолатининг ижобий даражасини ифодаловчи баҳо сифати», [ўқимоқ] лексемасининг «харфларни уриштириб, маъносини ўқишга

интилиш ҳаракатини ифодаловчи феъл» семемалари киши онгида нутқий маъно сифатида намоён бўлиш учун тайёр туради. Сўзловчи ҳеч қачон семема яратмайди. Нутқий маъно эса муайян синтактик куршовда нутқ шароити ва сўзловчининг коммуникатив ниятига мос равишда юзага чиқади. Масалан, *У биринчи сифда бўлса-да, матнни тез ва равон ўқийди* гапида [ўқимоқ] лексемасининг семемаси ушбу ҳолат учун мослашиб намоён бўлади. Бунда воқеланган нутқий маъно семемадан ҳаракатнинг кимгадир тегишлилиги, «тез ва равон эканлиги», «ҳаракатнинг матн устида амалга ошаётганлиги» каби хусусий белгиси билан фарқланади. Бу белги семемада акс этмаган бўлиб, нутқ жараёнида ҳосил қилинган. Нутқий маънонинг тайёр эмаслиги, айниқса, семеманинг нутқий маъноси сўзда кўчма маъно сифатида воқеланишларида янада ёрқинроқ намоён бўлади. *У пахта термас, ҳашарчиларга сувчи эди* гапидаги [сувчи] сўзининг маъноси нутқий бўлиб, уни «сув ташиш ва етказиб бериш билан шуғулланувчи киши» дея баён қилиш мумкин. Бу нутқий маъно (сув) сўзига (-чи) кўшимчасини қўшиш асосида [сув] лексемаси семемасини жузъийлаштириб ҳосил қилинган мазкур маъно нутқ жараёни маҳсули.

Семеманинг кўчма маъно сифатида қўлланишида нутқий маънонинг тайёр эмаслиги белгиси аниқроқ кўзга ташланади. *Қуш эдим, қанотимни қайирдилар* гапидаги (қанот) сўзида семема шу тарзда жузъийлашганки, унинг аташ семалари сўниб, семема бутунлай сифат ўзгаришига учраган. Бу «ўзгарган» ҳолат ҳам соф нутқий жараён маҳсули.

Семеманинг такрорланувчанлиги ва нутқий маънонинг бетакрорлиги. Семема ўзининг барча нутқий кўриниши учун асос бўлиб, ҳар бир қўлланишида, унинг жузъийлашган ва матн, нутқ шароити, сўзловчининг мақсадига бўйсунган ҳолати кузатилади. [Ўқимоқ] лексемасининг зикр этилган семемасидаги «ҳарфларни уриштириб маъносини тушунишга интилиш» бошқа нолуғавий воситалар тажаллилари билан «тўйинган» ҳолда такрорланаверади. Бироқ унинг нутқий кўриниши ҳар бир қўлланишда ўзига хос. Чунки нутқий маъно маълум қўлланишда бошқа морфологик, синтактик ва услубий восита билан яхлитлик касб этиб, аниқ макон ва замонда намоён бўлади, бу яхлитлик айнан шу нолуғавий восита билан бутунликда бошқа ўриндаги қўлланишда ҳеч бўлмаганда макон ва замон билан фарқланиши унинг бетакрорлигини кўрсатади.

Семеманинг барқарорлиги ва нутқий маънонинг ўткинчи (вақтинча)лиги. Семема ва нутқий маъно муносабатининг юқоридаги тавсифидан уларнинг барқарорлик – беқарорлик белгиси келиб чиқади. Семема барқарор ва ўзгармас, унинг кўриниши бўлган нутқий маъно ўзгарувчан ва ўткинчи.

Семеманинг чекланганлиги ва нутқий маънонинг чексизлиги. Моносемантик лексеманинг бир ва полисемантик лексеманинг бир нечта (бу ҳам санокли) семемаси бўлиб, у нутқий воқеланганда чексизлик касб этади. Ҳар бир қўлланишдаги нутқий маъно ўзига хос ва қайтарилмас алоҳидалик.

Нутқий маъно қанчалик чексизлик касб этмасин, унинг асосидаги семема битталигича қолаверади.

Семеманинг ижтимоийлиги ва нутқий маънонинг индивидуаллиги. Семема ижтимоий шартланган бўлиб, у тил жамияти аъзоларининг «умуммеҳнати» маҳсули ва шу тил жамияти аъзолари учун бирдай умумий. Нутқий маъно эса ҳар бир сўзловчи учун ўзига хос - индивидуал.

Семеманинг грамматик маъно сифатида воқеланиши. Айрим лексеманинг номустақил сўз сифатида воқеланишида семеманинг ўз муайянлигини кучсизлантиришини, грамматик маъно сифатида воқеланишини кўриш мумкин. Қуйида [қарамоқ] лексемасининг икки маъносини қиёслашга ҳаракат қиламиз. 1. *Ҳамдам дадасига қараганча узоқ тикилиб қолди* (А.Қаҳ.). 2. *Менга қара, хотин, - деди Ҳожидий жиддий тусда. Ўзбек ойим қаради* (А.Қод.). 3. *Бу жувон менга қараб келар эди.* (Ғ.Ғул.). 4. *Деҳқонлар тўдаси қишлоққа қараб юрди* (С.Аҳм.). 5. *Яширин хабарларга ва баъзи аломатларга қараганда, Бадиуззамон Астрободда исён кўтариш фикрлари билан овора бўлаётгани ҳақида гапирди* (Ойб.).

1-, 2- гапларда [қарамоқ] лексемасининг «кўриш учун кўзни бирор томонга, нарса ёки кимсага йўналтирмақ» семемасининг нутқий луғавий маъно сифатидаги воқеланиши кузатилади. Бу семема кейинги гапларда ўзининг «кўриш учун» семасини 0 (ноль) даражагача кучсизлантиради ва қолган семалар маълум даражада сусайиб, «ҳаракат йўналган томон»: (4-гап)» «айириб кўрсатмоқ», «таъкидлаш», шунингдек, «қиёслаш», «солиштириш» маъноларини билдиради. [қарамоқ] лексемаси [кўрмоқ] лексемаси билан маънодош бўлганлиги боис, улар семемаларининг грамматик маънога айланган кўринишларида ҳам мазкур маънодошлик маълум даражада сақланган бўлади. Қиёсланг: «*Олмага қараганда нок ширин – олмадан кўра нок ширин*». Кўринадики, [қарамоқ] лексемаси кўмакчи вазифасида қўлланганда унинг семемаси таркибидаги «йўналтирмақ» семаси лисоний ва нутқий ҳодисани боғлаш вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, [қарамоқ] кўмакчисининг [қарамоқ] лексемаси ҳосиласи эканлигига ишора қилиб туради.

Мустақил лексеманинг номустақил сўз сифатида қўлланишларида нутқий маънонинг ўзи мансуб семалар билан боғланишлари кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Бу, айниқса, кўмакчи феъл вазифасида келган лексемада яққол кўзга ташланади. Қиёсланг: 1. *Элмурод дунё хабарларидан ўқиб бера бошлади* (П.Турс.) 2. *Май ойининг ҳаётбахш*

қуёши ўзининг эркаловчи, заррин нурларини аланга сочиб **ётибди** (Х.Зиёх.). 3. Сиз ўқишга кетаётганингизда дарахтларга ўзим **қараб турсам** (Ш.Раш.). 4. Тўй қизиганда яна бир балони бошлаб **юрма**, -деб Тўлаган мўйлов Кўчқорга қўл чўзди. 5. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда янги тугилаётган қўзилар чўпонларни шошириб **қўйган**, уларда тиним йўқ (Ч.Айт.). 6. Сен мендан ҳар қанча хафа бўлсанг ҳам, кўнглимга тугиб қўйганимни энди айтиб **солмасам**, иложи йўқ (А.Қаҳ.). Кўриниб турибдики, айрим қўлланишларда (1-, 2-, 3-, 4) сўзнинг грамматик маъноси лексеманинг семемаси билан семантик боғланишга эга. Баъзиларида эса (5-, 6) кўмакчи феъл (**қўйган**, **солмасам**) ўз грамматик маъносидан қарийб узилган. Асос лексема семемасининг грамматик маънода қолдирган «из»и сезиларсиз даражада.

Семеманинг нутқий грамматик маъно сифатида юзага чиқишдаги грамматикализациялашуви ҳодисасини ўрганиш фанимиз олдида турган вазифалардан.

Демак, семеманинг нутқий воқеланиши деганда унинг нафақат нутқий луғавий маъно, балки нутқий грамматик маъно сифатида воқеланиши ҳам назарда тутилиши лозим.

Семеманинг нутққа хосланиши

Семема нутқда уни ушбу қўлланишга хословчи турли восита таъсирига берилган ва жузбийлашган ҳолда «кўриниш» беради. Семеманинг нутқий кўринишида уни нутққа хослаган нолуғавий воситанинг таъсир даражаси турлича бўлади.

Семеманинг нолуғавий тажаллилар таъсиридаги ўзгаришга учраши натижасида вужудга келадиган сифат ўзгариши ҳам унга таъсир қилувчи омиллар даражасига кўра турлича бўлади.

Семема сўз яшаш қолипи асосида нутқий ясама сўз маъноси сифатида намоён бўлар экан, бунда бу нутқий маънонинг таркибида сема кўриниши мақомини олади. Масалан, **[[феъл] + [увчи] = (феъл англлатган ҳаракатнинг бажарувчисини англлатувчи шахс оти]** лисоний сўз яшаш қолипи ҳосилаларида ((*ичувчи*), (*кесувчи*), (*ёзувчи*), (*хоҳловчи*) ва б.) бу сўзнинг асосида ётган [*ич*], [*кес*], [*ёз*], [*хоҳла*] лексемаларининг семемаси ясама сўзларда нутқий маънонинг бўлакчаси сифатида юзага чиқади. Дейлик, [*ичмоқ*] лексемасининг семемаси «бирор суюқликни истеъмол қилмоқ» бўлиб, у (*ичувчи*) нутқий ҳосиласида «ичиш билан шуғулланувчи киши» нутқий маъносининг «ичиш» узвида мужассамлашгандир. Бунда маълум бир бутунликнинг «кичрайиб», нутқий бир бутунликнинг таркибий қисмига айланганини кўрамиз. Бу эса семемада сифат ўзгариши юз берганлигини кўрсатади. Демак, нутқий ясама сўз лисоний бутунликнинг нутқий қисмга айланиши ҳодисаси юз

беради. Буни шартли равишда «семеманинг нутқий маъно бўлакчасига айланиши» деб атаймиз.

Семеманинг мазкур ходисадан қуйроқ даражада ўзгариши услубий омил ва айрим луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчининг таъсири натижасида юз беради.

Лексема кўчма маънода қўлланар экан, унинг семемаси таркибидаги аташ семаси сўниб, нутқий воқеликка мос равишда ифода ва вазифа семаси кучаяди. Масалан, олтин ёшлик бирикувида воқеланган [олтин] лексемасининг «сарик тусли қимматбаҳо ноёб металл ифодаловчи от» семемасидаги «сарик тусли», «металл», «от» семаси буткул сўнган бўлиб, «камёб», «қимматбаҳо» семаси кучайган ва «от» вазифа семаси «сифат» маъно бўлакчасига айланган ҳолда намоён бўлган. Бироқ бундаги вазифа семасининг ўзгариши нутқий ходиса бўлганлиги сабабли у семеманинг иккинчи туркумга ҳам хослигини кўрсатмайди, балки бошқа туркумга хос вазифасини бажариши деб тушунмоқ лозим. Демак, лексеманинг кўчма маънода қўлланилишидаги маъновий модификациясини «семема семасининг ўзгариши» деб баҳолаш мумкин.

Семема вазифа семасининг ўзгариб воқеланишини феъл лексеманинг сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи шаклини олиб қўлланишида яққол кузатиш мумкин. Масалан, равишдош шаклини олган феъл лексема сема асосида феълнинг маъноси кучсизланиб равишга хос белги кучаяди. Қиёсланг: У шошилди - У шошилиб гапирди.

Айрим луғавий шакл ҳосил қилувчи феълнинг аташ семасини модификация қилади. Масалан, [китоб] лексемаси семемасидаги белгиланмаган миқдор семаси нутқда воқеланган (*китоблар*) сўзида, [сон+от] қолипли синтактик қурилмада муайянлашади. Бу эса уни шартли равишда «семеманинг аташ семаси ўзгариши» деб талқин қилиш имконини беради.

Айтилганлар асосида семеманинг нутқий хосланишини қуйидаги типларга бўлиш мумкин:

- 1) семеманинг сўз маъно бўлакчаси сифатида воқеланиши;
- 2) семеманинг аташ семаси сўниши натижасида вазифа семаси кучайиши ва ифода семаси ўзгариши сифатида воқеланиши;
- 3) семеманинг аташ семаси ўзгариб воқеланиши.

Ҳосила семеманинг вужудга келиш йўллари

Ҳосила маъно бир неча йўл билан вужудга келади: метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик каби. Ҳосила маъно тўғри, бош маънолар асосида пайдо бўлади.

Метафора (гр. *metaphora* – кўчириш), аввало, нутқ механизми, бирор лексема денотатининг ташқи, зохирий ўхшашлиги асосида бошқа маънони ифодалаш учун ишатилиши.

Метафорик маъно ҳосил бўлиши учун қуйидагидан бири сабаб бўлади:

1) бир сўз бошқа сўзга нисбатан сўзловчининг ифода мақсадига кўпроқ мос ва мувофиқ бўлади ва шунинг учун биринчиси ўрнида иккинчиси қўлланилади;

2) бирор денотатнинг ифодаловчиси бўлмайди ва маълум бир сўз бошқа денотатни ҳам ифодалаш учун қўлланади.

Демак, биринчи ҳолда кўчирилаётган сўз денотатнинг иккинчи атамаси бўлса, иккинчи ҳолда биринчи атамасидир. Масалан, (*қуйи*) сўзи англатадиган маънони (*этак*) сўзи қулайроқ ва тўлароқ ифодалаганлиги боис тоғнинг қуйи томонига нисбатан (*этак*) сўзи ишлатилган. Ўзбек тилида денгиздаги ўзига хос жўғрофий ўриннинг номи бўлмаганлиги боис (*қўлтиқ*) сўзи унга нисбатан ҳам қўлланади.

Метафора ҳодисаси асосан, от туркуми доирасида, қисман феълда учрайди: *Қуш учди. Самолёт учди* курилмаларининг иккинчисида (*учмоқ*) феъли ифодалаган ҳаракат қушнинг ҳаводаги қанотларини силкитиб қилган парвозига ўхшайди. Шу боисдан (*учмоқ*) феъли ифодалаган кейинги маъно метафорик маъно.

Метафора ҳосила маъно ҳосил қилишнинг кенг тарқалган усули сифатида бадий услубнинг, нутқнинг энг муҳим воситасидан ҳисобланади.

Метафорик ҳосила маъно нутқда жуда кўп учрайди. Аммо уларнинг лисонийлашгани - семемага айлангани нисбатан кам. [*Қанот*] (самолёт), [*учмоқ*], [*оғиз*] (қоп) каби лексемаларнинг ушбу ҳосила маъноси метафорик семема.

Метафорик йўл билан ҳосил бўлган семема даврлар ўтиши билан ўзига хос аташ семалари касб этиши натижасида бош семемасидан узоклашиб, мустақил ҳолга келиши, омонимик табиатга эга бўлиши мумкин. Масалан, адабиётшунослик термини сифатидаги (*фожиа*) умумистеъмол қўлланишдаги (*фожиа*) сўздан маъновий жиҳатдан узилиб, уларнинг номемалари омонимик муносабатга эга бўлган. Шунингдек, жўғрофий термин бўлган [*қўлтиқ*] умумистеъмолдаги [*қўлтиқ*] лексемасининг омонимига айланган.

Синекдоха йўли билан ҳосил қилинган кўчма маъно деганда, бирор нарсанинг номи билан унинг бирор қисмини аташ ва аксинча бирор нарсанинг қисми билан у мансуб бутунни аташ тушунилади: 1. *Беш қўлини оғзига тикади*. 2. *Очилдибой тирноққа зор эди*. Синекдохик йўл билан ҳосил қилинган маънони ҳам лисоний ва нутқий маънога бўлиш мумкин. Масалан, келтирилган [*қўл*], [*тирноқ*] лексемаларининг синекдохик

маъноси семемалашган. *Стол синди, эшик бузилди* гапларидаги [стол] сўзининг «оёқ» (столнинг оёғи), [эшик] сўзининг «қулф» (эшикнинг қулфи) ҳосила маънолари нутқий синекдохик маънога мисол. Аммо ҳар қандай бутунлик номи билан қисмни, қисмнинг номи билан бутунни атаб бўлмайди. Масалан, дарахт ва шох, барг, тана, илдиз, мева бутун ва қисмдир. Лекин (*барг*) деганда ҳеч қачон дарахт англашилмайди. Аммо (*мева*) (масалан, олма) атамаси орқали дарахт ҳам ифодаланади.

Метонимия (грекча: *metonymia* - қайта номлаш) ифодаланмишларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги асосида бир ифодаловчининг бошқа ифодаловчи учун ишлатилиши.

Метонимия ҳам янги маъно ҳосил қилиш жараёни ва бу жараён натижасининг барқарорлигига кўра лисон ва нутққа дахлдор ҳодиса. Бошқача айтганда, метонимик ҳосила маъно соф нутқий ёки лисоний(лашган) бўлиши мумкин.

Метонимик маъноларнинг асосий кўринишларига мисол келтирамиз:

1) бир нарса предметнинг номи билан шу предметдаги бошқа бир нарса аталади:

а) [стакан] **1** ичимликлар учун ишлатиладиган цилиндр кўринишдаги шиша идиш;

2 бир стакан ҳажмига тенг суюқлик миқдори (бир стакан сув);

б) [дастурхон] **1** ўртага ёзилиб устига озиқ-овқат қўйиладиган мато материалли рўзгор буюми;

2 ейиш учун ўртага қўйилган озиқ-овқат;

2) материалнинг номи шу материалдан ясалган маҳсулотга ўтади:

а) [кумуш] **1** оқ-кўкиш рангли ялтироқ тусли асл металл;

2 кумушдан зарб қилинган пул, танга;

в) [қоғоз] **1** ёзиш, чизиш, китоб, газета, журнал бошқа ҳамда бошқа шунга ўхшаш мақсадда ишлатиладиган ёғоч, эски латта-путта ва шулар кабидан тайёрланган юпқа материал;

2 варақ, бет.

3) жой номи билан шу жойда яшовчи кишилар аталади:

а) [қишлоқ] **1** аҳолиси кўпроқ қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли пункти;

[қишлоқ] **2** қишлоқда яшовчи кишилар (*Қишлоқ нима дейди?*).

3) ҳаракат ифодаловчиси билан унинг натижаси ёки унга алоқадор бўлган жараён номланади:

[тўй] **1** еб-ичиш натижасида нафсни қондирмоқ;

[тўй] **2** базм- томоша билан зиёфат бериб ўтказиладиган маросим.

4) предметнинг номи билан шу предмет ҳосиласи аталади:

а) [тил] **1** оғиз бўшлиғида ҳаракатланувчи нутқ аъзоси;

[тил] **2**- шу нутқ аъзоси ҳаракати натижасида ҳосил бўлган нутқ;

б) [Навоий] **1**- ўзбек мутафаккир шоири;

2 Алишер Навоий асари.

Кўринадики, метонимик ҳосила маънонинг айрими соф лисоний моҳият касб этган бўлса, айрими нутқий сатҳдагина мавжуд. Масалан, *Навоийни ўқидим* гапидаги (*Навоий*) сўзи эллипсис натижасида тушиб қолган *асар* сўзининг маъносини ифодаламакда ва у соф нутқий характерга эга. Аммо келтирилган [*дастурхон*] 2, [*тўй*] 2, [*қоғоз*] 2, [*қумуш*] 2 маънолари лисонийлашган, семемага айланган метонимик маъно.

Метонимик ҳосила маънонинг вужудга келиши, асосан, лисоний боғланиш эмас, балки объектив борлиқ ҳодисалари орасидаги нолисоний алоқадорлик билан боғланган.

Вазифадошлик семема вужудга келишининг асосий йўлларида бири. Вазифадошлик асосида семема вужудга келиши ҳам, метафорада бўлгани каби, ўхшашликка асосланади. Бироқ метафорада ташқи кўринишдаги ўхшашликка асосланган, вазифадошликда бажариладиган вазифанинг ўхшашлиги асосида янги маъно вужудга келади. Масалан, дастлаб камоннинг пайкони [ўқ] деб аталган. Милтиқ кашф этилгач, унинг порох тўлдирилган пистонли гилзаси ҳам пайконники каби вазифа (яъни ўлдириш) ни бажарганлиги боис [ўқ] деб аталади. Рус тилидаги [*перо*] (пат) сўзининг бугунги маъноси ҳам шундай маъновий тараққиётга эга. Маълум бўладики, вазифадошлик асосида вужудга келган ҳосила маъно нафақат мустақил семема даражасига етади, балки ўзига асос бўлган бош, асосий семемадан ҳам кўра фаоллашиб, қўлланиш доираси кенгайиб кетади. Масалан, илгари [*қўмир*] сўзи «қўмиб ёндириш йўли билан ўтиндан тайёрланган ёқилғи» семемасига эга эди. Бугунги кунда бу семема тарихийлашиб, у «ер қатламида табиий йўл билан ҳосил бўлган қаттиқ ва қора рангли ёқилғи» ҳосила семемаси билан нутқимизда яшайди.

Маълум бўладики, лексема семантикасидаги лисоний ўзгариш қуйидаги натижаларга олиб келади:

1. Лексема нутқий маъносининг ихтисослашуви натижасида янги семеманинг вужудга келиши. «Қушнинг икки ёнида ҳаракатланиб учиш воситаси» семемасигагина эга бўлган [*қанот*] лексемаси бугунги кунда «самолётнинг икки ёнидан чиқиб турган ҳавода сузиш ва муаллақ туриш воситаси» семемасига ҳам эга полисемантик лексемага айланган.

2. Аниқ маънонинг мавҳум маънога айланиши натижасида ихтисослашувга зид маъновий кенгайиш юз бериб, янги семеманинг вужудга келиши. Масалан, [*отланмоқ*] лексемасининг дастлабки семемаси «отга миниш» бўлиб, бугунги кунда бу семема ўта кучсизланиб, лексема, асосан, «бирор жойга бориш учун ҳозирланиш» семемаси билан яшайди.

3.Лексема семантик имкониятининг торайиши. Лексема семемасининг бирор томондан ихтисослашуви бошқа семеманинг буткул сўнишига олиб келади. Масалан, кенг қамровли тушунчани ифодаловчи сўзларнинг қамрови торайиб кетади. Бу, айниқса, турдош отнинг атоқли отга айланишида, сўзнинг терминологик моҳият касб этишида яққол кўзга ташланади.

Лексик-семантик муносабат

Лексик birlikлар лисонда турли семантик муносабат асосида ҳар хил парадигма ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат ана шундай лисоний муносабат.

Синонимия. Шаклан ҳар хил, аммо бир тушунчани турли бўёқ ва оттенка билан ифодалайдиган лексемалар *синоним* дейилади. Синоним лексема орасидаги муносабат синонимия ёки синонимик муносабат деб юритилади.

Синоним лексема семемаларидаги аташ ва вазифа семаси айнан бир хил бўлиб, ифода семаси фарқланади. Мисол сифатида [юз]-[бет]-[афт]-[башара]-[турқ] қаторини келтириш мақсадга мувофиқ. Маънодошлик қаторидаги мазкур лексемаларнинг барчасида аташ семалари бир хил: «одам боши олд томони», «пешонадан ияккача». Аммо ифода семалари ҳар бир лексемада ўзига хос. Аниқроғи, «шахсий муносабат» ҳар бир лексемада бошқа-бошқа намоён бўлган. У [юз] лексемасида «шахсий бетараф муносабат» кўринишида бўлса, [турқ] лексемасида «ўта кучли шахсий салбий муносабат» тарзида.

Маънодошлик қаторидаги лексемаларнинг ифода семаси турли-туман. Улардан айримлари қуйидагилар:

- 1) ижобий ёки салбий баҳо ёхуд муносабат сема;
- 2) лексеманинг қўлланиш даврини кўрсатувчи сема: «эскирган», «янги», «ўта янги», «архаик», «тарихий».
- 3) лексеманинг қўлланилиш доирасини кўрсатувчи сема: «шевага хос», «сўзлашувга хос», «китобий», «кўтаринкилик» ва ҳ.

Маънодошлик қаторидаги лексеманинг биттаси доминанта (бош) лексема бўлиб, бошқалари шу лексема атрофида бирлашади, маънодошлик қуршови ҳосил қилади. Доминанта лексеманинг юқорида саналган барча ифода семаси нейтрал, бетараф. Масалан, [катта]-[улкан]-[баҳайбат] синонимик қатори «китобийлик», «кўтаринкилик» ифода семалари асосида ташкил топган. Қатордаги катта лексемасида бу сема белгиланмаган (нейтрал), [улкан] ва [катта] лексемаларида ифодаланган, ойдинлаштирилган.

Маънодошлик қаторидаги доминанта лексеманинг бир қанча ўзига хос хусусияти бор:

1) доминанта лексеманинг мазмуни бошқа лексемаларникига нисбатан «камбағалроқ» бўлади. Қиёсланг: [чиройли], [гўзал] ва [сулув]. Қатордаги [чиройли] лексемасида [гўзал] ва [сулув] лексемасидаги кўтаринкилик бўёғи йўқ;

2) доминанта лексеманинг қўлланиш доираси ва миқдори бошқа маънодошларникига нисбатан кенг ва кўп бўлади;

3) доминанта лексема белгиланмаган ифода семасига эга бўлганлиги боис исталган вақтда ўз маънодошларини алмаштира олади;

4) маънодошлик қатори мансуб бўлган катта тизимга фақат доминанта лексема киради. Масалан, «киши танаси аъзолари» луғавий маъновий гуруҳига [юз] доминанта лексемаси кириб, [қулоқ], [бурун], [лаб], [қош], [пешона] лексемалари билан парадигма ҳосил қилади. Бошқа ифода семаси белгиланган лексема «бетараф» бўлолмаганлиги боис юқори парадигмага кира олмайди ва унинг бетараф вакили бу ҳуқуққа эга бўла олади, холос.

Маънодошлик парадигмаси доимо очиқ. Жамият, давр талаби асосида кераксиз истеъмолдан чиқиб, қатор янгилари билан бойиб бораверади. Нутқда маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ бирликлари, иборалар, мустақил лексема семемаларининг тури, ясама сўз, сўз бирикмаси, нутқий кўчма сўз билан тўлиб, кенгайиб боради. Булар контекстуал синоним сифатида нутқнинг гўзаллиги ва бойлигини таъминловчи восита саналади.

Антонимия лексемалар орасидаги зидлик муносабатидир: [катта]-[кичик], [ёш]-[қари], [митти]-[улкан], [оқ]-[қора] ва ҳоказо. Антоним лексемаларнинг умумий, бирлаштирувчи семаси билан бир қаторда, қарама-қарши семаси ҳам бўлиши лозим. Масалан, [катта] ва [кичик] лексемалари умумий - «сифат», «кўлам» семаси билан бирга, қарама-қарши - «нисбатан ортиқ» ([катта]) ва «нисбатан катта бўлмаган» ([кичик]) семасига ҳам эга. Ёки [қиш] - «йилнинг энг совуқ фасли», [ёз] - «йилнинг энг иссиқ фасли», [қирмоқ] - «ичкарига ҳаракатланмоқ», [чиқмоқ] - «ташқарига ҳаракатланмоқ». Антоним лексемалар асосида борлиқдаги қарама-қарши ҳодисанинг инъикоси бўлган қарама-қарши тушунча ётади. Антоним лексемалар бир турга кирувчи гипоним лексемалар: [иссиқ]-[совуқ] (ҳаракат), [катта]-[кичик] (ҳажм), [эркак]-[аёл] (жинс) ва ҳоказолар.

Антонимларнинг мантиқий асосини икки тур қарама-қаршилик ташкил этади:

- а) контрар қарама-қаршилик;
- б) комплементар қарама-қаршилик.

Контрар қарама-қаршилик – даражаланувчи лексема қаторидаги тафовутнинг фарқларга, фарқнинг зиддият, яъни қарама-қаршиликка ўсиб бориши натижасида биринчи аъзо билан охирги аъзонинг антонимлашуви. Масалан, [кичик]–[ўрта]-[катта], [ёш]-[ўсмир]-[ўрта ёш]-[қари] каби. Бунда [кичик] ва [катта], [ёш] ва [қари] лексемалари даража қаторининг икки қарама-қарши қатори аъзолари ўртасида икки антоним аъзо белгиларини ўзида мужассамлаштирган боғловчи бўғин. Юқоридаги [ўрта] лексемасида [кичик] ва [катта] лексемаларининг қарама-қаршилиги сўнади. Демак, лексемаларнинг контрар қарама-қаршилигини уларнинг даражаланиш (градуонимик) қаторидан излаш лозим.

Комплементар антонимияда қарама-қаршилик учинчи, оралик бўғинсиз бўлади: [рост]-[ёлгон], [арзон]-[қиммат], [осон]-[қийин]. Бу лексемалар орасида оралик учинчи лексема йўқ.

Антонимлар структурасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) ҳар хил ўзакли антоним: [катта]-[кичик], [қирмоқ]-[чиқмоқ], [муҳаббат]-[нафрат];

2) бир хил ўзакли антоним: [маданиятли]-[маданиятсиз], [ақлли]-[ақлсиз], [онгли]-[онгсиз].

Фанда антонимлар асосан сифат ва равиш туркумига хос деган ҳамда ҳар хил ўзаклиларини тан олишдек тор тушуниш ҳам мавжуд.

Градуонимия. Луғавий бирликлар ўзаро маъновий муносабатига кўра маълум бир даражаланиш қаторини ҳосил этиши фанга қадимдан маълум ва унинг энг ёрқин намунаси - [ўрта] сўзини ўз ичига олган сўзлар қатори. Масалан:

[Катта]-[ўрта]-[кичик]

[Ёш]-[ўрта]-[қари]

[Узоқ]-[ўрта]-[яқин]

[Баланд] –[ўрта]-[паст]

[Узун]-[ўрта]-[қисқа].

Маълумки [ўрта] сўзи билан ифодаланган белги-хусусият том маънода ўрталик, оралик, яъни икки бир-бирига зид белги оралиғидаги ҳолатни кўрсатади. [Ўрта] лексемаси антонимлар оралиғидан ўрин олса, (катта-ўрта-кичик) даражаланиши кам сезилади. Лекин [ўрта] лексемали бирликларни зид белги асосида эмас, маълум бир белгининг камайиши ёки ўсиши асосида идрок этилса, маъновий даражаланиш яққол англашилади.

Даражаланиш қатори аъзолари камида учта бўлади.

Даражаланиш муносабатлари билан боғланган сўзлар қаторини

а) ғайрилисоний асос;

б) соф лисоний асосга

таяниб ажратиш мумкин.

Гайрилисоний омилнинг моҳияти шундаки, борликдаги нарса, белги-хусусиятда сифат фарқи билан бирга миқдор фарқи ҳам мавжуд. Масалан, инсон гўдаклик, ёшлик, навқиронлик, етуклик, қарилик ҳолатини, ўсимлик навниҳоллик, кўчатлик, етилганлик, қуриганлик даврини бошидан кечиради - организм ўсади. Табиатдаги ранг ва бошқа белгилар шунчалик хилма-хилки, бўёқчилар биргина қора рангнинг ҳатто ўндан ортиқ турини ажратадилар. Инсоннинг фаол онги ана шу миқдорий ва сифатий фарқни акс эттиради. Тил онгнинг ифодаси бўлганлиги боис у онгдаги акс эттирилган мана шундай миқдорий фарқларни ҳам ифодалаши лозим. Бундай миқдорий фарқ турли усул билан, жумладан, алоҳида-алоҳида лексема билан ҳам ифодаланади. Чунончи, [ниҳол]-[кўчат]-[дарахт], [нинни]-[чақалоқ], [гўдак]-[бола], [бузоқ]-[тана]-[ғунажсин]-[сигир] каби.

Градуонимик луғавий қаторни ажратишнинг лисоний омили қуйидагилар:

- а) маъновий омил;
- б) сўзлараро парадигматик муносабат.

Градуонимик қаторни ажратишдаги маъновий омилнинг моҳияти шундаки, бир қатор лексемалар семемасида маълум бир белгининг оз-кўплиги, турли хил даражаларига ишора мавжуд. Масалан, *дарча-эшик-дарвоза* лексемасининг «Ўзбек тили изоҳли луғати»даги изоҳини кузатайлик:

1. Дарча - илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш тавақали, эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча (ЎТИЛ, I, 212.)

2. Эшик - уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатилган очиб-ёпиб туриладиган мослама (ЎТИЛ, II, 457).

3. Дарвоза - ҳовли, кўрғон, қалъа, завод ва шу кабиларга кириладиган, очиб-ёпиладиган катта эшик, қопқа (ЎТИЛ I, 209.)

Ажратилган сўзлар миқдорий кўрсаткичларни ифодаловчи лексемалардир. Бу [дарча] лексемаси изоҳидаги (*кичкина*) ва (*эшикча*) сўзлари, [дарвоза] лексемаси изоҳидаги [катта] сўзи.

Бошқа бир лексема қаторини оламит: [гулоби]-[пушти]-[қизғиш]-[қизил]-[ол]-[қирмизи].

Бу лексемалар қайд этилган луғатда қуйидагича изоҳланган:

1. **ГУЛОБИ** - гулоб рангли, пушти (ЎТИЛ, I, 197)
2. **ПУШТИ** - шафтоли гули рангидаги, оч қизил (ЎТИЛ, II, 608)
3. **ҚИЗҒИШ** - қизилга мойил, қизилга яқин рангидаги, қизғимтир (ЎТИЛ, II, 573) .
4. **ҚИЗИЛ** - қон рангидаги, қирмизи, олвали (ЎТИЛ, II, 570)
5. **ОЛ** - қизил, қирмизи (ЎТИЛ, II, 529)
6. **ҚИРМИЗИ** - қизил рангли, қизил, ол (ЎТИЛ, II, 581)

Бу тавсиф, албатта, мукаммал эмас. Чунки улар ўзининг градуонимик тизимидан узиб тавсифланган. Агар улар бир система аъзолари сифатида таҳлил этилса, куйидаги тавсифларга эга бўлишар эди:

1.**ГУЛОБИ** – гулоб рангли, оқдан қизилликка, пуштига мойил бўёқли ранг.

2.**ПУШТИ** – шафтоли гули рангидаги, оч қизил, гулобидан тўқроқ.

3.**ҚИЗҒИШ** – пуштидан тўқроқ, қизилдан очроқ, қизғимтир ранг.

4.**ҚИЗИЛ** – қон ранг.

5.**ОЛ** - қизилдан тўқроқ рангли.

6.**ҚИРМИЗИ** – тўқ қизил рангли.

Бу лексемалар денотатив маъноларидаги рангнинг миқдорий семаси асосида куйидагича даражаланади.

—
+

-3 -2 -1 0 1 2
[гулоби] [пушти] [қизғиш] [қизил] [ол] [қирмизи]

Демак, луғавий градуонимик қаторни ажратиш учун маъновий омил ўзаро яқин тушунчани ифодаловчилар сирасидаги ҳар бир лексемада маълум бир белгининг турлича даражаланишига ишора мавжудлигида намоён бўлади. Шу асосда маъновий омилнинг ўзи икки турга бўлинади:

- 1) бир-бирига яқин ва ўхшаш тушунчани ифодалаш;
- 2) айна бир белгининг турли хил миқдорига ишора қилиши.

Градуонимик қатор луғавий парадигмага қўйиладиган қуйидаги талабнинг барчасига жавоб берди:

- 1) луғавий парадигманинг битта етакчи лексема (доминанти) атрофида бирлашиши;
- 2) луғавий парадигманинг очиқлиги;
- 3) луғавий парадигманинг бошқа каттароқ парадигма таркибига етакчи лексема билангина кириши;
- 4) луғавий парадигмадаги қуршов лексеманинг доминант лексема билан осонликча алмаштирила олиши.

Демак, лексемалараро лисоний муносабат саналувчи градуонимия ҳодисаси бир неча лексеманинг маълум бир белгининг оз-кўплигига қараб, луғавий маъновий қаторда, тизимда намоён бўлиши бўлиб, бунда доминанта ва қуршов лексемаи фарқланади.

Луғавий градуонимик қаторда диалектиканинг энг умумий қонунлари мавжуд:

а) градуонимик қаторда белгининг даражаланиб, ошиб ёки кенгайиб боришида миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши қонуни тажаллиланади;

б) градуонимик занжирнинг икки чекка учи маълум бир белгининг тасдиғи билан бирга, бир-бирини инкор этишида инкорни инкор қонуни намоён бўлади;

в) бир-бирини инкор этувчи (антонимик муносабатда турган) лексемаларнинг бир етакчи лексема (доминанта) атрофида бирлашиб, бир луғавий маъновий қаторни - парадигмани, бутунликни ташкил этишда қарама-қаршилик бирлиги ва кураши қонуни воқеланади.

Гипонимия. Лексемалараро семантик муносабатнинг яна бир тури гипонимия (аниқроғи, гипо-гиперонимия), яъни тур-жинс муносабати.

Гипонимик муносабатда гипероним (жинс) ва гипоним фарқланади.

Гипероним жинс белгисини билдирган предметнинг номини ифодаловчи кўпгина маънони семантик жиҳатдан умумлаштирувчи

микротизимнинг марказий лексемаси, доминантаси сифатида намоён бўлувчи луғавий бирлик. Гипоним эса маълум жинс турининг номини ҳамда ўзининг семантик таркибида имплицит тарзда жинс маъносини ҳам ифодаловчи, семантик жиҳатдан гиперонимга нисбатан бой бўлган луғавий бирлик.

Гипоним ва гипероним орасидаги алоқа мантиқий асосга эга. Бу эса объектив борлиқдаги умумийлик тушунчаси билан боғлиқ. Масалан, [дарохт] гипероними жинс маъносини ифодаловчи лексема сифатида дарохтнинг барча турини ифодаловчи лексемаларни лексик-семантик муносабат асосида бирлаштириб, лексик-семантик гуруҳ ҳосил қилади. Шу боисдан [дарохт] лексемаси гипероним сифатида гипоними билан лексик-семантик алоқага кириша олади. Масалан, [дарохт]-[қайин], [дарохт]-[терак], [дарохт]-[дуб], [дарохт]-[арча].

Гипонимлар тенг ҳуқуқли бўлиб, гиперонимга муносабати бир хил. Ўз навбатида, бу муносабат полисемия ва омонимия ҳодисаси билан ҳам боғланади. Масалан, ўзбек тилидаги [дарохт] номи дастлаб икки гуруҳга бўлинади: мевали дарохт ва манзарали дарохт. Мевали дарохт ўз мевасининг номи билан аталади. Шунинг учун бу лексема кўп маъноли бўлганлиги боис бир томондан [мева], иккинчи томондан [дарохт] гипероними билан семантик муносабатга киришади:

[*Мева*]: [олма]-[ўрик]-[шафтоли]-[беҳи].

[*Дарохт*]: [олма]-[ўрик]-[шафтоли]-[беҳи].

[Дарохт] гипероними жинс тушунчасини ифодаловчи лексема сифатида, биринчи навбатда, шу жинснинг турини билдирувчи сўз билан боғланади. [Дарохт] лексемаси унинг тури номи ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Лекин гипероним гипоним ўрнида қўлланганда унинг моҳиятини ёрқин ифодалай олмайди. Шу боисдан ўз олдидан гипонимни аниқловчи сифатида қабул қилади: *ўрик дарохти, шафтоли дарохти* каби.

Гипоним лексеманинг семемаси гипоним лексемалар учун бирлаштирувчи сема бўлиб хизмат қилади. Масалан, [дарохт] гипероним лексемасининг семемаси «танасидан шохланувчи ўсимлик» бўлиб, «қизил, яшил, ёки сариқ рангли ёнғоқдан пиёлагача бўлган ҳажмдаги серсув мева берувчи дарохт» семемасига эга [олма] лексемасининг «дарохт» семаси [дарохт] гипероним лексемаси семасининг семемалашган кўриниши.

Гиперонимнинг маъноси гипоним лексеманикига нисбатан кенгрок ва «хирарок» (ноаникрок), гипоним лексеманинг маъноси эса гиперонимникига нисбатан торроқ ва «ёрқинрок». Шу боисдан, айтиш мумкинки, гиперонимнинг маъновий моҳияти барча гипонимининг маъновий моҳияти йиғиндисига тенг.

Айтилганидек, дарохт мевали ва мевасиз дарохтга бўлинади. Демак, борлиқдаги бу бўлиниш гипонимия ҳодисаси сифатида тилда ҳам акс

этади. Лекин дарахтнинг мевали ва мевасиз турини атайдиган алоҳида лексема ўзбек тилида йўқ. Демак, гипонимнинг ўрни бўш бўлиб, улар лексик лакуна (бўш хона) ҳосил қилади. Лексик лакунани турли нутқий номинатив бирлик тўлдиравериши мумкин (Масалан: *мевали дарахт* ва *меvasиз дарахт* сўз бирикмалари).

Ҳар бир гипо-гиперонимик қатор чекланмаган миқдорда луғавий лакунага эга бўлади. Бу бўш хона айтиб бир жинснинг турли белгиси билан чегараланмаган миқдорда тўлиб бориш имкониятига эга. Масалан, 10 та узум номини билувчи одам учун ўзбек тилидаги 600 та узум нави номининг 590 таси луғавий лакуна ҳисобланади. Демак, лакуналар ижтимоий ҳам («мевали дарахт» ва «меvasиз дарахт» тушунчасини ифодаловчи лексемалар), индивидуал ҳам (мавжуд лексемани маълум бир кишининг билмаслиги) бўлиши мумкин.

Қўлланилиши чегараланмаган ва чегараланган лексика

Лексик бирлик қўлланилиш частотасига кўра фарқланади. Кўпгина лексемалар кенг қўлланишга, баъзилари эса тор қўлланишга эга бўлади. Шу жиҳатдан ўзбек тили лексикаси икки қатламга бўлинади:

а) қўлланилиши чегараланмаган лексика;

б) қўлланилиши чегараланган лексика.

Қўлланилиши чегараланмаган (умумистеъмол) лексика. Ўзбек тили луғат таркибининг асосини ана шу қатлам ташкил этади. Қўлланилиши чегараланмаган лексемаларни шу тилда сўзлашувчи кишилар, қандай шевага, қайси ҳудудга, қайси касб ёки соҳага мансуб бўлишидан қатъи назар, чекланмаган даражада ишлатади.

Қўлланилиши чегараланмаган лексема барча сўз туркумида мавжуд.

- феъл: [ишламоқ], [келмоқ], [олмоқ], [кўрсатмоқ], [буюрмоқ], [сайламоқ];

- от: [ота], [она], [нон], [сув], [стол], [эшик], [тоғ], [ер], [шамол], [радио];

- сифат: [ширин], [аччиқ], [қизил], [кўк], [катта], [хунук], [гўзал];

- сон: [бир], [ўн], [юз], [минг];

- равиш: [ҳамиша], [баъзан], [атайлаб], [ҳозир], [илгари];

- олмош: [ким], [нима], [қандай], [нима қилмоқ], [қанча], [шу], [биз], [ҳамма];

- сўз-гап: [хўп], [майли], [рахмат];

- кўмакчи: [учун], [билан], [сингари];

- боғловчи: [ҳам], [ва], [билан], [аммо];

- юклама: [фақат], [худди], [ҳатто].

Қўлланилиши чегараланмаган лексеманинг аксарияти умумтуркий ва ўзбекча. Аммо, шу билан биргаликда, улар орасида ўзлашмалари ҳам кўп.

Қўлланилиши чегараланган лексемаларни икки типга бўлиш мумкин:

- а) қўлланилиши даврга кўра чегараланган лексика;
- б) қўлланилиш доираси чегараланган лексика.

Қўлланилиши даври чегараланган лексика

Давр таракқиёти, ижтимоий ҳаётдаги ўзгариш тилнинг барча соҳаларида у ёки бу даражада ўзгариш бўлишига олиб келади. Бундай ўзгариш тилнинг лексик сатҳида анча сезиларли кечади. Бунда тўрт ҳолат кузатилади. Биринчидан, айрим сўзларнинг эскириб, истемолдан чиқиб кетиши кузатилса, иккинчидан, аллақачонлар истемолдан чиқиб кетган сўзлар қайта «жонланади», «тирилади», учинчидан, янги-янги сўзлар пайдо бўлади, тўртинчидан, нофаол сўзлар фаоллашади, истемол доираси кенгаяди, маъновий табиатида ўзгариш юз беради. Бу ҳодисаларнинг барчаси маълум бир объектив сабаб асосида рўй беради.

Ҳозирги тилдаги эскирган сўзлар **эски лексика**, янги сўзнинг жами **янги лексика**, на эскирган, на янгилик бўёғига эга бўлган сўзлар **бетараф лексика** деб юритилади. Демак, ўзбек тили лексикасини тарихийлик нуқтаи назаридан унга асосий қатламга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. **Бетараф** лексика.
2. Эскирган лексика.
3. Янги лексика.

Бетараф лексика. Ҳозирги ўзбек тили лексикасининг асосини **бетараф** лексика ташкил этади. Бу лексика умумистемол лексика, қўлланилиши чегараланмаган лексика, фаол лексика каби атама билан ҳам юритилади. Аммо булардан *нейтрал лексика* атамасини ишлатиш лексемани тарихийлик белгиси асосида таснифлаш нуқтаи назаридан тўғрироқ. Зеро на эскилик, на янгилик бўёғига эга бўлган сўз фаол ёки умумистемол бўлмаслиги мумкин. Масалан, [*синус*], [*косинус*], [*заряд*] каби лексемалар нейтрал лексика таркибига киради. Бироқ улар фаол ҳам, умумистемол сўзлар ҳам эмас. Демак, фаол ёки нофаол, умумистемол ёки қўлланилиши чегараланган бўлишидан қатъи назар, эскилик ва тилимизга мансуб барча янгилик бўёғига эга бўлмаган лексема ҳозирги ўзбек тилининг нейтрал лексикаси дейилади.

Эскирган лексика. Эски қатламга оид лексемалар ўзига хос хусусиятларига кўра иккига бўлинади:

- 1) тарихий лексема;
- 2) архаик лексема.

Тарихий лексема ҳозирги ўзбек тилида қўлланувчи ўтмишга оид, истемолдан чиқиб кетган нарса-ҳодисани билдирувчи лексемадир.

Масалан, [совут], [қози], [қалқон], [дубулга], [амир], [бек], [қул], [хон], [вазир], [кашқул] каби.

Тарихий лексема билдирадиган нарса-ҳодиса истеъмолдан чиқиб, ўтмиш воқелигига айланганлиги сабабли, бу лексеманинг кўпчилиги ҳозирги давр кишиси учун нотаниш бўлиши мумкин.

Тарихий лексема ҳозирги ўзбек тилида ҳам зарурат тақозосига кўра қўлланилади. Хусусан, тарихга оид илмий асар ва дарсликларда, ўтмиш воқеаларини акс эттирувчи бадий асарларда бундай лексема чекланмаган даражада ишлатилиши мумкин. Мисоллар: 1. *Дехқонларнинг сўнги ҳисобларига кўра, бугдойлари беш **ботмон** чиқиши керак эди* (С.Айн.). 2. *Бир чеккада бизнинг чилимга ўхшаган, лекин **най** ўрнига узун резинка ўрнатилган бир бало* (М.Исм.). 3. *У қишлоқларда фақат қиз **чўрилардан** қирқ нафар бўлиб, уларга эгалари кўп зулм қилар эканлар* (С.Айн.). 4. *Хўжайин подшога **ўлпон** тўлаганда биз тўламаймизми?* (Н.Саф.). 5.

*Саид Абдуллахон **тўра** от устида турган ҳолда ўзининг ингичка овози билан **бийга** савол қилди* (Мирм.). 6 *Чойхонада узун бўйли, узун қулоқли **қаландар** кўзларини юмиб... Маширабдан газаллар ўқийди.* (Ойб.)

Айрим полисемантик лексемаларнинг баъзи маънолари тарихийлашиб, бошқа маъноси умумистеъмолда сақланиб қолиши мумкин. Масалан, [миллат] лексемасининг қуйидаги гаплардаги маъносига диққат қилинг: 1. *Ёшлар, кексалар, қизлар, жувонлар орасида турли **миллат** вакиллари – қозоқ, қирғиз, арман ва яҳудийлар ҳам кўринар эдилар* (П.Турс.). 2. ***Миллатингни** айт: Иброҳим Халилуллоҳ **миллати**.* («Диний ривоятлар»дан) Биринчи гапда [миллат] лексемасининг «тарихан ташкил топган маданияти, тили, ҳуқуқи, иқтисодий ҳаёти ва руҳий хусусиятларининг умумийлиги асосида вужудга келган кишилар гуруҳи» семемаси воқеланган бўлиб, лексема нейтрал лексика таркибида ушбу семемаси билан яшаса, иккинчи гапда унинг «бирор динга мансублик» тарихий семемаси воқеланганлиги кузатилади. Демак, кўп семемали лексеманинг айрим семемалари эскириб, бошқаси яшовчан бўлиши мумкин.

Архаизм ўз ўрнини бошқа лексемага бўшатиб берган лексик бирлик. Ижтимоий тараққиёт натижасида айрим нарса-ҳодиса бошқа лексема билан аталиб, аввалгилари истеъмолдан чиқиб кетади. Мисоллар: [улус] (халқ), [ланг] (чўлоқ), [тилмоч] (таржимон). Архаик лексема ўзининг нейтрал лексика таркибидаги «ўринбосар»ининг «тарихийлик бўёғи» ифода семаси билан фарқланувчи синонимидир. Улар аташ ва вазифа семалари муштарак бирликлар.

Тилда бўладиган ўзгариш узоқ давом этадиган тадрижий жараён. Шу боисдан янги лексема тилга бирдан кириб келмаганлиги каби лексеманинг тарихийлашуви ва архаиклашуви ҳам аста-секинлик билан

юз беради. Шу боисдан тарихийлашиш ва архаиклашиш ҳодисасини ҳам даражалаш мумкин.

Тарихийлашиш ёки архаиклашишнинг қуйи даражасидаги лексема тилнинг бугунги босқичида кам бўлса ҳам, истеъмолда бўлса, юқори даражадаги эскириш натижасида лексема буткул истеъмолдан чиқиб кетади.

Янги лексика тилда янги пайдо бўлган ва янгилик бўёғи сезилиб турган лексемалардир. Улар илмий терминологияда **неологизм** ҳам деб юритилади. Янги лексема ва янги сўзни фарқлаш лозим. (Масалан, (*китобчи*), (*компьютеришунос*), (*заковатчи*) бирликлари). Янги лексика эса тилимиздан жой олган янги лексемадан таркиб топади.

Янги лексикани иккига бўлиш мумкин:

а) *соф янги лексема* тилимиз учун аслида бегона, лекин унга эндигина кириб келиб ўрнашган бошқа тилга хос лексик бирлик ([*лизинг*], [*аудит*], [*маркет*], [*тест*], [*интернет*] ва ҳ. Янги лексема, асосан, терминологик бирлик. Янги лексема давр ўтиши билан нейтрал лексика таркибига ўтиб кетади. Масалан, яқин вақтгача неологизм сифатида қаралган [*космос*], [*телевидение*] лексемалари бугунги кунда янгилик бўёғини йўқотди;

б) фаоллашган лексема янги лексиканинг турларидан бўлиб, улар истеъмолдан чиқиб кетган ва бугунги кунда қайта қўлланила бошлаган бирликлардир. [*Ҳоким*], [*вилоят*], [*туман*], [*оқсоқол*], [*сардор*] каби лексема шулар жумласидан. Шунингдек, янги маъно касб этган бирликлар ҳам янги лексика таркибида қаралишга ҳақли: [*савдогар*], [*тадбиркор*], [*шибилармон*], [*бизнес*] ва ҳ. к.

Фаоллашган, лексема соф янги лексемадан фарқли ўларок, ўз қатламга оид ҳам, ўзлашма қатламга оид ҳам бўлиши мумкин. Бу лексеманинг умумистеъмол лексема сирасига ўтиб кетиши жуда тез юз беради.

Қўлланилиш доираси чегараланган лексика

Қўлланилиш доираси чегараланган лексикани учга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) диалектал лексика;
- 2) терминологик лексика;
- 3) ноадабий лексика (арго ва жаргон).

Диалектал лексика. Маълум бир ҳудудда яшовчи кишилар нутқига хос лексема диалектал лексика дейилади. Улар илмий терминологияда диалектизм ҳам деб юритилади. Мисоллар: [калапўш] (Бухоро) - дўппи, [ғўз] (Хоразм)-ёнғоқ, [мишиқ] (Фарғона) - мушук, [поку] (Самарқанд) - устара.

Бадиий адабиёт ва кинофильмларда маҳаллий колоритни акс эттириш, асар қаҳрамонлари нутқини реал бериш мақсадида диалектизмлардан фойдаланилади. (Лекин бу диалектал лексема тилда ўрнашди дегани эмас, албатта. Бадиий адабиёт ва кинофильмларда шевага хос унсурларни ишлатиш меъёр доирасида бўлмоғи лозим).

Айрим лексемалар адабий тилда бошқа, шевада бошқа маънода ишлатилади. Масалан, [пашиша] лексемаси семемаси луғатда «ёзги қўш парда қанотли ҳашорат» деб берилган. Бироқ айрим шеваларда у [чивин] лексемаси ўрнида ишлатилади. «Икки қанотли, узун мўйловли қон сўрувчи майда ҳашорат» семемасига эга бўлган [чивин] лексемаси эса, [пашиша] лексемаси ўрнида ишлатилади. Масалан: *Ажал етмай ўлмас Бойсуннинг хони, Бесабаб чиқмайди чивиннинг жони* («Алп.») гапидаги (чивин) сўзи кундузи учадиган қўнғир-қора тусли майда ҳашоратни ифодаласа, *Атрофда гув-гув пашиша: оёқларга ёпишади, бурун катақларига суқилади, қулоқни узади* (Ойб.) гапидан (пашиша) сўзи юқоридаги изоҳнинг атамаси. Ёки [иркит] лексемаси абадий тилда «кир, ифлос» деган маъно билан қўлланса, айрим шевада «айрон халта», бошқасида эса «беўхшов, қўпол кўринишли» маъносига эга. Демак, баъзан лексемалар умумистеъмол бирлик бўлса, унинг айрим маъноси шевага хос ҳисобланади. Демак, айрим адабий тилга хос сўзларнинг диалектал семемаси ҳам мавжуд.

Диалектал лексемани ҳам унинг адабий тилдаги муқобилига синоним санамаслик лозим. Чунки улар ҳам адабий тилда сўзлашувчи барча кишилар учун ижтимоий қиймат касб этмаган.

Терминологик лексика. Терминологик лексикани иккига ажратиш мумкин.

- 1) адабий тилга мансуб терминологик лексика;
- 2) диалектал терминологик лексика.

Фан-техника, қишлоқ хўжалиги, санъат ва маданият соҳаларига хос лексик бирлик ва сўз бирикмаси *термин* дейилади. Махсус лексика

деганда маълум бир соҳага тегишли луғавий бирлик ва уларга тенглашган бирикма тушунилади. Бундай махсус лексика *терминология* ҳам деб юритилади: *лингвистик терминология, физик терминология*.

Терминларнинг чегараланган қўлланишга эгаллиги уларнинг бошқа соҳа вакиллари учун тушунарсиз бўлиши дегани эмас. Масалан, [тўғри чизиқ], [ган], [сўз туркуми], [тезлик] атамалари кўпчилик учун тушунарли, соҳа кишиларидан бошқалар нутқида кам истемолли.

Терминлар, кўпинча, умумистемол лексикадан маълум бир маъноларининг махсуслашуви асосида ҳосил бўлади. Масалан, [фожиа], [эга], [от], [қўйиши], [айириши] лексемалари умумистемол бирлик. Аммо илмий терминологияда ҳам шундай лексема мавжуд. Хўш, уларни кўп семемали лексеманинг маълум бир маъносида қўлланиши дейиш керакми ёки алоҳидами? Агар атамалар алоҳида лексема деб қараладиган бўлса, улар умумистемолдаги лексема билан омонимик муносабатдами?

Маълумки, кўпгина омоним лексемалар аслида кўп маъноли лексема маъносидан бирининг бошқаларидан узилиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, [ёз] (“фасл”), [ёз] (“тасвирламоқ”) ва [ёз] (“ёймоқ”) лексемалари аслида бир полисемантик лексеманинг турли маънолари асосида ҳосил бўлган омонимик бирликлар. Уларнинг этимологик илдизи битта. Бунга Кошғарий луғатидан олинган *Ёй қиш била қаришти* мисрасини келтириш асосида амин бўлиш мумкин. *Хат ёзмоқ* бирикувидаги (ёзмоқ) феълининг асл этимологик маъноси «фикрни қоғозга ёймоқ»дир.

Шундай экан, терминларга ҳам асл субстанциясидан узилган мустақил лексема сифатида қараш лозим. Бунга терминга қўйиладиган бир маънолилик талаби ҳам асос бўлади. Демак, термин ва умумистемол лексема бир нарсанинг икки қирраси, бир лексеманинг икки маънода қўлланилиши эмас.

Касб -хунар терминлари турли касб-хунар эгалари нутқида қўлланувчи лексемалар. Касб-хунар атамалари шу хунар эгаси қайси шева вакили бўлса, шу шева лексикаси таркибига киради. Масалан, Шаҳрисабз шевасига мансуб хунарманд ишлатадиган атама Бухоро шевасида бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун касб-хунар лексемаси икки ҳисса чегараланган лексикани ташкил этади. Бу лексика, биринчидан, маълум бир шева доирасида бўлса, иккинчидан, шу шевада сўзлашувчи айрим кишилар нутқида хос.

Илмий терминлар кўп ҳолда таржимасиз бўлганлиги туфайли дунё фанини бир бутунлик сифатида ушлаб туради. Масалан, [фонетика], [морфология], [синтаксис] каби термин дунё тилшунослиги учун умумий.

Турли соҳа термини ўхшаш бўлиши мумкин. Масалан, [морфология] атамаси тилшуносликда ҳам, зоологияда ҳам ишлатилади. Уларни омоним лексемалар сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Термин маълум бир тилга хос ёки байналмилал бўлиши мумкин. Масалан, тилшунослигимиздаги [гап кенгайтирувчиси], [гап маркази] атамалари фақат ўзбек тилига хос, [атом], [водород], [натрий], [лексема], [семема] атамалари байналмилал. Байналмилал атамани таржима қилишга, уларга муқобил вариант кидиришга уриниш маъқул эмас.

Жаргон ҳам қўлланиши чегараланган лексика таркибига киради (франц. *jargon*). Касби, жамиятдаги ўрни, қизиқиши, ёшига кўра алоҳида социал гуруҳни ташкил этган кишиларнинг, асосан, оғзаки нутқида ишлатиладиган ва маъносини бошқалар кўп ҳолларда англаб етавермайдиган бирликлар жаргон дейилади. Масалан, программистлар жаргони, талабалар жаргони, маҳбубслар жаргони, ўғрилар жаргони, артистлар жаргони ва ҳ.

Жаргон умумхалқ тилидан махсус лексикаси ва фразеологияси ҳамда ясовчи воситаларининг ўзига хос тарзда қўлланиши билан фарқланади:

1) талабалар жаргони: [ёпмоқ] (сессияни тугатмоқ), [воздух] (стипендия), [яхламоқ] (имтиҳондан қайтмоқ), [қулоқ] (чақимчи), [чизмоқ] (қочмоқ);

4) ёшлар жаргони: [ғишт] (хунук), [синдирмоқ] (лол қилмоқ), [крутой] (кетворган), [рисовка] (кўз-кўз қилмоқ), [ухлатмоқ] (алдамоқ), [стрелка] (учрашув), [ташлашмоқ] (тортишмоқ), [бакс] (доллар), [музлатмоқ] (ҳаракатдан тўхтатмоқ);

5) ҳарбий хизматчилар жаргони: [дух] (янги келган аскар), [саляга] (бир-икки ой хизмат қилган аскар), [фазан] (хизматнинг ярмини ўтаган аскар) [дед] (хизматдан қайтиши яқинлашган аскар), [дискотека] (ошхона наряди).

Жаргонлар таркиби бошқа тилдан олинган ўзлашма бирлик билан бойиб боради. Тез-тез янгилари билан алмашиб туради.

Айрим соҳа вакиллари ва соҳа гуруҳлари нутқий тежамкорлик, қулайлик учун ҳам жаргон қўллайди.

Жаргоннинг келиб чиқиши, қўлланилиши, тури каби масалалар социалингвистиканинг ўрганиш манбаи.

Арго (француз. *argot*) айрим профессионал ёки социал гуруҳнинг ўзига хос тили. Арго бир неча тил унсурларидан иборат қоришиқ ва кўп ҳолларда, бошқаларга тушунарсиз нутқ турида намоён бўлади. Арго нутқда коммуникация предметини сир тутиш мақсадида қўлланади: 1) ўғрилар нутқида: [мандарин] (тилла), [акула] (панжарани кесиш учун мослама), [каламуш] (ўз яқинлариникига «тушадиган»), [уркаган] (тажрибали ўғри); маҳбуслар нутқида: [маймун] (ойна), [шобла] (қаллоблар гуруҳи), [башли] (пул) [крокодил] (қайчи), [лебед] (героин), [мент] (милиционер), [хафа қилмоқ] (зўрламоқ), [пушка] (пистолет). Арготизмлар турли колония, турма, гуруҳ ва худудларда фарқланади.

Арго ҳам жаргон каби сўзлашув нутқида ва бадиий адабиётда социал-рамзий вазифа бажариш учун ишлатилади.

Ўзбек тилшунослигида жаргон ва арго илмий тадқиқ қилинмаган.

Ифодавийлик ва услубий хосланганлик жиҳатидан ўзбек тили лексикаси

Ифодавийлик жиҳатдан ўзбек тили лексикаси

Тил нафақат ахборот узатиш вазифасини, балки шу билан биргаликда, ахборот узатувчининг ахборотга ҳиссий муносабатини ҳам ифодалайди. Лисоний тизимда бу ҳиссий муносабатни ташувчи турли восита мавжуд. Улардан бири лексемадир. Ана шу жиҳатидан ўзбек тили лексемалари бўёқсиз ва бўёқдор қатламга бўлинади.

Бўёқсиз лексика. Ўзбек тили луғат таркибидаги лексеманинг кўпчилиги сўзловчининг ҳиссий муносабатини ифодаловчи бўёқдан холи бўлади. Бундай бирлик бўёқсиз лексема. Масалан, [бор], [йўқ], [катта], [мазали], [дарё], [урмоқ], [чиройли], [тез], [хусн] каби лексемалар борлик ҳодисаларини борича акс эттиради ва унга сўзловчининг муносабатини ифодаламайди. Бошқача айтганда, бўёқсиз лексеманинг киши ҳиссий муносабатини ифодаловчи ифода семалари ноль даражада бўлади. Бироқ бу лексеманинг бўёқсизлиги нисбий, яъни фақат лисонда. Нутқда ҳар қандай бўёқсиз лексема ҳам бўёқ касб этиши мумкин. Масалан, [катта] лексемасининг лисоний моҳияти - семемаси бўёқсиз. Бироқ у нутқда бошқа нолуғавий тажаллилар билан қоришиб, бўёқ касб этади. *Денгиз к-атта эди* гапида фонетик тажалли таъсирида [катта] лексемаси бўёқдор нутқий бирликка айланган.

Бўёқдор лексика. Бундай лексеманинг киши ҳиссий муносабатини ифодаловчи ифода семаси бўртиб туради: [улкан], [баднафс], [қилтириқ], [оний], [ташириф], [ораз], [ёвқур], [маҳлиқо], [бадбашара] ва ҳ.

Бўёқдор лексеманинг ифодавийлиги ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Шунга кўра бўёқдор лексемалар **ижобий бўёқдор** лексема ва **салбий бўёқдор** лексемага бўлинади.

Ижобий бўёқдор лексема сўзловчининг борлик ҳодисасига ижобий муносабатини ифодалайди ва улар семемаларида тегишли ифода семалари ижобий бўлади. Мисоллар: 1. *Онам деганимда, оқсоч, жафокаш мунис ва меҳрибон чехранг бўлар намоён* (Ғ.Ғул.). 2. *У ҳамиша кулиб, жилмайиб турадиган меҳрибон чехрани кўрмади* (М.Исм.). 3. *Оразин ёпқоч, кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш* (Нав.)

Салбий бўёқдор лексема борлик ҳодисасига сўзловчининг салбий муносабатини ифодалайди ва улар семемасида салбий муносабатни ифодаловчи сема бўртиб туради. Мисоллар: 1. *Сўнгра яккам-дуккам*

ифлос тишларини яширган оғзини катта очиб эснади, гўё унинг бутун *бадбуруш* юзини оғиз қоплади (Ойб.) 2. У бир кўнгли бориб, *муттаҳам* қозининг *тумшугига* туширгиси, ё *ифлос* *башарасига* тупургиси келди. (М.Исм.)

Ижобий бўёқдор лексема нутқда салбий бўёқдор лексема ўрнида воқеланиши мумкин. 1. *Жамолингизни* (“*башарангизни*” маъносида) *бошқа кўрмай!* 2. *Роса хурсанд қилдингиз* (“*хафа қилдингиз*” маъносида).

Лексеманинг ижобий ва салбий бўёғини ижобий ва салбий маънодан фарқлаш керак. Масалан, [*яхши*] лексемаси ижобий маънога эга, аммо унинг ифода семаси бўёқдорликни кўрсатмайди, яъни у бўёқсиздир. [*хунук*] салбий маънога эга бўёқсиз лексема.

Услубий хосланганлик жиҳатидан ўзбек тили лексикаси

Лексема нутқ услубига муносабатига кўра услубий бетараф ва услубий хосланган турларга ажралади.

Услубий бетараф лексика. Услубий бетараф лексема барча услубларда бирдек ва баб-баравар ишлатилаверади ва унинг ифода семаларида услубга муносабат «услубий бетараф» деб берилади: [*кел*], [*бор*], [*ўт*], [*кет*], [*китоб*], [*қалам*], [*стол*], [*машина*], [*оқ*], [*қора*], [*тез*], [*совуқ*], [*фақат*], [*лекин*] ва ҳ. Лекин нутқда кўчма маънода ишлатилганда, бу маъноси билан айрим услубга хосланиб қолади. Масалан, [*совуқ*] лексемаси «хунук» маъносида (*совуқ рангли*) фақат сўзлашув ёки бадий услубга хос.

Услубий хосланган лексика. Услубий хосланган лексикани учга бўлиш мумкин: а) **китобий лексика**; б) **бадий лексика**; в) **сўзлашув лексикаси**.

Илмий, расмий ва публицистик лексикага мансуб бирликлар умумлаштирилиб, *китобий лексика* деб юритилади:

1) илмий лексикага оид бирлик: [*интеграл*], [*меридиан*], [*тангенс*], [*олмош*], [*бўлиш*], [*кўпайтириш*];

2) расмий лексикага оид бирлик: [*баённома*], [*буйруқ*], [*фармон*], [*қўмита*], [*сессия*], [*ташкilot*];

3) публицистик лексикага оид бирлик: [*жанговар*], [*мафкура*], [*илзор*], [*иттифоқ*], [*жаҳон*], [*афкор*].

Бундай лексеманинг услубга хосликни кўрсатувчи ифода семаси «илмий нутққа хос», «расмий нутққа хос», «публицистик нутққа хос» деб белгиланади.

Бадий лексикага ифода семалари сирасида «бадий нутққа хос» семаси мавжуд, бадийлик бўёғига эга бўлган лексик бирликлар қиради: *Меҳнат билан топади иқбол* (Ё.Мирз.). *Унинг одобиди, унинг хулқида,*

инсоний **камолот** мавжуд, барқарор (Уйғ.). Табиатан серзавқ ва ҳар нарсага қизиқувчи бўлган Содиқ учун ҳар ҳунар завқ **бахш этар**, кўнглини кўтарар, соғлигини сақларди (Шухр.). Кундан кунга яшнамоқда **кўркинг, жамолинг.** (/айр.) Баҳорнинг фикри булут босган осмондай қоронгилашди-ю, кўз олдини туман **чулғади** (Ш.Раш.). Яхши қолинг, севган юрту **диёрим** (Ҳамз.).

Бадий нутқда илмий, расмий, публицистик ва сўзлашув услубига хос бирлик ҳам бемалол ишлатилаверади.

Сўзлашув лексикасига оддий сўзлашув нутқига хос, эркин муомалада қўлланиладиган, адабий тил учун меъёр бўлмаган лексема киради: [кетворган], [нўрим], [қитдай], [муллажиринг] каби. Мисоллар: *Ўйлаб кўрсам, саркотиб одамга шундан боп совға йўқ экан. Ручканинг пошиахони, пероси олтиндан* (Н.Саф.). *Шомаҳдиевнинг қилиги маълум: жаҳли чиқиб бир саннаб кетса, унинг чакагини босиш асов туяни чўктиришдек машаққат* (А.Муҳид.). *Қизларингизни жеркийсиз, сўкасиз... Хўш, нима учун Тўлани юмшоқ пахтага ўраб папалайсиз?!* (М.Исм.) *Жиллақурса жуводиз билан қарашай дедим* (Ойб.). *Энанг беш-ўн танга пул сўраб юборди. Бўлса, чиқариб бер, боёқишлар чайнаб турсин.* (Ойб.) *Маза қилиб картошкани тушириб турсанг...* (Сай.)

Сўзлашув лексикасига кирадиган лексеманинг тегишли ифода семаси «сўзлашув нутқига хос» деб юритилади.

Лексеманинг услубий хосланганлиги уларнинг бошқа бир услубда қўлланмаслигидан далолат бермайди. Масалан, сўзлашув услуби эркин услуб саналади ва унда бошқа услуб унсурини бемалол ишлатиш мумкин. Аммо лексемани маълум бир услубда қўллаш нутқ меъёрига мувофиқ бўлиши лозим.

Фразеология

Фразеология ва фразеологизм. Фразеология (гр. phrasis-ифода ва logos-таълимот) атамаси икки маънода ишлатилади: 1) тил фразеологик таркибини ўрганувчи тилшунослик соҳаси; 2) шу тилнинг фразеологизми мажмуи.

Фразеологиянинг ўрганиш предмети фразеологизмнинг табиати ва субстанционал хусусиятлари ҳамда уларнинг нутқда амал қилиш қонуниятидир.

Фразеологизм тил ҳодисаси сифатида лисон ва нутққа дахлдор бирликдир. Бирдан ортиқ мустақил лексема кўринишининг бирикувидан ташкил топиб, образли маъновий табиатга эга бўлган лисоний бирлик фразеологизм дейилади: [тепа сочи тикка бўлди], [сиркаси сув кўтармайди], [ўтакаси ёрилди], [дўпписи яримта], [икки гапнинг бирида], [бошга кўтармоқ] ва бошқа.

Фразеологизм *ибора, фразеологик бирлик, турғун бирикма, барқарор бирикма, фразеологик бирикма* атамалари билан ҳам юритилади.

Фразеология лексикология бўлимининг таркибий қисмидир. Фразеологизм ташкил этувчисига кўра кўшма лексема, сўз бирикмаси ва гапга ўхшайди. Бироқ улар кўпроқ кўшма лексема каби тил жамияти онгида тайёр ва барқарор ҳолда яшайди. Бошқача айтганда, фразеологизм лисонда барча лисоний бирликларга хос бўлган умумийлик табиатига эга ва нутқда хусусийлик сифатида намоён бўлади.

Фразеологизм луғавий бирлик бўлганлигидан у нутқ жараёнида гап таркибида бир мустақил сўз каби ҳаракат қилади - бир гап бўлаги ёки кенгайтирувчи сифатида келади: 1. *Мадамин бўйнига қўйилган айбномадан тамом ҳовуридан тушди.* (П.Тур.) 2. *Стол ёнига келгунча унинг боши айланиб кетди.* (С.Зун.) 3. *Қош кўяман деб кўз чиқарадиган бундай ҳодисалар ҳали ҳам онда-сонда рўй бериб турибди.* 4. *Кавушини тўзрилаб қўйиш керак.* (Ас.Мух.) 1- ва 2- гапларда фразеологизмлар гап маркази – кесим мавқеида, 3- гапда сўз кенгайтирувчиси аниқловчи ва 4- гапда бутун бир эгасиз гап вазифасида келган.

Фразеологизм ташқи кўриниши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гап кўринишида бўлади. Сўз бирикмаси кўринишидаги фразеологизм: [кўнгли бўш], [энка-тинкасини чиқармоқ], [жизига тегмоқ], [бел боғламоқ], [кир изламоқ], [терисига сизмай кетмоқ] ва ҳ. Гап типидagi фразеологизм «гап кенгайтирувчиси+кесим» қолипи маҳсули: [истараси иссиқ], [ичи қора], [лаби-лабига тегмайди], [кўнгли очиқ], [тарвузи қўлтигидан тушмоқ], [капалаги учиб кетди], [пўконидан ел ўтмаган], [тепа сочи тикка бўлмоқ] ва ҳ.

Айрим лексик бирликлар фразеологизмнинг тадрижий тараққиёти маҳсулидир: [дардисар], [тошбағир], [бошоғриқ]. Демак, лексема ҳосил бўлиш манбаларидан бири – фразеологизм.

Фразеологизм, асосан, белги ва ҳаракат ифодалайди. Демак, улар грамматик жиҳатдан белги ёки ҳаракат билдирувчи сўз туркумига мансуб.

Феъл туркумига мансуб фразеологизмлар: [меъдасига тегмоқ], [яхши кўрмоқ], [ҳолдан тоймоқ], [сабр косаси тўлмоқ], [тепа сочи тикка бўлмоқ], [оғзига талқон солмоқ], [подадан олдин чанг чиқармоқ].

Сифат туркумига мансуб фразеологизм: [кўнгли бўш], [ранги совуқ], [юраги тоза], [авзойи бежо], [дили сиёҳ], [кайфи бузуқ].

Равиш туркумига мансуб фразеологизм: [ипидан-игнасигача], [икки дунёда ҳам], [миридан-сиригача], [ҳа-ҳу дегунча].

Сўз - гапларга мансуб фразеологизм: [турган гап], [шунга қарамай], [катта гап].

Фразеологизмлар тилшунослигимизда муайян сўз туркуми бўйича тасниф қилинмаган ва грамматик хусусияти етарли даражада ўрганилмаган.

Фразеологизм лексик бирлик каби қўлланиш даражаси нуқтаи назаридан ҳам тасниф қилинади. Бунга кўра умумистеъмол фразеологизми ([*ҳолдан тоймоқ*], [*шунга қарамай*], [*рўёбга чиқмоқ*]) ва қўлланилиши чегараланган фразеологизм фарқланади. Қўлланилиши чегараланган фразеологизм қўлланилиш даври (эскирган ва замондош) ва доираси (диалектал, илмий, бадий сўзлашув) билан ҳам маълум бир тафовутларга эга:

- эскирган фразеологизм: [*алифни калтак демоқ*], [*алифлайлони бир чўқишда қочирадиган*], [*дастин алифлом қилиб, калласини ҳам қилиб*], [*енг силкитмоқ*];

- диалектал фразеологизм: [*алағда бўлмоқ*] (хавотир олмоқ), [*кўнгли тоб ташлади*] (эзилди), [*ҳалак бўлмоқ*] (овора бўлмоқ), [*қумортқиси қуриди*] (интиқ бўлмоқ);

- илмий фразеологизм: [*назар ташламоқ*], [*кўзга ташланмоқ*], [*чамбарчас боғланмоқ*], [*тўғри келмоқ*], [*имкониятлар доираси*], [*қулай қуришов*];

- бадий фразеологизм: [*сабр-косаси тўлмоқ*], [*оғзининг таноби қочмоқ*], [*оғзидан боди кириб, шоди чиқмоқ*], [*қилдан қийиқ ахтармоқ*], [*сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам*], [*бошида ёнгоқ чақмоқ*];

- сўзлашув нутқи фразеологизми: [*арпасини хом ўрмоқ*], [*ерга урмоқ*], [*юраги қон*], [*кўзи тор*], [*кўзи оч*], [*боши очик*].

Фразеологизмнинг аксарияти бадий ва сўзлашув нутқиға хос.

Фразеологизмнинг семантик структураси

Фразеологизм икки ёқлама лисоний бирлик бўлиб, шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигидан иборат. Фразеологизмнинг шаклий томонини сўз (лексема эмас) ташкил қилади. Уларнинг мазмуний томони фразеологик маънодир. Фразеологик маъно ўта мураккаб табиатли, лексемада бўлгани каби айрими денотатив табиатли бўлса, бошқалари грамматик маънога эга, холос. Масалан, мустақил сўз туркумига кирувчи фразеологизм: (*бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўймоқ, тарвузи қўлтигидан тушмоқ; кўнгли бўш; ҳаш-наш дегунча*) денотатив маънога эга бўлса, *турган гап, шунга қарамай* каби номустақил фразеологизмлар фақат грамматик вазифа бажаради.

Одатда, фразеологизмнинг маъноси бир лексема маъносига тенг дейилади. Бироқ ҳеч қачон улар тенг эмас. Чунки фразеологизм ва лексема маъноси тенг бўлса эди, унда фразеологизм ортиқча бўлиб қолар эди. Мисол сифатида [*ёқасини ушламоқ*] фразеологизми билан [*хайрон бўлмоқ*] лексемасининг маъноларини қиёслаб кўрайлик. Мазкур фразеологизм «кутилмаган, тушуниб бўлмайдиган нарса ёки ҳодисадан ўта даражада таъсирланиб, таажжубланмоқ» бўлса, [*хайрон бўлмоқ*] лексемаси

«кутилмаган, тушуниб бўлмайдиган нарса ёки ҳодисадан таъсирланмоқ» семемасига эга. Ҳар иккала маънода ҳам киши ички руҳий ҳолати (денотат) акс этган. Бироқ фразеологизм маъносида «ўта даражада» ва «сўзлашув услубига хос», «бўёқдор» семаларига эгаллиги билан «ҳайрон бўлмоқ» лексемасидан фарқланади. Демак, фразеологизмнинг кўпинча, ифода семаларида образлилик, бўёқдорлик бўртиб туради. Умуман олганда, фразеологик маъно торроқ ва муайянроқ, лексема маъноси эса унга нисбатан кенгроқ ва мавҳумроқ бўлади. Масалан, [ҳайрон бўлмоқ] лексемаси умумуслубий ва бўёқсиз. Шунинг ўзиёқ барча услубда қўлланиш имконига эгаллигини ва турли «бўёқлар» билан ишлатиш мумкинлигини кўрсатади.

Кўринадики, фразеологизм ва лексема бир нарса ёки ҳодисани атаса-да (аташ семелари бир хил бўлса-да), ифода бўёқлари билан кескин фарқланиб туради (яъни ифода семалари турличадир).

Фразеологизм бирдан ортиқ мустақил сўздан ташкил топади. Бироқ унинг маъноси ташкил этувчи маъноларининг оддий йиғиндиси эмас. Масалан, [қўйнига қўл солмоқ] фразеологизмининг маъноси [қўйин], [қўл], [солмоқ] лексемалари маънолари синтези ёки қўшилувчи эмас. Фразеологизмнинг маъноси ташкил этувчи сўз тўла ёки қисман кўчма маънода ишлатилиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, бировнинг фикрини билишга уриниш ҳаракати унинг қўйинини титкилаб, нимаси борлигини билишга интилиш ҳаракатига ўхшайди. Натижада, *қўйнига қўл солмоқ* эркин бирикмаси ўзидан англашилган мазмунга ўхшаш бўлган бошқа бир мазмунни ифодалашга ихтисослашади ва қурилма фразеологизмга айланади. Ёки киши қўлтиқлаб кетаётган тарвузини тушириб юборса, қандай аҳволга тушади? Бирор нарсадан руҳий тушқунликка тушган одамнинг ҳолати шунга монанд ва эркин бирикма фразеологизм моҳиятига эга бўлган. Бу эса фразеологик маънонинг мантиқийлигидан далолат беради.

Фразеологизм таркибидаги айрим сўзнинг кўчма маънода, бошқаларининг ўз маъносида қўлланилиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, [ақлини емоқ], [кўзини бўямоқ], [кўзи кўзига тушди], [огзи қулоғида] фразеологизмларида (ақл), (кўз), (огиз) сўзлари ўз маъносида, (емоқ), (бўямоқ), (тушмоқ), (қулоғида) сўзлари кўчма маънода.

Баъзан ҳаракат-ҳолатнинг натижасини ифодаловчи қурилма фразеологизмга айланади. Масалан, киши афсусланиши натижасида бармоғини тишлаб қолиши мумкин. Шунинг учун *бармоғини тишлаб қолмоқ* қурилмаси фразеологик қиймат касб этган. *Тишни-тишга қўймоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, лабига учуқ тошмоқ* иборалари ҳам шулар жумласидандир.

Айрим фразеологизм турли диний ақида, тушунча, ривоят асосида ҳам шаклланади: 1. *Унинг эрига менинг кўзим теккан эмиш.* (И.Раҳим)

2. *Ҳаммани қўйиб, сизнинг солдат ўглингизга тегаман деб кўзим учиб турибдими?* (М.Муҳам.) 3. *«Жабрдийда»нинг ҳам, гувоҳларнинг ҳам думи хуржунда гаплари шундай саволлар берилишини талаб этарди.* (М. Исм.)

Фразеологизм, асосан, бир маънолидир. Аммо полисемантиклик фразеологизмда ҳам учраб туради. Масалан, [*ақли етади*] фразеологизми «идрок қилмоқ», «ишонч ҳосил қилмоқ» маъносига, [*бўйнига қўймоқ*] ибораси 3 та - «айбни бировга тўнкамоқ», «исботлаб эътироф қилдирмоқ», «бирор ишни бажаришни бировнинг зиммасига юкламоқ» маъноларига, [*қўлга олмоқ*] ибораси эса 4 та- «ўз ихтиёрига ўтказмоқ», «қўққисдан ҳужум қилиб босиб олмоқ», «қамаш мақсадида тутмоқ», «бирор йўл билан ўз хоҳишига бўйсунадиган қилмоқ» маъноларига эга.

Фразеологик полисемияда барча маъно кўчма бўлганлиги боис, уларни бош ва ҳосила маъноларга ажратиш қийин.

Фразеологизмларда семантик муносабат. Лексикада бўлгани каби фразеологияда ҳам лисоний-семантик муносабат амал қилади.

Фразеологик синонимия. Маънодошлик ҳодисаси фразеологизмларда ҳам мавжуд. Фразеологизмнинг маънодошлик парадигмасида бирликлар ифода семалари даражасига кўра фарқланади: [*яхши кўрмоқ*] – [*кўнгил бермоқ*], [*ер билан яксон қилмоқ*] – [*кулини кўкка совурмоқ*], [*ипидан игнасигача*] – [*миридан сиригача*], [*қилидан қўйруғигача*] ва ҳ. Маънодош фразеологизмларнинг аташ семаси бир хил бўлади. Масалан, [*ипидан игнасига*] – [*миридан сиригача*], [*қилидан қўйруғигача*] каби ибораларида «бутун тафсилоти билан» аташ семаси умумий. Аммо улар услубий хосланганлик ва бўёқдорлик даражасини ифодаловчи семалари билан фарқланади.

Синоним фразеологизмларни фразеологик вариантдан фарқлаш лозим. Синоним ибораларда айни бир сўз бир хил бўлиши мумкин. Лекин қолган сўзлар синоним лексеманинг кўринишлари бўлмаслиги лозим. [*Жонини ҳовучлаб*] ва [*юрагини ҳовучлаб*] ибораларида бир хил сўз мавжуд. Аммо [*жон*] ва [*юрак*] сўзлари синоним лексема кўриниши эмас. [*Кўнглига тугмоқ*] ва [*юрагига тугмоқ*] иборалари фразеологик вариант.

Фразеологик антонимия. Зид маъноли антонимлар бир-бирига тескари тушунчани ифодалайди. Мисоллар: [*кўнгли жойига тушди*] – [*юрагига гулгула тушди*], [*қони қайнади*] – [*оғзи қулогига етди*].

Фразеологик омонимия. Фразеологизмлар омонимик муносабатда ҳам бўлиши мумкин. Мисоллар: [*сўз бермоқ I*] (“ваъда бермоқ”), [*сўз бермоқ II*] (“гапиришга рухсат бермоқ”), [*бошга кўтармоқ I*] (“ардоқламоқ”), [*бошга кўтармоқ II*] (“тўполон қилмоқ”), [*қўл кўтармоқ I*] (“овоз бермоқ”), [*қўл кўтармоқ II*] (“урмоқ”).

Фразеологизмдаги даражаланиш, гипонимия, функционимия, иерархионимия каби семантик муносабатлар ўз тадқиқотини кутмоқда.

Лексикография

Тилшуносликнинг луғат тузиш масалаларини илмий тадқиқ қилувчи ва луғат тузиш билан шуғулланувчи соҳаси лексикография (гр. lexikos-сўз, сўзга оид ва grapho-ёзаман) ёки луғатчилик дейилади. Мақсад ва вазифасига кўра лексикография иккига бўлинади:

а) илмий лексикография луғатчиликнинг назарий масаласи билан шуғулланади;

б) амалий лексикография бевосита луғат тузиш иши билан машғул бўлади.

Лексикография муҳим ижтимоий вазифани бажаради. Булар қуйидагиларда кўзга ташланади:

- 1) она тилини ва бошқа тилларни ўргатиш;
- 2) она тилини тасвирлаш ва меъёрлаштириш;
- 3) тиллараро муносабатларни таъминлаш;
- 4) тил лексикасини илмий текшириш ва талқин қилиш.

Луғат мақсади ва мўлжалига кўра иккига бўлинади:

- 1) умумий луғат;
- 2) махсус луғат.

Умумий луғат кенг ўқувчилар оммасига, махсус луғат эса тор доирадаги кишилар-алоҳида соҳа мутахассисига мўлжалланган бўлади.

Ҳар иккала тур луғат ҳам ўз ўрнида яна иккига бўлинади:

- 1) энциклопедик луғат;
- 2) филологик луғат.

Демак, луғатни умумий энциклопедик луғат ва махсус энциклопедик луғат, умумий филологик луғат ва махсус филологик луғатга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ва қулай.

Умумий энциклопедик луғат (УЭЛ). Маълумки, УЭЛ алфавит тартибида бўлиб, уларда сўз эмас, балки шу сўздан англашилган тушунчалар учун асос бўлган нарса, тарихий воқеа, табиий ва ижтимоий ҳодисалар, шахслар, географик номлар ҳақида маълумот берилади ва луғат мақоласи луғат ёзилган тилни тушунувчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлади. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ана шундай луғатлардан бири. Унда шундай дейилади: «ЎЗМЭ (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси) универсал энциклопедия бўлганлиги учун фан-техника ва маданиятнинг барча соҳаларига оид маълумотлар мухтасар тарзда ифодаланиб, у инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимлар мажмуидан иборатдир». Президент И.Каримов ЎЗМЭ га ёзган сўзбошисида «Энциклопедиямиз ўзининг илмий жиҳатдан чуқур, айтилиши вақтда оммабоплиги билан кенг китобхонлар орасида обрў-эътибор топиб, жаҳоннинг нуфузли қомуслари қаторидан муносиб ўрин олишига ишончим комил» деб, унинг функциясини алоҳида таъкидлайди.

Махсус энциклопедик луғат (МЭЛ). Фан-техника, санъат ва маданиятнинг маълум бир соҳасига оид тушунчаларни шу соҳа қизиқувчилари ва мутахассислари учун мўлжаллаб тавсифлайди. Бундай луғат сифатида соҳа энциклопедик луғатлари - «Медицина энциклопедияси», «Физический энциклопедический словарь», «Лингвистический энциклопедический словарь» кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. УЭЛдан фарқли равишда МЭЛ тор соҳага доир тушунчани кенг ва батафсил шарҳлайди. Масалан, рус тилида яратилган «Лингвистический энциклопедический словарь»да шундай дейилади: «Бу луғат турли ихтисосликлардаги филолог-тилшунослар ва илмий ходимларнинг кенг доирасига, шунингдек, тилшунослик билан яқин бўлган соҳа вакиллари психологлар, мантиқшунослар, философлар, этнограф ва адабиётшуносларга мўлжалланган». Қуйида «Лингвистический энциклопедический словарь»дан намуна келтирамиз (Бундай луғат ўзбек тилида яратилмагани учун олинган мақоланинг таржимаси берилди).

«АККОМОДАЦИЯ (лат. Accomodatio-мослашиш) товушнинг комбинатор ўзгаришидан бири: кўшни ундош ва унлининг қисман мослашуви. Аккомодация шундай ҳодисаки, кейинги товушнинг экскурсияси (артикуляциясининг бошланиши) олдинги товушнинг рекурсия (артикуляциясининг тугаши)га мослашади (прогрессив аккомодация) ёки олдинги товушнинг рекурсияси кейинги товушнинг экскурсиясига мослашади. Айрим тилларга унлининг ундошга мослашиши хосдир, масалан, рус тилида [a], [o], [y] унлилари юмшоқ ундошдан кейин тил олди унлиларига айланади (уларнинг артикуляцияси экскурсияга интилган). Қиёсланг: «мать»-«мять», «моль»- «мёл», «лук»-«люк». Бошқа тилларда эса ундошнинг унлига аккомодацияси кузатилади, масалан, форс тилида тил олди унлисидан олдин келган ундош танглайлашади». (22-бет)

Кўринадики, махсус энциклопедик луғат соҳа мутахассислари учунгина зарур бўлган тушунчани ана шу соҳа илмий услубига хос ифода билан тасвирлайди.

Умумий филологик луғат барча соҳа кишилари, кенг фойдаланувчилар оммасига мўлжалланган изоҳли, имло, орфоэпик, таржима луғатдир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (ЎТИЛ), «Русча-ўзбекча луғат» (РЎЛ) ана шундай луғатлар сирасига киради. Шу боисдан ЎТИЛ да шундай дейилади: «Луғат кенг ўқувчилар оммасига – тилшунослар, ўрта ва олий мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, ёзувчилар, журналистлар, газета ва нашриёт ходимлари ва ўзбек тилига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.» (1-том, 5-бет) Изоҳли луғат сўзнинг маъносини шу тилда шарҳлайди, изоҳлайди ва шу маъноси билан нутқ таркибида беради. Мисоллар:

БАҚИРЛАМОҚ Бақир-букур овоз чиқариб қаттиқ қайнамоқ. *[Ҳамробибиди] дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб қўйди.* Р.Файзий. Эл меҳри.

ЁЗ 1 Йилнинг баҳор билан куз орасидаги энг иссиқ фасли. *Лайлак келди - ёз бўлди. Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас.*

2 кўчма Умрнинг энг гуллаган яхши даври. *Ёзим ўтди, чиройингизга тўқ бу қувноқ кўнгли.* Ғайратий.

Кўнгли ёз бўлди. Ортиқ севиниб, баҳри дили очилди. *Негадир оташин кўнгли ёз бўлиб кетди.* Ў.Умарбеков. Чарос.

Умумий изоҳли луғатда луғавий бирликнинг барча - грамматик, услубий, фразеологик бирлик таркибида қатнашиши, омонимлиги, қайси тилдан ўзлашганлик белгилари кўрсатилади.

Ўзбек тилининг бу типдаги луғати биринчи марта 1981 йилда Москвада нашр этилди. «Бой лексикографик анъаналарнинг давоми сифатида ўтган асрнинг 50-80 - йиллари мобайнида ўзбек тилшунослигида эришилган ва ўзбек лексикографиясини тилшуносликнинг тез ривожланиб бораётган мустақил соҳасига айлантирган улкан муваффақияти туфайли юзага келган» (1-том, 5-бет) «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ўзбек халқи тарихи ва маънавияти тараққиётида улкан ҳодиса бўлди. «Луғатнинг асосий вазифаси ўзбек тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга, унинг меъёрини белгилаб бериш ва мустақамлашдан ҳам иборатки, унда тилнинг имло, талаффуз, сўз яшаш ва ишлатиш меъёрлари тавсия этилди» (1-том, 5-бет).

Демак, ўзбек тилининг илк изоҳли луғати ўз олдида қўйилган ўзбек тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш ҳамда унинг меъёрини белгилашдан иборат тарихий вазифасини бажарди. Бироқ тилшунослик фанининг ривожини, ўрганиш манбаига ёндашув омиллари ва методологиясининг тараққиёти, жамият ривожланишининг муайян босқичида ижтимоий фанларга қўйиладиган янги талабларнинг юзага келиши ижтимоий онг шакллари билан бўлган тилнинг илмий талқинида ҳам янги қарашлар шаклланишига олиб келади .

Лексемаларнинг луғавий маъноси талқинида лисон ва нутқни изчил фарқлаш талаби ҳар бир сўзга хос барқарор лисоний ва ўткинчи нутқий жиҳатни ажратишни тақозо қилади. Нутқий ҳодиса чексизлик ва ранг-баранглик табиатига эга бўлганлиги боис лексикографик талқиннинг объекти бўла олмайди. Луғат сўзга хос барқарор жиҳатнигина қамраб олиш имконига эга. Демак, семасиология соҳасида амалга оширилган изчил субстанциал тадқиқотлар луғатни тартиблаштиришда муҳим таянч омил бўлиб, лексикографни чексиз нутқий маъноларни тартибга келтириш, луғатга киритиш ҳамда изоҳлаш ташвишидан халос этади. Бунда ҳар бир воқеланган нутқий луғавий маънода қоришган ўзга ҳодисалар тажаллиларини эътибордан соқит қилиш, ушбу бирлик

(лексема)нинг моҳиятига дахлдор бўлган унсурни ажратиш ва тавсифлаш лексикографик талқинда муҳим аҳамиятга эга.

Имло луғати сўзларни амалдаги имло қоидаларига мувофиқ равишда қандай ёзиш кераклигини ўргатади. Демак, бундай луғат ҳаммабоп ва амалий табиатга эга бўлади ва унга С.Иброҳимов ва М.Раҳмоновларнинг 1956, 1964 йилларда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан» нашр этилган, С.Иброҳимов, Э.Бегматов ва А.Аҳмедовларнинг 1976 йилда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган кирилл ёзувига доир имло луғатларини киритиш мумкин.

1995 йилда Ш. Раҳматуллаев ва А.Ҳожиев тузган лотин имлосидаги имло луғати «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилди.

Орфоэпик луғатда сўзнинг тўғри адабий талаффузи кўрсатилади. Бундай луғат биринчи марта кичик ҳажмда М.Содиқова ва Ў.Усмонова томонидан «Ўзбек тилининг орфоэпик луғати» номи билан 1977 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Махсус филологик луғат тор ўқувчилар оммаси – тилшунослик билан шуғулланувчилар ва бошқа илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган бўлади. Ўзбек тилининг морфем, частотали, терс, ўзлашма сўзлар, фразеологизм, синонимлар, антонимлар, омонимлар, диалектизм, терминологик, этимологик луғатлар шулар жумласидан.

Морфем луғатда лексик бирликнинг таркиби-морфемик структураси кўрсатилади. Бундай луғат биринчи марта А.Ғуломов, А.Н.Тихонов, Р.Қ.Қўнғуров томонидан тузилиб, 1977 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган.

Частотали луғатда сўзнинг қўлланиш даражаси ҳақида маълумот берилади. И.А.Киссен муаллифлигида чоп этилган «Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка» (Ташкент, 1970) луғати частотали луғат бўлиб, унда маълум бир танланган матнларда сўзларнинг қўлланилиш частотаси (такрорланганлик миқдори) кўрсатилади. Бундай луғат С.Ризаев, З.Ҳамидов, Н.Ахматов, Н.Мамадалиева, Р.Зоҳидов томонидан алоҳида асарлар бўйича тузилган.

Терс луғатда сўз тескари томондан охиридан алфавит тартибида жойлаштирилади. Бу ҳам лингвистик луғат бўлиб, Р.Қўнғуров ва А.Тихонов томонидан «Обратный словарь узбекского языка» номи билан 1969 йилда Самарқандда чоп этилган. Ундан намуна келтирамиз:

серҳаражат

ҳужжат

хат-ҳужжат

беҳужжат

мурожаат

Ҳожат

муҳофазат

ижозат

беижозат.

Ўзлашма сўзлар луғатида ўзбек тилига бошқа тилдан кириб келган сўз изоҳланади. Бу типдаги луғат изоҳли луғатнинг бир кўриниши. Улар қайси тилдан ўзлашган сўзларни изоҳлашига кўра турлича номланади. Масалан, О.Усмон ва Р.Дониёровлар томонидан 1965 йилда нашр этилган «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати»да рус ва бошқа европа тилларидан кириб келган сўзлар изоҳланган.

Фразеологик луғат ҳам махсус лингвистик луғатнинг бир тури бўлиб, Ш.Раҳматуллаев томонидан тузилган «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (Тошкент, 1978) бундай луғатнинг мукамал намунаси. Ундан мисоллар келтирамиз.

«Қулоғ(и)га чалинмоқ нима кимнинг? Бирор гапни ёки товушни ноаниқ тарзда эшитмоқ. Ўхшаши: **қулоғ(и)га кирмоқ.** *Эркаклар орасидаги гап Асалбибининг қулоғига чалинган эди.* Ойбек. Олтин водийдан шабадалар. *Узоқдан тракторнинг гувиллаган овози қулоққа чалинди.* Р.Файзий. Чўлга баҳор келди». (294-бет)

«Қуримоқ - ёстиғини қуритмоқ: ёстиғи қуриди: тинка-мадори қуриди: тинкасини қуритмоқ: эсим курсин» (375-бет)

Ономастик луғат ўзбек лексикографиясининг алоҳида соҳасига айланди. Бундай луғатда атоқли от (ономосионим), топоним ёки антропоним изоҳланади ва улар этимологик луғатнинг ўзига хос кўриниши. Бунга Т.Нафасов томонидан тузилган «Жанубий Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати»ни, С.Қораевнинг «Жой номларининг изоҳли луғати»ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Диалектал луғат ўзбек тилининг диалект ва шеваларига хос бўлган лексик бирликларни қайд қилади. Бундай луғат, умуман, ўзбек тилининг барча шеваларига хос ёки маълум бир шева сўзини изоҳлашга мўлжалланган бўлиши мумкин. 1971 йилда муаллифлар жамоаси томонидан «Фан» нашриётида чоп этилган «Ўзбек халқ шевалари луғати»ни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Луғатдан мисол келтирамиз:

Говара (Бухоро) бешик

Гавдўша (Бухоро) хурмо

Гаждим (Найман) чаён (62- бет)

Терминологик луғатлар маълум бир соҳага тегишли сўзни изоҳлайди. Терминологик луғат изоҳли ёки таржима кўринишига эга бўлади. Демак, терминологик луғатни бир тилли ва кўп тилли луғатга бўлиш мумкин. Қуйида А.Ҳожиёвнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1985) дан намуна келтирамиз:

«Криптология. Махфий тиллар, уларни тузиш қонуниятларини, расшифровка қилиш усулларини ўрганувчи фан.

Кўмакчили алоқа. Сўзлар ўртасида кўмакчилар воситасида юзага келадиган алоқа: *қалам билан ёзмоқ, уйга қадар югурмоқ каби.*»

Таржима луғатлар бир тилдаги сўз маъносининг бошқа тилда ифодаланиши, берилишини кўрсатади. Русча-ўзбекча луғатдан мисол:

РАЗБОГАТЕТЬ сов, (несов, богатеть) бойимоқ, бойиб кетмоқ, давлат орттирмоқ.

ЦАРЕВНА ж. р. мн.-вен. малика, шоҳбекач (подшоҳнинг қизи)

Таржима луғати икки тилли ёки кўп тилли бўлиб, луғатларда сўз иккитадан ортиқ тилда берилади. Бундай луғатлар жуда кам.

Таржима луғатлари қандай бирликларни ифодалашига кўра турлича бўлади:

- 1) лексик бирликлар луғати;
- 2) фразеологизмлар луғати;
- 3) ҳар иккала бирликлар луғати;
- 4) мақоллар луғати.

1984 йилда Тошкентда нашр этилган икки томли «Русча-ўзбекча луғат» лексик бирликлар луғатидир.

Фразеологик бирликлар таржима луғатига М.Содиқованинг «Русча-ўзбекча фразеологик луғати» (Тошкент, 1972) намуна бўлади. Ундан айрим мисоллар келтирамиз:

Ахнутъ не успел - кўз очиб-юмгунча, бир зумда: *оғиз очиб бир нарса дегунча ҳам бўлади: бир оғиз ҳам гап айтолмай қолди.*(14-бет).

Без задних ног - с.т. жуда чарчаб ҳолдан тойган, сулайиб қолиш (82-бет).

Ўзбек луғатчилиги ахборот технологиялари асосида ривожланиш босқичига қадам қўймоқда.

МОРФЕМИКА

Морфемика ва унинг бирлиги ҳақида умумий маълумот. Морфемика сўзнинг номустиқил таркибий қисми ҳақидаги таълимот. Маълумки, ўзбек тилида, флектив тиллардагидан фарқли ўлароқ, ўзақ мустиқил маъно англатиш хусусиятига эга. Сўзнинг ўзақдан бошқа қисмлари эса ундан айрича қўлланмайди ва маъно англатмайди. Шунинг учун улар *морфема* дейилади. Масалан, (*пахтакорларга*) сўзи (*пахта*), (*-кор*), (*-лар*), (*-га*) қисмларидан иборат. Ажратилган ҳар бир таркибий қисм бу сўз доирасида ўзига хос элементар ва семантик мавқега эга. Улар лисонда ана шундай ажралган ҳолда ўз «хонача»ларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшайди.

(*Пахта-*) ва (*-кор*), (*-лар*), (*-га*) қисмлари ўзаро семантик ва қўлланиш хусусияти жиҳатидан фарқланади. [*Пахта*] бирлиги мустиқил луғавий маънога эгаллиги ва бу маънони қолган қисмларсиз ҳам англата олиш хусусияти билан бошқа таркибий қисмлардан ажралиб туради. Шунинг учун у *лексема* дейилади. Бошқа қисмлар эса ажралган ҳолда мавҳум бўлиши, лексемасиз мустиқил маъно англата олмаслиги билан характерланади. Лексема шаклланивчанлик, морфема шакллантирувчанлик белгисига эга. Номустиқиллик табиати ва лексемага шакл бериш вазифасига хосланганлиги уларни *морфема* деб аташга олиб келган. Морфеманинг нутқий кўриниши *қўшимча* дейилади.

Тилимизда *ёрдамчи сўз* деб аталувчи катта гуруҳ ҳам бор бўлиб, лексема ва морфема сирасида «оралиқ учинчи» мақомида бўлади. Шунинг учун уларни *лексема-морфема* дейиш мумкин. Ёрдамчи сўзнинг лексемалиги шундаки, у мустиқил сўз каби ажралганлик хусусиятига эга. Бироқ шаклланивчанликка эга эмас. Луғавий маънога эга эмаслиги уларни морфемик майдон сари тортиб туради.

Лисоний сатҳда лексема қўшимчали ёки қўшимчасиз бўлиши мумкин. Масалан, [*ишчи*], [*пахтакор*], [*ишла*] лексемалари – нутқий ясама сўзнинг лисонийлашуви. Улар лексема сифатида лисонда [*иш*], [*пахта*] лексемаларидан фарқли ўлароқ, сўз ясовчи қўшимча билан бирга мавжуд. Қўшимчадан холи лексема *ўзақ* атамаси билан ҳам номланади.

Туркий тилларда ноль морфема грамматик шакл сирасида устувор мавқега эга экан, нутқда воқеланган аксарият мустиқил лексема қўшимчасиз бўлиши мумкин эмас. Моддий қиёфали морфемасиз бундай сўз ноль қўшимчалидир. Масалан, нутқдаги *Китобни ўқи*, *Уйга бор*, *У аълочи* гапларидаги (*ўқи*), (*бор*), (*аълочи*) сўзлари – ноль қўшимчали нутқий бирлик.

Лексема тарихий тараққиёт натижасида морфемага айланиб бориши, морфема эса сўзнинг ўзагига сингиб кетиши мумкин. Масалан, [*хона*] лексемаси тараққиёт натижасида иккига ажралган. Бир маъносида «жой»

семали ясама сўзни ҳосил қилувчи деривацион воситага айланиб кетган, лексемаликдан маҳрум бўлган. [Нома], [гоҳ], [хўр] лексемаси ҳам шундай тарихий силжишни бошидан кечирган. Албатта, тилдаги бундай ҳодисалар илмий муаммо бўлиб, махсус текшириш натижасида тайинли хулосага келиш мумкин. Чунки бу бирликнинг туркий унсурлар эмаслиги шуни тақозо қилади.

Сўзнинг морфемик структурасидаги ўзгариш. Айтилганидек, тил тараққиёти натижасида сўзнинг семантик, фонетик структурасида бўлгани каби, морфемик таркибида ҳам жиддий ўзгариш юз беради. Уларнинг ҳар хил кўриниши бор:

1) сўз ва қўшимча бирлашиб, сўз *тублашиши* мумкин: *юксал, юксак*;

2) сўз ва қўшимча бирлашиб, *яхлитланиши* мумкин: *бирон, бирор, безор*; (Қўшимча бундай зичлашиши натижасида ўз инварианти – морфемасидан узилиши мумкин.)

3) сўз ва қўшимча орасидаги алоқа *соддаланиши* мумкин: *юмишқ, қаттиқ*;

4) сўз қўшимча ҳолига келиши, мураккаб қўшимчалар бир-бирига қўшилиб кетиши, яъни *бирлашиши* мумкин: *бориб ётибди – бориб ятипти – боряпти; нинг + и=ники*.

Морфемаларнинг функционал-семантик таснифи. Морфема функционал-семантик хусусиятига кўра 2 гуруҳга бўлинади:

1) деривацион морфема;

2) грамматик морфема.

Деривацион морфема сўзга қўшилиб, янги сўз ҳосил қилади. Янги сўз янги луғавий ва грамматик маънога эга бўлади. Масалан, [*пахта*] лексемаси [*-чи*] аффиксини олиб, (*пахтачи*) сўзи вужудга келади. Янги луғавий маъно янги грамматик маънони ҳам вужудга келтирди: нарса-буюм оти шахс отига айланди. Шу билан биргаликда, янги сўзнинг валентлик имконияти ҳам асос сўзникидан кескин фарқланадиган ҳолга келади.

Грамматик морфема асосий хусусиятига кўра учга ажралади:

1) луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема;

2) синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема;

3) луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема.

Луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема лексема луғавий маъносини нутққа мослаштириш вазифасини бажаради. Масалан, [*китоб*] лексемасининг семемасида бирлик ва кўплик маъноси номаълум. Сон луғавий шакл ҳосил қилувчиси бўлган [*-лар*] уни кўплик томон муайянлаштиради. Бу морфеманинг ўзига хос тури *луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема бўлиб*, луғавий маънони муайянлаштириш,

нутққа хослаш билан бирга ((*келган*), (*ўқигач*)), сўзни синтактик алоқага ҳам киритади: *ўқиган бола, ўқигач гапирмоқ*.

Синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема сўзнинг синтактик қурилмадаги ўрнини белгилайди. Масалан, кесимлик категорияси сўзга кесимлик мавқеини беради. Кесимнинг эга ва ҳол билан синтактик алоқасини таъминлайди. Келишик морфемалари олдинги мустақил сўзни кейинги, эгалик қўшимчалари эса кейинги мустақил сўзни олдингисига боғлаш вазифасини бажаради.

Морфеманинг структур таснифи. Морфема тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* турга бўлинади:

Содда морфема тарихан қандай бўлганлигидан қатъи назар ажралмас, яхлит, бир таркибли морфемадир: [-лар], [-роқ], [-чи], [-ники], [-син], [-ди], [-гач].

Мураккаб морфемалар аслида мустақил морфеманинг маълум функция бажариш мақсадида бирлашиши: (*одамгарчилик*), (*уйгача*), (*хафачилик*), (*чорвачилик*), (*борганда*).

Морфеманинг шакл ва маъно муносабатига кўра тури. Морфемада ҳам шакл ва маъно муносабати барқарор. Морфеманинг миқдоран чекланганлиги бу муносабатнинг кенг қамровлилигидан далолат беради.

Морфемик полисемия. Морфемик полисемия кенг тарқалган. Бу морфеманинг полифункционаллигига боғлиқ. Мисол сифатида [-чилик] аффиксини олайлик. Дарслик ва қўлланмаларда унинг қуйидаги уч маъноси фарқланади:

1) асосдан англашилган нарса етиштириладиган соҳани ифодаловчи от: (*пахтачилик*), (*уруғчилик*), (*чорвачилик*), (*узумчилик*);

2) асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлик ҳолатини билдирувчи от: (*пишиқчилик*), (*мўлчилик*), (*арзончилик*);

3) асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ бўлган ишни билдирувчи от: (*улфатчилик*), (*тирикчилик*), (*душманчилик*).

Аксарият морфема – полисемик табиатли.

Морфемик омонимия. Шаклдошлик бир тур морфемалар орасида ҳам, турли морфема орасида ҳам бўлиши мумкин.

1) деривацион омонимия: -ки I: [*туртки*], [*тепки*], [*кўчки*] (от ясовчи); -ки II: [*ички*], [*кечки*], [*устки*] (сифат ясовчи).

2) грамматик омонимия: -(u)ш I: (*бориш*), (*келиш*), (*кетиш*) (ҳаракат номи шакли); -(u)ш II: (бирга) (*ювиш*), (*тараш*), (*ишлаш*) (биргалик нисбат шакли);

3) деривацион-грамматик омонимия: -(u)м I: [*йигим*], [*терим*], [*сизим*] (от ясовчи морфема); -(u)м II: *уйим*, *китобим*, *соатим* (эгалик морфемаси).

Морфемик синонимия. Аксарият морфема маънодошлик муносабатида бўлади. Шу боисдан деривацион ҳамда грамматик синонимия фарқланади.

Деривацион синонимия. Деривацион морфеманинг бир-бирига яқин маънони ифодалаши *деривацион синонимия* дейилади. Масалан, сифат ясовчи [-*ли*], [-*дор*], [-*сер*], [-*ба*] морфемалари ўзаро синоним: (*савлатли*), (*савлатдор*), (*серсавлат*), (*басавлат*) каби.

Маънодошлик морфемалараро тўлиқ эмас, балки айрим маъно қирралари орасида бўлади. Яъни бир морфема иккинчи морфема билан барча маънолари асосида синоним бўла олмайди.

Бугунги кунда деривацион синонимия ва деривацион даражаланишни фарқлаш тилшунослигимизда тадқиқини кутаётган муаммолардан.

Грамматик синонимия. *Нонни энг - нондан энг, уйга жўнамоқ - уй томон жўнамоқ* каби ҳодисаларда грамматик маънодошлик мавжуд.

Морфемик антонимия. Морфемик антонимия деривацион морфема орасидагина мавжуд. Унга мисол сифатида [-*ли*] ва [-*сиз*] аффиксини келтириш мумкин: *андишали - андишасиз, баракали - бибарака, бахтли – бахтсиз* каби..

Морфема вариантлари. Морфема нутқда турли вариантга эга бўлади. Мисол сифатида қаратқич келишиги инвариант шаклининг вариантини кузатайлик:

- а) поэтик вариант: *богин меваси*;
- б) тарихий вариант: *маним*;
- в) диалектал вариант: *китобтинг*;
- г) фонетик вариант: *менинг*.

Келишик парадигмасига кириш ҳуқуқига фақат инвариант шакл (-*нинг*)гина эга.

ДЕРИВАЦИЯ

Деривация (сўз ясашиши, ҳосил бўлиши) тилшуносликнинг алоҳида бўлими. У деривация ҳодисаси, унинг диахрон ва синхрон тури, сўз яшаш, ҳосил бўлиш усули каби масала билан шуғулланади. Деривация сўз ясашишини ҳам ([*ишчи*], [*ишла*], [*китобхон*]), ички миконият асосида янги лексема пайдо бўлишини ҳам ([*келишган*], [*ихтисослашув*], [*ўқиган*], [*бирова*] ўрганади.

Сўз ясашиши – соф нутқий ҳодиса, нутқий жараён. У деривациянинг асосий қисмини ташкил этади. Бироқ унинг лисоний асоси бор. Шу сабабли лисон ва нутққа бирдай дахлдор.

Сўз ясашиши лингвистик термин сифатида икки маъноли:

- а) сўз яшаш жараёни атамаси;
- б) ушбу жараённи ўрганувчи соҳа.

Сўз яшаш деганда қандай усул билан бўлса-да, янги сўз ҳосил қилиш тушунилавермайди. Масалан, сўз янги маъно касб этиши натижасида янги сўз пайдо бўлиши мумкин. Дейлик, [*ишбилармон*] сўзи янги маъно касб этди. Бироқ бу ерда янги сўз ясашиши йўқ. Демак, сўз ясашиши, ясама ва янги маъно касб этган сўзларнинг лексемалашуви ҳодисасини фарқлаш лозим.

Деривация ҳам тил тараққиёти натижасида тарихийлик ва замонавийликка дахлдор бўлади. Шу боисдан тарихий ва синхрон деривацияни фарқлаш лозим.

Тарихий ва синхрон деривация. Ҳозирги деривацияда ясама сўз билан деривацион (сўз яшаш) қолип орасида алоқа мавжуд бўлиб, қолипнинг шаклий ва мазмуний томони ҳосила сўзда ўз изини қолдирган бўлади. [*Китобчи*] ясама сўзида [**от+чи=от билан шуғулланувчи шахс оти**] қолипидаги тенглик аломатининг чап (шаклий) ва ўнг (мазмуний) томони излари якқол кўриниб турибди.

Тарихий деривацияда ясама сўзнинг шакли ва маъносига мос қолип мавжуд бўлмайди. Бу махсус текшириш натижасида аниқланади. Масалан, [*қишлоқ*], [*овлоқ*] сўзларининг маъносини уларнинг ташкил этувчилари ва деривацион қолипи асосида чиқариб бўлмайди. Чунки улар тарихий ясалмалардир. [*Қоровул*], [*ясовул*], [*силлиқ*] сўзида ҳам шу ҳол кузатилади.

Сўз яшаш (деривацион) қолипи ҳақида. Ҳар қандай ясама сўз сўз яшаш қолипи асосида ҳосил қилинади. Ҳосила лисонийлашиб, ўз қолипидан узилиб кетса ҳам, унда билинар-билинмас қолип билан (агар қолип яшовчан бўлса) боғланиш барибир сақланиб қолади.

Сўз яшаш қолипи икки узвдан иборат бўлади:

- а) қолипнинг шаклий томони;
- б) қолипнинг мазмуний томони.

Ясама сўзда ана шу икки жиҳат тажаллиланади. Ясалма шаклан ва мазмунан ана шу қолипга мувофиқ келса, унга шу қолип ҳосиласи сифатида қараш мумкин. Масалан, [китобчи] сўзида мазкур қолипнинг изи бор. Лекин [хабарчи] сўзида қолипнинг мазмуний томони акс этмаган. Демак, лексема бу қолип маҳсули эмас.

Сўз ясаш қолипининг шаклий томони икки қисмдан ташкил топади: *ясовчи асос* ва *ясовчи восита*. Масалан, [от+чи=шу от билан шуғулланувчи шахс оти] қолипининг шаклий қисми бўлган [от+чи] нинг *от* қисми ясовчи асос, [-чи] қисми эса ясовчи восита.

Қолипнинг ясовчи асоси, албатта, мустақил сўз, ясовчи восита қисми эса сўз ҳам, қўшимча ҳам бўлиши мумкин. Масалан, қўшма, жуфт сўз ясаш қолипларида асос ҳам, восита ҳам сўз.

ГРАММАТИКА

МОРФОЛОГИЯ

Грамматика ҳақида. *Грамматика* кўплаб тилшунослик атамаси каби икки маъноли. Бир маъносида тилнинг грамматик қурилиши тушунилса, иккинчи маъносида тилшуносликнинг шу грамматик қурилишни ўрганувчи соҳаси англашилади. Демак, у сўз ва гапнинг формал-грамматик томони – сўз ўзгариши, синтактик бирликлар ва уларнинг турли кўриниши, структураси ва ҳосил қилувчи воситалари, шунингдек, ифодаладиган грамматик маъносини ўрганади.

Тилнинг ўзига хослиги фонетик, лексик, грамматик структуранинг яхлитлигидан иборатлиги. Улар бир-биридан ажралган ҳолда эмас, яхлит система сифатида мавжуд. Бу яхлитликни зоҳирий ва ботиний тушуниш мумкин. Яхлитликнинг зоҳирий аломати товушнинг сўз ва кўшимчани, сўзнинг гап ва сўз бирикмаларини ташкил этишида намоён бўлади. Яхлитликнинг ботиний идрокида фонетик омилнинг кўшимча, сўз, сўз бирикмалари маъносини, лексик омилнинг шу тарзда фонетик, грамматик, грамматик омилнинг фонетик ва лексик ҳодисаларни фарқлаши ва нутққа олиб чиқиши каби бир қарашда кўзга ташланмайдиган ҳолат эътиборга олинади. Грамматика онгда нутқий қўлланишга шай турган лексемани грамматик восита билан шакллантириб, сўзга айлантиради, сўзларни ўзаро бириктиради ва фикр алмашиш воситаси сифатидаги вазифасини юзага чиқаради.

Тиллар ўзаро грамматик хусусиятига кўра ҳам таснифланади. Масалан, ўзбек тилида кесимнинг гап маркази сифатида бошқа барча бўлақларни ўз атрофида уюштириши, эганинг факультативлиги, сифатловчининг сифатланмишдан олдин келиши, бунда инверсиянинг бўлмаслиги, эга ва кесим, қаратувчи ва қаралмишнинг иккиёқлама алоқага эгаллиги, тўлдирувчи ва тўлдирилмиш, ҳол ва ҳолланмиш, сифатловчи ва сифатланмиш, изоҳловчи ва изоҳланмишнинг бир ёқлама алоқада эканлиги кабилар унинг бошқа қариндош тиллар билан биргаликда бир тил оиласига киришини таъминлайди. Аммо бу бир тил оиласига кирувчи барча тиллар орасидаги фарқнинг мавжудлигини инкор қилмайди. Масалан, туркий тилларнинг синтактик қурилишида ўхшашлик, морфологик қурилишида эса фарқ кўпроқ.

Тил ҳамиша тараққиётда. Бунда устуворлик, асосан, тилнинг лексик сатҳига берилади. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши лексикада кескин ўзгариш ясайди. Янги сўзнинг вужудга келиши, сўзларнинг «тирилиши», истеъмолдан чиқиб кетиши кабилар бунга мисол. Тилнинг фонетик ва грамматик сатҳлари ижтимоий ўзгаришга бефарқ, унда фақат вақт ўз

изини қолдиради. Чунки яқин йилларда тубдан ўзгаришга учраган ижтимоий ҳаётнинг таъсири натижасида, масалан, ўзбек тилининг морфологик структураси, синтактик қурилишида ўзгариш кузатилмаганлиги бунинг ёрқин далили. Лекин асрлар давомида бундай ўзгариш бўлиб туради. Масалан, эски ўзбек тилида [-зу] аффикси ёрдами билан ясалган иш отига [-м], [-нг] аффикси қўшилиб, ушбу сўзнинг кесим эканлигини кўрсатган: *Мен кўргум* типиди. Бу ҳозирги ўзбек тилида кузатилмайди. [Ул], (*алар*), (*андин*), (*анда*), (*кўзун кўруб*) (кўзи билан кўриб) каби қатор сўзшакл фикримиз далили. Ёки эски ўзбек тилида *Бу сенинг*, *Бу менинг* кўринишидаги синтактик қурилма мавжуд бўлган. У ҳозирги кунда *Бу сеники*, *Бу меники* кўринишига эга. *Бу ватан менингдир* каби қурилмалар унинг «қолдиғи».

Грамматиканинг таркибий қисмлари, ўрганиш объекти. Грамматика деганда тор маънода морфология ва синтаксис яхлитлиги, кенг маънода тилнинг барча қурилиш сатҳи тушунилади. Айтилганидек, грамматика тилнинг сўз ўзгартириш ва сўз бириктириш қоидалари ҳақида бўлиб, бунда сўз ўзгартириш доирасида сўзшакллари, сўзшаклларини ҳосил қилувчи грамматик категория ва ўзгариши асосида фарқланувчи сўзнинг грамматик гуруҳи - сўз туркуми ҳамда бу ҳодисаларнинг маҳсули бўлмиш сўз бирикмаси ва гап бир вужуднинг икки томони сифатида ажралади. Бу ўз-ўзидан уларни ўрганувчи икки соҳа – морфология ва синтаксисни фарқлашни ҳам тақозо қилади.

Морфологиянинг объекти сўзнинг ўзгариш билан боғлиқ, яъни морфологик структураси. Сўзнинг морфологик структураси – грамматик морфема, грамматик морфема системаси – морфологик категория, сўзнинг ўзгариш асосидаги системаси (масалан, *китоб*, *китобнинг*, *китобни*, *китобга*, *китобда*, *китобдан* [*китоб*] лексемасининг келишик категорияси асосидаги ўзгариш системаси), сўзшаклнинг ҳосил бўлиш йўли ва усули, воситаси, бу воситаларнинг турлари.

Грамматика ва миллийлик, миллий мафкура. Тил ва тафаккур, миллий тил ва миллий руҳ ажралмас. Ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши маълум меъёрга, қонун-қоидага эга бўлиб, бу шу тилда сўзлашувчи кишиларнинг ижтимоий руҳияти билан белгиланади. Шу боисдан назарий тилшунослик асосчиси В.Хумбольдт бундан қарийб икки аср илгари ҳар қайси тилнинг ўз системаси бўлиб, тилни тадқиқ қилишни шундан бошлаш керак деган эди. Грамматикада акс этувчи миллийликни унинг ҳар икки таркибий қисми – морфологияда ҳам, синтаксисда ҳам кузатиш мумкин. Тилшуносликда у шундай шарҳланади. Маълумки, ўзбек тилида сўзнинг ўзак-негизи мустақил ҳолда маъно англатади ва луғатларда грамматик шаклсиз берилади. Жумладан, феълнинг ўзак-негизи луғавий, грамматик ва коммуникатив маъно ифодалаб, асосий ва қўшимча тушунчадан ташқари фикр ҳам билдиради. Шунга кўра, у асосий

тушунча ифодалаб, луғавий унсур (лексема), кўшимча тушунча билдириб, грамматик шакл (сўзшакл), фикр ифодалаб коммуникатив бирлик (гап) вазифасини бажаради. Масалан, (ол), (ишла) феълларининг луғавий маъноси ҳаракатни билдириш бўлиб, грамматик маъноси феъл эканлиги. Улар грамматик шаклланмасдан ҳам луғавий маъно ифодалай олади. Бошқа қурилишга мансуб бўлган рус тилида феълнинг ўзак-негизи (пис-, прочита-) бундай хусусиятга эга эмас. Ўзбек тилидаги гапнинг минимал қолипи кесимга тўғри келади. Рус тилида эса эга ва кесим бирлиги гапнинг минимал қолипига мувофиқ.

Миллий фанда миллий мафкура акс этади. Ўзбек тилшунослиги миллий фан бўлиб, у ҳам ўзида миллий мафкура ва миллий ғояни акс эттириш билан биргаликда, уни тарғиб қилувчи воситалар сирасидан ҳам ўрин олади.

Тил ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлганлиги сабабли унинг меъёрларини белгилаш давлатнинг тил сиёсати билан ҳам боғлиқ. Юртимиз бир асрдан кўпроқ мустамлакада бўлди. Ҳукмрон халқ ва унинг тилига ҳар жиҳатдан имтиёз берилиб, қарам халқларнинг руҳияти ва тилига тажовуз қилинди. Фақат истиқлол натижаси ўлароқ, тил ва тилшунослигимиз истибдод кишанидан халос бўлди. Ўзбек тилшунослиги том маънодаги мустақил фан сифатида ўзбек тилининг ўзбекона табиатини очик-ойдин ўрганиб, уни миллий ғоя ва миллий мафкурани тарғиб қилишнинг таркибий қисмига айлантирди. Бугунги кунда морфологияда грамматик категория ва шаклларнинг, сўз туркумларининг янгича таснифи, синтактик ҳодисаларнинг янги нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши натижасида таълимга олиб кирилаётган илмий янгиликлар – гапнинг маркази сифатида кесимнинг қаралиши, гап ва сўз кенгайтирувчиларининг фарқланиши, гап бўлақларининг даражаланиши, содда ва кўшма гап оралиғида уюшган гапнинг ажратилиши, гап марказига таянган ҳолда кўшма гапнинг янгича таснифланиши кабилар фикримиз далили. Булар эса грамматика, миллийлик ва миллий мафкура тушунчаларининг боғлиқлигини кўрсатади.

Грамматик маъно ва грамматик шакл.

Грамматик категория

Грамматик маъно ҳақида умумий тушунча. Маълумки, грамматик маъно ифодалашнинг турли воситаси мавжуд. Масалан, фонетик, лексик, морфологик ва синтактик восита шулар жумласидан. Демак, грамматик маънони фақат сўз ёки сўзшаклга нисбат бериш маъқул эмас. Нутқни шакллантирувчи барча лисоний бирлик грамматик аҳамият касб этиши мумкин.

Грамматик маъно деганда тил (**фонетик, лексик, морфологик ва синтактик**) **бирликларнинг нутқни шакллантирувчи умумлашма абстракт маънолари тушунилади**. Таърифни қисқача шарҳлаймиз. Кўринадикки, таърифда уч муҳим унсур мавжуд. Улар қуйидагилар:

- а) грамматик маънонинг барча тил бирликларига хослиги;
- б) бевосита (!) нутқни шакллантириши;
- в) умумлашма ва абстрактлиги.

Кейинги мавзуларнинг бирида грамматик маъно ифодалаш усуллари ҳақида фикр юритганда грамматик маъно ифодалашнинг барча тил бирликларига хослигини англаб етасиз.

Грамматик маънонинг бевосита нутқни шакллантириши деганда шуни тушуниш лозимки, лисоний бирлик грамматик маънодан холи қилинса, у нутқ учун тайёр бўлмай қолади. Масалан, [*бола*] лексемасининг луғавий маъноси нутққа грамматик маъно воситасида киради. Унинг келишик, сон, субъектив баҳо, ҳоким ёки тобе узвлик, қайси гап бўлаги эканлиги каби грамматик маънолари лисоний сатҳда йўқ. Демак, лексема луғавий маъноси устига ана шу грамматик маъно қаватланса, у нутқ таркибига кира олади.

Грамматик маъно нутқда тўғридан-тўғри воқеланаверади. Бунга морфологик шаклнинг грамматик маъноси асосида амин бўлиш мумкин.

Грамматик маъно умумлашма табиатга эга деганда унинг жуда кўп лисоний бирликларга бирдай тегишли, умумий эканлиги назарда тутилади. Масалан, «от», «сифат», «сон» грамматик маъноси жуда катта миқдордаги сўзлар учун умумий. Луғавий маъно (семема) ҳар бир лексемада ўзига хос ва яқка, хусусий бўлса, грамматик маъно бир типдаги жуда кўп лексема учун умумий. Ёки [**WP_m** – кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги] синтактик қолипнинг ўнг томони унинг грамматик маъноси бўлиб, у чап, яъни шаклий томони билан биргаликда ўзбек тилидаги барча нутқий гап учун умумий.

Грамматик маънонинг абстрактлиги деганда унинг бевосита кузатишда берилмаганлиги назарда тутилади. Масалан, ҳозиргина келтирилган [**WP_m** – **кесимлик кўрсаткичи билан шаклланган атов бирлиги**] синтактик қолипнинг грамматик маъноси кўзга ташланиб турган тил бирликлари замирига яширинган.

Грамматик маъно морфологик сатҳда сўзларнинг умумий маъноси бўлган сўз туркумлари (масалан, отларда умумий предметлик, феъллардаги жараёнлилик), шунингдек, ҳар бир сўзшаклнинг маълум бир морфологик категория доирасида қарама-қарши қўйилувчи маъноси (масалан, замон, шахс-сон, эгалик, келишик) сифатида юзага чиқса, синтаксис доирасида предикативлик, сўз бирикмасидаги ҳоким ва тобе узвларнинг, гап бўлақларининг бир-бирига ўзаро муносабати сифатида намоён бўлади. Кенг маънода сўз ясаиш ходисаси ҳам грамматик

маънога дахлдор. Чунки ясалиш натижасида сўзнинг туркумлардаги ўрни ўзгариб кетади. Бу эса уларнинг янги грамматик табиат касб этганлигини кўрсатади. Масалан, [ақл] сўзи «от», «мавхум от» грамматик маъноларига эга. Ундан [-ли] сўз ясовчи шакли воситасида сифат ясалиши билан, албатта, грамматик маънода ҳам катта ўзгариш юз берди. Кўринадики, бирорта лисоний бирлик (бир планли бўлган фонетик бирликлардан ташқари) грамматик маънодан холи бўлолмайди. Фақат мустақил лексемадагина луғавий ва грамматик маъно диалектик боғлиқликда бўлади. Синтактик қолип, ёрдамчи лексема ва грамматик шаклда фақат грамматик маъно мавжуд.

Грамматик маъно грамматик шаклланмаган лексеманинг лисоний моҳиятида мавжуд бўлиши ҳам, грамматик шакл ёки грамматик қолип ёрдамида ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан, (*китоблар*) сўзшаклининг «турдош от» грамматик маъноси бошқа барча турдош отда бўлгани каби унинг моҳиятида мавжуд, «кўплик» маъноси эса маълум бир шакл (-лар) ёрдамида ифодаланган. *Китобни ўқимоқ* бирикувидаги (*китоб*) сўзининг «тобе узв» грамматик маъноси унга лисоний синтактик қолип асосида «ёпиштирилган».

Грамматик ва лексик маъно муносабати. *Болалар қизиқарли китобни ўқийдилар* гапини олайлик. Айтилганидек, мустақил сўз ўзида бир вақтда лексика ва грамматикани бирлаштиради. (*Болалар*) сўзида икки хил маъно англашилиб туради:

а) луғавий маъно («одам жинсига мансуб бўлган, ёш жиҳатдан вояга етмаган шахс ёки вояга етган кишининг фарзанди, авлоди»);

б) турдош от, кўплик сон, бош келишик, эга вазифасида. Бу сўз лексик ва грамматик маънони ўзида мужассамлаштирган. Шунинг учун сўзлар грамматик ва лексик бирлик сифатида сўз туркумларига гуруҳланади. Бунда гуруҳлаш, аввало, лексик асосда, яъни уларнинг луғавий маъносига асосланган ҳолда амалга оширилади, гуруҳлашнинг юқори босқичида у грамматик характер касб этади. Масалан, [ўқитувчи], [доктор], [ишчи], [инженер] отлари бир бутун ҳолда «касб оти» луғавий гуруҳини ташкил этади ва бирлашиш лексик асосда. Чунки бу сўзлар бошқа гуруҳ отларидан фарқли ўзига хос, қандайдир айрича грамматик хусусиятга эга эмас. Лекин бу отларнинг бошқа тур отлари билан бирлашиб ҳосил қилган катта гуруҳи, дейлик, турдош отлар атоқли отлардан фарқли грамматик хусусиятга эга. Масалан, турдош от бирлик ва кўпликда қўлланади, атоқли от эса асосан бирликда қўлланади. Шунинг учун отнинг атоқли ва турдош отга ажратилиши грамматик аҳамиятга эга. Дейлик, нарса-буюм отлари ва ўсимлик оти орасида грамматик фарқлар бўлмаганлиги сабабли бу бўлиниш лексик табиатли. Чунки бу икки гуруҳга кирувчи сўзлар турланиш, сон, тусланиш ва бошқа грамматик омилга бир хил муносабатда.

Сўз грамматик бирлик сифатида морфологик маъно тизимига эга. Шунга кўра, грамматик маънони қуйидаги типга бўлиш мумкин:

а) маълум бир туркумга кирувчи сўзнинг улар қайси морфологик шаклда бўлишидан қатъи назар барчаси учун бирдай тегишли бўлган грамматик маъно (масалан, отларда предметлик, сифатларда белгилик, феълларда жараёнлилик);

б) бир туркумдаги бирор гуруҳнинг қандай грамматик шаклда бўлишидан қатъи назар барча сўзларига хос бўлган грамматик маъно (масалан, озайтирма даража сифатнинг фақат ранг билдирувчи турларига хос);

в) бирор туркумдаги маълум бир сўзнинг маълум бир шаклдаги туригагина хос бўлган грамматик маъно (масалан, ўзлик олмошига келишиқ кўшимчаси фақат эгалиқ кўшимчасидан кейин қўшилади, олмошнинг бошқа турларида бундай ҳол кузатилмайди, ёки [-яп] кўшимчали аниқ ҳозирги замон шакли III шахсда [-ди] шакли билангина воқелана олади).

ГМ турлари. УГМ, ОГМ, ХГМ ҳақида. Грамматик шаклнинг фаҳмий ҳис қилинадиган алоҳида маъноси *хусусий грамматик маъно* (қисқ. ХГМ) дейилади. Масалан, эгалиқ кўшимчалари умуман «кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш» моҳиятига эга. Бу *умумий грамматик маъно* (қисқ.УГМ) бўлиб, у нутқий бирлик бўлган *Ҳалимнинг китоби* бирикувида «(китоб) сўзини (Ҳалим) сўзига боғлаш», *дафтарнинг варағи* бирикувида эса «(варақ) сўзини (дафтар) сўзига боғлаш» тарзида хусусийлашган. Бу – ХГМ.

УГМ лисоний табиатли бўлиб, лисоний бирликларга хос барча белгига, ХГМ эса нутқий маъно бўлганлиги учун нутқий бирликларга хос белгига эга. УГМ умумий, мавҳум, зарурий, барқарор, инвариант, узул, ижтимоий бўлса, ХГМ бу белгиларнинг акси бўлган хусусийлик, аниқ, тасодифий, беқарор, окказионал, индивидуал каби белгига эга.

УГМ ва ХГМ хусусиятини идрок этиш учун барча борлик ҳодисаларида умумий яшаш қонунияти бўлган *умумийлик* ва *хусусийлик* тушунчалари муносабатини яхши билиш лозим.

Нутқий бирликда турли лисоний умумийликларнинг белгилари мужассамланганлиги, қоришганлиги каби, ХГМлар ҳам ўзи мансуб УГМ зарралари билан биргаликда бошқа лисоний бирликларнинг зарраларини ҳам ўзида бирлаштирган. Масалан, эгалиқ кўшимчасининг «(китоб) сўзини (Ҳалим) сўзига боғлаш» ХГМсида «кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш» УГМси кўриниши билан биргаликда «қарашлилиқ» маъноси, шунингдек, [Ҳалим] ва [китоб] лексемаларининг (умумийликлари) зарралари қоришган ҳолда юзага чиққан.

Грамматик маъно сўзнинг грамматик шакли билан ва ундан холи ҳолдаги ҳолатидан, яъни ўзак-негизидан англашилганлиги каби УГМ ва

ХГМлар ҳам икки хил табиатли. Масалан, «предметлик» от туркумининг, «жараёнлилик» феъл туркумининг, «белги» сифат туркумининг грамматик шаклсиз ифодаланадиган УГМси. Бу *Ҳалиминг китобидир* гапидаги (*китоб*) сўзининг «Ҳалимга тегишли ўқиш учун мўлжалланган предметни ифодаловчи турдош от» маъноси бу сўзнинг грамматик шаклсиз ифодаланадиган ХГМси.

УГМ ва ХГМ грамматик шаклда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳар бир грамматик категориянинг маъноси – унинг шаклларининг маъносига нисбатан УГМ. Масалан, барча келишик шакллари учун умумий бўлган «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» маъноси – келишик категориясининг УГМси. Бу категориал умумийлик алоҳида шаклларнинг маъносига нисбатан белгиланади. Бошқача айтганда, келишик категориясининг юқорида айtilган УГМси унинг таркибига кирувчи 6 та келишик шаклининг маъносидан синтезланади, яъни келтириб чиқарилади.

Ҳар бир келишик шаклининг маъноси ундан қуйидаги маънога нисбатан УГМ. Масалан, қаратқич келишигининг УГМси – «олдинги исм туркумига кирувчи сўзни кейинги исм туркумига кирувчи сўзга боғлаш». УГМ ҳар доим ҳам қуйи маънога нисбатан олинади. Масалан, келишик категорияси УГМси қуйидаги келишикларнинг маъносига нисбатан олинса, ҳар бир келишикнинг УГМси ундан қуйидаги бу келишик УГМсининг «парчалари»га нисбатан белгиланади. Чунки ҳар бир келишикнинг маъносига нисбатан УГМ термини қўлланилмайди. Категория ва шакл маъноси ҳамда унинг хусусий кўриниши ҳақида баҳс кетганда уларни қандай баҳолаш муаммоси ҳам бор. Бунда диалектиканинг *умумийлик-махсуслик-алоҳидалик* категориясига методология сифатида таяниш лозим бўлади. Тилшуносликда грамматик маънога нисбатан бу *умумий грамматик маъно-оралиқ грамматик маъно* (қисқ.ОГМ) – *хусусий грамматик маъно* тарзида татбиқ этилган. Мисол сифатида тушум келишиги шакли маъносини олайлик. Келишик категориясининг «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш», тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» ва тушум келишигининг муайян нутқ парчаси бўлмиш *китобни ўқимоқ* бирикувида воқеланган «(*китоб*) сўзини (*ўқимоқ*) сўзига воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» нутқий маъноси яхлитликда олинганда, УГМ-ОГМ-ХГМ муносабатида. Келишик категориясининг «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» маъноси тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» маъносига нисбатан УГМ мақомида, тушум келишигининг муайян нутқ парчаси бўлган *китобни ўқимоқ* бирикувида воқеланган «(*китоб*) сўзини (*ўқимоқ*) сўзига воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» нутқий маъноси ХГМ. Тушум

келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» маъноси эса УГМ ва ХГМ орасида турганлиги ҳамда уларни боғловчи бўғин бўлганлиги учун ОГМ мақомида. ОГМнинг мавқеи нисбий. Масалан, келишик категориясининг УГМси эътибордан соқит қилинса ва фикр фақат тушум келишиги ва унинг қуйи маънолари ҳақида кетса, мазкур ОГМ УГМ сифатида қаралади. Тушум келишигининг зикр этилган ХГМси эътибордан соқит қилиниб, сўз келишик категорияси ва тушум келишиги муносабати хусусида кетса, бунда ОГМ ушбу УГМга нисбатан ХГМ сифатида ҳам қаралиши ҳам мумкин.

Демак, борлиқ ҳодисалари умумийлик – махсуслик – хусусийлик (алоҳидалик) муносабатида бўлганлиги каби грамматик маъно ҳам «умумий грамматик маъно – оралик грамматик маъно – хусусий грамматик маъно» кўринишига эга.

Грамматик маъно таркиби. Грамматик маъно таркиби мураккаб. Масалан, сон категориясининг УГМси предметнинг миқдорий ва сифатий тавсифини беришдан иборат, бу умумий категориал маъно сон категориясининг [0] шаклида «миқдорий аниқлик–ноаниқлик ва сифатий бўлинмаслик», [-лар] шаклида “миқдорий ноаниқ кўплик ва сифатий бўлинувчан ва бўлинмаслик” каби ҳар бир шаклга ихтисослашган кўринишга эга бўлиб, уларни сифат ва миқдор каби турга ажратиш мумкин. Сон категориясининг номидан маълумки, у миқдор ифодалашга ихтисослашган морфологик ҳодиса. Шунингдек, унинг УГМсида “ноаниқ”, “аниқ”, “сифат”, “бўлинувчан”, “бўлинмас” каби унсуурлар категория марказидаги “миқдор” унсурига бевосита дахлдор эмас. Бироқ “бевосита дахлдор эмаслик”ни у УГМдан ташқари деб тушунмаслик керак. Чунки, дейлик, [-лар] шакли миқдор (яъни кўплик) ифодалар экан, у бир пайтнинг ўзида ўз-ўзидан юқорида зикр этилган “бўлинувчанлик–бўлинмаслик”, “ноаниқ” каби белгиларини ҳам ифодалайди. Демак, сон категорияси шаклида миқдор белгиси ҳар доим сифат белгиси билан бирга яшайди, у билан диалектик боғланишда. Бошқача айтганда, миқдор белгиси ҳеч қачон сифат белгисисиз юзага чиқмайди. Нутқда бу маънодан бирининг кучайиши бошқасининг сусайишига, бошқасининг кучайиши биринчисининг сусайишига олиб келади. Масалан, *Дўконда сувлар бор* гапида [-лар] шаклида миқдорий белги ҳам (яъни «кўплик»), сифатий белги ҳам («бўлинувчанлик», «ҳар хил») ифодаланмоқда. Бунда сифатий белги устуворлик касб этиб, миқдор белгиси кучсизланганлиги сезилиб туради. Лекин барибир «кўплик» юзага чиқмоқда. Маълум бўладики, грамматик шакл УГМси таркибий қисмларидан бири унинг моҳияти бўлса (масалан, сонда «миқдор»), бошқалари унга ёндош, моҳиятга мансуб бўлмаган, бироқ у билан диалектик яхлитлик касб этган маъно (масалан,

сонда «бўлинувчанлик»). Шунинг учун грамматик шакл УГМси таҳлилида категориал маъно ва унга ёндош ҳодиса фарқланади.

Категориал ва ёндош маъно ҳар бир грамматик шаклда мавжуд.

Грамматик шакллар нутқда баъзан УГМсида бўлмаган маънони ҳам воқелантиради. Масалан, кўрилган [-лар] шакли нутқда «ҳурмат» маъносини ифодалаш ҳам мумкин. Бу маъно шаклнинг УГМси таркибига кирмайди. У УГМ билан бирга юзага чиқиши ҳам, чиқмаслиги ҳам мумкин. Бундай маъно *ҳамроҳ маъно* деб юритилади. Демак, категориал маъно шаклнинг моҳияти ва УГМнинг асоси. Ёндош маъно УГМга кирса-да, моҳият таркибига кирмайди. Ҳамроҳ маъно эса шакл моҳиятига ҳам, УГМ таркибига ҳам кирмайди. Қуйидаги гапларни қиёсланг: 1. *Ақллари борми? – укасига истеҳзоли кулди Ҳалим. У кишининг фикрлари бизга маъқул.* Биринчи гапда (*ақллари*) сўзшаклининг [-лари] эгалик кўшимчасида “кесатиш” маъноси ҳам (аслида *ақлинг*), «II шахс, бирлик» маъноси ҳам англашилмоқда. «Кесатиш», умуман, эгалик категорияси УГМсига дахлдор эмас. Лекин “II шахс бирлик” маъноси бу категориянинг [- (*у*)нг] шаклига хос категориал маъно бўлиб, [-лари] шакли бу маънони ифодалаш учун хосланган ва УГМ кўринишига вақтинча “ёпишган” тажалли ҳисобланади. Унинг бундай хусусиятга эгалиги ушбу “ноқулай” ифодаловчи билан нутққа чиқиши учун зарур нутқий шароит, боғлиқ куршов талаб қилаётганлиги билан ҳам белгиланади. Зеро гапдан муаллиф гапи (“*укасига истеҳзоли кулди Ҳалим*”) олиб ташланса, [-лари] шаклидан англашилаётган ушбу ҳамроҳ маъно уқилмай қолади.

УГМни очиш йўллари. УГМ нутқий маъно бўлган ХГМларни босқичли умумлаштириш орқали очилади. Бунда ХГМдаги ўзи мансуб УГМга тегишли бўлмаган барча бегона тажаллилар идрокий йўл билан эътибордан соқит қилинади. Қуйида [-моқда] ҳозирги замон давом феъли шакли ва умуман замон категориясининг УГМсини босқичли тиклаш намунасини берамиз.

1-босқичда [-моқда] шаклининг турли матний ва услубий ҳолларда қўлланишини таҳлил этиш асосида бу шаклнинг нутқий, матний маъно турлари, яъни ХГМлари аниқланади. Шакл ХГМларига мисоллар келтирамиз: 1. *Сув эгатларда жилдираб оқмоқда.* 2. *Умр ўтмоқдадир.* 3. *Замин айланмоқда мағрур тебраниб.* Шакл 1-мисолда «иш-ҳаракат нутқ пайтида давом этаётганлигининг бадий услуб насрий турига хос образли ифодаси», 2-мисолда «иш-ҳаракат нутқ пайтида давом этаётганлигининг бадий услуб лирик турига хос кўтаринки ифодаси», 3-мисолда «иш-ҳаракат нутқ пайтида давом этаётганлигининг бадий услуб лирик турига хос тантанавор ифодаси» ХГМларини воқелантирган. Мисолларни давом эттирсак, ХГМлар сони яна ортиб боради. Бироқ умумлаштириш учун ушбу ХГМлар етарли. Улар орасидаги умумийлик «иш-ҳаракат нутқ

пайтида давом этаётганлигининг ифодаси» бўлиб, ХГМларнинг қолган унсурлари фарқлар (1-мисолда «бадий услуб насрий турига хос образли ифодаси», 2-мисолда «бадий услуб лирик турига хос кўтаринки ифодаси», 3-мисолда эса «бадий услуб лирик турига хос тантанавор ифодаси»). Фарқлар эътибордан соқит қилиниб, улардаги бир хиллик (умумийлик)лар ажратиб олинади. Фарқ шу босқич учун қийматга эга бўлса, бир хиллик юқори босқич қиёслашлари учун аҳамият касб этади.

2-босқичда [-моқда] қўшимчали замон шакли биринчи босқич хулосалари асосида [-(a)й] қўшимчали ҳозирги –келаси замон, [-ян] қўшимчали аниқ ҳозирги замон, [-ётур] қўшимчали ҳозирги замон шакли каби барча ҳозирги замон турлари билан муносабатларда кўрилиб, шу асосда [-моқда], [-ётур], [-ян], [-(a)й] қўшимчали ҳозирги замон шакллариининг моҳияти – УГМлари очилади. Кейинги босқич учун фарқлар эътибордан соқит қилиниб, улардаги бир хиллик (умумийлик)лар ажратиб олинади. Бу бир хилликларгина кейинги босқич қиёслашлари учун аҳамиятли бўлади.

3-босқичда аввалги босқич хулосалари асосида ҳозирги замон шакллари умумийлик сифатида олиниб, унинг келаси замон шакллари умумийлиги билан алоқа-муносабатлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ойдинлаштирилади. Жорий босқич учун улардаги фарқлар, кейинги босқич учун бир хиллик (умумийлик)лар аҳамиятли бўлади.

4-босқичда олдинги босқич хулосалари асосида «содир бўлмаган ва бўлаётган ҳаракат-ҳолат»ни ифодаловчи ўтган замон шакли билан муносабатлари текширилиб, ҳозирги-келаси ва ўтган замон шакллариининг УГМси очилади.

5-босқичда 4-босқич хулосалари асосида ҳозирги, келаси ва ўтган замон шакллари маъновий хусусиятлари билан муносабатларини аниқлаш асосида замон ва майл категорияларининг УГМлари тикланади.

Хусусийликдан умумийликка қараб йўналтирилган бу тадқиқ жараёнида ҳар бир босқичга ўтиш билан хусусийликларнинг замиридаги УГМга чуқурлашиб борилади. Чунки [-моқда] қўшимчали замон шаклининг нутқий воқеланишларида замон категорияси УГМсига хос ҳозирги-келаси замон шакли УГМси кўринишининг ҳозирги замон УГМси кўринишчасига мансуб турининг бевосита кузатишда берилишини кўрамиз ва бу ХГМларда барча олдинги босқичлар УГМлари зарралари мавжуд бўлади. Шунинг учун [-(a)й] қўшимчали замон шаклининг зиддиятлари ва УГМси фақат 2-босқичдагина очилиши мумкин. 3-босқичда [-моқда] ва [-(a)й], [-ян-] қўшимчали замон шакллари мустақил тил бирликлари сифатида эмас, балки ҳозирги замон шаклининг вариантлари сифатида юзага чиқади. Бу поғона қанча юқориласа, хусусий кўринишлар шунчалик катта гуруҳларга бирлашиб, ўз мустақилликларини йўқотиб, умумлашиб бораверади. Шу боисдан

грамматик шаклларнинг маъновий хусусиятлари ҳақида гапирганда текшириш қайси босқичда олиб борилаётганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Сўзшакл ва унинг асосий типлари: ноль шакл, синтетик, аналитик, аралаш, жуфт ва такрорий шакллар. Лексема нутққа чиққанда, албатта, грамматик шаклланган бўлади. *Мен саргузашт китобларни севиб ўқийман* гапидаги сўзларга диққат қилайлик. [Мен] олмоши онгда лексема сифатида ҳеч қандай грамматик шаклга эга эмас. Бироқ у мазкур гапда бош келишик шаклида ва бирлик сонда. (*Саргузашт*) сифати оддий даража шаклида, (*китобларни*) тушум келишигида ва кўплик сонда, (*севиб*) аниқ нисбат ва равишдош шаклида, (*ўқийман*) аниқ нисбат, ҳозирги-келаси замон шакли, биринчи шахс бирлик, тасдиқ шаклида. Лексеманинг нутқда воқеланган кўриниши **сўзшакл** атамаси билан юритилади. Бундан шундай хулоса чиқади: сўзнинг грамматик шакли бир лексеманинг нутқдаги ҳар хил тусли ўзгариши бўлиб, у бир семеманинг ўзини ифодалаб, ё кўшимча маъно оттенкаси билан фарқланади ёхуд бир лексеманинг бошқа лексемага нутқдаги синтактик муносабатини кўрсатади. Шу сабабли сўз ясовчидан бошқа кўшимчанинг барчаси грамматик шакл ясовчи, грамматик шакл деб юритилади.

Бир лексеманинг маълум бир системага кирувчи грамматик шакли бир бутун ҳолда парадигмани ташкил қилади. Масалан, [олма], [олманинг], [олмани], [олмага], [олмада], [олмадан] сўзшакллари [олма] лексемасининг келишик парадигмаси. Морфологик парадигма (грамматик шакллар системаси) ҳар бир сўз туркуми учун алоҳида (сон, даража, нисбат, ўзгалоғчи) бўлиши ҳам, барча сўз туркумлари учун умумий бўлиши ҳам (келишик, эгалик, кесимлик) мумкин.

Ўзбек тилида сўз бир грамматик кўрсаткичли ёки бир неча грамматик кўрсаткичли бўлиши мумкин. Масалан, юқорида келтирилган (*саргузашт*) сўзи бир грамматик кўрсаткичли (оддий даража), (*китобларни*) икки грамматик кўрсаткич (тушум келишиги, кўплик сон) ли. Шунингдек, тилимизда грамматик шаклнинг баъзилари бир грамматик маънони, баъзилари бир вақтнинг ўзида бир неча грамматик маънони ифодалаши мумкин. Масалан, келтирилган (*севиб*) сўзшаклидаги (-иб) кўрсаткичи ҳолат маъносинигина, (*ўқийман*) сўзшаклидаги (-ман) шакли эса, ҳам биринчи шахс, ҳам бирлик маъносини ифодаламоқда.

Ҳозирги ўзбек тилида сўзшаклнинг бир неча типи мавжуд:

а) аффикслар ёрдамида ҳосил бўлувчи сўзшакл (синтетик ёки “ёпишган” шакл);

б) номустақил (фақат грамматик маъно ифодалайдиган) сўз билан ифодаланадиган сўзшакл (аналитик ёки “ажралган шакл”);

в) ҳам аффикс, ҳам номустақил сўз ёрдамида ифодаланган шакл (синтетик-аналитик ёки “аралаш” шакл;

г) сўзнинг такроридан ҳосил бўлган шакл ёки такрорий шакл).

Синтетик шакл аффиксининг табиатига қараб икки кўринишга эга:

а) аффикси моддий шаклга эга бўлмаган (ноль шаклли) сўзшакл (*Шоир шеър ўқийди* гапидаги [шoир] сўзи бош келишиқда ва бирлик сонда бўлиб, бу маънони ифодаловчи шакл **ноль шакл** дейилади);

б) аффикси моддий шаклга эга бўлган сўзшакл (келтирилган гапдаги *ўқийди* сўзшаклининг ҳозирги-келаси замон, III шахс бирлик маънолари моддий шаклли восита билан ифодаланган).

Эслатма. *Шеър ўқиди* бирикувидаги [шеър] сўзи белгисиз тушум келишигида дейилиб, у ноль шакл сифатида қаралмайди. «Ўзбек тилининг, бошқа туркий тилларда бўлгани каби, асосий белгиларидан бири бўлган ноль шакл масаласи ҳали етарлича ўрганилмаган ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиш тилшунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади.» (Ҳ.Неъматов.)

Аналитик сўзшакл номустақил маъноли (асосан, ёрдамчи) сўз ёрдамида ҳосил қилинади: *мактаб учун, келажак сари*.

Синтетик-аналитик шакл ҳам аффикс, ҳам ёрдамчи сўз ёки ёрдамчи сўз вазифасидаги мустақил сўз билан ҳосил қилинади. Масалан, *ўқиб чиқди, борган экан, шаҳарга томон* ва ҳ. Бунда *чиқди* сўзи ушбу ўринда (–иб) аффикси, *томон* сўзи (–га) кўшимчаси ёрдамида аралаш сўзшаклни вужудга келтирган.

Такрорий шакл ҳам маълум бир грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *баланд-баланд* (иморат), *қатор-қатор* (дарахтлар), *кула-кула* кабилар «кўплик», «такрор» маъносини ифодалайди. Баъзи манбаларда такрор сўзшаклни равиш сифатида қараш ҳам учрайди. Бунда такрорлаш натижасида янги сўз, луғавий маъно, сўзшакл вужудга келаётганлиги назарда тутилади. Масалан, *қатор-қатор* сўзшаклида янги луғавий маъно *қатор* сўзининг кучайган, орттирилган ифодали кўриниши орқали юзага чиққан.

Грамматик маъно ифодалаш усуллари. Ўзбек тилида грамматик маъно ифодалашнинг қуйидаги воситалари мавжуд:

- 1) аффиксал восита;
- 2) соф номустақил ва номустақил вазифадаги сўз;
- 3) сўз тартиби;
- 4) такрор;
- 5) оҳанг;
- 6) синтактик қолип.

Аффиксация тилимизда грамматик маъно ифодалашнинг энг кенг тарқалган тури, у орқали деярли аксарият грамматик маъно ифодаланади.

Ифодалайдиган грамматик маънонинг характериға ва ўз моҳиятиға кўра аффикслар иккиға бўлинади:

- а) сўз ясовчи аффикс;
- б) шакл ясовчи аффикс.

Сўз ясовчи аффикс сўзға қўшилиб, янги луғавий маъно ҳосил қилади ва сўзнинг грамматик табиатиға ҳам таъсир этади. Масалан, [иш] сўзига қўшилган [-ла] сўз ясовчи қўшимчаси янги луғавий маъно вужудға келтириш билан бирға, янги грамматик маъно ҳам ҳосил қилади. Қиёсланг: [иш] (грам.маъно: “предметлик”, “от”) – [ишла] (грам.маъно: “жараён”, “феъл”). Кўринадики, ҳосила лексемадаги “жараён” ва “феъл” грамматик маънолари сўз ясовчи восита ёрдамида вужудға келган.

Сўз ясовчи восита орқали ҳар хил грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Масалан, [-каш] ясовчиси ҳосиласи сифат ҳам, от ҳам бўлади (*меҳнаткаш* – от, *дилкаш* – сифат). Демак, сўз ясовчи восита нафақат янги сўз ҳосил қилади, балки янгидан-янги грамматик маънони ҳам вужудға келтиради. Бу мустақил сўзда луғавий маънонинг грамматик маъно билан диалектик алоқасини, уларнинг ўзаро яхлитликда мавжудлигини кўрсатади.

Шакл ясовчи қўшимча грамматик маъно ифодалашнинг аффиксал воситалари сирасида энг сермаҳсули.

Айрим шакл ясовчи фақат бир туркумға хос грамматик маънони вужудға келтирса (таснифловчи, бир туркумғагина тегишли бўлган шакл ясовчи, масалан, сон, даража, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик), айрими барча туркум учун бирдай тегишли (келишик, кесимлик, эгалик).

Аффикслар асосан синтетик шакл ҳосил қилади ва қисман аналитик шакллар ҳосил қилишда ёрдамчи воситаларға кўмаклашади.

Соф номустиқил ва номустиқил вазифадаги сўз ҳам грамматик маъно ифодаловчи восита сирасида муҳим ўрин тутди.

Ёрдамчи сўз мустақил сўз ва гапда грамматик маъно ифодалашнинг алоҳида турини ташкил этади.

Кўмакчи мустақил сўз билан бирға келиб, олдин турган сўзни кейинги сўз билан грамматик алоқаға киритади. Бу билан келишикларға ўхшайди. *Биз келажакка ишонч билан қараймиз* гапида кўмакчи ёрдамида «ҳолат» грамматик маъноси ифодаланган. *Телефон орқали гаплашдим гапида* «восита», *Дўстлик биз учун ҳамиша илҳом ва куч-қувват манбаи бўлиб келган* гапида «аталганлик» маъноси ифодаланган. Бу маънолар грамматик маънонинг бир томони бўлиб, иккинчи томони – олдинги сўзни кейинги сўзға боғлаш, синтактик алоқаға киритиш.

Боғловчилар тенг муносабатли бирликларни боғлаб, улар орасида ҳар хил тенглаштириш, зидлаш, айириш каби морфологик маънони ифодалаш учун хизмат қилади: *олма ва анор; ўқиди, лекин ёзмади*.

Кўмакчининг морфологик маъно ифодалаш имконияти синтактик имкониятидан кенгроқ. Чунки у мустақил лексема семемасини модификация қилиши билан аҳамиятли.

Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар катта гуруҳни ташкил этади. Кўмакчи, боғловчи, юкламанинг «ярим боғловчи», «ярим кўмакчи», «ярим юклама» каби тури ҳам мавжуд бўлиб, бундай сўзлар ҳам мустақил, ҳам номустақил маънога эга. Масалан, *Ишнинг бошида Абдурахим турар эди.*

Ўзбек тилида [жуда], [энг], [бағоят], [ниҳоятда], [ўта], [сал], [бир мунча] каби равиш ҳам, [олмоқ], [бермоқ], [қолмоқ], [ўтирмақ], [чиқмоқ], [кетмоқ], [бошламоқ], [бўлмоқ] каби 40 дан ортиқ феъл ҳам кенг қўлланилади. Ҳаракат тарзи шакллари ҳосил қилувчи кўмакчи феъл аслида луғавий маъноли феъл бўлиб, кўмакчи феълга айланганда, соф грамматик маъно ифодалайди. Ҳаракат тарзи шакллари синтетик-аналитик шакл. Масалан, (*ўқиб чиқди*), (*ёза бошлади*), (*қўрқиб кетди*) сўзшакллари равишдош шакли ва кўмакчи феълдан ташкил топганлиги сабабли синтетик-аналитик шакл ҳисобланади.

Сўз тартиби грамматик маъно ифодалашнинг махсус воситаси, тартиб ўзгариши сўз грамматик маъносининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, *Далалар ям-яшил бирикуви гап бўлса, ям-яшил далалар бирикуви сўз бирикмаси.* «Гап» ва «сўз бирикмаси» грамматик маънонинг синтактик тури. Грамматик маъно ифодалашда сўз тартибига оҳанг ҳамроҳлик қилади. Яъни юқоридаги гап ва сўз бирикмасида тартиб ўзгариши билан уларнинг оҳанги ҳам ўзгариб кетган (сўз бирикмасида тугалланмаган, гапда эса тугалланган оҳанг мавжуд).

Оҳанг – грамматик маъно ифодалашнинг фонетик воситаси. Бу восита ёрдамида гапнинг турини, гап бўлақларини ажратиш, фарқлаш мумкин. *Гулнора, синглим келди. Гулнора, (билан) синглим келди. Гулнора синглим келди* гапларининг биринчисида (*Гулнора*) ва (*синглим*) сўзлари уюшиқ бўлак вазифасида, иккинчи гапда (*Гулнора*) сўзи ундалма, (*синглим*) сўзи эга, учинчи (*Гулнора*) сўзи аниқловчи, (*синглим*) сўзи изоҳланмиш-эга вазифасида келган. Гапларни ташкил этувчилардаги бундай фарқ сўзловчининг мақсадига мувофиқ тарздаги оҳанг ёрдамида юзага чиқмоқда.

Грамматик шакл ва унинг тури. Грамматик маъно ифодаловчи морфологик кўрсаткич *грамматик шакл ясовчи* ёки қисқа қилиб *грамматик шакл* дейилади. Бошқа нофонологик бирликлар каби грамматик шакл уч томон – шакл, маъно ва вазифанинг яхлитлигидан иборат. Грамматик шаклнинг моддий томони *граммема* атамаси билан ҳам юритилади.

Грамматик шакл (*грамматик кўрсаткич, грамматик шакл, морфологик шакл, морфологик кўрсаткич, морфологик восита* атамалари – маънодош терминлар) таснифи тилшунослик, жумладан, ўрта ва олий

таълим грамматик тизимининг муҳим тушунчасидан бири бўлганлиги сабабли ҳар доим долзарб бўлиб келган. Ўтган давр мобайнида ўзбек тили грамматик кўрсаткичларининг таснифи яратилди, аммо хулоса аввал араб, кейинчалик рус тили грамматик меъёрига асосланган ҳолда бериб келинди. Ўзбек субстанциал тилшунослиги ўзбек тилининг агглютинатив табиати ва онтологик шакл яшаш хусусиятига таянган ҳолда грамматик кўрсаткичларнинг янги таснифини берди. Бунга кўра:

- а) луғавий шакл ҳосил қилувчи;
- б) синтактик шакл ҳосил қилувчи;
- с) луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи

фарқланди:

Луғавий шакл ҳосил қилувчи – сўз маъносини қисман ўзгартирувчи, муайянлаштирувчи қўшимча. Масалан, (*китоб*) сўзида бирлик маъноси ҳам (*Бу китоб қизиқарли*), кўплик маъноси ҳам (*Дўконга китоб келди*) мужассамланган. Нутқ шароити, матн (*китоб*) сўзида бирлик ёки кўплик воқеланишини ажратиш беради. Шу сўзга (*–лар*) шакли қўшилиши билан у (*китоб*) сўзида бирлик маъносини кўплик маъносидан чегаралайди, яъни луғавий маънони муайянлаштиради, торайтиради. Лекин янги сўз ясамайди, сўзни синтактик алоқага киритиш учун хизмат қилмайди. Луғавий шакл ҳосил қилувчи, асосан, тўрт йирик сўз туркуми – феъл (нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ўзгаловчи, синтетик ва аналитик ҳаракат тарзи шакллари), от (сон, кичрайтириш-эркалаш), сифат (даража) ва сонда (унинг маъно турини ҳосил қилувчилар) мавжуд бўлиб, қўлланилиши ўзи мансуб сўз туркуми билан чегараланади. Шу боисдан улар таснифловчи, яъни сўзларни таснифлаш чоғида бир туркумни бошқаларидан ажратувчи шакл деб юритилади.

Синтактик (алоқа-муносабат) шакл ҳосил қилувчилар сўз луғавий маъносига таъсир этмай, сўзларни бир-бирига боғлашга ёки уларга маълум бир синтактик вазифа беришга хизмат қилади. Анъанавий таърифлардагидан фарқли равишда алоқа-муносабат шаклининг қўлланилиши луғавий шакллардек бир сўз туркуми билан чегараланмайди, яъни бу шакл исталган мустақил сўзга қўшилиб, уни ўзидан кейинги ёки олдинги сўз билан синтактик алоқага киритади ёки сўзга синтактик вазифа тайинлайди. Келишик, эгалик, кесимлик шакли шундай грамматик восита.

Ўзбек тилида шундай шакллар борки, улар бир томондан сўзнинг луғавий маъносига таъсир этади, иккинчи томондан, уларни синтактик алоқага киритади. Ўзгаловчи категория шакллари шундай иккиёқлама моҳиятга эга. Масалан, *шошилиб гапирмоқ* бирикмасида (*–иб*) равишдош шакли (*шошил*) сўзининг луғавий маъносига таъсир этган, яъни унга равишлик маъносига яқин маъно берган, шу билан биргаликда, бу сўзни кейинги сўзга боғлаш вазифасини ҳам бажармоқда. Шунинг учун

ўзгаловчи категория шакллари луғавий шакл ҳосил қилувчилар ва синтактик шакл ҳосил қилувчилар орасида оралик вазиятни эгаллаб, *луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи* атамаси билан номланади.

Грамматик шаклнинг тузилишига кўра тури. Грамматик шаклнинг тузилишига кўра турлари бир қарашда уларнинг синтетик ва аналитик турининг янгича номланишига ўхшайди. Бироқ синтетик шаклнинг ўзи содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, (*уйдаги*), (*кўчадаги*) сўзшаклларидаги синтетик грамматик шакл (*-даги*) мураккаб шаклга мисол (*-да+ги*).

Грамматик шакл тузилишига кўра содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Содда шакл бир грамматик кўрсаткичдан иборат бўлади. Келишик, эгалик шакллари бунга мисол. Синтетик шаклнинг айрими ва синтетик-аналитик шаклнинг барчаси мураккаб шакл.

Шаклларнинг сўзга қўшилиш тартиби. Аффиксларнинг сўз таркибидаги тартиби маълум қонуниятга эга бўлиб, бу ҳодиса уларнинг тури билан боғлиқ: сўз ясовчи, луғавий шакл ҳосил қилувчи ва синтактик шакл ҳосил қилувчи сўздаги ўрни билан фарқланади.

Морфемаларнинг ўринлашишидаги тартиб ва изчиллик уларнинг маъно-грамматик хусусияти билан боғлиқ, сўзнинг луғавий маъносини ҳосил қилувчи (**сўз ясовчи**) аффикс биринчи, луғавий маънога таъсир қилувчи (**луғавий шакл ҳосил қилувчи**) аффикс иккинчи ва луғавий маънога таъсир қилмайдиган (**алоқа-муносабат**) аффикс учинчи бўлиб қўшилади.

Қўшимчанинг ўринлашувидаги меъёрий ҳолат баъзан истисно кўринишлар ҳам касб этади (*она-лар-им - она-м-лар, айт-ди-нг-лар – айт – ди –лар - инг* каби). Бу кам учрайдиган ҳодиса бўлса-да, унда грамматик, услубий ва диалектал асослар мавжуд.

«Ўзак+сўз ясовчи аффикс+луғавий шакл ҳосил қилувчи+синтактик шакл ҳосил қилувчи» қолипидаги қоида бундаги турларнинг ўзаро муносабати, ҳар бир турнинг ўз ичидаги морфемаларнинг тартиби жиҳатидан бир қанча хусусиятга эга. Қуйида фақат шакл ҳосил қилувчилар доирасида фикр юритамиз (маълумотлар «Ўзбек тили грамматикаси (I том)»дан олинди).

Луғавий шакл ҳосил қилувчининг одатдаги тартиби:

а) отда субъектив баҳо+сон. Субъектив баҳо шаклларининг кам қўлланадиганлари кўп қўлланадиганларидан аввал келади: умуман, «тирик» аффикслар «ўлик» аффикслардан кейин келади (*тойчоқча, тойлоқча*);

б) сифатда [-роқ] аффикси [-иш], [-имтир] аффиксларидан, шунингдек, равишдош ва сифатдошга қўшилганда ҳам уларни ҳосил қилувчи аффикслардан кейин қўшилади (*оқшироқ, кўкимтирроқ, совинқираганроқ, тортиниброқ* каби);

в) сонда тахмин билдирадиган [-ча] аффикси «дона» маъносини ифодаловчи [-та] (урғусиз) унсуридан кейин келади (*ўнтача* каби);

г) олмошда гумон билдирувчи [-дир] (урғусиз) унсури (*кимдир*, *нимадир*), баъзан юклама характерида бўлиб, ҳамма турдаги аффикслардан кейин қўшилади: *нима-лар-ни-дир*;

д) феълда феълнинг даража аффикслари бошқа даража кўрсаткичидан кейин келади: *кўр-ин*, *кўр-ил-ди*, *кўр-иш-ди*, *юв-ин-тир*; лекин ўзликдан бошқа нисбатнинг кўрсаткичлари орттирма нисбат аффиксидан кейин қўшилади: *тарқа-тил-ди*, *югур-тир-иш-ди*, *тик-тир-иш-ди*); феълнинг тарз аффикслари ва кучайтирувчилари (*чайқа*, *бура*, *тўзғи*); бўлишсизлик аффикси (*уринтирма*, *чайқатма*); замон аффикслари; шарт майли аффикси ва буйруқ майлининг кучайтирувчилари (*борди*, *боради*, *борса*, *борай*, *боргин/боргил*), феълнинг ўзгаловчи шаклини ҳосил қилувчи аффикслар (*бормоқ*, *борган*, *бориб* ва бошқалар).

Синтактик шаклларнинг тартиби:

а) нокесимлик шакллари: эгалик аффикси+келишик қўшимчаси ((*боламни*), (*ўқиганимни*));

б) кесимлик шакллари: тасдиқ/инкор+замон/майл+шахс+сон.

Ҳамма турдаги аффиксдан кейин аффикс типигаги юкламалар қўшилади.

Қўшимчалар қўшилишидаги истиснолар:

а) семантик бошқалик талаби билан боғлиқ бўлади;

б) тил ҳодисаларининг даврга кўра ўзгариши (тарих), диалектал фарқ ва ўзгариш хусусияти, поэтик талаб билан боғлиқ бўлади. Мисол: *Билурлар эрди* (Қутб) – *билар эдилар*, *қилмагайларсиз* («Бобурнома») – *қилмагайсизлар*, *солурлар эрди қулоқ* – *қулоқ солур эрдилар*.

Бундай тартиб ўзгариши ўзида нозик маъновий фарқларни акс эттиради.

Шаклларда плеоназм ва тежамкорлик. Бир сўзда маънолари бир хил ёки яқин бўлган қўшимчанинг такрорланиши (икки, баъзан уч) *аффиксал плеоназм* дейилади. Плеоназм аффиксларда бир неча кўринишга эга. Масалан, бир аффикснинг айнан ўзи ёки ташқи шакли ҳар хил бўлган – маънодош аффикслар такрорланади: такрорланган бу аффикслар:

а) зич, кетма-кет ҳолда (*айтинг+из+лар*) ҳам;

б) ажралган ҳолда ҳам бўлиши (*иш+да +лиг+им+да*) мумкин.

Аффиксал плеоназм ҳар хил сабабга кўра юзага келади. Бир аффикс ўзак билан жуда ҳам зичлашиб, ўзакнинг таркибига сингиб кетади, бунда ўзак ўз мустақиллигидан маҳрум бўлади, натижада сўзга шу қўшимчанинг маънодошларидан бири қўшилиши мумкин, қўшимча архаиклашиб, ундан кейин тилдаги истеъмолда бўлган қўшимча

қўшилади ((*ичкарига*), (*ташқарига*), (*нарига*), (*берига*), (*бариси*) каби). Такрорланаётган синоним аффиксларнинг барчаси «тирик» бўлса, улар таъкид, кучайтириш каби услубий вазифани ўз зиммасига олади (*сизлар айтингизлар* каби). Бошқа тилдан кирган аффикс тушунарли ва кенг истеъмолли бўлмаганда ҳам унинг тилимиздаги маънодоши қўлланади (ё^р+он+лар каби). Қўшимча қўшилиши натижасидаги товуш ўзгариши ҳам маънодош аффикснинг қўшилишига сабаб бўлади: (*ярмиси*), (*кичкинагина*), (*униси*), (*анавиниси*), (*қайсиниси*), (*синглиси*), (*тойчоқча*) каби.

Плеоназм аксарият ҳолларда тил эволюцияси билан боғлиқ ҳодиса. Бунга ўзбек тилининг академграмматикасида айрим изоҳ берилган: 1. От ва сифат ясовчи (-лик) аффикси фарқланиб, вазифаси ажралиши ([*-ли*] сифат ясайди, [*-лик*] от ясайди) натижасида улар кетма-кет қўлланадиган бўлган: (*ақллилик*), (*ифодалилик*), (*билимлилик*). 2. Оғзаки сўзлашув нутқида баъзан учраб қоладиган (*машишоқчи*), (*ходимчи*) каби сўзларда «бажарувчи» маъноси икки марта ифодаланган: ички флексия (араб тилида [*машишоқ*] – машқ қилувчи шахс, [*ходим*] – хизмат қиладиган шахс) ва [*-чи*] аффикси орқали. 3. Бир хил маънодаги икки аффикс қўшма аффикс мақомини олади: [*ёзингарчилик*], [*намгарчилик*], [*расвогарчилик*] каби. 4. Келишик ва эгалик аффиксларининг икки марта ифодаланиши (*қитобни уч сўмданга олди*, *романнинг сўзбошиси*) ҳам плеоназмнинг ўзига хос кўриниши. 5. Бир қўшимчанинг ўзи такрорланганда, кўпинча улар морфема фонетик вариантларининг қатор келиши тусида бўлади (фонетик, услубий қулайлик): *қисталанг* ([*-та*], [*-ла*]), *шошилинч* ([*-л*], [*-н*]), *тиқилинч* ([*-л*], [*-н*]) каби. 6. Бир маънодаги икки аффикснинг кетма-кет қўлланиши аналогия натижасида туғилиши ҳам мумкин. Масалан, *бири - бириси*, *йиғлоқ- йиғлоқи*, *сайроқ- сайроқи*, *ўйноқ-ўйноқи*.

Тежам – плеоназмнинг зидди. Тилдаги тежам тамойили сўзловчи (индивид)нинг руҳий, психофизиологик қувватини тил бирликларини қисқартириш, тушириб қолдириш орқали тежаш, коммуникацияга кетадиган вақтни камайтириш, тилдаги ортиқчаликни бартараф этиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, зоҳир бўладиган умумлисоний қонуният. *Он келинг* (олиб келинг), *буям* (бу ҳам), *қонг* (қолинг) каби ҳодиса бунга мисол бўлади. Тежамкорликнинг фонетик, морфологик кўриниши мавжуд. Морфологик тежам асосида фонетик тежам ётади. *Йирик-ирик*, *йигит-игит*, *йироқ-ироқ* қисқаруви фонетик тежамга мисол. *Олиб бер - обер*, *бизим - бизнинг*, *сизинг - сизнинг* кабилар морфологик қисқарувга мисол. *Олиб бер - обер*, *бизим - бизнинг*, *сизинг - сизнинг* тежалишлари – нутқий қисқарув.

Тежам ўз мақомига кўра ё лисоний, ё нутқий бўлиши мумкин. Масалан, жўналиш келишиги шакли дастлаб [*-қару*] кўринишида бўлган, бугунги кунда у қисқариб, [*-га*] шаклига келиб қолган. Бу – тежамнинг

лисонийлашуви. *Олиб ,ер - обер, бизим - бизнинг, сизинг - сизнинг* тежалиши нутқий қисқарув. Чунки, масалан, *сизинг* сўзшаклидаги (*-инг*) лисонда [*-нинг*] шаклида яшайди. Тилшуносликда фақат нутқий қисқарувларнигина тежам сифатида тан олишга мойиллик кучли.

Тежам ўз моҳиятига кўра нутқий алоқани осонлаштиришга хизмат қилади, бироқ ахборот кўламига салбий таъсир кўрсатмайди.

Грамматик категория. *Категория* атамаси тилшуносликка фалсафадан кирган термин. У фалсафада «объектив борлик ва билишдаги моҳиятан кўпроқ қонуний алоқа ва муносабатни акс эттирувчи умумий тушунча» тарзида таърифланади. Фалсафада ҳам, тилшуносликда ҳам категория бир хил нарсани атайди, яъни категория учун жуфтлик ва алоҳидалик хос бўлиши шарт. Фалсафада жуфтликни сабаб-натига, моҳият-ҳодиса, бутун қисм, алоҳидаликни борлик, миқдор, макон ташкил этса, тилшуносликда *категория* атамаси остида зидланган иккилик (сон категорияси) ёки кўплик (келишик категорияси) тушунилади.

Бугунги тилшунослигимизда *грамматик категория* атамаси остида, асосан, морфологик категорияни тан олиш устувор. Умуман, синтактик категория ҳам грамматик категория сифатида қаралса-да, хусусий ҳолларда, яъни синтактик текширишларда *категория* тушунчаси эътиборга молик аҳамият касб этмайди. Бунга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Бутун учун қисм ва улар орасидаги муносабат, система учун элемент ва уларни бирлаштирувчи алоқа шарт ва зарур бўлганлиги каби грамматик категория (қисқ.ГК) учун ҳам (айни пайтда морфологик ҳодиса ҳақида сўз юритаётганимиз туфайли *грамматик категория* атамаси остида морфологик категорияни назарда тутамиз) алоқа ва алоқада турувчи бирлик зарур. Муайян маъно умумийлиги остида бирлашган ва ўзаро бу маънонинг парчаланиши, хусусийлашуви асосида зидланадиган шакллар системаси ГК ҳисобланади. ГК грамматик шаклларнинг оддий арифметик йиғиндиси эмас, балки маълум бир турдаги шаклларнинг умумий маъно асосидаги барқарор муносабати тизмасидан иборат бўлган янги бир бутунлик. Бунда умумийлик ва фарқ умумий маъно асосида бўлиши лозим. Буни ёрқин идрок этиш учун келишик категорияси ва равишдошларни *грамматик категория* тушунчасига муносабат нуқтаи назаридан кузатиш етарли.

Маълумки, келишикнинг моҳияти «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга тобелаб боғлаш»дир. Бу моҳият фақат ана шу морфологик кўрсаткичлар тизимида хос. Ҳар бир келишик ушбу маънони ўзига хос тарзда хусусийлаштириб, бу билан бир-бирига зидланади. Масалан, қаратқич келишиги «олдинги исмни кейинги исмга», тушум келишиги «олдинги исмни кейинги феълга» хусусийлашмасига эга. Бу хусусийлашмалар лисоний маънонинг парчаланишлари бўлиш билан

бирга, мазкур келишикларнинг фарқловчи белгиси ҳам. Демак, ҳар бир келишикка хос «парча» келишик моҳиятининг хусусийлашмаси, зидланиш эса ана шу парчалар асосида. Равишдош шакллари эса «фёълни фёълга боғлаш» маъносига эга. Бироқ равишдош шакллариаро фарқ ўзга категориялар маъносининг ушбу шакллардаги тажаллиси эвазига. Масалан, [-гани] равишдош шаклидаги «мақсад» маъноси майл категориясининг ушбу шаклдаги тажаллиси, ёки [-гач] шаклидаги «пайт» маъноси замон категорияси маъносининг мазкур кўрсаткичдаги кўриниши. Агар шакллари фақат «фёълни фёълга боғлаш» маъносининг парчаланиши асосида зидланса эди, равишдошни алоҳида категория сифатида баҳолаш лозим бўлур эди. Ҳолбуки, равишдош шакллари фёълни фёълга боғлаш нуқтаи назаридан ўзаро фарқ қилмайди

Таъкидлаш лозимки, грамматик категория ва унга мансуб грамматик шакл ўзаро поғонали, бутун-бўлак муносабатларида бўлади. Бу эса бирор грамматик шаклнинг қайсидир грамматик категорияга мансуб бўлмаслиги мумкин эмаслигини кўрсатади. Тўғри, айрим категорияда моддий ифодали грамматик шакл битта бўлади. Моддий кўрсаткичи битта бўлган категориясида муайян морфологик формани ясовчи асоснинг ўзи ноль кўрсаткичли бўлиб, иккинчи морфологик шаклни ташкил қилади. Масалан, отнинг сон категориясида шундай ҳолни кўриш мумкин. Бунда бирлик сон ноль шаклли грамматик кўрсаткич бўлиб, у ушбу шаклий ва шунга мувофиқ маъновий моҳияти билан [-лар] шаклига зиддиятда туради. Сифатлардаги оддий ва қиёсий даража шакллари ҳам фикримизни далиллайди.

Дарслик ва академграмматикада [-ники], [-даги], [-дек], [-гача] бирликларини гоҳ нокатегориал шакл ясовчи, гоҳ сўз ясовчи сифатида қараш ҳоллари учраб туради. Бу тилшунослигимизда ўрганилиши лозим бўлган муаммолардан.

Демак, нокатегориал грамматик шакл бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун грамматик шаклни категориал ва нокатегориал каби турга ажратиш ва зид қўйиш илмий асосли эмас. Шундай қилиб, грамматик категорияга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Бир умумий грамматик маъно остида бирлашувчи, шу асосда бир-бирини тақозо ва бу умумий маънонинг парчаланиши асосида инкор қилувчи шакллар тизими грамматик категория** дейилади.

Ўзбек тилшунослигида тилимиздаги 9 та ГК мавжудлиги тан олинади:

- 1) нисбат категорияси;
- 2) ўзгаловчи категорияси;
- 3) ҳаракат тарзи категорияси;
- 4) бўлишли-бўлишсизлик категорияси;
- 5) сон категорияси;

- 6) даража категорияси;
- 7) келишик категорияси;
- 8) эгалик категорияси;
- 9) кесимлик категорияси:
 - 9.1) шахс-сон;
 - 9.2) замон;
 - 9.3) тасдиқ-инкор;
 - 9.4) майл (модаллик)

ГК ҳам серқирра моҳиятли лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли турли томондан тасниф қилинади. Улардан айримларини келтирамиз:

1. Категория шаклларининг маъновий таркибига кўра.

2. Морфологик категория (МК)нинг сўз туркуми ёки гап бўлақларига хослигига кўра.

3. МК синтактик қобилиятининг йўналишига кўра.

Биринчи таснифга мувофиқ, ГК содда ва мураккаб категорияга бўлинади. Нисбат, субъектив муносабат, сон, қиёслаш, даража, эгалик содда категория сифатида қаралади. Чунки уларда маъно содда бўлиб, уларда бошқа категория тажаллисини кўрмаймиз. Чунончи, сон категориясининг маъноси миқдорий ва сифатий белгиларнинг маълум йиғиндисидан иборат бўлса, келишик категорияси тобеликни ифодалайди. Даража категорияси белгининг қиёсан эканлигини кўрсатса, нисбат категорияси феъл англатган бажарувчининг миқдор ва сифат жихатдан тавсифини беради. Бу соддалик, албатта, нисбийдир. Чунки грамматик маъно таркиби категориал, ёндош ва ҳамроҳ маънодан иборатлиги бундай ҳукм чиқаришга йўл бермайди. Бироқ бу категорияларда мавжуд маънолардаги ёндош ва ҳамроҳ маъно бошқа бир морфологик категорияга эмас, балки умуман бошқа қайсидир сатҳга тегишли.

Мураккаб категория шаклларида маъно мураккаб бўлиб, бошқа категорияга мансуб маънолар ҳам мужассамлашган бўлади. Эгалик, ўзгаловчи, ҳаракат тарзи, кесимлик ана шундай ГКлардан. Масалан, эгалик категориясида уч хил маъно мужассамлашган бўлади:

а) лисоний (сўзларни бир-бирига боғлаш) ва нолисоний (борлиқдаги бир нарса/шахснинг иккинчи бир нарса/шахсга мансублиги) муносабатни ифодалаш;

б) шахс маъноси (эгалик категорияси учун нокатегориал, яъни ёндош);

в) сон маъноси (эгалик категорияси учун нокатегориал, яъни ёндош).

Кесимлик категорияси ҳам мураккаб бўлиб, унда тасдиқ/инкор, майл-замон, шахс-сон ва замон маънолари бирлашган ва улар битта қўшимчада ёки бир неча қўшимчада юзага чиқади. Масалан, *олмани ол* гапида (*ол*) сўзшакли тасдиқ, буйруқ майли, иккинчи шахс, birlik сон ва

ҳозирги замон маъноларини воқелантириб келмоқда ва булар ноль шакл билан ифодаланмоқда. *Китобни олмадингиз* гапида инкор маъноси (-ма) кўшимчаси билан, майл ва замон маъноси (-ди) шакли билан, кўплик маъноси (-из) шакли билан ифодаланмоқда.

Ўзгаловчи категорияси ҳам мураккаб бўлиб, унда равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шакллари маънолари ёндош маъно сифатида бир бутунликни ташкил этади.

Сўз туркуми ёки гап бўлагига хослиги жиҳатидан МК иккига бўлинади:

- а) лексик-морфологик категория;
- б) функционал-морфологик категория.

Лексик-морфологик категория сўзларнинг айрим гуруҳига, яъни тукумларга хос бўлиб, улар сирасига нисбат, ҳаракат тарзи, бўлишли-бўлишсизлик, ўзгаловчи, сон, субъектив муносабат, қиёслаш, даража категориялари киради. Келишик, эгалик, кесимлик функционал-морфологик категориядир. Чунки кесимлик категорияси кесим вазифасида келувчи барча сўзга хос. Келишик категорияси сўз бирикмасидаги тобе аъзо вазифасида келувчи сўзни шакллантирса, эгалик категорияси қаратувчили бирикмадаги ҳоким аъзони шакллантирувчи грамматик категориядир. Формал ўзбек тилшунослигида келишик ва эгалик категориясининг от туркумига, шахс-сон категориясининг феълга хослиги уқтирилар эди. Бу ҳам, албатта, асоссиз эмас. Чунки келишик ва эгалик категорияси кўрсаткичлари кўп ҳолларда отни шакллантирса, кесим вазифасида келишга асосан феъл хосланган. Феъл феъл бўлганлиги учун эмас, балки кесим вазифасида келганлиги учун тусланади. От эса от бўлганлиги учун эмас, балки тобе аъзо вазифасида келганлиги учун турланади. Чунки сўзларнинг туркумга ажралишидаги дастлабки асос уларнинг синтактик вазифасидир. «Аввало гап бўлаклари фарқланган ва, шунга мувофиқ, сўз туркумлари ажратилган» (И.И.Мешчанинов). Демак, келишик ва эгалик категориясини фақат отга, кесимлик категориясини фақат феълга боғлаб қўйиш уларнинг имкониятини торайтириб қўйишдир.

МК синтактик қобилиятининг йўналишига кўра таснифида «биринкетинлик», яъни грамматик категория синтактик қобилиятининг «олдингиси билан» ва «кейингиси билан» сифатида белгиланиши назарда тутилади. Масалан, (*китобнинг*) сўзшаклидаги (-нинг) ўзидан кейин эгалик шаклини олган от келиши шартлигини, (*китоби*) сўзидаги (-и) бу сўзшаклдан олдин қандайдир қаратқич аниқловчи бўлиши зарурлигини кўрсатади. Ўзбек тилида эгалик, нисбат, ўзгаловчи, кесимлик, қиёслаш, сон категорияси сўзшаклнинг «олдингиси билан» алоқаларини кўрсатса, келишик ва ўзгаловчи категориясининг равишдош ва сифатдош шакллари сўзшаклнинг «кейингиси билан» алоқасини ифодалайди. Ўзгаловчи

категориясининг ҳаракат номи шакли ҳамда субъектив баҳо категорияси бу жиҳатдан мўътадил.

Алоқа-муносабат категориялари

Айтилганидек, алоқа-муносабат (синтактик) категориялари сўз туркумига эмас, балки гап бўлақларига, сўзнинг синтактик мавқеига хос. Аниқроғи, сўз маълум бир туркумга хос бўлганлиги учун эмас, балки қайси гап бўлаги вазифасида келаётганлигига, гапда қандай синтактик вазифа бажараётганлигига қараб алоқа-муносабат шаклини қабул қилади. Бироқ бунда сўз туркумининг кўпроқ қайси гап бўлаги вазифасига хосланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, от туркуми кўпроқ тобе мавқеда келиб, эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазифаларини бажаради. Кесим вазифасида келишга эса феъл туркуми хосланган. Шунинг учун бу бир қарашда келишик отга, кесимлик шакли эса феълга хосдек тасаввур уйғотади. Бу – грамматик иллюзия. Аслида барча мустақил сўз туркумининг барча гап бўлақлари вазифасида кела олиши ҳақидаги «аксиома» мазкур шаклларнинг сўз туркумларига муносабатини яққол намоён қилади.

Сўз туркумининг гап бўлақлари вазифасига хосланиши турлича экан, алоқа-муносабат шаклининг уларнинг ҳар биридаги воқеланиши ўзига хос. Қуйида ҳар бир сўз туркуми мисолида бу ўзига хослик таҳлил этилади.

Алоқа-муносабат шаклининг феълда воқеланишини кесимлик категориясидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Зеро феъл – кесим вазифасида келишга энг кўп хосланган сўз туркуми.

Кесимлик категорияси. Маълумки, кесим гап бўлаги сифатида дунёдаги барча тилларнинг синтактик системасида алоҳида ўрин тутаяди. Унинг мавқеи туркий тилларда, айниқса, муҳим.

Туркийшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам кесимлик категориясини махсус морфологик категория сифатида кўрсатиш урф бўлмоқда. Зеро у алоқа-муносабат шакллари сирасида тўлиқ синтактик функция бажариши билан ажралиб туради. Туркий тилларнинг асосий хусусияти шунда. Чунки алоқа-муносабат категориялари сирасидаги келишик ва эгалик сўзларни боғлашга хизмат қилса ва кўп ҳолларда гап бўлақларини белгиламаса, кесимлик шакллари сўзларга алоҳида синтактик вазифа беради. Бошқача айтганда, «гап бўлақларини шакллантириш» белгиси остидаги зиддиятда кесимлик категорияси бу белгига тўлиқ эгалиги билан ажралиб туради. Эгалик категорияси эса гап бўлақларини белгиламайди, балки фақат сўзнинг синтактик муносабатини кўрсатади. Келишик категорияси бу белгига мажхул муносабатда. Чунки, масалан, ўрин-пайт келишигидаги сўз ҳол вазифасида ҳам, бошқа

вазифада ҳам бўлиши мумкин. Қиёсланг: Акам *шаҳарда* яшайди (*шаҳарда* - ҳол). **Шаҳарда** яшайдиган акам келди (*шаҳарда* - аниқловчининг таркибий қисми, ҳол эмас). Бош келишиқдаги сўз эга вазифасида ҳам (**Акам** келди), эгадан бошқа вазифада ҳам (**Акам** ўқиган китоб) кела олади. Шунингдек, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқлари ҳам муайян гап бўлагини шакллантирмайди.

Кесимлик категориясининг маънолари мураккаб бўлиб, улар қуйидагилардир:

а) тасдиқ/инкор маъноси;

б) майл маъноси;

в) замон маъноси;

г) шахс маъноси;

д) сон маъноси;

е) кесимни шакллантириш ва уни гапнинг эгаси ва ҳол билан боғлаш.

Демак, кесимлик категориясида бешта маъновий хусусият ва бир синтактик вазифа мужассам. «Тасдиқ/инкор, майл-муносабат, замон, шахс, сон, маъносини ифодалаб, кесимни шакллантириш ва унинг гап кенгайтирувчилари (эга, ҳол) га синтактик муносабатини кўрсатиш» - кесимлик категориясининг УГМси.

Кесимлик категорияси шакллари учун шахс, сон, замон, майл, тасдиқ/инкор маъноларини яхлит ифодалаш хос бўлиб, бу маъно бир қўшимча билан ҳам, бир неча қўшимча билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *китобни ўқи* гапида (*ўқи*) сўзшакли иккинчи шахс, бирлик, ҳозирги-келаси замон, тасдиқ маънолари воқеланган бўлиб, битта ноль шакл билан юзага чиққан. *Отам – ишчи* гапида ҳам шундай ҳол кузатилади. *Китобни ўқимадингиз* гапида шахс-сон маъноси (-*ингиз*), инкор маъноси (-*ма*), замон маъноси (-*ди*) шакли билан алоҳида-алоҳида равишда ифодаланган.

Эгалик категорияси. Бу категориянинг кўрсаткичлари қуйидаги: - (*и*)м, -(*и*)миз, -(*и*)нг, -(*инг*)из, -(*и*)си. Эгалик аффикси таркибида берилувчи [-лар] шахс ҳақида эмас, балки эгалик қилинаётган нарса/предмет ҳақида маълумот ташигани, шу нарсанинг кўплигига ишора қилганлиги туфайли уни бу категория билан боғлаб бўлмайди. Масалан, ...*Антей кучни ердан олади*, *Саид Аҳмад ...уларнинг мақтовларидан*. *Мақтовлари* сўзшаклидаги (-лар) мақтовнинг кўплигини кўрсатмоқда.

Бу категория шахс ва сон маъноси билан узвий боғланган. Шу боисдан эгалик категорияси (қисқ. ЭК) нинг барча кўрсаткичида бир вақтнинг ўзида шахс маъноси ҳам, сон маъноси ҳам ифодаланади. Ҳолбуки, бу маънолар ушбу категориядан ташқарида ҳам мавжуд (масалан, кишилиқ олмошларида, кесимлик категориясида, шунингдек, отнинг сон категориясида ва ҳ.). Аслида шахс-сон маъносини ифодалаш

учун кишилик олмоши хосланган. Улардан бошқа лисоний бирликлардаги шахс-сон маъноси олмош моҳиятининг тажаллилари. Демак, ЭКнинг моҳиятини шахс-сон маъносининг қўлланилиши билан боғлиқ ўзига хос ҳолатдан ташқаридан қидирмоқ лозим бўлади.

ЭК асосидаги синтактик қурилма ранг-баранг маънони англатади. Бу ранг-баранглик шахс-сон, аниқлик/ноаниқлик каби тажалли маъно, тобе сўзнинг келишик шакли, бирикувчи сўзларнинг семантикаси каби омил билан боғлиқ. Масалан, (*гамим*) сўзшакли контекст билан боғлиқ равишда икки хил маъно англатади: *гамимни едим – гамимни единг*. Шу боисдан ЭК нинг фақат синтактик хусусияти унинг моҳиятига дахлдор. Зеро ЭК УГМсидаги категориал маъно синтактик табиатли, ундан англашиладиган турли маъно ёндош ва ҳамроҳ маъно. Хусусан, «шахс-сон» маъноси ЭК учун ёндош, шахс-сон категорияси учун категориал.

ЭК нинг синтактик (категориал) моҳияти – «кейинги мустақил сўзнинг олдинги ифодаланган (а) ёки ифодаланмаган (б) мустақил сўзга синтактик муносабатини кўрсатиш. Масалан, а) *менинг китобим, менинг борганим, келишининг азоби*; б) *севинчим, ишинг*;

ЭК қаратқич келишиги ва бош келишик шакли билан зич муносабатда бўлади. Аниқроғи, эгалик аффикси билан шаклланган сўздан олдинги, унга тобе сўз қаратқич (а) ёки бош келишикда (б) бўлиши мумкин: а) *менинг китобим, китобнинг варағи*; б) *март ойи, дам олиш кун*, *қиш пайти*. (Кейинги бирикувлардаги бош келишик шаклини белгисиз қаратқич келишиги сифатида тан олиш ҳам учраб туради.)

Кўринадик, эгалик маъноси уч хил усул билан ифодаланади:

1) *морфологик усулда* эгалик маъноси эгалик шакли билан ифодаланади, аммо қаратувчи сўз келтирилмайди: *китобим, ўқиганинг, тақ-туқи*.

2) *морфологик-синтактик усул*. Бунда эгалик субъекти қаратқич келишигида, эгалик объекти эгалик шаклида бўлади: *менинг китобим, сенинг ўқиганинг, болганинг тақ-туқи, гулнинг қизили*.

3) *синтактик усул*. Бунда эгалик субъекти қаратқич келишигида, эгалик объекти эгалик шаклисиз бўлади: *бизнинг уй, сизнинг кўча*.

Модал маъно ЭК учун нокатегориал, яъни ҳамроҳ маъно бўлиб, у ўзининг грамматик категориясига эга эмас. I шахс бирлик, III шахс кўшимчасидан бошқаси модал маъно ифодалайди. «Сизлаш», «сенсираш», «камситиш», «кесатиш», «ҳурмат» каби қатор маънолар модал маъно. Бу, айниқса, кўпликда яққолроқ кўзга ташланади. *Акамнинг китоблари, дадамнинг машиналари* каби.

Эгалик кўшимчаларининг хусусий қўлланишида «бутун-қисм» маъносининг юзага чиқишини ҳам кузатиш мумкин: *ўқувчиларнинг бири, талабаларнинг аълочиси, одамларнинг ўқигани* каби.

ЭК нинг УГМси категориал ва ёндош маъно асосида бир неча ОГМга ажралади:

- 1) «қарашлилиқ/мансублиқ»: *Илҳомнинг китоби, боланинг отаси, қўйнинг боши*;
- 2) «фоил-ҳаракат»: *Адибанинг кулиши, сенинг қаришинг*;
- 3) «аниқланмишни аниқловчига боғлаш»: *қовун бозори, гўшт дўкони*;

Бу ОГМларнинг ҳар бири боғланаётган сўзларнинг хусусиятига боғлиқ равишда қатор ХГМларда юзага чиқиши мумкин: *боланинг отаси, гулнинг барги, Моҳигулнинг китоби, қизларнинг биттаси*. Масалан, бола ва ота орасида қариндошлиқ муносабати бўлганлиги сабабли уларнинг ифодаловчилари бўлган (*бола*) ва (*ота*) сўзи эгалик шакли билан боғланганда, ХГМ «қариндошлиқ» бўлади. *Илҳомнинг китоби* бирикувида уч хил ХГМ юзага чиқади: «Илҳом ёзган китоб», «Илҳомга қарашли китоб», «Илҳом ҳақидаги китоб».

ЭК нинг иккинчи ОГМси боғлиқ қуршовда – аниқланмиш вазифасида ҳаракат номи, сифатдош, баъзан феълдан ясалган от келган сўз бирикмаларида воқеланади. Бундай бирикмаларда аниқланмиш ҳаракат-ҳолат маъносида, қаратқичли аниқловчи эса фоил/субъект маъносига эга бўлади: *Ситоранинг келиши, Муниранинг айтгани* каби.

ЭК нинг учинчи ОГМси сўз бирикмалари тузиш, сўзлараро синтактик алоқани ўрнатиш учун хизмат қилади. Мисоллар: *Астрободнинг бир кун* *бир йилга тенг*. (Ойб.) *Ойгулнинг йўқлигидан бўлди*.

ЭК шакллариининг синтактик вазифа бажариши – отли бирикма ҳосил қилиш вазифаси асосида тадқиқотчилар туркий тиллар сўз бирикмалари тизимида ҳам, гап қурилишида ҳам алоҳида қурилиш – поссессив (қарашлилиқ) қурилиши мавжудлигини қайд этади ва поссессив қурилиш номинатив қурилишга қарама-қарши қўйилади. Ҳақиқатан ҳам, истаган турдаги гап қаратувчи бирикма вариантыга эга бўлиши мумкин: *қизлардан битта – қизларнинг биттаси, молга қул – молнинг қули, ватан учун кураш – ватан кураши, қизил гул – гулнинг қизили*.

ЭК нинг синтактик функцияси айрим сўзлар таркибида бутунлай сўниб кетади: *кечаси, ўрни, қайси* каби.

Келишиқ категорияси. Келишиқ категорияси (қисқ. КК) морфологик категория сирасида устувор синтактик табиати билан ажралиб туради. У ЭК билан биргаликда синтактик шаклларнинг сўз бирикмасига хос гуруҳини ташкил этиб, гапга хос кесимлик категориясидан фарқланади. ККнинг УГМси – «синтактик қурилмада олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш». Бу билан у ЭК га қарама-қарши турса, феълнинг ўзгалоовчи категорияси, боғловчилар ва кўмакчиларга яқин туради. Аммо улардан фарқли жиҳатга эга. Кўмакчидан морфологик

кўрсаткич (кўшимча) эканлиги билан фарқланади. Кўмакчилар грамматик маъно ифодалаш, сўзларни бир-бирига боғлаш вазифасини бажарса-да, лексик бирлик ҳисобланади. Ўзгалоғчи категория шакллари билан барча мустақил сўзни синтактик алоқага киритиш, сўзнинг луғавий маъносига таъсир этмаслиги билан ажралади. Ҳолбуки, ўзгалоғчи категорияси фақат феълга хос ва феълларнинг луғавий маъносига таъсир этиши билан луғавий-синтактик моҳиятга эга. Шунинг учун улар «феъл келишиклари» деб ҳам юритилади. Боғловчилардан эса тобе алоқа учун хизмат қилиб, сўз бирикмаларига хослиги ҳамда грамматик кўрсаткич (кўшимча) эканлиги билан фарқланади.

КК олти шакли система бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъновий ва синтактик хусусиятлар яхлитлигидан иборат. КК шакллари системаси қуйидаги жадвалда акс этган (21-жадвал):

21-жадвал

№	Келишик	Кўшимчаси	Мисоллар
1	Бош келишик	-0	<i>Китоб, яши, ўн, мен, бориш</i>
2	Қаратқич келишиги	-нинг	<i>Китобнинг, яшининг, ўннинг, менинг, боришининг</i>
3	Тушум келишиги	-ни	<i>Китобни, яшини, ўнни, мени, боришни</i>
4	Жўналиш келишиги	-га	<i>Китобга, яшига, ўнга, менга, боришга</i>
5	Ўрин-пайт келишиги	-да	<i>Китобда, яшида, ўнда, менда, боришда</i>
6	Чиқиши келишиги	-дан	<i>Китобдан, яшидан, ўндан, менадан, боришдан</i>

Бош келишик. Бош келишик (қисқ. БК) 0 шакли бўлиб, унинг моҳияти бошқа келишикларга қарама-қарши қўйилиш асосида белгиланади. БК даги сўзшакл гап таркибида тобе мавқедаги истаган гап бўлаги, сўз ёки гап кенгайтирувчиси бўлиб кела олади. Мисоллар:

Эга: *Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади.* (Ҳ.Олим.)

Аниқловчи: *Билим – бахт калити.* (Мақ.)

Тўлдирувчи: *Кўрпанга қараб оёқ узат.* (Мақ.)

Ҳол: *Шип этди, Шибиргон кетди.* (Топиш.)

Дарслик ва қўлланмаларда БК кесим вазифасидаги сўзни ҳам шакллантиради дейилади: *Отам – ўқитувчи. Дил қулфи – тил* каби. Бироқ бунда [ўқитувчи], [тил] сўзшакллари кесим вазифасида бўлиб, бошқа бўлақларга мутлақ ҳоким. ККнинг синтактик моҳияти эса «синтактик қурилмада олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш». Бу моҳият

нуктаи назаридан келишикларга муносабатда бўладиган бўлсак, кесимда бош келишикни қидириш – мантиқсиз. Чунки:

а) кесимлик категорияси таркиби мураккаб бўлса-да, унда келишик шакли мавжуд эмас;

б) КК умумтуркумий категория экан, унда кесим вазифасидаги барча мустақил сўзларда келишикни қидиришга тўғри келган бўлар эди;

в) КК синтактик моҳияти «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» экан, кесим энг охирги сўз бўлиб, ундан кейин боғланадиган бирлик йўқ;

г) айрим тадқиқотларда бундай пайтда келишик маъноси ва вазифаси ўта даражада кучсизлашади, дейилади. Аслида бунда кучсизлашиш шу даражадаки, келишик моҳияти мутлақо воқеланмайди – «кўринмайди». Бу эса ушбу позицияда келишикни қидирмасликни тақозо қилади.

Тилшунослар туркий тилларда «бош келишикдаги сўз гапнинг хоҳлаган бўлаги бўлиб кела олиши»ни таъкидлашади. БК нинг бу хусусияти бошқа келишикларнинг ўрнини алмаштира олиши билан белгиланади. Аммо бу имконият чегараланган. КК системаси икки микросистемадан иборат: БК, қаратқич келишиги (қисқ. ҚК), тушум келишиги (қисқ. ТК) ва жўналиш келишиги (қисқ. ЖК), ўрин-пайт келишиги (қисқ. ЎПК), чиқиш келишиги (қисқ. ЧК). БК биринчи микросистемага мансуб бўлганлиги учун унинг ҚК ва ТК ни алмаштириши бемалол. ЖК, ЎПК ва ЧК га нисбатан бу имконият ниҳоятда чегараланган. Масалан, *икки кундан кейин – икки кун кейин, қишлоққа кетди – қишлоқ кетди, оқшомда кетди – оқшом кетди*.

Қаратқич келишиги. ҚК уч хил қўлланади: *китобнинг вараги, менинг уйим, қошин қароси*. ҚК кўрсаткичини олган сўз – қаратқич, у боғланган сўз – қаралмиш. Қаратқич-қаралмиш муносабати анча барқарор бўлиб, бу ҚК кўрсаткичининг сўз бирикмасидаги ўрни анча барқарорлиги билан белгиланади.

ҚК *шунинг учун, шунинг сингари* каби бирикувларда сўз бирикмаси ҳосил қилмайди, балки сўзнинг ажралмас қисмига айланади.

ҚК ни олган сўз ЭК ни олган сўз билан бирга қўлланади. Бундай қурилишли сўз бирикмалари – [ҚКдаги исм + ЭКдаги исм] сўз бирикмаси умумий қолипнинг воқеланиши.

ҚК нинг келтирилган уч хил кўриниши нутқ кўриниши, боғланувчи сўзларнинг луғавий маъносига боғлиқ равишда юзага чиқади.

Тушум келишиги. ТК нинг морфологик кўрсаткичи – [-ни]. Варианти – ([-н], [-и]). ТК даги сўз фақат феъл билан боғланади. Феъллар ТК даги сўзга муносабатига кўра, иккига ажралади: ўтимли феъл ва ўтимсиз феъл. ТК ҳам кўп ҳолда БК билан ўрин алмашади: *китобни ўқиди – китоб ўқиди, олмани еди – олма еди*. ТК билан шаклланган сўз гап

таркибида сўз кенгайтирувчиси – тўлдирувчи вазифасини бажаради: *Новдаларни безаб гунчалар, тонгда айтди ҳаёт отини.* (Ҳ.Олим.)

Келишикларнинг белгили/белгисиз қўлланилиши масаласи мунозарали. КК даги сўз уюшганда олдинги сўзшакллардаги келишикнигина белгисиз дейиш маъқул. Масалан: *Ҳалим, Карим ва Ҳалимни кўрдим* (белгисиз ТК). *Оналарим ва акаларимнинг дардлари бир дунё* (белгисиз ҚК). *На сада дарахтлари ости, на мачитлар, на доим базм қизийдиган гавжумда бирор шарпа эшитасиз* (белгисиз ЎПК). (Ж.Абд.)

Жўналиш келишиги. ЖК кўрсаткичи – [-га]. ЖК семантикасига йўналганлик, хослик, тенглаштириш каби маъно тури хос. Бу маънолар бирикувчи сўзларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариб кетаверади: *укамга олмоқ, мактабга бормоқ*. Биринчи бирикмада «аталганлик» маъноси (*ука*) ва (*ол*), иккинчи бирикмада «йўналганлик» маъноси (*мактаб*) ва (*бормоқ*) сўзларининг луғавий ва грамматик маъносига боғлиқ. ЖК УГМдаги категориал маъно эса «олдинги сўзни кейинги сўзга ҳол ва тўлдирувчи вазифасида боғлаш».

Ўрин-пайт келишиги. ЎПК кўрсаткичи – [-да]. ЎПК КК УГМсини «олдинги сўзни кейинги сўзга ҳол ва тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради. ЎПК ва ЖК «йўналганлик» ва «ўринлашганлик» ёндош маъноси билан фарқланади.

ЎПК нинг БК билан ўрин алмашишига мисол: *Ситора 1998 йил (да) туғилди*. Бундай алмашиш кам учрайди. ЎПК қўлланишида сўзда макон, замон, объект, восита каби маънолар юзага чиқади: 1. *Мунира компьютерда ёзди* (восита). 2. *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда* (пайт). (Ҳ.Олим.) *Ҳаммаси муқаддас китобларда айтилган* (макон).

Чиқиш келишиги. ЧК ягона кўрсаткичга эга: [-дан]. Бу кўшимча кўрсатиш олмошларига қўшилганда бир (*н*) товуши орттирилади: *у+дан=ундан, шу+дан=шундан*. Айтилганидек, БК билан ЧК нинг ўрин алмашиши ниҳоятда чекланган: *нондан энг-нон энг, чойдан ичинг-чой ичинг* каби. ЧК даги сўз гап таркибида ҳол, тўлдирувчи, эга, кесим вазифасида келади. Эга ва кесим вазифасида келганда ЧК моҳияти воқеланмагандек туюлади. Мисоллар: *Мунирада шу китоблардан бор. Ҳижолати вазифани бажармаганидан*. Эътибор қилинса, бунда лисоний қисқарув мавжуд: *Мунирада шу китоблардан (бир нечтаси) бор. Ҳижолати вазифани бажармаганидан(дир)*. Биринчи гапда аслида *бир нечтаси* сўзшакли эга, иккинчи гапда *-дир (турур)* кесим бўлган.

ЧК ТК билан ҳам ўрин алмашиши мумкин. Бунда семантикада фарқ сезилади: *нондан энг-нонни энг, чойдан ичинг-чойни ичинг*. ЧКнинг ҚК билан ўрин алмашишида ҳам шундай ҳол кузатилади: *ўқувчилардан бири – ўқувчиларнинг бири*.

Эслатма. Дарслик ва грамматикаларда ҳар бир келишикнинг йигирма-ўттиз маъно тури келтирилади. Уларнинг аксарияти КК УГМсига хос бўлмаган, бирикувчи сўзнинг луғавий ва грамматик маъносига боғлиқ ҳодисалар. Шу боисдан ҳар бир келишик моҳиятини КК УГМдаги категориал маъно – «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» моҳиятини қай тарзда хусусийлаштиришидан қидирмоқ лозим.

Эслатма. Туркий тилларда келишикларнинг семантик ва вазифавий жиҳатини бир-биридан алоҳида ва ҳар хил микросистемаларга кескин бўлиб ўрганиб бўлмайди, чунки бу тиллар келишикларининг маъно ва вазифаси диалектик бирликда яшайди, келишикнинг турли функцияси бир-бирига турли белгилари билан қарама-қарши қўйилади. Масалан, ЖК, ЎПК ва ЧК бир хил – ҳол ва тўлдирувчи вазифасида кела олади. Бирок улар бу вазифани турлича бажаради.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Сўз туркумлари ва уларни таснифлаш тамойиллари

Лексема ҳам серқирра моҳиятли лисоний бирлик, унинг таснифида бу жиҳат асосий диққат марказида туриши лозим. Чунки лексеманинг ҳар бир қирраси алоҳида бир таснифга асос бўлади. Унинг ҳар бири ўз ўрнида аҳамиятли.

Сўз туркумларида лексика ва грамматика, лисон ва нутқ, тил ва борлиқ муносабатлари шундай қоришадики, бу мураккаб ҳолат уларни таснифлашни мураккаблаштиради.

Сўз лексика учун ҳам, грамматика учун ҳам асосий ва зарурий бирлик. Модомики, сўз туркумлари ўзида у ёки бу белгисига кўра ажратилган сўз гуруҳлари экан, гуруҳга ажратишга доир муаммоларни лексика, морфология ва синтаксис билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ўзларича ҳал этади. Бундаги илмий баҳслар, аввало, туркумларга ажратиш мезонлари, ажратилувчи гуруҳлар сони ва уларнинг таркиби масаласи. Бошқача айтганда, тилшунослигимизда асосий эътибор сўз туркумлари таснифига қаратилиб, бошқа бир муҳим масала – сўз туркумларининг ўзаро муносабати, уларнинг кесишув нуқталари, яқинлашуви ва узоқлашуви кўпинча назардан четда қолади.

Сўз туркуми сони ва таркибини аниқлашда дунё тилшунослигида бўлгани каби, ўзбек тилшунослигида ҳам, сўзларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятини инобатга олиш кенг тарқалган. Бироқ амалиётда сўз туркумларини ажратишда, асосан, уларнинг семантик хоссасига таяниш урф бўлган. Айрим тилшунослар томонидан таснифда маъновий белги бош ва ягона асос сифатида қаралади. Баъзилар эса мезон сифатида мазкур уч белгини тан олгани ҳолда сўзларни маъновий ва синтактик белгилари асосидагина гуруҳлашади. Сўз туркумларининг бир-бирига ўтиши, лексик ва лексик-грамматик омонимия масаласи эса бунда ҳар хил қарама-қаршилик ва иккиланишлар юзага келишига сабаб бўлади.

Сўз гуруҳлариаро муносабатларнинг очилиши у ёки бу белги асосида сўз туркумининг муайян турини ажратишга, таснифини беришга олиб келади. Шунинг учун мантиқий қарама-қаршиликдан қочиш мақсадида формал мантиқнинг борлиқ ҳодисасини таснифлашга қўядиган асосий талабидан бири бўлган «таснифни фақат бир мезон асосида амалга ошириш, таснифнинг икки белгисини бир пайтнинг ўзида қўллаб, уларни қориштирмаслик» қоидасига қатъий риоя қилиш лозим.

Шундай қилиб, сўзлар семантик, морфологик ва синтактик белгиси асосида тасниф қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу уч белги ҳар бир сўзда диалектик бирликни ташкил этадими, деган савол туғилиши табиий.

Бошқача айтганда, маълум бир семантикада маълум бир морфологик белги ва синтактик хусусият мужассамлашганми? Масалан, предметни ифодаловчи сўз (яъни предметлик маъноси) сон, келишик, эгалик маъноларига, шунингдек, субъект, объект вазифаларига эгами? Далиллар шуни кўрсатадики, улар субъект, объект вазифаларида келади. Шу билан биргаликда, атрибутив вазифада келиб, предметнинг белгисини (*тилла узук, қум соат*), белгининг белгисини (*товушдан тез, ёвдан хавфли*) билдиради. Белги маъноли сўз эгалик, келишик аффиксларини олиши, гапда субъект, объект вазифаларида келиши мумкин (*Олманинг қизили пишиди, гулларнинг оқидан терди* каби.)

Семантик-морфологик-синтактик белгилар бирлиги асосида таснифлаш тарафдорлари бунда ё омонимия, ё субстантивация (отлашиш) ҳодисасини кўрадилар. Чунки бу сўзларда белги ҳам, предметлик ҳам муштарак.

Сўзларнинг баён этилган семантик хусусиятлари, яъни «белгилик» ва «предметлик» маъносининг бирлиги шуни кўрсатадики, сўзларнинг эгалик, келишик, кесимлик аффикслари ҳамда маълум бир синтактик вазифа билан тўғридан-тўғри алоқаси йўқ. Такрор бўлса-да, айтиш жоизки, эгалик, келишик, кесимлик аффикслари, шунингдек, гапда маълум бир синтактик вазифа бажариш бирор сўз туркуми учун хусусийлашмаган. Тўғри, айрим сўзлар фақат предметни билдирса-да, белги ифодаламайди (масалан, атоқли отлар), баъзилари эса предметга ишора қилмасдан, фақат белги, миқдор (масалан, [кўп], [оз], [бир], [икки]) ифодалаши мумкин. Бу юқоридаги фикрга монелик қила олмайди. Чунки улар жуда оз миқдорда бўлиб, улар «предметлик ва белгилик муштараклиги майдони»нинг чеккасидан ўрин олади. Чегарадан ўрин эгалловчи бундай сўзлар таснифда, албатта, қийинчилик туғдиради. Шу боисдан улар сунъий равишда у ёки бу туркумга киритиб юборилади. Ҳолбуки, бундай бирликларнинг ўрни ажратилаётган сўз туркумларининг сарҳадида. Шу боисдан тилшунос Л.В.Щерба шундай ёзади: «Фақат гуруҳлар марказидаги бирликлар аниқ. Сўз туркумлари чегарасидаги оралик бирликлар эса ҳаминиша у ёқ-бу ёққа тебраниб туради. Ана шу ноаниқ, хира ва тебраниб турувчи ҳолат тилшуноснинг диққатини кўпроқ ўзига жалб этмоғи лозим».

Агар сўзда семантик, морфологик ва синтактик белги бутунликни ташкил этмас экан, бунда улар тасниф асоси бўлиб хизмат қила олмайди. Зеро зиддиятсиз бўлиш, гуруҳлаш фақат бир асосда амалга оширилади. Шунинг учун айрим манбаларда, дарслик ва қўлланмаларда муаллифлар сўзларни уч белги бирлиги асосида тасниф қилишиб, асосан, улардан бирига етакчи, асосий мезон сифатида таянишади, шу билан биргаликда, бир таснифнинг ўзида тасниф асосини бир неча марта алмаштиришади. Дейлик, ўзбек тилидаги сўзлар таснифида морфологик белги етакчилик

қилади. Шу боисдан тақлидлар мустақил сўзларнинг барча белгиларига эга бўлса-да, морфологик ўзгармас сўз бўлганлиги учун номустақил сўзлар сирасига киритиб юборилган. Ёки гап бўлаклари синтактик белги асосида тасниф этилади, бироқ анъанавий ёндашувда эргаш гапли қўшма гаплар бўлинишида тасниф синтактик белги асосида бошланиб, семантик белги билан яқунланади.

Таъкидлаш керакки, қайд қилинган уч мезондан ҳаммаси ҳам сўз гуруҳларини белгилашда бир хил мавқега эга эмас. Бу, аввало, сўзларнинг синтактик вазифаларида яққол кўзга ташланади. Чунки бирор бир синтактик вазифани бажариш имконияти барча мустақил сўз туркумида мавжуд. Бу вазифа сўз туркумларини фарқлаш учун эмас, аксинча, уларни тенглаштириш учун хизмат қилади. Синтактик вазифа нуктаи назаридан мустақил ва ёрдамчи сўзлар ажралади, холос. Аммо бунда ҳам ёрдамчи сўз вазифасида қўлланадиган от ёки феъл ҳақида гап кетганда чалкашлик вужудга келади. Номустақил сўзларнинг ички таснифида уларнинг синтактик вазифаларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро муайян синтактик муносабатни ифодалаш уларнинг моҳиятини, категориал маъносини ташкил этади.

Морфологик таснифда сўзларнинг икки муҳим жиҳати эътиборга олинади: сўзларнинг шакл ясалишига потенциал имконияти ва муайян грамматик категориал маъно ифодаланишининг маълум бир сўз гуруҳлари билан боғлиқлиги.

Биринчи жиҳатга кўра морфологик ўзгарувчи ва ўзгармас сўз фарқланса, иккинчи жиҳатга кўра, сўзларнинг морфологик гуруҳлари (сўз туркумлари) ажратилади.

Сўзларнинг семантик таснифи. Бунда сўзлар қуйидаги гуруҳларга ажралади:

- а) мустақил луғавий маъноли сўз (феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид);
- б) номустақил луғавий маъноли сўз (олмош ва сўз-гап);
- в) луғавий маъносиз сўз (кўмакчи, боғловчи, юклама).

Олмош англатадиган маъно у алмаштираётган сўзнинг маъноси. Шу боисдан у номустақил луғавий маъноли сўз сифатида баҳоланиши лозим. Сўз-гап (тасдиқ-инкор, тақлиф, ундов ва модал сўз) эса ҳатто бир бутун гап вазифасида ҳам кела олади. Бу – унинг луғавий маъносиз сўздан фарқи, бироқ контекст ёрдамида луғавий маъно англатади. Масалан, - *Уйга бор. – Майли.* гапида *майли* сўз-гапи *бораман* сўзи англатган луғавий маънога тенг нутқий маънога эга. Бироқ бу маъно мустақил эмас.

Сўзларнинг морфологик таснифи. Бу таснифга биноан, сўзлар, айтилганидек, икки гуруҳга ажралади:

- а) ўзгарувчи лексема;
- б) ўзгармас лексема.

Ўзгарувчи лексема луғавий шакл ҳосил қилувчиларни қабул қила олади. Ўзгармас сўз эса бундай хусусиятга эга эмас. Бу таснифда сўзларнинг ўрни қуйидагича (22-жадвал):

22-жадвал

Лексемалар	
Ўзгарувчи	Ўзгармас
Феъл	Тақлид
От	Равиш
Сифат	Кўмакчи
Сон	Боғловчи
	Юклама
	Сўз-гап

Ўзгарувчи туркум учун таснифловчи грамматик шакл мавжуд. Масалан, отларда сон, субъектив баҳо шакллари, феълларда нисбат, ўзгаловчи, ҳаракат тарзи, сифатларда даража. Ўзгармас сўз бундай шаклга эга эмас.

Бу таснифда олмошга ўрин берилмаган, чунки у ўзи ишора қилувчи барча мустақил сўз туркумига хос ўзгариш тизимига эга. Шунинг учун олмошнинг от-олмош, феъл-олмош, сифат-олмош, сон-олмош каби тури мавжуд. От-олмош сонланади (сон категориясига эга бўлади), феъл-олмош нисбатланади, тарзланади, ўзгаланади, сифат-олмош даражаланади, сон-олмош сон шакллари қабул қилади.

Лексемаларнинг синтактик таснифи. Лексемаларнинг синтактик таснифида, асосан, уларнинг нутқда бошқа лексемалар билан боғлана олиш-олмаслиги, гап бўлаги бўлиб кела олиш-олмаслик хусусияти ўз аксини топади:

- 1) гап бўлаги бўлишга хосланмаган сўз: ундов, модал, сўз-гап;
- 2) гап бўлаги бўлишга хосланган сўз: феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид, олмош;
- 3) синтактик алоқа воситаси бўлишга хосланган сўз: кўмакчи, боғловчи, юклама.

Сўз-гап бошқа сўз билан синтактик алоқага киришмайди, ўзи мустақил гап бўлиб келиш қобилиятига, яъни ажралганлик хоссасига эга. Мустақил ва ёрдамчи сўз эса боғланиш хусусиятига эга бўлиб, булардан ёрдамчилар гапда алоҳида бўлак бўлиб кела олмайди, балки синтактик жиҳатдан боғлаш вазифасини бажаради. Мустақил лексема эса мустақил равишда гап бўлаги бўлиб кела олади.

Ўзбек тили лексемаларининг семантик-морфологик-синтактик белгилар мажмуидан иборат серқирра моҳиятини жадвалда қуйидагича бериш мумкин (23-жадвал):

23-жадвал

№	Лексема Турлари	Маъновий белгилари	Морфологик белгилари	Синтактик белгилари	Ажралишнинг асосий белгиси
1	Феъл	Ҳаракат-ҳолат-ни аташ мустақил лексемалари	Нисбатланувчи, ўзгаланувчи, тарзланувчи	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Морфологик ва Маъновий
2	От	Предмет ва предметликни аташ мустақил лексемалари	Сонланувчи	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Морфологик ва Маъновий
3	Сифат	Белгини аташ мустақил лексемалари	Даражаланувчи	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Морфологик ва Маъновий
4	Сон	Миқдорни аташ мустақил лексемалари	Тартибланувчи	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Морфологик ва Маъновий
5	Равиш	Ўрин-пайт, тарз-тусни аташ мустақил лексемалари	Ўзгармаслик	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Морфологик ва Синтактик
6	Тақлид	Товуш ёки кўринишга тақлид мустақил лексемалари	Ўзгармаслик	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Маъновий
7	Олмош	Ишора қилувчи мустақил лексемалар	Ўзгарувчи	Чекланмаган гап бўлаги бўлиб кела олиш	Маъновий
8	Кўмакчи		Ўзгармаслик	Сўзни сўзга боғловчи, гап бўлаги вазифасида	Маъновий ва синтактик

				кела олмай- диган сўзлар		
9	Боғловчи		Ўзгармаслик	Сўзни ва гапни боғловчи, гап бўлаги вазифа- сида кела олмай диган сўз	Синтактик	
10	Юклама		Ўзгармаслик	Гап бўлаги вазифасида кела олмай- диган сўз	Маъновий	
11	Сўз-гаплар	Модал	Муносабатни аташ лексемалари	Ўзгармаслик	Ажралувчилик (гап бўлаклари билан муноса- батга кириша олмаслик)	Маъновий ва синтактик
		Ундов	Ҳис- ҳаяжонни тасвирлаш лексемалари	Ўзгармаслик	Ажралувчилик (гап бўлаклари билан муноса- батга кириша олмаслик)	Маъновий ва Синтактик
		Тасдиқ ва инкор Сўзлар	Тасдиқ-инкор маъноли лексемалар	Ўзгармаслик	Ажралувчилик (гап бўлаклари билан муноса- батга кириша олмаслик)	Маъновий ва Синтактик
		Таклиф сўзлар	Таклиф маъноли лексемалар	Ўзгармаслик	Ажралувчилик (гап бўлаклари билан муноса- батга кириша олмаслик)	Маъновий ва Синтактик

Ўзбек тилида сўз туркумлари мазкур белгилари асосида қуйидаги кўринишда тартибланади:

I. Мустақил сўзлар.

1. Феъл.
2. От.
3. Сифат.
4. Сон.

5. Равиш.
6. Тақлид.
7. Олмош.

II. Ёрдамчи сўзлар.

8. Кўмакчи.
9. Боғловчи.
10. Юклама.

III. Оралиқ сўзлар.

1. Сўз-гаплар.

Сўз туркумлари транспозицияси

Маълумки, назарий ёндашувда лексеманинг аташ (денотатив) семаси деганда борликдаги ҳаракат/ҳолат, нарса-предмет, миқдор, белги хусусиятини атовчи, номловчи сема тушунилади. Бу семанинг ҳар бирини мустақил сўз туркуми – феъл «ҳаракат/ҳолатни аташ» семаси, от «наrsa-предметни аташ», сон «миқдорни аташ», сифат ва равиш «белгини аташ» семаси сифатида бевосита хусусийлаштиради. Аташ семаси объектив борлиқ парчасига мувофиқ келгани боис лексема семемаси таркибидаги бошқа семалар (вазифа, ифода)дан муҳимроқ аҳамиятга эга. Ҳар бир сўз туркумининг муайян аташ семаси мутлақ ва доимийми ёки мустақил сўз туркумлари орасидаги сўз туркумларининг бир-бирига кўчиш ҳодисаси (транспозиция) нинг бунга дахли борми?

Сўз туркумининг кўчиши – транспозиция деганда, маълум бир туркумга мансуб сўзнинг ўзига хос бўлган аташ, вазифа семасини кучсизлантириб, бошқа сўз туркумига хос семантик ва грамматик белгига эга бўлиши тушунилади. Туркий тилларда сўз туркуми бир-биридан қатъий чегараланмайди, улар узвий алоқада, бир бутун системани ташкил этади. Бу система қисмлари диалектик мантқиқдаги «оралиқ учинчи» қонуниятидан келиб чиққан ҳолда **г и б р и д** сўз сифатида баҳоланадиган, ҳар икки сирага хос семантик-грамматик белгини ўзида сақловчи, бир туркумдан иккинчи туркумга кўчиш босқичида турувчи сўзлар билан узвий боғланади.

Мустақил сўзлар орасидаги ўзаро муносабат ва уларнинг бир-бирига кўчиши лексема семемасидаги тараққиёт натижасида юзага келиб, кўчишнинг нутқий ва лисонийлашган кўриниши фарқланади. Нутқий кўчишда нутқий кўчма маъно ифодаланади. Масалан, *Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил* гапида сон туркумига мансуб (*бир*) сўзи вақтинча от туркуми вазифасида келмоқда ва бу ўткинчи, нутқий ҳодиса. Лисоний кўчишда сўз бир туркумдан бошқа туркумга бутунлай ўтиб кетади, транспозиция ҳодисаси юз беради. Транспозиция деярли барча мустақил сўз, ҳатто мустақил ва ёрдамчи сўзлар орасида ҳам кузатилади:

1) [одам], [киши], [инсон] отлари (зерикиб кетди одам (мен), ҳайрон қоласан киши (мен), дардимни эшитадиган инсон (ҳеч ким) топилмади), [бир] сони (бир киши (кимдир)), [баъзи] сифати (баъзилар (аллакимлар) ундай дейди, баъзилар бундай) олмошга;

2) [йигит], [қиз], [ўғил], [қари], [эр], [хотин], [кўр], [иссиқ-совуқ] (иссиқ-совуқдан хабар олмоқ) сифатлари, [борди-келди], [келди-кетди], [олди-берди], [ур-йиқит] жуфт феъллари, [ўқиш], [ёзиш], [ўтмиш], [қилмиш], [қидирув] ҳаракат номи шакллари, [ўқитувчи], [боғловчи], [кузатувчи] сифатдошлари, [уч], [етти], [йигирма], [қирқ] сонлари отга;

3) [келажак], [бўлажак] сифатдошлари, [тилла], [кумуш], [тахта] (тилла узук, асал бола) отлари сифатга;

4) [чарчамасдан] (шилайсан), [ўйламасдан] (гапирди), [индамасдан], [билинар-билимас] сифатдошлари, [оша], [ўта], [ура], [қайта], [қўярда-қўймай], [ура-сура] равишдошлари, [эрта], [индин], [кеча], [кеч], [кечқурун], [сават-сават], [навбатма-навбат] отлари равишга;

5) [бир] сони, [якка], [ёлғиз] сифатлари юкламага;

б) [ҳақиқатдан], [чамаси], [мазмун] отлари, [яхши], [сўзсиз], [тузук], [тўғри], [табиий] сифатлари, [қани], [қалай] олмошлари модал сўзга;

7) [бир] сони, [баъзан] равиши, [ҳам] юкламаси, [билан] кўмакчиси боғловчига;

8) [ост], [уст], [олд], [орқа], [томон], [таг], [тепа], [ич], [ора], [қош], [лаб], [ёқа], [оғиз] отлари, [қараб], [бошлаб], [кўра], [дея], [деб], [ўхшаб] равишдошлари, [бошқа], [бўлак], [ўзга] сифатлари, [аввал], [олдин], [илгари], [кейин], [сўнг] равишлари кўмакчига кўчганлиги тегишли адабиётларда қайд этилган. Саналганларнинг айрими бугунги кунда лисонийлашган, айрими ҳали ўтиш босқичида - нутқий ҳодиса сифатида қаралмоқда. Масалан, мавжуд грамматикаларда сон туркумининг таснифий белгилари саналар экан, предметнинг саноғи, тартибини билдириши, (қанча), (нечта), (нечанчи) сўроғидан бирига жавоб бўлиши, от туркумига мансуб сўз билан эркин алоқада бўлиши ва гапда, асосан, сифатловчи-аниқловчи вазифасида келиши таъкидланади. Сон луғавий мазмун гуруҳига кирувчи жамловчи сон шаклида сон умумий грамматик маъносидан четлашиш кузатилади.

Айни пайтда жамловчи соннинг [-ов], [-ала], [-овлон], [-овлаб], [-овлашиб] шакллари ажратилади. Қайд этилганлардан [-овлаб], [-овлашиб] шакллари, бизнингча, жамловчи сон шакли эмас, балки жамловчи сон ўзагидан ясалган равишдош шакли: *икки+ов+лаш+иб*.

Демак, сўнгги икки шакл жамловчи сон шакллари сирасидан чиқарилади. Асосий шакл сифатида [-ов], [-ала], [-овлон] кўрсаткичи ажратилиши мумкин. Маълумки, бундан [-ов], [-ала] шакли бошқа сон

маъно туридан фарқланиб, деярли ҳар доим эгалик шакли билан қўлланади. [-овлон] шаклли жамловчи сон аташ семаси бугунги кунда миқдор эмас, балки «қанчадир миқдордаги шахс» деб қаралади: **Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирад.** [-ов], [-овлон] шаклли сон от билан бирикмайди, гапда сифатловчи аниқловчи вазифасида келмайди, соннинг сўроқларига жавоб бўлмайди, ҳатто мазкур шакл ҳосил бўладиган қолип ҳам ниҳоятда унумсиз бўлиб, барча сон ўзакларидан жамловчи сон шакли ҳосил қилинмайди. Улар кўпроқ отга хос таснифий белгини ўзига қабул қилмоқда. [-ала] шакли эса сонлик белгисини ҳам ўзида бирмунча сақлаб турибди: *Учала бола ҳам қўшни қишлоқдан экан.* Жамловчи сон шаклларидаги семик тараққиётни чизмада қуйидагича акс эттирамиз:

[-ала] - [-ов] - [-овлон]

Кўриб ўтилганидек, ушбу шакллар орасида [-ала] шаклида сонлик белгилари бирмунча сақланган, [-овлон] шаклида отлик белгиси яққол, [-ов] шаклида ҳар икки жиҳат уйғун бўлиб, мазкур шаклларга гибрид бирлик сифатида қараш мумкин. [-ов] шакли жамловчи сон шакли орасида, жамловчи сон шаклли сўз эса от ва сон сўз туркуми орасида «оралиқ учинчи» мақомига эга бўлади.

Демак, айтиш мумкинки, сўз туркуми орасида мунтазам алоқа мавжуд, бу алоқа тил тизимининг доимий ўзгариш, тараққиётдаги жонли жараён эканлигидан далолат беради. Шу боисдан айрим сўзларнинг қайси туркумига мансублиги уларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини тегишли тадқиқ усуллари билан тадқиқ қилиш асосида белгиланиши лозим. Бу тилшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Феъл

Феъл ва унинг УГМси. Феълнинг УГМси – «иш-ҳаракат ва ҳолатни жараён сифатида ифодалаш». Ҳолат ифодалаш бошқа сўз туркумига ҳам хос. Бироқ феълда у бир тусдан бошқасига ўтиш тарзида. Масалан, *Дарахтлар ям-яшил* гапида сифат-кесим (*ям-яшил*) турғун ҳолатни ифодаламоқда. *Дарахтлар кўкарди* гапида эса ҳолат жараён сифатида, бир тусдан иккинчисига ўтиш тарзида юз бермоқда.

Иш-ҳаракатнинг барчаси ҳам замон билан боғлиқ ҳолда юз берса-да, гапда улардаги замон ифодаланмаслиги мумкин. *Дарахтлар кўкарди* гапидаги феълда замон лисоний ифодасига эга. *Ишга бориш* гапидаги феълда эса бундай хусусият лисоний воқеланмаган.

Ўзбек тилидаги феъллар лексик-грамматик хусусиятига кўра икки асосий гуруҳга эга:

а) мустақил феъл;

б) номустақил феъл.

Мустақил феълга қуйидаги хусусият хос:

1) луғавий маъно асосидаги ҳаракатни ифодалайди ва шу боисдан гапда бирор бўлак вазифасида келади;

2) бирор сўзни бошқариб (*китобни ўқиди*) ёки бирор сўз томонидан бошқарилиб (*ўқилган китоб*) келади;

3) ҳаракатнинг объектга муносабатига кўра иккига бўлинади:

а) ўтимли феъл;

б) ўтимсиз феъл.

Ўтимли феъл билдирган ҳаракат объект тушунчаси билан боғланади ва бунда объектни ифодаловчи бирлик тушум келишигидаги сўз бўлади: [ол], [ўқи], [бошқар]. Ўтимсиз феъл бундай хусусиятга эга бўлмайди: [йиғла], [ухла], [севин]. Ўтимли-ўтимсизлик феълнинг моҳиятида, лисоний табиатли бўлиши ҳам, грамматик шакл воситасида ҳосил қилиниши ҳам мумкин. Масалан, [ухла], [йиғла], [бор], [кет], [кел] феълида ўтимсизлик маъноси феълнинг ўзак-негизидан англашилади ва у лисоний табиатли. [Ювинмоқ], [севинмоқ], [бурилмоқ], [қирилмоқ] феълидаги ўтимсизлик эса нутқий, грамматик восита ёрдамида вужудга келган. (Бу ҳақда «Нисбат категорияси» мавзусида сўз юритилади);

4) феъл ифодалаган ҳаракат объектив борлиқ ҳодисаси бўлиб, уни тилда ифодалашда бевосита инсон, сўзловчи иштирок этади. Тилда ифодаланган ҳаракатда, демак, инсон муносабати ҳам мавжуд бўлади. Бундай муносабат феъл майли деб юритилади;

5) ҳаракат реал ёки ирреал бўлиши ҳам мумкин. Бунга кўра, бўлишли ва бўлишсиз феъллар фарқланади;

б) ҳар қандай ҳаракат бажарувчи билан ҳам боғланади. Бажарувчи аниқ, ноаниқ, битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Иш-ҳаракатнинг бажарувчига муносабат нуқтаи назаридан тавсифи феъл нисбатлари деб юритилади;

7) ҳаракат замон билан боғланиши мумкин. Мантиқан замондан ташқаридаги ҳаракат йўқ. Юқорида тилга олинган (*бориш*) феълида замон бевосита ифодаланмаган. Лекин уни гап ичида олсак (*Ишга бориш лозим*), унинг келаси замонда юз берадиган ҳаракат эканлиги мантиқан англашилиб туради. Демак, ҳар қандай феълда ё грамматик, ё мантиқий замон ифодаланади. Модомики, тил қурилишини ўрганаётган эканмиз, биз учун грамматик замон аҳамиятли. Шу боисдан замонли ва замонсиз феълни фарқлаймиз;

8) айтилганидек, борлиқда ҳаракат, албатта, бажарувчи билан боғланади. Бироқ унинг тилдаги ифодасида грамматик шахс мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, *Ҳалим келди* гапида грамматик шахс мавжуд. У кесимлик шаклида юзага чиққан. Бироқ *Ҳалим келгач* қурилмасида мантиқий шахс мавжуд бўлса-да, у ўз ифодасига эга эмас.

Чунки қурилма *мен келгач, сен келгач* тусини олса ҳам, (*келгач*) сўзшаклида бажарувчи қайси шахсда эканлиги ноаниқлигича қолади. (*Ҳалим*), (*мен*), (*сен*) мантиқий бажарувчи, грамматик эмас. Бу нутқдаги тусланган ва тусланмаган феълни фарқлашни тақозо қилади.

Тилдаги мантиқий ва грамматик жиҳатни кескин фарқлай билиш керак. Уларни қориштириш ҳар хил чалкашликларга олиб келади, моҳиятни англашга тўсиқ бўлади.

Номустақил феъллар бевосита луғавий ифодали ҳаракат маъносига эга эмас. Масалан, *қарор қилди, ўқиб чиқди, ишлаётган экан* ҳосилаларида (*қилди*), (*чиқди*), (*экан*) бирликлари олдинда турган сўзларнинг луғавий маъносини ё янгилаган, ё модификация қилган. Бироқ бу феъллардан ҳам қандайдир ҳаракат уқилмоқда. Бу ҳаракат деривацион, грамматик ҳаракат, лекин луғавий эмас. Аниқроғи, улар ўзларидан олдинги сўзларнинг маъноларига ҳаракат, жараён тусини бермоқда.

Номустақил феъл моҳият эътибори билан учга бўлинади:

- а) ёрдамчи феъл;
- б) кўмакчи феъл;
- в) тўлиқсиз феъл.

Ёрдамчи феъл янги луғавий бирлик ҳосил қилади – сўз ясайди, кўмакчи феъл ҳаракат тарзи шаклининг бир қисми бўлиб, феъл луғавий маъносини нутққа хослайди – модификация қилади, тўлиқсиз феъл эса феъл ва феъл бўлмаган сўзнинг замонини кўрсатади.

Феълнинг асосий ЛМГлари. ЛМГда **марказ ва қуршов лексемалари.** Феъллар англатган қатор маъноларига кўра турли мазмуний гуруҳларга бўлинади. Бунда ҳаракатга хос яратиш, бузиш, ўзгартириш, сўзлаш, сезиш, йўналтириш, ҳолатга хос руҳий-психологик, тафаккур билан боғлиқ феъллар фарқланади. Булардан характерлиларини кўриб ўтамиз.

Ҳаракат феъли жонли ва жонсиз предметга хос ҳаракатни ифодалайди. Улар юриш, таъсир этиш, зарб бериш каби кўринишда бўлиши мумкин. Қўл, оёқ, юз, оғиз, гавда билан боғлиқ ҳаракатда ҳаракатланувчи объект яққол кўриниб туради. Оёқ билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи феъл: [юрмоқ], [кезмоқ], [йўрғаламоқ], [пилдирамоқ], [лапангламоқ], [гандиракламоқ], [дўконгламоқ], [тентирамоқ], [тепкиламоқ], [тепмоқ], [топтамоқ], [депсинмоқ], [тисарилмоқ]; қўл билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи феъл: [урмоқ], [солмоқ], [ушламоқ], [силамоқ], [тирнамоқ], [шапалоқламоқ], [чимчиламоқ], [уқаламоқ], [қитиқламоқ], [чангалламоқ], [муштлимоқ], [чертмоқ], [ҳовучламоқ], [чапак чалмоқ], [пахса қилмоқ];

Юз, гавда, оғиз, лаб, кулоқ, бурун ва ҳ. билан боғлиқ ҳаракат ҳам мавжуд.

Нутқ феъллари инсоннинг гапириш фаолияти билан боғлиқ ҳаракатларни ифодалайди: [гапирмоқ], [сўзламоқ], [айтмоқ], [демоқ], [бидирламоқ], [тўнғилламоқ], [ғўлдирамоқ], [вайсамоқ], [вақилламоқ], [жаврамоқ], [бобилламоқ], [жавоб бермоқ], [вағилламоқ] каби.

Ҳолат феъллари. Инсон табиатига хос жисмоний ва руҳий ҳолат турли хусусиятга эга. Ҳолатни тўртга бўлиш мумкин:

а) ички ҳолат (руҳий кечинмалар билан боғлиқ): [эслаш], [унутиш], [ёдлаш], [тубанлашмоқ];

б) ташқи ҳолат (ички ҳолатнинг намоён бўлиши билан боғлиқ): [хафа бўлмоқ], [шодланмоқ], [эсанкирамоқ], [довдирамоқ], [газабланмоқ];

в) жисмоний ҳолат (инсон танаси билан боғлиқ): [ҳолсизланмоқ], [қуймоқ], [қучланмоқ], [заифлашмоқ];

г) ижтимоий ҳолат (жамият билан боғлиқ): [бойимоқ], [камбағаллашмоқ], [қўтарилмоқ], [урилмоқ], [қувғин бўлмоқ].

Натижалӣ фаолият феъллари тизими [ясамоқ], [қурмоқ], [бунёд этмоқ], [ҳосил бўлмоқ], [чизмоқ], [ёзмоқ], [барпо қилмоқ], [арраламоқ], [парчаламоқ], [сайқал бермоқ], [рандаламоқ], [синдирмоқ], [емоқ], [ўчирмоқ] каби бирликларни ўз ичига олади.

Тафаккур феъллари сирасига инсоннинг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ ўйламоқ, фикрламоқ, хаёл сурмоқ, тафаккур қилмоқ, ўйга ботмоқ, кўз олдига келтирмоқ, бир қарорга келмоқ, хулосага келмоқ кабилар киради.

Муносабат феъллари қатори [эркаламоқ], [суймоқ], [яхши кўрмоқ], [нарвона бўлмоқ], [раҳми келмоқ], [хушомад қилмоқ], [ён босмоқ], [мафтун бўлмоқ], [эъзозламоқ] каби ижобий характердаги муносабат феъллари, [бети қурсин], [худо олсин], [қораси ўчсин], [балого гирифторм бўлсин], [жувонмарг бўлгур] каби салбий характердаги муносабат феълларидан ташкил топади.

Феъл маъновий гуруҳларида ҳам марказ ва қуршов лексемалари фарқланади. Масалан, маънодош феълларда бош (доминанта) сўз, уядошлик парадигмасида уя (гипероним) марказ лексемаси ҳисобланса, бошқа маънодош ва уядош (гипонимлар) қуршов лексемаси дейилади. [Кулмоқ] феъли доминанта сифатида бунга маънодош бошқа лексемаларни, [бузмоқ] эса бузишнинг турли кўринишини ифодалайдиган гипоним лексемани уюштириб туради. Сўзлар йирикроқ бутунликларга бирлаштирилганда, марказ лексемасигина бу бутунликдан жой олади. Қуршов лексемалари эса унинг «сояси» сифатида қуйида қолаверади. Масалан, [кулмоқ], [йиғламоқ], [хурсанд бўлмоқ] лексемалари ўз атрофида кўплаб феълларни бирлаштирган. Лекин улар бу уч лексема мансуб тизимга кира олмайди, қуйи босқичда қолади.

Феълда сўзшаклнинг турлари. Феълда ҳам, бошқа туркумда бўлгани каби, сўзшакллар ноль шаклли, синтетик, синтетик-аналитик, такрорий кўринишда бўлади.

Нутқда феълнинг моддий (ноль кўрсаткичдан бошқа) грамматик шаклдан холи қилинган қисми ҳар доим келаси замон, буйруқ майли, аниқ нисбат, иккинчи шахс, бирлик маъносини ифодалайди: (*бор*), (*кел*), (*ўқи*), (*ёз*), (*сев*), (*айт*), (*ишон*) каби. Бундай сўзшакллар *ноль шаклли* дейилади. Юқорида айтилганидек, ноль шакл масаласи ўзбек тилшунослигида ўз ечимини кутаётган муаммолардан.

Грамматик шакли қўшимча тусида бўлган феъл *синтетик шаклли* сўзшакл дейилади: (*ўқийман*), (*бордим*), (*келяпман*), (*ёзаётирман*), (*шошиб*), (*келгач*), (*келган*) каби. Бунда грамматик шакл феъл ўзак-негизига «ёпишган» ҳолда бўлади.

Феъллар номуस्ताқил феъл билан шаклланганда, албатта, синтетик-аналитик кўринишда бўлади. Масалан, (*ўқиб чиқди*), (*айта бошлади*), (*борган экан*) каби. Бунда ҳам «ёпишган», ҳам «ажралган» грамматик шакл яхлитликни ташкил қилганлиги учун у *синтетик-аналитик шакл* атамаси билан юритилади.

Такрорий шаклларни фақат такрорий дейиш унчалик тўғри эмас. Чунки бунда такрорланаётган феъл аввал синтетик шакл қиёфасига киради, сўнгра такрорий шаклга айланади. Масалан, (*айтди-айтди*), (*ўқиди-ўқиди*), (*борди-борди*) каби. Мисол: *айтиб-айтиб* чарчади, *чопиб-чопиб* ўйнади ва ҳ. Бунда такрорланувчи феъл нисбат, ўзгаловчи, кесимлик шаклини олган ва ундан кейин такрорланган.

Айрим манбаларда феълнинг *жуфт сўзшакл* тури ҳам ажратилиб, унга (*айтди-қўйди*), (*топширди-қўйди*) типигаги мисол киритилади. Бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки жуфтланаётган феълнинг иккаласи ҳам мустақил бўлса ва уларнинг жуфтланишидан янги грамматик маъно уқилсагина, уни сўзшаклларнинг жуфтлиги дейишга асос бўлур эди. Бунда эса жуфтликнинг иккинчи қисми кўмакчи феъл сифатида грамматик маъно ифодалаш учунгина хизмат қилмоқда.

Феъл деривацияси

Феъл ўзига хос сўз ясалиш тизимига эга. У, асосан, аффиксация ва композиция усули.

Аффиксация усули. Аффиксация усули кенг қамровли. Бу усул билан феъл бўлмаган сўздан феъл ясалади.

Яшаш асосига қўшилиб, феъл ҳосил қилувчи аффикснинг сўз яшаш даражаси ҳам турлича. [-*ла*], [-*лан*], [-*лаштир*], [-(*а*)*р*], [-(*а*)*й*] каби аффикс анча маҳсулдор бўлиб, кўп миқдорда феъл ҳосил қилади. Бу аффикснинг ҳар бири турли деривацион қолип таркибида феъл ясайди:

1. [от/сифат/равииш/олмош/тақлид/ундов + ла = 1) асосдан англашиган нарса/предметга эга ҳолатли қилиш ҳаракати; 2) асосдан англашилган асбоб воситасида бажариладиган ҳаракат; 3) асосдан англашилган нарса/предметни юзага келтириш ҳаракати] қолипи кўп маъноли бўлиб, унинг ҳосилалари қуйидагича:

1) (ўғитла), (мойла), (бетонла), (жиловла), (кишанла), (тикла), (текисла), (думалоқла), (тўғрила), (тушовла);

2) (рандала), (қайчила), (эговла), (аррала);

3) (уруғла), (моғорла), (болала), (чухла), (додла), (гумбурла), (сизла), (сенла), (ҳозирла) каби.

2. [от/сифат/сон + лан/лаш + субъектнинг асосдан англашилган белгига эга бўлиши ҳаракати] қолипи таркибидаги [-лан/лаш] аффикси ўзининг мураккаб табиати билан характерланади. Зоҳиран улар икки аффиксининг бирикуви (-ла+н ва -ла+ш) дек кўринади. Чунки ҳозирги ўзбек тилида [-ла] сўз ясовчи ва [-ш] ҳамда [-н] нисбат шакллари фаол бўлиб, кўп ҳолларда улар биргаликда келади. Шунингдек, [-лан/лаш] аффиксларида биргалик ва ўзлик нисбати маънолари ҳам уқилиб туради ((шодланмоқ), (саломлашмоқ), (афсусланмоқ), (ажабланмоқ), (завқланмоқ), (лаззатланмоқ), (жанжаллашмоқ), (равшанлашмоқ) каби). Бироқ бу мисолларда (-лан/лаш) аффиксини ажратиб бўлмайди. (Майдаланмоқ) каби феълларда эса улар ажралади (майда+ла+н+моқ). Демак, бунда [-ла] ва [-н] – мустақил аффикс.

[-лан] аффиксининг аслида [-ла] ва [-н] аффиксларининг бирикувидан иборат эканлигини сезиш қийин эмас.

3. [тақлид+илла/ира=асос билдирган товуш ёки образни ҳаракат тарзида ифодалаш] қолипи фақат тақлид сўзлардан феъл ясайди: (чирқилламоқ), (чирсилламоқ), (ликилламоқ), (гувилламоқ), (шувилламоқ), (мўлтилламоқ), (безилламоқ), (ярқирамоқ), (сирқирамоқ), (мўлтирамоқ), (ялтирамоқ). [-илла] ва [-ира] қўшимчалари орасида маъновий фарқ кузатилмайди, балки улар қайси сўзга қўшилиши билан фарқланади, холос.

4. [от/сифат/тақлид+а] ((ошамоқ), (қонамоқ), (ўйнамоқ), (бўшамоқ), (қийнамоқ), (шилдирамоқ), (жилдирамоқ)), [сифат/равииш+(а)й] ((қораймоқ), (тораймоқ), (кўпаймоқ), (озаймоқ)), [сифат+(а)р] ((оқармоқ), (кўкармоқ), (қисқармоқ), (эскирмоқ)), [от/олмош+сира] ((қонсирамоқ), (сувсирамоқ), (тузсирамоқ), (гумонсирамоқ)), [сон/от/равииш+(и)к/(и)қ] ((бирикмоқ), (йўлиқмоқ), (кечикмоқ), (зўриқмоқ)), [сифат/от+и] ((тинчимоқ), (бойимоқ), (чангимоқ)), [сифат+т] ((тўлатмоқ), (беркитмоқ)) қолиплари унумсиз қолип бўлиб, биринчидан, уларнинг ҳосилалари санокли бўлиб, бугунги кунда бу қолип асосида янги-янги сўз ҳосил қилиб бўлмайди, иккинчидан, бу ҳосила давр ўтиши билан деривацион маъноси жиҳатидан бир-биридан

шу даражада узоқлашиб кетганки, улар асосида қолипнинг ўнг, яъни маъновий томонини чиқариб, аниқлаб бўлмайди. (*Камситмоқ*), (*бошқармоқ*), (*живирсимок*), (*йўқолмоқ*), (*кучанмоқ*), (*ётсинмоқ*), (*қизиқсинмоқ*) каби феълнинг ҳам ясамалиги аниқ, лекин улардаги аффикслар айрим сўз доирасида чегараланган. Уларга нисбатан ҳам юқорида айтилган фикр ўринли.

Эслатма: (*силтала*), (*тортқила*), (*опичла*) каби сўздаги шакл ясовчи [-ла] аффиксини феъл ясовчи [-ла] аффикси билан чалкаштирмаслик керак. Улар – омоним аффикс.

[-кила] (-қила, -гила, -гила), [-имсира], [-инқира], [-и/иш] (*тўлиш*, *қизиш*, *озиш*), [-қ/иқ/к/ик] (*толиқ*, *кўник*), [-қи/ғи] аффикслари ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг тарзини (кучли/кучсизлиги, такрорийлиги каби) билдирганлиги учун шакл ясовчи сифатида қаралади.

Композиция усули. Бу усул воситасида қўшма ва жуфт феъл ясалади.

Қўшма феъл. Қўшма феъл таркибига кўра иккига бўлинади:

- а) исм+феъл;
- б) феъл+феъл.

Исм+феъл типдаги феълни ҳосил қилишда ёрдамчи феъл вазифасида [*қилмоқ*], [*этмоқ*], [*айламоқ*], [*бўлмоқ*], [*бермоқ*], [*олмоқ*], [*топмоқ*], [*емоқ*], [*урмоқ*], [*кўрмоқ*], [*келмоқ*], [*келтирмоқ*] каби бирлик келади: [*абгор қилмоқ*], [*адо бўлмоқ*], [*айюҳаннос солмоқ*], [*жавоб бермоқ*], [*жавоб олмоқ*], [*халал бермоқ*], [*хабар олмоқ*], [*қирон солмоқ*], [*тартибга келтирмоқ*], [*оҳ урмоқ*], [*туш кўрмоқ*], [*қўним топмоқ*] каби.

Ўзбек тилида феъл+феъл типдаги феъл бармоқ билан санарли: [*сотиб олмоқ*], [*олиб бормоқ*], [*олиб келмоқ*], [*олиб чиқмоқ*], [*олиб қочмоқ*], [*ишлаб чиқармоқ*] каби.

Жуфт феъл. Жуфт феъл грамматик шаклига кўра икки кўринишда бўлади:

а) бири равишдош, иккинчиси бошқа шаклда: [*айланиб-ўргилмоқ*], [*елиб-югурмоқ*], [*яйраб-яшинамоқ*], [*ўйнаб-кулмоқ*], [*қўллаб-қувватламоқ*];

б) ҳар икки қисми бир хил шаклда: [*айланиб-ўргилиб*], [*ўйламай-нетмай*], [*аралашиб-қуралашиб*], [*ачиб-бижиб*], [*тежаб-тергаб*], [*қисиниб-қимтиниб*], [*ювиб-тараб*], [*яйраб-яшинаб*].

Тилшунослигимизда феъл ибора билан қўшма феъл чегараси аниқ ойдинлаштирилмаган.

Жуфт феъллар таркибий қисмининг қўлланишига кўра қуйидаги шаклларда бўлади:

1) қисмлари якка ҳолда ишлатиладиган жуфт феъллар:

а) қисмлари ўзаро синоним: [*ҳормай-толмай*], [*қўллаб-қувватламоқ*];

б) қисмлари ўзаро антоним: [келиб-кетиб], [ўлиб-тирилиб], кириб-чиқиб], [ўтириб-туриб];

в) қисмларининг маъноси яқин: [айланиб-ўргилмоқ], [еб-ичмоқ], [ўйнаб-кулмоқ], [ошириб-тошириб], [ювиб-тараб].

2) иккинчи қисми яқка (мустақил) ишлатилмайдиган феъл: [алдаб-сулдаб], [ийглаб-сиқтаб], [ямаб-ясқаб], [қолган-қутган].

Феълнинг таснифловчи грамматик категориялари

Феъл таснифловчи категориялари ҳақида умумий маълумот. Феълнинг таснифловчи категориялари фақат шу туркумга хос грамматик шакллар системаси. Улар нисбат, ўзгаловчи, ҳаракат тарзи, бўлишли-бўлишсизлик категориялари. Феъл кесимлик ёки нокесимлик вазифасида бўлишидан қатъи назар, ушбу шаклдан бирида бўлиши шарт. Улар феъл лексеманинг луғавий маъносини модификация қилиш вазифасини бажаради. Таснифловчи шакллар орасида нисбат феъл лексемани модификация қилиш даражаси жиҳатидан бошқаларидан устувор. Шу боисдан нисбат феълни бошқа сўз туркумидан ажратиб турувчи асосий морфологик белги. Ўзгаловчи, нисбатдан фарқли ўлароқ, феълнинг нокесимлик вазифаси учун хосланган. Ўзгаловчи категориясининг умумлашган грамматик маъноси – феълни кесим вазифасидан ташқарида бошқа, яъни ҳоким сўз билан боғлаш вазифасини бажариши.

Тарз маъноси феълда ифодаланиши ҳам, ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, (*ўқиди*) феълда у ноль даражада бўлса, (*ўқиб чиқди*) сўзшаклида намоён бўлган. Бўлишли-бўлишсизлик шакли ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Бироқ бўлишли-бўлишсизлик шакли билан кесимлик категориясининг таркибий қисми бўлган тасдиқ-инкор категориясини фарқлаш лозим. Тасдиқ-инкор кесим вазифасида келувчи барча сўз учун хос бўлса, бўлишли-бўлишсизлик кесимдан бошқа вазифадаги феълнинг барчаси учун хос бўлган грамматик ҳодиса. Бошқача айтганда, бўлишли-бўлишсизлик феълнинг нокесимлик, тасдиқ-инкор эса барча мустақил сўзнинг кесимлик шаклидан бири.

Қуйида уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида кўриб ўтилади.

Нисбат категорияси

Нисбат категорияси ҳақида умумий тушунча. Нисбат категорияси ҳаракатнинг субъект (бажарувчи)га муносабатини ифодалайди. Бу муносабат махсус грамматик шакл билан юзага чиқади. Масалан, *Шоир шеър ёзди* гапида эга бевосита иш-ҳаракатнинг бажарувчиси бўлиб, бажарувчи ва ҳаракат муносабати ноль шаклли аниқ нисбат билан ифодаланган; *ўқитувчи болага китобни ўқитди* гапида

ҳаракатнинг бевосита ва билвосита бажарувчиси (ўқитувчи билвосита, бола эса бевосита бажарувчи) фарқланган. *Довул чалинди* гапида ҳаракат бажарувчиси ноаниқ, мажхул. Демак, нисбати ўзгариши билан феълнинг бажарувчисида ҳам ўзгариш юз беради. Нисбат категорияси феълнинг бўш субъект валентлигини тўлдириб, муайянлаштириб уни нутққа мослайди.

Ҳозирги ўзбек тилида феъл нисбатининг бешта кўриниши ажратилади: *аниқ нисбат, ўзлик нисбати, орттирма нисбат, биргалик нисбати, мажхул нисбат.*

Аниқ нисбат. Бу нисбатда субъектга муносабат ноль шакл орқали ифодаланади ва шакл УГМси «ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдириш»дир: (*билди*), (*кўрди*), (*сўради*), (*айтди*), (*қайтди*) каби. Бу нисбатдаги феъл ўтимли (*олди*) ёки ўтимсиз (*ухлади*) бўлиши мумкин.

Ноль шакл УГМсида ўзи мансуб категориянинг моҳиятини бошқаларига нисбатан тўлароқ акс эттиради. Маълумки, феълнинг барча шакллари иккига – категория ичидаги шаклларнинг ўзаро зиддиятида аниқ бир белгига эга бўлган белгили шаклларга (масалан, аниқ нисбатдан бошқа нисбат шакллари) ва бу зиддиятда аниқ белгига эга бўлмаган шаклларга (масалан, аниқ нисбат шакли) ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ шакллар ўзлари мансуб категориянинг УГМсидан аниқ бир кўринишни «хусусийлаштириб» олади. Иккинчи гуруҳ шаклларида хусусийлашма ноаниқ бўлади. Иккинчи гуруҳ шакллари (бизнингча, аниқ нисбат) ўзи мансуб категориянинг умумий намояндаси бўлади. Шунинг учун улар матн ва шароит талаби билан бошқа шакллар маъносини ифодалаши, аниқ нисбат ҳам белгисиз шакл сифатида бошқа нисбат шакллари ўрнида бемалол қўлланавериши мумкин. Юқорида бунга аниқ нисбатдаги феъл (масалан, (*ҳаяжонланмоқ*)) дан ўзлик нисбати маъноси уқилиб туриши мисолида амин бўлган эдик.

Ўзлик нисбати. Ўзлик нисбати асосан $[-(u)n]$, баъзан $[-(u)л]$ кўрсаткичи ёрдамида ўтимли феълдан ҳосил бўлади. $[-(u)ш]$ аффикси ўзлик нисбати ҳосил қилишда каттамаҳсулдир: (*керишди*), (*жойлашди*), (*қоришди*) каби сўзшакллардагина буни кузатиш мумкин. Ўзлик нисбати УГМси – «ҳаракатнинг субъекти ва объектини бирлаштириш, ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантириш».

Айрим ҳолда грамматик шакл ўзлик нисбатиники бўлса-да, бу шакл ҳаракатнинг бажарувчига қайтишини, бажарувчи ҳам ҳаракат объекти эканини билдирмайди: *Бир маҳал Фуломжон туйнукдан эриниб чиқаётган тутунга қараб сўзланди.* (М.Исм.) *Сўнг узун дўнглик ортига ўтиб, кўринмай кетди.* (П.Қод.) *Йигит кўзини яширишга жой тополмай қийналди.* (С.Аҳм.) *Давлатбековнинг тугилган қишлоғи Бодомзор бу*

ердан ўн бир чақирим настда. (П.Қод.) Ўзлик нисбати шакли ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради.

Ўзлик нисбати шакли ҳар қандай ўтимли феълдан ҳам ясалавермайди. Масалан, (*ўқи*), (*ҳайда*), (*кес*), (*эк*), (*мин*), (*тик*), (*сузор*) каби феълдан ўзлик нисбати ҳосил қилинмайди. Шунингдек, орттирма нисбатдаги ўтимли феълдан ҳам ўзлик нисбати ҳосил қилинмайди.

Семантикасида маъновий силжиш рўй бераётган ўзлик нисбати шаклига эга феъллар бу нисбатдан холи қаралиши лозим: *Юзлари семизликдан тирсиллаган Араббой керилган бир ҳолда сўради.* (П.Тур.) *Бу қишлоқда Авазнинг энг очилиб гаплашадиган тенгдоши шу Замонали эди.* (П.Қод.) Бундай ҳол айрим муаллифларнинг баъзан нисбатни сўз ясалиши сифатида қарашига, баъзан изоҳли луғатларда бош сўз (лексема) сифатида беришларига сабаб бўлади.

Шаклининг тўлақонли ўзлик нисбати эканлиги ёки эмаслигини аниқлашда бошқариладиган сўз ёрдам беради. Аслида ўзлик нисбатдаги феъл ўтимсиз бўлганлиги сабабли тушум келишигидаги феъл билан боғланмайди. Айрим ҳолларда бу шаклдаги феъл билан бошқача ҳол кузатилади. Масалан, *чопонини ёпинди* бирикувида ўзлик нисбат шаклидаги феъл тушум келишигидаги феълни бошқармоқда. Демак, бунда нисбат шакли бўлса-да, мазкур нисбатга тегишли маъно мавжуд эмас. Маъно ва шакл яхлит эмас экан, бу бирикувда ўзлик нисбатини қидириш маъқул эмас.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзлик нисбатида ҳаракат субъекти «субъект-объект» қиёфасига кириб, аввалги объект йўқолади. Қиёсланг: *Ҳалим кийимини кийди – Ҳалим кийинди.* Биринчи гапда *Ҳалим* субъект, *кийим* объект, иккинчи гапда объект йўқ, *Ҳалим* эса «субъект-объект»дир.

Орттирма нисбат. Орттирма нисбат шакли қуйидагилар:

[-дир (-тир)]: (*чиздир*), (*ёндир*), (*уринтир*);

[-газ (-гиз, -газ, -гиз, -каз, -киз, -қаз, -қиз)]: (*кўргаз*), (*киргиз*), (*турғиз*), (*ютқиз*), (*ўтқаз*), (*кеткиз*), (*юрғаз*);

[-(и)т]: (*ўқит*), (*ишлат*), (*тугат*), (*бошлат*), (*юрит*), (*кирит*);

[-из]: (*оқиз*), (*томиз*), (*эмиз*);

[-ир]: (*битир*), (*учир*), (*пишир*), (*қочир*), (*очир*), (*шошир*), (*ошир*), (*ботир*), (*қотир*);

[-ар]: (*чиқар*), (*қайтар*);

[-сат]: (*кўрсат*).

Орттирма нисбат УГМси «ҳаракат бажарувчисини орттириш, жараёнга «ортиқча» бажарувчини киритиш ва ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантириш». Орттирма нисбатда иш-ҳаракатнинг субъекти ортиб, улар бевосита ва билвосита субъектга ажралади: *Ҳалим ўқиди. Ҳалим укасини ўқитди.* Биринчи гапда субъект битта. Иккинчи гапда эса

иккита бўлиб, [Ҳалим] билвосита, [укаси] бевосита бажарувчилар. Бевосита субъект унчалик аҳамиятли бўлмайди, шунинг учун у кўп ҳолда ифодаланмай қолаверади.

Ортгирма нисбат шакли феълга бирдан ортиқ қўшилиши мумкин. Бунда аввалги бевосита субъект билвосита субъектга айланиб кетаверади: *Ҳалим тўлади. Ҳалим укасига тўлатди. Ҳалим укасига тўлаттирди.* Жумла ғализлиги келиб чиқмаслиги учун кейинги гапдаги бевосита субъект тушириб қолдирилган.

Ортгирма нисбат шакли феъл семантикасида маъновий силжиш рўй бериб, унга хос морфема ажралмайдиган ҳолга келиб қолиши ҳам мумкин: [тузатмоқ] [суриштирмоқ], [солиштирмоқ], [яратмоқ], [уйғон], [юпан], [эркалатмоқ], [(далил, мисол) келтирмоқ] типидagi феъл ҳам шулар жумласидан.

Ортгирма нисбат шакли ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиради.

Мажхул нисбат. Мажхул нисбат [-и]л ва [-и]н шакллари ёрдамида ҳосил қилинади: (ювилди), (тозаланди), (айтилди), (гапирилди), (олинди) каби. Бу нисбатли феъл «субъектсизлашади», аниқроғи, объект устуворлашиб, эга вазифасига ўтади, мантикий объект грамматик эга мақомини олади: *Бу ерда четан билан ўралган мол қўраси бор эди.* (П.Қод.) *Бобоҳўжа домла ишдан бўшатилади.* (П.Тур.)

Мажхул нисбат асосан ўтимли ((ўралган), (йирилган), (сочилган), (терилган), қисман ўтимсиз ((бўшатиладиган), (тушилган), (борилган)) феълдан ҳосил қилинади. Ўтимсиз феълдан ясалганда эгасиз гап (шахсиз феъл) ҳосил бўлади: *Бу кўча билан икки-уч юз одим юрилгач, қишлоқ гузарига етилади.* (Ҳ.Шар.) *Расми, ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши.* (А.Қаҳ.) Баъзан мажхул нисбатда қўлланиши лозим бўлган феъл аниқ нисбатда бўлса ҳам, мажхул нисбат маъноси ифодаланади: *Анчагина юргач, ўнг томонда пахса уй кўзга ташланади.* (С.Нур.) Бунда шакл ва маъно мувофиқлиги йўқ. Шунинг учун нисбатни аниқлашда «Қайси нисбат шакли ёки қайси нисбат маъноси бор?» тарзидаги муқобил саволдан бири қўйилиши керак. Бир-бирига боғланган контакт ҳолатдаги икки феълдан иккинчисигина мажхул нисбатда бўлади: *Бу дори спиртда ивителиб, қиём қилиб ичилади.* (Н.Саф.) *Эшакка тескари миндириб сазойи қилинди.* (М.Исм.)

Ўзлик ва мажхул нисбат омонимик муносабатда. Масалан, (осилди), (ташланди), (тўкилди) феълларининг ўзлик ёки мажхул нисбатда эканлиги қуршовда маълум бўлади.

Биргалик нисбати. Биргалик нисбат [-и]ш аффикси ёрдамида ҳосил қилиниб, унинг УГМси «ҳаракатни бажаришда бажарувчининг биргалашуви»дир.

Биргалик нисбати асос феъл бошқарувига оддий воситали тўлдирувчини кўмакчили воситали тўлдирувчига айлантириш даражасида ўзгариш бериши мумкин.

Биргалик нисбат шаклида «биргалик ёрдамлашиш» ва «биргалик-кўплик» оралиқ грамматик маъноси фарқланади. «Биргалик-кўплик» маъноси учун феълларнинг ўтимли-ўтимсизлиги аҳамиятсиз: *Катталар ўша ерда. Арз қил, ёрдам беришади, йўл-йўриқ кўрсатишади.* (П.Тур.) «Биргалик-ёрдамлашиш» маъноси воқеланиши учун эса шакл ўтимли феълларни танлайди: *Бола дадасига ер ҳайдашди, экин экишди.* (С.Нур.)

Баъзан кўплик шакли ҳам нутқий ортиқчалик сифатида биргалик нисбат шакли устига «каватланади»: *Шарофат холанинг сўзларига завқланиб кулишдилар.* (Н.Саф.) *Она-бола узоқ йиғлашдилар, кўз ёшлари битгунча бўзлашдилар.* (А.Қод.)

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, нисбат категорияси УГМси «ҳаракатнинг бажарувчига муносабатини ифодалаш» бўлиб, бу категориал маънога «ўтимли-ўтимсизликка муносабат» маъноси ёндош маъно сифатида қоришади.

Демак, нисбат категорияси луғавий шакл ҳосил қилувчи категория сифатида феъл лексема семемасини субъект валентлиги ва ўтимли-ўтимсизлик нуқтаи назаридан модификация қилади.

Бўлишли-бўлишсизлик категорияси

Бўлишли-бўлишсизлик – феълнинг асосий белгисидан бири. Чунки феъл нутқда ё бўлишли, ё бўлишсиз шаклда бўлади. Бўлишли шакл юз берган/бераётган/берадиган, бўлишсиз шакл эса юз бермаган/бермаётган/бермайдиган ҳаракатни ифодалайди. Бўлишли-бўлишсизлик маъносини ифодалашда гетероген (ҳар хил) табиатли, яъни турли сатҳга мансуб лисоний бирликлар иштирок этади. [-ма], [-май], [-маслик] морфологик кўрсаткичидан ташқари, [на] номуस्ताқил сўзи ҳам иштирок этади. Айрим адабиётда [йўқ], [эмас] инкор ифодаловчи сўзларни ҳам шу сирага киритадилар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки зикр этилган сўзлар феъл кесим вазифасида келгандагина инкор ифодалайди ва бу маънони ифодалаш учун феъл билангина чекланмайди. Тўғри, нутқимизда *келгани йўқлигини билмайман* типигаги қурилмаларда [йўқ] сўзи иштирок этади. Бироқ бу қурилма *Келгани йўқ* предикатив синтагмасининг трансформацияси. Демак, барибир, [йўқ] сўзи кесимликнинг инкор шакли бўлиб қолаверади.

[Эмас] инкор шакли ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрни айтиш мумкин. Баъзан ундан қиёсланаётган икки ҳаракатдан сифатдош, равишдош ёки ҳаракат номи билан ифодаланган ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун фойдаланилиши айтилади: *Кулиб эмас, жиддий гапирди.*

Қараши эмас, кулиши чиройли. Бундай қурилмалар ҳам предикатив синтагманинг қисқаруви натижаси: *Кулиб гапирди эмас, жиддий гапирди. Қараши чиройли эмас, кулиши чиройли.*

Бўлишли-бўлишсизлик категориясининг УГМси «ҳаракатнинг содир бўлиш/бўлмаслигини кўрсатиш»дир. Бу категориянинг семантик қиймати бўлиб, унинг синтактик томони кучсиз. Чунки у ўзи бирикаётган сўзнинг бирикиш имкониятига жуда оз таъсир қилади (яъни унинг *ҳеч, ҳеч қачон* бирликлари билан бирикувига олиб келади, холос).

Бўлишлилик ноль шакл орқали ифодаланади. Бу ноль шакл ҳам бошқа категориялар ноль шакли каби хусусиятга эга бўлиб, бўлишсизликни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан, *Ёзади-я, ёзади* («ёзмайди» маъносида).

[-ма] аффикси феълнинг тусланган ва сифатдош шаклида бўлишсизликни ифодалаш учун ишлатилади: 1.*Севги менга бўйлама, Мехринг билан сийлама.* (М.Юсуф.) 2.*Бу ерларга нега келдим мен, қизиқмасам унут чиройга.* (А.Орип.) 3.*Ўқимаган одам, юрмаган машина.*

Бўлишсизлик феълнинг ҳаракат тарзи шаклларида уч хил кўлланади:

- 1) етакчи феълга қўшилади: (*ёзмай тур*);
- 2) кўмакчи феълга қўшилади: (*ёза кўрма*);
- 3) ҳар иккаласига қўшилади: (*ёзмай қўйма*).

Учинчи кўринишда шаклий-маъновий номувофиқлик юз бериб, бўлишсиз шакл бўлишлиликни ифодалайди.

[-май/масдан] бўлишсизлик кўрсаткичи феълнинг равишдош шаклига хос. Уни равишдош шакли сифатида ажратишнинг бир нечта асоси бор. Масалага тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилса, унинг –*ма+й* таркибли эмаслиги ойдинлашади. Туркий тилда Ўрхун-Енисей ёдгорликларидан тортиб XV асргача бўлишсиз равишдош шакли [-*мазиб*], [-*мадин*], [-*майин*] ва ҳ. кўринишида бўлган. Ўзбек тилидаги [-*май*] қўшимчасидаги *й* мана шу қадимий [-*мазиб*], [-*мадин*], [-*майин*] қўшимчаси таркибидаги икки тиш оралиғида талаффуз этилувчи [з] ва унинг бошқа туркий тиллардаги муқобили бўлган [д], [т] га нисбат берилади. Демак, [-*май*] қўшимчаси [-*мазиб*], [-*мадин*], [-*майин*] қўшимчаси таркибидаги *-иб*, *-ин* қисмларининг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, [-*май*] бўлишсизлик шаклидаги [-*й*] товуши билан *ўқий* сўзидаги [-*й*] бошқа-бошқа манбалардан келиб чиқади: *ўқи-йа – ўқий, бар-мазиб – бор-май*. Кўринадик, *бормайди, ўқимайдиган* феъл шаклларидаги (-*ма*) ва (-*й*) қўшимчалари алоҳида-алоҳида грамматик кўрсаткич. Бунда (-*ма*) бўлишсизлик, (-*й*) эса келаси замон шакли.

Феълнинг ҳаракат номи учун бўлишсиз шакл [-*маслик*] кўрсаткичи: *кетши – кетмаслик, айтиши – айтмаслик, кўринмоқ – кўринмаслик* каби.

Демак, бўлишли-бўлишсизлик категориясининг УГМси «ҳаракатнинг содир бўлиш/бўлмаслигини феъл бирикувчанлигига кучсиз таъсир кўрсатиш асосида ифодалаш» бўлиб, бу УГМ [0], [-ма], [-май/масдан], [-маслик] кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

Бўлишли-бўлишсизлик феълга нисбатчалик мутлақ ва доимий белги эмас. Чунки нисбатини йўқотган феъллар (*кўра, оша*) феълликдан чиқиб кетади. Лекин феълнинг айрим шакллари, хусусан, мақсад равишдоши (*ўқигани, боргани*), айрим ҳаракат тарзи шакллари (*йиқилаёзди, тугатаёзди*) тўлақонли феъл бўлса-да, бўлишсиз шаклда юзага чиқмайди. Бу бўлишли-бўлишсизлик категорияси феъл таснифловчи категориялари сирасида нисбат категориясидан кейин туришини билдиради.

Ҳаракат тарзи категорияси

Ҳаракат тарзи категорияси ҳақида умумий маълумот. Формал ўзбек тилшунослигида ҳаракат тарзи шакллари морфологик категория сифатида қаралмас ва бу ҳодисага нисбатан *кўмакчи феълли сўз қўшилмаси, кўмакчи феъл* атамалари қўлланар эди. Хўш, ҳаракат тарзи шакллари, ҳаракат тарзи категорияси атамаларининг қабул қилинишига сабаб нима?

Биринчидан, ҳаракатнинг тарзи фақат кўмакчи феъл билангина эмас, **[равишдош шакли+кўмакчи феъл]** морфологик қолипи ҳосиласи асосида юзага чиқади. Кўмакчи феъл ушбу шаклнинг бир қисми, холос. Шу боисдан илмий тадқиқот, дарслик ва грамматикаларда кўмакчи феъл маъноси ҳақида сўз кетганда, унинг равишдош шакли ёрдамида юзага чиқиши таъкидланади.

Иккинчидан, *кўмакчи феълли сўз қўшилмаси* атамасидаги *қўшилма* унсури сўз бирикмасидан тенг муносабатлилиқ белгиси асосида фарқланувчи *сўз қўшилмаси* (*олма ва анор, китоб ва дафтар, гулу лола*) синтактик ҳодисаси билан нисбий омонимлик касб этади. Ҳолбуки, ҳаракат тарзи синтактик эмас, балки морфологик ҳодиса.

Учинчидан, ҳаракат тарзи шакллари морфологик категорияга берилган таърифга «сиғади».

Тилда икки тур қолип ажратилади:

- 1) деривацион қолип;
- 2) синтактактик қолип.

Бироқ текширишларда **[равишдош шакли+кўмакчи феъл=ҳаракат тарзи]** қолиплари эътибордан четда қолдирилади. Маълумки, **[равишдош шакли+феъл]** қолипи орқали феълли бириқишлар ҳам юзага келади ва бу қолип кўплаб нутқий ҳосилани бирлаштиради. Мазкур сўз бирикмаларига шаклдош турувчи ва умумийлик хусусиятига эга бўлган ҳаракат тарзи шакли қолипи ҳам

лисоний морфологик қолип сифатида ажратилиши мумкин. Масалан, *ўқий олади, бориб кўр* ва *топа қол* мисолларидаги фарқлар эътибордан соқит қилинганда, лисоний морфологик умумийлик сифатида **[равишдош шакли+кўмакчи феъл]** қолипи тикланади. Бунда лисоний морфологик қолип ўзининг шаклий ва мазмуний томонига ҳам эга бўлиб, **[равишдош шакли+кўмакчи феъл=ҳаракат тарзи]** қолипнинг чап қисми унинг шаклий томонини ташкил этса, ўнг қисми эса унинг мазмуний томони.

[равишдош шакли+кўмакчи феъл] қолипи барча ҳаракат тарзи шакллари учун ягона лисоний морфологик қолип бўлса-да, ички бўлинишларда эса кичик қолипларга ажралади:

1) бирикиш доираси тор ҳаракат тарзи шакллари: [-a/ў+бор], [- (u)б+бит (*битир*)], [- (u)б+ет], [-a/ў+кет], [- (u)б+ўл], [-a/ў+кўр], [- (u)б+боқ], [- (u)б+бошла], [(u)б+ур], [-a/ў+тур], [- (u)б+туга];

2) бирикиш доираси кенг ҳаракат тарзи шакллари: [-a/ў+бошла], [- (u)б+ёт], [- (u)б+тур], [- (u)б+юр], [- (u)б+ўтир], [- (u)б+бор], [- (u)б+кел], [- (u)б+бўл], [- (u)б+чиқ], [- (u)б+ўт], [-a/ў+ол], [- (u)б+ол], [- (u)б+бер], [- (u)б+қол], [-a/ў+қол], [- (u)б+қўй], [- (u)б+кет], [- (u)б+юбор], [- (u)б+ташла], [- (u)б+сол], [-a/ў+сол], [- (u)б+туш], [- (u)б+кўр], [- (u)б+қара], [-a/ў+бил], [-a+ёз], [-a/ў+бер].

Энди эса ўзи бирикувчи феъл лексемаларга кўшилиб, соддалашиш ҳолатидаги ҳаракат тарзи шакллари кузатамиз:

1) кўшимчалашаётган ҳаракат тарзи шакллари: [-a/ў+бер], [-a+ёз], [-a/ў+ол], [- (u)б+юбор];

2) кўшимчалашган ҳаракат тарзи шакли: [-a/ў+ёт]. Шунингдек, нутқда етакчи феълларга равишдош шакллари сиз жуфтлашган ҳолатда бирикувчи кўмакчи феъллар сони 6 та бўлиб, улар қуйидагилар: [ол], [бер], [қол], [қўй], [кет], [ташла]. Нутқда (*ёзди-олди*), (*айтди-қўйди*) жуфтлашувчи шакллари билан биргаликда *ташлади-ворди* каби кўмакчи феъл ҳам учраб туради. Бундай мисоллар, асосан, сўзлашув услубига хос.

Ҳаракат тарзи категориясининг ички бўлинишлари. Ҳаракат тарзи шакллари унинг УГМсини очишда, категориал хусусияти ва парадигматик муносабатини ойдинлаштиришга уларнинг таркибли, яъни [кўшимча+феъл лексема] тузилишга эга эканлиги ҳам маълум даражада монелик қилиши табиий. Чунки бунда масалани мураккаблаштирувчи бир неча ҳолат мавжуд:

1) шаклда уни ўзига бириктираётган лексеманинг ҳам, равишдош шаклининг ҳам, шунингдек, кўмакчи феълнинг маънолари ҳам қоришган ҳолда воқеланиб, умумий тарз маъносининг кўринишини мураккаблаштириши;

2) ҳаракат тарзи шаклини ҳосил қилишда иштирок этаётган кўмакчи феъллар маъноларининг мустақил қўлланишидаги луғавий маънолари билан алоқасининг мавжудлиги ва бу алоқанинг турли даража ва

кўринишда эканлиги;

3) равишдош кўрсаткичининг ҳам, кўмакчи феълнинг ҳам маъновий мураккаблиги, серқирра моҳиятлилиги ҳаракат тарзи шаклининг ҳам кўп маънолилигини келтириб чиқариши ва шаклни айтиб бер маъно ифодаловчи восита сифатида муайян парадигмага киритиш имкониятининг чекланганлиги.

Маълум бўладики, ҳаракат тарзи шакллари гарчи “тарз” умумий грамматик маъноси остида бирлашса-да, уларни бошқа грамматик категорияларда бўлгани каби, шакллардан келиб чиққан ҳолда парадигматик таҳлил қилиш имкони чекланган. Шу боисдан ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси лисоний тизим сифатида таҳлилга тортилар экан, “хусусийликдан умумийликка” йўналишида эмас, балки “умумийликдан хусусийликка” тамойили асосида иш кўрмоқ лозим бўлади.

Ҳаракат тарзи шаклларининг ХГМлари ҳам бевосита нутқ билан боғлиқ бўлиб, улар фақат нутқий ҳосилалардагина ўзининг ХГМларини юзага чиқаради. Ҳаракат тарзи шаклларининг УГМси эса бевосита кузатишда берилмаган бўлиб, тайёрлик, умумийлик, мажбурийлик, барқарорлик каби хусусиятга эга. Ҳаракат тарзи шаклларининг УГМси хусусийликларнинг умумий хоссалари сифатида мазкур хусусийликларда яшайди ва улар орқалигина нутқда реаллашади.

Ҳаракат тарзи шаклларининг хусусийлашуви умумий грамматик маънонинг муайян хоссалари асосида шаклланади. Ҳар қандай ҳодиса кўплаб моҳиятлар заррасидан иборат бўлганлиги сабабли, нутқда қўлланилган муайян сўзшаклда турли УГМнинг ХГМси сифатида юзага чиққан зарралар мавжуд бўлиб, улар нутқий алоҳидалик сифатида сўзшаклларда шундай зич бирлашганки, кўп ҳолда уларни бир-биридан ажратиш қийин.

Миқдоран эликдан ортиқ шаклни ўз ичига қамраб олган ҳаракат тарзи шакллари, айтилганидек, “тарз” умумий грамматик маъноси остида бирлашади. Бу умумийлик муайян нутқий қўлланишгача бир неча оралик босқични босиб ўтади. Биринчи бўлиниши икки аъзоли бўлади:

а) “жараёнлилик”;

б) “қобилият”.

Иккинчи бўлиниш – ораликланишда “жараёнлилик” оралик маъноси:

а) “иш-ҳаракатнинг бошланиши”;

б) “иш-ҳаракатнинг давомийлиги”;

в) “иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги” ораликланишларига эга бўлади. “Қобилият” оралик маъноси:

а) “кодирлик”;

б) “синаш” парчаларига бўлинади.

Ўз навбатида иккинчи оралик маънолар яна парчланади.

Маълумки, ўзбек тилида шу кунгача энг катта морфологик парадигма саналган замон категорияси 18 аъзодан иборат. Ҳажман унданда катта бўлган, қарийб 50 га яқин аъзони ўз ичига олган ҳаракат тарзи шакллари парадигмасини “тарз” умумий грамматик маъноси остида бирлаштириш мумкин.

Ҳаракат тарзи категорияси феъл таснифловчи категориялари сирасида нисбат ва бўлишли-бўлишсизликдан кейин жойлашади. Чунки феълнинг бу категорияга муносабати доимий эмас. Аниқроғи, барча феълларда тарз маъносидан бири воқеланиши шарт эмас.

Ўзгаловчи категорияси

Ўзгаловчи категорияси ҳақида умумий маълумот. Феълга хос шундай грамматик шакллар борки, улар феълни кесимликдан бошқа туркумга ([-(a)й], [-(u)б], [-гач], [-гунча], [-ганча], [-ганда], [-гани], [-май/масдан] шакллари равишга, [-ган], [-аётган], [-адиган/йдиган] сифатга, [-моқ], [-иш], [-ув] отга) хос вазифаларга мослайди. Шунга кўра, улар уч гуруҳ – равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шаклларига ажратилади. Бу шакллар феълга нутқда ўзга туркум хоссаларини «ёпиштирганлиги» учун бир бутун ҳолда *ўзгаловчи категорияси* атамаси билан номланади.

Маълумки, ўзгаловчи, гарчи бунга ўзбек тили қурилишида етарли асос ва эҳтиёж бўлишига қарамай, алоҳида категория сифатида ажратилмаган. Бироқ уларнинг таркибий қисмлари, ички шакллари бўлган равишдош, сифатдош, ҳаракат номи айрим манбаларда категория сифатида қаралади. Шунинг учун туркийшуносликда «ҳаракат номи категорияси», «сифатдош категорияси», «равишдош категорияси» каби атамани учратиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, ўзгаловчининг турлари бўлган бу «категория»лар маълум бир умумий маъно (равишдошда «феълни феълга боғлаш ва унга равишлик хусусиятини бериш», сифатдошда «феълни отга боғлаш ва унга сифатлик хусусиятини бериш», ҳаракат номида «феълга отлик синтактик ва семантик хусусиятларини бериш») ва уларнинг парчаланишини кўрамиз. Чунки анъанада грамматик категория «икки ёки ундан ортиқ, ўзаро зидланувчи, бир-бирини тақозо ва, ўз ўрнида, инкор қилувчи, бир грамматик маъно тагида бирлашадиган грамматик шакллар тизими» сифатида таърифлаб келинди. Бу таърифга мувофиқ, бошқа категориялар шакллари каби ҳаракат номининг камида учта ([-моқ], [-иш], [-ув]), сифатдошнинг баъзан уч, баъзан беш ([-ган], [-аётган], [-адиган], [-увчи], [-ар]), равишдошнинг олти ([-иб], [-а/й], [-гач], [-гунча], [-гани], [-гач]) шакли ажратилади. Хўш, булар ҳақиқатан ҳам том маънода ҳаракат номи, сифатдош, равишдош шаклларими? Бунинг учун улар фақат шу турларга хос УГМни хусусийлаштириш,

жузъийлаштириш лозим. Масалан, ҳаракат номи шакллари алоҳида кўринишларда унинг «от туркумига хос бўлган синтактик ва маъновий вазифаларни бажариш» УГМсини хусусийлаштирганда эди, уни алоҳида категория сифатида ажратиш мумкин бўлур эди. Агар равишдош, сифатдош, ҳаракат номининг маъновий ва вазифавий жиҳатлари ўзлари мансуб категориялар (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи) нинг умумий маъноси ва синтактик имкониятига мансуб хусусийлашма бўлмаса, шу билан биргаликда, ўз моҳиятига хос хусусият билан эмас, балки бошқа, категория маънолари тажаллиси асосида бир-биридан фарқланса, унда уларнинг алоҳида категория эканлиги хусусида сўз юритиш мақбул эмас. Чунончи, сифатдош шакллари бир-биридан замон категорияси маъноси асосида фарқланса, демак, қайд қилинган шакллар унинг алоҳида шакли эмас, балки бир сифатдошнинг замон категорияси маънолари асосида фарқланувчи кўриниши – варианты. Бундай ҳолни равишдош шаклларида ҳам кузатиш мумкин. Чунки равишдош шаклларининг бир-биридан замон, тасдиқ/инкор, пайт, мақсад каби қатор маъно билан фарқланиши замон, тасдиқ/инкор, майл категориялари маъносининг тажаллиланиши эвазига содир бўлади. Бундай ҳолни бошқа категорияларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, (*ёзай*), (*ёзгин*), (*ёзсин*) каби сўзшакллардаги грамматик кўрсаткич буйруқ-истак майлининг турли шакллари ёки бир шаклнинг шахс/сон категорияси маъноси билан фарқланувчи вариантларими, деган саволга жавоб аниқ. Демак, аёнки, гарчи буйруқ-истак майли шакллари қаторида олти ва ундан кўп шакл, аниқроғи, кўриниш мавжуд бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири майл умумий маъносини хусусийлаштиришга эмас, балки уни шахс-сон категорияси маъноси билан мураккаблаштирган ҳолда воқелантиришга хизмат қилаётганлиги учун, аниқроғи, шакллар бу майл учун субстанциал бўлмаган маъно асосида фарқланаётганлиги учун буйруқ-истак майли алоҳида категория сифатида қаралмайди.

Кўринадик, равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи ўзаро ўзгалоғчи категориясининг «фёлни бошқа сўзларга боғлаш ва фёлга отга хос вазифаларини бериш» УГМсини «фёлни фёлга боғлаш» (равишдош), «фёлни отга боғлаш» (сифатдош) ва «фёлга от вазифасини бериш» (ҳаракат номи) тарзида хусусийлаштиради. Уларнинг ички шакллари эса бошқа категориялар маънолари асосида фарқланади ва бу тизим (парадигма)лар категориал аҳамиятга эга эмас.

Демак, ўзбек тилида равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи категориялари эмас, балки турли кўринишларга эга бўлган уч шаклдан иборат битта ўзгалоғчи категориясигина мавжуд.

Равишдош шакли ва унинг вариантлари. «Фёлни фёлга боғлаш» УГМсига эга бўлган равишдош шакли $[-(a)й]$, $[-(u)б]$, $[-гач]$, $[-гунча]$, $[-ганча]$, $[-ганда]$, $[-гани]$, $[-май/масдан]$ каби вариант шаклига эга.

Бу вариант шакллар ўзаро куйидаги тажалли маънолар асосида характерланади:

- [-(a)й] – давомли ҳаракатнинг ҳолат тусини ифодалаш;
- [-(u)б] – давомли/давомсиз ҳаракатга ҳолат тусини ифодалаш;
- [-май/масдан] – бўлишсиз ҳаракатга ҳолат тусини бериш.
- [-гач] – ҳаракатнинг бошланиш пайтини кўрсатиш;
- [-ганда] – ҳаракатнинг содир бўлиш пайтини кўрсатиш;
- [-гунча] – ҳаракатнинг тамом бўлиш пайтини кўрсатиш;
- [-ганча] – ҳаракатларнинг бир пайтдалигини кўрсатиш;
- [-гани] – ҳаракатга мақсад маъносини бериш;
- [-май/масдан] – бўлишсиз ҳаракатга ҳолат тусини бериш.

Айтилганидек, барча вариант шакллар учун «фёлни фёлга боғлаш» синтактик вазифаси умумий.

Кўринадик, вариант шакллардан учтасида турли хил «ҳолат», қолган олтитасида эса ҳар хил «пайт» маъноси ифодаланган.

[-(a)й], [-(u)б] шаклли равишдош бажарадиган вазифасининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу шаклли равишдош кўпинча [бошламоқ], [чиқмоқ], [қолмоқ], [кўрмоқ], [юбормоқ] каби фёъл билан бирикиб келади. Кўп ҳолларда равишдошли бирикувлар фёълнинг ҳаракат тарзини ҳосил қилиш учун хизмат қилади: (ўқиб чиқди), (бериб юборди). Бунда фақат шакл мавжуд бўлганлиги учун мазкур кўрсаткичли сўзшакл (ўқиб, бериб) ни шакл ва маъно яхлитлиги сифатида равишдош деб бўлмайд.

Равишдош шакллари маъновий муносабатини кузатиш натижасида амин бўлиш мумкинки, [-гани] ва [-гунча] ҳоким фёъл ифодалаган ҳаракатдан кейин содир бўлувчи жараёни англатадиган равишдош ҳосил қилувчи шакл сирасига киради. Модалликнинг кучли даражада ифодаланиши ва ҳаракатлар бажарувчиларининг умумийлиги белгиси билан [-гани] шакли бу белгига эга бўлмаган [-гунча] шаклидан фарқланади.

Пайт маъносини намоён қилганда [-(u)б] ва [-гач] шаклли равишдошлар ҳаракат бажарувчисига муносабат жиҳатдан қарама-қарши туради. Мазкур маънони ифодалашда [-u(б)] шаклли равишдош билан ундан кейин келувчи ҳоким фёълнинг бажарувчиси битта бўлади. *Икромжон махоркасини ўт олдириб бўлиб, жавоб берди.* (С.Аҳм.) [-гач] шаклли равишдошли қурилмада эса равишдош ва ҳоким фёъл бажарувчиси турлича бўлиши мумкин. *Икромжон махоркасини ўт олдириб бўлгач,* (Икромжон ёки бошқа кимдир) *жавоб берди.*

Равишдош шакллари парадигматик муносабати қуйидагича:

1. «Фёлни фёлга боғлаш» умумий синтактик вазифаси билан бирлашувчи равишдош шакллари «ҳоким фёлдан англашилган ҳаракатнинг содир бўлиш пайтини ифодалаш» белгиси остида ажралади.

[-a/й], [-(u)б], [-ганча], [-май/масдан], [-гани] шаклларида бу белги мажхул. [-гач], [-гунча], [-ганда] шаклларида эса ифодаланган.

2. [-a/й], [-(u)б], [-ганча], [-май/масдан], [-гани] шаклларида «равишдош ва у боғланган ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатларнинг бир вақтдалигини кўрсатиш» белгисига муносабати турлича. Мазкур белги [-ганча], [-a/й] шаклларида ифодаланган. Чунки бу шаклли равишдош ва ундан кейинги ҳоким феъл англатган ҳаракатлар бир вақтда рўй беради: **кутганча ўтирарди, кута-кута чарчади** каби. [-гани] шаклли равишдош ва у боғланган феъл англатган ҳаракат турли вақтда рўй беради: **кўргани келди, айтгани кетди** каби. Шунинг учун улар мазкур белгига салбий муносабатда дейилади. [-(u)б], [-май/масдан] шаклларида белги юзага чиқиши ҳам, чиқмаслиги ҳам мумкин. Қиёсланг: **шошилиб гапирди, шошилмасдан гапирди** (ҳаракатлар бир вақтда юз берган), **ўқиб жавоб берди, ўқимасдан жавоб берди** (аввал ўқиш, кейин жавоб бериш ҳаракати юз берган). Бу ҳол ушбу шаклларнинг мазкур белгига мажхул, ноаниқ муносабатда эканлигини кўрсатади.

3. [-a/й], [-ганча] шакллари «равишдош ифодалаган ҳаракатнинг такрорий эмаслиги» белгиси билан фарқланади. Бу белгига муносабат [-ганча] шаклида ижобий ва [-a/й] шаклида мажхул. Бу қуйидагилар билан изоҳланади. **Ўқиганча келарди** бирикувида равишдош ифодалаган ҳаракат такрор-такрор юз бермайди. **Келисонни қўя чопди** бирикувида [-a/й] шакли бир марталик ҳаракатни ифодалайди. **Ўқий-ўқий чарчади** бирикувида эса равишдош ифодалаган ҳаракат такрорланувчи, давомий. [-a/й] шаклли равишдош, одатда, такрор қўлланади, айрим ҳолларда такрор бўлмаган ҳолда ишлатилиши мумкин.

4. [-гач], [-гунча], [-ганда] шакллари ўзаро «ҳаракатнинг чегарасини ифодалаш» белгиси билан фарқланади. [-гач] шаклли равишдош ифодалаган ҳаракат ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатдан олдин юз беради: **боргач, айтаман**. [-гунча] шаклли равишдош ифодалаган ҳаракат ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатдан кейин юз беради: **боргунча айтаман**. [-ганда] шаклли равишдош ифодалаган ҳаракат билан ҳоким феъл ифодалаган ҳаракат бир пайтда юз беради: **кўрганда кўришгунча**.

Равишдош шаклларида тавсифланган алоҳида маънолари унинг УГМси таркибидаги ёндош маъно ҳисобланади.

Сифатдош шакллари ва унинг турлари. Ўзгалоғчи категориясининг таркибий қисми бўлган сифатдош нутқда феълларни отларга (баъзан феълларга) боғлаш вазифасини ўташга ихтисослашган. Бу вазифа – барча сифатдош шакллари учун мутлақ субстанциал моҳият.

Сифатдошлар табиатан «феълни феълга боғлаш» белгилари нотўлиқ зиддиятнинг мажхул, ноаниқ узви. Бу зиддиятда равишдош кучли аъзо ҳисобланади. Сифатдош, асосан, феълни отга, қисман феълга (масалан, **маст қиладиган кулиши, дилни вайрон қиладиган йиғлаши** каби) боғлаш

вазифасини бажаради. Шунингдек, бу шакл баъзан аналитик, перифрастик шакллар таркибида ҳам феълни феълга боғлаши мумкин.

Сифатдошларнинг синтактик имконияти асосида унинг маъновий хусусияти ётади. Бу маъновий хусусият – феъл англатган ҳаракат ёки ҳаракат натижасини нарса/предметнинг белгиси сифатида нутқда воқелантириш. Шунинг учун тилшунослар сифатдошни сифат ва феъл оралиғида турган сўз сифатида баҳолашади. Мана шу жиҳати билан улар равишдошдан тубдан фарқ қилади. Равишдошлар ўзгалашиш жараёнида феълнинг луғавий маъносини ўзгартирмай, унга фақат тобеловчи синтактик вазифа юкласа, сифатдошлар феълдаги динамик белгини барқарорлаштириб, унинг луғавий маъносини кўпроқ модификация қилади.

Манбаларда сифатдошнинг қуйидаги шакллари ажратилади:

[-ган];

[-(a)p];

[-(y)вчи];

[-миш];

[-ажак];

[-аси/гуси].

[-(a)p] шакли мавжуд дарслик ва адабиётларда умумзамон, доимийлик маъносини ифодаловчи (*айтар ган, кетар одам*) сифатдош шакли сифатида қаралади. Лекин бу шаклнинг кammaҳсуллиги ва уни олган сифатдош кўпроқ сифатга яқин туриши ўзбек тилшунослари томонидан эътироф этилган. Чунки «унинг ёрдамида сифатдош ҳосил бўлиши ўзбек тилида жуда кам учрайди. Мазкур кўрсаткич ёрдамида қўлланувчи айрим сўзлар феълдан кўра сифатларга жуда яқин туради: *оқар сув, сўнмас ҳаёт* каби. Ҳозирги-келаси замон феълнинг келади, ишлайди ва келадиган, ишлайдиган типдаги шакли келиб чиққач, бу шакл ёрдамида ясалувчи сифатдош ҳозирги-замон феълга айланган» («Ўзбек тили грамматикаси, I том). Демак, [-(a)p] шаклини тарихий сифатдош шакли сифатида қарашга тўла асос бор.

[-миш] ўзбек тили тарихида том маънодаги сифатдош бўлиб, бу шаклга «перфект кесим орқали англашилган ҳаракатга нисбатан амалга оширилган, содир бўлган ҳаракат» маъносини ифодалаш хос. Лекин тил тараққиётининг кейинги босқичи ва ҳозирги вақтда ўзбек тили учун меъёр эмаслиги билан характерланади. Ўғиз тиллари ва ўзбек тилининг ўғиз шеваларига хос бўлган бу шакл ўзбек тилида учратмаслиги уни сифатдош шакли сифатида қарашга имкон бермайди.

[-(y)вчи] шакли ўзбек структур тилшунослигида сифатдошдан кескин фарқ қилувчи исми фоил (ҳаракат бажарувчи) ҳосил қилувчи сифатида баҳоланганлиги учун унга сифатдош шакллари қаторидан ўрин берилмади.

[-ажак], [-аси/гуси] шакллари – тўла архаиклашган сифатдош кўрсаткичи.

Демак, том маънодаги сифатдош шакли сифатида мазкур қаторда [-ган] қолади. Маълумки, [-ган] замон маъносини кўрсатувчи ва [-ган] шаклининг варианты сифатида қаралувчи [-ётган], [-адиган/йдиган] шаклига шу маъноси билан ўтмайди. Ҳар учала шакл замон маъноси билан фарқланганлиги ва бу замон кесимга нисбатан белгиланувчи нисбий замонга айланганлиги сабабли, уларни сифатдош шаклининг замон билан фарқланувчи кўриниши сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Демак, сифатдош шакли [-ган], [-ётган], [-адиган/йдиган] кўринишига эга.

Сифатдошнинг бу уч кўриниши ўзаро «фёълни отга ва қисман фёълга боғлаш» УГМсига бирдай эга бўлганлиги сабабли қуйида уларнинг фақат маъновий томонига эътибор қаратилади.

[-ган] кўрсаткичи билан шаклланган сифатдошнинг маъновий хусусияти асосида кейинги фёълдан англашилган ҳаракатдан илгари содир бўлувчи ҳаракатни предметнинг атрибутив белгиси сифатида ифодалаш ётади. Лекин сифатдош ифодалаган ҳаракат нутқ моментигача содир бўлмаган бўлиши мумкин. Масалан, *Жон хотин, мен боргунча шу хатни олиб борган болани ўлдириб юбор.*(Эрт.) Бу шакли сифатдош ифодалаган ҳаракат давомий (*Сочига битта-иккита оқ оралаган хотин чиқиб эшикни очди*) бўлиши ҳам мумкин.

Тўрт ҳолат фёъли – *ёт, тур, ўтир, юр* фёълларига қўшилганганда ҳам шакл ушбу маъно билан бўлади. Бу, албатта, фёълнинг луғавий маъносига боғлиқ ҳолда юз беради.

[-ётган] шаклининг маъновий моҳияти давомий ҳаракатни нарса/шахснинг атрибутив белгиси сифатида бериш. Мисоллар: *Най овози келаётган тепанинг олдида етдим.* (С.Айн.) *У ҳўл ўтин вишиллаб ёнаётган ўчоққа тикилди.* (П.Тур.) Бу шаклдаги давомийлик, ҳозирги замон маъноси, асосан, шаклдаги *-ёт* формантининг маъновий хусусияти асосида. Чунки *ёт* фёъли кесимдан англашилган ҳаракат билан бир вақтда юз берган давомий ҳаракатни ифодалайди. Маълумки, [-ган] шаклига бажарилган, ўтган замонга оид ҳаракатни ифодалаш хос бўлиб, [-ётган] шакли сифатдошда замон ва давомийлик маъносини ифодалашни *-ёт* форманти бутунлай ўз зиммасига олган ва [-ган] шакли ҳиссасига фақат атрибутив белги эканликни кўрсатиш ва боғлаш вазифаси қолади.

[-адиган/йдиган] шаклининг маъновий моҳияти доимий ҳаракатни нарсанинг атрибутив белгисига айлантириш. Бу шаклнинг бундай хусусиятга эгаллиги унинг таркибий қисми бўлган [-ади] формантининг қадимда ҳолат фёъли [-арди] бўлганлигига бориб тақалади. Ҳолат эса, албатта, давомий. Худди [-ётган] шаклида бўлгани каби, [-адиган/йдиган] шаклида ҳам асосий маънони ифодалаш масъулияти шаклнинг *-ади*

қисмига юклатилган бўлиб, *-ган* қисмида эса ҳаракатни турғунлаштириш ва феълни ҳоким сўзга боғлаш вазифаси қолади. Мисоллар: 1. *Энг яхши ўқийдиган* зеҳнли болаларни доскага чиқариш керак. 2. *Бу акам билан Устахўжанинг катта ўғли турадиган* хона экан.

Сифатдош шаклларининг маъновий муносабатлари қуйидагича. Шакл УГМсида категориал маъно «феълни феъл ёки отга боғлаш» бўлиб, ундаги ёндош маъно «феълга сифатлик (атрибутив) белгисини бериш»дир. Шакл турлари «тегишли кейинги феълдан англашилган ҳаракатдан олдин содир бўлиш» белгиси асосида фарқланади. [-ган] шаклида мазкур белги ижобий. [-ётган], [-адиган/ўдиган] шакл турларининг бу белгига муносабати мажҳул. Чунки уларнинг асосий хусусияти тегишли феълдан англашилган ҳаракатдан кейин ёки у билан бир вақтда содир бўлиш бўлса-да, баъзан контекст талаби билан олдин юз берган ҳаракатни ифодалаши ҳам мумкин. Мисол: *Ишлаётган* кишиларни кейинчалик мукофотга тақдим этасиз. [-адиган/ўдиган] шакл турининг «доимийлик» белгиси ҳам уни мазкур белгига бефарқ, мажҳул, ноаниқ муносабатли қилиб қўяди.

Демак, маълум бўладикки, сифатдош ҳам равишдош каби ўз микросистемаси ичида сифатдошлик (ҳаракатни барқарорлаштириш, феълни отга ва қисман феълга боғлаш) белгиларини муайянлаштириш, ихтисослаштириш жиҳатидан эмас, балки ўзга категорияларнинг замон, тарз каби маъноларини ифодалашга ихтисослашиши жиҳатдан фарқланади. [-ган], [-ётган], [-адиган/ўдиган] қўшимчалари турли хил сифатдош эмас, балки ўзгаловчи категориянинг шакли сифатида намоён бўладиган битта сифатдош шаклининг бошқа категорияларга хос тажалли маънолар билан фарқланувчи кўринишлари.

Ҳаракат номи шакли ва унинг турлари. Ўзбек тилшунослигида ҳаракат номи шакли сифатида қуйидаги кўрсаткичлар фарқланади:

[-моқ];

[-(и)ш];

[-маслик];

[-(у)в];

[-ганлик];

Бу шакллар сирасида [-(у)в], [-ганлик] шаклларининг кенг истеъмолли ва жонли нутққа хос эмаслиги уларни тўла маънодаги ҳаракат номи шакли сифатида қарашга монелик қилади.

[-моқ] шакли нисбатан кам қўлланади ва ҳаракат номининг адабий тил кўриниши, луғат шакли сифатида қаралади: *Босмачиларнинг ваҳшийлиги одамларга маълум: одамларни кесмоқ, осмоқ, тириклай қўйдирмоқ.* (С.Аҳм.) Бу ҳаракат номининг бошқа шаклларида услубий қўлланилиши билангина фарқланади.

[-(и)ш] аффиксли ҳаракат номи қуйидаги маънога эга:

а) ҳаракатнинг номи, атамаси: **Кетиши** ҳам, *кетмаслиги* ҳам *номаълумлигини айтди*. (Мирм.)

б) иш, машғулот маъноси: (*шудгорлаш*), (*ўғитлаш*), (*ишлаш*);

в) одатдаги от маъносида: (*чопиш*), (*жилмайиш*), (*келиш*), (*кетиш*).

Бу шакл [-лик] қўшимчаси билан кўп ҳолларда тилнинг диний нутқ кўринишида учрайди: (*айтишлик*), (*келишлик*), (*боришлик*) каби.

Ҳаракат номининг бўлишсиз шакли [-маслик] кўрсаткичи орқали ҳосил қилинади: (*бормаслик*), (*келмаслик*) каби.

Ҳаракат номи отга хос барча синтактик вазифада кела олади.

Ўзгалошчи категория шакллари бўлмиш равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи маъновий ва синтактик жиҳатларнинг даражаси билан фарқланади. Бу даражали зиддиятнинг белгисини «луғавий маънони ўзгалаш» ташкил этади. Бу равишдошда кучсиз, сифатдошда ўртача ва ҳаракат номида кучли. Агар белги «синтактик муносабатни ифодалаш» тарзида бўлса, равишдош кучсиз, сифатдош яна ўртача, равишдош кучли аъзо сифатида юзага чиқади. Демак, сифатдошда маъновий ва синтактик ўзгалаш ўзаро мувофиқ.

Феълнинг ҳаракат табиатини кўрсатувчи шакллари

Феълнинг ҳаракат табиатини кўрсатувчи шакллари тилшуносликда *нокатегориал шакл* деб юритилади. Айтилганидек, бирор бутунликка кирмайдиган лисоний бирлик бўлиши мумкин эмас. Буни шу кунгача [-ла], [-кила/гила/қила], [-(и)нқира], [-(и)мсира] шакллари сирасида кўмакчи *феъл* атамаси остида нокатегориал шакл сифатида ўрганиб келинган грамматик кўрсаткич системасининг категориал табиати очилиб, нокатегориал шакл тизимидан чиқарилганлигининг ўзи ҳам исботлайди. Демак, ҳар қандай шакл бирор грамматик категория таркибида яшайди.

Феълнинг ҳаракат табиатини кўрсатувчи шакллари бўлган [-ла], [-кила] /гила/қила), [-(и)нқира], [-(и)мсира] кўрсаткичига хос категориал хусусиятлар тилшунослигимизда ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги, очилмаганлиги сабабли алоҳида категория сифатида қарамаймиз. Уларнинг категориал хусусиятини очиш ёки бирор категорияга муносабатини ойдинлаштириш тилшунослигимиз олдида турган вазифалардан.

Феълнинг бу синтетик шакллари ҳаракатнинг турли томондан тавсифини беради. Шу асосда уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) ҳаракатнинг давомийлигини, тақрорийлигини ифодаловчи шакл. Феълнинг бу шакли унга [-ла], [-кила/гила/қила)] аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинади: (*ишқа-ишқала*), (*сава-савала*), (*турт-туртқила*), (*чўз-чўзгила*), (*югур-югургила*), (*торт-тортқила*), (*теп-тепқила*) тарзида.

Бу шаклларнинг [-ла] ёки [-кила/гила/ғила/қила] эканлиги ҳам мунозарали. Қуйидаги мисолларга диққат қилинг: *Ўн уч йилдан бери сени сўроқлайман, дўстим.* (Н.Фоз.) *Эртадан буён Ёрмат ... чуқурларга тупроқ солиб тепкилайди.* (Ойб.) *Шамол қутуриб кўча ёқасидан дарахт шохларини тортқилаб силкитар, улардан дув-дув ёмғир томчилари тўкиларди.* (С.Абд.) Бу мисолларда ажратилган сўзшакллардаги [-ла], [-қила], [-кила] кўрсаткичи манбаларда ҳаракат тавсифи шакли сифатида берилади. Бироқ (сўроқла) сўзшаклида [-ла] сўз ясовчи, *тепкила*, *тортқила* сўзларининг морфемик таркиби *теп+ки* (от ясалган)+ла, *торт+қи* (от ясалган)+ла бўлиши ҳам мумкин;

2) ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатувчи шакли [-(и)нқира], [-(и)мсира] аффикслари ёрдамида ҳосил қилинади: (*оқар-оқаринқира*), (*қўрқ-қўрқинқира*), (*кул- кулимсира*) каби.

Назаримизда, феълнинг ҳаракат табиатини кўрсатувчи шаклини ҳосил қилувчи қўшимчаларни ҳаракат тарзи категорияси таркибида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу шакллар ҳаракатнинг тарзини ифодалашга ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Улар синтетик шакл ҳосил қилувчи кўрсаткичлар сифатида эса ҳаракат тарзи категориясининг синтетик-аналитик шаклларида ажралиб туради. Бироқ масалага тилда гетероген шаклли категорияларнинг ҳам мавжудлиги асосида ёндашилса, унинг ечимига келиш осонлашади.

Феълнинг тузилишига кўра турлари. Феъл тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Содда феъл бир ўзакли бўлади: [ўқи], [бор], [ишла], [турткила]. Мураккаб феъл ўз ўрнида учга бўлинади:

- а) *жуфт феъл*;
- б) *такрорий феъл*;
- в) *қўшма феъл*.

Феълларда алоқа-муносабат категорияларининг воқеланиши

Кесимлик категорияси. Бошқа сўз туркуми билан феъл орасида тусланишда, кесимлик билан шаклланишда жиддий фарқ борлигини айтиб ўтган эдик. Бу феълнинг кесимлик вазифасини бажариш имконияти бойлиги, кесим вазифасига кўпроқ хосланганлиги туфайли унда мазкур маънони ифодаловчи воситаларнинг кенг ривожланганлиги билан белгиланади.

Айтилганидек, кесимлик мураккаб категория, унинг таркибий қисмлари тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон категорияси. Бу категориялар кесимлик категориясининг алоҳида шакллари эмасми, уларнинг ҳар бирини категория сифатида баҳолашга асос борми деган савол туғилиши табиий. Чунки бунга ўхшаш ҳол ўзгаловчи категория мисолида кузатилган эди. Маълумки, категория шакллари бир

субстанциал маънони хусусийлаштириши керак эди. Кесимлик категориясининг субстанциал моҳияти мураккаб, ундаги тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон маъноси нисбий алоҳидаликка эга. Шунингдек, бу категорияларнинг ички шакллари бошқа категориялар маънолари асосида эмас, балки ўзлари тегишли категориялар маъноларини хусусийлаштиради. Масалан, замон категорияси шакллари замон маъносини хусусийлаштиради (ўтган, ҳозирги, келаси). Шахс-сон категорияси (биринчи, иккинчи, учинчи шахс бирлик ва кўплик) шакллари шахс-сон маъносинигина хусусийлаштиради. Бунда «бегона» категория тажаллиси кузатилмайди. Демак, кесимлик категорияси ички категориал системалардан иборат яхлитлик. Яхлитликнинг моҳияти шундаки, бу ички категориянинг бирортаси иккинчисисиз яшай олмайди.

Кесимлик категорияси мураккаб экан, унинг таркибий қисмларининг юзага чиқишида уч ҳолат фарқланади:

а) кесимлик маъносининг йиғиқ ифодаланиши: *Ёз. Борай. Ўқигин. Ўқитувчиман. Шифокорсиз;*

б) кесимлик маъносининг ёйиқ ифодаланиши: *Ёзмасайдингиз. Ўқитувчидирман;*

в) кесимлик маъносининг тафсилий ифодаланиши: *Ўқиса бўлади. Ишчи эдим. Ёзса керак.*

Қуйида бу ички категорияларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

1. Тасдиқ-инкор категорияси (қисқ. ТИК) кесимдан англашилган фикрнинг тасдиқ ёки инкорини ифодалайди. ТИКнинг УГМси – «тасдиқ, инкор маъносини ифодалаш билан гап кесимни шакллантиришда иштирок этиш, унинг ҳол валентлигига таъсир қилиш».

Тасдиқ-инкор маъносини ифодалашда ноль шакл (тасдиқ), [-ма] бўлишсизлик шакли, [эмас], [на], [йўқ] сўзи (инкор) иштирок этади. Мисоллар: *Мажлис ярим кечагача чўзилди.* (О.Мух.) *Узоқдан Навоийнинг қораси кўрингунга қадар у амирнинг келишига ишонмаган эди.* (Ойб.) *На хотин, на фарзанд кўрмаган, кимсасиз бечора бир йигит.* (Уйғ.) *Менинг фарзандим йўқ, гулбоғларим йўқ.* (С.Нур.)

Бўлишли-бўлишсизлик категориясини ТИКдан фарқлаш лозим. Бўлишли-бўлишсизлик феълга хос ва унинг нокесимлик шакли. Бунда бўлишсизлик шакли бўлган [-ма] кўрсаткичининг ўрнини аниқ билиш лозим. Бу шакл бошқа (масалан, [-ган] шакли сифатдош шакли сифатида бошқа парадигмадан, кесимни шакллантириши билан бошқа парадигмадан жой олганлиги каби) грамматик шакллардек кўп вазифали (полифункционал). У гап кесими таркибида кесимлик категориясининг УГМсидаги «гап кесимини шакллантириш» маъносини хусусийлаштирганлиги билан бўлишли-бўлишсизлик категориясидагидан бошқа бир қиррасини намоён қилади. Бу серқирра моҳиятли, кўп

функцияли лисоний бирликлар каби [-ма] шакли ҳам бирдан ортик парадигмадан ўрин олишини кўрсатади.

2. Майл категорияси. Майл категорияси (қисқ. МК) «кесимдан англашилган воқеликнинг борлиққа муносабатини ифодалаш ва гап кесимини шакллантиришда иштирок этиш» УГМсига эга. МК УГМсида майл категориал маъносига ҳар доим замон категорияси маъноси ёндош.

МК ифодалаётган муносабат ранг-баранг бўлиши мумкин. Шунинг учун унинг қуйидаги тури ажратилади:

- а) *хабар майли*;
- б) *шарт майли*;
- в) *буйруқ-истак майли*;
- г) *мақсад майли*.

Хабар майли ҳаракат/ҳолат ёки ҳодисани унинг бажарилиш вақти билан ифодалайди. Унда бажарилиш ҳақида хабар мавжуд. Шунинг учун бу майлдаги феъл, албатта, бирор замон шаклида бўлади: *келди, келяпти, келади*.

Хабар майли бирор кўрсаткичга эга эмас. У феълнинг замон кўрсаткичи орқали юзага чиқади. Хабар майли ва замон маъноси йиғиқ ифодаланишга эга.

Шарт майли [-са], [-са эди], [-ганда эди], [-ган экан] шакллари орқали ҳосил қилинади: *борсам, борсанг, борса, борсангиз, борсаларингиз, борсангизлар, борсалар; борганда эди* ва ҳ. Мисоллар: *Мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди.* (А.Қаҳ.) *Эртөөв бир нимани сезмаса, бунчалик талвасага тушмас эди.* (О.Ёқуб.) *Бизнинг бундай улуг кунга эришганимизни отамиз ҳам кўрганда, қандай қувонар эди.* (Ибоҳон.) *Мен ҳам доим қишлоқда турганимда, машинани ўрганиб олардим.* (Ҳ.Наз.) *Тузалса эди, одамлардек юра олса, бошига кўтарарди.* (С.Аҳм.) *Қаердаки маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган экан, у ерда муваффақият қўлга киритилади.* («Ўзб.ов.») *Ишлаб чиққан мебелларимиз уйлариингизни қанчалик яхши безатар экан, биз шунчалик хурсанд бўламиз.* («Қарши универс.») *Истиқлол мендан фермер бўлишни талаб қилган экан, мен бу вазифани аъло даражада удалашга ваъда бераман.* («Қашқ.»)

[-са] шаклининг «шарт» маъносидан ташқари ифодалайдиган яна қатор маънолари («пайт», «истак», «илтимос», «сабаб», «тўсиқсизлик» каби) мавжуд, улар шарт майли доирасида қаралмайди.

Буйруқ-истак майли шакллариинг асосий хусусияти – сўзловчининг истаги билан боғлиқ ҳолдаги ҳаракатга ундаш, шу ҳаракатга даъват этиш, қўзғатишни ифодалаш. У [-ай], [-гин], [-син], [-айлик], [-инг] шакллари орқали юзага чиқади: (*борай*), (*боргин*), (*борсин*), (*борайлик*), (*боринг(излар)*)) каби. Ифодаловчилар бирлик ва кўпликда, шахс ва сонда фарқланади.

Буйруқ-истак майлида:

а) соф буйруқ, даъват, илтимос;

б) истак маънолари қоришади.

Биринчи маъно иккинчи ((*йўқолинг*), (*ёндилинг*), (*кулдирмагин*)) ва учинчи шахсга (*борсин*, *борсинлар*), иккинчи маъно эса сўзловчининг ўзига қарата (*борай*, *айтай*) ифодаланади.

Буйруқ-истак майли ифодаловчилари бундан бошқа маъноларни («тўсиқсизлик», маъно кучайтириш ва ҳ.) ифодалашни ҳам мумкин. Аммо унда майл УГМси тажаллиси бўлмаганда майл маъноси доирасида ўрганилмайди.

Мақсад майли субъектнинг кесимдан англашилган ҳаракатни бажариш мақсадини, ниятини, мўлжалини билдиради: (*бормоқчиман*), (*бормоқчисан*), (*бормоқчи*); (*бормоқчимиз*), (*бормоқчисиз*), (*бормоқчилар*).

Мақсад майли маъноси [-*моқчи*], [-*моқчи эди*] кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланади: *У ҳозир ҳамманинг калласини говлатган шум хабарни ё ҳеч ўйламаяпти, ёки бу гапнинг менга сира дахли йўқ, деб кўрсатмоқчи.* (А.Мух.) *Домланинг ер олгани рост, буни Саудийга билдирмоқчи эмас эди.* (А.Қаҳ.)

1. **Замон категорияси.** «Пайт валентлигига таъсир этиш орқали кесимни шакллантиришда иштирок этиш ва ундан англашилган воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаш» - замон категорияси (қисқ. ЗК) нинг УГМси. Феълда бу УГМдаги воқелик узви ҳаракат *тарзи* кўринишида хусусийлашади.

Воқеликнинг нутқ моментига муносабатига қараб уч хил замон фарқланади:

а) нутқ моментигача бўлган воқелик – *ўтган замон*;

б) нутқ моментигадаги воқелик – *ҳозирги замон*;

в) нутқ моментидан кейин бўладиган воқелик – *келаси замон*.

Шу боисдан замон УГМСининг учта хусусий кўриниши фарқланади:

1) *ўтган замон*;

2) *ҳозирги замон*;

3) *келаси замон*.

Уларни ифодаловчи шакллар ҳам шунга мувофиқ уч гуруҳга ажратилади.

Ўтган замон. Ҳозирги ўзбек тилида ўтган замон феъли бир неча шакл ёрдамида ифодаланади:

[-*ди*] (*ўқидим*, *ўқидинг*, *ўқиди*);

[-*ган*] (*ўқиганман*, *ўқигансан*, *ўқиган*);

[-(*и*)*б*-] (*ўқибман*, *ўқибсан*, *ўқибди*);

[-*эди/экан/эмиш*] (*ёзган эдим*, *ишлаётган эди*, *ишлаган эдинг*, *ишлар эдилар*, *ишламоқчи эдим*).

Мазкур шаклларни қабул қилган феъл турли маъно ифодалайди. Масалан:

а) [-ди]: «сўзловчи кўрган, билган ҳаракатнинг нутқ моментиғача бажарилганини аниқ, қатъий тарзда ифодалаш»: *Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди.* (О. Ёқ.);

б) [-ган]: «сўзловчи ва тингловчи ўзаро суҳбатлашиб турган пайтда бўлмаган ҳаракатни ифодалаш»: *Капалагини учириб юборган.* (Ҳ.Наз.); «ҳаракатнинг бажарилганлиги ва унинг ҳозир ҳам мавжудлиги»: *Ўринда ҳам гаплашаверамиз, сен жуда чарчагансан.* (И.Раҳ.);

в) [-(и)б-]: «ҳаракатни бевосита кузатмаганлик, ундан кейин хабардор бўлганлик»: *Ўзим кўрдим, тош чап елкасига тушибди;* «тўсиқсизлик»: *Устидан ошириб ўқ отибман-у, киприк қоқмайди-я!* (А.Қаҳ.)

г) [эди]: «ҳаракат ҳолатнинг ҳозир эмас, балки ўтган, аввалги вақтга оидлиги»: *Сув энди ерга сингмай, музлаб қолган эди.* (А.Қаҳ.)

Бундай маънолар қаторини яна анча давом эттириш мумкин. Бирок келтирилган қўштирноқ ичидаги маъноларга диққат қилинса, улардаги умумийлик «ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги» бўлиб, қолган фарқларнинг бирортаси замон УГМсига дахлдор эмас. Масалан, «тўсиқсизлик», «бевосита кузатмаганлик», «ўзаро суҳбатлашиб турган пайтда бўлмаганлик» кабиларнинг замон маъносига мутлақо тегишли жойи йўқ. Демак, уларни замон доирасида таҳлил этиш ортикча. Шу боисдан *ўтган замон ҳикоя феъли, ўтган замон давом феъли* атамаларидаги “ҳикоя”, “давом” унсурларини замонга дахлсиз ҳодисаларнинг ЗКни мураккаблаштирувчи ҳодиса сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Замон маъносига бошқа маънонинг қоришувини ҳам грамматик иллюзиянинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Ўтган замон шакли кесимнинг пайт валентлигини ҳол вазифасидаги ўтган замон маъноли сўзшакллар билан тўлдиради: *кеча келди, ўтган йили ўқиган, бултур бажарган эдим* каби.

Ҳозирги замон. Замоннинг бу тури ЗК УГМсини «ҳаракатнинг нутқ моментида юз бераётганлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Маънолардаги «давомийлик», «тугамаганлик» унсурлари ундаги бошқа категория тажаллиси бўлиб, замоннинг субстанциал маъносига дахли йўқ. «Давомийлик», «тугалланмаганлик» УГМдаги категориал маъно билан зич ҳолатдаги ёндош маъно.

Бу замон маъноси:

[-яп-];

[-ётиб-];

[-ётир];

[-моқда]

аффикслари билан ифодаланади.

Шакллар орасидаги фарқ соф услубий асосда. Аниқроғи, [-яп-] умумуслубий ва кенг истеъмоллилиги, [-*ётиб-*] ва [-*ётир*] диалектал ва поэтик хусусияти билан, [-*моқда*] шакли китобий услубга хослиги билан характерланади. Уларда замонни ифодалашда фарқ сезилмайди. Қиёсланг: (*ўқияпман*), (*ўқиётирман*), (*ўқиётибман*), (*ўқимоқдаман*).

[*Ёт*], [*тур*], [*юр*], [*ўтир*] бирликлари кўмакчи феъл вазифасида келиб, ҳозирги замон шаклининг аналитик кўринишини ҳосил қилади: *Ҳали душманларимиз тинчигани йўқ, ҳушёрликни қўлдан бердинг, калланга соламан деб пойлаб турибди.* («Қашқ.») *Ҳали келишгани йўқ, ўзим ҳам хавотир олиб ўтирибман.* (А.Қах.). *Қуёшки фалакда кезиб юрибди, умримиз боқийдир, умримиз боқий.* (Ғ.Ғул.) *Бўлиқ ер «тайёрман» дегандек кўпчиб ётибди.* («Қашқ.»)

Ҳозирги замон шакллари кесимнинг пайт валентлигини ҳозирги замон маъноли сўзшакл билан тўлдиради: [*бугун*], [*ҳозир*] каби. Бу сўзшакллар гапда ҳол бўлиб келади.

Келаси замон. Мавжуд дарсликларда грамматик иллюзия натижасида келаси замоннинг икки кўриниши фарқланади:

а) *келаси замон аниқлик шакли;*

б) *келаси замон гумон шакли.*

Юқорида айтилгани каби, маъно турларидаги «аниқлик» ва «гумон» унсурларининг замон субстанциал моҳиятига тегишли жойи йўқ. Бу ҳам бошқа категория субстанциал моҳиятининг келаси замон УГМсидаги тажаллиси.

Келаси замон ЗК УГМсини «нутқ моментидан кейин юз берувчи ҳаракатни ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Бу замон:

а) [-*а*], [-*й*] (*Ўзбек қизлари севгисини айтмайди, бир умр пинҳон тутади.* (Сайёр) *Боланг уч-тўрт қийналади, кейин ўрганиб кетади.* (А.Қах.);

б) [-(*а*)*р/масс*] (*Балки завод қуриш учун овора бўлишга тўғри келмас.* (Ойб.) *Шу атрофда юргандир, келиб қолар.* (С.Ан.)) аффикслари орқали ифодаланади. (Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, дарсликларда замон шакллари саналганда, ундан кейин албатта шахс-сон шакллари келиши таъкидланади. Бу ўринда ЗК кесимликнинг диалектик боғланган бир таркибий қисми бўлганлиги учун ҳадеб замон шаклидан кейин шахс-сон шакли бўлишини таъкидлаб ўтиришни ортиқча деб билдик. Чунки улар ажралмас.)

Келаси замон феълнинг [*экан*], [*эмиш*] тўлиқсиз феъли билан ясалган эшитилганлик, кейин билганлик маъносини ифодаловчи шакли гумон маъносини ифодаламаслиги таъкидланади: (*ишлар экан*), (*келар экан*); (*ишлар эмиш*), (*келар эмиш*) каби. Бунда тўлиқсиз феълларда замон маъноси йўқ. Замон шаклининг [-*ар*] қисми орқали ифодаланади.

Умуман олганда, тўлиқсиз феъллар феълдан бошқа сўзлар кесим вазифасида келганда уларга замон ва модал маъноларни биргаликда беради. Феълларни шакллантирганда эса синтетик-аналитик шаклнинг аффикс қисми замон ифодалаб, тўлиқсиз феъл зиммасига модал муносабат ифодалашгина юклатилади. Қийёсланг: *ишчи экан – ишчи бўлган экан, ўқиган эмиш*. Кейинги икки мисолда [-ган] шакли замон, тўлиқсиз феъллар модал муносабат ифодалаган.

Келаси замон шакллари кесимнинг пайт валентлигини келаси замон маъноли ҳол вазифасидаги сўзшакллар билан тўлдиради: *эртага, келаси йил, келажакда* каби.

Аффикслар кўчма маъноларда ишлатилиши ҳам мумкин. *Ҳозир қоронгида қаёққа бордигу, нимаям қилдик* (келаси замон). (П.Тур.) *Шундан сўнг, билмадим, қанча вақт ширин хаёллар осмонида қанот қоқиб юрдим* (ҳозирги замон). (Сайёр.) *Кеча далада чунонам чеканка қиляптики, бамисоли уста сартарош гўзани тарашиляпти дейсиз* (ўтган замон). (С.Аҳм.) *Буларни бошқа қисмга юбораямиз* (келаси замон). (А.Убай.)

Бундай маъно кўчиши нутқий табиатли.

Шахс-сон категорияси. Шахс-сон категорияси кесимлик категорияси УГМсини «эга валентлигини муайянлаштириш орқали гап кесимини шакллантиришда иштирок этиш» тарзида хусусийлаштиради. Ҳозирги ўзбек тилида шахс-сон кўрсаткичларининг куйидаги турлари мавжуд:

1.

а)

shaxs	birlik	ko'plik	birlik	ko'plik
I.	<i>борган+ман</i>	<i>борган+миз</i>	<i>бориб+ман</i>	<i>бориб+миз</i>
II.	<i>борган+сан</i>	<i>борган+сиз</i>	<i>борган+сан</i>	<i>бориб+сиз</i>
III.	<i>борган+0</i>	<i>борган+(лар)</i>	<i>борган+ди+0</i>	<i>борган+ди (лар)</i>

б)

shaxs	birlik	ko'plik	birlik	ko'plik
I.	<i>боряп+ман</i>	<i>боряп+миз</i>	<i>бора+ман</i>	<i>бора+миз</i>
II.	<i>боряп+сан</i>	<i>боряп+сиз</i>	<i>бора+сан</i>	<i>бора+сиз</i>
III.	<i>боряпти+0</i>	<i>боряпти+лар</i>	<i>боради+0</i>	<i>боради+(лар)</i>

в)

shaxs	Birlik	ko'plik
I.	<i>бормоқчи+ман</i>	<i>бормоқчи+миз</i>
II.	<i>бормоқчи+сан</i>	<i>бормоқчи+сиз</i>
III.	<i>бормоқчи+0</i>	<i>бормоқчи+(лар)</i>

2. а)

shaxs	birlik	ko'plik	birlik	ko'plik
I.	<i>борди+м</i>	<i>борди+к</i>	<i>борган эди+м</i>	<i>борган эди+к</i>
II.	<i>борди+нг</i>	<i>борди+нгиз</i>	<i>борган эди+нг</i>	<i>борган эди+нгиз</i>
III.	<i>борди+0</i>	<i>борди+(лар)</i>	<i>борган эди+0</i>	<i>борган эди+(лар)</i>

б)

shaxs	birlik	ko'plik
I.	<i>борса+м</i>	<i>борса+к</i>
II.	<i>борса+нг</i>	<i>борса+нгиз</i>
III.	<i>борса+0</i>	<i>борса+(лар)</i>

3. а)

shaxs	Birlik	ko'plik
I.	<i>борган+им йўқ</i>	<i>борган+имиз йўқ</i>
II.	<i>борган+инг йўқ</i>	<i>борган+ингиз йўқ</i>
III.	<i>борган+и йўқ</i>	<i>борган+(лар)и йўқ</i>

б)

shaxs	Birlik	ko'plik
I.	<i>бораётган+им йўқ</i>	<i>бораётган+имиз йўқ</i>
II.	<i>бораётган+инг йўқ</i>	<i>бораётган+ингиз йўқ</i>
III.	<i>бораётган+и йўқ</i>	<i>бораётган+(лар)и йўқ</i>

4.

shaxs	Birlik	ko'plik
I.	<i>бор+ай</i>	<i>бор+айлик</i>
II.	<i>бор+0 \ бор+гин</i>	<i>бор+инг(гиз)</i>
III.	<i>бор+син \ бор+син(лар)</i>	<i>бор+ишсин</i>

Нутқда шахс-сон шакллариининг кўчган маънода қўлланиши ҳам кўп учрайди. Буларни қуйидагича тартиблаш мумкин:

а) учинчи шахс шакли биринчи шахс маъносида: *Камина айтди – Мен айтдим*;

б) учинчи шахс кўплик шакли иккинчи шахс бирлик («сизлаш») маъносида: *Нима истасалар бор*;

в) иккинчи шахснинг бирлик шакли ва бирлик маъносида «сизлаш» учун қўлланувчи шакли умумшахс маъносида қўлланади: *Қайта-қайта ҳидлаганигда ер меҳрига тўйгандай бўласан* (Сайёр);

г) гап ичида одам ёки киши сўзи қўлланганда учинчи шахс шакли ҳам умумшахс маъносида қўллана олади: *Ташаббускор ёшларни кўриб одам қувонади* («Қашқ.»);

Бундай қўлланиш соф нутқий табиатга эга.

Эгалик категорияси. Айтилганидек, ЭК – барча мустақил сўз туркуми учун умумий категория. Унинг феъл туркумида юзага чиқишига мисоллар: *унинг айтгани, бизнинг бормаганимиз, қизларнинг келгани*. Феълда ЭКнинг «кейинги мустақил сўзни олдинги мустақил сўзга боғлаш» УГМсини «кейинги феълни олдинги мустақил сўзга боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

Қуйида ЭКнинг феълда воқеланиш хусусиятидан айримига тўхталамиз.

ЭК иккинчи аъзоси [-ган] сифатдош шаклида келувчи қурилмалар таркибида воқеланади: *нималар бўлаётганини, шабада юрмаётганидан, кимдир келаётганини*. Мисоллар: *Унинг замирида катта тарбия ётганини билмай қоламиз.* (Ж.Абд.) *Бу гап асосан қайси мақсадда айтилаётганини тушунишга уринарди.* (Ж.Абд.) *Манноп билан Нодир ҳам тунги сменага тушганлигини билгандан кейин...* (Ж.Абд.) Бунда тобе бирлик бош келишиқда: *катта тарбия ётгани, гап айтилаётганини, Манноп билан Нодир тушганлигини*.

Бу қурилмаларни унга ўхшаб кетувчи *режа бажарилганида* кўринишидаги қурилмадан фарқлаш лозим:

1) биринчи тур қурилмаларда бош келишиқни қаратқич келишиқига айлантириш мумкин: *йигит келганини – йигитнинг келганини*. Иккинчи тур қурилмани бундай шаклга келтириб бўлмайди: *режа бажарилганида – режанинг бажарилганида*. Бунда [-нинг] шакли ортиқча;

2) биринчи тур қурилмада эгалик аффиксидан олдин -лик субстантив шакл ясовчисини қўшиш мумкин (демак, бунда бош келишиқ эмас, балки қаратқич келишиқи қатнашади): *йигит – йигитнинг келганлигини*. Иккинчи тур қурилмада [-лик] субстантив шакл ясовчисини қўшиб бўлмайди;

3) биринчи тур қурилмада объект маъноси ифодаланиб, у тўлдирувчи ёки эга бўлиб келади: *келгани – нима?, келганини – нимани?, келганидан – нимадан?* Иккинчи тур қурилмадан эса пайт, шарт маънолари ифодаланади, шунга кўра у ўрин келишиқларидан бири шаклини олиб, ҳол бўлиб келади: *режа бажарилганида*.

Иккинчи узви ҳаракат номи бўлган қурилмалар: *Душман самолётлари ўқ ёғдириб туришига қарамай, ҳаммаси рўёбга чиқишига, қалб бошқача ҳиссиёт билан тепишини* каби. Мисоллар: *Буларнинг ҳаммаси кейин дилрабо қўшиқдай бўлиб қолишини ҳали билмайдилар*.

(Ж.Абд.) *Кўз олдида аскарлар душман устига бало-қазодай ёпирилишлари кеча бошлади.* (Ж.Абд.)

Бу қурилмани ҳам унга ўхшаб кетувчи сув қайнаши билан каби қурилмадан фарқ қилиш лозим. Чунки бу бирикмаларда ҳам бош келишиги мавжуд:

1) биринчи тур қурилмаларда бош келишик шаклини қаратқич келишиги шаклига алмаштириш мумкин: *самолётларнинг ўқ ёғдириб туриши, қалбнинг ҳиссиёт билан тешиши, ҳаммасининг қўшиқдай бўлиб қолиши* каби. Иккинчи тур қурилмани бундай шаклга келтириб бўлмайди. Бунда [-нинг] шакли ортиқча бўлади;

2) биринчи тур қурилмада объект маъноси ифодаланиб, у тўлдирувчи ёки эга бўлиб келади: *тургани* – нима?, *турганини* – нимани?, *турганидан* – нимадан? Иккинчи тур қурилма сув қайнаши биланда таъкидланган хусусият йўқ.

Эслатма. *Мен айтганим* йўқ, *у боргани* йўқ типидagi қўлланишларга назар ташланса, унда эгалик маъноси йўқолиб, шахс-сон маъноси кучайганлиги кўринади. Афтидан, эгалик қўшимчалари бу ўринда бошқа омиллар ва воситалар билан биргаликда кесимни шакллантиришга хизмат қилган. Бу мисоллардаги (*мен*), (*у*) сўзларида [-нинг] аффикси бордек туюлади. Аммо қолипнинг синхрон ҳолатида эга ва кесим орасида уни қидириш маъқул эмас. Шунинг учун уни ЭКга нисбат бериб бўлмайди.

Келишик категорияси. КК феълларда ЭК билан диалектик яхлитликда воқеланади. Яъни КК кўрсаткичини қабул қилувчи феълда ундан олдин эгалик аффикси бўлиши шарт: *ўқиганимни, ўқиганимдан, ўқиганимга, боришимга, боришимда* каби. КК феълнинг, асосан, тусланмаган шаклларида юзага чиқади. КК даги феъллар бир қарашда тусланган феълдек тасаввур уйғотади. Масалан, *Барча айб менинг борганлигимда*. Бунда эгалик қўшимчаси қаралмиш феълни қаратувчига боғламоқда, эгага эмас. Гапнинг эгаси *айб* сўзи бўлиб, кесимда шахс-сон категориясининг III шахс, бирлик шакли мавжуд. ЭКнинг шакли эса I шахс бирлик.

КК даги феъл гапнинг барча бўлаклари вазифасида кела олади: эга: *Менинг борганим* – сенинг борганинг; ҳол: *Аччиги чиққанидан* йиғлади; тўлдирувчи; *Борганидан* уялди; аниқловчи: *Боришининг* сирини нимада? кесим: *Ҳамма гап ишламаганида*.

КК даги феъл матндан келиб чиқиб: а) «ҳаракатнинг объектлашиши»; б) «пайт»; в) «сабаб»; г) «эваз» каби маъноларни англатади: а) *Ҳалимнинг борганини* айтмоқ, *ўқувчининг ўқиганини* сўрамоқ; б) *келганида* гапирди, *юрганида* ўйламоқ; в) *аччиги чиққанидан* йиғлади, *қувонганидан* гапиролмай қолди, *гапирганига* уялди; г) *ишламаганига* гап эшитди; *бормаганига* афсусланди.

Бу сирани бирикувчи сўзлардан англашилган воқеликларнинг муносабатига қараб анча давом эттириш мумкин. КК УГМсидаги «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» категориал маъно феъл туркумида «олдинги феълни кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади.

От

От ва унинг УГМси. *Ким, нима, қаер* сўроқларига жавоб бўлиб, мавжудот, нарса, жой, воқеа, жараённи атовчи лексик бирлик – от. «Борлиқ ёки унинг парчасини предмет сифатида аташ» - от туркумининг УГМси. Бунда *предмет* тушунчаси мантикий эмас, балки грамматик моҳиятга эга. Мантиқан жонсиз ва бевосита сезги аъзосига таъсир этувчи нарса предмет дейилади. Грамматикада эса у кенг маънода тушунилади, «мавжудлик» моҳиятига эга деб қаралади.

От сўз туркуми сифатида ўзига хос морфологик парадигмага, ясалиш тизимига, хосланган синтактик позицияларига эга.

Отнинг УГМ парчаланишига кўра турлари. Отни маъно жиҳатидан турлича тасниф қилиш мумкин. Бу ўринда уларнинг грамматик хусусиятини муайянлаштирувчи семантик белги асосга олинади. От қуйидаги хусусиятига кўра тасниф қилинади:

1. Бир турдаги предметдан бирининг номини ёки шу турдаги предметларнинг умумий номини билдиришига кўра.

2. *Ким ёки нима* сўроқларига жавоб бўлишига кўра.

3. Саналиш-саналмаслигига кўра.

От борлиқдаги бир турдаги предметдан бирининг ёки шу турдаги предметларнинг умумий номини билдиришига кўра *атоқли* ва *турдош* отга бўлинади.

Атоқли ва турдош от. Атоқли от бир хил предмет ёки ҳодисанинг бирини ажратиб кўрсатишга хизмат қиладиган иккиламчи ном. Масалан, *бола* бир турдаги предмет(шахс) нинг умумий ва бирламчи номи. *Шерзод* ана шу бир хил предмет(шахс)дан бирини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қиладиган ва *бола* атамасидан кейин қўйилган иккиламчи ном.

Атоқли от қуйидаги луғавий мавзувий тўда (ЛМТ) га эга:

1. Кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси: [*Икром*], [*Отабек*]; [*Жумаев*], [*Худойназаров*]; [*Имомзода*].

2. Жўғрофий ном: [*Ўзбекистон*], [*Деҳқонобод*], [*Ҳисор*], [*Танхоздарё*].

3. Ташкилот, муассаса, корхона номи: [*Қарши университети*], [*Халқ таълими вазирлиги*], [*«Насаф зиёси» журнали*].

4. Самовий ёритқичлар номи: [*Муштарий*], [*Зухро*], [*Юпитер*], [*Ярқироқ*].

5. Тарихий ҳодиса номи: [Мустақиллик куни], [Лой жанги], [Бостон чойхўрлиги].

6. Ҳайвон номи: [Бойчибор], [Бренди], [Йўлбарс].

7. Маҳсулот номи: [Силтама] (гўштли овқат), [Қорақум] (шоколад) [Чиял яхнаси].

8. Илоҳий тушунчани ифодаловчи ном: [Аллоҳ], [Дўзах], [Исо], [Буруқ].

Атоқли от матндан, нутқ вазиятидан узилган ҳолда аташ маъносига эга бўлмайди, фақат контекстда реаллашади. Масалан, [Санам] сўзининг атоқли ёки турдош эканлиги шу сўзни қуршаб турган сўз ёрдамида англашилади. Бу жиҳатдан атоқли от олмошга ўхшаб кетади.

Атоқли отнинг аксарияти турдош от ва бошқа туркум сўзи асосида вужудга келган. Турдош отдан: [Асал], [Дилшода], [Райҳон], [Анор]; феълдан: [Сотиболди], [Ўлмас], [Итолмас], [Турди]; сифатдан: [Ширин], [Буюк], [Азиз], [Улуғ]; сондан: [Етмишбой], [Саксонбой] каби.

Бир жинсдаги предметларнинг умумий номини билдирувчи от *турдош от* дейилади. Турдош от от туркумига кирган сўзнинг асосий қисмини ташкил этади: [тоғ], [қишлоқ], [машина], [севги], [муҳаббат]. Турдош отда предметлик ва белгилик хусусияти яхлитлашган ҳолда мавжуд бўлади. Чунки ҳар қандай нарса – белги-хусусият мажмуи.

Атоқли ва турдош от нафақат луғавий семантикаси, балки грамматик хусусияти билан ҳам фарқланади. Масалан, атоқли от, асосан, бирлик сонда қўлланади. Кўплик сон шаклида бутунлай бошқа маъно бўёғига эга бўлади: **Фарҳодлар келди канал қазмоққа.**(Турс.)

Турдош от атоқли отдан ҳосил бўлиши ҳам мумкин: [муслимка], [хосиятхон], [рентген], [ампер].

Турдош от ифодаланган тушунчанинг характериға кўра:

а) муайян;

б) мавҳум отларға бўлинади.

Муайян ва мавҳум от. Сезги аъзоси билан сезиш мумкин бўлган предметни атовчи – от муайян от. Муайян отни бевосита санаш мумкин. Шунинг учун бундай от санок сон билан муносабатға киришади. Шунингдек, шахсий баҳо шакли, кўплик кўшимчасини олиши мумкин: (бешта дафтар), (юзлаб одам), (ўғилча), (қизгина).

Муайян от қуйидаги ЛМТға эга:

1. Модда номи: [олтин], [кумуш], [қум], [сув].

2. Шахс тавсифи номи: [йигит], [чол], [ўзбек], [тожик], [чўлоқ], [касал], [ота], [она].

3. Буюм номи: [қалам], [китоб], [чўмич], [коса], [гилам], [шолча].

4. Ўсимлик номи: [дарахт], [бута], [ўт], [жийда], [илдиз].

5. Ўрин-жой номи: [қишлоқ], [шаҳар], [сахро], [адир].

6. Микдор номи: [мисқол], [тонна], [ботмон], [чақирим].

7. Ташкилот ва муассаса номлари: [мактаб], [идора], [дўкон], [бозор].

8. Вақт-пайт номи: [кун], [фасл], [тонг], [кеча].

Бу ҳар бир ЛМТ ўз ичида бир неча луғавий-маъновий гуруҳ (ЛМГ) га бўлиниб кетади. Масалан, шахс тавсифи номи қуйидаги ЛМГга ажралади:

1. Шахсни ёш жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [чол], [қари], [ўсмир], [ўстирин].

2. Шахсни қариндошлик жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [она], [она], [сингил], [эгачи], [буви].

3. Шахсни касб жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [ишчи], [даллол], [деҳқон], [сувчи], [мироб].

4. Шахсни истиқомат жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [қишлоқи], [тошкентлик], [шаҳарлик].

5. Шахсни ташқи белгилари жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [букри], [новча], [пакана];

6. Шахсни руҳий ҳолати жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [жинни], [овсар], [довдир], [эзма].

7. Шахсни ижтимоий жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ: [бой], [камбағал], [хасис], [зиқна].

Бошқа ЛМТ ҳам шундай ЛМГга бўлинади. Масалан, «Ҳайвон номи» ЛМТси ЛМГ лари: «қорамол» ЛМГ, «от» ЛМГ, «қўй» ЛМГ, «эчки» ЛМГ, «ит» ЛМГ, «эшак» ЛМГ, «товуқ» ЛМГ ва ҳ.

Муайян от ЛМГ лари нисбатан барқарор ва ўта кенг, деярли чекланмаган ва ўзгарувчан қуршовдан иборат. ЛМГ марказидаги лексемалар ўзаро гипонимик, партонимик, градуонимик, функционимик, иерархионимик муносабатларда яшайди. Масалан, [арахт] лексемаси қуйидаги жинс-гур муносабати: [қайин], [тол], [ўрик], [терақ], [мажнунтол], [арча]. Функционимик асосда тузилган ЛМГ анча оз: [қалам], [ручка].

Шахс тавсифи оти эса кенг градуонимик муносабатга эгаллиги билан ажралиб туради.

Мавҳум от турли нарсада мавжуд бўлган бир хил ёки ўхшаш сифатни бир алоҳидалик тарзида ифода этади. Масалан, [олма], [қовун], [шакар], [қанд] отининг муҳим сифат белгиси «ширинлик» бўлса, [ширинлик] мавҳум отида юқоридаги нарсаларда мавжуд бўлган умумий белги бир алоҳидалик сифатида берилади. Шунинг учун муайян ва мавҳум отнинг фарқли томони фақатгина уларнинг ҳақиқий ([китоб], [олма], [эшиқ]) ёки хаёлий ([севги], [ишқ], [ширинлик]), умумий ва яқка нарсани ифодалаш эмас, балки белги, сифат маъносининг қай усулда талқин этилиши ҳам.

От бирлик шаклда бир турдаги предметларнинг ўзини (*якка от*) ёки предмет тўдасини (*жамловчи от*) билдиришига кўра ҳам фарқланади.

Якка ва жамловчи от. Бир турдаги предметнинг ўзини билдирувчи от якка от дейилади: [китоб], [уй], [дарахт]. Жамловчи от бирлик шаклда ҳам предметлар мажмуини англатади: [армия], [кўпчилик], [халқ]. Лекин бундай от семантик кўпликда бўлса-да, грамматик бирликда дейилади.

От деривацияси

Отлар икки хил – *аффиксация* ва *композиция* усули билан ясалади. Шунга мувофиқ, от яшанинг аффиксал ва композицион қолипи мавжуд. Бу қолип ҳам ўз ўрнида унумли, унумсиз; маҳсулдор ва каммаҳсул турга бўлинади.

От ясовчи қолипнинг аксарияти кўп маъноли. Қуйида уларни кўриб ўтамиз.

[-чи] аффиксли [от + -чи = 1) асосдан англашилган нарса билан боғлиқ касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахс оти; 2) асосдан англашилган иш/ҳаракат/ҳодиса билан шуғулланувчи шахс оти; 3) асосдан англашилган иш-ҳаракат, фаолиятда қатнашувчи шахс оти; 4) иш-фаолиятда бирор оқим, маслак ва ш.к. тарафдори, шуларга мансуб бўлган шахсни билдирувчи от; 5) асосдан англашилган ҳодисани, иш-ҳаракатни бажариш одати кучли бўлган шахсни билдирувчи от] қолипи қуйидаги ҳосилаларни берган:

1) [спортчи, [дурторчи, [каштакчи, [шахматчи, [буфетчи, [матбаачи;

2) [хабарчи],[маслаҳатчи], [теримчи], [ёрдамчи], [ҳимоячи], [давомчи];

3) [жангчи], [исёнчи], [ҳашарчи], [музокарачи], (сайрчи), [обуначи];

4) [республикачи], [мухториятчи], (“пахтакор”чи), [турсунойчи];

5) [тўполончи], [бузгунчи], [таваккалчи], [гиначи], [уйқучи], [лофчи], [кекчи].

Кўринадикки, бу қолип полисемантик ва полифункционал бўлиб, ҳар бир маъноси яна бир неча маъно турларига бўлиниб кетади.

[-шунос] аффиксли [от + -шунос = асосдан англашилган соҳани ўрганувчи мутахассис] қолипи бир маъноли бўлиб, у қуйидаги ҳосилани берган: [дабиётшунос] [тилушунос], [тарихшунос], [ўлкашунос], [муסיқашунос] каби.

[-кор] аффиксли иккита қолип мавжуд:

а) [аниқ от + -кор + асосдан англашилган нарса/предметни етиштириш билан шуғулланувчи шахс оти] ([пахтакор], (лавлагикор), [шоликор], [галлакор]);

б) [мавхум от + -кор = асосдан англашилган иш-ҳаракат билан шуғулланувчи шахс] ([мададкор], [хиёнаткор], [гуноҳкор], [тажовузкор], [ташаббускор], [ижодкор], [хизматкор]).

[-каш] аффиксли қолип ҳам икки маъноли:

а) [от + -каш = I) асосдан англашилган иш, машғулот билан шуғулланувчи шахс оти: [замбилкаш], [киракаш], [лойкаш], (пахсакаш);

б) асосдан англашилган ишни бажариш одати кучли бўлган шахс оти]: [жанжалкаш], [ҳазилкаш].

Қуйида бошқа аффиксли қолипларни мисоллари билан санаб ўтаемиз: [ўқув отлари+ -хон = асосдан англашилган нарса/предметни доимий мутолаа қилувчи шахс оти] ([газетхон], [китобхон], (журналхон), [дуохон]), [от + -дўз = асосдан англашилган нарса/предметни тикувчи шахс оти] ([этикдўз], [маҳсидўз], [мўйнадўз], [дўппидўз]), [от + -гар = асосдан англашилган нарса/предмет билан боғлиқ касбни қилувчи шахс оти] ([заргар], (совунгар), [савдогар]), [от + -соз = асосдан англашилган нарса/предметни яратувчи, тузатувчи шахс оти] ([соатсоз], (станоксоз), (асбобсоз)), [от + -паз = асосдан англашилган таомни тайёрлов шахс оти] ([ошпаз], (сомсапаз), (мантипаз), [кабобпаз]), [от + -боз = асосдан англашилган иш/ҳаракат билан кўп шуғулланувчи, унга берилган шахс оти] ([мажлисбоз], (ризабоз) [маишатбоз], [сафсатабоз], [ваъдабоз], [гуруҳбоз], [каптарбоз], [беданабоз]), [от + -хўр = асосдан англашилган егулик, ичимликни доимий истеъмол қилувчи шахс оти] (норинхўр) [ароқхўр] [нафақахўр], [чойхўр]), [от + -параст = асосдан англашилган нарсага эътиқод қилувчи шахс оти] ([бутпараст], [майпараст], [шахсиятпараст], [маишатпараст]), [от + -гўй = асосдан англашилган иш/ҳаракат, ҳодисани доим бажариб турадиган шахс оти] ([маслаҳатгўй], [дуоғўй], [хушомадгўй], [насиҳатгўй], (лаббайгўй), [от + -дор = асосдан англашилган нарса/предметга эга бўлган шахс оти] ([боғдор], [қулдор], [дўкандор]), [от + -бон = асосдан англашилган нарса/предметга қаровчи шахс оти] ([боғбон], [саройбон], [дарвозабон]), [от + -фуруш = асосдан англашилган нарса/предметни сотиш билан шуғулланувчи шахс оти] ([читфуруш], [носфуруш], [мевафуруш]), [от + -дош = асосдан англашилган нарса/предметга бир хил алоқадор бўлган шахс оти] (қайғудош), [мусобақудош], [суҳбатдош], [замондош]), [от + -вачча = асосдан англашилган шахсга қарашли фарзанд маъносидаги шахс оти] ([бойвачча], [гадойвачча], [тўравачча], [тоғавачча], [холавачча], [аммавачча], [итвачча]), [ҳам + от = асосдан англашилган нарса/предметга алоқадор шахс оти] ([ҳамшаҳар], [ҳамсуҳбат], [ҳамкурс], [ҳамкасб]), а) [сифат/равиш + -лик = асосдан англашилган белги оти] ([сариклик], [тезлик], [бемаънилик], [ёшлик]), б) [от + -лик = асосдан англашилган нарса/предметни

умумлаштириб, ҳолат тарзида ифодаловчи мансублик оти] ([оталик], [ўқитувчилик], [гинахонлик], [ваъдабозлик], [шаҳарлик], [уруғлик], [кийимлик], [музлик], [ботқоқлик]), [от + -чилик = 1) асосдан англашилган нарса етиштириладиган соҳа оти; 2) асосдан англашилган нарса/ҳодисанинг борлик ҳолатини англатувчи от; 3) асосдан англашилган нарса билан боғланувчи ҳолат оти; 4) бирор иш-ҳодисанинг сабаби асосдан англашилган нарса эканини билдирувчи от] (1) [пахтачилик], [уруғчилик], [чорвачилик]; 2) [пишиқчилик], [тўкинчилик], (қаттиқчилик)), 3) [улфатчилик], [тирикчилик], [майнабозчилик], (ўртоқчилик); 4) (юртчилик), [ўзбекчилик], [рўзгорчилик]), [от + -гарчилик = асосдан англашилган белги, ҳолат, ҳаракат-ҳодисага алоқадор бўлган от] ([олифтагарчилик], [намгарчилик], [исрофгарчилик]), [от + -зор = асосдан англашилган нарса кўп бўладиган жой оти] ([олмазор], [қароқчизор], [пахтазор], [ажриқзор]), [қум, тош, ўт + -лоқ = асосдан англашилган нарса/предмет кўп бўладиган жой оти] ([ўтлоқ], [қумлоқ], [тошлоқ]), [от + -истон = асосдан англашилган нарса/предметга бой жой оти] ([Ўзбекистон], [гулистон]).

Шундай от яшаш қолиплари борки, улардан бугунги кунда янги сўз ясалмайди. Ҳосилаларнинг барчаси лисоний характерга эга. [от + -гоҳ = асосдан англашилган иш-ҳаракат бажарилган жой оти] ([сайилгоҳ], [айигоҳ], [манзилгоҳ]), [от + -дон = асосдан англашилган нарса/предмет сақланадиган предметни ифодаловчи от] ([қаламдон], [туздон], [кулдон]), [от + -хона = асосдан англашилган иш-ҳаракатга мўлжалланган жой оти] ([ишхона], [қабулхона], [чойхона], [ошхона]), [от + -обод = асосдан англашилган нарса/предмет обод қилган жой оти] ([Дехқонобод], [Меҳнатобод]), [от + -нома = асосдан англашилган нарса/предметни ифодаловчи от] ([арзнома], [таклифнома], [саёҳатнома]).

[-к(-ик/-ак), -қ(-иқ, -уқ, -оқ)] ([кекирик], [кўрик], [оғриқ], [қавиқ], [буйруқ], [қийноқ], [ўроқ]), [-к/қ] (-иқ, -ик) ([тўшак], [қайроқ], [элак]), [-ги (ки/ги/қи/гу)] ([севги], [кулги], [супурги], [чопқи], [ачитқи], [ёнилги], [томизги]), [-м(-им/-ум)] ([чидам], [тўплам], [унум], [тузум], [чиқим], [қўним], [кечирим]), [-ма] ([уюшма], [бирлашма], [димлама]), [-қин/гин] ([тошқин], [тўлқин], [босқин], [тутқун], [қочқин], [ёнгин]), [-ин/-ун] ([экин], [ёгин], [йигин], [бўгин], [тугун]), [-(и)нди] ([чўкинди], [ювинди], [чиринди], [супуринди], [сирқинди], [йигинди]), [-гич] (гич/кич/қич) ([ўлчагич], [пуркагич], [ўчиргич], [қашлагич], [эриткич], [савагич]), [-ч], [-инч] ([қувонч], [ўкинч], [қўрқинч], [севинч]), [-мачоқ] ([бекиномачоқ], [тортишмачоқ], [қувлашмачоқ]), [-ак/оқ] ([шаршарак], [бизбизак], [пирпирак], [гуррак], [тартарак]), [-илдоқ] ([шақилдоқ], [ҳиқилдоқ], [чирилдоқ], [пирилдоқ]), [-а] ([шаршара], [гаргара]), [-ос] ([чуввос],

[шаррос], [гулдурос]) кўшимчалари иштирок этувчи деривацион қолиплари кам унум бўлиб, улар бугунги кунда ҳосила бермайди. Шу боисдан қолипнинг мазмуний томонини унинг ҳосилаларидан умумлаштириб бўлмайди.

[-иш], [-ув/ов], [-увчи/овчи] аффиксли [қурилиш], [кириш], [чиқиш], [учрашув], [кечув], [мақтов], [чанқов], [учувчи], [ҳайдовчи], [тингловчи], [сотувчи] сўзларини ҳам ясама сўзлар сифатида қараш ҳоллари учраб туради. Бунда улар аслида сўзшаклнинг лексемалашуви ҳодисаси эканлигини эсда тутиш лозим.

Композиция усули билан кўшма ва жуфт отлар отлар ҳосил қилинади: [тошкўмир], [туяқуш], [карнайгул], [ойболта], [кўккарга], [қорақурт], [мингоёқ], [қўзиқорин], [ота-она], [қозон-товоқ], [қизилиштон].

Кўшма отлар:

1. **[От+от]:** [аждаргул], [айиқтовон], [атиргул], [кинолента], [хонтахта], [хўрозқанд], [тошбўрон], [сочнопук], [шакарқамиш], [қўйпечак], [қўларрра], [темир йўл], [пиёздоғ], [Ўрта Чирчиқ].

2. **[Сифат+от]:** [калтакесак], [Марказий Осиё], [Шўркўл], [кўксултон], [кўрсичқон], [сассиқпопишак], [қорадори].

3. **[От+фёъл]:** [эчкиэмар], [кўзбойлогич], [каллакесар], [хуснбузар], [бешиктерватар], [сочўсар], [дунёқараиш].

4. **[Сон+от]:** [бешбармоқ], [бешқарсак], [Еттисув], [Олтиариқ], [учбурчак], [мингоёқ], [қирқозайни].

5. **[Сон+фёъл]:** [бешотар], [бирқоқар].

6. **[От+сифат]:** [устабузармон], [гулбеор], [ошкўк].

7. **[Фёъл+фёъл]:** [искабтопар], [ишлаб чиқариш].

8. **[Фёъл+от]:** [савачўп].

Жуфт отлар. Жуфт отлар [от+от], [сифат+от] каби қолиплар, шунингдек, бошқа туркумга оид жуфт сўзларнинг отга кўчишидан вужудга келади. Жуфт отлар таркибига кўра қуйидаги кўринишларга эга:

I. Ҳар икки қисми мустақил ҳолда ҳам ишлатиладиган жуфт отлар:

1. Қисмлари ўзаро синоним: [азоб-уқубат], [айш-ишират], [дори-дармон], [бахт-саодат], [зеб-зийнат], [иззат-икром], [иззат-ҳурмат], [кайф-сафо], [мақр-ҳийла], [насл-насаб], [панд-ўғит].

2. Қисмлари ўзаро антоним: [авра-астар], [авлод-аждод], [аччиқ-чучук], [борди-келди], [бош-оёқ], [эр-хотин], [ўғил-қиз], [савол-жавоб], [салом-алик], [қулф-калит].

3. Қисмларининг маъноси яқин: [ариқ-зовур], [бахт-тахт], [бақир-чақир], [бож-хирож], [бош-кўз], [дев-парид], [совга-салом], [ўқ-дори], [қовоқ-тумишук], [ҳисоб-китоб], [ҳол-жон], [қўй-қўзи].

II. Қисмларидан бири мустақил ҳолда ишлатилмайдиган жуфт отлар: [алдам-қулдам], [бозор-ўчар], [бола-бақра], [қўни-қўшни], [латта-путта], [йиғи-сиғи], [маза-матра], [меҳмон-измон], [ирим-сирим].

III. Ҳар икки қисми ҳам мустақил ишлатилмайдиган жуфт отлар: [ади-бади], [аиқол-даиқол], [зер-забар], [шикаст-рехт], [икир-чикир], [лаш-луш], [қаланғи-қасанғи], [мирқинбой-ширқинбой], [яъжуж-маъжуж].

Сон отнинг таснифловчи грамматик категорияси сифатида

Отнинг морфологик белгилари ва таснифловчи категориялари. От морфологик ўзгарувчи сўз сифатида ўзига хос морфологик парадигмаларга эга. Сон ва субъектив баҳо шакллари отнинг асосий таснифловчи грамматик шакллари ҳисобланади.

Сон категорияси. Отларда зиддият ҳолида бўлган бирлик ва кўплик маъноси ва бу маънони ифодаловчи шакллар системаси грамматик сон категориясини ташкил этади.

Мантиқий ва грамматик сонни аралаштирмаслик керак. Масалан, жамловчи от ([халқ], [қўшин], [пода], [сурув]) мантиқан предмет жамини билдиради, лекин грамматик жиҳатдан бирликда деб қаралади.

Сон категориясининг икки: [-лар] аффикси билан ясалувчи шакли ва шунга оппозицияда бўлган ноль кўрсаткичли шакли бор. Булардан [-лар] аффикси отнинг кўплик шаклини ясайди, бирлик шакл эса ноль кўрсаткичли шакли.

[-лар] шаклининг кўпликни ифодалаши масаласида барча тилшунослар ҳамфикр. Аммо ноль кўрсаткичли шакл масаласида ҳар хил қараш бор.

Кўп ҳолда ноль шакл фақат бирлик маъносининг ифодаловчиси сифатида қаралади. Баъзилар эса у на кўплик, на бирлик ифодалашини таъкидлаб, бу шаклнинг сон категорияси таркибидаги ўрнига шубҳа билан қарайди. Зеро ноль шакл миқдорий грамматик маъно англатишдан маҳрум экан, унда [-лар] шакли билан айнан бир хил қуршовда ўрин алмашишини қандай тушуниш керак? Унда *Аскар ўраб олди ўнгдан-у сўлдан* (Мирт.) гапида мантиқан (*аскарлар*) сўзшакли ишлатилган бўлур эди.

Демак, [-лар] ва ноль шакл – ҳозирги ўзбек тилида миқдор англатувчи грамматик кўрсаткич. Бу улар соф миқдор англатади, дегани эмас, албатта. Миқдор белгиси бу шаклларда категориал маъно бўлса, унда сифатий ёндош ва бошқа ҳамроҳ маъно ҳам мавжуд.

Қуйида [-лар] шаклининг ОГМларини санаймиз.

«Кўплик» [-лар] шакли энг кўп ифодалайдиган маъно. Бунда [-лар] УГМсининг категориал маъноси «кўплик» бўлса, унга диалектик ёндош бўлган маъно – «миқдорий ноаниқлик» ва «сифатий бўлинувчанлик».

Яъни грамматик маъно «бўлинувчан ноаниқ кўплик». Демак, «кўплик» маъноси ифодаланганда, албатта, ўз-ўзидан «ноаниқлик» ва «бўлинувчанлик» маъноси юзага чиқиши шарт. Бунга мисол: *Богда ширин-ширин олмалар бор*. Олманинг кўплиги аён. Аммо унинг нечталиги ноаниқ ва бу кўплик бўлинувчан (олма+олма+олма...).

«Жамлик» маъноси баъзан сезилар-сезилмас, яъни бўлинувчанлик хусусиятини сақлаган ҳолда (а) юзага чиқса, айрим ҳолда, хусусан, турғунлашиб қолган изофада (б) яққол юзага чиқади: а) *кишилар орзуси, қушлар байрами*; б) *ишчилар синфи, ўқитувчилар рўзномаси, китоблар уйи*.

[-лар] шаклининг «боғлиқлик ёки ўхшашликка асосланган кўплик»ни ифодалаши қуйидаги мисолда кўринади: 1. *Авазларга гишт қуйиб бердим* (Аваз ва у билан боғлиқ оила аъзоларига). 2. *Авалги сарвигуллар ўқишни тугатишди* (Сарвигулга ўхшаганлар).

[-лар]нинг миқдорий ва сифатий белгиси айрим ҳолда унга макон ва замон ўлчовида тахминийликни ифодалаш имконини беради. Масалан, 1. *Адашмасам, уни уриб бурнини қонатганимда уч ёшларда эдик*. 2. *Ўн йиллар илгари камина ҳам шу қизлар ёшида эдим*.

[-лар] нинг кучайтирилган маъно ифодалаши: *Тилларимга кўчолмайди бўғзимдаги овозим*. Бундаги кучайтириш [-лар]нинг «кўплик» маъносига боғлиқ. Чунки кўп нарса мантиқан кучли бўлади. Яъни тил аслида «битта». Уни кучли қилиб кўрсатиш учун кўплик шакли берилмоқда.

Қуйида ноль [0] шакл ОГМларини санаймиз.

1. «Бирлик» ифодалаш [0] шаклнинг асосий вазифаси. Бу маъно кўрсатиш олмошлари, *бир сўзи*, аниқловчилар билан муносабатга киришганда юзага чиқади: *Бир радиоси бор, сандиқдек келади*. (Ў.Ҳош.)

2. [0] шакл жамлик ифодалаганда нарсаларнинг бўлинмас, яхлит бирлиги англашилади: *Гадонинг душмани гадо бўлади*. (А.Орип.)

3. [0] шакл матнда аниқ ва ноаниқ кўплик ифодалаши мумкин. Масалан, *Эрмон буванинг айтишига қараганда, ўн пуд кўсакни чувши зиммамизга юклатилган эди*.

Айтилганлар асосида сон категорияси шакллари учун қуйидаги УГМ ларни кўрсатамиз:

[0] шакли УГМси – «бўлинмас сифат, аниқ/ноаниқ миқдор ифодалаш».

[-лар] шакли УГМси – «бўлинувчан/бўлинмас сифат ва аниқ/ноаниқ миқдор ифодалаш».

Бу УГМ ўз ўрнида категориал ва нокатегориал қисмга бўлинади. «Миқдор» категориал, «бўлинувчан/бўлинмас сифат» ёндош, «тур», «хил», «кучайтириш», «хурмат» кабилар – категориал маъно билан диалектик боғланмаган ҳамроҳ маъно.

Отнинг хусусий луғавий шакллари: кичрайтириш, шахсий муносабат шакллари. Отдаги яна бир луғавий шакл – кичрайтириш-эркалаш шакли. Кичрайтириш-эркалаш парадигмаси [-ча], [-гина], [-(а)лоқ] шаклларида иборат бўлиб, улар қуйидаги маънони ифодалайди:

[-ча]:

- а) шахс ва предметнинг кичик эканлигини: (*китобча*), (*қаламча*);
- б) эркалаш маъносини: (*ўғилча*), (*қизча*);
- в) камситиш маъносини: (*домлача*), (*одамча*).

[-гина]:

- а) кичрайтириш: (*қизгина*), (*болагина*);
- б) ачиниш: (*бечорагина*);
- в) эркалаш: (*болагинам*).

[-(а)лоқ] қўшимчаси айрим отларга қўшилиб, эркалаш маъносини билдиради: (*бўталоқ*), (*қизалоқ*), (*тойлоқ*).

Шахсий муносабат (эркалаш) шакллари ([-жон], [-хон], [-ой], [-бону]) шахс билдирувчи атоқли ва турдош отга қўшилиб, эркалаш, суйиш маъносини ифодалайди: (*Аҳмаджон*), (*холажон*), (*Гулнорахон*), (*Ширинабону*)

Отнинг тузилишига кўра тури. От тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* бўлади. Содда от бир ўзакли бўлади: (*китоб*), (*дафтар*), (*одам*), (*ишчи*). Мураккаб от ўз ўрнида учга бўлинади: а) *жуфт от*; б) *такрорий от*; в) *қўшма от*.

Отда алоқа-муносабат категорияларининг воқеланиши

От туркумида синтактик категориялар кенг қўлланишга эга. Хусусан, КК ва ЭК воқеланиши учун бу туркумда чекланмаган имконият мавжуд. Аммо унда кесимлик категориясининг воқеланиши нисбатан чегараланган.

Эгалик категорияси. От туркуми ЭК УГМсини «кейинги отни олдинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлаштиради. Матн ва бирикувчи сўзнинг семантикасига боғлиқ равишда турли-туман грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Лекин «кейинги отни олдинги сўзга боғлаш» категориал маъно хусусийлашмаси сифатида ўзгармай қолаверади. От туркумининг ЭК УГМсини хусусийлаштиришидаги ўзига хосликларни кўриб ўтамиз.

От туркумида ЭК нинг ишлатилишида икки ҳолат бор:

1. Эгалик аффикси ўзи бириккан сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда ЭК даги сўз КК даги сўз билан келади: *менинг китобим*, *сенинг китобинг*, *унинг китоби*. Кишилик олмоши ва ЭК қўшимчаси шахс ва сонни ифодалайди. Шу боисдан КК даги олмош тушириб қолдирилиши мумкин: (*китобим*), (*нутқинг*);

ЭК даги сўз баъзан ЧК даги сўз билан ҳам бирга қўлланилиши мумкин: *талабалардан бири*. Бунда кўпинча қаралмиш миқдор ёки белги ифодаловчи сўз билан ифодаланган бўлади.

2. Эгалик аффикси ҚК ни талаб қилмайди. Бунда ҳам икки ҳолат фарқланади:

а) эркин бирикмада бош келишиқдаги сўзни бошқаради: *Навоий кўчаси, Деҳқонобод тумани*;

б) ЭК даги сўзда аффикс маъноси ва вазифаси кучсизланиб, равишга ўтиб кетади: [*кечаси*], [*кундузи*]; модалга ўтади: [*чамаси*], [*яхшиси*].

ЭК нинг бирлик ва кўплик шакли қўлланилишида фарқ бор. Кўпинча миқдор билдирувчи ўзакка бирлик сон шакли қўшилмайди: (*бешовимиз*), (*барчангиз*). Бу жиҳатдан III шахс эгалик аффикси фарқланади: (*барчаси*), (*бешови*).

Келишиқ категорияси. БК даги от ким, нима, қаер сўроқларига жавоб бўлиб, куйидаги вазифада келади:

Эга: 1. *Илҳом* - энг ёш ўқитувчи. 2. *Дарвоза тепасига сандиқ қўйилганди*.

Ҳол: *Шу кун*и Абдулла алламаҳалгача хаёл суриб ётди. (Ў.Умар.)
Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда. (Мақ.)

Воситасиз тўлдирувчи: *Муротали қазиб қўйган чуқурларга кўчат ўтқазарди.* (Ш.Раҳ.) *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади.* (Мақ.)

Қаратувчи аниқловчи: *Кўк юзини юлдузлар банд этди.* (Ж.Абд.) *Чўл қовунлари пишай-пишай деб турибди.* (С.Аҳм.)

Сифатловчи: *Шу пайт электр қўнғироқ аста жиринглади.* (Ҳ.Ғул.)

Изоҳловчи: *Дарёдан ўтилган кун генерал Погодин ҳарбий Кенгашига чақирилди.* (И.Раҳ.)

От кесим (*Отам - ишчи*), ундалма (*Сиз бахтлисиз, Олимжон ака*), атов гап (*Кўм-кўк дала*) вазифасида келганда, уни БК да дейиш тўғри эмас. Айтилганидек, бунда келишиқ УГМсига хос вазифа юзага чиқмаган.

ҚК даги отда КК УГМси «отни қаратқич аниқловчи вазифасида кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади: *Моҳидил инсон табиатининг нақадар мураккаблигига янада чуқурроқ тушуна борди.* (Ж.Абд.)

Манбаларда ҚК нинг белгили ва белгисиз кўриниши фарқланади. БК нинг КК шакллари ўрнини бемалол алмаштира олиши ҳақидаги назария «белгисиз ҚК» ни БК сифатида қарашни тақозо қилади. Масалан, **ноннинг** увоғи – ҚКда, **нон** увоғи – БКда.

ТК даги от гапда иш-ҳаракатни қабул қилган предметга объект тусини беради ва тушум келишиги аффиксини қабул қилган от воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади. «Отга объект тусини бериш ва уни феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» – ТК УГМсининг от туркумидаги хусусийлашуви.

Манбаларда ТК нинг ҳам белгили ва белгисиз кўриниши фарқланади. БКнинг КК шакллари ўрнини бемалол алмаштира олиши ҳақидаги назария «белгисиз ТК» ни ҳам БК сифатида қарашга олиб келади. Масалан, *нонни емоқ* – ТК да, *нон емоқ* – БК да.

Демак, ҚК ва ТК да таъкидлаш ва ажратиш маъноси бўлиб, унга эҳтиёж бўлмаганда БК қўлланади.

ЧК КК УГМсини умуман «олдинги сўзни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида, от туркумида эса «олдинги отни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» кўринишида хусусийлаштиради.

От туркумида ЧК кўмакчи билан келиши мумкин: *таомдан кейин, ишдан сўнг*.

ЧК даги отнинг вазифалари:

а) воситали тўлдирувчи: *Гулнорнинг ўзидан сўраб кўрармиз?* («Саодат».)

б) ўрин ҳоли: *Эшиги очиқ нариги хонадан пианино овози эшитилмоқда эди.*(П.Қод.)

в) сабаб ҳоли: *Юлдуз таажжубидан ўзини босолмади.*(М.Мух.)

г) пайт ҳоли: *Иккаласи ёшлиқдан бирга ўсишган.* (М.Қор.)

д) кўмакчилар билан бирга ажратилган бўлак вазифаси: *Қамишқапаликлар одамларни номлари билан аташдан кўра, хусусиятлари билан таърифлайдилар.*(А.Қаҳ.)

ЧК ўз вазифасини йўқотиши мумкин: [*бирдан*], [*тўсатдан*], [*қўққисдан*].

Маъноси кучсизланиши ва гап қисқариши натижасида кесим вазифасида тусловчи олиши мумкин: *Қишлоқданмисизлар?* Қисқарув ҳодисаси ЧК даги сўзнинг эга бўлиб келишини ҳам таъминлайди: *Бу китоблардан менда ҳам бор.*

ЖК даги от иш-ҳаракат йўналган предметни англатади: *мактабга, ишга, заводга, укамга*. Унинг инвариант аффикси [-га] бўлиб, нутқда турли фонетик, поэтик, диалектал вариантга эга бўлади: *куракка, тупроққа, буёна, қайга*.

ЖК кўмакчи билан синонимик муносабатга киришади: *уйга кетди - уй томон кетди, укасига олди – укаси учун олди*.

ЖК ЧК, ТК ва ЎПК лари вазифаларини ҳам бажаради: *Биз ҳашаматли бино олдига(да) тўпландик. Бу гапга(ни) тушунмадим. Кўрсатишга(дан) уялдим*.

ЖК даги от гапда:

а) воситали тўлдирувчи: *Моҳидил шошилинч сафарга отлана бошлади.* (Ж.Абд.) *Дилдор Нафисанинг оппоқ чақноқ кўзларига ҳавасланиб боқди.* (Ҳ.Ғул.)

б) ўрин ҳоли: *Баҳор кўзи тўла ёшни яширмоқ учун эшикка югурди.* (Ш.Раш.) *Найман чўлларига, тўқайларига* чинакам баҳор келди. (С.Аҳм.)

в) пайт ҳоли: *Спорт мусобақалари баҳорга* қолдирилди. («Қашқ.»).

г) мақсад ҳоли: *Балонинг олдини олмаққа* не чоралар кўрмоқ лозим? (Ж.Абд.) *Баҳор Пулатни кузатишига* ясаниб чиққан эди. (Ш.Раш.)

д) сабаб ҳоли: *Ўз вақтида даволанмаганимга* жуда афсусланаман. *Ситора спортда катта муваффақият қозонганига* хурсанд бўлди.

е) миқдор-даража ҳоли: *Рўзиева Дилшода дўкондан беи сўмга* турли ўқув қуроллари сотиб олди.

Қисқарган қолипли гапларда кесим вазифасида келади: *Китоб ҳаммага. Билим оммага.*

Кўринадики, ЖК от туркумида КК УГМсини «олдинги отни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

ЎПК от туркумида КК УГМсини «олдинги отни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштириб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, вақти, шароити, ҳолати, сабаби, мақсади каби тажалли маънони ифодалайди. ЎПК [-да] кўрсаткичига эга: [қишлоқда], [ёзда], [ҳовлида].

ЎПК даги сўзлар уюшиб келганда олдингиларида кўшимча тушиб қолиши мумкин: *На сада дарахтлари ости, на мачитлар, на доим базм қизийдиган гавжумда* бирор шарпа эшитасиз. (Ж.Абд.)

ЎПК гапта:

а) воситали тўлдирувчи: *Ботирда* бозбонликка меҳр болаликда уйғонди. (Н.Саф.)

б) ўрин ҳоли: *Катта-катта кўчаларда* юрсин. (Ў.Умар.)

в) пайт ҳоли: *Ўша кезларда Ёлқин акам отда* гўзани культивация қилар эди. (П.Қод.)

г) тарз ҳоли: *Қиз ҳорғин, паришон ҳолда* уйга қайтди. (Ойб.)

д) мақсад ҳоли: *Биз янги мактаб* биноси қурилиши масаласида келдик. (Ж.Абд.)

е) кесим: *Олимжоннинг икки кўзи кўм-кўк гўзаларда.* (Ш.Раш.). *Катта иззатда, кичик хизматда.* Бунда ҳам синтактик қисқарув юз берган.

ЎПК гап бўлакларида хосланганда англашиладиган маъно у бирикаётган сўзнинг луғавий хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, [кўча] сўзида ўрин маъноси бор, шунинг учун (кўчаларда) сўзшакли гапта ўрин ҳоли вазифасида, *ўша кезлар* бирикувидан пайт англашилади, шу боисдан бу бирикма ЎПКда пайт ҳоли бўлиб келган. Демак, ЎПК субстанциал моҳиятининг воқеланишида тажалли маънонинг роли катта.

Кесимлик категорияси. Боғлама. Кесимлик категорияси от туркумида ўз моҳиятини чекланган даражада намоён қилади. У бу туркумда икки кўринишга эга бўлади:

- а) ҳозирги замон кўриниши;
- б) ўтган ва келаси замон кўриниши.

Кўп ҳолда от туркумида кесимлик категорияси боғлама воситасида юзага чиқади.

Боғлама кесимлик категориясини от ва бошқа кесимлик вазифасига унчалик мослашмаган сўзда юзага чиқарувчи восита. Тўлиқсиз феъл [бўлмоқ], [ҳисобланмоқ], [саналмоқ], [дейилмоқ] каби мустақил феъл боғлама вазифасини бажаради.

Кесимлик категориясининг от туркумидаги ҳозирги замон кўринишида қуйидаги тусга эга бўлади:

<i>ишчи+ман</i>	<i>ишчи +миз</i>
<i>ишчи+сан</i>	<i>ишчи +сиз</i>
<i>ишчи+0</i>	<i>ишчи +(лар)</i>

[-ман], [-сан], [-миз], [-0], [-лар] кесимликнинг барча маъносини йиғиқ ҳолда бир аффиксда ифодалайди. Бўлишсиз шакли аналитик усулда юзага чиқади: (*ишчи эмасман*), (*ишчи эмассан*). Эгага урғу берилганда, кесимликнинг барча маъноси ноль шакл орқали ифодаланади: *Мен ишчи (0)*. *Мен яхудий (0)* каби.

Ўтган замонда кесимлик маъноси боғлама вазифасида келувчи тўлиқсиз феъллар ва боғламалашган сўз билан кесимликнинг аналитик ифодасини ташкил этади:

<i>ишчи+эдим</i>	<i>ишчи +эдик</i>
<i>ишчи+эдинг</i>	<i>ишчи +эдингиз</i>
<i>ишчи+эди</i>	<i>ишчи +эди(лар)</i>

Бунда икки шакл (*эди* ва *шахс/сон*) кесимликнинг тўрт тип маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз феъл замон, тасдиқ, майл маъносини яхлит юзага чиқаради.

Бўл феъли боғлама вазифасида келиб уч замонни ҳам кўрсатиши мумкин:

ишчи+бўламан (бўлдим). Мисоллар: *Мен шу заводда уч йил ишчи бўлдим (ўтган замон)*. *Мен шу заводнинг тажрибали ишчиси бўламан (ҳозирги замон)*. *Сен шу заводда ишчи бўласан (келаси замон)*. *саналади, ҳисобланади* сўзлари ҳам боғлама вазифасини бажариб отга кесимлик категориясини мослайди.

Сифат

Сифат ва унинг УГМси. Асосан предметнинг, қисман ҳаракатнинг белгисини билдирувчи даражаланувчи сўз сифат дейилади: *қизил қалам, оқ кабутар, яхши гапирмоқ.*

Бошқа сўз туркуми ҳам белги ифодалайди. Аммо сифат барқарор ва турғун белги ифодалаши жиҳатидан улардан ажралиб туради. Масалан, *Гул – қизил* деганда турғун (статик) белги, *Гул қизарди* деганда эса ўзгарувчи (динамик) белги намоён бўлган. Сифат англатадиган белги бошқа туркум англатадиган белгидан хусусияти билан фарқланади. Масалан, *қизғини – қизил – қип-қизил.* Бошқа туркум англатувчи белгида эса бундай хусусият йўқ. Сифат гапда асосан сифатловчи аниқловчи, қисман кесим, ҳол вазифасида келади.

Шу асосда сифатнинг УГМсини «асосан предметнинг, қисман ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда асосан сифатловчи аниқловчи, баъзан кесим, айрим ҳолларда ҳол вазифасида келиш» кўринишида тиклаш мумкин.

Белги тушунчаси ўз ичига ранг-тус, ҳажм-шакл, характер, вазн, маза кабини қамраб олади. Белгининг хусусиятига кўра сифат иккига бўлинади: *аслий сифатлар* ва *нисбий сифат.*

Аслий сифат предметнинг турғун, нисбатланмайдиган ва даражаланадиган белгисини ифодалайди: [*қизил*], [*сарик*], [*катта*], [*кўп*], [*оз*].

Нисбий сифатлар белгини қандайдир бир предмет, белги, миқдор, ўрин ва ҳаракатга нисбатан ифодалайди: *моддий ёрдам, синиқ пиёла, бурчакдаги ўтиргич.* Нисбий сифатда даражаланиш, қиёсланиш бўлмайди. Лекин у даража белгисига эга бўлган равишдан асосан предмет белгисини билдириши билан фарқланади.

Аслий сифатнинг барчасида даража шакллари, айримида озайтирма ва кучайтирма шакл бор.

Аслий сифат билдирган белгининг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. *Даража категорияси* (ДК) сифат ифодалаган белгининг шу нуқтаи назаридан тавсифини беради.

Сифат ЛМГлари. Дарслик ва қўлланмаларда сифатнинг 9 та ЛМГ ажратилади:

1.Хусусият билдирувчи сифат. 2.Ҳолат билдирувчи сифат. 3.Шакл билдирувчи сифат. 4.Ранг-тус билдирувчи сифат. 5.Маза-таъм билдирувчи сифат. 6.Ҳид билдирувчи сифат. 7.Ўлчов билдирувчи сифат. 8.Ўрин билдирувчи сифат. 9.Пайт билдирувчи сифат.

Қуйида уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

Хусусият билдирувчи сифат нарса/мавжудотнинг характер-хусусиятини ифодалашда кўп қўлланади: [*ёқимтой*], [*баджаҳл*], [*мулойим*], [*дилкаш*], [*яхши*], [*ёмон*], [*лоқайд*] каби. Характер-хусусият ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Ҳолат билдирувчи сифат нарса/мавжудотнинг ҳолат ёки вазиятини турғун белги сифатида ифодалайди. Ҳолат билдирувчи сифат ўз ўрнида яна ички гуруҳларга бўлинади:

1) табиий ҳолат билдирувчи сифат: [гўзал], [мўмин], [ўктам], [чўлоқ], [буқри];

2) жисмоний ҳолат билдирувчи сифат: [бардам], [бақувват], [тетик], [ёш].

3) руҳий ҳолат билдирувчи сифат: [хафа], [ғамгин], [маъюс], [хурсанд], [шод];

4) иқтисодий ҳолат билдирувчи сифат: [бой], [бадавлат], [камбағал], [ночор];

5) ҳарорат ҳолатини билдирувчи сифат: [илиқ], [салқин], [совуқ], [иссиқ];

6) тозалик ҳолатини билдирувчи сифат: [тоза], [озода], [қир], [мусаффо], [исқирт];

7) эскилик, янгилик ҳолатини билдирувчи сифат: [янги], [эски], [кўҳна], [жулдур];

8) ҳўл-қуруқлик ҳолатини билдирувчи сифат: [ҳўл], [қуруқ], [нам], [намхуш];

9) тинч ва нотинч ҳолатни билдирувчи сифат: [тинч], [жим], [жимжит], [соқин], [осуда], [осойишта], [безовта];

10) етилганлик ҳолатини билдирувчи сифат: [хом], [пишиқ], [гўр], [пухта];

Шакл билдирувчи сифат. Бу турдаги сифат нарса/предметнинг ташқи кўринишини ифодалайди: [новча], [ясси], [узунчоқ], [думалоқ], [япалоқ], [айлана].

Ранг-тус билдирувчи сифат: [оқ], [қора], [қизил], [пушти], [сарик], [зангор].

Маза-таъм билдирувчи сифат: [ширин], [аччиқ], [нордон], [тахир], [шўр].

Ҳид билдирувчи сифат: [хушбўй], [бадбўй], [қўланса].

Ўлчов билдирувчи сифат: [кенг], [тор], [узун], [яқин], [катта], [оғир].

Ўрин билдирувчи сифат: [ички], [ташқи], [деворий], [қишлоқи].

Пайт билдирувчи сифат: [кузги], [ёзги], [қишки], [чиллаки], [эртапишар].

Сифат деривацияси

Сифатлар икки усул билан ясалади: *аффиксация* ва *композиция*.

Аффиксация усули. Ўзбек тилида сифат ясовчи аффиксал деривацион қолип анчагина. Уларни бирма-бир санаб ўтаемиз.

1. [от + -ли = 1) асосдан англашилган нарса/предметга эгалик белгисини билдирувчи сифат; 2) асосдан англашилган нарса/предметга меъёрдан ортиқ эгалик белгисини билдирувчи сифат;] (1) [расмли], [дўптили], [масхарали], [гавдали]; 2) [ақлли], [гавдали], [кучли]), [ҳаракат номи + -ли = нарса/предметнинг феълдан англашилган иш-ҳаракат учун жуда мослиги, боплигини билдирувчи сифат] ([ўтиришили], [ейшили], [ичшили]).

2. [от +- дор= 1) асосдан англашилган нарса-предметга эгалик белгисини билдирувчи сифат; 2) асосдан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат] (1) [алоқадор], [айбдор], [манфаатдор]; 2) [маҳсулдор], [наслдор], [тўшдор]).

3. [сер + от = асосдан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат] ([серсоқол], [серсув], [сергўшт], [серсомон]).

4. [бе + от = асосдан англашилган нарсанинг йўқ эканлигини билдирувчи сифат] ([бемажол], [бедин], [беғубор]).

5. [ба + от = асосдан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат] ([басавлат], [бақувват], [серсавлат]).

6. [но + от = 1) асосдан англашилган нарсага эга эмасликни билдирувчи сифат; 2 асосдан англашилган белгига қарама-қарши белгини билдирувчи сифат] (1) [ноумид], [ноинсоф], [ноўрин]; 2) [номард], [номаълум], [нумуносиб]).

7. [сифат + -чан = асосдан англашилган хусусиятга мойилликни билдирувчи сифат] ([курашчан], [яшовчан], [унутувчан]).

8. [феъл + -чок/чик/чак = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] ([эринчоқ], [қуйинчак], [тортинчоқ], [қизганчиқ]).

9. [феъл + -қоқ/ғоқ = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] ([уюшқоқ], [тиришқоқ], [ётишқоқ]).

10. [феъл + -ағон = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] ([топағон], [чопағон], [қопағон]).

11. [феъл +-мон = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] ([топармон], [билармон], [еярмон]).

12. [феъл/тақлид + -(а) ки(қи) = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] ([шартаки], [жиртаки], [йиглоқи]).

13. [феъл + -к/-қ/-ғ =асосдан англашилган ҳаракат натижаси сифатидаги ҳолат белгисини билдирувчи сифат] ([эгик], [бузуқ], [ёруғ]).

14. [фeъл + -кин/қин/ғин/ғун = асосдан англашилган ҳаракатни белгига айлантриш] ([тушкун], [турғун], [озгин/сўлгин]).

15. [фeъл + -ма = 1) предметнинг асосдан англашилган ҳаракат усули билан юзага келиш белгисини билдирувчи сифат; 2) фeълдан англашилган ҳаракат предметнинг одатдаги, унга хос белгиси эканлигини билдирувчи сифат] (1) [қовурма], [ағдарма], [қисқартма], [ивитма], [буюртма]; 2) [кўчма], [бурама], [оғма], [сочма]).

16. [фeъл + -(а)рли = шахс/предметнинг асосдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишига оид белгисини билдирувчи сифат] ([арзирли], [ачинарли], [зерикарли], [мақтарли], [ажабланарли], [етарли], [тушунарли]).

17. [тақлид + -илдоқ = асосдан англашилган белгига ортик даражада эгаликни билдирувчи сифат] ([чийилдоқ], [бижилдоқ], [дирилдоқ], [акилдоқ], [ликилдоқ], [нўрсилдоқ]).

18. [фeъл + -ч = асосдан англашилган ҳаракатга боғлиқ белгини билдирувчи сифат] ([тинч], [жирканч]).

19. [от + -ий/вий =1) предметнинг асосдан англашилган нарса/ҳодисага алоқадорлик белгисини билдирувчи сифат; 2) асосдан англашилган тушунчага эгалик белгисини билдирувчи сифат] (1) [илмий], [шахсий], [имловий]; 2) [тахминий], [ақлий], [оммавий]).

20. [от/равиш + -ги/ки/қи = предметнинг асосдан англашилган жой ёки вақтга кўра белгисини билдирувчи сифат] ([аввалги], [ҳозирги], [тонгги], [тунги], [кечки], [ички]).

21. [от + -и = шахс ёки предметнинг миллат/вақт/жойга мансублигини билдирувчи сифат] ([қозоқи], [қишлоқи], [баҳори]).

22. [от/сифат + -ча = предметнинг миллат/жой/микдор/хусусият кабиларга кўра белгисини билдирувчи сифат] ([ўзбекча], [фарғонача], [ортиқча], [эркакча]).

23. [сифат + -намо = бирор шахснинг асос билдирган характер-хусусият белгисига эга эканлигини билдирувчи сифат] ([дарвешнамо], [авлиёнамо], [мажнуннамо]).

24. [от + -симон = асосдан англашилган нарсага ўхшашлик белгисини билдирувчи сифат] ([шарсимон], [кумушсимон], [одамсимон]).

25. [от + -парвар = асосдан англашилган нарсани севишни билдирувчи сифат] ([халқпарвар], [инсонпарвар], [ватанпарвар]).

Кўриб ўтилганлардан ташқари [-аки] ([даҳанаки], [зўраки]), [бад-] ([бадахлоқ], [бадҳазм], [бадбашара]), [-шумул] ([оламушумул], [жаҳоншумул]), [-чил] ([дардчил], [изчил]), [-кай] ([кунгай], [терскаяй]), [-дон] ([гадон], [билимдон]), [-мсиқ] ([қаримсиқ], [ачимсиқ]), [-каш] ([дилкаш], [ҳазилкаш]), [-м] ([қарам]), [-лом] ([соғлом]), [-қа] ([қисқа]), [-боп] ([қишбоп], [паловбоп]), [хуш-] ([хушбичим], [хушҳаво]) аффиксли

қолиплар асосида ҳам сифат ясалган. Бу аффиксли қолиплар унумсиз бўлганлиги учун уларнинг мазмуний томонини мавжуд ҳосилаларидан умумлаштириб чиқариб бўлмайди.

Композиция усули. Композиция усули билан қўшма ва жуфт сифат ҳосил бўлади.

Қўшма сифат. Қўшма сифат куйидаги қолип асосида ҳосил бўлади:

1. **[От+от]:** [девсифат], [девқомат], [дилором], [дилозор], [кафангадо], [оташинафас], [соҳибжсамол].

2. **[Сифат+от]:** [хомкалла], [шўрпешона], [калтафаҳм], [ширинсухан], [шўртумиуқ], [баландпарвоз].

3. **[От+сифат]:** [ёқавайрон], [жигибийрон], [тепакал], [хонавайрон], [худобезор], [отабезори].

4. **[Равиш+от]:** [ҳозиржавоб], [камгап], [камсухан], [камсуқум], [камқон], [камхарж].

5. **[Равиш+фeyл]:** [тезтишар], [эртаптишар], [чўрткесар].

6. **[Фeyл+ фeyл]:** [ебтўймас].

7. **[Олмош+от]:** [ўзбошимча].

8. **[От+фeyл]:** [тилёглама], [гадойтопмас], [тинчликсевар].

9. **[Олмош+сифат]:** [ўзбилармон].

10. **[Сон+от]:** [иккиюзламачи], [қирқямоқ].

Жуфт сифат. Жуфт сифат таркибидаги сўзнинг хусусиятига кўра куйидаги турга бўлинади:

I. Ҳар икки қисми мустақил ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат:

1. Қисмлари синоним: [ақл-ҳушли], [пишиқ-пухта], [телба-тесқари], [соғ-саломат], [якка-ёлғиз].

2. Қисмлари антоним: [аччиқ-чучук], [баланд-паст], [вайрон-обод], [иссиқ-совуқ].

3. Қисмлари маъновий яқин: [мўмин-қобил], [оч-яланғоч], [соя-салқин], [хор-зор], [зма-чурук].

II. Бир қисми мустақил ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат: [ралаш-қуралаш], [маст-аласт], [илма-тешик], [туппа-тузук], [хом-хатала], [энтак-тентак], [қари-қури], [қора-қура], [ямоқ-ясқоқ], [ҳаром-ҳариш].

III. Ҳар иккала қисми мустақил ҳолда ишлатилмайдиган сифат: [ажу-бужу], [алоқ-чалоқ], [пойинтар-сойинтар], [ували-жували], [ўпоқ-сўпоқ], [иланг-биланг].

Бошқа туркумга хос сўз конверсия йўли билан сифатга ўтиши мумкин. Бу сифатлашув дейилади. Сифатлашув тарихий жараён бўлиб, бошқа сўз туркуми давр ўтиши билан сифатга айланиб боради. Сифатлашув ҳодисаси лисоний табиатга эга:

1. Жуфт ва такрорий отнинг сифатлашуви: [мош-гуруч], [йўл-йўл], [ранг-баранг], [хилма-хил].

2. Ўзак ҳолидаги феълнинг сифатлашуви: [дайди], [қари], [чалкаш], [янглиш], [туташ], [аралаш].

3. Ҳаракат номи шаклидаги жуфт феъл: [олмоқ-солмоқ].

4. Кесимлик шаклидаги феъл: [олди-қочди], [қуйди-пишди], [туғди-битди], [иликузилди], [ичақузди], [супрақоқди]

Сифатнинг тузилишига кўра турлари. Сифат тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Содда сифатлар бир ўзакли бўлади: оқ, ёзги, ақлли, безубор, тор. Мураккаб сифат ўз ўрнида учга бўлинади: а) жуфт сифат; б) такрорий сифат; в) қўшма сифат.

Жуфт сифат икки сифатнинг жуфтлашишидан ташкил топади: [оқ-қора], [яхши-ёмон], [катта-кичик].

Такрорий сифатда бир ўзак такрорланади: [катта-катта], [баланд-баланд], [огир-огир].

Қўшма сифат бирдан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: [ҳаво ранг], [ишёқмас], [эртапишар], [ёқавайрон], [ўзбилармон].

Эслатма. Жуфт ва қўшма сифат ясама. Такрорий сифатда шакл ясалиши, қисман лексемалашув мавжуд. У тараққиёт натижасида янги маъно касб этиши ҳам мумкин: [йўл-йўл]. Бунда янги сўз ясалиши эмас, балки сўзшаклнинг лексемалашуви кузатилади.

Даража сифатнинг таснифловчи категорияси сифатида

Даража категорияси (қисқ. ДК) «сифатда белги даражаси» УГМсига эга. Даража турли (гетероген) шакл ёрдамида ҳосил қилинади: (чиройли) – (чиройлироқ) – (жуда чиройли).

Аслий сифатда белгининг даражасини ифодалашга кўра уч даража ажратилади:

а) оддий даража; б) орттирма даража; в) озайтирма даража.

Оддий даража ҳеч қандай воситасиз юзага чиқади. Унда ДК УГМси «белгининг ортиқ-камлигига муносабат билдирмаслик» тарзида юзага чиқади: (яхши), (қаттиқ), (семиз), (кенг), (баланд), (тўғри), (юмшоқ) каби.

Орттирма даража белгининг меъёрий ҳолатдан ортиқлиги, кучлилигини ифодалаб, ДК УГМсини «белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Орттирма даража махсус морфологик шаклга эга эмас. ДК ифодаловчисининг гетерогенлиги ушбу даражада яққол кўзга ташланади. Орттирма даража қуйидаги усуллар билан ҳосил қилинади:

1. **Фонетик усул.** Унинг бир неча кўриниши бор: а) (қоп-қора), (яп-япалоқ), (дум-думалоқ); б) урғули товушнинг чўзилиши: (у'зун), (бала'нд), (чиро'йли).

2. **Лексик усул:** (*жуда кучли*), (*гоятда кўрқинчли*), (*ниҳоятда баланд*).

Белгининг ортиқ даражаси аналитик шаклда ҳам ифодаланади. Бу шакл икки узвли, биринчи узвини чиқиш келишиги шаклида қўллаш орқали ҳосил қилинади: (*узундан узоқ*), (*шириндан ширин*).

Озайтирма даража ДК УГМсини «белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш» кўринишида хусусийлаштиради. Бу маъно икки усул билан юзага чиқади:

1. **Лексик усул:** (*сал дуруст*), (*бир оз яхши*), (*хиёл очик*).

2. **Морфологик усул:** (*каттароқ*), (*кўпроқ*), (*озроқ*);

Эслатма. Ранг-тус бидирувчи айрим сифатда қўлланувчи [-(*u*)ш], [-(*u*)мтир] аффикслари белгининг кучсиз даражасини билдирмайди. Масалан, (*оқии*) сўзи оқ рангинг, (*қорамтир*) сўзи қора рангинг кучсиз даражаси эмас, балки оқ, қора бўлмаган, уларга ўхшаш бўлган ранг турлари.

Сифатда алоқа-муносабат категорияларининг воқеланиши

Сифат туркумида синтактик категория кенг бўлмаган воқеланишга эга.

Эгалик категорияси. Сифат туркуми ЭК УГМсини «кейинги сифатни олдинги сўзга боғлаш ва мансублик, хослик маъносини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Матн ва бирикувчи сўзнинг семантикасига боғлиқ равишда турли-туман грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Лекин «кейинги сифатни олдинги сўзга боғлаш» категориал маъно хусусийлашмаси сифатида ўзгармай қолаверади. Қуйида сифат туркумининг ЭК УГМсини хусусийлаштиришидаги ўзига хосликларни кўриб ўтамыз.

Эгалик аффикси ўзи бириккан сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда ЭК даги сўз ҚК даги сўз билан келади: *олманинг қизили*, *одамнинг ақллиси*.

ЭК даги сўз баъзан ЧК даги сўз билан ҳам бирга қўлланилиши мумкин: *одамлардан ақллиси*.

ЭК даги сўзда аффикс маъноси ва вазифаси кучсизланиб, равишга ўтиб кетади: (*одамнинг*) *яхшиси*.

ЭК нинг бирлик ва кўплик шакли қўлланилишда фарқ бор. Кўпинча миқдор билдирувчи ўзакка бирлик сон шакли кўшилмайди: *ақлингиз*, *кўпимиз*. Бу жиҳатдан III шахс эгалик аффикси фарқланади: *нодони*, *рангдори*.

Келишик категорияси. КК сифатда ЭК билан бирга қўлланади.

БК даги сифат эга вазифасида келади: 1. *Укамнинг кичиги* – *ўқитувчи*. 2. *Дарвоза тепасига шохнинг каттаси* қўйилганди.

КК даги сифатда КК УГМси «сифатни қаратқич аниқловчи вазифасида кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади: *Инсон ялқовининг баҳонаси кўп.* (Ж.Абд.)

ТК даги сифат гапда иш-ҳаракатни қабул қилган предметга объект тусини беради ва тушум келишиги аффиксини қабул қилган сифат воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади. «Сифатга объект тусини бериш ва уни феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» ТК УГМ сининг сифат туркумидаги хусусийлашуви: *Гулнинг қизилини ажратди.*

ЧК КК УГМсини умуман «олдинги сўзни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида, сифат туркумида эса «олдинги сифатни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» кўринишида хусусийлаштиради.

ЧК даги сифатнинг вазифалари:

а) воситали тўлдирувчи: *Қарзни одамнинг яхшисидан сўранг.* («Саодат».)

б) ўрин ҳоли: *Эшиги очиқ нариги хонадан пианино овози эшитилмоқда эди.* (П.Қод.)

в) сабаб ҳоли: *Пиёзнинг аччигидан кўзлари қизарди.* (М.Мух.)

ЖК даги сифат иш-ҳаракат йўналган предметни белгиси билан англатади: *оғирига, яқинига.*

ЖК даги сифат гапда тўлдирувчи, ҳол каби бўлак вазифасида келади: 1. *Қизнинг кўзларининг қорасига ҳавасланиб боқди.* 2. *Бола ҳовузнинг тўласига югурди.*

Кўринадики, ЖК сифат туркумида КК УГМсини «олдинги сифатни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

ЎПК сифат туркумида КК УГМсини «олдинги сифатни кейинги сўзга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштириб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, вақти, шароити, ҳолати, сабаби, мақсади каби тажалли маъноларни ифодалайди: *Одамнинг писмигида гап кўп.*

Кесимлик категорияси. Боғлама. Кесимлик категорияси сифат туркумида ҳам ўз моҳиятини чекланган даражада намоён қилиб, икки кўринишга эга бўлади:

а) ҳозирги замон кўриниши;

б) ўтган ва келаси замон кўриниши.

Кўп ҳолларда сифат туркумида кесимлик категорияси боғлама воситасида юзага чиқади.

Боғлама кесимлик категориясини сифат ва бошқа кесимлик вазифасига унчалик мослашмаган сўзда юзага чиқарувчи восита. Тўлиқсиз

фeyл, [бўл], [ҳисобланмоқ], [саналмоқ], [дейилмоқ] каби мустақил фeyл сифатда ҳам боғлама вазифасини бажаради.

Кесимлик категориясининг сифат туркумидаги ҳозирги замон кўринишида қуйидаги тусга эга бўлади:

<i>Ёши каттаси+ман</i>	<i>Ёши каттаси +миз</i>
<i>Ёши каттаси+сан</i>	<i>Ёши каттаси +сиз</i>
<i>Ёши каттаси+0</i>	<i>Ёши каттаси +(лар)</i>

[-ман], [-сан], [-миз], [-0], [-лар] кесимликнинг барча маъносини йиғиқ ҳолда бир аффиксда ифодалайди. Бўлишсиз шакли аналитик усулда юзага чиқади: *Ёши каттаси эмасман*, *Ёши каттаси эмассан*. Эгага урғу берилганда, кесимликнинг барча маъноси ноль шакл орқали ифодаланади: *Мен ёши каттаси ([0])* каби.

Ўтган замонда кесимлик маъноси боғлама вазифасида келувчи тўлиқсиз фeyл ва боғламалашган сўзлар билан кесимликнинг аналитик ифодасини ташкил этади.

<i>Ёши каттаси+эдим</i>	<i>Ёши каттаси+эдик</i>
<i>Ёши каттаси+эдинг</i>	<i>Ёши каттаси+эдингиз</i>
<i>Ёши каттаси+эди</i>	<i>Ёши каттаси +эди(лар)</i>

Бунда икки шакл (*эди* ва шахс/сон) кесимликнинг тўрт тип маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз фeyл замон, тасдиқ, майл маъносини яхлит юзага чиқаради.

Бўл фeyли боғлама вазифасида келиб, уч замонни ҳам кўрсатиши мумкин: *Ёши каттаси+бўламан (бўлдим)*. Мисоллар: *Мен шу заводга ишга кирганларнинг энг ёши бўлдим* (ўтган замон). *Мен шу завод ишчиларининг тажрибалиси бўламан* (ҳозирги замон). *Сен шу завод ишчиларининг энг ёши бўласан* (келаси замон). *Саналади, ҳисобланади* сўзлари ҳам боғлама вазифасини бажариб, сифатга кесимлик категориясини мослайди.

Сон

Сон ва унинг УГМси. «Предметларнинг саноғи ва асосан аниқ миқдори учун ишлатиладиган сўз» - соннинг сўз туркуми сифатидаги УГМси. Саналадиган предмет учун ишлатилганда уларнинг саноқ ва миқдорини англатади. Сон сўз туркуми сифатида предмет ифодаловчиси билан муносабатга киришиб, шу жиҳати билан сифат ва равиш туркумига яқин туради. Бироқ аниқ миқдор билдирувчи бу сўзлар предметнинг ноаниқ миқдорини билдирувчи [оз], [кўп], [мўл] каби сифатдан ажралиб туради. Сифат рақам билан ифодаланмайди. Сон эса ноаниқ миқдорни билдирганда ҳам рақам билан берилади: *уч-тўрт кун (3-4 кун)*. Бу эса улар англатган миқдор ноаниқлиги ҳам нисбий эканлигидан далолат беради.

Сонга оид сўз математик сон маъносида эса фақат соннинг номини билдиради. Демак, предмет номини англатувчи сўз билан муносабатда намоён бўладиган маъноси билан сон сўз туркумини ташкил этади.

Соннинг грамматик хусусияти. Сон морфологик ва синтактик хусусиятининг ўзига хослиги билан бошқа туркумлардан ажралиб туради.

1. Сонда ўзига хос морфологик ифодасига эга бўлган қуйидаги грамматик хусусият мавжуд:

- санок сонга [-*(и)нчи*] аффиксининг қўшилишидан предметнинг тартибига кўра муносабатини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: *биринчи, ўнинчи*.

- санок сонга [-*ов*], [-*ала*] аффиксининг қўшилишидан предметнинг гуруҳини, тўдасини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: (*иккови*), (*учаласи*).

- санок сонга [-*та+ча*], [-*лаб*] аффиксининг қўшилишидан предметнинг тахминий ҳисобини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: (*ўнтача*), (*юзлаб*).

- санок сонга [-*та+дан*] аффиксининг қўшилишидан предметнинг тақсимини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: (*иккитадан*), (*ўнтадан*).

2. Ҳисоб сўзи ([*жуфт*], [*грамм*], [*дона*], [*метр*]) билан қўлланилиши унинг ўзига хослигини белгиловчи муҳим белгидан бири.

3. Синтактик категория чекланган воқеланишга эга.

4. Сонлар ясалиш хусусиятига эга эмас. Бироқ сондан бошқа сўз туркуми ясалади: [*бирлашмоқ*], [*иккиланмоқ*] (фезл), [*бешилик*] (от) каби.

Сон қуйидаги синтактик хусусиятга эга.

5. Сон отдан олдин келиб, асосан, аниқловчи вазифасини бажаради.

6. Сонлар чекланган даражада бўлса-да, гапнинг барча бўлаги вазифасида кела олади.

7. Сон от олдида аниқловчи вазифасида келганда, у билан бирга ажралмас бирикмани вужудга келтиради: *икки талаба келмади* бирикувида *икки талаба* ажралмас бирикма бўлиб, битта бўлак, *икки* сўзи эса бўлакнинг бўлаги вазифасида келган.

8. Сон ва сифатни аниқловчи сифатида қўллашга тўғри келганда аввал сон, кейин сифат жойлашади: *учта аълочи талаба, бешта илгор теримчи*.

Соннинг ЛМТ ва ЛМГлари ҳамда уларга хос луғавий шакл ҳосил қилувчи воситалар. Сон маъно ва грамматик хусусиятига кўра дастлаб икки ЛМТ га бўлинади: «миқдор сон» ЛМТси ва «тартиб сон» ЛМТси. «Миқдор сон» ЛМТси предметнинг миқдорини, «тартиб сон» ЛМТ си эса тартиби, сирасига кўра хусусиятини билдиради.

Бу ЛМТлар ўзаро қуйидаги муносабатга эга:

- миқдор сон ички ЛМГларга эга. Тартиб сон ЛМТси бир вақтнинг ўзида ЛМГ ҳам;
- миқдор сонлар ҳисоб сўзи билан қўллана олади, тартиб сон эса бундай хусусиятга эга эмас;
- миқдор сонлар жуфтлаша олади, тартиб сонда эса бундай хусусият йўқ;
- миқдор сонларга (*бешдан бир*), (*учга бир*) каби бирикмали қўлланиш хос, тартиб сонга эса хос эмас;
- миқдор сонлар кўплик шаклини олганда тахминий миқдор билдиради (*учларда келди*), тартиб сон эса бундай ҳолда отлашиб кетади: *биринчилар – биринчи одамлар*.

«**Тартиб сон**» ЛМТси. Тартиб сон предметнинг аниқ тартибини, кетма-кетликдаги ўрнини билдириш, шунингдек, бошқасидан фарқини кўрсатиш учун ишлатилади.

Тартиб сон санок сонга *[-(и)нчи]* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади.

[-(и)нчи] аффикси ўрнида баъзан *[-ламчи]* шакли ҳам ишлатилади. Масалан: **Бирламчи**, *ғаламис одамларнинг гапига қулоқ солманглар, иккиламчи, ўзларинг биласизлар, мардикорликка кетганлар кўпи билан олти-етти ойларда қайтишади...*(А.Қаҳ.)

Тартиб сон феъл билан боғланганда миқдорни ҳам англатади: *Бу гапни биринчи эшитишим.* (С.Аҳм.)

Тартиб сонлар ой кунининг тартибини билдирганда вақт ифодаловчи отлардан олдин келади: *иккинчи апрель, йигирма учинчи апрель, ўн саккизинчи март, йигирманчи ноябрь* каби. Бу рус тилининг таъсири, албатта. Соф ўзбекча ой кунни ҳисоби *апрелнинг иккинчи кунни, ноябрнинг йигирманчи кунни* тарзида бўлади.

Тартиб соннинг отлашган ва отлашмаган ҳолатини фарқлаш лозим. *Одамларнинг биринчиси, ўқувчиларнинг бешинчиси* бирикувида сондаги эгалик қўшимчасидан олдин туширилган отни қўйиб бўлмайди. Демак, бу сон отлашмаган. *Биринчи китобни сен оласан, иккинчисини мен гапида иккинчи тартиб сони отлашган.*

«**Миқдор сон**» ЛМТси ва унинг ЛМГлари. Миқдор сон предметни санаш, доналаш, тақсимлаб ёки тахминлаб кўрсатиш учун ишлатилади. Унинг қуйидаги ЛМГлари ажратилади: «санок сон» ЛМГ, «дона сон» ЛМГ, «чама сон» ЛМГ, «жамловчи сон» ЛМГ, «тақсим сон» ЛМГ.

«**Санок сон**» ЛМГ. Санок сон предметни санаш, доналаб кўрсатиш учун ишлатилади: *Хатни ўқиётганимда, кампир икки қўлини тиззасига тираб, жимгина қулоқ солиб ўтирди.* (С.Аҳм.) *Уч дўст ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтиришди.*(Ё.Шук.)

Санок сон морфологик кўрсаткичга эга эмас.

Саноқ сон от билан синтактик муносабатга киришганда мустақил ва номустақил синтактик мавқеда бўла олади. Мустақил мавқеда аниқланмишдан айрича сўроққа жавоб бўлиб, алоҳида бўлак мақомига эга бўлади: *Беш* (аниқл.) *киши* (эга) *сўзлади* (кесим). Номустақил мавқеда таркибий қисм сифатида юзага чиқади: *Беш киши* (эга) *келишди* (кесим).

Саноқ сон қўшма сифат ҳосил қилиши мумкин: *беш яшар бола, уч чақиримли йўл*.

Саноқ сон сирасида *бир* сўзи қўлланиш ва вазифаси жиҳатидан қатор ўзига хосликка эга.

1. «Микдор» маъноси: *Яна бир гапни айттинг.* (С.Нур.)
2. «Ноаниқлик» маъноси: *Бир ўзбек йигити сўзлай бошлади.* (Ойб.)
3. «Ҳаракат белгиси» маъноси: *Машина бир лапанглаб, илгарилади.* (С.Аҳм.)
4. «Мўлжал» маъноси: *Эртага бир дам олинг.*
5. «Бир хил» маъноси: *Тилинг билан кўнглингни бир тут.*
6. «Кучайтириш» маъноси: *Ёмғир бир ёғди.*
7. «Навбатма-навбат» маъноси: *Бола бир бизга қарайди, бир отасига қарайди.*
8. «Ўхшашлик» маъноси: *У менинг бирим.*
9. ЖК да «биргалик» маъноли равишга ўтади: *бирга ишламоқ.*
10. ЧК да «тўсатдан» маъноли равишга ўтади: *бирдан қичқириб юборди.*
11. [-дай] шакли билан равиш бўлиб келади: *бирдай.*
12. [-ов] аффиксини олиб «гумон» маъноли олмош: *Биров келди.*
13. [-ор/-он] аффиксини олиб келади: *бирорта, биронта.*
14. [-гина] юкламаси билан «чегаралаш» маъноси: *биргина.*
15. Фонетик ўзгарган [ҳам] юкламаси билан «кучайтириш» маъноси: *бирам.*
16. [-оқ] элементи билан боғловчи вазифасида: *биروق.*

Шунингдек, [бир] сўзи [ров], [нас], [нафас], [зум], [пайт], [йил], [вақт], [ой], [кун] ([бирров], [бир нас], [бир нафас]), [неча], [мунча], [сидирга], [оз], [мунча], [қадар] ([бир неча], [бир оз], [бир мунча]), [нима], [нарса] ((бир нима), (бир нарса)), [қатор], [талай] ((бир қатор), (бир талай)), [хил] (бир хил), [баъзи], [ҳар], ((баъзи бир), (ҳар bir)) сўзи билан бирга кела олади.

Бир сўзи такрорланиб кела олади: (бир-бир) («тартиб билан» маъносида), [бирма-бир] («батафсил» маъносида), [бирдан-бир] («ягона» маъносида), (бир-биридан) («ўзаро» маъносида), (бир-бирига) («бири иккинчисига» маъносида).

Ўзбек тилида [бир] сўзи [илк], [якка], [ёлғиз], [ягона] сўзи билан маънодошлик касб этади.

Санок соннинг ҳисоб сўзи билан қўлланилиши. Санок сон ўлчов бирлигини ифодаловчи сўз билан бирга қўлланилиши ҳам мумкин: [гектар], [таноб], [тош], [бош], [туп] каби. Бундай сўз ҳисоб сўзи (нумератив) дейилади. Ҳисоб сўзи, одатда, от туркумидан бўлади ва алоҳида ЛМГ ни ташкил этади.

Ҳисоб сўзи ўзи бириккан сон билан бирга ажралмас синтактик бирликни ташкил этиб, гапда бир синтактик позициядан ўрин олади.

Ҳисоб сўзи қадимдан ўзбек тилида фаол қўлланган. Бугунги кунда уларнинг айрими бутунлай истемолдан чиқиб кетган ёки жуда кам ишлатилади. Уларга [қодоқ], [жон], [таноб], [газ], [саржин], [пайса], [тахта], [энлик], [сўлкавой], [тош], [пуд], [маҳал], [юмалоқ] (чой), меҳнат куни (уч меҳнат куни).

[Гектар], [градус], [киловатт-соат], [кубометр], [метр] (сантиметр, миллиметр), [минут], [пар], [пачка], [сотих], [центнер], [меҳнат куни] каби ҳисоб сўзи ўзбек тилига XX асрда кириб келган.

Ҳисоб сўзи тизими очиқ система.

Ҳисоб сўзи ЛМГ си қуйидаги микросистемалардан ташкил топади:

1. Предметни яккалаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [бош], [нафар], [дона], [нусха], [туп], [жон].

2. Предметни бутун ёки тўданинг қисми сифатида ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [бурда], [варақ], [луқма], [парча], [пой], [сиқим], [тилим], [томчи], [тўграм], [чақмоқ], [чимдим], [шингил], [қултум].

3. Предметни тўдалаб, гуруҳлаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [боғ], [гала], [гуруҳ], [даста], [тўда], [тўп], [шода], [қучоқ], [ҳовуч].

4. Предметни жуфтлаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [жуфт], (пар).

5. Предметнинг оғирлик ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [грамм], [килограмм], [литр], [пуд], [тонна], [центнер], [мисқол], [қодоқ], [ботмон], [коса], [пиёла], [қоп], [қошиқ], [қути].

6. Предметнинг узунлик ва масофа ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [қадам], [қарич], [қулоч], [метр], [тош], [чақирим], [километр].

7. Ёш ҳисобини билдириш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [яшар], [ёшдаги], [ёшли].

8. Вақт ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [аср], [йил], [кун], [кеча-кундуз], [ой], [ҳафта], [дақиқа], [сония].

9. Қиймат ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [сўм], [тийин], [мири], [пақир], [динор], [доллар], [евро], [рубль].

10. Ҳаракат миқдорини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: [марта], [карра], [қатла], [дафъа], [сидра].

«**Дона сон**» ЛМГ. Дона сон [-та] кўшимчаси ва [дона], [нафар], [бош] каби ҳисоб сўзи билан ҳосил қилинади. [-та] кўшимчали дона сон предметнинг миқдорини доналаб кўрсатиш учун ишлатилади: *Битта барғни узиб Зокир отага узатди.* (А.Қах.)

Бу аффикс ҳар қандай сон ўзагига қўшилиб кела олади: (*тўққизта*), (*ўн тўртта*), (*уч юзта*), (*етти юзта*). Ундан кейин кўплик шакли кўшилмайди.

Эгалик аффиксининг дона сон қўшилишидаги ўзига хослик шундаки, бунда III шахс бирлик ((*биттаси*), (*олтмиш олтитаси*)) ва бошқа шахснинг кўплик (*сизнинг беиштангиз*, *бизнинг ўнтамиз*) шакли фаол.

Дона сон феъл олдида келганда тарз маъносини ифодалаб, гапда ҳол бўлиб келади: *Мен битта гапираман.* Юклама олиб «чегаралаб, айириб, доналаб, камайтириб кўрсатиш» маъносини ҳам ифодалайди: (*тўрттагина*), (*учтагина*).

Дона сон кўрсаткичи [нафар], [бош], [жон], [дона] сўзи билан маънодошлик муносабатида бўлади: *битта – бир дона*, *ўнта – ўн нафар*, *беишта – беиш жон* каби.

«**Чама сон**» ЛМГ. Чама сон [-тача], [-лаб], [-ларча] кўшимчаси, соннинг жуфт шакли, [тахминан], [қарийб], [тақрибан], [чамаси], [яқин], [камида], [ортиқ]/мўл(роқ) каби равиш ва бошқа туркум сўзи орқали ҳосил қилинади: *ўнта ишчи*, *миллионлаб юртдошлар*, *ўнларча машина*, *соат ўн бирлар*, *уч-тўрт кун*, *тахминан ўнта*, *юзга яқин*, *камида беиш мингта*, *саксон беиш мингдан ортиқроқ*.

Ҳисоб сўзи билан келган сон [-ча] кўшимчаси билан чама маъносини беради: *уч йилча бурун*, *беиш километрча*.

«**Жамловчи сон**» ЛМГ. Жамловчи сон бир турдаги предметнинг миқдорий йиғиндисини ифодалайди ва *саккиз* сонидан қуйи турувчи сонга қўшилади. Улар қуйидагича ҳосил қилинади:

1) [икки], [уч], [тўрт], [беиш], [олти], [етти] сонига [-ов/-овлон] аффикси қўшилади: (*икков(лон)*), (*учов(лон)*), (*тўртов(лон)*), (*беишов(лон)*), (*олтов(лон)*), (*етов(лон)*) (Бу шаклли сон ҳақида сўз туркумларининг кўчиши муаммоси ҳақида фикр билдирилган эди). Жамловчи сон ЭК да келиши мумкин: (*беишовимиз*), (*иккови*). Бу ҳодиса отлашув саналмайди.

2) [икки], [уч], [тўрт] сўзи [-ала] кўшимчасини олиб жамлаш маъносини ифодалайди: (*иккала*), (*учала*), (*тўртала*), (*беишала*).

«**Тақсим сон**» ЛМГ. Тақсим сон ЛМГ [-тадан] луғавий шакли орқали ҳосил қилинади: (*биттадан*), (*ўнтадан*). Тақсим сон гапда от ёки феъл олдида келиши мумкин: *ўнтадан олма*, *беиштадан олди*.

Соннинг бутун ёки қисмни ифодалашига кўра тури. Сон бутун ёки қисмни ифодалашига кўра уч турга бўлинади:

1) бутун сон;

- 2) каср сон;
- 3) аралаш сон.

Бутун сон нарса-миқдори ёки саноғини унинг бутун ҳолатида ифодалайди: [*бир*], [*юз*], [*икки минг*].

Каср сон бутуннинг бўлагини, улушини ифодалайди: (*иккидан бир*), (*чорак*), (*ярим*).

Аралаш сон бутун ва каср соннинг бирлигидан ташкил топади: (*бир бутун учдан икки*).

Соннинг бутун ёки қисми ифодаланишига кўра турларга бўлинишини ЛМГга ажратишдан фарқлаш лозим.

Алоқа-муносабат категорияларнинг сон туркумида воқеланиши. Сон чекланмаган мучаланувчанликка (гап бўлаги вазифасида келишга) эга, яъни у исталган гап бўлаги вазифасида кела олади:

1. Кесим: *Бу хотиннинг жони битта эмас, балки мингта.* (А.Қах.)

2. Эга: *Душманнинг юз биринчиси қолди.* (А.Қах.)

3. Ҳол: *Самарқандни бир неча марта кўрганман. У маррага биринчи етиб келди.*

4. Аниқловчи: *Бир четда гулзор оралаб иккита чиройли қиз гул териб юрибди.* (Ойб.)

5. Тўлдирувчи: *Журналнинг биринчисини топдим.*

Шунга мувофиқ, сон туркуми КК, ЭК ва кесимлик категориясини ўз доирасида воқелантиради.

Эгалик категорияси. Сон туркуми ЭК УГМсини «кейинги сонни олдинги сўзга боғлаш ва мансублик, хослик маъносини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Матн ва бирикувчи сўзнинг семантикасига боғлиқ равишда турли-туман грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Лекин «кейинги сонни олдинги сўзга боғлаш» категориал маъно хусусийлашмаси сифатида ўзгармай қолаверади. Қуйида сон туркумининг ЭК УГМсини хусусийлаштиришидаги ўзига хосликларни кўриб ўтаемиз.

Эгалик аффикси ўзи бириккан сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда ЭК даги сўз ҚК даги сўз билан келади: *олманинг бештаси, одамларнинг ўнтаси.*

ЭК даги сўз баъзан ЧК даги сўз билан ҳам бирга қўлланилиши мумкин: *одамлардан учтаси.*

ЭК нинг бирлик ва кўплик шакллари қўлланилишда фарқ бор. Кўпинча миқдор билдирувчи ўзақларга бирлик сон шакли қўшилмайди: (*бештангиз*), (*икковимиз*). Бу жиҳатдан III шахс эгалик аффикси фарқланади: (*бири*), (*олтови*).

Келишик категорияси. КК сонда ЭК билан бирга қўлланади.

БК даги сон эга вазифасида келади: 1. *Дафтарнинг **учтаси** менда.* 2. *Дарвоза тепасига шохнинг **иккитаси** қўйилганди.*

ҚК даги сонда ҚК УГМси «сонни қаратқич аниқловчи вазифасида кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади: *Сигирнинг **иккитасининг** сути кўп.*

ТК даги сон гапда иш-ҳаракатни қабул қилган предметга объект тусини беради ва тушум келишиги аффиксини қабул қилган сон воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади. «Сонга объект тусини бериш ва уни феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» ТК УГМ сининг сон туркумидаги хусусийлашувидир: *Гулнинг **учтасини** ажратди.*

ЧК ҚК УГМсини умуман «олдинги сўзни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида, сон туркумида эса «олдинги сонни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» кўринишида хусусийлаштиради.

ЧК даги соннинг вазифалари:

а) воситали тўлдирувчи: *Қарзни одамнинг **иккинчисидан** сўранг.*

б) ўрин ҳоли: *Эшиги очиқ нариги хонанинг **биринчисидан** пианино овози эшитилмоқда эди.*

ЖК даги сон иш-ҳаракат йўналган предметни белгиси билан англатади: *биринчисига, учовига.*

ЖК даги сон гапда тўлдирувчи, ҳол каби бўлақлар вазифасида келади: 1. *Қўзиларининг **учовига** ҳавасланиб боқди.* 2. *Бола машинанинг **биринчисига** югурди.*

Кўринадикки, ЖК сон туркумида ҚК УГМсини «олдинги сонни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

ЎПК сон туркумида ҚК УГМсини «олдинги сонни кейинги сўзга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштириб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, вақти, шароити, ҳолати, сабаби, мақсади каби тажалли маъноларни ифодалайди: *Бизнинг бешовимизда чора йўқ.*

Кесимлик категорияси. Боғлама. Кесимлик категорияси сон туркумида ҳам ўз моҳиятини чекланган даражада намоён қилиб, икки кўринишга эга бўлади: а) ҳозирги замон кўриниши; б) ўтган ва келаси замон кўриниши. Кўп ҳолларда сон туркумида кесимлик категорияси боғлама воситасида юзага чиқади.

Боғлама кесимлик категориясини сон ва бошқа кесимлик вазифасига унчалик мослашмаган сўзларда юзага чиқарувчи восита. Тўлиқсиз феъл, [бўл], [ҳисобланмоқ], [саналмоқ], [дейилмоқ] каби мустақил феъллар сонларда ҳам боғлама вазифасини бажаради.

Кесимлик категориясининг сон туркумидаги ҳозирги замон кўринишида қуйидаги тусга эга бўлади:

Биринчиси +ман *Биринчиси+миз*
Биринчиси +сан *Биринчиси+сиз*
Биринчиси +0 *Биринчиси+(лар)*

[-ман], [-сан], [-миз], [-0], [-лар] кесимликнинг барча маъносини йиғиқ ҳолда бир аффиксда ифодалайди. Бўлишсиз шакли аналитик усулда юзага чиқади: *Биринчиси эмасман*, *Биринчиси эмассан*. Эгага урғу берилганда, кесимликнинг барча маънолари ноль шакл орқали ифодаланади: *Мен биринчиси(0)* каби.

Ўтган замонда кесимлик маъноси боғлама вазифасида келувчи тўлиқсиз феъл ва боғламалашган сўз билан кесимликнинг аналитик ифодасини ташкил этади.

Биринчиси +эдим *Биринчиси +эдик*
Биринчиси +эдинг *Биринчиси +эдингиз*
Биринчиси +эди *Биринчиси +эди(лар)*

Бунда икки шакл ([эди] ва шахс/сон) кесимликнинг тўрт тип маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз феъл замон, тасдиқ, майл маъносини яхлит юзага чиқаради.

[Бўл] феъли боғлама вазифасида келиб уч замонни ҳам кўрсатиши мумкин: *биринчиси + бўламан/бўлдим*. Мисоллар: *Мен шу заводга ишга кирганларнинг энг биринчиси бўлдим* (ўтган замон). *Мен шу завод ишчиларининг биринчиси бўламан* (ҳозирги замон). *Сен шу завод ишчиларнинг энг биринчиси бўласан* (келаси замон). *саналади, ҳисобланади* сўзлари ҳам боғлама вазифасини бажариб, сонга кесимлик категориясини мослайди.

Соннинг тузилишига кўра турлари. Сон тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* бўлади. Содда сон бир ўзакли бўлади: [бир], [беш], [минг], [ярим]. Мураккаб сон ўз ўрнида учга бўлинади: а) *жуфт сонлар*; б) *такрорий сонлар*; в) *қўшма сон*.

Жуфт сон икки соннинг жуфтлашишидан ташкил топади: [уч-тўрт], [беш-олти].

Такрорий сонда бир ўзак такрорланади: [битта-битта], [учта-учта], [бешта-бешта].

Қўшма сон бирдан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: [ўн беш], [бир минг олти юз], [уч бутун бешдан бир], [бир ярим].

Равиш

Равиш ва унинг УГМси. Равиш ҳамиша тилшуносликнинг муаммоли масаласидан бўлиб келган. Уни ўрганган олим В.В.Виноградов «мустақил сўзнинг ҳеч бир гуруҳига сиғмай қолган сўз равиш туркумига

йиғилган» деб ҳаққоний баҳо берган эди. Унинг маъно ва вазифаси от, сифат, сон, олмошга яқин туриши араб ва Европа тилшунослигида қайд этилган. Шарқ ва ғарб тилшунослиги равишни маъно ва вазифаси жиҳатидан эмас, балки бошқа бирортасига хос бўлмаган белги – ўзгармаслик белгиси билан исмдан фарқлайди. Бироқ ўзбек тили грамматик қурилишининг тавсифига бағишлаб ёзилган кўплаб илмий адабиёт ва дарсликда равишнинг ўзгармаслик табиати инобатга олинмаган. Тилшунослар ўзбекча равишни рус тилидаги «наречие»нинг муқобили сифатида талқин қилишган, натижада [кеча], [кундуз], [тонг], [оқшом] каби пайт оти, [атроф], [ўрта], [у ерда], [бу ерда], [олд], [орқа] каби ўрин оти, [оз], [мўл], [бутун], [тўла] каби миқдор сифати, [кейин], [наст], [баланд], [юқори] каби ўрин сифати равиш туркуми доирасида ўрганилган.

«Асосан ҳаракатнинг, қисман предметнинг белги, миқдор ёки ҳолатини билдирувчи ўзгармас сўз» – равишнинг сўз туркуми сифатидаги УГМси.

Равиш ўзгармас сўз туркуми сифатида. Равиш – мустақил маъноли ўзгармас сўз. У белги, миқдор ёки ҳолатни, ўрин, пайт маъносини ифодалайди ва бу жиҳатидан от, сифат, сонга яқин туради. Улардан фарқли жиҳати шундаки, сўз ўзгартирувчи, шакл ясовчи кўшимча билан бирика олмайди. Масалан, от кўплик, сифат даража шаклини қабул қилади. Масалан, [тонгда], [оқшомда], [кундузлари], [кўпроқ], [озроқ], [баландроқ] каби. Айрим тил бирлигида учрайдиган ЭК, КК шакли равишнинг ўзак қисмида соддалашган, яъни ўзак билан яхлит ҳолга келиб қолган: [бирдан], [зимдан], [тўсатдан], [кечаси], [бирга]. Бундан ташқари қадимги даврда кенг истеъмолда бўлган [-ра] (жўналиш келишиги) ([сўнгра], [узра]), [-а], ([қайта], [кўтара]), [-ин(-ун)] ([биринкетин], [остин-устун]) кўшимчаси ҳам равиш таркибида қотиб қолган.

Равиш туркумини талқин қилишда ўзгармаслик хусусиятини эътиборга олиш унинг сўз туркуми сифатидаги хусусиятини белгилашда қатор қарама-қаршиликка нуқта қўяди.

Илмий манба, дарслик ва қўлланмаларда [энг], [жуда], [ниҳоят], [гоят], [ланг], [гирт] каби сўз кучайтирув равиши деб қаралади. Ҳолбуки, бу шакллар равиш олдидан келиб белги маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун кейинги йилларда айрим тадқиқотчилар бу унсурларнинг равиш эмаслигини, чунки равиш каби мустақил луғавий маънодан холилигини таъкидлашиб, кучайтирув юкламаси сирасида ўрганиш лозимлигини уқтиради.

Равиш ЛМГлари. Равиш ҳолат, миқдор-даража, ўрин, пайт, мақсад, сабаб ЛМГларига бўлинади.

Пайт равиши. Пайт равиши ҳаракатнинг вақти, пайти, муддатини билдиради: [энди], [саҳарлаб], [ҳали], [доим], [индин] каби. У гапда

кўпинча ҳол, баъзан кесим бўлиб келади: *Бугун эрта туриб тонгни кўрдим.* (Уйғ.) *Бугуннинг ҳаками эртадир.* (А.Худ.)

Ўрин равиши. Ўрин равиши ҳаракатнинг юз бериш ўрнини билдиради: [олга], [илгарига], [олдинга].

Эслатма. Ўрин равишини ўрин отидан фарқламоқ керак. Бунга ўрин отларининг морфологик ўзгариши асос қилиб олинади: (*атрофимиз*), (*ўртада*), (*ўртадан*), (*ичкарида*), (*ўнгдан*), (*чапда*), (*олдида*), (*у ердан*) каби.

Ҳолат равиши. Ҳолат равиши ҳаракатнинг бажарилиш усули, тарзини билдиради. Шу боисдан улар тарз-тус равиши деб ҳам юритилади: [бехосдан], [астойдил], [мажбуран], [қаватма-қават], [мардларча], [йигитларча].

Миқдор-даража равиши. Миқдор-даража равиши миқдорий сифат ва даражани ифодалайди: [кўплаб], [сал], [қарич-қарич], [аранг], [хиёл], [яна] каби. Миқдор-даража равиши сонга яқинлашади. Бироқ сон билан «ноаниқ миқдор» белгиси остидаги нотўлиқ зиддиятда белгили аъзо сифатида юзага чиқади.

Мақсад равиши. Феълдан англашилган ҳаракатнинг мақсадини ифодалайди: [атай], [атайин], [атайлаб], [азза-базза], [жўрттага], [қасддан].

Сабаб равиши феълдан англашилган ҳаракатнинг сабабини ифодалайди: [ноилож], [ноиложликдан], [бекордан-бекорга], [чор-ночор].

Эслатма. Бошқа туркумда бўлгани каби равишнинг ҳам кўп маънолилиги уларни ЛМГга ажратишда қийинчилик туғдиради. Масалан, [нари-бери] равиши ўринни ҳам (*Столларни нари-бери сурдик*), ҳолатни ҳам (*У нари-бери нонушта қилди*) ифодалайди.

Равишда деривация. Тилшунослигимизда равиш ясалиши мунозарали. Чунки равишнинг асосий қисми – асли бошқа туркумга мансуб соддалашган, яхлитлашган лексема. Шу боисдан аксарият тилшунослар равиш ясалишини инкор этишиб, равишлашиш (бошқа туркум сўзининг равишга ўтиши) мавжудлигини тан олишади.

Юқорида санаб ўтилган равишлар таркибига диққат қилинса, уларда турли сўз яшаш қолипи мавжудлиги маълум бўлади: [арабча от+ан], [от+часига], [от+она], [от+ларча] [от+лаб] каби.

Кўшма равиш эса [олмош+от] (*ҳар гал, ҳар замон*), [равиш+от] (*ҳали замон, ҳали бери*), [сон+от] (*бир йўла, бир дам*) қолипи маҳсули.

Бошқа туркумдаги такрорий сўз равиш бўлиши мумкин: *юзма-юз, қуруқдан-қуруқ* каби.

Тилшунослар равиш туркумининг ясалиш системасига эга эмаслигини [-ан], [-она] кўшимчасининг арабча ва тожикча сўз таркибида учрашини, [-ларча], [-часига], [-лаб] кабининг грамматик маъно

ифодалаши билан ва [-ига/-сига], [-часига] каби сўзнинг санокли даражада эканлиги билан изоҳлайди.

Равиш гапда кўпинча феълга боғланиб ҳол, отга боғланиб сифатловчи вазифасида келади. Бу равиш – УГМсининг таркибий қисми.

Равишнинг тузилишига кўра турлари. Равиш тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* турга бўлинади.

Содда равиш бир ўзакли бўлади: [бугун], [индин], [эртага], [эрталаб].

Мураккаб равиш ўз ўрнида учга бўлинади: а) *жуфт равиш*; б) *такрорий равиш*; в) *қўшма равиш*.

Жуфт равиш икки сўзнинг жуфтлашишидан ташкил топади: [яна-тагин], [эсон-омон]; [очин-тўқин], [олдинма-кейин], [қишин-ёзин]; [узил-кесил], [ура-сура], [унда-бунда]; [ора-сира], [ора-чора], [рўй-рост], [сал-пал], [чала-чулла], [эмин-эркин], [оз-моз], [ҳуда-беҳуда]; [азза-базза], [апил-тапил], [эран-қаран], [ўлда-жўлда].

Такрорий равишда бир ўзак такрорланади: [галма-гал], [зинҳор-базинҳор], [тўғридан-тўғри], [эс-эс], [ўқтин-ўқтин], [аҳён-аҳёнда].

Қўшма равиш бирдан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: [бир йўла], [бир мунча], [бир талай]; [бажонудил], [баҳолиқудрат], [бақадриҳол]; [ҳар йили], [ҳар ёқ], [ҳар дам]; [шу заҳоти], [шу аснода].

Тақлид

Тақлид ва унинг УГМси. Тақлид ўзбек тилида бир гуруҳни ташкил этади ва мустақил сўз сирасидан ўрин олган. Бунинг бир нечта илмий асоси бор.

Биринчидан, туркий тилларда тақлид миқдоран кўп ва маъно жиҳатдан ранг-баранг.

Иккинчидан, улардаги товушлар тизмаси маълум объектив воқеликдан хабар бериб туради.

Учинчидан, тақлид гап таркибида маълум бир синтактик позиция эгаллайди.

Тақлид – ўзбек тилининг муҳим ифода воситаси. Уларнинг ифода томони мазмун томони билан табиий боғланишга эга. Бу қуйидаги сўз қаторини қиёслаш асосида ҳосил бўлади:

- 1) *тақ-тиқ/туқ-туқ/тўқ-тўқ/тақ-тақ;*
- 2) *лиқ-лиқ/луқ-луқ/лўқ-лўқ/лақ-лақ;*
- 3) *тирс-тирс/тарс-тарс/тарс-турс;*

Кўринадикки, фонетик қиёфаси тор унли ва қаттиқ ундошдан иборат бўлган тақлиддаги белги даражаси кенг унли ва қаттиқ ундошдан иборат тақлид ифодалаган белгидан паст. Бу тақлиддаги шакл ва мазмуннинг табиий боғланишини кўрсатади.

Тақлид жамиятнинг ҳар бир аъзоси тушунадиган турли маънога эга. Масалан, *тақ-тиқ/туқ-туқ/тўқ-тўқ/тақ-тақ* тақлиди орқасида нимадир ётгани ва маълум бир борлиқ ҳодисасини ифодалаётгани шу тил жамиятининг барча аъзолари учун тушунарли.

Тақлиддаги маъновий ғайриоддийлик уни бошқа мустақил сўз туркумидан ажратиб туради. Бироқ маъновий ғайриоддийлик фақат тақлидгагина хос эмас. Буни олмошда ҳам кузатиш мумкин. Чунки уларнинг маъноси фақат матн таркибидагина англашилиб, шу боисдан «ичи бўш» сўз сифатида баҳоланади. Аммо «маъновий бўшлик» олмошни мустақил сўз сифатида қарашга монелик қила олмаган. Демак, бу номустақил сўз сифатида қараб келинган тақлиднинг ҳам «мустақиллашуви»га тўсиқ бўла олмаслиги керак.

Тақлид морфологик жиҳатдан ўзгарувчан, бу билан тўла маънодаги мустақил сўз бўлган равишдан ҳам устун туради: *одамларнинг говур-гувори, эшикнинг тақир-туқуридан* каби.

Тақлид чекланмаган мучаланувчанликка эга:

1. Кесим: *Атроф гала-говур*.
2. Эга: *Тақир-туқур тинмади*.
3. Ҳол: *Шабада гир-гир эсади*.
4. Тўлдирувчи: *Одамларнинг вагир-вуғуридан қулоқлар битгудек*.
5. Аниқловчи: *Маҳаллада дув-дув гап*.

Демак, тақлид «борлиқ ҳодисаларига тақлиднинг лисоний ифодаси» УГМсига эга.

Кўринадики, ўзбек тилидаги тақлид семантик-морфологик-синтактик жиҳатдан мустақил сўз мақомига эга.

Тақлиднинг ЛМТлари. Тақлиднинг айрими товушга тақлидни ифодаласа, иккинчи бир хили кўриниш-ҳолатга тақлидни ифодалайди. Шу боисдан «товушга тақлид» ва «кўринишга тақлид» ЛМТлари фарқланади.

I. «Товушга тақлид» ЛМТ. Бу ЛМТ аъзолари киши, жонивор, нарса ва ҳодисалар пайдо қилган товушга тақлид қилиш натижасида пайдо бўлади. ЛМТ ўз ўрнида иккига бўлинади:

1. «Физиологик товушга тақлид» ЛМГ: [*қаҳ-қаҳ*], [*хур-хур*], [*хир-хир*], [*миёв-миёв*].
2. «Физик товушга тақлид» ЛМГ: [*тап-туп*], [*тақир-туқур*], [*типир-типир*].

II. «Кўринишга тақлид» ЛМТ. Товушга тақлид сўз эшитиш билан боғлиқ ҳодисани ифодаласа, кўринишга тақлид сўзи кўриниш билан боғлиқ ҳодисаларни акс эттиради. Бу ЛМТ ҳам ўз ўрнида:

1. «Ҳаракатни ифодаловчи тақлид» ЛМГ: [*дик-дик*], [*лик-лик*], [*лапанг-лапанг*], [*шип-шип*].
2. «Ташқи кўринишни ифодаловчи тақлид» ЛМГ: [*ҳил-ҳил*], [*жик-жик*], [*мўлт-мўлт*].

3. «Ёруғликни ифодаловчи тақлид» ЛМГ: [лип-лип], [жимир-жимир], [ялт-юлт], [йилт-йилт].

Тақлиднинг тузилишига кўра турлари. Ўзбек тилида тақлид жуфт ва такрорий кўринишда бўлади.

Жуфт тақлид: [гарч-гурч], [тақ-туқ], [вағир-вуғур], [гинг-пинг], [аланг-жаланг], [апир-шапир].

Такрорий тақлид: [гув-гув], [дув-дув], [шартта-шартта], [чўлп-чўлп], [шақа-шақ], [гуппа-гуппа].

Эслатма. Тақлид [этмоқ, [демоқ], [қилмоқ] феъли билан келганда кўшма феъл вужудга келади: [гув-гув этмоқ], [дув-дув қилмоқ], [чўлп-чўлп қилмоқ].

Олмош

Маълумки, сўзлар маъновий белгисига кўра уч типга бўлинади:

а) мустақил маъноли сўз (феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид);

б) бўш - ишора маъноли сўз (олмош);

в) ёрдамчи маъноли сўз (кўмакчи, боғловчи, юклама, кўмакчи феъллар).

“Ишоравийлик” рамзи билан аталувчи олмош бошқа лексемалардан ажралиб туради. Ўзбек тилшунослигида олмошнинг доираси ва вазифаси зўрма-зўракилик билан анча чегараланиб “от, сифат, сон ўрнида қўлланувчи сўз” сифатида ўта тор тушунилган. Ваҳоланки, бу билан олмошнинг нафақат от, сифат, сон, балки феъл, равиш, тақлид, ундов, гап ва, ҳатто, матнни алмаштира олиш, уларга ишора этиш хусусияти ҳисобга олинмаган. Олмош гуруҳига [мен], [сен], [у], [биз], [сиз], [улар] каби шахсга; [ким], [нима], [бу], [ана], [мана], [мана бу] каби предметга; [қандай], [бундай], [шундай] каби белгига; [бунча], [шунча], [қанча] каби миқдорга; [қачон] каби пайтга; [қаер] каби ўринга; [шундай бўлмоқ], [қандай қилмоқ] каби ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи лексема киради. Шунини айтиб ўтиш жоизки, олмош ҳамма вақт ҳам қандайдир бир сўзни “алмаштириб”, унинг ўрнида келавермайди. Мисоллар: 1. *Ким меҳнат қилса, у роҳат кўради.* 2. *Мен кеча келдим. Сен бунини биласан.* 3. *Нима қилсам ҳам мен ўзим биламан.* 4. *Ҳамма меҳмонлар бизникида.* 5. *Барча мушуқлотлар осон бўлди* каби гапларда кишилиқ, белгилаш, ўзлик олмоши ҳеч бир сўзни алмаштирмаган.

Араб тилшунослигида олмош алоҳида сўз туркуми сифатида берилмаган, балки ҳар бир сўз туркуми ичида “яширин маъноли сўз” (*замирлар*) сифатида алоҳида гуруҳларга ажратилган. Чунончи, [китоб], [дафтар], [Аббос] – аниқ маъноли от бўлса, [мен], [сен], [ким] – яширин маъноли от (замир отлар) дир. Ёхуд [оқ], [қизил], [чиройли] — маълум

маъноли сифат ҳисобланса, [бундай], [шундай] кабилар “замир сифат” дир.

Олмошлар шахс, предмет, белги ёки миқдорга хос бўлган умумий (мавҳум) маънони англатади. Олмош билдирувчи маъно нутқ жараёнида аниқ юзага чиқади. Улар ўзлари алмаштирувчи сўз каби морфологик жиҳатдан ўзгаради.

Олмош қайси сўз туркуми ўрнида қўлланса, шу туркумга хос синтактик вазифани бажаради: **Ўқитувчи дарсга кирди. У ўқувчилар билан саломлашди.** Олмош ўзидан олдин аниқловчи талаб қилмайди: **Ҳамма хурсанд ва шод. У китобни ўқиди.** Олмош ифода этадиган ишоравий маъносига кўра қуйидаги маъно гуруҳига бўлинади:

1. Кишилик олмоши.
2. Кўрсатиш олмоши.
3. Ўзлик олмоши.
4. Белгилаш олмоши.
5. Сўроқ олмоши.
6. Гумон олмоши.
7. Бўлишсизлик олмоши.

I. Кишилик олмоши шахс олмоши деб ҳам юритилади, чунки шахсга ишора қилади. Шахс олмошининг қўлланишида айрим ўзига хослик бор. Шахс ўз маъносидан ташқари кўчган ҳолда қўлланиши мумкин. Чунончи:

1. *Биз* олмоши II шахс кўпликдаги *сиз* олмоши ўрнида қўлланади: *Қани, энди биз ишга тушайлик.* Бунда ташвиқ маъноси англашилиб туради.

2. Кўпликни ифодаловчи олмош бирлик учун қўлланади: *Бу ишни биз уддаладик.* Ушбу гапда *мен* ўрнида ишлатилган *биз* мақтаниш, кибр маъносини ифода этмоқда.

3. *Мен* ўрнида *биз* олмоши ишлатилиб, камтарликни ифодалаши мумкин: ***Биз*** бу мақолада ечимини кутаётган муаммони олиб чиқдик.

4. *Сен* ўрнида *сиз*, *у* ўрнида *улар* олмоши ишлатилиб, ҳурмат маъносини ифодалайди: ***Сиз*** бугун дарсда фаол иштирок этдингиз. *Мен бувимни яхши кўраман. Улар* ҳам мени севади.

5. *Сиз* олмоши, кўпинча, бирлик сонда ҳурмат маъносида қўлланилганлиги сабабли иккинчи шахс кўплик сонда *сизлар* шакли ишлатилиши мумкин: ***Сизлар*** келажгимиз.

6. Кишилик олмошига [-лар] қўшимчаси қўшилганда турли маъно воқеланади:

- *Сенларга айтяпман* (камситиш маъноси).
- *Сизларда инсоф борми?* (кўплик маъноси).

7. Ўзбек тилида III шахс кўплик олмоши, аслида бирлик сондаги олмошнинг кўплик шаклидир: *у+лар*.

II. Кўрсатиш маъносини англатувчи олмош ([бу], [шу], [мана], [ана], [у], [ўша], [ҳов] ва бошқа) шахс, предмет, белгини алоҳида кўрсатиш, таъкид маъноси учун хизмат қилади. Улар ифодаловчи (ишоравий) ном ҳам турлича:

-шахс ёки предметга ишора қилади: - *Сиз ўшамми?* (А. Қод.)

-белгига ишора қилади: *Менда ҳам шунақа китоблар бор.*

-вақтга ишора қилади: *Шу-шу Фотима келмай қолди.*

-ўринга ишора қилади: *Сиз - унда, биз - бунда.*

III. Ўзлик олмоши. Бу олмош тури «таъкид», «тегишлилик» маъносини англатади: *Менинг ўзим биламан.* «Ўхшатиш» маъноси ҳам матндаги ўз сўзи орқали ифодаланади: *Онасининг ўзи.* «Умумийлик», «ноаниқлик» каби маъно - *Ўзим.* (*шунчаки*) турдаги гапда рўёбга чиқади.

IV. Сўроқ олмоши шахс, предмет, белги, ҳаракатни аниқлаш мақсадида ишлатилади. Улар қуйидагига бўлинади:

-шахсга нисбатан қўлланувчи олмош ([ким], [кимлар]);

-воқеа-ҳодиса, предметга нисбатан қўлланувчи олмош ([нима], [нималар]);

-белгини аниқлашга қаратилган олмош ([қандай], [қанақа]);

-сабаб ва мақсадни аниқлашга қаратилган олмош ([нега], [нима учун], [нечук]);

-миқдорга нисбатан ишлатилувчи олмош ([неча], [қанча]);

-ҳаракат-ҳолатга нисбатан қўлланувчи олмош ([нима қилди], [нима бўлди]);

-ўрин маъносини ифодаловчи сўроқ ([қани], [қаерда]);

-пайт маъносини ифодаловчи сўроқ ([қачон], [қачонга]).

Бундай олмош фақат сўраш маъносини юзага чиқармайди, маънони бўрттириш ([кимки], [нимаки]), риторик сўроқ (*Мен сизга нима дедим?!), таажжуб (Бунинг нимаси ёмон?!)* каби маънони ҳам ифода этади.

V. Белгилаш олмоши. [Ҳар] сўзи белгилаш олмоши бўлиб, кўпинча, сўроқ олмоши билан бирикиб келади ва кўшма белгилаш олмоши ясайди. Жамлик ифодаловчи олмош предмет, шахс, белгига нисбатан йиғиндини, тўдани ифодалайди: [ҳамма], [ялти], [ҳар ким], [барча], [бари], [бутун].

VI. Гумон олмоши муайян предмет, шахс, белги ёки ҳаракат хусусида ўта мавҳум тушунчани билдиради. Сўроқ олмоши билан қўшилиб келадиган [алла-] ва [-дир] бирлиги ушбу олмошга ноаниқлик маъносини киритади.

VII. Бўлишсизлик олмоши маъно жиҳатдан тасдиққа нисбатан зидликни билдиради ва [ҳеч] сўзи билан ҳосил бўлади. Бу олмош гапни (фикрни) инкорга айлантиради: [ҳеч нима], [ҳеч ким], [ҳеч қачон], [ҳеч маҳал].

Тил тарихида ҳам, ҳозир ҳам баъзан жуда кўтаринки, тантанавор нутқда камтаринлик учун, манманлик қилмаслик мақсадда [мен] кишилиқ олмоши ўрнида [камина], [фақир], [банда] сўзи қўлланилади. Булар тилшунослигимизда *от-олмош* номини олган.

Олмош – нутқни ўринсиз такрордан тозалашнинг, фикрни ихчам баён қилишнинг муҳим воситаси. У гапда турли синтактик вазифада кела олади: 1. *Менинг ўзим бу юкни кўтара олмас едим.* 2. *Вазифамиз — шу.* 3. *Қандай киши хор бўлур?* 4. *Баҳор келди сени сўроқлаб.*

Олмошнинг тузилишига кўра тури қуйидаги жадвалда берилган (24-жадвал):

24-жадвал

Олмош	Ш а к л л а р				
	Содда		Қўшма	Жуфт	Такрор ий
1. Кишилиқ	<i>мен, сен</i>	<i>Меники</i>	-	-	-
2. Кўрсатиш	<i>бу, шу</i>	<i>булар, шуниси</i>	<i>ана бу, мана у</i>	<i>у-бу</i>	<i>ўша-ўша, шу-шу</i>
3. Ўзлик	<i>Ўз</i>	<i>ўзим, ўзлари</i>	-	-	<i>ўз-ўзини</i>
4. Сўроқ	<i>ким, нима?</i>	<i>Кимга, нималар</i>	<i>нима учун, нима мақсадда</i>	-	<i>ким-ким, нима-нима?</i>
5. Белгилаш	<i>ҳамма, бари</i>	<i>Ҳаммамиз</i>	<i>ҳар ким, ҳар нима</i>	-	<i>барча-барча, бутун-бутун</i>
6. Бўлишсиз лик	<i>ҳеч</i>	-	<i>ҳеч ким, ҳеч нима</i>	-	-
7. Гумон	-	<i>биров, кимдир</i>	<i>аллаким, алланима</i>	-	-

Жадвалда олмошнинг “ясама” шаклини беришда тилшунос олим Ғ.Зикриллаев фикрига таяниб, луғавий шакл қўшимчаси инобатга олинди.

Олмошда шахс, ҳурмат, миқдор, муносабат маъносининг мужассамлиги ва уларнинг нутқда ранг-баранг усулда намоён бўлиши тилшунослигимизда аниқланган. Масалан, кишилиқ олмошидан [мен], [биз] сўзловчи, [сен], [сиз] тингловчи, [у], (улар) ўзга шахсни билдиради. Миқдор маъносининг ифодаланиши жиҳатидан [мен], [сен] бирликни;

[*биз*], (*сизлар*), (*сенлар*), (*бизлар*) кўпликни; [*сиз*], (*улар*) бирликка ҳам, кўпликка ҳам бетараф маънони англатади. Ҳурмат маъноси II, III шахс олмошига хос. Муносабат маъноси кишилиқ олмошининг келишиқ кўшимчасини олиб ўзгаришида юзага чиқади. Кишилиқ олмошига эгалиқ маъноси ҳам хос. Ушбу олмош қаратқич келишигида эгалиқ маъносини билдиради: *бизнинг университет*. Ўзбек тилида эгалиқ маъноси кишилиқ олмошига [-*ники*] кўшимчасини қўшиш билан ҳам ифодаланади: *меники, бизники, сеники* каби. Юқоридаги маъноларнинг ифодаланиш тарзини бошқа ЛМГда ҳам кузатиш мумкин.

Олмош деривацияси. Олмош ўзига хос сўз ясаиш тизимида эга. У – аффиксация ва композиция усули. Кўрсатиш, белгилаш-жамлаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари сирасида ясалмалари ҳам мавжуд. Шунингдек, ўзга туркум сўзларидан деривациянинг бошқа кўринишлари асосида ҳам олмош вужудга келган: [*биров*], [*бутун*], [*ялли*], [*жами*], [*фалончи*] каби.

Аффиксация усули. Аффиксация усули гумон олмошида учрайди. Бу усул билан асосан олмошдан олмош ясалади.

Ясаш асосига қўшилиб, олмош ҳосил қилувчи аффикснинг сўз ясаш даражаси ҳам турлича: [-*алла*], [-*дир*]. Бу аффикснинг ҳар бири турли деривацион қолип таркибида олмош ясайди: [-*алла+сўроқ олмоши/нарса = 1) асосдан англашиган нарса/предметнинг гумонлиги*] қолипи ҳосилалари қуйидагича: [*аллаким*], [*алланима*], [*алланарса*], [*аллаким*], [*аллақаер*] каби.

[*сўроқ олмоши+ - дир= 1) асосдан англашиган нарса/предметнинг гумонлиги*] қолипи қуйидаги олмошларни беради: [*кимдир*], [*нимадир*], [*қаердадир*], [*қачондир*], [*қайсидир*] каби.

Композиция усули. Бу усул воситасида қўшма (кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, бўлишсизлик), жуфт (кўрсатиш) ва такрорий (кўрсатиш, сўроқ, белгилаш) олмошлар ясалади (24а-жадвал):

24а- жадвал

Олмош	Қўшма	Жуфт	Такрорий
2. Кўрсатиш	<i>ана бу, мана у</i>	<i>у-бу</i>	<i>ўша-ўша, шу-шу</i>
4. Сўроқ	<i>нима учун, нима мақсадда</i>	-	<i>ким-ким, нима-нима?</i>
5. Белгилаш	<i>ҳар ким, ҳар нима</i>	-	<i>барча-барча, бутун-бутун</i>
6. Бўлишсизлик	<i>ҳеч ким, ҳеч нима</i>	-	-

Ўзбек тилида олмошнинг ясалиши масаласи мунозарали. Олмошнинг ясалиш хусусияти тадқиқи тилшунослигимиз олдида турган вазифалардан.

Ёрдамчи сўз

Лексемалар таснифидаги “маъновий номустақиллик” тушунчаси. Маълумки, лексик сатҳ бирликлари икки катта гуруҳга бўлинади: мустақил сўз ва ёрдамчи сўз. Улар орасидаги зидланишни «маъновий ва вазифавий номустақиллик» ташкил этади. Бу зиддият белгисига кўра ёрдамчи сўз белгили, мустақил сўз эса белгисиз аъзо мавқеини эгаллайди. Ёрдамчи сўз ҳеч қачон мустақил қўлланмайди, боғлиқ қуршовдагина кела олади. Мустақил сўз эса мустақил қўлланилиш ва маъно ифодалаш қобилиятига эга.

Лексемаларнинг маъновий таснифида илк босқич белгиси “маъновий мустақиллик” эмас, “маъновий номустақиллик” бўлишининг сабаби – мустақил лексеманинг бу белгига нисбатан бетарафлиги. Чунончи, катта гуруҳни ташкил этувчи атоқли от (*Темир, Анор, Гавҳар*) гуруҳида, мавҳум отда мустақил маънонинг мавжудлиги кишини шубҳага солади. Мустақил сўзда “маъновий мустақиллик” белгиси шартли. Ассимиляция тилшуносликда бошқача, биологияда эса тамоман ўзгача талқин этилади. [*Лой*] сўзи адабий тилда бошқа, отарчи нутқида эса бошқача моҳиятини намоён қилади. Шунга ўхшаш ҳодисани сифат, феъл, равишда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Буларнинг барчаси “маъновий мустақиллик” белгиси мустақил лексемада нисбий тушунча, нисбий белги эканлигини кўрсатади. Шунинг учун лексеманинг маъновий таснифида илк босқичнинг белгиси – “маъновий мустақиллик” эмас, балки “маъновий номустақиллик”. Ушбу белги асосидаги зиддиятда кўмакчи, боғловчи, юклама кучли (белгили) аъзони ташкил этади. Соф кўмакчи, соф боғловчи, соф юклама ҳеч қачон мустақил маъноли сўз хусусиятига эга бўла олмаганлиги туфайли унинг гуруҳига ўта олмайди.

Ёрдамчи сўзнинг “оралиқ учинчи” табиатига эгаллиги. Тилшуносликда ёрдамчи сўзнинг лексема ва қўшимча орасида “оралиқ учинчи” бўлиб, ҳам лексема, ҳам грамматик морфема хусусиятини ўзида мужассамлаштириши аниқланган. Улар шаклан лексема, мазмунан қўшимча (қиёс: *Китобни акамга/акам учун олдим.*) Шу туфайли бўлса керак, тил тизимида ёрдамчи сўзнинг ўрни турлича баҳоланади – айрим олимлар уларни қўшимчага, айрими нутқ бўлакчасига, баъзиси ёрдамчи сўзга нисбат беради. Ёрдамчи сўзнинг сўзми, қўшимчами ёки мустақил сўзнинг ёрдамчи сўз билан боғланиши сўз бирикмасими эканлиги ҳанузгача мунозара мавзуи бўлиб қолмоқда. Чунки ёрдамчи сўз гуруҳи ичида шундай бирликлар борки, улар ҳам “маъновий мустақиллик”, ҳам

“маъновий номустақиллик” хусусиятига эга (от-кўмакчилар, ёрдамчи ва кўмакчи феъл). Чунончи, [тортиб] мустақил сўз сифатида равишдош каби қўлланилади: *Балиқ қармоқни бир тортиб, қочиб кетди. Шу сўз Фарҳод тоғидан тортиб Ширин яйловига қадар Сирдарё бўйлаб тизилиб кетган етмиш минг халқ бу совуқларни писанд қилмайди* (Ойд.) гапида ёрдамчи сўз вазифасида келган. [Тортиб] мустақил ва ёрдамчи маънога эга бўлишига қарамай, мустақил лексема типига киради. [Учун], [сайин], [узра], [каби], [ва] га ўхшаган ёрдамчи сўз аниқ бир тушунчани ифодалай олмайди, аммо турли муносабатни юзага чиқариб, ёрдамчи сўз гуруҳидан жой олади. Юқоридагилардан англашиладики, “алоҳида қўлланила олиш ёрдамчи лексемани мустақил лексема билан яқинлаштиради, турли-туман муносабатни ифодалаш каби умумлашган маъно уни морфемага, кўшимчага яқинлаштиради, лексема ва морфема зиддиятида “оралиқ учинчи” вазифасида келади.

Ёрдамчи сўзни мустақил сўзга қуйидагилар яқинлаштиради:

- а) шаклан алоҳида ажралиб туриш;
- б) луғавий маънонинг мавжудлиги (от-кўмакчи, феъл-кўмакчида);
- в) кўпинча уларнинг мустақил сўзларга яқинлашиши, улардан келиб чиқиши.

Ёрдамчи сўзнинг грамматик морфемага ўхшаш томони уларнинг морфема каби мустақил номинатив функция бажармаслиги ([аммо], [ва], [сайин], [каби]), кўшимчасимон шаклда бўлиши ([-у], [-ю], [-да]; [-ки/-ким]; [-дек/-дай], [-ча]) ва бошқалар. Бироқ ёрдамчи сўзнинг грамматик морфемадан фарқли томони шундаки:

1) улар ажралган ҳолда гап бўлаги, сўз бирикмаси ва гапда синтактик характердаги вазифа бажаради. Бу хусусият, айниқса, кўмакчи учун хос. Чунончи, 1. *Яхши билан юрсанг етарсан муродга, Ёмон билан юрсанг қоларсан уятга* (Мақ.) 2. *Тўлқинларнинг кучли наъраси, Юлдузларга қадар етарди.* (Уйғ.)

2) гап бўлаги ёки гапни ўзаро боғлайди. Бундай функцияда, асосан, боғловчи ва юклама келади: 1. *Хонага баланд бўйли, бироқ ориққина йигит салом бериб кирди.* (С.Аҳм.) 2. *Саида бу гапни айтди-ю, чиқиб кетди.* (С.Аҳм.);

3) сўроқ, инкор каби гап маъносини ифодалашга хизмат қилади (юклама).

Ёрдамчи сўз мустақил сўз ва сўз-гап оралиғида «оралиқ учинчи» мақомини олади. Ўз навбатида, ёрдамчи сўз ҳам ўз ичида умумий белгисига кўра оралиқ учинчини ажратиб чиқаради. Яъни боғловчида боғлаш, юкламада гап мундарижасига таъсир қилиш моҳиятни белгилаш даражасида бўлса, кўмакчида саналган ҳар икки белги муштарак. Бу унинг «оралиқ учинчи»лик мавқеини кўрсатади.

Ёрдамчи сўзнинг шаклий хусусиятига кўра турлари. Ёрдамчи сўз шаклий хусусиятига кўра:

- а) кўшимчасимон;
- б) соф ёрдамчи сўз;
- в) нисбий ёрдамчи сўз кўринишига эга.

Кўшимчасимон ёрдамчи сўз ҳар учала ёрдамчи сўз таркибида учрайди. Кўмакчи орасида [-дек/-дай], [-ча], боғловчи орасида [-ки/-ким]; [-у], [-ю], [-да] аффикссимон юклама – боғловчи, юклама орасида [-ми], [-чи], [-а], [-я], [-ку], [-оқ/ёқ], [-да], [-гина] каби кўшимчага ўхшаш ёрдамчи сўзни учратиш мумкин. Кўшимчасимон ёрдамчи сўз шаклан кўшимчага ўхшайди, аммо ёрдамчи сўз вазифасини бажаради. Чунончи, 1. *Пулатдек* (каби) *дадил бир йигит бу ишдан ҳайиқса, уят бўлади.* (О.Мух.) 2. *Шу пайт ўгилчаси эшикдан югуриб келди-да* (ва), *дадасининг қучогига отилди.* (Ойб.) 3. *Базмга Гулнорагина (фақат) келмади.* (С.Аҳм)

Соф кўмакчи сирасига [учун], [билан], [сари], [қадар], [каби], [сингари], [сайин], [орқали] сўзлари; соф боғловчи сирасига [ва], [ҳамда], [аммо], [лекин], [бироқ], [балки], [ё], [ёхуд], [гўё], [агар], [башарти], соф юклама каторига [худди], [фақат], [ахир], [ҳатто], [нақ], [атиғи] сўзи киради.

Нисбий ёрдамчи сўз атамаси остида бошқа туркумга мансуб бўлган сўзнинг ёрдамчи вазифасида қўлланилиши ([олд], [орқа], [аввал], [бўйлаб], [бошлаб]) ёки табиатида “шаклдошлик” мавжуд бўлган бирлик тушунилади. Масалан, (ёлғиз) сифат туркумига оид сўз-юклама ўрнида (*Ёлғиз сенга суянаман*) ишлатилади. Ёки **Вақтида** *ёмғир ёғади, вақтида қор гапида (вақтида) сўзининг вазифаси боғловчига яқин.* Бунга ўхшаш мисол нутқимизда кўп. Ёрдамчи сўзнинг шаклий хусусиятига кўра турини қуйидаги жадвалда умумлаштириш мумкин (25-жадвал):

25-жадвал

Ёрдамчи сўз Тури	Соф ёрдамчи сўз	Кўшимчасимон ёрдамчи сўз	Ярим ёрдамчи сўз
Кўмакчи	<i>каби, сингари, сари, сайин, довур, учун, орқали</i>	<i>-дек, -дай, дайин, -ча</i>	<i>олд, олдин, орқа, қарши, аввал, бўйлаб, кўра, қараб, томон</i>
Боғловчи	<i>ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, чунки, шунинг учун, агар, гўё, токи, башарти, гарчи, хоҳ, дам, ёки, ёхуд, ё</i>	<i>-ки, (-ким), -у, -ю, -да</i>	<i>вақтида, бир, баъзан, гоҳида</i>
Юклама	<i>ахир, ҳатто,</i>	<i>-ми, -ку, -гина, -</i>	<i>ёлғиз, баъзан,</i>

	<i>фақат, ҳам, нақ, зўё, зўёки, атиги</i>	<i>у, -ю, -да, -а, -оқ, (-ёқ), -дир</i>	<i>бир</i>
--	---	---	------------

Жадвалдан кўриниб турганидек, ёрдамчи сўз мустақил сўз ҳисобидан ортиб боради. Ёрдамчи сўзнинг бойишида яна бир йўл – уларнинг ички томондан бир турдан иккинчи турга ўтиши, аниқроғи, “оралиқ ҳодиса” хусусиятига эга бўлган кўмакчи-боғловчи, боғловчи-юкламанинг мавжудлиги. Масалан, [билан], [деб], [дея] кабилар – кўмакчи-боғловчи. Ушбу кўмакчининг боғловчи вазифасида келиши анча кенг тарқалган ҳодиса. *Аммо лекин бу ишни пайсалга солиш ярамайди* гапида боғловчи-юклама кўлланилган, яъни [аммо] боғловчиси кучайтирув юкламаси вазифасида келган.

Бугунги кунда ёрдамчи сўзни ҳар томонлама ўрганиш, уни лисоний таҳлил қилиш ишлари тилшунослигимизда давом этмоқда.

Кўмакчи

Кўмакчи ёрдамчи сўзнинг бир кўриниши сифатида. Туркий тилларда (жумладан, ўзбек тилида ҳам) кўмакчи кўпдан буён тилшуносларнинг текшириш манбаи бўлиб келмоқда. Ўзбек тилидаги кўмакчига биринчи бўлиб мукамал таърифни А.Н.Кононов берган: “Кўмакчилар шундай бир группа сўзларки, улар от билан ёки объект билан предикат орасидаги қурол-восита, мақсад, сабаб, пайт, масофа, йўналиш, ўхшатиш каби муносабатнинг яратилишида хизмат қилади”. Ш.Шоабдурахмонов ҳам ўзининг “Ёрдамчи сўзлар” асарида кўмакчига шундай таъриф берган: “Кўмакчи объектнинг объектга ёки объектнинг предикатга бўлган турли грамматик муносабатини кўрсатувчи ёрдамчи сўздир”. Дарҳақиқат, кўмакчи мустақил сўз орасидаги тобе муносабатни ифодалаш ва келишик маъносини аниқлаштириш, тўлдириш учун хизмат қилади. Шу хусусияти билан кўмакчи боғловчи ва юкламадан фарқ қилади. Кўмакчи маъно ва вазифа жиҳатидан келишик кўшимчасига яқин туради. Шунинг учун баъзан келишик шаклидан англашилган маъно кўмакчи билан ҳам ифодаланади (*Машинада келдим – машина билан келдим. Укамга олдим – укам учун олдим* каби). Лекин улар келишик аффиксига қараганда маънони аниқ, конкрет ифодалайди.

Кўмакчининг шаклий хусусиятига кўра турлари. Кўмакчи шакли ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

- а) соф кўмакчи;
- б) ярим кўмакчи;
- д) кўшимчасимон кўмакчи.

Нуткимизда тез-тез ишлатиладиган [учун], [билан], [сари], [қадар], [каби], [сингари], [сайин], [орқали] сўзи **соф кўмакчи**, улар тобе сўзни

ҳоқим сўзга боғлашга хизмат қилади. Соф кўмакчи бошқа сўзга бириккан ҳолда турли муносабатни англатади. Жумладан, [билан] кўмакчиси ўзбек тилида асосан кўмакчи, баъзан боғловчи вазифасида ишлатилади. Шунинг учун бу кўмакчи тури ёрдамчи сўздан бирининг ўрнида иккинчиси қўлланилиши нуқтаи назаридан *кўмакчи-боғловчи* атамаси остида ҳам ўрганилмоқда. [Билан] ёрдамчисининг этимологияси ҳақида проф. А.Н. Кононов В.В. Радлов, Ж. Дени каби қатор туркийшуносларнинг фикрини эътиборга олиб, унинг [бирлан] сўзидан келиб чиққанини айтган. [Билан] ёрдамчисининг [бирла], [бирлан], [била], [ила], [-ла] шакллари вазн, қофия ва услуб талабига кўра кўпроқ поэзияда учрайди. Чунончи, *Бахт ила тўлиб-тошган гўзал ой дераза тагида ўсган дарахт баргларида мудраб ётади.* (Р. Таг.) Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни билдиради:

1) бирор ҳаракатнинг бажарилишида шахс ёки предметларнинг биргалигини: *Кўпчилик билан одам ўзини кучли сезади;*

2) ҳаракатни бажаришда восита маъносини: *Шу гапнинг устига Исмат бобо ҳассаси билан эшикни очиб кириб келди* (П. Қод.);

3) пайт маъносини: *Кўнғироқ чалиниши билан ўқитувчи синфга кирди;*

4) сабаб маъносини: *Улар: "Гулнор ўз ажали билан ўлди..."*, - дейишди. (Ойб.);

5) ҳаракатнинг бажарилишидаги ҳолатни: *Онамнинг меҳр билан боқиб турган кўзларини бир умр унута олмасам керак.* (Ойб.)

[Билан] кўмакчиси – кенг тарқалган ёрдамчи сўз. Унинг боғловчилик, кўмакчилик табиати олимларимиз орасида тортишув бўлишига сабаб бўлган. Шу боисдан "... ва, билан, ҳамда, шунингдек сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида тенг боғловчининг бириктирув боғловчи турига киради" деган фикр ҳам илгари сурилган. Аммо бу ўринда шуни қайд этиш керакки, боғловчи вазифасидаги [билан] нинг [ва], [ҳам] бириктирув боғловчисидан фарқланадиган ўзига хос хусусияти бор:

- «биргалик» маъноси [билан] ёрдамчиси учун хос: *Чодир саҳнасидан бир қиз билан йигит чиқиб ўйин қилди* (М. Исм.). Ушбу мисолдаги [билан] ўрнида [ва] ни қўлласак, юқоридаги маъно келиб чиқмайди, балки қиз билан йигитнинг алоҳида–алоҳида ўйнагани маъноси ифодаланади.

- [ва], [ҳам] боғловчилари уюшиб келган феъл кесимни боғлайди, аммо [билан] да бу имконият чегараланган. Қиёсланг: *Лола ишлайди ва ўқийди. Лола ишлайди ҳам ўқийди.* Аммо *Лола ишлайди билан ўқийди* тарзидаги гап нутқда ишлатилмайди. [Билан] нинг грамматик вазифаси – боғловчи ва кўмакчи вазифасида кела олиши; шунга кўра, [билан] бошқа кўмакчидан фарқланади. Шунинг учун [билан] кўмакчисини *кўмакчи–боғловчи* термини билан атаганимизда, унинг барча хусусияти қамраб олинади. Бу кўмакчи тури гапда восита маъносини билдирганда

тўлдирувчи, сабаб, пайт, ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдирганда ҳол вазифасида келади.

[Учун] кўмакчиси «аталганлик» (*Йўлчи учун келтирган тугунчак ёдига тушди* (Ойб.)), «мақсад» (*Ҳамма халқ очдан ўлмаслик учун бир амал–тақал қилиб турибди* (Ойб.)), «сабаб» (*Кампирнинг аҳмоқлиги ё душманнингизнинг извоси учун шундоқ дейишга қандоқ тилинғиз борди?* (А.Қах.)) «эваз» (*Эътиборинғиз учун раҳмат*) каби маънода қўлланиб, тўлдирувчи, мақсад, сабаб ҳоли вазифасида келади.

[Каби], [сингари], [янглиғ] кўмакчиси бир нарсани бошқа нарсага ўхшатиш, чоғиштириш маъносини англатади. Масалан, *Укам мен каби бечора... зам чекиб ётгандир* (Ойб.). [Каби], [сингари] кўмакчиси билан [-дек], [-дай] кўшимчаларининг маънодошлик хусусияти тилшуносларимиз томонидан қайд этилган. Формал тилшуносликда бу аффикслар равиш ясовчи кўшимча сифатида берилган. [-дек], [-дай] аффикслари орқали ясалган равишлар ҳаракат ва ҳолатнинг яшаш асосида ифодаланган нарса ёки белги-хусусият билан ўхшашлигини, қиёслашни билдиради: *тоғ-дек, от-дек, лочин-дай, қадимги-дай, илгариги-дек, аввалги-дек, бурунги-дай, гул-дай* каби: *Қаландаров эртасига кундагидай саҳарда идорага чиқди* (А.Қах.). *У гўё тугилиб ўсган қишлоғини кўрмоқчидай бошини кўтариб ҳаяжон ва соғинч билан узоқларга тикилди* (Ойб.) Бу ўринда ҳам тил ҳодисаларини изоҳлашда зўрма-зўракилик юзага келган. Натижада нутқимизда тез-тез ишлатиладиган ушбу кўшимчалар бошқача талқин этилган. Буни қуйидаги оддий қиёсда кўриш мумкин (26-жадвал):

26-жадвал

[-дек], [-дай] (кўшимчасимон кўмакчи)	[каби], [сингари], [янглиғ] (соф кўмакчи)
1. <i>Ойдек</i> гўзал қиз.	<i>Ой каби</i> гўзал қиз.
2. <i>Тоғдек</i> юксак.	<i>Тоғ каби</i> юксак.
3. <i>Лочиндай</i> дадил.	<i>Лочин сингари</i> дадил.
4. <i>Илгаригидек</i> қадрдон бўлиб кетишган.	<i>Илгариги каби</i> қадрдон бўлиб кетишган.
5. <i>Гулдай</i> очилиб менга бир бор қарамайсиз.	<i>Гул янглиғ</i> очилиб бизга бир бор қарамайсиз.

Оддий мантиқ [-дек], [-дай] кўшимчаси [каби] ([сингари], [янглиғ], [мисол], [мисоли]) соф кўмакчисига синоним эканлигини, [-дек], [-дай] кўшимчасида сўз яшаш хусусияти йўқлигини кўрсатиб турибди.

[-дек], [-дай] кўшимча шаклидаги кўмакчи ҳамиша ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади ва урғули бўлади, кўпинча бир-бирини алмаштира олади. Улар битта кўмакчининг икки кўриниши.

[-дек], [-дай] кўмакчи-кўшимчаси ўзининг эски адабий ўзбек тилида кенг қўлланган [-дайин] кўринишига ҳам эга. Бу кўриниш ҳозир, асосан,

кўтаринки услубда, шеърятда қўлланилади: 1. *Ойдайн рухсорингга зору интизорман ўзим.* 2. *Зиҳи сарв устида юзунг қамардайн, Қани бир шохи гул сен сиймбардайн.* («Муҳаббатнома»)

[-дай] кўмакчиси [шундай], [бундай], [қандай], [ундай], [аллақандай] каби олмош; [жиндай], [қиттай], [арзигудай], [айтгандай], [жўжабирдай], [ўлгудай], [давангирдай] каби равиш таркибида яхлитланиб, қотиб, ўзакдан ажралмайдиган бўлиб қолган.

[Қадар], [довур] кўмакчиси ҳоким бўлакка тобеланиш муносабатини юзага чиқарар экан, бунда ўрин, пайт маъносини ифодалайди. [Қадар] кўмакчиси [-га] қўшимчали от ва олмош билан қўлланиб, «чегара», «нихоя» маъносини билдиради: *Тантанали йигилиш бошлангунга қадар аския, ўйин-кулги давом этди.* (Ойб.) [Қадар] га маънодош қўшимчасимон кўмакчи сифатида [-ча] қўшимчасининг тўғри келиши илмий адабиётларда қайд этилган: *Меҳмонлар кечга қадар ўтиришди – Меҳмонлар кечгача ўтиришди.*

[Орқали] кўмакчиси ҳаракатнинг бирор восита билан бажарилишини билдиради: *Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат орқали кўрар эди.* (А.Қод.) [Билан] ва [орқали] кўмакчилари восита маъносини англантишга кўра маънодошлик ҳосил қилади. Аммо бу маънодошлик маълум контекстдагина воқеланади. Ўрин маъносини ифодалаган отлар билан бирикканда [билан] ва [орқали] кўмакчилари синоним бўлади: *Катта йўл орқали юриб бориб чапга бурилдик – Катта йўл билан юриб бориб чапга бурилдик.* Агар кўмакчи бошқараётган от ўрин маъносини ифодаламаса, бу кўмакчилар маънодошлик касб этмайди. Чунончи, *Йигитга дераза орқали тўйиб-тўйиб қарашга зор бўлса-да, ...* (Ойб.)

[Сари] кўмакчиси ҳаракатнинг йўналтирилган ўрни, пайти маъносини англатади: *Хирот сари юрдик.* (Ойб.) *Кўкрак озригим борган сари баттар бўляпти.* (Ойб.) [Сари] кўмакчиси ўрин, томон, пайт маъносини билдирганда [сайин] кўмакчиси билан маънодош бўлади. Гапда пайт, ўрин холи, тўлдирувчи вазифасида келади.

Маълумки, систем таҳлил жараёнида ҳар бир нарсанинг моҳияти шу нарсанинг ўзига ўхшаш, айти вақтда ундан фарқли ва унга зид бошқа нарсалар билан бўлган муносабати орқали очилади. Жумладан, ўзбек тилининг луғавий тизими мустақил ва ёрдамчи лексемага бўлинади. Ўз навбатида, мустақил лексема аташ/номлаш вазифасини бажарувчи атовчи лексема ва ишора маъноли лексема (олмош) га, ёрдамчи эса кўмакчи, боғловчи, юкламага, буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бошқа гуруҳга поғонали равишда бўлиниб кетаверади. Тилимизнинг ёрдамчи сўз, мустақил сўз ва морфема тизими изчил поғонавий (иерархик) тузилишга эга бўлиб, нисбий ва қуйи поғоналар ўзаро гипо-гиперонимик (тур-жинс) муносабати билан боғланади – ҳар бир юқори босқич қуйи поғона учун гипероним мавқеида, қуйи босқич юқори босқичга нисбатан гипоним

мавқеида бўлади. Демак, сўз ёки морфема маълум бир поғонадан ўтиб, лисоний бирлик даражасига етади. Қуйида айрим ёрдамчи сўз (кўмакчи) нинг умумлисоний маъносини беришга ҳаракат қиламиз:

[*Билан*] – лексик сатҳ бирлиги–маъновий номуствақил – умумлашган грамматик маъноли – шаклан морфологик ўзгармас – лексоид ва аффиксоид кўринишли – якка қўлланишли – синтактик боғлаш вазифасида кела оладиган лисоний бирлик.

[*Каби*] - лексик сатҳ бирлиги – маъновий номуствақил – умумлашган грамматик маъноли – шаклан морфологик ўзгармас – лексоид кўринишли – якка қўлланишли – синтактик боғлаш вазифасида кела оладиган лисоний бирлик.

Бошқа кўмакчига ҳам шунга ўхшаш таъриф бериш мумкин.

Нисбий кўмакчи ҳақида. Муствақил сўзнинг “номуствақиллик” белгисига нисбатан мўътадиллиги сабабли муствақил сўз ичидан нисбий ёрдамчи ажралиб чиқади. Нисбий кўмакчи бир хусусияти билан маъновий муствақил, иккинчи хусусияти билан маъновий номуствақил лексемага ўхшаб кетади ва оралик учинчи гуруҳини ҳосил қилади. Лексема номуствақил лексема сифатида воқеланганда, лексема семемаси ўз муайянлигини кучсизлантиради ва семема грамматик маъно сифатида воқеланади. Чунончи, қуйидаги гапларда берилган [*кўра*] лексемасининг маъноларини қиёслашга ҳаракат қиламиз: 1. *Яхши-ёмонни кўра-кўра одамнинг яхшими, ёмон эканини тез ажратиб оладиган бўлиб қолган.* (А.Қаҳ.) 2. *Қаландаровдан шикоят бошлашдан кўра кўпроқ бу ноқулай аҳволдан чиқиш учун ...* (А.Қаҳ.) 1-гапта қўлланилган [*кўра*] «кўз билан кўрмоқ, кузатмоқ» семасига эга бўлса, 2-гапта «кўриш» семаси кучсизланган ва «чоғиштириш, қиёслаш» грамматик маъносини воқелантирган. 1-гапта қўлланилган [*кўра*] [*кўрмоқ*] феълининг равишдош шакли бўлса, 2–гапта феъл кўмакчи сифатида тобеланиш муносабатини ҳосил қилган. Қолган нисбий кўмакчилар ҳам худди шундай хусусиятларга эга. [*Олд*], [*олдин*], [*орқа*], [*рўпара*], [*қарши*], [*аввал*], [*кейин*], [*сўнг*], [*охир*], [*томон*], [*ост*], [*уст*], [*таг*], [*тепа*], [*ён*], [*уч*], [*ич*], [*ўрта*], [*ора*] каби ўрин ва пайт маъноли от, [*бош*], [*қош*], [*лаб*], [*огиз*], [*оёқ*], [*қорин*] каби тана аъзолари номи, [*қарийб*], [*бўйлаб*], [*бошлаб*], [*кўра*], [*дея*], [*деб*], [*атаб*], [*ўхшаб*] каби равишдош кўп ҳолда кўмакчи вазифасида келади ва кўмакчи сирасининг бойишига сабаб бўлади. Бундай ҳолда бу сўзлар нисбий ёки ярим кўмакчи саналиб, ўзи бирикиб келган сўз билан биргалиқда бир гап бўлаги, кўпинча, ҳол бўлиб келади. Кўмакчидан [*билан*], [*учун*], [*каби*], [*сингари*], [*янглиз*], [*сайин*], [*сар*], [*сабабли*], [*орқали*], [*туфайли*], [*чоғли*], [*бўйлаб*], [*ҳақида*], [*тўғрисида*] кабилар ўзи бирикиб келган сўзга ҳеч қандай қўшимчасиз боғланади; [*томон*], [*қадар*], [*қарши*], [*қараганда*], [*доир*]; [*биноан*], [*қарамай*] каби кўмакчи ўзи бирикиб келган сўздан [-*га*] қўшимчасини

қабул қилишни талаб қилади: *қонунга биноан, укасига қараганда, бахтга қариши; сўнг, кейин, бошқа, ташқари, буён, аввал, илгари, бошлаб кўмакчиси [-дан]* кўшимчали сўз билан бирикади: *бундан аввал, ўқишдан кейин, танаффусдан сўнг* каби. Кўмакчининг грамматик муносабатни яратиб, келишик кўшимчасига ўхшаш вазифани бажариши ҳақида юқорида қисман айтиб ўтилган эди. Дарҳақиқат, кўмакчи шу хусусияти билан ҳам бошқа ёрдамчи сўздан фарқ қилади. А.Н.Кононов таъбири билан айтганда, кўмакчи кўп ҳолда келишикнинг дублети саналади. Масалан: *Укамга олдим – Укам учун олдим. Сиёҳда ёзди – Сиёҳ билан ёзди. Телефонда гаплашди – Телефон орқали гаплашди. Акамни гапирди – Акам ҳақида гапирди.*

Боғловчи

Боғловчи ва унинг шаклий кўринишлари. Боғловчи ҳам кўмакчи каби синтактик алоқа воситаси саналиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари, тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Боғловчи гап бўлаклари, кўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқани, грамматик муносабатни кўрсатади. Боғловчининг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчининг тури, бу турга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган. Мавжуд адабиётларда боғловчининг тури ва бу турга қайси сўз мансублиги масаласида турлича нуқтаи назар бор, яъни бир тадқиқотда боғловчи деб берилган бирлик бошқасида юклама қаторига киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади. Боғловчига оид сўзнинг аниқ белгиланмаслиги сабаби улар лисон-нутқ жихатидан ўрганилмаганлигида бўлса керак.

Боғловчини ҳам кўмакчи сингари шаклий жихатдан уч гуруҳ (соф боғловчи, нисбий боғловчи, кўшимчасимон боғловчи) га ажратиб ўрганиш лозим. Соф боғловчи гуруҳига фақат боғловчи вазифасида қўлланиладиган [ва], [ҳамда], [ё], [ёхуд], [ёки], [аммо], [лекин], [бироқ], [чунки], [шунинг учун], [агар], [яъни] каби ёрдамчи сўз хос. Кўшимчасимон боғловчи гуруҳига [-ки (-ким)], боғловчи ва юклама вазифасида кела оладиган [-у/-ю], [-да], [-ми] кўшимчаси мансуб. [-у/-ю], [-да] кўшимчасининг боғловчи вазифасини тўла-тўқис бажариши қатор манбада қайд этилган, [-ми] кўшимчасида ҳам боғловчилик хусусияти борлигини 1.*Ёмғир ёғдимми*, *ҳамма жой нам бўлади*, 2.*Карим келдимми*, *тўполон бошланади* типидagi гаплар тасдиқлайди. Ушбу гапларда қўлланган [-ми] кўшимчаси таъкид маъносини воқелантирган ҳолда содда гапларни бир-бирига боғлаш вазифасини бажармоқда. Нисбий боғловчига мустақил сўз туркумидан ўсиб чиққан, “оралиқ учинчи” табиатига (ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи) эга бўлган [баъзан],

[бир], [вақтида], [ҳали], [гоҳ] ([гоҳо]) каби сўзларнинг такрорий шакли мисол бўлади. Чунончи, 1. **Баъзан** Қоратойнинг ишхонасида, **баъзан** чойхонада тунаб юрди. (Ойб.) 2. *Икки кундан бери гоҳ савалаб, гоҳ шиддат билан ёгаётган ёмғир ҳаммаёқни ивитиб юборди.* (А.Қаҳ.) 3. **Вақтида** қор ёгади, **вақтида** ёмғир. Бу гапларда қўлланилган [баъзан], [гоҳ] ([гоҳо]), [вақтида] сўзларининг вазифаси боғловчига жуда яқин.

1. *Салима тез қайтди. У янги хабар олиб келди.* 2. *Бригадада меҳнат яхши уюштирилмади.* **Натижада** ҳосил кам бўлди. 3. *Азимбой кўп зулм ўтказди.* **Оқибатда** халқнинг сабр косаси тўлди гапларидаги [у], [натижада], [оқибатда] сўзлари биринчи гапни иккинчи гап билан боғлаб келмоқда. Демак, [у], [натижада], [оқибатда] сўзи ҳам нисбий боғловчи сирасига киритилса тўғри бўлади. Иккинчи гапнинг мазмуни биринчи гапсиз аниқ эмас. Ёрдамчи сўз нафақат сўз, ҳатто гап ва матн қисмларини ҳам боғлашга хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидан дарслик ва қўлланмаларда боғловчиларнинг вазифа жиҳатидан турлари қуйидагича белгиланган:

I. **Тенг боғловчи.** 1. Бириктирув боғловчиси: [ва], [-у/-ю], [ҳамда]. 2. Айирув боғловчилари: [ё], [ёки], [ёхуд], [гоҳо], [дам]... дам, [бир... бир], [баъзан... баъзан]. 3. Зидлов боғловчиси: [аммо], [лекин], [бироқ].

II. **Эргаштирувчи боғловчи.** 1. Аниқлов боғловчиси: [яъни], [-ки/-ким]. 2. Сабаб боғловчиси: [чунки], [шунинг учун], [зероки]. 3. Шарт боғловчилари: [агар], [агарда], [агарчи]. 4. Чоғиштирув боғловчиси: [гўё], [гўёки]. Тенг боғловчи, эргаштирувчи боғловчининг маъно ва вазифа томони, имло хусусияти формал тилшунослик бўйича дарслик ва қўлланмада атрофлича баён этилган.

Боғловчи-юкламанинг моҳияти. Айрим сўзнинг боғловчилик табиатидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, боғловчининг микдори, уларнинг моҳияти, тури ҳанузгача аниқ белгиланганича йўқ. Масалан, чоғиштириш боғловчисига [гўё], [гўёки] сўзи киритилади. Аммо бу сўз гап бўлаклари ёки гапларни боғлаш учун эмас, балки ўхшатиш, қиёслаш маъноли қурилмаларда шу маънони таъкидлаш учун хизмат қилади, ўхшатиш, қиёслаш маъноси эса бошқа восита билан ифодаланади: *Беда ораси жуда иссиқ, гўё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай.* (Ойб.) *Най садосининг майин тўлқинлари тин-тиник ҳавода ёйиларкан, гўё ҳаммаёқ жонланган каби туюлди.* (Ойб.) Ушбу мисолларда ўхшатиш, қиёслаш [-дек] қўшимчаси ва [каби] сўзи билан ифодаланяпти, [гўё] эса шу маънони таъкидламоқда. Демак, [гўё] таъкид юкламаси ҳисобланади. [Балки] ёрдамчиси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. [Балки] қўлланишидаги баъзи хусусиятига кўра, зидлов боғловчисидан фарқ қилади. Зидлов боғловчиси кўпинча кўшма гап қисмларини боғлайди, [балки] ёрдамчиси бундай вазифани бажармайди:

Ҳаво булут бўлди, **лекин** (аммо, бироқ) ёмғир ёзмади. Бу мисолда зидлов боғловчиси ўрнида *балки* сўзини қўллаб бўлмайди. [*Балки*] сўзи гумон мазмунли гапларда, зид мазмунли қисмларга эга гапда гумон, қарама-қаршилик маъносини таъкидлаш учун қўлланади: *...топинг, балки танишларингиз бордир.* (Ойб.) *Чунки биз Азизбек кабилардан халқнигина эмас, балки ўзимизни ҳам қийнатдирмоғдамиз.* (А.Қод.) *Бу гап менга ёқмас, балки баттар жаҳлимни чиқарарди.* Ўз-ўзидан англашиладики, *балки* соф боғловчи бўлолмайди, боғловчи функциясини бажараётган юклама сирасидан жой олади. Қисқаси, бир турдан иккинчи турга ўтиш ва боғловчи-юклама, кўмакчи-боғловчи каби оралиқ ҳодиса ҳосил қилиш – ёрдамчи сўз табиатига хос хусусият, уларнинг ички манба асосида бойишининг бир йўли. [*Ҳам... ҳам*] бириктирув боғловчиси таъкид кўшимча маъно бўёғига эга, [*на...на*] эса инкор маъносини ифодалайди, [*-ми*] сўроқ-таажжуб юкламаси эса гап таркибида боғлаш функциясини бажаради. Шунинг учун булар боғловчи-юклама ҳисобланади. Мисоллар: 1. *На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё.* (О.) 2. *Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак.* (Мақ.) 3. *У бир гапни айтдимми, албатта, қилади.*

Юқорида айтилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тили боғловчисининг маъно ва хусусияти тамомила бошқача, уларни туркона таҳлил қилиш, боғловчи билан боғлиқ масалалар илмий ҳал этиш бугунги кунда тилшунослигимиз олдида турган бош масаладан бири саналади.

Юклама

Юкломанинг маъно ва вазифаси. Ёрдамчи сўзнинг функционал белгиси - “боғлаш”. Шу белги асосида кўмакчи, боғловчи, юклама сўз ва гапни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Аммо бу вазифа боғловчи ва кўмакчи учун ўзгармас, барқарор. Юкломанинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўз ёки гапга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айириш-чегаралаш, ўхшатиш каби кўшимча маъно беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси унда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунончи, [*на-на*] ёрдамчиси тенг боғловчининг бир тури сифатида инкор боғловчиси саналиб келган. Тилшунос Ғ.Абдурахмонов эса уни инкор боғловчи деб аташ билан бирга, юкломалик хусусиятига ҳам эгалигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, бу ёрдамчи ҳам боғловчилик, ҳам юкломалик вазифасини бажаради. Боғловчи вазифасида келганда айрим тенг ҳуқуқли бўлак (компонент)ларга инкор маъносини бериб, уларни боғлайди: *На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё.* (Ойб.) Бу ёрдамчи сўз юклама вазифасини бажариб, мазмунидан инкор англашилган гаплар таркибида

келади ва инкор маъносини кўрсатади: *Раиснинг эркатой ўгли на ўқийди, на бирор жойда ишлайди.*

[Гўё] ёрдамчиси мазмунидан ўхшатиш ёки чоғиштириш маъноси англашилган содда ва қўшма гап таркибида иштирок этади. Содда гапда кўпроқ юкламага яқин туради: *Турсуной гўё қалби билан ашулага жўр бўлар эди.* (А.Мух.) *Кампирнинг юзида гўё кулгига ўхшаган бир нарса акс этди.* (А.Қах.) [Гўё] ёрдамчиси қўшма гапда содда гап қисмларини бириктирувчи грамматик воситанинг бири сифатида хизмат қилади, яъни қўшма гапда содда гапдаги вазифасидан фаркли ўлароқ, фақат юкламагина эмас, балки боғловчи-юклама саналади: *Эртага никоҳ бўлади, гўё мен унинг хотини.* (Ойб.) *Шундай бақирдики, гўё бутун хона ларзага келгандек бўлди.* (А.Қах.) *Айтдим, қилади. Қўйди-да, чиқди* гапларида ҳам [-ми], [-да] қўшимча юкламаларнинг боғловчилик хусусиятини кузатиш мумкин. Демак, юкламанинг қўшма гап таркибий қисмини ўзаро боғлаш вазифаси кенг учрайдиган ҳодиса ва бу тилшунослигимизда маълум даражада ўрганилган.

Юкламанинг тузилиш турлари. Кўпгина лексоид ёрдамчи сўзнинг аффиксоид кўриниши мавжуд, бу юкламага ҳам тегишли: [ҳам], [-ам/-ям]; [учун], [-чун]; [-у], [-ю]; [билан], [-ила], [-ла] шулар жумласидан. Юклама шаклий жиҳатдан уч хил кўринишга эга:

1. Қўшимчасимон юклама ([-ми], [-чи], [-а], [-я]).
2. Соф юклама ([худди], [фақат], [ахир]...).
3. Нисбий юклама ([ёлгиз], [баъзан], [танҳо], [бир]...).

Юкламанинг шаклий ва вазифавий турлари. Юклама вазифавий жиҳатдан қуйидаги маъно турига бўлинади:

1. **Сўроқ юкламаси:** [-ми], [-чи], [-а], [-я], [наҳотки]. Бу юклама турли сўз туркумига қўшилиб, сўроқ маъносини билдиради. Баъзан, сўроқ маъносидан ташқари, таажжуб, ҳайрат маъносини ҳам ифодалайди.

[-ми] юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади, [-чи], [-а], [-я] юкламаси эса ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратиб ёзилади: 1. *Кийганингиз ипакмиди, кимхобмиди, Севганингиз бизлардан ҳам ортиқмиди?* 2. *Опанг-чи? Сен-чи? Мен-а? Мени-я?* 3. *Наҳотки шу гапларга ишонган бўлсангиз.*

2. **Айириш-чегаралаш юкламаси:** [фақат/фақатгина], [-гина/-кина/-қина].

Бу юклама айрим нарса ва ҳодисани бошқасидан ажратиш, ҳаракатни чегаралаш учун қўлланади. [-гина] аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: 1. *Тўйга Шералигина келмади, холос.* 2. *Ўктам индамади, фақат юрагида тўлқинланган меҳр билан онасига тикилди.* [Фақат] юкламасининг ўрнида [ёлгиз] сўзини ҳам қўллаш мумкин. Сифат сўз туркумига оид бу сўз нисбий юклама ҳисобланади: *Собир, ёлгиз сенга суяндим (Собир, фақат сенга суяндим).*

3. **Таъкид юкламаси** ([-ку], [-да], [-у], [-ю]) гапда ифодаланган бирор воқеани таъкидлаш учун қўлланилади: *Собир-ку келди, Маҳмуд келмади-да!*

4. **Кучайтирув юкламаси:** [ахир], [ҳатто], [ҳаттоки], [-оқ/-ёқ].

[-оқ/-ёқ] аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади. Ҳаракатнинг бирин-кетин тезлик билан давом этишини, бошланиш пайтини, таъкидлашни кўрсатади: *Гулларни кўрибоқ кўнгли ёришиди.* [Ахир], [ҳатто], [ҳаттоки] юкламаси ҳам фикрни кучли таъкидлаш, аввалги воқеани эслатишни ифодалайди: *Ахир дўстимсан-ку!*

5. **Ўхшатиш-қиёслаш юкламаси:** [худди], [нақ], [гўё], [гўёки].
1. *Баҳорда бу боғлар гўёки келиндек ясанади.* 2. *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди* каби гапда юклама-боғловчи вазифасини бажаради.

6. **Инкор юкламаси:** [на]. Такрор ҳолда ишлатилиб, инкор маъносини ифодалайди:

*На кўкнинг фонари ўчмасдан,
На юлдуз сайр этиб кўчмасдан.* (Уйғ.)

1. Кўмакчи, боғловчи ва юклама нутқимизнинг чексиз имкониятини бойроқ, ифодаларимизнинг янада аниқроқ ва гўзалроқ бўлишини, жумлаларнинг ранг-баранглигини таъминловчи муҳим воситалардан.

2. Ёрдамчи сўз тил тизимида моҳиятан мустақил сўз билан қўшимча оралиғида туради..

3. Боғловчи-юклама, кўмакчи-боғловчи, кўмакчи-юклама кабилар – тил тизимида ёрдамчи сўз туркумига хос бўлган “оралиқ учинчи”.

4. Тилимизда нисбий кўмакчи, нисбий боғловчи, нисбий юклама сираси мустақил сўзнинг ёрдамчилашиши эвазига бойиб бормоқда.

6. Юклама ўз моҳияти билан модалга яқин. Шу туфайли бу иккиси кўпинча биргаликда тасвирланади. Аммо модал сўз билан юкламани тенглаштириб бўлмайди. Юклама:

1) ранг-баранг маънони ифодалайди, шулардан баъзиларигина модал маънога яқин келади;

2) кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб келади. Модал сўзлар эса:

а) гап таркибида гап модаллигини кенгайтирувчи, мураккаблаштирувчи восита сифатида рўёбга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, [W \overline{P} m] гап қурилиш қолипнинг (Pm) қисмида мужассамланган ва хилма-хил восита билан ифодаланадиган тасдиқ/инкор, тахмин, гумон, шубҳа, ишонч, шарт, қатъийлик, истак, имконият каби маънолар гапнинг бошқа бўлаклари билан тобе-ҳокимлик муносабатига киришмайдиган модал сўз, тасдиқ/инкор сўзи воситасида кенгайтирилади: *Канизак, афтидан, шуни айтмоқчи эди...* (А.Қаҳ.)

б) мустақил равишда якка ўзи битта гап бўлиб кела олади ва модал сўз-гап деб юритилади. Бундай сўз-гапнинг барчасида кесимлик категорияси маъноси сўзнинг луғавий маъносида мужассамланган бўлади: *Келасизми? - Албатта.*

3) юклама морфологияда ёрдамчи сўз гуруҳида, модал сўз-гап доирасида ўрганилади;

4) бошқа сўз гуруҳи каби модал ҳам, юклама ҳам ўзига хос морфологик, синтактик, маъновий белгига эга. Модал билан юкломанинг ўзгармаслиги уларнинг морфологик белгисига киради. Синтактик жиҳатдан эса модал ажралувчилик (яъни кириш сўз вазифасида кела олади), юклама эса мучаланмаслик (гап бўлаги бўла олмаслик) белгисига эга. Семантик жиҳатдан модал сўз фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалайди ва бутун гапга тааллуқли бўлади. Юклама эса таъкид, ўхшатиш, кучайтириш каби қўшимча маъно ифодалайди. Юклама ифодалаган маъно бутун гапга бевосита тааллуқли бўлмай, аввало, ўзи тиркалиб келган бўлакнинг маъносини бўрттиришга хизмат қилади ва шу бўлак орқали бутун гапга тааллуқли бўлади.

Сўз–гап

Сўз-гап тўпламини ажратиш тамойиллари. Ўзбек тилшунослигида сўз-гапнинг моҳияти, турлари, уларнинг лексик материали тавсифи, қўлланиш хусусияти эмпирик асосда етарлича ўрганилган. Субстанциал ёндашувда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [WРm] сифатида эътироф этилгач, зиддиятли, изоҳталаб нукталарга эга бўлган сўз-гапга ҳам «лисон-нутқ» тамойили асосида ёндашиш зарурияти пайдо бўлди ва ҳар бир гапнинг ўз қолипи мавжуд бўлгани каби, сўз-гапнинг ҳам ўзига хос муайян бир лисоний қурилиш модели бўлиши шартлиги эътироф этилди.

Сўз-гап умумий атамаси остида бирлаштириладиган сўзларнинг алоҳида белгилари мавжудки, улар шу белгиси билан мустақил, ёрдамчи сўздан, шунингдек, ёхуд қўшма гапдан фарқ қилади. Булар қуйидагилар:

1) мустақил ҳолда гап бўла олиш;

2) гап таркибида шу гапнинг бирор бўлаги билан синтактик алоқага кириша олмаслик;

3) ўзига хос ғайриоддий маънога эга бўлиш;

4) боғламалар билан бирика олмаслиги ва шунинг учун майл, замон, шахс/сон шаклларига эга эмаслик.

Сўз-гап сирасига шу тўрт асосий белги билан бир мажмуага бирлашувчи birlikлар киради (бу типдаги birlikлар кириш сўз вазифасида ҳам келади, лекин уларнинг субстанциал белгиси – сўз-гап бўлиб келиш). Қуйида уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида кўриб ўтилади.

1. Мустақил ҳолда алоҳида гап бўла олиш белгиси. Бу белги 4-белги билан чамбарчас боғланган. Ўзбек лисоний тизими гапда маълум бир ахборотни ташувчи тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон маъно ва муносабатини ифодаловчи таркибий қисм зарур бўлишини талаб қилади. Сўз- гапда бундай таркибий қисмни алоҳида-алоҳида ажратиш мумкин эмас. Лекин кесимлик маъно ва муносабати сўз-гапнинг ўзида мужассамланган ва уларнинг ички моҳиятини ташкил қилади. Бундай гапларда кесимлик категорияси маънолари ҳамда кесимлик – гап маркази вазифасида келиш – фикрни шакллантириш, ифодалаш вазифаси бор. Уларда гап сифатида воқеланувчи сўзнинг лексик маъносида мужассам. Шу сабабдан бундай гапда кесимлик мавжуд, аммо кесимлик шакли ифодаланмаган.

2. Сўз-гап мустақил гап бўла олиш қобилиятига эга бўлганлигидан бу сўзга нисбатан *семантик функционал шаклланган сўз-гап* атамаси қўлланилади. Бу атамадаги “семантик” таркибий қисми ҳодисанинг луғавий (маъновий) томонига ишора қилиб туради. Гап маркази мавқеида келган бундай лексеманинг икки табиий хусусияти намоён бўлади, яъни лексик бирлик ҳам сўз, ҳам гап. Бу атаманинг функционал таркибий қисми эса сўз-гапнинг синтактик вазифа бажариши **ф а қ а т г а п м а р к а з и в а з и ф а с и д а к е л а о л и ш и** билан чегараланганлигини ифодалайди. Демак, семантик-функционал шаклланган гап грамматик шаклланган гап (**[WPm]**) дан фарқ қилади ва кесимлик маъноси сўз-гапда лексик бирликнинг ёки атов бирлиги **[W]** нинг ўзида мужассамланганлиги туфайли лисоний қурилиш қолипи **[W^]** сифатида берилган.

3. Сўз-гапнинг ўзига хос ғайриоддий луғавий маънога эгаллиги. Бу хусусият қуйидагида намоён бўлади:

- а) маъно имконияти чегараланган;
- б) грамматик шаклни талаб қилмайди;
- в) бошқа сўз билан бирикиш қобилиятидан маҳрум;
- г) гапда бажара оладиган вазифаси чекланган;
- д) маъноли қисмга ажралмайди.

Шунинг учун ҳам бу тур лексемалар бошқа лексемаларга нисбатан ғайриоддий, бироқ маъно ва вазифа жиҳатидан алоҳида барқарор тил бирлиги ҳисобланади.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, тақлид сўз туркумлари гапнинг исталган бир бўлаги вазифасида кела олса, сўз-гап гап (ёки унинг маркази) вазифасида кела олишга хосланган, боғловчи, кўмакчи, юклама эса синтактик алоқани ифодалаш учун хизмат қилади.

Сўз–гап таснифи. Сўз-гап ўз ичида бир неча маъновий гуруҳга ажралади: 1. Модал. 2. Ундов. 3. Тасдиқ /инкор. 4. Таклиф/ишора.

Сўзловчининг баён этилаётган фикрга муносабати — қатъий ишонч, гумон, тахмин каби маънони ифодалаб келадиган сўз модалдир. Унга [хуллас], [демак], [чамаси], [табиий], [эҳтимол], [шубҳасиз], [шекилли] каби сўз мисол бўлади.

Кишиларнинг ҳис-туйғусини, ҳайдаш, тўхтатиш каби хитоб, буйрукни ифодалайдиган сўз-гап кўриниши – ундов сўз-гап. Ҳис-туйғу ундовига [эх], [вой], [оҳ], [баракалла], [раҳмат], [офарин] каби сўз, буйруқ -хитоб ундовларига [пишит], [беҳ-беҳ], [пишит-пишит], [чух] каби хитоб сўз киради.

Сўз-гапнинг учинчи маъновий гуруҳи бўлган тасдиқ/инкор сўз кўпинча модал таркибида ўрганилган. [Ҳа], [майли], [хўш], [хўп] сўзи тасдиқни, [йўқ], [мутлақо], [асло], [сира] сўзи – инкорни ифодаловчи сўз-гап.

Таклиф/ишора сўз-гапга қўлланиши тана аъзоларининг махсус ҳаракати билан узвий боғлиқ бўлган [ма], [манг], [қани], [марҳамат] сўзи киритилган. Улар тингловчига қаратилган бўлиб, уни бирор иш-ҳаракатни бажаришга ундайди.

Сўз-гап шундай бирликлар гуруҳи, уларнинг кўпчилиги бошқа сўз туркумидан тарихий тараққиёт жараёнида ўзига хос нуткий қўлланиш натижасида шаклланган ва ривожланган. Чунончи, [сўзсиз], [табиий] сўзи сифатдан, [албатта] равишдан ўсиб чиққан бўлса, [ҳар қалай], [ҳар ҳолда] модал сўз-гапи сўз бирикмасидан, [насиб бўлса], [худо хоҳласа] кабилар гапдан келиб чиққан.

Соф сўз-гапга [албатта], [алҳамдулиллоҳ]; [эх], [ҳой], [оҳ], [ўх]; [ҳа], [йўқ], [мутлақо]; [ма], [манг] каби модал, ундов, тасдиқ/инкор, таклиф/ишора сўзи мансуб. Ўзбек субстанциал тилшунослигида сўз-гап [W[^]]-лашган (модаллашган, ундовлашган тасдиқ/инкорлашган, таклиф/ишоралашган) сўзлар, [W[^]]-лашаётган (модаллашаётган, ундовлашаётган, тасдиқ/инкорлашаётган, таклиф/ишоралашаётган сўзлар, [W[^]]-симон (модалсимон, ундовсимон, тасдиқ/инкорсимон) сўз-гапга ажратилиб, муфассал ўрганилган.

[W[^]]-лашган (сўз-гаплашган) сўз ўз семантик-функционал хусусияти билан ҳар хил гуруҳнинг марказий лексемасига жуда яқин туради, лекин ўз алоқасини бошқа сўз туркумларидан тўла-тўқис узмаган бўлади. Чунончи, модаллашган сўзга [чамаси], [чоғи], [эҳтимол]; ундовлашган сўзга [ура], [олга], [дод], [войдод]; тасдиқ /инкорлашган сўзга [бўпти], [маъқул], [аксинча], [мутлақо]; таклиф/ишоралашган сўзга қани каби лексема мисол бўлади.

[W[^]]-лашаётган (сўз-гаплашаётган) сўз сўз-гапга тўла-тўқис ўтган бўлмайди ва «ўтиш йўлида» турган сўздир. Бу ўринда модаллашаётганга [балки], [ҳатто], [афтидан]; ундовлашаётганга [яшанг], [вой ўлай]; тасдиқ /инкорлашаётганга [дуруст], [тўғри], [рост], [асло], [ҳаргиз];

таклиф/ишоралашаётганга [мана мундоқ] каби сўзни мисол келтириш мумкин. Чунончи, 1. **Балки**, сиз айтарсиз нима бўлганини? (П.Тур.) 2. *Нафси учун эмас, балки қадри учун йиғлайди-да.* (Ў.Усм.) 3. – *Қаерга бориш, кимга учрашишни у яхши билади.* – **Тўппа-тўғри.** (Ч.Айт.) 4. *Ҳилола гапнинг тўғриси*ни айтди (Ў.Усм.) гапларида [W[^]-лашаётган] сўз (1-3-гапта) қўлланилган.

[W[^]]-симон (сўз-гапсимон) деганда моҳиятан сўз-гап бўлмаган луғавий бирликнинг сўз-гап вазифасида келиши тушунилади. Жумладан, модалсимонга [шундай қилиб], [бахтга қарши], [тавба], [худо сақласин]; ундовсимонга эркалаш маъноли [асалим], [оппогим] ва ундалма маъноли [эй, дўстлар] каби; тасдиқ/инкорсимонга [худди шундай], [ҳеч қачон], [нотўғри] каби; таклиф/ишорасимонга [бошланг] кўринишли сўз мисол бўлади.

Қисқаси, сўз-гапнинг лексик-семантик тури бўлмиш соф сўз-гап ўзи тарихан келиб чиқадиган сўз туркумидан батамом узилган бўлиб, унинг кўпчилиги равиш, сифат, от сифатида мутлақо қўлланилмайди. Сўз-гаплашган унсур эса ўзи тарихан келиб чиққан сўз билан омонимик муносабат ҳосил қилади ва ўз алоқасини бошқа туркумдан тўла узмаган бўлади. Сўз-гаплашаётган унсурга ўзи бошқа сўз туркуми (равиш, сифат, олмош, сон, феъл) га тегишли, лекин сўз-гапга хос маъно ва вазифада қўлланила оладиган бирликлар киради ва буларнинг сўз-гапсимондан фарқи шундаки, ушбу қатламга оид сўз тарихий тараққиёт натижасида батамом сўз-гапга ўтиб кетиши мумкин. Сўз-гапсимон эса ўз туркуми доирасида қолади.

Сўз-гапнинг синтактик хусусияти. Сўз-гапнинг синтактик хусусияти юқорида таъкидлаганимиздек, кесимлик қўшимчасини қабул қилмаслиги, боғлама билан бирика олмаслигида. Сўз-гап ҳам ундалма, содда гап каби кенгайган ёйиқ ҳолатда бўлиши мумкин: 1. *Чўлни ўзлаштирган мардларга офарин.* (А.Қаҳ.) 2. *Фалакнинг дастидан дод!* (Ҳамза.) 3. *Баракалла сизга!* Мисоллардан кўриниб турганидек, сўз-гап фақат битта сўздан иборат бўлмай, нутқда кенгайиш қобилиятига ҳам эга. Сўз-гапнинг яна бир синтактик хусусияти шундаки, [WPm] қурилишли гапта кесимлик категорияси ва маъноси (W)га (Pm) орқали киритилади, (m)нинг эса ўзбек тилида жуда кўп кўрсаткичи мавжуд. Шакл ўзгариши билан кесимлик категориясининг маъно тури ҳам ўзгаради. Масалан, *Бўлади. Бўлмайди. Бўлса. Бўлди* ва ҳ.к. Аммо сўз-гапта бундай эмас. Ҳар бир сўз-гап шу гапга хос бўлган маънони ифодалашга хосланган бўлади. Чунончи, [ҳа] сўзи тасдиқни ифодалайди. Унинг бўлишсизлиги *Ҳа, эмас* билан эмас, балки алоҳида [йўқ] сўз билан ифодаланади. [Албатта] ёки [шубҳасиз] модал сўзи қатъий ишонч ва тасдиқни ифодалайди, инкор маъноси [мутлақо], [асло] сўз-гапи билан берилади.

Сўз-гапта замон ва шахс маъноси матнда муайянлашади. Ўзбек тилида гап (кесимлик) замон ва шахс маъносидан холи бўла олмайди. Зеро, сўз-гапта замон ва шахс-сон маъносининг контекстуал аниқланиш хусусияти бу сўзнинг асосий синтактик хусусияти – кесимлик қўшимчасини қабул қилмай гап бўлиб кела олиши билан шарҳланади. Сўз-гапнинг яна бир синтактик хусусияти – унинг гап таркибида алоҳида позицияда туриши, яъни бошқа гап бўлаклари билан боғланмаслиги ва ўзи гап сифатида “яшай олиши”, ҳамиша лисоний алоҳидаликни сақлаб қолиши билан белгиланади. Чунончи, 1. -*Эртага келасизми?* - *Албатта.* (Ў.Усм.) 2.-*Енгил тортдингми, қизим?* – *Шукур.* (А.Қаҳ.)

Кўринадики, сўз-гапнинг умумий синтактик хусусияти улар кесимлик қўшимчасини қабул қилмаган ҳолда гап ва унинг марказини туза олишида. Тўрт лексик-семантик турда (модал, ундов, тасдиқ/инкор, таклиф/ишора сўзлар) кесимлик категориясини ташкил этувчи маънодан ҳар бири алоҳида бўрттирилган ва “яланғоч” ҳолда юзага чиқади: модал сўзловчининг муносабатини ((**P_m**)даги майлни), таклиф/ишора «шахсга қаратилганлик» маъносини ((**P_m**) даги шахс-сонни), тасдиқ/инкор ((**P_m**)даги) тасдиқ ва инкорни ва ундов бўлажак ҳаракатни ((**P_m**) даги замонни) ифодалашга хизмат қилади.

СИНТАКСИС

Синтаксис ҳақида умумий маълумот

Синтаксис ва унинг тадқиқ манбаи. Тил ўз комуникатив вазифасини синтактик қурилма – гап воситасида амалга оширади. Тилдаги барча – фонетик, лексик, морфологик ҳодиса ана шу синтактик қурилишга хизмат қилади. Бироқ булар сирасида лексика ва морфологиянинг тил грамматик қурилишидаги иштироки ўзига хос. Зеро ҳар қандай синтактик ҳодисада сўз ва морфологик кўрсаткични кўрамиз. Шу боисдан синтактик моҳиятни белгилашда лексик ва морфологик омилга таянилади.

Синтаксис (гр. *sintaxys* – тузиш, қуриш)нинг асоси – гап ҳақидаги таълимот. Гап, аслида, сўзнинг эркин бирикувига ҳам асосланганлиги туфайли сўзнинг боғланиш қонунияти, сўз бирикмаси ҳам синтаксисда ўрганилади. Сўз бирикмаларини ўрганиш гап таълимотининг таркибий қисми, ундан ажратилган ҳолда қаралиши мумкин эмас.

Синтаксис сўзнинг ҳар қандай бирикувини эмас, балки ҳоким-тобелик муносабатига киришган эркин нутқий бирикувни лисоний моҳиятини текширади. Қайсидир йўсиндаги сўзнинг бирикуви бўлган кўшма сўз (*учбурчак, эртапишар, сотиб олмоқ*), фразеологик бирлик (*илоннинг ёғини ялаган, пўконидан ел ўтмаган, кўнгли бўш*) синтаксиснинг тадқиқ доирасидан четда қолади. Чунки улар эркин боғланишга эга эмас.

Синтаксис атамаси, *грамматика* атамасининг ўзи каби икки маъноли:

- 1) тилнинг синтактик қурилиши;
- 2) грамматиканинг таркибий қисми.

Атамани ана шу иккинчи маъносида қўллаб, биринчи маъно ифодаси учун *синтактик қурилиш* атамасини ишлатамиз.

Асосий синтактик бирликлар. Сўз бирикмаси ва гап – синтаксиснинг асосий бирликлари. Шунга кўра, синтаксис икки бўлинади:

- 1) сўз бирикмаси синтаксиси;
- 2) гап синтаксиси;

Сўзнинг нутқда ўзаро алоқага киришувидан сўз қўшилмаси вужудга келади. Сўз қўшилмасини икки гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- 1) гап (*Осмон тип-тиниқ*);
- 2) сўз бирикмаси (*тип-тиниқ осмон*).

Тил жамиятда алоқа қилиш, ахборот узатиш воситаси ҳисобланади. Ахборот узатиш эса гап орқали амалга оширилади. Демак, гап фикр ифодалайди. Сўз бирикмаси фикр эмас, балки сўз каби тушунча ифодалайди. (Бироқ сўз бирикмаси ифодалаган тушунча сўз ифодалаган тушунчадан фарқланади.) Кўринадики, синтаксиснинг бош бирлиги гап, сўз бирикмаси сўз каби бевосита ёки билвосита унинг ташкил этувчисидир.

Синтактик бирлик – гап ва сўз бирикмаси – сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлиши, бу қўшилишнинг эса турли восита (қўшимча, ёрдамчи сўз) ва усул (масалан, тобе алоқанинг тури) орқали юзага келиши синтаксиснинг бошқа сатҳлар билан зич алоқада эканлигини кўрсатади.

Демак, нутқда:

1) сўзлар ўзаро синтактик алоқага киришиб, тушунча ифодаловчи бирлик – сўз бирикмаси вужудга келади. Сўзларнинг ўзаро бирикиб, тушунча ифодаловчи бирлик ҳосил қилиш қонуниятини ўрганиш – сўз бирикмаси синтаксисининг вазифаси;

2) сўз фикр ифодалашга ихтисослашган нутқий бирлик – гапни шакллантиради. Гап ҳосил қилиш қонуниятини билан гап синтаксиси машғул бўлади.

Синтактик бирликнинг икки томони. ЛСҚ тушунчаси. Фонетика, лексика ва морфологияда бўлгани каби синтаксисда ҳам лисоний ва нутқий жиҳат фарқланади. Маълумки, лисоний ҳодиса бевосита кузатишда берилмаганлик (моддийликдан холилик), миқдоран чеклилик, такрорланувчанлик, ижтимоийлик ва мажбурийлик белгисига эга, у бевосита кузатишда берилганлик, миқдорий чекланмаганлик, бетакрорлик, индивидуаллик, ихтиёрийлик сифатига эга бўлган нутқий ҳодисага қарама-қарши туради.

Нутқий синтактик бирлик сифатида нутқда қўлланадиган, сезги аъзоларига таъсир қиладиган, ўқиш, ёзиш, айтиш, эшитиш мумкин бўлган сўз бирикмаси ва гап тушунилади. Лисоний синтактик бирлик эса сўз бирикмаси ва гап ҳосил қилиш қолипи. Лисоний сатҳга тегишли бўлганлиги учун уларни *лисоний синтактик қолип* (қисқача **ЛСҚ**) деб атаيمиз.

ЛСҚ ғишт қолипига ўхшайди. Инсон онгида ҳам сўзлаш, нутқни шакллантириш мақсадида лексемаларни сўз бирикмаси шаклига келтириш, гап ҳосил қилиш қолипи мавжуд. Улар *ЛСҚ, модел, конструкция, қурилма* деб номланса-да, аслида бир тушунчани ифодалайди. Масалан, *китобни ўқимоқ* каби чексиз бирикмани чиқарадиган [от^{тушум} келишиги + **фeyл**] сўз бирикмаси қолипи қандай номланмасин, унинг моҳиятига таъсир қилмайди.

Қолип ва нутқий ҳосила (сўз бирикмаси ва гап)лар диалектик бирликда. Қолип нутқий ҳосиласиз ўлик ва жонсиз, нутқий ҳосила эса қолипсиз бўлиши мумкин эмас. Қуйида ЛСҚ ва нутқий сўз бирикмаси ҳамда гапнинг бир-бирига ўхшамайдиган, фарқли хусусиятини баён этамиз.

1. ЛСҚнинг моддийликдан холилиги ва нутқий ҳосиланинг моддийлиги. ЛСҚ жамият аъзолари онгида мавжуд бўлиб, кишиларнинг эркин бирикма ҳосил қилиш кўникмаси сифатида узоқ давр мобайнида шаклланади. Бу кўникма бўлмаса, инсон бирикма ҳосил қила олмайди.

Бунга қуйидаги далил асосида амин бўлишимиз мумкин. Дейлик, бирор тилни, масалан, инглиз тилини ўрганмоқчи бўлган киши онгида бу тилга хос бирикма тузиш кўникмаси – ЛСҚ шаклланмаган бўлса, масалан, ўзбекча *китоб* ва *ўқимоқ* сўзининг инглиз тилидаги *a book* ва *to read* муқобилини билса-да, бирикма ҳосил қила олмайди ёхуд ўзбек тилига хос [от^{тушум келишиги} + феъл] қолипи асосида *a book to read* дея олади, холос. Инглиз тилида эса *китобни ўқимоқ* бирикмасини ҳосил қилувчи ЛСҚ [to V+ the N] кўринишида бўлиб, ундан *to read the book, to write the letter* каби ҳосила пайдо бўлади.

Маълум бўладики, ЛСҚ жамият аъзолари онгида яшайди ва моддий қиёфага эга эмас. Уни сезги аъзоси асосида билиб бўлмайди. Қолипдан чиққан нутқий ҳосилани эса айтиш, эшитиш, ёзиш ва ўқиш мумкин экан, бу уларнинг моддийликка эгалигини кўрсатади .

2. ЛСҚнинг ижтимоийлиги ва нутқий бирикманинг индивидуаллиги. ЛСҚ бир киши томонидан эмас, балки шу тилда сўзлашувчи жамиятнинг барча аъзолари томонидан узоқ вақт давомида шакллантирилган. Шунингдек, улар бир киши учун эмас, балки жамиятнинг шу тилда сўзлашувчи барча аъзоси учун бирдай хизмат қилади. Бу ЛСҚнинг ижтимоий табиатга эгалигини кўрсатади.

ЛСҚ асосида вужудга келувчи нутқий ҳосила ҳар бир киши нутқида ўзига хос. Масалан, *китобни ўқимоқ* сўз бирикмаси ҳар бир сўзловчи нутқида ўзгача. Бу нутқий ҳосиланинг ҳар бири кимнинг нутқида тегишлилиги, айтилган ўрни ва замони, айтилиш мақсади ва шароити каби қатор белгиси билан фарқланади. Ҳатто бир киши нутқида айтилган иккита (*китобни ўқимоқ* ва *китобни ўқимоқ*) сўз бирикмасидан иккинчиси биринчисининг айнан такрори эмас. Зеро бу нутқий ҳосилалар ҳеч бўлмаганда, сўзловчи шахс, нутқ вазияти, замони билан фарқланади. Нутқий ҳосиланинг индивидуаллиги (алоҳидалиги) ни шундай тушунмоқ лозим.

3. ЛСҚнинг такрорланувчанлиги ва нутқий ҳосиланинг бетакрорлиги. Қолип ҳар бир ғиштда ўз изини қолдираверганлиги каби ЛСҚ ҳам ҳар бир сўз бирикмаси ва гапда такрорланаверади. Лекин иккинчи ғишт биринчи ғиштнинг такрори бўлмаганлиги каби, нутқий ҳосилага ҳам бетакрорлик хос. Аслида борлиқда бевосита кузатишда берилган бирорта ҳодисада такрорийлик йўқ. Кесилган дарахтни қайта экиб бўлмаганидек, қолипдан чиққан сўз бирикмасини такрор айтиш, ёзиш мумкин эмас. Иккинчи бор айтилган ёки ёзилгандек туюлган сўз бирикмаси, аслида, бошқа ҳосила.

4. ЛСҚнинг чекланганлиги ва нутқий ҳосиланинг чексизлиги. Ғишт қолипи битта, ундан чиққан ғишт ҳисобсиз. Шунингдек, дейлик, [от^{тушум келишиги}+феъл] қолипи битта бўлиб, ундан *китобни ўқимоқ, қаламни сотмоқ* каби минг-минглаб сўз бирикмасини ҳосил қилиш

мумкин. Бугунги кунда ўзбек тилида сўз бирикмаси ҳосил қилишнинг 18 та устувор қолипи аниқланган (улар ҳақида “Сўз бирикмаси” фаслида баҳс юритилади). Бу қолиплардан чиққан, чиқаётган ва чиқадиган нутқий сўз бирикмаси микдорини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Гап қолипи ва уларнинг ҳосилалари ҳам худди шундай.

5. ЛСҚнинг мажбурийлиги ва нутқий ҳосиланинг ихтиёрийлиги. Ўзбек тилида сўзлашувчи киши нутқ жараёнида сўз бирикмаси тузишга эҳтиёж сезар экан, бунда ЛСҚнинг юқорида айтилган 18 та туридан фойдаланишга мажбур. Уларнинг ЛСҚни ўзгартиришига, янги-янги ЛСҚ тузишига тил «қонунчилиги» томонидан йўл қўйилмайди. Бироқ нутқий сўз бирикмаси яратишда сўзловчи эркин.

Қолип ва нутқий ҳосила ўзида диалектиканинг бир-бирига нисбатланувчи категориялари муносабатини акс эттиради. Буни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (27-жадвал):

27-жадвал

ЛСҚ	Нутқий ҳосила
Умумийлик	Алоҳидалик
Моҳият	Ҳодиса
Имконият	Воқелик
Сабаб	Оқибат

Бу жиҳатдан ҳам ЛСҚ ва нутқий ҳосила муносабатини шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

1. ЛСҚ умумийлик ва нутқий ҳосила алоҳидалик сифатида. ЛСҚ умумийлик сифатида кўплаб нутқий ҳосиладаги умумий белги-хусусиятни ўзида жамлайди. Масалан, *китобни ўқимоқ, хатни ёзмоқ ва қўйни сотмоқ* бирикмасидаги *китобни, хатни, қўйни* тобе аъзоси қуйидаги умумий белгиларга эга:

- 1) от туркумига мансублик;
- 2) тушум келишиги билан шаклланганлик;
- 3) тобе аъзолик.

Бу уч умумийлик [от^{тушум келишиги} + феъл] ЛСҚининг *от* узвида мужассамланган. ЛСҚнинг кейинги узви ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрни айтиш мумкин. Ҳар бир нутқий ҳосила эса бошқа нутқий ҳосилага мутлақо ўхшамайдиган алоҳидалик. Айтилганидек, нутқда муайян луғавий маъноли бирликлар аниқ макон ва замонда муайян қолип асосида эркин нутқий бирикма ҳосил қилади.

2. ЛСҚ моҳият ва нутқий ҳосила ҳодиса сифатида. ЛСҚ нутқий ҳодисалар замирида яширинган, уларнинг ички, барқарор, ўзгармас моҳияти, у нутқий ҳосиладаги ранг-барангликка бефарқ. Нутқий ҳосила эса бу моҳиятни турли нутқ шароитига мос равишда ранг-баранг кўринишда акс эттирувчи, бироқ моҳият чегарасидан ташқарига чиқа олмайдиган вақтинчалик ҳодиса. Масалан, [от^{тушум келишиги} + феъл] қолипи

– ўзгармас. Аммо унинг ҳосилалари *уйни супурмоқ, қозғони йиртмоқ, хатни жўнатмоқ, деразани бўямоқ* каби ҳар хил кўринишда бўлади. Бу ранг-барангликнинг барчаси, у қанча кўп бўлмасин, «тушум келишигидаги тобе от ва феъл» доирасидан четга чиқа олмайди. Нутқий ҳосила ЛСҚнинг ўзгармасдан турлича намоён бўлишини кўрсатса, ЛСҚ нутқдаги хилма-хил ҳосилани бир асосга бирлаштиради.

3. ЛСҚ имконият ва нутқий ҳосила воқелик сифатида. ЛСҚ – воқеликка айланмаган, намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ва эҳтиёж талаб этадиган имконият. Нутқий ҳосила эса ана шу имкониятнинг юзага чиқиши, воқеликка айланиши.

4. ЛСҚ – сабаб, нутқий ҳосила унинг оқибати. ЛСҚ – бу ўзига мувофиқ келадиган бирор натижани келтириб чиқарувчи. Чунки сабаб бирор таъсирнинг бошланиш нуқтаси бўлиб, у маълум бир натижа, оқибатни юзага келтиради. ЛСҚ натижасида келиб чиқадиган оқибат – шундай ҳосила. Сабаб оқибатдан олдин келганлиги каби ЛСҚ ҳам нутқий ҳосиланинг қандай бўлишини белгилайди.

ЛСҚнинг асосий турлари. Умуман, қолип асосида бирикувидан вужудга келган нутқий ҳосилани 3 гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- 1) ясама сўз;
- 2) сўз бирикмаси;
- 3) гап.

(*ишла*) ясама сўзи [*иш*] лексемаси ва [*-лар*] морфемасининг, *китобни ўқимоқ* нутқий сўз бирикмаси [*китоб*] ва [*ўқи*] лексемаларининг, *Ўқидим* гапи эса [*ўқи*] лексемаси ва [*-дим*] кесимлик категорияси шаклининг бирикишидан ҳосил бўлган.

(*ишла*) сўзи [**от+ла = асосдан англашилган нарса билан шуғулланмоқ**] сўз яшаш қолипи маҳсули бўлса, *китобни ўқимоқ* сўз бирикмаси [**от^{тушум келишиги}+феъл**] ЛСҚи, *Ўқидим* гапи эса [**WP_m**] қолипи ҳосиласи. Булар сирасида сўз яшаш ва сўз бирикмаси қолипи тушунча ифодаловчи – аташ (номинатив) вазифасини бажарувчи ҳосилани берадиган қолип бўлса, гап қолипи фикр ифодаловчи (коммуникатив) ҳосилани туғдирувчи қолип ҳисобланади. Сўз яшаш қолипи лисоний бўлса-да, лекин синтактик моҳиятга эга эмас. Шунинг учун у лисоний деривацион қолип (ЛДҚ) сифатида деривация бўлимида қолдирилиб, синтаксисда эркин синтактик ҳосила берувчи, яъни сўз бирикмаси ва гап қолипи текширилади.

Формал ва субстанциал (структурал) синтаксис. Формал синтаксис бевосита кузатишда берилган, нутқий синтактик ҳодисани ўрганади. Бошқача айтганда, у алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат сифатидаги нутқий ҳосила билан банд бўлиб, умумийлик, моҳият, имконият, сабаб сифатидаги лисоний бирликни (нутқий бирликнинг лисоний томонини) ўрганишни субстанциал синтаксис ҳукмига ҳавола

этади. Шунингдек, формал синтаксис *китоб* ва *ўқимоқ* сўзлари орасидаги синтактик алоқани ҳам текширади. Зеро бундаги *ўқимоқ* феълнинг тушум келишигидаги сўзни бошқаруви ҳам бевосита кузатишда берилган нутқий ҳодиса. Лекин бу алоқа учун [ўқи] лексемасининг бириктириш имконияти бўлган объект валентлиги бевосита кузатишда берилмаган. Бу эса субстанциал синтаксис томонидан ўрганилади.

Субстанциал синтаксис тадқиқотлари учун формал синтаксис томонидан қўлга киритилган ютуқлар замин, пойдевор вазифасини ўтайди. Демак, формал синтаксиссиз субстанциал синтаксиснинг бўлиши мумкин эмас. Формал синтаксис эса субстанциал синтаксиссиз ҳам иш кўраверади. Зеро субстанциал синтаксис моҳиятни тадқиқ этар экан, бунинг учун ҳодисалар жамланган бўлиши керак. Ҳодисани жамлаш учун эса субстанциал синтаксис тиклайдиган моҳиятга эҳтиёж сезилмайди.

Ҳар бир нутқий парчада турли сатҳ ҳодисаси қоришган ҳолда воқеланади. Масалан, *Ҳалим келди* гапида фонетик (товушлар тизими, оҳанг), лексик (сўзлар), морфологик (грамматик шакллар) ва услубий (масалан, сўзловчининг муносабати ёки услубий бетарафлик) сатҳлар ўз изини қолдирган. Формал синтаксис нутқий парчани шу ҳолида, турли моҳият зарраларининг қоришмаси сифатида ўрганади ва унинг қоришмалигига эътибор қаратмайди. Субстанциал синтаксис эса нутқий парчада қоришган, синтаксисга дахлдор бўлмаган жиҳатларни эътибордан соқит қилади. Формал синтаксис келтирилган гапни муайян(аниқ)лик сифатида эътироф этса, субстанциал синтаксис унда турли ҳодисалар қоришганлиги сабабли моҳиятини англаш мушкуллигини ҳисобга олган ҳолда мавҳум (ноаниқ)лик сифатида қарайди. Қоришиқ ҳодисалар четлаштирилган моҳият “тозаланган”лиги учун субстанциал синтаксис томонидан муайянлик, бевосита кузатишда берилмаганлиги учун эса у формал синтаксис томонидан мавҳумлик сифатида қаралади.

Демак, формал синтаксис асосий диққатини ҳодисаларнинг зоҳирий (бевосита кузатишда берилган) томонига, субстанциал синтаксис эса ботиний (бевосита кузатишда берилмаган, ички) томонига қаратади. Улар бир-бирини ҳам тақозо, ҳам инкор этади. Формал синтаксис мутлақ ҳодисалар билан, субстанциал синтаксис эса мутлақ моҳият билан шуғулланади деб уларнинг вазифаларини бутунлай қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Чунки формал синтаксис моҳиятга интилганлиги каби субстанциал синтаксис ҳам фақат формал синтаксис тўплаган ҳодисаларгагина таянади. Бунда формал ва субстанциал синтаксиснинг ўрганиш манбалари жиҳатдан қарама-қаршилиги сўнади.

ЛСҚ ни ажратиш усуллари. ЛСҚни тиклаш

ЛСҚни аниқлашда ҳам ЛСҚга дахлдор бўлмаган, бир қолипдан чиққан нутқий ҳосилаларнинг турли-туманлигини келтириб чиқараётган ҳодисалар ЛСҚга боғлиқ бўлмаган носинтактик ҳодисалар сифатида аҳамиятсиз деб қаралади ва эътибордан соқит қилинади. Масалан, *Гулноранинг китоби* нутқий ҳосиласининг моҳияти, яъни ЛСҚни аниқламоқчи бўлсак, шу кўринишдаги ва турдаги сўз бирикмаларини тасаввуримизда тўплаб, саралаймиз. Шу усулда *Муниранинг дафтари*, *Ситоранинг ручкаси* каби юзлаб нутқий сўз бирикмаларида

[от_{атоқли}+от_{турдош}=отдан англашилган пред./шахсга тегишли нарса] умумийлигини топгандек бўламиз. Бироқ *менинг китобим*, *унинг ручкаси*, *бизнинг уйимиз*, *қизилнинг қизили*, *яшашнинг завқи* нутқий бирикмасини олдинги сўз бирикмалари билан қиёслаш натижасида уларнинг фарқли эканлигига, қолипга солиб кўриш натижасида унга жойлашмаётганлигига амин бўламиз. Зеро ЛСҚнинг биринчи узви от туркумига мансуб сўз бўлиши керак эди. Мисолларда эса тобе узвлар – олмош. Шунингдек, ЛСҚнинг иккинчи узвидаги эгалик категорияси III шахс кўшимчаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Юқорида қолипларнинг умумийлик табиатига эга эканлигини, унда нутқий ҳосилаларнинг умумий, бир хил белгилари ўрин олишини таъкидлаган эдик. Шунинг учун нутқий ҳосилалардан фарқларни фикран четлаштириб, умумий белгиларни сақлаб қоламиз. Келтирилган биринчи (тобе) аъзолардаги умумийлик ва фарқларни қуйидагича берамиз (28-жадвал):

28-жадвал

Умумийлик	фарқлар
1.1.Эркак кишининг исми+қаратқич келишиги	<i>Ҳалим оти +нинг</i>
1.2.Қиз бола исми+қаратқич келишиги	<i>Мунира оти+нинг, Ситора оти +нинг</i>
1.3.I шахс бирлик кишилик олмоши	<i>Мен олмоши+нинг</i>
1.4. II шахс кўплик кишилик олмоши	<i>Биз олмоши+нинг</i>
1.5.Сифат+қаратқич келишиги	<i>Қизил сифати +нинг</i>
1.6.Ҳаракат номи+қаратқич келишиги	<i>Яшаш ҳаракат номи+нинг</i>

Фарқларни эътибордан соқит қилиб, олинган умумийлик асосида ЛСҚнинг биринчи (тобе) аъзосини тиклаймиз. Нисбий умумийликларни яна бирлаштириб, қуйидаги

[исм^{қаратқич келишиги} + ...

узви тикланади.

Сўз бирикмасининг иккинчи узвидаги фарқ ва умумийликларни ҳам шу асосда аниқлаймиз (29-жадвал):

29-жадвал

Умумийлик	Фарқлар
2.1. Ўқув воситаси оти+III ш.эгаллик қўшимчаси	китоб оти+им
2.2. Ёзиш мумкин бўлган нарса оти+III ш.эгаллик қўшимчаси	дафтар оти+и
2.3.. Ранг сифати + III ш. эгаллик қўшимчаси	қизил сифати+и
2.4. Мавҳум от + III ш. эгаллик қўшимчаси	завқ оти+и
2.5. Жой оти + I ш. эгаллик қўшимчаси	уй оти+имиз
2.6. Ёзув қуроли + III ш. эгаллик қўшимчаси	ручка оти+си

Бу аъзода ҳам фарқларни четлаштириб, умумий белгиларни олиб қоламиз. Натижада

...+исм^{эгаллик қўшимчаси}]

умумийлиги тикланади. Ҳар иккала аъзони бирлаштириш натижасида [исм^{қараткич келишиги} +исм^{эгаллик қўшимчаси}] умумийлиги тикланади. Бу умумийлик ЛСҚ бўлиб, сўз бирикмаларидан четлаштирилган мазкур фарқлар ЛСҚга алоқадор эмас.

ЛСҚнинг шаклий томони. ЛСҚ моҳиятан риёзий тенгламага ўхшайди ва у бутунлик сифатида тенглик белгисидан чап ҳамда ўнг томонлардан иборат бўлади.

Юқорида мисол сифатида келтирилган [исм^{қараткич келишиги}+исм^{эгаллик қўшимчаси}= қаратувчи-қаралмиш] ЛСҚи ҳам икки – исм^{қараткич келишиги}+исм^{эгаллик қўшимчаси} ва қаратувчи-қаралмиш қисмларидан ташкил топган.

ЛСҚнинг чап, яъни [исм^{қараткич келишиги}+исм^{эгаллик қўшимчаси}] қисми унинг шаклини ташкил этади.

ЛСҚнинг шаклий томони умумийлик хусусиятига эга. Чунки у нутқда воқеланган чексиз бирикмалар умумий шаклининг синтези. Хусусий шакл сифатида нутқий сўз бирикмалари намоён бўлади. Демак, хусусий шакл деганда моддий шаклда – сўз ва қўшимча воситасида ифодаланган, ўқилиши, ёзилиши, айтилиши, эшитилиши мумкин бўлган шакл тушунилади.

ЛСҚнинг мазмуний томони. ЛСҚ нинг ўнг томони унинг мазмуний жиҳати. Юқорида келтирилган [исм^{қараткич келишиги}+исм^{эгаллик қўшимчаси}=қаратувчи-қаралмиш] қолипнинг ўнг, яъни мазмуний

қисмини «*лисоний тобе қаратувчи ва ҳоким қаралмиш орасидаги ранг-баранг муносабатлар*» ташкил этади. «Ранг-баранг муносабат» деганда ҳар бир нутқий сўз бирикмасидан англашиладиган турли маъно ва муносабат тушунилади. Масалан:

менинг китобим – «қарашлилиқ»

столнинг оёғи – «бутун-қисм»

этиборсизлик оқибати – «сабаб-оқибат»

яшашнинг завқи – «ҳолат ва унинг натижаси»

Бирикмаларнинг ўнг томонида уларнинг хусусий маъновий белгиси кўрсатилган. Улар қолипда «ранг-баранг маъновий муносабат» дея бирлаштирилган. Маълумки, кўпинча, маъно деганда сўз атаётган нарса, предмет, миқдор, белги кабилар ҳақидаги тушунча ифодаси тушунилади. Масалан, [китоб] лексемаси айтилганда, унинг маъноси сифатида «варақлардан ташкил топган, босма ёки қўлёзма ҳолдаги асар» моҳияти тан олинади. Лекин келтирилган ЛСҚ маъноси эса бунга ўхшамайди. Чунки [китоб] лексема бўлиб, унинг маъноси лексик. Лекин ЛСҚ – синтактик ҳодиса. Шу боисдан унинг маъноси ҳам синтактик бўлмоғи даркор. Синтаксисда эса «тобе-ҳоким», «қаратувчи-қаралмиш», «тўлдирувчи», «ҳол», «эга», «кесим» каби тушунчалар аҳамиятли эга бўлиб, синтактик муносабатни ифодалайди. Бу муносабат эса синтактик маъно сифатида қаралади. Нега юқоридаги бирикмаларнинг ўнг томонида келтирилган «қарашлилиқ», «бутун - қисм», «сабаб - оқибат», «ҳолат - унинг натижаси» кабилар ЛСҚнинг мазмуни бўла олмайди, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, улар бирикмаларнинг маъноларини алоҳида-алоҳида акс эттиради. Лекин ЛСҚи битта. [исм^{қараткич} келишиги+исм^{эгалик} кўшимчаси= қаратувчи-қаралмиш] қолипнинг мазмуни эса чексиз нутқий ҳосилаларнинг маъноларини умумлаштиради.

ЛСҚнинг [исм^{қараткич} келишиги+исм^{эгалик} кўшимчаси] шаклий томони бирикувчи сўзлар муносабатидан умумлаштирганлиги каби мазмун томони ҳам нутқий бирикманинг алоҳида-алоҳида маъносини умумлаштириш натижаси бўлмоғи лозим.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида ҳар бир гап бўлаги, сўз бирикмасининг турли гап, матн ва қуршовдаги маъноларини тавсифлашга кўп этибор қаратилади. Масалан, (*уйни қурмоқ*) бирикмасида (*уйни*) сўзшаклининг, ёки тўлдирувчининг маъноси «яратиладиган, бунёд этиладиган нарса», (*уйни бузмоқ*) бирикмасидаги (*уйни*) сўзшаклининг маъноси «йўқотиладиган манба» тарзида таърифланади. Лекин мулоҳаза юритилса, бу маънолар синтактик эмас, балки луғавий бўлиб, аслида (*бузмоқ*) ва (*қурмоқ*) сўзларига хос маънолар. ЛСҚ эса чексиз сўз бирикмаларининг умумлашмаси. Шу боисдан уларнинг мазмун томони ҳам чексиз сўз бирикмаларининг алоҳида-алоҳида маъноларидаги хусусий, фарқли жиҳатларни четлаштириб, умумий, ўхшаш томонларни

ажратиш асосида тикланади. Демак, умумий, лисоний маъно хусусий жиҳатларни идрок этиш асосида бирлаштиришдир. Хусусий маъно, яъни ҳар бир сўз бирикмасидаги тезда англанадиган, илғаниши осон бўлган маъно улар замиридаги моҳиятни тўсиб туради. Ана шу моҳият англаниши билан тадқиқотчи кўриниб турган маънонинг ранг-баранглиги «алдамчи» эканлигига ишонч ҳосил қилади.

ЛСҚни ажратишнинг аҳамияти. Табиатда соф нарса учрамайди. Ҳар бир модда турли-туман нарсаларнинг қоришмасидир. Бироқ соф моддани ажратиб олиш мақсадида узоқ вақтлар давомида тадқиқотлар олиб борилган. Шу тариқа тозаланган атом химия фанидаги буюк «топилма» бўлди. Бу Д.Менделеев даврий жадвалида ўз аксини топди. Тил ҳодисаларини ҳам «тозаланган» ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тозаланган атомлардан табиатда учрамайдиган, лекин зарур бўлган турли-туман сунъий моддалар ҳосил қилинганидек, «тозаланган» ЛСҚ ҳам бошқа «тозаланган» фонетик, лексик, морфологик ҳодисалар каби, бугунги кунда тилни «машиналаштириш», яъни компьютер орқали матн таржима қилиш, тузатиш, текшириш каби замонавий «юмуш»ларда муҳим қиммат касб этади.

Валентлик

Валентлик ҳақида тушунча. *Валентлик* аслида химиявий атама, тилшуносликда лисоний бирликларнинг юзага чиқмаган бирикувчанлик-бириктирувчанлик имконияти сифатида қаралувчи лисоний ҳодисага нисбатан қўланади. Валентликнинг химиявий тавсифи қуйидагича. Масалан, кислород (**O**) атоми бошқа турдаги яна иккита атомни бириктириш имкониятига эга. Бу унинг электрон қаватидаги иккита атомнинг бўш ўрнига қараб белгиланади. Сув молекуласи (H_2O)да бу бўш ўринлар тўлдирилган. Шунингдек, нафақат кислород, балки водород (**H**) ҳам валентликка эга бўлиб, унинг бўш ўрни битта. Демак, кўринадики, сув молекуласида кислороднинг ҳам, водороднинг ҳам валентлик имконияти воқеликка айланган бўлиб, улар кислородда бириктирувчи, водородда эса бирикувчи табиатга эга. Ҳар иккала атом (водород ва кислород) ҳам бир-бирига мувофиқ бўлгандагина бирикма ҳосил қилиши мумкин. Масалан, водород ва олтин атомлари бирикиб, молекула ҳосил қила олмайди.

Атомнинг валентлиги рўёбга чиқмаган, намоён бўлиши учун шароит талаб этиладиган имконият. Лисоний бирлик ҳам ана шундай бирикиш-бириктириш имкониятига эга, у (яъни валентлик) ҳам лисоний бирликларнинг ўзи билан муайян тил жамияти аъзолари онгида яшайди. Масалан, [ўқи] лексемаси киши онгида бир нечта бўш ўрнига эга ҳолда мавжуд бўлади ва нутқда воқеланиб, бир вақтда ўзига шунча

бирикувчини ҳам торта олиши мумкин. Уни чизмада қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (30-жадвал):

30-жадвал

<i>Ким</i>	ўқиди
<i>Нимани</i>	
<i>Кимга</i>	
<i>Қандай</i>	
<i>Қачон</i>	
<i>Нима билан</i>	
<i>Нима сабабдан</i>	
<i>Қанча</i>	

Бунда сўроқ олмошлари [ўқи] лексемасига бирикиш имкониятига эга бўлган сўзларга ишора қилади. Бу имконият бевосита кузатишда берилмаган бўлиб, [ўқи] лексемасининг моҳиятида яширинган. Лекин *китобни ўқимоқ, ҳар кунни ўқимоқ, кўп ўқимоқ* нутқий бирикувларида бу имкониятлар битта-битта воқеланган. Қуйидаги бирикувларнинг биринчисида бир вақтнинг ўзида бу имкониятдан иккитаси, иккинчисида эса учтаси воқеликка айланган, сўз бирикмаси ҳосил қилинган:

- 1) *китобни тез ўқимоқ;*
- 2) *кутубхонада китобни тез ўқимоқ;*

[ўқи] лексемасининг онгдаги бирикиш имконияти валентлик экан, унинг нутқий воқеланиши синтактик алоқа ҳисобланади. Демак, валентлик лисоний, синтактик алоқа эса нутқий ҳодиса сифатида қаралади. Улар лисон ва нутқнинг барча қарама-қарши белгиларини ўзида акс эттиради. Масалан (31-жадвал):

31-жадвал

Валентлик	Синтактик алоқа
Умумийлик	Алоҳидалик
Моҳият	Ҳодиса
Имконият	Воқелик
Сабаб	Оқибат

Ёки (32-жадвал):

32-жадвал

Валентлик	Синтактик алоқа
Моддийликдан холи	моддийликка эга
Ижтимоий	Индивидуал
Такрорланувчан	Бетакрор

Лисоний бирликнинг валентлигини тўлдирувчи бирлик *актант* деб ҳам юритилади.

Юқорида айтилганидек, кислород атоми билан бирга водород атоми ҳам валентликка эга бўлганлиги каби [ўқи] лексемасига бирикувчи лексема ҳам валентликка эга. Бироқ [ўқи] лексемаси ҳоким, тортувчи мавқеда бўлганлиги сабабли унинг валентлиги ҳоким валентлик, унга бирикувчи лексеманинг валентлиги эса тобе валентлик дейилади.

Турли атом бир-бирига мос бўлгандагина бирика олганлиги каби лисоний бирлик ҳам маъно ва грамматик жиҳатдан мувофиқ бўлмоғи лозим. Бошқача айтганда, бириктирувчи лексема бирикиши лозим бўлган лексемани нафақат маъно жиҳатдан, балки бир грамматик шаклда ҳам мос бўлишини ҳам талаб қилади. Шунга кўра, валентлик луғавий ва синтактик қатламга ажралади.

Луғавий валентлик. Луғавий валентлик бириктирувчи лексеманинг маъновий жиҳатдан ўзига мос бирикувчиларни танлаши. Масалан, [ҳангра] лексемаси [қуш] лексемасини ўзига торта олмайди, [қуш] лексемаси [ҳангра] лексемасидаги бирорта ҳам бўш ўринга туша олмайди. Чунки уларда маъновий мувофиқлик мавжуд эмас. Лексемалар бир-бирига маъновий мос бўлиши учун уларнинг маъно структураларида ўхшаш маъно бўлакчалари - семалари бўлмоғи лозим. Масалан (33-жадвал):

33-жадвал

[қуш]	[сайрамоқ]
«парранда»	«овоз чиқариш»
«учадиган»	«қушларга хос»
«сайрай оладиган»	

Кўринадики, [қуш] лексемаси маъно таркибидаги «сайрай оладиган» маъно бўлакчаси [сайрамоқ] лексемасида ва ундаги «қушга хос» маъно бўлакчаси қуш лексемасида мавжуд. Бу уларнинг бирикма ҳосил қилишга асос бўла олади.

Энди [қуш] ва [ҳангра] лексемаларини шу тарзда қиёслаб кўрайлик (34-жадвал):

34-жадвал

[қуш]	[ҳанграмоқ]
«парранда»	«овоз чиқариш»
«учадиган»	«эшакка хос»
«сайрай оладиган»	

Бу лексемаларда, юқоридагидек, маъновий мослик кузатилмайди. Шу боисдан [ҳанграмоқ] лексемаси валентлигини тўлдириш учун [қуш]

лексемасини ўзига торта олмайди, [қуш] лексемаси эса [ҳангра] лексемасидаги бўш ўринни тўлдира олмайди.

Лексеманинг валентликлари тор ёки кенг бўлиши мумкин. Масалан: [ҳанграмоқ] лексемасининг *нима* сўроғига жавоб бўладиган валентлиги тўлдирувчиси - [эшак], [хўтик], [ҳанги] лексемалари. [кишинамоқ] лексемасининг бундай валентлигини тўлдирувчи унсурлар - [от], [той], [бедов], [саман] лексемалари. Баъзан бирикувчи ёки бириктирувчи лексемалар маънолари мувофиқ бўлмагани ҳолда улар нутқда бирикув ҳосил қилиши мумкин. Масалан, *Артист «ҳангради»* каби. Бунда энди меъёрий валентлик бузилган ҳолда намоён бўлиб, кўчма, образли маъно юзага чиқади. Лекин бу соф нутқий ҳодиса, [ҳангра] ва [артист] лексемаларининг лисоний моҳиятидан жой олмаган. Чунки [артист] лексемасининг маъно таркиби «санъаткор», «қўшиқчилик-театрга хос» семалари бўлиб, унда «ҳангра» семаси йўқ, [ҳанграмоқ] лексемаси «эшакка хос», «овоз чиқариш» маъно таркибига эга, унда «санъаткор», «қўшиқчиликка хос» маъно бўлакчалари мавжуд эмас.

Луғавий валентликни от ва феъл туркумидан олинган намуна асосида далиллашга ҳаракат қилдик. Лекин лисоний-луғавий валентлик нафақат от ёки феълга, балки бошқа сўз туркумларига ҳам хос.

Синтактик валентлик. Синтактик валентлик лексема валентлигининг иккинчи томони, у ҳоким мавқедаги лексеманинг тобе лексемаларни ўзига тортиш учун уларнинг маълум бир синтактик шаклда – келишик, кўмакчи, равишдош, сифатдош қўшимчасини олишини талаб қилиши. Бу ҳоким лексеманинг синтактик мавқеи, грамматик шакли томонидан белгиланади. Масалан, *Хатни ёзди, Хат ёзилди* синтактик қурилмаларидаги (*хатни*) ва (*хат*) сўзларининг грамматик шакли бош сўзнинг грамматик шакли билан белгиланган.

Синтактик валентлик луғавий валентлик билан зич боғланган, бири ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради, бири йўқолса, иккинчиси ҳам бўлмайди. Масалан, [етакла] лексемаси жўналиш келишигидаги отни ўзига тортмайди (*Ҳалимга етакла* тарзида). Лекин [етакла] лексемаси орттирма нисбат шакли [-*т*] билан шаклланса, (*Ҳалимга*) сўзшакли унга тортила олади. Бунда [етакла] лексемасининг синтактик валентлиги ўзгарди.

Луғавий ва синтактик валентлик ўзаро боғлиқ бўлса-да, улар тез-тез ўзгаришга учраб туради. Масалан, *Ашулачи «ҳангради»* бирикувида синтактик валентлик ўзгармасдан воқеланган, аммо луғавий валентлик янгиланган ҳолда юзага чиққан. Бундай ҳол кўчма маъно юзага чиққанидан далолат беради. *Хат ёзилди, Хатни ёзди* бирикувларида маъновий валентлик жойида, бироқ синтактик валентлик ўзгарган. Бу турлича синтактик шакллар воқеланганлигини кўрсатади. Бироқ айтилган ҳар иккала ўзгариш ҳам бир ёқлама – ё маъновий, ё синтактик табиатга эга. Агар ўзгариш бирданига икки томонлама – ҳам луғавий, ҳам

синтактик бўлса-чи? Бунда деривация содир бўлади. Далил сифатида [очмоқ] феълининг луғавий ва синтактик валентликларини аниқлаш орқали бунга амин бўлиш мумкин:

1. *Терговчи жинойтни очди.*
2. *Жинойтчи терговчи томонидан очилди.*
3. *Американи Веспуччи очди.*
4. *Гул очилди.*

1- ва 2-мисолда [очмоқ] феъли валентликларини тўлдирувчи сўз (*терговчи*) нинг маъноси ўзгармаган, лекин синтактик шакли (*терговчи* - бош келишиқда, *терговчи томонидан* - кўмакчили) ўзгарган. Демак, [очмоқ] лексемасининг маъновий валентлиги ўзгаришсиз сақланган, синтактик валентлиги ўзгарган. Бу ўзгариш [очмоқ] феълига [-ил] мажхул нисбат кўшимчаси томонидан киритилган. 3-мисолда эса феълнинг синтактик валентлиги ўзгаришсиз қолгани ҳолда маъновий валентлик ўзгаришга учраган. Чунки [Америка] сўзининг маъноси [очмоқ] феъли маъносига мувофиқ келмайди. Аммо синтактик шакли мос. 4-мисолда эса ҳам маъновий, ҳам синтактик валентликлар буткул ўзгарган. Чунки [гул] сўзи [очмоқ] феълига маъновий жиҳатдан мос эмас. Бундан ташқари, бирикувчи сўзнинг синтактик шакли ([гул] – бош келишиқ) [очмоқ] феълга -ил кўшимчаси кўшилиши натижасида ўзгаришга учраган.

Демак, маълум бўладики, лексеманинг лисоний валентлиги иккиёқлама, маъновий томони унга қандай лексема бирика олиши меъёри, чегарасини кўрсатса, синтактик томони бирикувчи сўзнинг қандай грамматик кўшимчани олишини белгилайди.

Грамматик шакл валентлиги. Лексемага грамматик шакл кўшилганда уларнинг бирикувчилари сирасида жиддий ўзгариш юз беради. *Шоирман* сўзшакли – [-ман] шахс-сон кўшимчаси билан бирикмасдан олдин, яъни [шоир] лексемаси сифатида [мен] олмоши билан бирикиш эҳтиёжга эга эмас эди. Шахс-сон маъносини ифодаловчи (-ман) кўшимчасини қабул қилгач, шундай эҳтиёж туғилди. Бу эҳтиёж, зарурат [-ман] кўшимчасида мужассам, у II шахс бирлик сон шахс/сон кўшимчасининг синтактик эҳтиёжи, кенгайиш талаби, яъни валентлиги.

Грамматик шакл ўзи кўшилиб келган лексеманинг лисоний (маъновий ва синтактик) валентлигини ё кенгайтиради, ёки чеклайди. Масалан, эгалик кўшимчаси ўзи кўшилиб келган исм туркумига мансуб сўзга қаратқич келишиги шаклида турган бошқа исм билан қаралмиш–қаратувчи алоқасига киришиш имкониятини беради. Демак, ўзи кўшилиб келган сўзнинг синтактик имкониятини кенгайтиради. Сўзшакл маъновий ва синтактик валентлиги шу сўзшакл учун асос бўлган лексема лисоний валентлигидан кенг. Шундай ҳодисани орттирма нисбат морфемаси билан ўтимсиз феъл лексема бирикишида кўриш мумкин. Қиёсланг: *Машина юрди. Бола ухлади.* [ухла], [юр] феъллари воситасиз тўлдирувчи билан

бирика олмайди. Лекин *Ҳайдовчи машинани юргизди, Она болани ухлатди* меъёрий бирикма. Воситасиз тўлдирувчи билан бирика олиш валентлик қобилиятини [юр], [ухла] лексемаларига орттирма нисбат морфемаси берди, бошқача айтганда, бу феълга қўшилиб келгач, у морфема ўз валентлигини олиб келди. Айрим грамматик шакл ўзи қўшилиб келган лексеманинг лисоний валентлигини торайтиради. Масалан, мажхул ва ўзлик нисбат шакли ўтимли феълни ўтимсизлаштиради, унинг воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш имкониятини чеклайди. Бунга амин бўлиш учун [китоб] лексемасининг грамматик шаклсиз ва грамматик шаклланган ҳолатида валентлик имкониятини таққослаш кифоя (35-жадвал):

35-жадвал

<i>Қизиқ</i>	<i>Китоб</i>
<i>Ката</i>	
<i>Бадийй</i>	
<i>Ўнта</i>	
<i>Кўп</i>	
<i>Қизиқ</i>	<i>Китобча</i>
<i>Ката</i>	
<i>Бадийй</i>	
<i>Ўнта</i>	
<i>Кўп</i>	

Аён бўладики, 2- ва 3- чизмада [китоб] лексемасининг бирикув имконияти кўплик сон шакли [-лар] ва кичрайтириш қўшимчаси [-ча] ҳисобига торайган. Қуйидаги гапларда эса лексеманинг бириктириш имконияти кенгайганлигига амин бўламиз: 1. *Ҳалим китоб ўқиди.* 2. *Ҳалим укасига китоб ўқитди.*

Синтактик алоқа. Мустақил сўзларнинг нутқ жараёнидаги эркин боғланиши *синтактик алоқа* дейилади: *Сувлар тиниқ, тоза ҳаво.* Синтактик бирлик бир неча аъзоли бўлади. Фақат гап бир аъзоли бўлиши мумкин. Нутқда сўзларнинг бир-бири билан боғланиши ҳар бир тилнинг ЛСҚ, лексеманинг бирикиш имконияти асосида содир бўлади.


Сўзнинг синтактик муносабатга киришуви натижасида ҳосил бўлган синтактик курилма *сўз қўшилмаси* дейилади. Бу сўзнинг бир-бирига эргашиши (*аълочи ўқувчи*) ёки тенглашиши (*олма ва анор*) шаклларида бўлиши мумкин. *Аълочи ўқувчи* бирикмасида бир сўз маъновий қобилиятини намоён қилиш учун бошқасига эҳтиёж сезади. Аниқроғи, *ўқувчи* узви изоҳланишга муҳтож. Шу боисдан *аълочи* сўзи унга эргашиб, изоҳлаб келади. Бу тобеланиш алоқаси. Тобеланиш алоқаси натижасида сўз бирикмаси ва гап ҳосил бўлади: *тиниқ сув, Ҳалим ўқиди.* Ўзбек тилида кейин келиб, маъноси изоҳланаётган сўз ҳоким (бош) сўз, ҳоким сўзга

эргашиш йўли билан боғланиб, унинг маъносини изоҳлайдиган сўз тобе (эргаш сўз) дейилади. *Тиниқ сув, Ҳалим ўқиди* бирикувларида *тиниқ* ва *Ҳалим* сўзлари тобе, *сув* ва *ўқиди* сўзлари – ҳоким аъзо.

Нутқда сўзларнинг барчаси ҳам тобе алоқада боғланавермайди. Сўзлар *олма ва анор, нок ва анжир, ўқиди ва ёзди* шаклида бири иккинчисига бўйсунмай, тенг ҳолда ҳам боғланиши мумкин. Бу сўз қўшилмалари аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, бири иккинчисининг маъносини изоҳламайди.

Демак, сўзлар орасидаги алоқа икки хил: тенглашиш ва тобеланиш. Улар эса уч хил ҳосилани беради: сўз бирикмаси, сўз тизмаси ва гап. Тенглашиш алоқаси асосида сўз тизмаси ҳосил бўлса, тобеланиш алоқаси асосида сўз бирикмаси ва гап шаклланади.

Сўз тизмаси. Сўз тизмаси (*олма ва анор*) тенг ҳуқуқли аъзолардан ташкил топади. Улар орасида тобелик бўлмайди. Шунга мувофиқ, сўзлар орасида бир-бирини изоҳлаш, тўлдириш ҳодисаси ҳам йўқ. Сўз тизмаси ташкил этувчиларининг ўрнини алмаштириш ҳам мумкин: *анор ва олма*. Бу уларнинг синтактик мавқеи ва маъносига путур етказмайди. Сўз тизмасидаги аъзолар биргаликда бошқа сўзга тобеланиб, уни аниқлаши (*оқ ва сариқ гуллар*) ёки бошқа сўз томонидан изоҳланиб, биргаликда ҳоким аъзо бўлиб келиши мумкин (*ширин олма ва анор*). Шунингдек, сўз тизмасидаги ҳар бир аъзо ўзига хос тобе узвларга ҳам эга бўлиши мумкин (*ўқиётган бола ва ёзаётган қиз*). Уни чизмада қуйидагича бериш мумкин:



Сўз тизмаси аъзолари тенг боғловчилар ёрдамида ёки боғловчи воситасиз, фақат оҳанг ёрдамида боғланиши мумкин: *бола, қиз* каби. Сўз тизмаси аъзолари, асосан, бир сўз туркумига мансуб лексемалар воқеланиши бўлади: *олма* (от) ва *анор* (от). Баъзан улар турли туркумдан ҳам бўлади: *Ҳалим* (от) ва *мен* (олмош).

Сўз бирикмаси бирикувчи сўзларнинг ҳоким-тобелик муносабати асосида ҳосил бўлади. Бунда изоҳланувчи аъзо кенгаювчи, изоҳловчи аъзо кенгайтирувчи аъзо деб ҳам юритилади: *китобни ўқимоқ* (*китобни* - изоҳловчи, кенгайтирувчи, *ўқимоқ* - изоҳланувчи, кенгаювчи).

Тобеланиш алоқасида ҳоким аъзо ҳокимлик мавқеи ва воситасига, тобе аъзо тобелик мавқеи ва уни таъминловчи воситага эга бўлади. *китобни ўқимоқ* бирикмасида *китобни* аъзоси олдин келиб, тушум келишиги кўрсаткичи билан шаклланган бўлса, *ўқимоқ* аъзоси ҳокимлик мавқеи ва шаклига эга.

Аъзоларнинг ҳоким-тобелигини билдирадиган шаклий кўрсаткич ҳар доим ҳам бўлавермайди. Морфологик кўрсаткич бўлмаганда ҳам тобелик ва ҳокимлик белгиси бирикувчи сўзларнинг луғавий-грамматик табиатидан, синтактик ўрнидан ҳамда тартиб ва оҳангдан билиниб туради. Масалан: *тиниқ сув* (тобе+ҳоким), *сув тиниқ* (тобе+ҳоким).

Нутқий бирикувда ҳоким-тобелик белгисини аниқлашда оҳангга асосланишнинг аҳамияти катта. Масалан, сўз тизмасида санаш оҳанги мавжуд бўлса (*қалам, дафтар*), сўз бирикмасида кўтарилувчи (*китобни ўқимоқ*) ва гапда пасаювчи оҳанг (*сувлар тиниқ*) амал қилади. Бирок ҳоким-тобеликни аниқлашда морфологик кўрсаткичга таяниш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаганлиги каби (чунки морфологик кўрсаткичсиз ҳам сўз бирикуви ҳосил бўлаверади - *қизил қалам*), оҳанг ва сўз тартибига таяниш ҳам мутлақ асос эмас. Чунки *китобни ўқиди* нутқий сўз бирикмаси пасаювчи оҳанг билан айтилса, *ўқидим китобни* ҳосиласида ҳоким сўз олдин тобе сўз кейин келса-да, у сўз бирикмаси саналаверади. Умуман, тобеликнинг кўрсаткичлари бўлмаганда, тартиб – ҳоким-тобеликнинг асосий белгиси, бундай кўрсаткич бўлганда эса у ўз кучини йўқотади.

Тенглашиш уюшиқ бўлақлар ва айрим қўшма гап аъзолари орасида амал қилса, булардан бошқа боғланиш – тобеланиш алоқаси.

Гап. Гапнинг асосини ҳам тобеланиш ташкил қилади. Кесим гапнинг марказий, уюштирувчи бўлаги бўлиб, у барча гап бўлагини ўзига бевосита ёки билвосита тобелайди.

Синтактик алоқани таъминловчи восита. Эркин бирикмада сўзларнинг боғланиши ва унда синтактик алоқа воситалари турлича: *аълочи ўқувчи, ўқитувчини табрикламоқ, телефон орқали гаплашмоқ, китобнинг варағи* ва ҳ. каби.

Сўзларнинг турли восита ёрдамида боғланиши уларнинг қайси луғавий-грамматик тип (сўз туркуми) га киришига, луғавий-грамматик хусусиятига боғлиқ. Зеро айрим луғавий-грамматик тип, асосан, тобе аъзо вазифасида келиш учун ихтисослашган (масалан, сон, равиш, сифат): *беш ўқувчи, тез гапириш, аълочи бола* каби. Шунинг учун улар сўз бирикмасида тобе аъзо мавқеида келиш учун маълум бир грамматик кўрсаткични талаб қилмайди. Айрим сўз туркуми (масалан, от, феъл), асосан, ҳоким мавқе эгаллашга ҳосланган: *иссиқ **нон**, китобни келтирмоқ*. Шу боисдан улар тобе аъзо сифатида нутқда иштирок этиши учун асосан ўзига хос грамматик шакл касб этади: *пахтани термоқ, терилган пахта*.

Синтактик алоқани ифодаловчи восита синтактик шакл ҳосил қилувчи қўшимча, ёрдамчи сўз, сўз тартиби ва оҳангдир.

Алоқа-муносабат (синтактик) шакллари (синтактик шакл ҳосил қилувчи восита) – келишиқ, эгалиқ, кесимлик кўрсаткичлари. Алоқа-

муносабат шакллари шаклий омил сифатида сўзларнинг эркин боғланишида фаол: *Мен қишлоққа ўтдим* гапида [-га] шакли *қишлоқ* сўзини *ўтмоқ* феъли билан, [-дим] кесимлик шаклидаги [-м] кўрсаткичи *мен* сўзини *ўтмоқ* феълига тобелаш вазифасини ўтамоқда.

Эгалик қўшимчалари мустақил сўзларнинг ҳоким мавқеда келишини ифодалаб, унинг тобе сўзга муносабатини кўрсатади (*сизнинг уйингиз*). Шунингдек, боғлаш билан биргаликда, ҳоким ва тобе сўзнинг шахс ва сонда мослашишини ҳам таъминлайди.

Келишик – мустақил сўзнинг барчаси учун тобеликни таъминловчи формал кўрсаткич. Масалан, бош келишик эгани, тушум келишиги тўлдирувчини, қаратқич келишиги аниқловчини ҳоким бўлакка тобелайди.

Шахс-сон қўшимчалари, кесимликнинг бошқа шакллари билан биргаликда, ўзи ҳосил қилаётган ҳоким бўлакни тобе бўлак – эгага боғлайди.

Ёрдамчи сўз. Синтактик алоқани ифодалашда қўлланадиган ёрдамчи воситалар (кўмакчи, боғловчи ва боғлама) бирикувларда шаклий омил сифатида намоён бўлади.

Кўмакчининг бир сўзни иккинчи сўзга тобеловчи восита эканлиги, маъно ва вазифа жиҳатдан келишикка ўхшашлиги (*телефонда гаплашмоқ - телефон орқали гаплашмоқ*), шунингдек, сўзни синтактик алоқага киритишда ўзи билан бирга унинг бирор келишик шаклида бўлишини ҳам талаб қилиши маълум: *Маррага қадар бир текисда югуриб боришди.* (А.Ғул.)

Боғловчи одатда, сўз тизмалари, гапларнинг аъзоларини боғлаш учун хизмат қилади. Масалан: *олма ва анор. Мен ўқидим ва ёздим.* Тенг боғловчи биринчи мисолда сўз тизмаси аъзоларини, иккинчи мисолда эса қўшма гап аъзоларини боғлаш учун хизмат қилган.

Боғлама от кесимни эга ёки бошқа тобе аъзо билан боғлаш учун хизмат қилади: *Биз ўтган йили талаба бўлдик.* Бунда *бўлдик* боғламаси шахс-сон ва замон маъноларини ифодалаган ва кесимни унинг шахс (*биз*) ва замон (*ўтган йили*) кенгайтирувчилари билан боғлаган.

Сўз тартиби. Сўзлар эркин бирикувда грамматик шакл асосида боғланганда, сўз тартиби ўзгарса-да, у маъновий муносабат ёки боғланишга таъсир қилмайди: *Сен китобни келтирдингми? Китобни сен келтирдингми? Келтирдингми сен китобни?* бирикувидаги сўз ўрни алмаштирилганига қарамай, *келтирдингми* сўзшакли ҳоким, *сен* ва *китобни* сўзшакллари тобе аъзо сифатида қолаверган. Чунки улар синтактик мавқеини таъминловчи восита – морфологик кўрсаткичга эга. Сўзнинг ҳоким-тобелиги (синтактик мавқеи)ни кўрсатувчи восита бўлмаганда сўз тартибининг қиммати ошади (*аччиқ олма*). Бунда сўзнинг гапдаги функцияси, асосан, тартиби билан белгиланади, тартиб ўзгарса,

мазмун билан бирга, синтактик ҳолат ҳам ўзгаради: *Ҳаёт гўзал* (эга+кесим), *гўзал ҳаёт* (аниқловчи+аниқланмиш).

Гапда услубий мақсадларда сўз тартиби ўзгариши мумкин: *Ўқитувчи интизом ҳақида гапирди. Интизом ҳақида ўқитувчи гапирди.* Тартибнинг бундай ўзгариши аъзоларнинг ҳоким-тобелигига таъсир қилмайди, бироқ гапнинг услубий жиҳатига, фикрдаги маъно нозиклигига таъсир кўрсатади.

Оҳанг. Оҳанг ҳам, юқорида айтилганидек, бирикувнинг табиатини кўрсатувчи нисбий восита. Гап тугалланган оҳанг билан айтилади, унинг таркибидаги айрим бирикувлар санаш (*олма ва анор*), айримлари кўтарилувчи оҳангга (*қизил қалам*) эга бўлади.

Оҳанг (пауза) бирикувнинг синтактик бўлинишини кўрсатади. Масалан, *Кўп қаватли уй* бирикмасини икки хил (*кўп//қаватли уй* ва *кўп қаватли//уй* тарзида) айтиш мумкин. Демак, синтактик алоқани, унга боғлиқ равишда мазмуний фарқланишни ифодалашда оҳангнинг ўрни бор. Яъни, *кўп//қаватли уй* тарзида биринчи сўздан кейин пауза қилиниши натижасида (*кўп*) сўзшакли тобе ва *қаватли уй* бирикмаси унга ҳоким мавқеда бўлиб, бунда қаватли уйларнинг кўплиги ҳақидаги маъно англашилади. Иккинчи ҳолатда (*кўп қаватли//уй*) эса *кўп қаватли* бирикмаси тобе, *уй* сўзшакли эса ҳоким мавқеда, бирикмадан эса уйнинг қаватлари кўплиги маъно намоён бўлган.

Санаш оҳанги бир хил бўлакнинг алоқасини ифодалайди: *Олтин, кумуш тош бўлар.* (Мақ.)

Кўшма гапнинг таркибий қисмлари орасида ҳам махсус-қарама-қаршилиқ (*Кундузи иссиқ - кечаси совуқ*), шарт (*Сен кел - у боради*), сабаб (*Кеча боролмадим - меҳмонлар келиб қолди*) маъновий муносабати мавжуд.

Кўринадики, айрим ўринда сўзлар ва гапларни боғлашни оҳангнинг ўзи бажаради. Боғлашни бошқа воситалар ўз зиммасига олганда, оҳангнинг роли кучсизланади.

СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўз бирикмаси нутқ бирлиги сифатида

Нутқий сўз бирикмаси (СБ) ҳақида тушунча. Нутқда тушунчаларни аниқроқ ва муайянороқ ифодалаш зарурати туғилади. Бу эса нисбий ноаниқ тушунча ифодаловчи сўздан нисбий аниқ тушунча ифодаловчи сўз бирикмасини афзал қилиб қўяди. Қиёсланг: *ўқимоқ - тез ўқимоқ*. Кейинги нутқий ҳосилада «ҳарфларни уриштириб маъносини тушуниш» ҳаракати (*ўқимоқ*) сўзидагига нисбатан аниқроқ. Чунки унга *тез* сўзи қўмаклашган. Кўринадики, сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам тушунча ифодалайди. Сўз ифодалайдиган тушунча ноаниқ ва, демак, кенгрок (масалан, *ўқимоқ* феълида ҳаракат тез ҳам, секин ҳам бўлиши мумкин), сўз бирикмасида эса икки тушунча ўз мустақилликларини сақлаган ҳолда нисбий аниқ ва муайян ҳаракат («ҳарфларни тез уриштириб, маъносини тушуниш») ифодаланган. Демак, сўз ўз маъновий имкониятини тўлароқ ва равшанроқ намоён қилиши учун бошқа бир мустақил сўзга эҳтиёж сезади. Бу сўз унинг маъновий эҳтиёжини қондирмоғи учун ҳам маъновий, ҳам грамматик жиҳатдан унга мувофиқ бўлмоғи лозим. Буни равшанроқ англаш учун қуйидаги ҳосилаларга диққат қилайлик:

олманинг термоқ

осмонни тишламоқ

Ҳалим келди

китобни ўқимоқ

Бирикмаларнинг биринчисида (*олма*) ва (*термоқ*) сўзлари маъновий жиҳатдан мувофиқ бўлиб, бироқ уларнинг грамматик шакли (қаратқич келишиги) мос эмас. Иккинчи бирикув (*осмонни ушламоқ*) да сўзлар грамматик шакли жиҳатдан мос бўлса-да, маъновий табиатининг «беўхшовлиги» уларнинг бирикув ҳосил қилишига йўл қўймайди. Учинчи бирикувда аъзолар ҳам маъновий, ҳам шаклий жиҳатдан мувофиқ. Улар бирикуви тушунча эмас, фикр ифодалайди. Тўртинчи бирикув (*китобни ўқимоқ*) буларнинг барчасидан фарқланади ва бирдан ортиқ мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан ҳоким-тобелашувидан ташкил топиб, тушунча ифодалашга хосланганлиги билан характерланади. Бунда бир сўз тобе, иккинчиси ҳоким, тобелик ва ҳокимлик хоссаси ҳамда воситасига эга. Бу – уларнинг маъновий мослиги ва тобелиги (ҳокимлиги) грамматик шакли ҳамда жойлашув (олдинма-кейинлик) хусусияти.

Демак, нутқий сўз бирикмалари учун қуйидаги белгиларни кўрсатиш мумкин:

- а) бирдан ортиқ мустақил сўз;
- б) аъзоларнинг маъновий ва грамматик жиҳатдан мослиги;
- в) тобелик;

д) тушунча ифодалаш.

Сўз бирикмаси бу тўрт белгисининг ҳар бири билан ўзига ёндош ҳодисаларга ўхшайди ва бир вақтнинг ўзида фарқланади ҳам. Масалан, бирдан ортиқ мустақил сўздан ташкил топганлиги билан сўздан фарқ қилса, тушунча ифодалаш билан у билан ўхшашлик касб этади. Гап бирдан ортиқ мустақил сўзнинг маъновий ва грамматик жиҳатдан тобеланиши асосида ҳам вужудга келади. Лекин у СБ дан фарқли ўлароқ, фикр ифодалайди. Демак, СБ билан унинг ўхшашлари муносабатига алоҳида-алоҳида тўхталиш лозим бўлади.

СБ ва сўз. Сўз бир тушунчани ифодалайди. СБда эса бирдан ортиқ тушунча муносабатга киришган ҳолда воқеланади. Сўз асосида лексема ва морфема ҳамда уларнинг бирикув қонунияти ётса, СБга лексемалар бирикувини тартибга солувчи ЛСҚ асос бўлади. Айтилганидек, сўзда тушунча, маъно кенг ва мавҳум бўлади. Сўз бирикмасида эса бу кенглик ва мавҳумлик бир қадар барҳам топган бўлади. Масалан, *қизиқ китоб* бирикмасида китобнинг бир белгиси намоён бўлган. Шу жиҳатдан у муайянлик касб этган. Аммо бу муайянлик нисбий ва бирёқлама. Чунки, масалан, унинг бадиий ёки илмийлиги ҳали мавҳум ва ноаниқ. *Қизиқ бадиий китоб* бирикмасида бу белги ҳам муайянлик касб этади. Сўз бирикмасида сўз бошқа сўзни ўзига бириктириб кенгайиши билан маъновий жиҳатдан торайиб боради. Демак, шаклий кенгайиш маъновий торайишни келтириб чиқарса (сўз бирикмасида), шаклий торлик (сўзда) маъновий кенглик билан муносиб.

СБда маънолар ўзаро муносабатга киришар экан, бунда улар яхлитланиб, бир «вужуд»га айланиб кетмайди. Бир-бирига қанча яқинлашмасин, барибир ўз мустақилликларини сақлаб қолади. Масалан, *тоза ҳаво* бирикмасида бир маъно иккинчисига муайянлик киритиш учун хизмат қилади, лекин, барибир, бунда икки тушунча мавжуд. Икки тушунча орасидаги муносабат маълум бир меъёр чизигидан ўтса, улар яхлит тушунчага айланади ва бир бутун ҳолда янги маъно англатади. Масалан, *белбоғ* сўзи дастлаб *белнинг боғи* бирикуви шаклида бўлиб, бунда икки тушунча муносабати (ҳоким-тобелиги) мавжуд. Бироқ бу уларнинг яхлитланиши даражасига етмаган. (*Белбоғ*) сўзида эса муносабатнинг меъёр чизигидан кейинги ҳолатига дуч келамиз.

Сўзларнинг алоҳида кўриниши бўлган қўшма сўзлар аслида сўз бирикмалари узвларининг яхлитланиши – сўз бирикмасининг маъновий тараққиёти маҳсули.

СБ ва ибора. СБ аъзолари тобе муносабатли мустақил сўз бўлса, ибора ҳам мустақил сўзлар бирикувидан ташкил топса-да, орасидаги синтактик алоқа сўнган, бу сўзлар ўзаро яхлитланиб, ибора ўзида тайёрлик, мажбурийлик, барқарорлик каби белгиларни ташийдиган лисоний бирлик каторидан жой олган. Ибора ташкил этувчилари

(зоҳирий) жиҳатидан СБ га ўхшаса-да, моҳиятан лексемага яқинлашади. Зеро *тарвузи қўлтигидан тушди* ибораси билан *бўшаимоқ* сўзининг маъновий моҳияти яқин. Лексема каби ибора ҳам яхлит ҳолда яшайди. Сўз бирикмаси эса вақтинча ва ўзгарувчан. Сўз бирикмасини ташкил этган сўзлар нутқда ўз мустақил маънолари билан қатнашгани ҳолда ибора таркибидаги сўзлар ўзларининг хос маъносидан узоқлашган (*тарвузи қўлтигидан тушди* иборасида *тарвуз, қўлтиқ, тушмоқ* сўзлари ўзларининг хос маъноларига эга эмас).

СБ да ҳоким ва тобе, кенгаювчи ва кенгайтирувчи сўз. СБ да маъноси муайянлаштирилаётган сўз ҳоким ва унинг маъносини муайянлаштирувчи сўз тобе аъзо дейилади (масалан, *китобни ўқимоқ* бирикмасида *китобни* тобе ва *ўқимоқ* ҳоким аъзо). Бир сўз бир нечта сўзни ўзига тобе аъзо сифатида бириктириши мумкин. Лекин СБда бир сўз фақат бир аъзогагина тобе аъзо сифатида боғланиши мумкин, холос. Масалан, *катта, чиройли гулчамбар* бирикмасида *гулчамбар* сўзи иккита сўзга ҳоким. Лекин *чиройли* сўзи бир сўзгагина тобе. Ҳоким мавқеда юзага чиқаётган лексема ўзининг ҳоким, тобе вазифада юзага чиқаётган лексема эса ўзининг тобе валентлигини намоён қилади. Ҳоким ва тобе аъзо вазифалари, грамматик шакли ва синтактик ўрни асосида белгиланади. Тобе аъзо олдин келиб, кейингисининг маъносини изоҳлашга хосланган бўлади ва бунга мос грамматик кўрсаткич билан шаклланади, маълум синтактик ўринга эга бўлади. Ўзбек нутқида одатда, ҳоким сўз кейин тобе сўз олдин келади. Нутқий инверсия (ҳоким ва тобе сўз тартибининг бузилиши) асосидаги сўз бирикмаларигина бундан мустасно: *ўқидим китобни, Дилишода, ҳамшира* каби. Ҳоким сўз *кенгаювчи* ва тобе сўз *кенгайтирувчи* сўз деб ҳам юритилади. *Кенгаювчи* ва *кенгайтирувчи* атамалари нисбий моҳиятга эга бўлиб, шаклга нисбатан айтилгандагина тўғри бўлади. Масалан: *китобни ўқимоқ* бирикмасида (*ўқимоқ*) сўзига яна бир сўзи бирикади ва бир сўз иккита бўлиб, шаклий «ёйилиш», яъни кенгайиш юз берди. Шаклий кенгайиш эса маъновий торайишни вужудга келтиради. Бунда шакл ва мазмун диалектикаси янада яққолроқ намоён бўлади. Чунки [*ўқимоқ*] лексемасининг маъноси кенг, у ўқиладиган барча нарсалар устида юз берадиган тегишли ҳаракатни ифодалайди. *Китобни ўқимоқ* бирикмасида эса айрилган «барча нарсалар»дан асосан «китоб устида бажариладиган ҳаракат» моҳиятли торайган маъноси қолади. *Кенгаювчи* атамасини фақат бош сўзга, *кенгайтирувчи* атамасини фақат эргаш сўзгагина хос қилиб қўйиш ҳам бирёқламалик. Зеро *китобни ўқимоқ* бирикмасида *китоб* лексемаси тобе, *ўқи* лексемаси ҳоким валентлигини намоён қилганлиги каби унда *ўқимоқ* сўзи *китобни* сўзшакли учун маъновий торайтирувчи ва шаклий кенгайтирувчи вазифани намоён қилади. Зеро *китобни* сўзшакли ўтимли ҳаракатни ифодаловчи чексиз лексема билан боғланиш имкониятига эга.

Ўқимоқ сўзшакли билан бирикиш асосида унда маъновий торайиш, шаклий кенгайиш юз беради.

СБ да боғланиш усули. СБ аъзолари орасидаги боғланиш, яъни тобеланиш уч хил: *битишув, мослашув, бошқарув*. Бу алоқа турининг ўзига хос хусусияти ва фарқи аъзоларни бириктирувчи кўрсаткич ёки бошқа воситадан келиб чиқади. Масалан, *тез юрмоқ, қаламни олмоқ, китобнинг варағи* бирикмаларида тобе сўзнинг қайси шаклда келиши кўпинча, унинг ҳоким сўзига (*қаламни олмоқ*) боғлиқ бўлса, баъзан ҳар иккала аъзо бир-бирининг қандай шаклда бўлишини белгилаб қўяди (*китобнинг варағи*).

Битишувда бириккан сўзларнинг ўзаро алоқаси, асосан, тартиб ва оҳанг билан белгиланади. Битишув алоқасида морфологик кўрсаткич бўлмаса-да, тартиб муҳим восита сифатида намоён бўлади. Бунда тобе сўз ушбу мавқеда келиш учун шаклий жаҳатдан ўзгармайди. Зеро тобе аъзо сифатида намоён бўлаётган сўз маъновий ва вазифавий жиҳатдан бунга хосланган бўлади. Мисоллар: *қизил гул, оқ қоғоз*. Баъзан от туркумидаги сўзлар ҳам ҳеч қандай воситасиз тобе вазифада кела олади: *олтин соат, тош йўл* каби. Бунда улар моҳиятан тобе аъзолик доимий белгиси бўлган сифат, сон, равиш туркумига яқинлашади. Бу ҳодиса нуткий бўлиб, *олтин, тош* лексемасининг лисоний моҳияти билан белгиланмаган.

Қуйидаги сўзлар битишув йўли билан боғланган:

- 1) равиш + феъл: *ўз-ўзидан гапирмоқ;*
- 2) сифат+феъл: *яхши сўзламоқ;*
- 3) сон+от: *ўнта қалам, саккиз дафтар;*
- 4) от+от: *кумуш қошиқ, чанг йўл;*
- 5) олмош+от: *ҳамма одам, қандай китоб.*

Айрим манбаларда тобе сўз вазифасида равишдош (*шошилиб гапирди*), сифатдош (*ўқиган бола*) юзага чиққан бирикув ҳам битишувли бирикма сифатида қаралади. Ваҳоланки, бу ерда равишдош кўрсаткичи [-иб] феълни феълга (*шошилиб гапирди*), сифатдош шакли [-ган] феълни отга (*ўқиган бола*) боғлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, буларнинг морфологияда луғавий-синтактик шакл сифатида қаралиши ҳам улар ҳосил қилган бирикувни битишувли эмас, балки бошқарувли бирикув сифатида баҳолашни тақозо этади.

Битишувда аъзоларнинг ҳоким-тобелик ҳолати, асосан, тартиб ва жойлашув омили асосида белгиланади: (тобе аъзо + ҳоким аъзо), яъни тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келади ҳамда аъзолар орасига бошқа сўзни киритиб бўлмайди, (*кумуш қошиқ бирикмасини кумуш ўнта қошиқ* деб ўзгартириб бўлмайди). Баъзан битишувда ҳам тартиб иккинчи ўринга тушиб қолгандек туюлади: *Мажлис бўлади – Мажлис кечқурун бўлади*. Лекин бунда *мажлис* сўзи феълга битишув асосида эмас, балки бош келишиқда боғланаётганлигини эсан чиқармаслик лозим.

Демак, битишув алоқасида тартиб ва оҳанг муҳим роль ўйнайди. Бунда тобелик тартиб ва жойлашувдан, сўзнинг грамматик хусусияти ва маъносидан англашилиши аён бўлиб туради.

Келишик аффикси ўз маъноларини йўқотган *тезда келмоқ*, *ўз-ўзидан рақсга тушиб кетмоқ*, *бирдан гапирмоқ* бирикувини ҳам битишув алоқаси сифатида қарамоқ лозим. Чунки келишик кўшимчаси бу СБда ўз тизимидан ажралиб, сўз таркибида «қотиб қолган». Булар – келишик кўшимчасини олган ҳолда равишга кўчган сўз.

Бошқарув алоқаси бир томонлама шаклланган СБлар таркибида амал қилади. Фақат тобе аъзолари бирикиш учун тобеловчи кўшимча олган СБ бошқарув йўли билан боғланган дейилади. Бунда ҳоким сўз тобе сўзнинг қандай шаклда бўлишини бошқаради. Масалан, *китобни ўқимоқ* бирикмасида тобе сўзнинг тушум келишиги шаклида келиши *ўқимоқ* феълнинг ўтимлилиги билан белгиланган. Агар бу феъл ўтимсиз феълга айлантирилса, (*ўқилди*) тобе сўздаги тушум келишиги шакли *ўз-ўзидан ғойиб бўлади: китобни ўқимоқ - китоб ўқилди*.

Бошқарув алоқасида тобе сўзни ҳар хил туркумдаги сўз бошқариши мумкин. Мисоллар: *уйга бормоқ* (феълли бошқарув), *мендан катта* (сифат бошқаруви), *товушдан тез* (равишли бошқарув), *ўқишда биринчи* (сон бошқаруви), *айтган бола* (отли бошқарув).

Бошқарув уни амалга ошираётган воситага боғлиқ равишда келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув, равишдошли бошқарув, сифатдошли бошқарув каби турга ажралади.

Мослашув СБнинг икки томонлама грамматик шаклланган тури бўлиб, бунда тобе аъзо ҳоким аъзога мувофиқ эгалик шаклини, ҳоким аъзо тобе аъзога мувофиқ равишда қаратқич ёки бош келишик шаклини олади. Масалан, *укамнинг дафтари*, *сизнинг уйингиз*, *Фузулий газали* каби. *Мослашув* атамаси ҳар иккала аъзо бир-бирини тақозо қилувчи морфологик воситага эгалигини англатади. Мослашув алоқасида тобе аъзо қаратувчи, ҳоким аъзо қаралмиш деб юритилади.

Мослашув алоқасида тобе аъзо (*Фузулий газали*) [0] шакли бўлганлиги каби, ҳоким аъзо ҳам кўрсаткичсиз қўлланиши мумкин: *сизнинг уйингиз* – *сизнинг уй*, *бизнинг китобимиз* – *бизнинг китоб* каби. Бу *сиз* ва *биз* олмоши ҳамда [-*нгиз*] ва [-*миз*] кўрсаткичининг тарихий генетик боғланиши билан изоҳланади. Зеро *уларнинг китоби* бирикмасини *уларнинг китоб* тарзида қўллаб бўлмайди.

СБ да боғланиш омили. СБнинг тузилиши, ташкил этувчи аъзоларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш жараёнида бирикишнинг ички қонунияти очилади. СБда боғланиш аъзолардан бирининг фаоллиги асосида эмас, балки ҳар икки аъзонинг ҳам бир-бирига, аввало, маъновий, қолаверса, шаклий, жойлашув жиҳатдан мослашиши асосида юз беради. Чунки тобеланаётган лексеманинг бирикиш имконияти воқеланишга,

ҳоким аъзонинг бириктириш талаби эса қондирилишга интилади. СБдаги аъзоларнинг гоҳ биттасининг (*мактабга бормоқ*), гоҳ иккинчисининг ҳам (*мактабнинг боғи*) грамматик шаклланиши асосида синтактик алоқанинг икки хил – бир томонлама алоқа, икки томонлама алоқа турини фарқлаш маъқул эмас. Унда битишувли (*кенг дала*) бирикмаларни ҳеч қандай алоқасиз бирикма дейишга тўғри келган бўлур эди. Юқоридаги алоқанинг икки кўриниши боғловчи воситага қараб белгиланган, холос.

Сўз бирикмасида алоқа ҳар доим ҳам икки томонлама. СБ аъзоларининг икки ёқлама-бирикиш имконияти (тобе аъзо) ва бириктириш талаби (ҳоким аъзо) алоқадорлиги бевосита аъзоларнинг бирикиш-бириктириш қобилиятига асосланади.

СБ аъзолари орасидаги боғланиш ҳар бир сўзда яхлит ҳолда мавжуд бўлган маъновий (**М**), шаклий (**Ш**), жойлашув (**Ж**) омилларининг ўзаро мувофиқлигига таянади. Масалан, *китобни ўқимоқ* бирикмасидаги *китобни* сўзшаклида ҳоким сўзга бирикишини таъминлайдиган **М, Ш, Ж** омиллари бўлганлиги каби *ўқимоқ* сўзшаклининг ҳам тобе аъзога боғланишини таъминлайдиган **М, Ш, Ж** омиллари мавжуд. *Хатни ёзмоқ* бирикмасида тобе сўз (*хатни*)нинг ҳоким сўз (*ёзмоқ*) билан бирикишини унинг шакли [-ни], маъноси ва қисман жойлашуви (олдин келиши) кўрсатса, ҳоким сўзнинг тобе сўз билан боғланишини маъноси, шакли ва қисман жойлашиши (кейин келиши) кўрсатади.

Сўзда бу уч омил яхлит бўлиб, маълум бирикиш жараёнида бирортаси устунлик қилса, бошқа ҳолда у кучсизланади. Келтирилган *хатни ёзмоқ* бирикмасидаги тобе сўз (*хатни*) да шаклий омил [-ни] тобеликни кўрсатувчи етакчи омил бўлса, ҳоким сўз (*ёзмоқ*) да маъновий омил устунлик қилган.

Маъновий омил деганда сўзларнинг боғланиши учун муҳим саналган луғавий маъноси, қайси туркумга хослиги тушунилади. Луғавий маъно аён бўлиб, сўзнинг грамматик маъновий хусусиятига бир оз шарҳ бериш лозим. Сўзларнинг муайян туркумга хослиги кенг кўламли тушунча, мустақил сўз туркумлари доирасида нарса-предмет (от), белги (сифат), микдор (сон), ҳаракат (феъл), ҳолат (равиш), тасвирийлик (тақлидлар), ишоравийлик (олмошлар) каби туркумлик маъноларини қамраб олади. Бу маънолар сўз туркуми (масалан, от), унинг ички бўлинишлари (масалан, модда-маъдан оти, ўрин-жой оти каби) билан боғлиқ. Шунинг учун *тош кўприк* бирикмасида (*тош*) сўзининг от туркумига мансублиги, модда-ашё номи эканлиги, (*кўприк*) сўзининг маълум бир ҳаракатнинг маҳсули бўлмиш предметни ифодалаши, *сўрида ётмоқ* бирикмасида эса (*сўри*) сўзининг жой номини атаб келиши, (*ётмоқ*) феълнинг ўтимсизлиги кабилар маъновий омилни ташкил этади.

Шаклий омил деганда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган алоқа-муносабат (синтактик) шакллари тушунилади.

Морфологик шакл бирикмадаги қайси аъзони шакллантиришига кўра иккига бўлинади:

1) тобега хос (келишик, сифатдош, равишдош кўрсаткичи ва кўмакчи);

2) ҳокимга хос (эгаллик, нисбат, кесимлик кўрсаткичи).

Жойлашув омили сўзларнинг эркин жойлашуви (1) ва бирикма таркибида жипслашувидан (2) иборат.

Ўзбек тилининг меъёрий нутқида тартиб қатъий, тобе аъзо олдин, ҳоким кейин келади. *Эркин жойлашув* деганда СБдаги тобе ва ҳоким аъзони бир-биридан ажратиш, «узиш», улар орасига бошқа бўлақларни киритиш имконияти мавжудлиги назарда тутилади. Масалан, *кеча келмоқ, китобни ўқимоқ, шаҳримизнинг кўчалари* каби СБда эркин жойлашув имконияти бор, уларда тобе ва ҳоким аъзони бир-биридан ажратиш, «узиш» (*Кеча уйга келди, китобни тез ўқиди, шаҳримизнинг кенг кўчалари*), ҳатто тескари жойлаштириш (*келмоқ кеча, кўчалари шаҳримизнинг*) мумкин. *Жипслашув* деганда тобе ва ҳоким аъзони бир-биридан «узиш» мумкин эмаслиги тушунилади. Бунга *тош кўприк, олтин узук, Навоий романи, китоб ўқимоқ* бирикмаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, *тош кўприк* бирикмасидаги сўзларнинг ўрни алмаштирилса, бирикма моҳияти ўзгариб кетади: *Кўприк – тош*. Демак, бу сўзларда бирикма моҳиятини белгилашда жойлашув омили устувор аҳамиятга эга. Эркин жойлашув **Ж** омилининг кучсизлигини, жипслашув эса кучлилигини билдиради.

Ҳар қандай СБда сўзнинг мавжуд имконияти юзага чиқади. Бунда ҳар бир аъзодаги мазкур (**М, Ж, Ш**) омиллар ўзаро ва бошқа аъзодаги шундай омиллар билан мувофиқлашади. Сўздаги бир омилнинг кучайиши бошқа омилнинг кучсизланиши эвазига содир бўлади. Буни учбурчак бурчакларига қиёслаш мумкин. Учбурчак бурчакларининг йиғиндиси 180 градусга тенг. Бир бурчак катталашса, бунинг ҳисобига бошқалари кичраяди. Лекин уларнинг умумий йиғиндиси 180 градусга тенг бўлиб тураверади. Худди шунингдек, тобе ёки ҳоким сўздаги бир омил кучайиши бошқа омилларнинг кучсизланиши ҳисобига бўлади. Чунки бир омилнинг етакчилик қилиши бошқаларнинг тўла воқеланишига йўл қўймайди. Масалан, *уйнинг эгаси* бирикмасида бирикув омиллари қуйидагича: [**ШМЖ+ШМЖ**]. Чунки ҳар икки аъзо ҳам - бириктирувчи-тобе аъзо тобега хос, ҳоким аъзо ҳокимга хос грамматик шаклга эга. Уларнинг ҳоким ва тобелигини ана шу шакллар кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳар иккала аъзода ҳам шаклий омил устувор. Бирикма аъзоларини бир-биридан «узиш» (*уйнинг асл эгаси*), тескари жойлаштириш (*эгаси уйнинг*) бирикманинг олдинги моҳиятига таъсир қилмайди. Бу эса жойлашув омилининг ўта кучсизлигидан далолат беради. Маъновий омил эса шаклий ва жойлашув омиллари оралиғида

бўлади. *шошилиб гапирмоқ* бирикмасидаги аъзоларнинг бирикув омиллари қуйидагича: [ШМЖ-МШЖ]. Биринчи узвда шаклий омилнинг олдинги ўринга чиқиши унинг равишдош шаклидалиги сабабли. Равишдош шакли *шошилиб* сўзшаклининг тобелигини таъминламоқда. Жойлашув омилнинг ҳар иккала аъзода ҳам охириги ўринга ўтиши эса тобе ва ҳоким узвлар орасида эркин жойлашувнинг мавжудлиги. Иккинчи аъзо (*ўқимоқ*) да маъновий омилнинг кучайиши унинг ҳокимлик грамматик шаклига эга эмаслиги ва жойлашув омилнинг кучсизлиги эвазига. *Март ойи* бирикмасидаги аъзоларнинг бирикув омиллари муносабати эса қуйидагича: ЖМШ+ШМЖ. СБ аъзоларида маъновий омилнинг охириги ўринга ўтиши мумкин эмас. Чунки СБ учун дастлабки талаб – аъзоларнинг маъновий мувофиқлиги.

Ўзбек тилида ҳар бир аъзо бирикув омилларининг ўрин алмашиш натижасида 6 хил комбинация вужудга келади. Тобе аъзо: МШЖ, МЖШ, ШМЖ, ШЖМ, ЖМШ, ЖШМ. Ҳоким аъзо: МШЖ, МЖШ, ШМЖ, ШЖМ, ЖМШ, ЖШМ. Ҳар бир аъзонинг 6 хиллиги асосида (6х6) СБнинг 36 мантикий-риёзий тури маълум бўлади. Олти хил тобе аъзо ва олти хил ҳоким аъзони кўпайтириш асосида 36 хонали жадвал юзага келади. Қуйида жадвал ҳар бир СБ турига айрим мисоллар бериш билан келтирилади (36-жадвал):

36-жадвал

Ҳ Т	ШМЖ	ШЖМ	МШЖ	МЖШ	ЖМШ	ЖШМ
ШМЖ	<i>уйнинг эгаси, уйдан мактабгача, шамолдан ётилмоқ</i>		<i>китобни ўқимоқ, одамдек яшамоқ, шириндан ширин, дарахтдан мўрт, шошиб гапирмоқ, учга бир,</i>	<i>халққа мурожаат, фариштадек одам, нураган девор</i>		
ШЖМ						
МШЖ						
МЖШ			<i>илгор шичи, яши одам, шунчалар гўзал</i>			
ЖМШ	<i>март ойи</i>		<i>темир қошиқ, қўшни кампир</i>			
ЖШМ						

Жадвалдаги бўш катаклардан ўзбекча бирикмалар ўрин олмайди. Масалан, МШЖ-ШЖМ тузилишли бирикма ўзбек тилига хос эмас. Зеро айтилганидек, аъзоларда маъновий омил энг кўп даражада кучсизланган сўз бирикмалари нутқимизда йўқ.

Ҳоким аъзонинг ифодаланишига кўра СБнинг турлари. СБ ўз таркибидаги ҳоким аъзонинг қайси сўз туркумига киришига қараб, куйидаги кўринишларга эга бўлади.

Исмли бирикмада ҳоким аъзо от, сифат, сон, олмош туркумидан ифодаланади: *кенг дала* (от), *тухумдан кичик* (сифат), *овоздан тез* (сифат), *одамларнинг бири* (сон), *ўқувчиларнинг ҳаммаси* (олмош).

Феълли бирикмада ҳоким аъзо феълдан бўлади: *вазифани бажармоқ*, *тез ўқиш*, *уялгани уялган*.

СБнинг тузилишига кўра турлари. Биз юқорида кўриб ўтган сўз бирикмалари икки мустақил сўзли. Сўз бирикмалари уч ва ундан ортик мустақил сўзли бўлиши ҳам мумкин: *бепоён яшил майдон*, *ўнта бадиий асар*. Демак, тузилишига кўра сўз бирикмаси икки турга бўлинади:

- а) содда бирикма;
- б) мураккаб бирикма.


Содда бирикма, одатда, икки мустақил сўздан тузилади: *оқ қозоқ*, *кўм-кўк осмон* каби. *Беш қаватли бино*, *ўн яшар бола*, *ўрта бўйли йигит* типидagi қўшилиш ҳам содда бирикма саналади. Чунки улар таркибидаги *беш қаватли*, *ўн яшар*, *ўрта бўйли* унсурлари ажралмас бирикма бўлиб, бир бутун ҳолда тобеаъзосифатида намоён бўлади. Шунингдек, СБнинг аъзолари ибора ёки бошқа турғун бирикма билан ифодаланганда ҳам бирикма содда ҳисобланади: *капалаги учиб кетган бола* (*капалаги учиб кетган+бола*), *«Ёрилтош» эртаги* (*ёрилтош+эртаги*), *Қуш қўнмас ўсимлиги* (*қуш қўнмас+ўсимлиги*)

Мураккаб бирикма содда бирикма аъзоларининг кенгайишидан тузилади. Қиёсланг:

уч ўрдак




осмондаги уч ўрдак



илғор теримчилар
теримчилар




хўжаликдаги илғор теримчилар
теримчилар




аълочи ўқувчилар


ҳаммадан аълочи ўқувчилар



Осмондаги *уч ўрдак* ((осмондаги+(уч+ўрдак)), *хўжаликдаги илгор теримчилар* ((хўжаликдаги +(илгор+теримчилар)) СБларида ҳоким сўз кенгайиши натижасида, *ҳаммадан аълочи ўқувчилар* ((ҳаммадан+аълочи)+ўқувчилар)) бирикмасида эса тобе аъзо кенгайиши натижасида мураккаб бирикма ҳосил бўлган. Баъзан ҳар иккала аъзо ҳам бирдан кенгайиши мумкин: *ҳаммадан аълочи фаол талабалар*: ((ҳаммадан+ аълочи)+(фаол+талабалар)):



Мураккаб бирикмада олдин турган сўзлар охиригисига тўғридан-тўғри боғланиб бирикма ҳосил қилмайди, яъни *катта семиз қора қўй* бирикмасидаги аъзолар ушбу бирикманинг ўзида *катта қўй, семиз қўй, қора қўй* каби бирикувни бермайди:




Чунки бунда тобе сўзлар ҳоким сўз ифодалаган нарсанинг турли белгисини кўрсатади. Бу эса уларнинг уюшмаганлигига далилдир. Уюшмаган тобе аъзо эса ўзига хос оҳанг билан айтилади. Қиёсланг:

Аълочи, билимдон болалар (уюшган тобе сўзлар)

Катта семиз қора қўй (уюлмаган тобе сўзлар)


СБ занжири. Айрим мураккаб СБда бир сўз олдинги сўзга ҳоким, кейинги сўзга нисбатан тобе бўлиши мумкин. Масалан: *мактабда ўқиётган бола* каби. Бунда *ўқиётган* сўзи *мактабда* сўзига ҳоким, *бола* сўзига эса тобе аъзо саналади. Унинг схемасини қуйидагича бериш мумкин:



Бирикма эса кенгайиши мумкин:



Сўз бирикмасидаги аъзоларнинг бу тарздаги кенгайиши СБ занжири дейилади. Лекин барча мураккаб бирикма ҳам СБ занжирини ҳосил қилавермайди. Масалан, *хўжаликдаги илғор теримчилар* бирикмаси каби. Бунинг боғланиши занжирсимон эмас. Чунки *хўжаликдаги* сўзи илғор сўзига эмас, балки *илғор теримчилар* бирикмасига тобеланган:



СБ ва синтагма. Гапнинг тузилиш ва мазмун жиҳатдан бирлашган парчалари нутқ жараёнида қисқа тўхтам билан ажралади. Бундай парчалар *синтагма* дейилади. Масалан: *Аълочи ўқувчилар барча имтиҳонларни муваффақият билан топширдилар* гапи учта синтагмага бўлинади:

1) *аълочи ўқувчилар*; 2) *барча имтиҳонларни*; 3) *муваффақият билан топширдилар*.

Ҳар бир синтагма бир нафас кучи билан айтилиб, қисқа тўхтамдан сўнг янги синтагма бошланади. Гап яхлитлик сифатида бошқа гапдан каттароқ пауза билан ажратилса, синтагмаларни ажратиб турадиган

паузалар ундан кичикроқ бўлади. Синтагма – грамматик-семантик жиҳатдан яхлитланган фонетик бутунлик.

Гап бир синтагмали ёки бир неча синтагмали бўлиши мумкин. Синтагма баъзан бир сўздан ҳам ташкил топади. Синтагма бир неча сўзли бўлганда, кўпинча, етакчи ва унга тобе сўздан ташкил топади. Лекин синтагмадаги ҳоким-тобелик СБдаги ҳоким-тобелик муносабатидан фарқ қилади. Синтагмадаги бир ҳоким сўз кейинги синтагма учун тобе бўлмайди. Масалан, юқорида келтирилган гапдаги *аълочи ўқувчилар* синтагмасидаги ҳоким аъзо (*ўқувчилар*) *барча* сўзига га тобе бўлолмайди. Лекин СБнинг таркибий узвида у учинчи синтагмадаги *топишдилар* сўзига тобеланади.

Синтагма СБга тенг бўлиши ҳам мумкин. Бунда СБдаги ёнма-ён келган тобе ва ҳоким аъзолар синтагма ҳосил қила олади: *аълочи ўқувчилар* бирикуви ҳам СБ, ҳам синтагма. *Ўқувчилар топишдилар* бирикмаси эркин бирикув бўлса-да, синтагма эмас, чунки аъзолари бир пауза билан бирлаштирилмаган.

Синтагманинг СБдан фарқли яна бир хусусияти шуки, унинг унсурлари орасига бошқа синтагманинг узви ажралиб қирмайди. Лекин СБнинг узвлари орасида нутқда бу СБга дахлдор бўлмаган бошқа СБ узвлари жойлашган бўлиши мумкин: *китобни кеча ўқидим* гапидаги *китобни ўқимоқ* СБ орасида унга дахли бўлмаган *кеча* сўзи жойлашган.


Синтагмаланишнинг ўзига хос қонунияти бор. Асосан, ёнма-ён келган аниқловчи ва аниқланмиш, тўлдирувчи ва тўлдирилмиш, ҳол ва ҳолланмиш бир синтагмани ҳосил қилади.

Сўзловчининг мақсади гапни синтагмага бўлишда муҳим роль ўйнайди. Демак, синтагма нутқий, индивидуал ҳодиса бўлиб, ҳар бир сўзловчи бир гапни турлича синтагмага бўлиши мумкин. Масалан: *Ҳалим шофёр акамнинг ўртоғи* гапини қуйидагича синтагмалаш ва уни турлича тушуниш мумкин; *1.Ҳалим – шофёр акамнинг ўртоғи. 2.Ҳалим шофёр – акамнинг ўртоғи.* Демак, гапнинг лисоний моҳиятини гап таркибидаги нутқий СБнинг қайси СБ ЛСҚи ҳосиласи эканлигини аниқлашда синтагмаланишга ҳам таяниш мумкин.

Сўз бирикмаси лисоний сатҳда

СБ ЛСҚини тиклаш ва унинг воқеланиши. Бошқа лисоний ҳодиса каби СБ ЛСҚларини тиклаш ва унинг воқеланиши фарқланади. СБ ЛСҚининг воқеланиши «лисон-нутқ» йўналишида бўлиб, бу йўналиш умумийликдан оралик кўриниш орқали хусусийликка – нутқий ҳодисага қараб боради. Масалан;

[W - W]
↑



Бунда [W-W] умумий лисоний синтактик қолип бўлса, [От_{атоқли}^{қаратқич келишиги} - От_{турдош}^{эғалик қўшимчаси}] – қуйи лисоний синтактик қолип. *Каримнинг китоби* ҳосиласи – ана шу ЛСҚ асосидаги нутқий СБ.

ЛСҚ ни тиклаш хусусийлик (нутқий ҳосила)дан оралиқ кўриниш орқали умумийлик сари боради ва бу жараён «нутқ-лисон» йўналишида кечади. Нутқий СБнинг воқеланишида бошланғич нукта [W-W] қолипи бўлса, уни тиклашда *Каримнинг китоби* каби нутқий СБлари асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтилганидек, ўзбек тилида сўз бирикмасининг 18 та умумлашмаси - ЛСҚи мавжуд бўлиб, уларни аъзоларининг бирикув омиллари асосида жадвалда қуйидагича умумлаштириш мумкин (37-жадвал):

37-жадвал

Х Т	ШМЖ	ШЖМ	МШЖ	МЖШ	ЖМШ	ЖШМ
ШМЖ	1.[W ^{караткич} келишиги _W ^{эгалик} кўшимчаси] 2.[W ^{чикиш} келишиги _W ^{чегара} шакли] 3.[W ^{чикиш/жўналиш} келишиги _Феъл ^{мажхул/аник} нисбат]		1.[Исм ^{келишик} кўшимчаси_Феъл] 2.[Исм ^{ўхшатиш} - Феъл] 3.[Сифат ^{чикиш} келишиги_Сифат] 4.[От ^{караткич} келишиги _Сифат] 5.[Феъл ^{сифатдош} -Феъл] 6.[Соң ^{келишик} кўшимчаси_Соң]	1.[От ^{келишик} кўшимчаси_От] 2.[Исм ^{ўхшатиш} -Исм] 3.[Феъл ^{сифатдош} -От]		
ШЖМ						
МШЖ						
МЖШ			1.[Исм-От] 2.[Исм-Феъл] 3.[Рашиш/Олмош-Сифат]			
ЖМШ	[От ^{бош} келишик_О ^{эгалик} кўшимчаси]		1.[От ^{модда} -От ^{аник}] 2.[От ^{шахс} -От ^{шахс}]			
ЖШМ						

Қуйида ҳар бир риёзий-мантиқий катакдаги биттадан ЛСҚ нинг асосий кўриниши ва маъновий турларини тасвирлашга ҳаракат қилинади.

[W^{қаратқич келишиги} - W^{эгалик кўшимчаси} = қаратувчи-қаралмиш].

Қолипда аъзолар [W] белгиси билан берилган бўлиб, бу муайян сўз туркуми белгиси эмас. Чунки бунда [W] унсурини тўлдирувчи аъзо сифатида турли хил мустақил сўз туркуми қатнашиши мумкин. Шунингдек, бу ЛСҚнинг қуйи бўлиниши унинг тегишли сўз туркуми томонидан тўлдирилиши асосида бўлиб, улар қуйидагилар:

1) [Oт^{қаратқич келишиги} - Oт^{эгалик кўшимчаси}]=от қаратувчи+от қаралмиш] (*китобнинг варағи*);

2) [Oт^{қаратқич келишиги} - Сифат^{эгалик кўшимчаси}]=от қаратувчи+сифат қаралмиш] (*дарахтнинг мўрти*);

3) [Сифат^{қаратқич келишиги} - Oт^{эгалик кўшимчаси} = сифат қаратувчи + от қаралмиш] (*гулнинг қизилининг ҳиди*);

4) [Сифат^{қаратқич келишиги} - Сифат^{эгалик кўшимчаси} = сифат қаратувчи+сифат қаралмиш] (*олманинг каттасининг чучуги*);

5) [Oт^{турдош қаратқич келишиги} - Сифат^{эгалик кўшимчаси}]=от қаратувчи+сон қаралмиш] (*гулнинг биттаси*);

6) [Сон^{қаратқич келишиги} - Сон^{эгалик кўшимчаси}]=сон қаратувчи+сон қаралмиш (*ўннинг ярми*);

7) [Oт^{қаратқич келишиги} - Ҳаракат номи^{эгалик кўшимчаси} = от қаратувчи+февъл қаралмиш] (*Отабекнинг қайтиши*);

8) [Ҳаракат номи^{қаратқич келишиги} - Oт^{эгалик кўшимчаси}] = февъл қаратувчи+от қаралмиш] (*уялишининг ўрни*);

9) [Ҳаракат номи^{қаратқич келишиги} - Ҳаракат номи^{эгалик кўшимчаси}]=февъл қаратувчи+февъл қаратувчи] (*олмоқнинг бермоғи*);

10) [Oт^{қаратқич келишиги} - Сифатдош^{эгалик кўшимчаси}]=от қаратувчи+сифатдош қаралмиш] (*юракнинг тўхтагани*);

11) [Сифатдош^{қаратқич келишиги} - O^{эгалик кўшимчаси}]=сифатдош қаратувчи+от қаралмиш] (*қўрққаннинг кўзи*);

12) [Oт^{қаратқич келишиги} - Равиш^{эгалик кўшимчаси}]=от қаратувчи+равиш қаралмиш] (*меҳнатнинг кеча-кундузи*);

13) [Oлмош^{қаратқич келишиги} - Oт^{эгалик кўшимчаси}]=олмош қаратувчи+от қаралмиш] (*менинг ватаним*);

14) [Равиш^{қаратқич келишиги} - O^{эгалик кўшимчаси}]=равиш қаратувчи+от қаралмиш] (*ҳозирнинг ҳузури*).

Умумий [W^{қаратқич келишиги} - W^{эгалик кўшимчаси}] қолипнинг бу кўринишлари ҳам бевосита кузатишда берилган, улар ўзаро аъзоларининг

қайси туркумга мансублиги билан фарқланар экан, демак, бу фарқ луғавий моҳиятлар асосида.

[**W**қаратқич келишиги - **W**эғалик қўшимчаси=**қаратувчи-қаралмиш**] қолипи ҳосилалари турли хил маъновий муносабатни намоён қилади. Мисол сифатида бир-бирига ўхшаш бир нечта нутқий СБни қиёслаб кўрайлик (38-жадвал):

38-жадвал

№	СБ	Маъновий муносабатлар
1	<i>Ҳалимнинг қалами</i>	“Эга-эғалик қилинувчи нарса”
2	<i>Одамнинг қўли</i>	“Бутун-қисм”
3	<i>Илмнинг ташаббускори</i>	“Нарса-алоқадор шахс”
4	<i>Одамнинг яхшиси</i>	“Тур-жинс”
5	<i>Уйнинг тозалиги</i>	“Белги эгаси-белги”
6	<i>Боланинг йиғлаши</i>	“Субъект-унинг ҳаракати”
7	<i>Яшашнинг завқи</i>	“Ҳолат-унинг натижаси”
8	<i>Урушнинг асорати</i>	“Жараён-унинг оқибати”
9	<i>Эътиборсизликнинг иллати</i>	“Сабаб-натижа”

Бу қаторни яна давом эттириш мумкин. Кўринадик, СБдан СБга ўтиш билан уларнинг маъновий муносабати ҳам фарқланиб бормоқда. Маъновий муносабатлар орасида айнан ўхшашлик йўқ.

Бу лексемалар асосида кўплаб СБ тузиш мумкин ва уларнинг ҳар бири борлиқдаги ҳар хил – «аташ», «ажратиш», «эга-эғалик қилувчи нарса» каби муносабатларни акс эттиради. Бу объектив муносабатнинг қайси бири воқеланиши эса бирикмадаги грамматик қўшимча билан белгиланади. Қаратқич келишиги ва эғалик қўшимчаси *Каримнинг китоби* бирикмасида икки хил маъновий муносабатни воқелантиради: «эга-эғалик қилинувчи нарса» ва «муаллиф-унинг асари». Лекин [**W**қаратқич келишиги - **W**эғалик қўшимчаси] = **қаратувчи-қаралмиш**] ЛСҚи бу икки хилликка нисбатан бефарқ. Чунки бу омонимликни нутқда ёки лисонда [**W**қаратқич келишиги - **W**эғалик қўшимчаси] дан қуйида махсус воситалар фарқлайди. Бу воситалар матн (*Карим китоб олди. Каримнинг китоби қизиқ экан, ёки Карим китоб ёзди. Каримнинг китоби қизиқ экан*), ёки СБ аъзосининг кенгайиши (*Каримнинг ёзган китоби*) кабидан бири ёки бир нечтаси бўлиши мумкин.

Демак, аён бўладик, юқоридаги жадвалда келтирилган СБ аъзолари орасидаги маъновий муносабат [**W**қаратқич келишиги - **W**эғалик қўшимчаси] қолипига дахлдор бўлмай, балки уни тўлдираётган лексемалар ва улар борлиқда атайдиган нарса/предмет орасида бўладиган муносабатнинг акси бўлиб, бу муносабат лексеманинг миқдорида мувофиқ равишда ранг-баранг бўлиши мумкин. Масалан, борлиқдаги стол ва оёқ жисмлари орасида «эга-эғалик қилувчи нарса» муносабати бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бу маъновий муносабат қаратқич келишиги ва эғалик

қўшимчасининг маъноси ҳам эмас. Бу жисмлар орасида бутун-қисм муносабати мавжуд, у СБда ҳам акс этган. СБдаги турли-туман маъновий муносабат бир қарашда қаратқич келишиги ва эгалик қўшимчаси маъносидек ҳам туюлади. Лекин қаратқич келишиги тобе сўзни ҳоким сўзга, эгалик қўшимчаси ҳоким сўзни тобе сўзга боғлаш учунгина хизмат қилади, холос. Унга тегишлидек туюлган маънолар қолипни тўлдираётган лексемаларнинг маъновий моҳияти билан боғлиқ бўлиб, мазкур қўшимчалар намоён қилувчи воситалардир, холос.

[Исм^{келишик қўшимчаси} - Феъл] қолипи. СБнинг бу ЛСҚи биринчи узви морфологик шаклланган ва шунинг учун [ШМЖ] бирикув омилига эга ва иккинчи қисмда грамматик кўрсатқич боғланиш учун нисбатан аҳамиятсиз бўлганлиги боис, бирикув омилларининг МШЖ комбинацияси амал қилади.

Қолипнинг биринчи узвини исм туркумига оид сўзлар тўлдириб, улар ҳоким узвга тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари шакллари билан боғланади. Биринчи узви асосида ЛСҚ қуйидаги кўринишларга эга бўлади(38-жадвал):

38-жадвал

[Исм ^{келишик қўшимчаси} - Феъл]			
[Исм ^{тушум келишиги} -Феъл]	[Исм ^{жўналиш келишиги} -Феъл]	[Исм ^{ўрин-пайт келишиги} -Феъл]	[Исм ^{чиқиш келишиги} -Феъл]

ЛСҚнинг ҳар бир кўриниши **[Исм]** узвининг бўлиниши асосида яна тармоқланади. Масалан, **[Исм^{тушум келишиги}-Феъл]** қолипи қуйидаги нутқий ҳосилаларни беради: **[От^{тушум келишиги}-Феъл]**, **[Сифат^{тушум келишиги}-Феъл]**, **[Исм^{тушум келишиги}-Феъл]**, **[Сон^{тушум келишиги}-Феъл]**, **[Олмош^{тушум келишиги}-Феъл]** **[Ҳаракат номи^{тушум келишиги}-Феъл]** ((*китобни/яхшини/ўнни айир, уни (гапириш/ ўқимоқ/ сўрамоқ/ бошламоқ/ни бас қил.*) каби.

ЛСҚнинг биринчи узви морфологик шаклланганлиги туфайли уни тўлдирувчи сўзда шаклий омил биринчи ўринга кўтарилади. Жойлашув омили эса охирги ўринга тушади. Зеро бирикма аъзоларини эркин алмаштириш, улар орасига сўзлар киритиш бирикманинг моҳиятига, аъзолар орасидаги маъновий муносабатга таъсир кўрсатмайди. Иккинчи аъзо грамматик шаклланганлиги сабабли маъновий омил кучайиб, биринчи узвда жойлашув омили ўта кучсиз бўлганлиги боис иккинчи (**Феъл**) узвда ҳам бу омилнинг кучсизланиши ва учинчи планга сурилишини тақозо қилади .

[Исм^{келишик қўшимчаси}-Феъл] ЛСҚининг биринчи узвида бир неча келишик умумлашмаси акс этганлиги учун унинг мазмуний жиҳати ҳам мураккаб характер касб этади ва уни ҳаракатга тортилган ёки боғлиқ объект (жой-ҳаракат) кўринишида бериш мумкин. Бу маъновий умумийлик **[Исм^{келишик қўшимчаси}-Феъл]** ЛСҚининг хусусий

кўринишларида алоҳида келишик кўшимчалари томонидан жузъийлаштирилади, муайянлаштирилади.

Масалан:

[Исм^{тушум келишиги}-Феъл =воситасиз объект-ҳаракат];

[Исм^{жўналиш келишиги}-Феъл= воситали объект/ҳол-ҳаракат];

[Исм^{чиқиш келишиги}-Феъл= ажралиш манбаи/ўрин-ҳаракат] ва

ҳоказо.

[Исм-От] ЛСҚи. Бу ЛСҚ СБ учинчи тип [W-W] қолипнинг алоҳида тури, у битишув алоқали нутқий ҳосила бериши билан характерланади. [Исм-От] қолипнинг нутқий воқеланиш босқичларини қуйидагича акс эттириш мумкин (39-жадвал):

39-жадвал

[От-Феъл]	[Сифат-От]	[Олмош-От]	[Сон-От]	[Равиш-От]
[асал бола]	[яхши бола]	[ўша бола]	[биринчи бола]	[инҳона суҳбат]

[Исм-От] ЛСҚи узвлари ўзаро ҳеч қандай морфологик воситасиз боғланган, бундай унсурларда бирикувнинг жойлашув омили кучаяди, шаклий омил ўта кучсизланади. Маъновий омил эса бирикувни таъминловчи устувор омил мақомида бўлади: МЖШ-МЖШ. [Исм-От] ЛСҚининг мазмуний жиҳати бирикувчи унсурларнинг маъновий муносабатини умумлаштириш асосида лисоний мазмунга эга бўлади, ЛСҚни яхлит ҳолда [Исм-От=сифатловчи-сифатланмиш] тарзида таърифлаш мумкин.

Маълум бўладики, ЛСҚдан синтактик шакл ясовчигина жой олади. Луғавий шакл ясовчи эса ЛСҚ учун аҳамиятсиз, иккиёқлама табиатга эга бўлган луғавий-синтактик шакллар қолип учун аҳамиятли воситалар сифатида луғавий шакллар тизимининг чеккасидан жой олади.

ЛСҚни ўқиш ва ёзиш қоидалари. Лисоний бирлик бевосита кузатишда берилмаган бўлиб, улар ёзиш ёки айтиш учун ҳам шартли белгидир.

Лисоний бирлик бўлган ЛСҚ ёзувда турли шартли белги воситасида берилади. Бироқ бу шартли белгини ўқишнинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Маълумки, химияда моддалар турли шартли белгилар воситасида ифодаланса-да, улар айнан ўқилмайди. Масалан, H₂SO₄ ни «Аш икки S O тўрт» деб ўқиш тўғри эмас. ЛСҚга ҳам шундай муносабатда бўлиш лозим. Дейлик, [W^{морфологик восита} -W^{морфологик восита}] қолипни ўқиш буюрилган. Уни «W морфологик восита ва W морфологик восита», деб эмас, балки, «икки узви морфологик шаклланган атов бирлиги» деб ўқиш тавсия этилади. Агар ЛСҚ [Исм^{келишик кўшимчаси}-Исм^{эғалик кўшимчаси}] кўринишида бўлса, у «икки узви исмли қаратувчили бирикма» тарзида ўқилиши мақсадга мувофиқ.

Маълум бўлдики, ЛСҚнинг шаклий томонигина ёзилади ва ўқилади. Зеро икки ёқламали бирлик бўлган лексема ва морфеманинг ҳам шаклий томони шартли равишда ёзилади ва ўқилади: [китоб] лексемаси, [-ни] морфемаси каби. Уларнинг мазмуний томони бўлган семема ёки грамматик маъно бирликларнинг шаклий томони билан яхлит идрок этилади ва ёзувда уни алоҳида бериш учун зарурат бўлмайди.

Демак, ЛСҚ ифодасида ҳам қулайлик учун уларнинг шаклий томони билангина чекланиш маъқул.

Турғун СБ ва фраземаларнинг ЛСҚдаги ўрни. Турғун СБ ва фраземалар ҳам моҳиятан ўзида тайёрлик, мажбурийлик, ижтимоийлик белгиларини мужассамлаштирганлиги боис, бир атов бирлиги, бир лексемага тенг бирлик сифатида қаралиб, яхлит ҳолда ЛСҚнинг бир узвини тўлдиради. Масалан, *Ҳалимнинг тепа сочи тикка бўлиши* ([**W**қараткич келишиги **W**эгаллик кўшимчаси]), *қўй оғзидан чўп олмаган бола* ([**Исм-От**]) каби.

ГАП

ГАП НУТҚИЙ САТҲДА

Гап коммуникатив нутқий бирлик сифатида

Тилдан фойдаланиш фикрни шакллантириш ва баён қилишдан иборат. Бу эса гап орқали амалга ошар экан, демак, тил яхлит вужуд сифатида синтаксисда намоён бўлади.

Гап – кишиларнинг бир-бирига фикр, ахборот узатиш учун ишлатадиган асосий бирлик, фикр ифодалашнинг энг оддий ва типик кўриниши. У сўзловчи учун фикр ифодалаш ва ахборот узатиш, тингловчи учун ахборот қабул қилиш воситаси.

Киши онгидаги фикр тушунчалар асосида тикланади. Фикр нутқда гап сифатида юзага чиқади. Фикр тушунчадан ташкил топганлиги каби гап ҳам тушунчанинг шакли саналган сўз ва сўз бирикмаларидан тузилади. Гапнинг ташкил этувчилари – сўз (ибора ҳам), грамматик шакл ва сўз бирикмалари.

Тилнинг асосий вазифаси – кишилар мулоқотида восита бўлиб хизмат қилиш. Ахборот узатиш ва қабул қилиш воситаси бўлиш – тилнинг коммуникатив моҳияти.

Коммуникация жараёни учун жамоа зарур. Аниқроғи, муайян тилда ахборот узатиш ва қабул қилиш шу тилда сўзлашиш малакасига эга кишиларни тақозо қилади. Бу эса коммуникация жараёнининг ижтимоий табиатлилигидан далолат беради.

Гап синтактик яхлитлик, бу унинг грамматик шаклланганлиги, таркибий узвлари бир бутунлик ҳолига келганлиги билан изоҳланади. Демак, гапда бир неча жиҳат бирлашган бўлади. Биринчи жиҳат гапнинг моддий қобиғи, бу уни ташкил этувчи сўз ва грамматик шакллар. Масалан, аксарият гапда кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги (кесим) нинг бўлиши шарт. Иккинчи жиҳат ана шу моддий қобикқа сингдирилган ақлий маҳсул – фикр – ахборот. Учинчи жиҳат эса сўзловчининг воқеликка муносабати, нутқ вазияти. Бу уч жиҳат нутқда учликни – синтактика, семантика ва прагматика бирлигини ташкил этади.

Нутқий гапнинг белгилари. Гап, аввало, синтактик тугалланган қурилма эканлиги билан характерланади. Бу эса у орқали ифодаланаётган фикрнинг нисбатан тугалланганлиги билан белгиланади. Синтактик тугалланганлик – гапнинг кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланганлиги ва тугал оҳангга эгаллиги. Гап кесимга эга бўлмасдан тугал фикр ифода эта олмайди. Масалан, *чиройли китоб* бирикувида сўзловчи назарда тутган ахборот юзага чиқмаган, чунки унинг китоб ҳақида нима демоқчилиги ҳали айтилмаган. Шу боис мазкур қурилма фикрни ифодалайдиган қурилманинг асосий шакли – кесимликдан холи. Тўғри, *чиройли китоб* бирикмасида китобнинг хусусияти ҳақида ахборот бордек, аммо у сўзловчининг асосий мақсади бўлган ахборот эмас, балки у иккинчи даражали ахборот, асосий планда гапнинг якунидан англашиладиган китобнинг, дейлик, борлиги, сотилганлиги ёхуд йўқолганлиги ҳақидаги ахборот ётади. Демак, гапдан англашилган фикр дейилганда, ундаги асосий ахборот тушунилади. Бошқа ёрдамчи, асосий бўлмаган ахборотлар унинг юзага чиқишида восита бўлиб хизмат қилади. (Тўлиқсиз гапларда синтактик тугаллик бўлмаса ҳам, фикр англашилаверади. Улардаги синтактик тугаллик контекстдан ёки нутқ вазиятидан маълум бўлиб туради). Синтактик тугаллик синтактик ўрин билан ажралмас ҳолда, яъни луғавий бирлик кесимлик шаклида бўлишининг ўзи уни гап сифатида қарашга асос бўла олмайди. Масалан, *Айтдим деганинг нимаси?* гапидаги *айтдим* сўзшакли – кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги. Лекин у кесимлик ўрни билан таъминланмаганлиги боис ушбу қуршовда гап мақомига эга эмас. Кесимлик шаклидаги сўз гап бўлиши учун кесимлик мақомига эга бўлиши керак. Синтактик тугалланганлик кесимлик шакли ва ўрни билан белгиланар экан, бунда тилнинг яхлит вужудлиги яна бир карра яққол намоён бўлади.

Тил сатҳлардан иборат. Тил яхлит вужуд экан, бу сатҳлар гапнинг асосий вазифаси бўлган ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнида бутунлик сифатида иштирок этиши лозим. Буни гапда кўрамиз. Гапнинг синтактик тугаллиги учун, даставвал, маълум бир мустақил сўз ва кесимлик шакли талаб этилади. *Ўқидим* бирлиги *ўқи* атов бирлиги ва [-

дим] кесимлик шакли бирикувидан иборат. Демак, бунда тилнинг таркибий узвлари – лексик ва морфологик сатхларнинг биргаликдаги ҳаракати кўзга ташланади. Гап учун луғавий ва морфологик омил ҳамкорлиги етарли эмас. Унинг учун синтаксиснинг хос омили - синтактик ўрин зарур бўлади. Синтактик ўрин эса қурилманинг ўзига хос тугал оҳанг билан намоён бўлишини тақозо қилади. Бундан кўринадики, фонетик омил синтактик тугалликка яқун ясайди. Демак, гапда тилнинг барча сатхлари - лексик, морфологик, синтактик ва фонетик сатхлар яхлит вужуд сифатида намоён бўлади, воқеланади. Қуйида уларнинг ҳар бирига бир бутунликнинг бўлаклари сифатида алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

Гапнинг шаклланишида лексик омил. Фикр тушунчаларсиз бўлмагани каби нутқий гап асосида ҳам, аввало, сўз ётади. Зеро гап асосидаги атов бирлиги – воқеланган лексема. Лексеманинг гуруҳланишида ҳам етакчи омилдан бири сифатида уларнинг синтактик имконияти ётиши бежиз эмас. Шу боисдан тилшуносликда гап бўлаклари ва сўз муносабати устувор масаладан бири. Гап бўлаклари турли мустақил сўз туркуми билан ифодаланаверади. Бироқ ҳар бир гап бўлаги учун маълум бир сўз туркуми кўпроқ хосланган бўлади – семантик ва грамматик хоссалари билан маълум бир гап бўлаги вазифасига мос сўзлар бор. Масалан, «кесим вазифасида келиш учун кўпроқ феъл хосланган» (И.И.Мешчанинов.) Эга, тўлдирувчи вазифасида, асосан, от ва от вазифасидаги сўз келади. Бу сўз туркумларининг умумий маъновий табиати ва грамматик хусусияти билан белгиланади. Масалан, от туркуми кўпроқ тобе бўлак (эга, тўлдирувчи, аниқловчи) вазифасида келганлиги боис тобеловчи восита бўлган келишиқ кўшимчалари фақат отга, кесим вазифасида кўпроқ феъл келганлиги учун кесимлик шакллари фақат унга хосдек тасаввур уйғотади. Бу туркумларнинг қайсидир вазифага кўпроқ хосланганлиги билан белгиланадиган «алдамчи» тасаввурлардир.

Айтилганлар асосида шундай хулосага келиш мумкин: ҳар бир сўз туркуми муайян гап бўлаги вазифасига кўпроқ хосланган бўлса-да, бу вазифада бошқа туркум сўзлари ҳам келаверганлиги каби, маълум вазифага хосланганлик уни нутқда бошқа мавқе эгаллашдан маҳрум қилмайди. Шунинг учун ҳам сўзнинг қайси туркумга хослигини белгилашда унинг қайси гап бўлаги вазифасида келиши нисбий, барқарор бўлмаган асос вазифасини ўтайди.

Гапнинг шаклланишида морфологик омил. Гапни сўз, сўз бирикмасидан фарқловчи белги унинг махсус морфологик кўрсаткичи – кесимлик кўшимчалари билан шаклланганлиги. Зеро энг «кичик» гап – морфологик шаклланган атов бирлиги. Мисоллар: *Ўқитувчиман. Ишладим.* Бу «кичик» гаплар атов бирлиги (*ўқитувчи, ишла*) дан маҳрум этилса, бу ўз ҳолича ҳеч қандай қиймат касб этмайдиган морфологик шакл – [*-дим*] қолади. Бироқ мазкур гаплар морфологик шаклдан

ажратилса, тилнинг бошқа сатҳи бирликлари (сўз, СБ) дан фарқланмай қолади. Демак, кесимлик шакли гапда асосий синтактик вазифа – кесимни шакллантиришга ихтисослашган шакл. Воситасиз тўлдирувчи вазифасидагина келиш тушум келишиги шакли учун қанчалик қатъий ва хусусий бўлса, *келай*, *ўқитувчиман* каби нутқий бирликлардаги морфологик шакллар учун кесимни шакллантириш ҳам шундай.

Кесимлик шаклининг бошқа морфологик шакллардан фарқи – унинг бир неча ички категорияларнинг қоришишидан ҳосил бўладиган мураккаб табиатга эгаллиги. Аниқроғи, кесимлик категорияси кесим вазифасини биргаликда қарор топтирувчи – шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, майл категориялари синтезидан иборат. *Ўқидим* гапида кесимлик шакли махсус кўрсаткичларга эга бўлса, *Бу ер шаҳар* гапида у ноль шаклли. Зеро бу гапда ҳам III шахс, ҳозирги замон, тасдиқ, аниқлик майли маънолари англашилиб турибди.

Морфологик шаклдан фақат алоқа-муносабат (синтактик) шаклигина синтактик қурилишга дахлдор, ундан фақат кесимлик категорияси гап моҳиятига тегишли. Чунки, одатда, кесимлик категориясиз гап шаклланиши мумкин эмас. Гап моҳияти «атов бирлиги+кесимлик қўшимчалари» тарзида. Алоқа-муносабатнинг бошқа шакли (келишик, эгалик) эса гап таркибидаги сўзларни боғлаш учунгина хизмат қилиб, СБ моҳиятини ташкил этишда иштирок этади.

Гапни шакллантиришда оҳангнинг роли. Нутқий гапнинг муҳим белгиларидан бири – унинг тугалланган оҳангга эга бўлиши.

Гапнинг фикрий ва синтактик тугаллиги оҳанг жиҳатидан ҳам тугаллик ва яхлитликни тақозо қилади: тугалланган оҳанг фикрнинг ва синтактик қурилишнинг тугаллигини билдириб туради. Зеро гап ва гап бўлмаган нутқий ҳодиса (сўз, СБ) ларнинг муҳим фарқларидан бири ҳам тугал бўлмаган оҳангга эга бўлиши. Масалан: 1.*Келган ўқувчи*. 2.*Келган – ўқувчи*. Бу нутқий ҳодисанинг биринчисида оҳанг кўтарилувчи, иккинчисида эса тушувчи. Кўринадикки, биринчи ҳосила аниқловчи-аниқланмиш типдаги бирикма бўлиб, у фикр англамайди ва бу унинг тугал бўлмаган оҳанг билан айтилишини талаб қилади. Иккинчи ҳосила (*келган бола*) ҳам таркиби жиҳатдан олдинги ҳосилга ўхшайди, лекин таркибида кесимлик шакли ва маъноси борлиги учун тугал оҳанг билан айтилади. Шу боисдан биринчи қурилма очик, яқунланмаган, иккинчиси ёпиқ ва тугалланган. Бир сўзнинг ўзи ҳам гоҳ тугал, гоҳ тугалланмаган оҳанг билан айтилиши мумкин. Қиёсланг: 1.*Қиш*. 2.*Қиш ...*

Демак, сўз ёки бирикма фикрий, синтактик ва оҳанг жиҳатидан тугалликка эга бўлиб, гап тусига киради.

Оҳанг нафақат гапнинг тугалланганлигини, балки гапнинг турли типини белгилашда ҳам муҳим. Мисол сифатида бир сўзни олайлик. Қиёсланг:

Аълочи...
Аълочи.
Аълочи.!
Аълочи.?
Аълочи.!?

Маълум бўладики, сўзнинг атов бирлигими ёки гап, гап бўлса, қандай табиатга эга эканлигини нутқда фақат оҳанг кўрсатмоқда. Сўз ёки СБ атов бирлиги сифатида нутқда гапдан оҳанг билан ҳам фарқланганлиги каби, гапнинг турларини фарқлашда ҳам бошқа омиллар билан биргаликда оҳангга таянилади. Масалан, *Жоним!* гапида унинг ҳис-ҳаяжон гап эканлигини фақат оҳанг кўрсатмоқда. *Вой, жоним!* гапида эса лексик (*вой*) ва фонетик (*оҳанг*) омил ҳамкорлик қилмоқда. Гапнинг ифода мақсадига кўра типлари (дарак, сўроқ, буйруқ), ҳис-ҳаяжон ифодаланишига кўра турларини белгилашда, лексик, морфологик омиллар иштирок этиши ҳам, иштирок этмаслиги ҳам мумкин, лекин фонетик омилнинг бўлиши шарт.

Гаплар мундарижаси, шакли ва вазифаси жиҳатидан фарқланади: *Мен шаҳарга бораман. Мен шаҳарга бораманми? Мен шаҳарга борай.* Бу гапларда сўзловчининг мақсади ҳар хил бўлганлиги боис, улар турлича шаклланган ҳамда гапнинг дарак, сўроқ ва буйруқ-истак турлари вужудга келган. Бу эса гапнинг турлича оҳангга эга бўлишини тақозо этади. Гапларнинг грамматик шакллари бир хил бўлганда ҳам, уларни оҳанг фарқлаб туради. Демак, гапнинг грамматик шакли турлича бўлса-да, сўзловчининг мақсади ва оҳанги ҳар доим мувофиқ.

Юқоридаги мисолда айтилганидек, бир гапда турли хил мақсад ифодаланган бўлиши мумкин. Масалан, *Шаҳарга бораман!* гапида хабар билан сўзловчининг шодланиши ҳам ифодаланган ва улар оҳанг орқали «тасдиқланган».

Оҳанг қўшма гап таркибий қисмларини боғлашда ҳам намоён бўлади. Кўпинча, у грамматик восита ўрнини босиш даражасига кўтарилади: *Биз ишонамиз - кўнглимиз тўқ.* Бунда оҳанг (пауза) эргаштирувчи боғловчи вазифасида қўлланган.

Гап бўлаклари орасидаги муносабатни кўрсатишда ҳам оҳанг муҳим роль ўйнайди. *Мен – мен, сен – сен* гапларида гап бўлак (эга-кесим) ларини фарқлашда ва улар орасидаги муносабатни кўрсатишда оҳанг ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ёки *Ҳалим, укам ўқишга кирди* ва *Ҳалим укам ўқишга кирди* гапларида *Ҳалим* сўзининг (1-гапда) ундалма ёки (2-гапда) аниқловчи эканлиги оғзаки нутқда оҳанг орқали билиниб туради.

Гапнинг синтагмаларга бўлиниши ва актуал бўлиниш ходисаларида оҳангнинг роли катта.

Айтилганлар асосида нутқий гапнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) гап нисбий тугал фикр англатади;
- 2) гап грамматик шаклланган бўлади;
- 3) тугал фикр ва синтактик шаклга мувофиқ тугалланган оҳангга эга бўлади;
- 4) ахборот берувчи энг кичик бирлик саналади.

Гапда шакл ва мазмун муносабати

Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат. Гапнинг лисоний сатҳдаги шаклий ва мазмуний жиҳати унинг нутқий сатҳдаги шаклий ва мазмуний жиҳатидан фарқланади.

Гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [$WP_m = \text{фикр ифодаловчи энг кичик бирлик}$] лисоний сатҳда ўрнашган. Бунда ЛСҚнинг чап томони шаклий ва ўнг томони мазмуний жиҳати.

Нутқий сатҳда эса шаклий ва мазмуний жиҳат лисоний сатҳдагидан фарқлироқ. Гапнинг нутқий сатҳдаги шаклий-мазмуний муносабатини тилшуносликнинг мазмуний синтаксис йўналиши ўрганади.

Мазмуний синтаксис маълум бир синтактик бирлик нимани ифодалайди ва маълум бир воқеа қандай ифодаланади деган муаммони очиб бериш билан машғул бўлади.

Синтактик бирлик (СБ, гап бўлаги, гап) да ифодаланган борлиқ бўлаги, воқелик, вазият мазмуний синтаксисда *пропозиция* деб юритилади. Масалан, борлиқда китоб устида ҳаракат бажарилди – китоб ўқилди. Бу пропозициядир. Пропозиция СБ билан ҳам (*китобнинг ўқилиши*), гап билан ифодаланиши ҳам мумкин (*Китоб ўқилди*). Лекин турли синтактик бирликда турлича – СБ да муайянлашган тушунча, гапда эса нисбий тугал фикр сифатида акс этган. Демак, кўринадики, маълум бир пропозиция гап сифатида намоён бўлиши учун унга бошқа нарсалар – сўзловчининг коммуникатив мақсади, модаллик белгилари ҳам қоришади – бу эса гапга хос грамматик категориянинг нутқий намоён бўлишини тақозо этади ва тегишли синтактик мавқе билан таъминланади. Бошқача айтганда, биринчи синтактик бирлик (*китобнинг ўқилиши*) да пропозиция тушунча тарзида берилиб, у сўзловчининг буни ҳукм сифатида бермаслик мақсадига бўйсундирилган. Мақсад эса ифодаловчи синтактик бирликда грамматик шакллар (*[-нинг]*, *[-и]*) ва оҳанг (кўтарилувчи -тугалланмаган) билан таъминланган. Иккинчисида эса сўзловчи пропозицияни нисбий тугал фикр сифатида беришни мақсад қилганлиги туфайли у нутқда тегишли грамматик восита (кесимлик категорияси) ва махсус (пасаювчи, тугалланган) оҳанг билан таъминланган.

Маълум бўлдики, мазмун ва шакл мувофиқ эмас. Бир мазмун (пропозиция) турли шакл (СБ ва гап) билан ифодаланган. Шунингдек, бир

шакл турли мазмунларни ифодалашни мумкин. Масалан, *Мен ўқувчиман* гапи синтактик шакл сифатида икки мазмунни ифодалаган. Қиёсланг:

1. *Мен ўқувчиман - I am school boy.*

2. *Мен ўқувчиман - I am readineer.*

Мазмуний синтаксисда гап мазмуни икки унсур – объектив ва субъектив мазмундан иборат деб қаралади. Объектив мазмун гапда акс этган пропозиция (у диктум ҳам дейилади), субъектив мазмун эса бу воқеликка сўзловчининг муносабати (у модус деб юритилади). Масалан, *Ҳалим келди, Ҳалим келмоқчи, Ҳалим келса эди, Ҳалим, балки келар* гапларида диктум бир хил, аммо ҳар бир гапда модус турлича.

Бир синтактик бирлик билан турли мазмуннинг, бир мазмуннинг турли синтактик birlikлар воситасида ифодаланиши синтактик birlikларда мазмуний-синтактик номувофикликни келтириб чиқаради (Бунга юқорида мисол келтирилди).

Бир пропозиция содда гап билан ҳам, қўшма гап билан ҳам ифодаланиши мумкин. Қиёсланг: *Камола келгач, мен кетдим* (содда гап). *Камола келди ва мен кетдим* (қўшма гап).

Қўшма гап билан битта пропозиция ифодаланиб, гапнинг бир қисми модуснигина ифодалашни мумкин: *Мен ўйлайманки* (модус), *у бугун келмайди* (диктум, пропозиция).

Гапларнинг ифода мақсадига кўра турида ҳам мазмуний-синтактик номувофиклик мавжуд бўлади. Масалан, гап шаклан сўроқ гап (*Шеърдан баҳра олмаган ким бор?*) бўлса-да, мазмунан дарак (*Шеърдан ҳамма баҳра олади*), ёки гап шаклан сўроқ бўлса-да (*Оқ айиқларни кўрмайсизми?*), мазмунан буйруқ (*Оқ айиқларни кўринг*), мазмунан буйруқ гап шаклан дарак гап характерида эга бўлиши мумкин (*Борсангиз бўларди*).

Умуман олганда, синтактик birlikлар ва улар ифодалаётган объектив воқелик орасида мувофиклик ҳам, номувофиклик ҳам мавжуд бўлади. Буни СБда ҳам, гап бўлақларида ҳам, гапда ҳам кузатиш мумкин.

ГАП ЛИСОНИЙ САТҲДА

Гап ЛСҚси ва унинг тикланиши

ЛСҚ нутқий ҳодиса сифатидаги гапнинг асосий грамматик ва структур (қурилиш) хусусиятини ўзида мужассамлаштирган мавҳум қурилма сифатида яшайди. Бу гапнинг структур элементи орасидаги муносабатни ифодалаб, унинг умумий грамматик маъносини мужассамлаштиради.

Нутқда гаплар турли-туман: 1 *Шавкат китобни ўқиди*. 2 *Ортади севинчим*. 3 *Фарғона, гўзалсан*. Шунинг учун уларнинг қолиплари ҳам турли-туман бўлиши табиий. Юқоридаги *Шавкат китобни ўқиди*

типидаги чексиз гаплар (*Тоҳир хатни олди. Муниса уйни супурди*) учун (эга+тўлдирувчи+кесим) *Ортади севинчим* типидаги чексиз гаплар учун (эга+кесим), *Фаргона, гўзалсан* типидаги чексиз гаплар учун (ундалма, кесим) қолиплари умумий. Айтилганлардан иккита икки хил хулосага келиш мумкин:

- 1) қолиплар чексиз гаплар учун умумий;
- 2) бу қолипларни ҳам чексиз ажратиш мумкин.

Иккинчи хулоса лисоний бирликларнинг чекланганлиги ҳақидаги қоидага зид. Демак, ё қолип ҳақидаги хулосада ҳали изчиллик ва мукамаллик йўқ, ёхуд ажратилган қолипларда умумийлик юқори даражада эмас. Зеро бошқа лисоний бирлик каби қолип ҳам миқдоран чекли ва моҳиятан умумий бўлиши лозим.

Келтирилган қолипнинг чексизлиги сабаби – унинг гапларни умумлаштиришнинг анча қуйи босқичида эканлиги. Чунки, [ундалма, кесим] ва [эга+кесим] қолипи ҳам ўзаро фарқли ва умумий белги-хусусиятга эга. Бу қолип ундалма ва кесим узвлари асосида ўзаро фарқланади, бироқ ҳар иккаласи учун ҳам кесим узви қанчалик чексиз кўриниш касб этмасин, улар лисонда битта умумийликка эга бўлиши ва бу умумийликнинг зарраси гап бўлиб кела оладиган исталган ҳосилада мавжуд бўлиши шарт ва зарур. Хўш, ўзбек нутқида қўллана оладиган гаплардаги юқори даражадаги умумийлик нимадан иборат ва у қандай тикланади? Буни аниқлаш учун бир неча ўнлаб гаплар олиниб, улардан носинтактик, яъни алмаштирилса ҳам, ўзгартирилса ҳам, гап моҳиятига дахл қилмайдиган фонетик (гап оҳанги), грамматик (гап бўлаклари учун асос бўлган сўз туркумлари) ҳодисалар, сўзловчининг коммуникатив нияти (ифода мақсади: дарак, сўроқ, буйруқ), эмоционал жиҳатлар (гапдаги ҳис-ҳаяжон), гап бўлаклари таркиби (йиғма, ёйиқ, аналитик бўлақлар), шахснинг тавсифи кабилар гапнинг моҳиятини қоронғилаштирувчи ўзга ҳодиса, тажалли сифатида гап таркибидан четлаштирилади. Шунингдек, тажаллилардан холи қилинган чексиз қолиплардаги фарқлар эътибордан соқит қилиниб, умумийликлар сақлаб қолинаверади. Демак, гап ЛСҚни тиклаш (аниқлаш) икки босқичда амалга оширилади:

- 1) носинтактик ҳодисаларни четлаштириш;
- 2) фарқларни соқит қилиш – айнанликларни ажратиш.

Қуйидаги гаплардан дастлаб носинтактик ҳодисаларни четлаштиришга ҳаракат қиламиз. *1.Шавкат уйга борсин! 2.Қайлардасан, севикли эркам? 3./урбат ахтарганга гурбат экан бу дунё! 4.Сен ҳам уни сеvasанми?*

Бу гапларда қуйидаги носинтактик ҳодисалар мавжуд:

1. Ифода мақсади. Бу носинтактик ҳодиса сўзловчининг мақсади, коммуникатив нияти бўлиб, шу асосда дарак, сўроқ, буйруқ гап ҳосил

қилинади. Бир гапни унинг синтактик қурилмасига таъсир қилмасдан ҳар хил оҳанг ёрдамида дарак, сўроқ, буйруқ гапга айлантириш мумкин. Масалан: 1. *Жамшид уйга борсин* (буйруқ гап). 2. *Жамшид уйга борсин* (*Жамшид уйга борсин, кейин гаплашамиз* маъносида - дарак гап). 3. *Жамшид уйга борсин?* (сўроқ гап). Гап оҳанг жиҳатдан қанча ўзгармасин, унинг қурилиши ўзгармасдан қолаверади: [эга+ҳол+кесим]. Гапнинг ифода мақсадини ўзгартувчи восита гап таркибига киритилса ҳам, синтактик қурилишига путур етказмайди (масалан, сўроқ олмошлари, юкламалар). Демак, биринчи гапдаги буйруқ, иккинчи ва тўртинчи гапдаги сўроқ ва учинчи гапдаги дарак маънолари мантикий категориянинг ушбу гапларда намоён бўлган зарралари – гапларнинг синтактик табиатига дахлдор бўлмаган ўзга, бегона ҳодисанинг тажаллиси.

2. Модал маънолар. Сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ифодаловчи модал маъно ҳам гапнинг синтактик қурилишига таъсир қилмайди. Масалан, *Шалола келган, Шалола келгандир, Шалола келди, Шалола, албатта, келди* гапларининг биринчисида сўзловчининг фикрга бетараф муносабати, иккинчисида гумонсираш, учинчисида аниқлик, тўртинчи гапда фикрнинг қатъийлиги намоён бўлган. Бундаги бирор гапдан англашилган сўзловчининг муносабати иккинчи бир гапга кўчирилса ҳам, гапларнинг синтактик табиати ўзгармасдан қолаверади. Юқорида келтирилган тўртта гапнинг биринчисида қатъийлик (*Шавкат уйга борсин*), иккинчисида ноаниқлик (*Қайлардасан, севикли эркам*), учинчисида афсус (*Ғурбат ахтарганга ғурбат экан бу дунё*), тўртинчисида гумон (*Сен ҳам уни сеvasанми?*) каби маънолар носинтактик ҳодисалар сифатида намоён бўлган.

3. Гап бўлақларининг ифодаланиш хусусиятлари. Гап бўлақларининг қандай сўз билан ифодаланганлиги – лексик ҳодисаларнинг гапда воқеланган (тажаллиланган) кўриниши. Масалан, бўлақларнинг от ёки феълдан эканлиги, лексема ёки фразема билан ифодаланганлиги ҳам нутқий синтактик қурилишни белгилайди, бироқ лисоний моҳиятга таъсир қилмайди. Бунга, дейлик, от билан ифодаланган бўлақни олмош билан алмаштириш асосида (*Нигора мактабга боради – эга+ҳол+кесим; У мактабга боради – эга+ҳол+кесим*) амин бўлиш мумкин.

4. Мураккаблаштирувчи воситалар. Гап таркиби ундалма, ажратилган бўлак, бўлакларнинг уюшиши, кириш ва киритма восита ёрдамида мураккаблашади. Ундалма, кириш ва киритма гап бўлақлари билан мазмунан боғланган, лекин грамматик муносабатга киришмаган ҳодиса бўлиб, гапнинг умумий синтактик қурилишини ўзгартиришга қодир эмас. Масалан, *Қайлардасан, севикли эркам* гапидаги ундалма (севикли эркам), *Шавкат, сўзсиз, ваъдани уддалайди* гапидаги кириш сўз (сўзсиз), *Табибнинг таъбирича, бу дардга даъво йўқ эмиш* гапидаги кириш

биризма (*табибнинг таъбирича*), *Шоир* (*мен уни илгари кўрмаган эдим*) *риндона ижодкор сифатида таассурот қолдирди* гапидаги киритма (*мен уни илгари кўрмаган эдим*) ана шундай носинтактик ҳодиса.

5. Ажратилган бўлак ажралмиш бўлакнинг маъносини муайянлаштирувчи восита бўлганлиги боис, у ўзига тегишли бўлакни мазмунан тўлдиради. Шу билан бирга, гап структурасини кенгайтиради. Ажратилган бўлак изоҳланаётган, тўлдирилаётган бўлак билан биргаликда ҳоким узвга тобеланади: 1. а) *У сойда, қўш ёнгоқнинг тагида, қорга кўмилиб узоқ турди* – [эга+ҳол+ҳол+кесим]; б) *У сойда қорга кўмилиб узоқ турди* – [эга+ҳол+ҳол+кесим]. 2. а) *Ошпазнинг, Рашид Жумаевнинг, қўли ширин экан* – [аниқловчи+эга+кесим]; б) *Ошпазнинг қўли ширин экан* – [аниқловчи+эга+кесим].

Демак, ажратилган бўлак гарчи интонацион алоҳидаликка, мустақилликка эга бўлса-да, изоҳланмиш, тўлдирилмиш билан бир бутун ҳолда гап структурасидан ўрин олади.

6. Навбатдаги мураккаблаштирувчи восита **уюшиқ бўлак** бўлиб, уюшган барча сўз гап структурасидан бита аъзо сифатида ўрин олади. Масалан, *Серқуёш, ҳур ўлкам элга бахт-нажот* (Мадҳия) гапидаги уюшган иккита аниқловчи (*серқуёш, ҳур*) гап структурасида бир аъзо сифатида иштирок этади. Уюшган бўлак ёпиқ ҳолатда бўлса, мураккаблашиш янада кучаяди: *Ариқ бўйида лойга беланиб ўйнаётган болалар, мудраб ётган олапар, қуёш нурида жимир-жимир қилаётган сув ўзига хос ажиб уйғунлик касб этган эди*. Бу гапдаги *болалар, олапар, сув* сўзлари аниқловчилари билан биргаликда ёйиқ уюшиқ бўлаклари ҳосил қилиб, ёйиқ уюшган қисмли бир бутунлик сифатида намоён бўлган.

Гап айтилган тажаллилардан холи қилинса, нисбатан умумий бўлган [эга + кесим], [эга + тўлдирувчи + кесим], [эга + тўлдирувчи + ҳол + кесим], [аниқловчи + тўлдирувчи + ҳол + кесим] каби қолиплар қолади. Лекин ушбу бешта гап бўлагининг, шунингдек, бу гап бўлагининг биттаси, гоҳ иккитаси ёки учтасининг туширилган ҳолдаги кўринишлари комбинациясидан кўплаб қолип тузиш мумкин бўлади. Олдимизда эса гапнинг нисбатан энг юқори ва умумий қолипини тиклаш вазифаси турибди. Демак, келтирилган гап қолипларидаги фарқлардан воз кечиб, умумийликларни сақлаш асосида қолипни тиклашнинг иккинчи босқичини амалга оширишимиз лозим.

Қолипни тиклашнинг иккинчи босқичида юқорида носинтактик - гапнинг лисоний қурилишига таъсир этмайдиган тажаллилардан холи қилинган [эга + кесим], [эга + тўлдирувчи + кесим], [эга + тўлдирувчи + ҳол + кесим], [аниқловчи + тўлдирувчи + ҳол + кесим] қолипидаги фарқлар назардан соқит қилинади. Натижада ягона умумийлик сифатида кесим унсури ажралиб чиқади. Кесим эса ҳар доим мустақил сўз ва кесимлик шаклларида иборат бўлганлиги боис, уни шартли равишда

«атов бирлиги+кесимлик қўшимчаси» ёки [WP_m] (W-инглизча *word*, P_m эса *предикат* ва *маркер* сўзларининг бош ҳарфлари) шартли белгиси билан белгилаймиз. [WP_m] содда гапларнинг энг умумий белгиси бўлиб, у аксарият содда гапда воқеланади. Бошқа гап бўлақларининг бирортаси гапда бўлмаслиги мумкин, лекин кесимнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Лисоний сатҳда [WP_m] бир неча оралиқ кўринишларга ҳам эга бўлади.

Содда гапнинг таркибий қисмлари

Гап кесимини шакллантирувчи восита кесимлик категорияси бўлганлиги сабабли ўзбек нутқидаги гапнинг таркибий қисмини шу гап таркибига кирувчи сўзнинг ва кесимлик категорияси шаклининг валентлиги белгилайди. Демак, нутқий гаплардаги икки ҳодисани фарқлаш лозим:

- 1) гап марказини ташкил этувчи сўздаги кесимлик категорияси **шакллари**га боғланувчи сўз;
- 2) гапда иштирок этаётган маълум бир сўзнинг маъновий валентлигини тўлдираётган сўз.

Булардан биринчиси гап кенгайтирувчиси бўлса, иккинчиси – сўз кенгайтирувчиси.

Гап кенгайтирувчиси. Гап кенгайтирувчиси гап таркибида маълум бир бўлак вазифасида келаётган сўзларнинг луғавий маъносига эмас, балки гапнинг кесимини шакллантирган морфологик воситага боғланади. Масалан: *Биз бу китобни кеча ўқидик* гапини олайлик. Бу гапда эга (*биз*), аниқловчи (*бу*), ҳол (*кеча*) ва кесим (*ўқидик*) иштирок этган. Гап маркази (*ўқидик*) ни луғавий маънони англатувчи (W) ва кесимлик қўшимчалари (P_m) га ажратамиз: *ўқи* (W) - *дик* (P_m). Гапдаги *биз* (эга) кесимлик категорияси шаклининг (-к) қисмига, *кеча* (ҳол) эса (-ди) қисмига боғланган. *Китобни* сўзи (тўлдирувчи) кесимнинг луғавий маъно англатувчи қисмига, *бу* (аниқловчи) эса *китобни* сўзига боғланмоқда. Буни чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин (41-жадвал):

41-жадвал

ўқи	ди	к
китобни	кеча	Биз
бу		

Демак, гапнинг кесими таркибидаги кесимлик қўшимчаларига тобеланган *кеча* (ҳол) ва *биз* (эга) сўзлари – гап кенгайтирувчилари. Бироқ *ўқидик* кесимининг луғавий маъно англатувчи қисми бўлган *ўқи* сўзи исталган бошқа феъл (*ёз, чиз, ол, бер*) билан алмаштирилиб, [-*дик*] қисми сақлаб қолинса, *биз* сўзи эга, *кеча* сўзи ҳол вазифасида қолаверади.

Демак, кесимлик категорияси гапнинг марказини шакллантирувчи асосий восита бўлганлиги сабабли, юқорида келтирилган гапдаги эга

гапнинг синтактик қурилишига бевосита алоқадор қисм – гап кенгайтирувчиси деб баҳоланиши керак. Эганинг мавжудлиги кесим вазифасида келган сўзнинг маъноси билан эмас, балки кесимлик грамматик шаклининг, жумладан, унинг таркибидаги шахс-сон маъноси билан боғлиқ. Кўринадики, эга кесимлик категорияси таркибига кирувчи шахс маъносини ўзида муайянлаштиради.

Дарслик ва қўлланмаларда эганинг шу гап таркибидаги бошқа бир сўзга эргашиб сўз бирикмаси туза олмаслиги (масалан, юқоридаги гапда *биз ўқидик* ҳосиласи сўз бирикмасини эмас, балки гапни бериши) таъкидланади. Худди шунингдек, *мен ўқитувчиман* гапида ҳам *мен* олмоши *ўқитувчи* сўзи билан сўз кенгайтирувчиси сифатида бирикиб сўз бирикмаси туза олмайди. *Менинг ўқитувчим* сўз бирикмасида эса бошқача ҳолатни кузатамиз, яъни бу ерда сўз бирикмаси грамматик шакл – эгалик қўшимчаси [-им] нинг синтактик қобилияти асосида юзага келади ва *ўқитувчи* сўзининг семантик валентлигига алоқадор эмас.

Гап кенгайтирувчиси сифатида эга гапнинг кесимлик қўшимчалари таркибидаги шахс-сон, ҳол эса замон, модаллик, тасдиқ-инкор шакллари билан боғланади.

Гап кенгайтирувчилари фақат кесимга тобеланади ва унинг бошқа бир сўзга тобеланиши кузатилмайди. Бу билан у синтактик қурилмадаги барча тобе бирликларнинг умумий – фақат бир сўзга тобеланиш, лекин бирдан ортиқ сўзга ҳоким мавқеида бўла олиш қонуниятини (хусусиятини) намоён қилади.

Модал гап кенгайтирувчи. Маълум бўлдики, [P_m] таркибида тасдиқ-инкор ва модаллик маънолари ҳам мавжуд. Шунинг учун [P_m] да мужассамлашган ва турли воситалар билан ифодаланган тасдиқ-инкор, тахмин, гумон, шубҳа, ишонч, аниқлик, қатъийлик, шарт, истак, тилак, буйруқ, имконият, зарурат, мажбурийлик ва ҳ. маънолар гап таркибида турлича – кириш бўлак, киритма бўлак каби гапнинг бошқа бўлаклари билан тобе-ҳокимлик муносабатига киришмайдиган ва шу боисдан сўз бирикмаларини ҳам ташкил эта олмайдиган модал ва тасдиқ-инкор сўзлар воситасида кенгайтирилади. Масалан: 1. *Нигора, эҳтимол келади.* 2. *Биз, шубҳасиз, ютиб чиқамиз.* Гаплардаги *эҳтимол*, *шубҳасиз* сўз-гаплари содда гап таркибига кирар экан, гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмаса-да, мазмунан (P_m) нинг тегишли маъноларини муайянлаштиради. Модал кенгайтирувчилар бу билан лисоний гап мазмунини нутқда тўлароқ очишга ёрдам беради.

Сўз кенгайтирувчилари. Гап таркибидаги мустақил сўзлик мавқеини сақлаган барча сўзларнинг маъновий қобилияти асосида кенгая олишини ва шу қобилиятни намоён қилишини таъминловчи луғавий бирлик *сўз кенгайтирувчиси* дейилади. Сўз кенгайтирувчиси гапнинг қурилишига бевосита алоқадор ҳодиса бўлмай, маълум бир сўзнинг

маъносини муайянлаштириш, уни очиб беришга алоқадор бўлган ҳодиса. Сўз кенгайтирувчиси мустақил, алоҳида бир гап бўлаги – гап қурилишининг зарурий таркибий қисми эмас. У гапнинг маълум бир бўлагига эргашиб, тобеланиб келади, гап маркази – кесим таркибидаги кесимлик қўшимчаси билан боғланмайди. Аниқловчи ана шундай бўлакнинг типик кўриниши. Масалан, *Бу китобни кеча ўқидик* гапидаги бу аниқловчиси тўлдирувчи (*китобни*) га тобеланган ва гап таркибида тўлдирувчи билан бир бутун ҳолда кесимга боғланади.

Аниқловчи гапдаги барча бўлакларни кенгайтириши мумкин.

а) эганинг кенгайтирувчиси : *Аълочи Тоҳир келди.*

б) кесимнинг кенгайтирувчиси: *Сен илғор ўқитувчисан.*

в) ҳолнинг кенгайтирувчиси: *У азим шаҳарда яшайди.*

г) тўлдирувчининг кенгайтирувчиси: *Ақлли болаларни севаман.*

е) аниқловчининг кенгайтирувчиси: *Безубор ёшлигим таассуротлари ҳеч қачон ўчмайди.*

Сўз кенгайтирувчиси нутқда кесим вазифасида келган сўзга мансуб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Гулнора истеъдодли талаба.* Бу ҳолатда ҳам сўз кенгайтирувчиси гап қурилишига ўзи эргашиб келган сўз билан бирга кириб келади ва гап қурилишида алоҳида ўрин эгалламайди. Юқоридаги гапда *истеъдодли* сўзи гап кесимига тобеланиб келгандай кўринади. Аслида эса у гап кесимига эмас, балки мана шу гапдаги кесим вазифасида воқеланган *талаба* сўзига тобеланиб келмоқда. Шунинг учун гапнинг кесими вазифасида келган сўзнинг лексик-семантик валентлиги билан боғлиқ бўлган кенгайтирувчи бўлак ҳам сўз кенгайтирувчиси. *Биз кеча бу китобни ўқидик* гапидаги *китобни* сўзшакли билан ифодаланган воситасиз тўлдирувчини олиб кўрайлик. Маълумки, воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш фақат ўтимли феълга хос. Шу боисдан воситасиз тўлдирувчи кесимлик шакли билан эмас, балки кесим вазифасида маъно жиҳатидан ўтимли бўлган феълнинг келиши билан боғлиқ. Сўз ва гап кенгайтирувчиларини фарқлашга юқорида тасвирланган мезон асосида ёндашадиган бўлсак, бу гапдаги тўлдирувчини ҳам сўз кенгайтирувчиси – ўтимли феълнинг луғавий маъноси билан боғлиқ бўлган муайянлаштирувчи бўлак сифатида баҳолаш лозим. Воситали тўлдирувчи ҳам воситасиз тўлдирувчи каби гапда сўз кенгайтирувчиси мавқеида бўлади ва гап қурилишида мустақил ўринга эга эмас.

Демак, тўлдирувчи ҳам аниқловчи каби сўз кенгайтирувчиси бўлиб, гапнинг қурилишида мустақил ўрин эгалламайди, балки гап таркибига ўзи боғланаётган ўтимли феъл билан бирга киради. Ўтимли феъл гапда қандай мавқеда келмасин, воситасиз тўлдирувчи у билан бир бутунликни ташкил этиб, шу бутунликка нисбатан бўлак мақомида бўлади. Бошқача айтганда, мазкур гапда тўлдирувчи гапнинг бўлаги эмас, балки кесимнинг бўлаги – бўлак ичидаги бўлак.

Тўлдирувчи гапда, кўпинча, кесимга боғланади. Лекин тўлдирувчи фақат кесимга тобеланиб келади, дегани эмас. У барча бўлақларни тўлдириши мумкин:


1. **Каттани** ҳурмат қил.
2. **Каттани** ҳурмат қилишни ўрган.
3. **Каттани** ҳурмат қилиш - ёшларнинг фазилати.
4. Болаларимизни ёшлигидан **каттани** ҳурмат қилишга ўргатишимиз зарур.
5. Ёшларимиздаги энг яхши фазилатлардан бири **каттани** ҳурмат қилишдир.

Кўринадики, воситасиз тўлдирувчи 1-гапда кесимга, 2- гапда воситасиз тўлдирувчига, 3- гапда эгага, 4- гапда воситали тўлдирувчига, 5- гапда яна кесимга боғланиб келаяпти.

Демак, тўлдирувчи феъл билан ифодаланган барча гап бўлақларига боғланади ва гап таркибига ўзи боғланган бўлак билан яхлитлигича киради. Бу кенгайтирувчилар ўзи бирикаётган сўз билан сўз бирикмаси ҳосил қилади, бироқ гап қурилиши билан бевосита алоқадор эмас.

Лисоний сатҳда гап бўлақлари

Грамматик шаклланган гапнинг минимал ва максимал лисоний синтактик қолипи. Аввалги фаслларда гапнинг энг кичик лисоний қолипи $[WP_m]$ рамзи билан берилиб, гапнинг умумий лисоний моҳияти сифатида тавсифланди. Бунда ўзбек нутқида қўлланадиган аксарият гапнинг энг умумий белгилари мужассамлашган. Нутқдаги барча гапларнинг кесимдан бошқа бўлақлари олиб ташланса ҳам, у гап бўла олади. Бироқ нутқий гапларнинг лисоний сатҳда бу умумийлик (WP_m) дан қуйроқда жойлашган бошқа умумийликлари ҳам бор. Модомики, гап кенгайтирувчилари гап моҳиятини белгиловчи асосий восита бўлган кесимлик қўшимчалари (P_m) га тегишли экан, демак, йиғиқ гапдан бошқа барча кенгайган гапда, кесим билан бирга, яна иккита гап бўлагини ажратиш мумкин. Улар эга ва ҳол. Тўлдирувчи ва аниқловчи эса барча бўлақларга, бўлакнинг бўлақларига боғланганлиги ҳамда сўз кенгайтирувчилари бўлганлиги боис лисоний қолипдан ўрин ола олмайди. Улар қайси сўзга боғланаётган бўлса, лисоний сатҳда унинг валентликлари сифатида яшайди. Йиғиқ гап эса умумий қолип – $[WP_m]$ нинг айнан воқеланиши. Масалан: *Баҳор. Ўтлар ям-яшил* каби. Демак, гапнинг минимал қолипи $[WP_m]$ эга ва ҳол билан кенгайтирилса, у қуйидаги кўринишни олади:




Бу гапнинг максимал қолипи ҳисобланади. Бошқа барча сўз кенгайтирувчилари (тўлдирувчи ва аниқловчилар) ўзи эргашиб келаётган бўлақлар билан бир бутун ҳолда битта бўлақ (эга, кесим, ҳол) бўлиб келади. Масалан, *Шароб ҳамманинг бошини қиздириб, ҳиссиётни ақлдан устун қилган бу соатда соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистоннинг подшоҳи бўлган зурриёти ўзининг қилич кесмайдиган, ўқ ўтмайдиган назаркарда ботир эканига арслон кийик билан олишганда ўз галабасига амин бўлгандай ишонмоқда эди (П.Қодиров)* гапида учта гап кенгайтирувчиси бор: *бу соатда, зурриёти, аниқ бўлгандай*. Булар тўғридан-тўғри гап маркази (кесими) даги кесимлик қўшимчалари билан боғланган. Қолган сўзлар эса ана шу (*соатда, зурриёти, амин бўлгандай, ишонмоқда эди*) бўлақларнинг маъновий валентлигини тўлдираётган сўз кенгайтирувчиларидир (Схемада ҳол **Н**, эга **Е** белгиси билан берилди) (42-жадвал):

42-жадвал

бу → соатда	амин бўлгандай	зурриёти	ишонмоқда	эди
<p>устун қилган</p> <p>↑</p> <p>ақлдан</p> <p>↑</p> <p>ҳиссиётни</p> <p>↑</p> <p>қиздириб</p> <p>↑</p> <p>бошини</p> <p>↑</p> <p>ҳамманинг</p> <p>↑</p> <p>шароб</p>	<p>галабасига</p> <p>↑</p> <p>ўз</p> <p>↑</p> <p>олишганда</p> <p>↑</p> <p>кийик билан</p> <p>↑</p> <p>арслон</p>	<p>Темурнинг</p> <p>↑</p> <p>Амир</p> <p>↑</p> <p>Соҳибқирон</p> <p>↑</p> <p>Жаҳонгир</p>	<p>ботир эканига</p> <p>↑</p> <p>ўтмайдиган</p> <p>↑</p> <p>ўқ</p> <p>↑</p> <p>кесмайдиган</p> <p>↑</p> <p>қилич</p>	

Гапда ҳоллар маъновий турларига кўра бир нечта бўлса ҳам, у битта Н белгиси билан гап қолипидан ўрин олади. Демак, юқоридаги гап ҳам



максимал қолипнинг ҳосиласи.

Уюшиқ бўлақлар гап структурасида бир хил мавқени эгаллаганликлари сабабли уларни лисоний синтактик қолипта беришга эҳтиёж йўқ. Шунингдек, ажратилган бўлақлар ҳам қайси бўлақни изоҳлаётган бўлса, ўша бўлақ билан бир бутунлик касб этади.

Лисоний синтактик қолипнинг чексиз ранг-барангликда воқеланиш имконияти устига нутқда ҳар бир сўзнинг маъно валентлиги заминида хилма-хил сўз кенгайтирувчиси билан кенгайиб келиш имконияти қўшилади ва бу кўринишларни чексиз миқдорда кўпайтиради. Лисоний синтактик қолипларда ҳар бир ташкил этувчи (кесим, эга, ҳол) нинг битта сўз, сўз бирикмаси, сўз бирикмаси занжири, ажралмас бирикма билан ифодалана олиш қонунияти ва бундай турли қурилишли бирикмаларнинг синтактик нуқтаи назардан тенг ҳуқуқлилиги мазкур имкониятни янада кенгайтиради. Шунинг учун гапнинг ўта содда кўриниш касб этган энг умумий моҳияти – минимал қолипи - $[WP_m]$ ҳам, ундан қуйидаги умумийлик – максимал қурилиш қолипи - $[E-H-WP_m]$ ҳам нутқимизда мана шундай ранг-баранглик ва чексиз имкониятга эга бўлади.

Кесимлик категорияси

Гап бўлақлари (P_m) маъноси билан узвий боғлиқ. Шу боисдан гап бўлақларини кўриб ўтиш учун бевосита гапнинг «жон»ини, марказини шакллантирувчи восита – кесимлик категориясининг таркиби, маънолари ва ифодаланиш усулларига қисқача шарҳ бериши зарур. Зеро гап кенгайтирувчилари тушунчаси, уларни белгилаш, шу асосда гапнинг структур зарурий ва ихтиёрий таркибий қисмларини ажратиш гапнинг «юраги», гапнинг гап эканлигини таъминловчи кесимлик категорияси ва унинг кўрсаткичи, ифодаланиш хусусияти билан узвий боғлиқ. Шу сабабли, гапнинг гаплигини, яъни бир нисбий тугал фикрни бошқаларга етказиш, улар томонидан тўғри англанишининг энг муҳим омили – бу нутқ босқичида нутқ шароити, лисоний босқичда эса кесимлик категорияси.

Демак, кесимлик категорияси фикрни шакллантирувчи, уни тингловчига етказишнинг энг муҳим лисоний воситаси асоси.

Кесимлик категорияси. Кесимлик категорияси мазмун жиҳатидан тасдиқ-инкор (**Т**), сўзловчининг баён этилган фикрга билдирган муносабати – модаллик (**М**), замон (**З**) ва шахс-сон (**Ш**) маъноларидан таркиб топади. (Буни қисқача шартли равишда **Т, М, З, Ш** деб белгилаймиз ва қулайлик учун кейинги ўринларда ана шу шартли қисқартмалардан фойдаланамиз). Бу маънолар яхлит ҳолда воқелангандагина кесимлик категорияси ички мазмун томонини намоён қила олади. **Т, М, З, Ш** маъноларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида

равишда юзага чиқиши мумкин. Масалан, модал сўзларда майл (модаллик) маъноси бўлади. Кишилик олмошлари ва эгалик қўшимчаларида шахс-сон маъноси етакчилик қилади. Тасдиқ-инкор сўзлари (*ҳа, йўқ*) да, бўлишли-бўлишсизлик (*[-ма], [0]*) да тасдиқ-инкор маъноси ёрқин ифодаланган бўлади. Пайт равишлари, замон отлари, шунингдек, ўрин-пайт келишиги шакли, равишдош ва сифатдошда замон маъноси ифодаланади. Лекин буларнинг барчаси алоҳида-алоҳида воқеланиш бўлиб, кесимлик вазифасида юзага чиқишидан бошқа ҳолатда яхлит систем табиатга эга бўлмайди. Зеро кесимлик категорияси мазкур алоҳида олинган категорияларнинг яхлитлиги (системаси) дан иборат. Ҳар қандай тизим – ўз таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидан каттарок бутунлик. Чунки **Т,М,З,Ш** категориялари кесимлик категориясида бирлашар экан, бу бутунлик таркибий қисмларида аввал бўлмаган, лекин система ташкил этганда туғиладиган ҳодисаларни ҳам қамраб олади. Масалан, *ўтган йили ўқимаган одам* бирикувидаги *ўқимаган* сўзшаклининг бирикувчиси – *ўтган йили* сўз кенгайтирувчиси (лекин гап бўлаги эмас). *У ўтган йили ўқимаган* гапидаги *ўтган йили* сўзшакли – гап бўлаги (ҳол). Демак, биринчи қурилмадаги кесимлик категорияси аъзоси эмас, шу боисдан унинг бирикувчиси (*ўтган йили*) гап бўлаги эмас. Аммо иккинчи қурилмада *[-ган]* кесимлик категориясининг таркибий қисми бўлиб, унинг бирикувчиси гап бўлаги. Гап кесимлик таркибидагина гап бўлақларини ўзига тобелайди. Бу унинг бутунлик таркибида касб этган ёки намоён бўлган белгиси.

Кесимлик категориясининг нутқий гапларда воқеланишидаги икки ҳолатни фарқлаш лозим:

1) кесимлик категориясининг грамматик (морфологик) шакллар орқали воқеланиши;

2) кесимлик категориясининг семантик-функционал ифодаланиши.

Бундан келиб чиққан ҳолда гапни иккига ажратиш мумкин:

1) грамматик шаклланган гап;

2) семантик-функционал шаклланган гап.

Грамматик шаклланган гап. Грамматик шаклланган гапда кесимлик категорияси маъноси кесимлик қўшимчаларининг фақат ўзи билан ёки боғлама ва кесимлик қўшимчалари воситасида ифодаланиши мумкин.

Ўзбек тилида кесимлик қўшимчаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) кесимлик категориясининг таркибий қисмлари синкретик, яъни ажралмас, битта моддий кўринишда берилган қўшимчалар бўлади: *ўқий*, *кетайлик*, *келди*. Бу қўшимчалар (*[-й]*, *[-айлик]*, *[-ди]*) нинг ҳар бирида тасдиқ-инкор, шакл, замон ва шахс-сон маънолари биргаликда умумий шаклга эга. Масалан, *ўқий* кесимидаги *[-й]* қўшимчаси бўлишлилик (*[-*

май] унинг бўлишсиз шакли), буйруқ- истак майли (бунда [-син], [-нг], (ўқисин, ўқинг) билан парадигма – ўхшашлик қатори ҳосил қилади), келаси замон, биринчи I шахс (II шахс ўқи), бирлик (кўпликда ўқийлик) маъноларига эга. Бундай ҳолатни *борса, ёзса* сўзшакллари таркибидаги шарт майли кўшимчасида ҳам кўриш мумкин. Бундай синкретик шаклли маънолар ноль морфемаларда ҳам мавжуд: 1. *Ўқи!* 2. *Шавкат – шоир.* 3. *Қиш;*

2) кесимлик кўшимчаси таркибида тасдиқ-инкор алоҳида кўшимча билан, модаллик, майл, замон, шахс-сон қоришиқ равишда битта кўшимча билан берилади: *кел - ма - ди, кел - ма – й;*

3) кесимлик кўшимчаси таркибида тасдиқ-инкор, модаллик, замон маънолари қоришиқ ҳолатда бир кўшимча билан, шахс-сон маъноси бошқа кўшимча билан берилади: *бор - са - нг, ўқи - са - нгиз, кўр - ди – ми;*

4) кесимлик кўшимчаси таркибида тасдиқ-инкор алоҳида, шахс-сон алоҳида, модаллик ва замон маънолари қоришиқ кўшимча билан ифодаланади: *кўр – ма – ди – нгиз;*

5) кесимлик категориясининг ҳар бир маъноси алоҳида-алоҳида кўшимча билан ифодаланади: *кўр – ма – са – йди – нгиз;*

6) кесимлик категория маъноларини ифодалашда боғлама ёки тўлиқсиз феъл воситаларида юзага чиқади. Масалан: *Борган йигит мен бўламан* (А.Мухт.) *Ҳамон ёдимдадир: гул чоғи эрди.* (Уйғ. И.Султ.).

Санаб ўтилган барча воситалар лисоний моҳият нуқтаи-назаридан бир категориянинг шакллари сифатида баҳоланади ва қолипда, айтилганидек, битта рамз - (P_m) шартли белгиси билан берилади. Қуйидаги гапларнинг кесимига диққат қилинг: 1) *Сенсан ҳар нарсадан мўътабар азиз* (W -сен, P_m -сан). 2. *Ҳа, ҳа, аммамнинг бузоғисан* (W - бузоғ, P_m – и+сан). 3. *У чўл бургути эди* (W - чўл бургути, P_m - эди). 4. *У шу ерда яшайди* (W – яша, P_m – йди).

Маълум бўладики, [WP_m] (W) ва (P_m) қисмларидан иборат бўлиб, атов маъносини (W), кесимлик маъносини (P_m) кўрсаткичи беради. (P_m) кўрсаткичлари формал жиҳатдан ифодаланганда у *морфемали* дейилади. Масалан, *Уйим шаҳарда* гапидаги *шаҳарда* сўзшакли алоҳида олинганда унда кесимлик маъноси, вазифаси мужассамлашган эмас. Бу вазифа унга контекст (нутқ шароити, гапдаги ўрни ва ҳ.) томонидан киритилмоқда. Бунда (P_m) морфемали эканлигига уни *шаҳардадир, шаҳарда эди, шаҳарда бўлади* тарзида ўзгартириш билан ҳам амин бўлиш мумкин. Демак, *Уйимиз шаҳарда* гапида (P_m) таркибий қисмлари қуйидагича: **Т** – тасдиқ, **М** – аниқ, **З** – ҳозирги замон, **Ш** – III шахс. Бунда ҳам кесимнинг таркибий қисмлари (W) ва (P_m) ажралиб турибди. Шу хусусиятга кўра улар семантик-функционал шаклланган гаплардан ажралиб туради.

Семантик-функционал шаклланган гап. Семантик-функционал шаклланган гап тўртга бўлинади:

- 1) модал сўз-гап (*Келасизми?- Албатта*);
- 2) ундов сўз- гап (*Бех-бех! Оҳ-оҳ*);
- 3) тасдиқ/инкор сўз- гап (*Ҳа, йўқ*);
- 4) таклиф-ишора сўз-гап (*Ма*).

Бу сўз-гапнинг барчасида кесимлик категорияси маъноси (ТМЗШ) сўзнинг луғавий маъносида мужассамлашган бўлади. Шунинг учун бундай сўз-гап:

- а) ҳеч қачон кесимлик қўшимчаларини қабул қила олмайди;
- б) нутқда алоҳида гап бўлиб келади;
- в) бошқа гап таркибига кирганда, унинг бирор бўлаги билан семантик алоқага киришмайди ва ўз мустақиллигини сақлаб қолаверади.

Семантик-функционал шаклланган сўз-гапда кесимлик маъноси атов бирлиги (**W**) нинг луғавий маъноси таркибида мужассамлашган, бундай гаплар кесими [**W_m**] рамзи билан берилади.

Семантик-функционал шаклланган гапларда кесимлик маъноси сўз-гапнинг луғавий маъноси билан бир бутунликни ташкил этганлиги сабабли кесимлик категорияси учун хос бўлган тасдиқ-инкор, модаллик, майл, замон, шахс-сон (ТМЗШ) маъноларининг ранг-баранглиги йўқ. Бунда ҳам кесимлик категориясининг барча маънолари учбурчак бурчакларининг йиғиндисига ўхшайди. Айтилганидек, учбурчак бурчакларининг йиғиндиси 180⁰ га тенг бўлиб, бир бурчак каттароқ бўлса, бунинг эвазига бошқа бурчаклар кичраяди. Семантик-функционал шаклланган гапларда ҳам кесимликнинг тўртта маъносидан бири юзага чиққанда бошқалари 0 (ноль) га тенг бўлади. Бу тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон маъноларининг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сўзлар борлиги билан белгиланади. Масалан, «қатъий бўлишлилик» маъноси (яъни майл маъносининг кўриниши) *албатта* сўзи билан ифодаланса, кесимлик шаклидаги [-*ма*] қўшимчаси ифодаляйдиган шундай бўлишсиз маъно *мутлақо* сўз-гапи билан берилади. *Ҳа* сўзида тасдиқ, *йўқ* сўзида инкор маъноси мавжуд.

Кесимлик категорияси маънолари кесимдаги атов бирлиги луғавий маъносига сингганлиги туфайли сўз-гапларда бу маъноларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ва ранг-баранг кўринишларда ифодалаш имкониятлари чекланган. Шу боисдан ўзбек тилида кесимлик қўшимчаларини қабул қиладиган, кесимлик категориясининг барча маъноларини ифодаляй оладиган, луғавий маъноси кесимлик қўшимчаларига бефарқ бўлган, яъни уларни эркин бириктира оладиган мустақил сўз (феъл, от, сифат, сон, равиш, таклид ва олмош) лардан луғавий маъносида кесимлик категорияси қўшимчаларини бириктира олмайдиган, лекин уларнинг маъноларидан бирини ўз луғавий маъноси

билан кўчайтирган ҳолда ифодалаб, бошқаларини нутққа ўта кучсиз ҳолда воқелантирувчи сўз-гаплар гуруҳи алоҳида ажралиб туради.

Мустақил ва номуустақил кесимлик шакллари. Ўзбек тилида кесимлик қўшимчалари ўз воқеланиши учун бошқа бир гапни талаб қилиши ҳам, талаб қилмаслиги ҳам мумкин. Қуйидаги гапларнинг кесимига диққат қилинг: 1. *Мен кеча мактабга бордим.* 2. *Ўқитувчи келса, дарс бошланади.* 3. *Ёмғир ёғмаса эди, экин-тикин ишларини саранжомлаб олган бўлур эдик.*

Биринчи гапнинг кесими (*бордим*) ўз маъносини бошқа гапларга эҳтиёж сезмасдан воқелантирмоқда. Иккинчи гапдаги *келса*, учинчи гапдаги *ёғмаса эди*, *саранжомлаб олган бўлур эдик* кесимларининг ушбу гапларда воқеланган маънолари учун бошқа гап талаб қилинади. Бошқача айтганда, *келса* ва *ёғмаса эди* кесимларидан англашилган шарт маъноси бошланади, *саранжомлаб олган бўлур эдик* кесимлари ёрдамида, *саранжомлаб олган эдик* кесимнинг маъноси эса ундан олдиндаги *ёғмаса эди* кесими ёрдамида юзага чиқади. Агар иккинчи ва учинчи гапнинг иккинчи қисми олиб ташланса, олдинги гапдаги кесимдан шарт эмас, балки истак маъноси юзага чиқади: *Ўқитувчи келса. Ёмғир ёғмаса эди. Саранжомлаб олган бўлур эдик* кесими эса олдинги гапсиз ҳеч қачон, бошқача бўлса ҳам, маъносини воқелантира олмайди. Маъносини ёрдамчисиз воқелантирадиган кесимлик шакли *муустақил кесимлик шакли* (МКШ) дейилади.

Бошқа гапларсиз, яъни қуршовсиз ўз маъносини воқелантира олмайдиган, воқелантирган тақдирда эса бутунлай бошқа маъно келиб чиқадиган кесимлик шакли *номуустақил кесимлик шакли* (НКШ) дейилади.

Кесим

Кесим – тасдиқ/инкор, замон, модаллик, шахс/сон (яъни кесимлик категорияси) маъно ва шакллариغا эга бўлган сўз, гап марказини ташкил қилувчи бўлак.

Нутқимизда кесимсиз гап бўлиши мумкин эмас. Гапда кесим бўлмаса, у ўзбек тили (нутқи) учун тўлиқсиз гап. Кесим гапнинг шундай конструктив бўлагики, у ўзини шакллантирувчи грамматик категория – кесимлик категорияси воқеланишига эга. Шу сабабдан ҳамма вақт гапда кесим таркиби мураккаб.

Ўзбек тилидаги айрим гапларда эганинг қўлланилиши шарт бўлади: 1. *Отам – ўқитувчи.* 2. *Мен – яҳудий.*(Ғ.Ғул.) Бунда (м) туширилган бўлиб, унинг вазифаси эга ва кесим бирлигидан иборат бўлади. Бу типдаги гапларнинг кичик қолипиди [E-WP] кўринишида. Қолипнинг бу тури ўзбек тилининг типологик синтактик белгиси бўла

олмайди. Чунки ўзбек тилидаги гапларнинг аксарияти [WP_m] минимал қолипи ва унинг кенгайиши асосида.

(P_m) маъноси кесимда мужассамлашган тасдик/инкор, модаллик/майл, шахс/сон маъноларининг яхлитлигидан иборат. Шу боис (P_m) нинг меъёрий маъноси ушбу тўртта грамматик маънонинг мажмуи сифатида ажратилади. Исталган гап таркибида бу мажмуа бутунлик сифатида бўлиши шарт, лекин муайян нутқий воқеланишларда мажмуа таркиби қисмларининг ҳиссаси ҳамма вақт бир хил бўлавермайди. Масалан, модаллик маънолари бўрттирилганда, замон маъноси заифлашади ва аксинча, замон маъноси бўрттирилганда модаллик маъноси сусаяди. Шунга ўхшаш бошқа грамматик маъноларнинг ифодаланиш даражаси ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Бу маънолар ифодаланиш даражаси қанчалик кучли бўлмасин, у (P_m) да мутлақ ёки ягона бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, ўта заифлашиб келиши ёки тамоман йўқолган бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки кесимлик категорияси таркибидаги ҳар бир маъно тизим ҳосил қилувчи маъно ва улардан бирортаси тамоман йўқолса, кесимликнинг ўзи ҳам йўқолади ёки бутунлай бошқа моҳият касб этади.

Шаклий ифодаланишга кўра (P_m) ўзбек тилида ўта ранг-баранг. Унинг ноль морфема (*Отам – ўқитувчи*) дан бошлаб морфемалар тизмаси билан (*айтмасайдингиз*), турли хил боғламалар билан ифодаланиши мумкинлиги айтилди.

Кесимнинг луғавий асоси ҳам нутқда туб, содда, ясама, қўшма, қисқартма, эркин сўз бирикмаси, турғун сўз бирикмаси, парафраза, фразема, кенгайган бирикма, трансформациялашган гаплар каби структура жиҳатидан ранг-баранг бўлган номинатив бирлик билан ифодаланиши мумкин.

Кесимнинг W га кўра турлари. Кесимликдаги атов бирлиги вазифасида барча мустақил сўз туркуми кела олади. Шунга кўра, кесимларни умумлаштириб, *исм* (от, сифат, сон, равиш, тақлид олмош) *ли* ва *феъл* (феъл, олмош) *ли* кесимларга ажратиш мумкин.

Исм билан ифодаланган кесимлар.

От: *Қарға нима деётганини билмаймиз, чунки у қарға, биз – одам.*
(«Хуснобод»)

Сифат: *Э тақсир, қиссамиз узун.* (Ойб.)

Сон: *Икки карра икки – тўрт.*

Равиш: *Ўзлаштиришинг – ёдаки.*

Тақлид: *Ҳамма томон говур-гувур, тинчлик йўқ.*

Олмош: *Сен – менсану, мен – сенман, қиссамни баён этсам.*

Феъл билан ифодаланган кесим:

1. *Мақсадим – ўқимоқ.* 2. *Қарасам, қарамайсан.* 3. *Ишнинг боши бошлангунча.* 4. *Яшнаганим – яшнаган.* 5. *Йигит кишининг уялгани – ўлгани.* 6. *Кўрди-ю, капалаги учиб кетди.*

Кесим тузилишига кўра содда, мураккаб ва таркибли бўлади.

Содда кесим бир мустақил сўз билан ифодаланади: 1. *Сен баҳорни соғинмадингми?* (А.Орип.) 2. *Мажлис шунга қарор қилди.* 3. *Мана бу – ерэнгоқ.* 4. *Шерзод – талаба.*

Мураккаб кесим сўз бирикмаси ҳолидаги кенгайган сўз билан ифодаланади: 1. *Бу кун биз учун оғир кун.* 2. *Шерзод юлдузни бенарвон урадиган йигит.*

Таркибли кесим етакчи ва ёрдамчи аъзодан тузилиб, етакчи аъзо луғавий маънога эга бўлади, ёрдамчи аъзо эса грамматик маъно ташийдди. Мисоллар: 1. *Анжир кулчадай йирик ва ҳолвайтардай юмшоқ эди.* (О.): *юмшоқ* - етакчи компонент, *эди* - ёрдамчи компонент. 2. *Ҳаммаси сен учун, диловар учун:* *сен*+ етакчи компонент, *учун* - ёрдамчи компонент, *диловар* - етакчи компонент, *учун* - ёрдамчи компонент. 3. *Бундай одамларни нодон ҳисоблашади.* («Калила ва Димна»): *нодон* - етакчи компонент, *ҳисоблашади* - ёрдамчи компонент. 3. *Ҳамма ҳам халқига хизмат қилгиси келади.* (Н. Сафаров.) - *хизмат қилгиси*+ етакчи компонент, *келади* - ёрдамчи компонент.

Эга

Эга гап кесимини шакллантирувчи (P_m) – кесимлик категориясида мужассамлашган шахс-сон (Ш) маъносини муайянлаштирувчи гап кенгайтирувчиси: 1. *Элчибек аста ўрндан турди.* (А.Мух) 2. *Бири – сенсан, бири – мен.* (Ойб.) 3. *Шундай ўлка доим бор бўлсин.* (Ҳ.Олим.) 4. *(Сен) Айтар сўзни айт, (сен) айтмас сўздан қайт* (Мақол). Биринчи гапда *Элчибек* сўзи кесимдаги учинчи шахс бирлик (ноль) кесимлик кўшимчасининг, иккинчи гапдаги *бири* сўзлари *сенсан* кесимининг иккинчи шахс бирлик ([-сан]) ва *мен* сўзидаги биринчи шахс бирлик ([-ман]), учинчи гапдаги *ўлка* сўзи *бор бўлсин* кесимидаги учинчи шахс ([-син]), тўртинчи гапдаги ифодаланмаган (*сен, сен*) *айт, қайт* сўзлари билан ифодаланган кесимдаги иккинчи шахс бирлик (ноль) кесимлик маъносининг муайянлаштирувчиси, кенгайтирувчиси. Эга гапдаги фикр ўзи ҳақида бораётган, белгиси кесим томонидан кўрсатилаётган бўлак. Кесимдан ахборот (коммуникация) англашилса, эга ана шу коммуникация предметиدير.

Эга бевосита кесимлик шакли – (P_m) га боғланаётганлиги туфайли, ҳол ва кесим билан биргаликда, гапнинг конструктив бўлаклари қаторига киради.

Эгали ва эгасиз гаплар. Гапнинг лисоний қурилишида эганинг ифодаланган ёки ифодаланмаганлигига кўра икки кўриниши бўлади:

- 1) эгали гаплар;
- 2) эгасиз гаплар.

Эгали ва эгасиз гап гапнинг лисоний синтактик қолипи билан эмас, балки гап кесимининг луғавий (**W**) ва кесимлик кўшимчалари (**P_m**) қисмларининг баъзи бир ифодаланиш хусусиятлари билан боғлиқ.

1. Эгасиз гаплар. Бундай гапларда кесим таркибидаги (**P_m**) нинг шахс-сон маъноси ўта кучсизланиб, гап таркибидаги эганинг мутлақо бўлмаслигини келтириб чиқаради. Эгасиз гапларнинг мавжудлигига олиб келувчи омиллар кесимдаги (**W**) ва (**P_m**) га боғлиқ икки гуруҳга бўлинади.

I. (W) га боғлиқ равишда эгасиз гапнинг вужудга келиши.

1. Ўтимсиз феъллар (масалан, *бормоқ, юрмоқ, югурмоқ, қолмоқ, эришмоқ*) воситасиз тўлдирувчига эга бўлганлиги туфайли мажхул нисбат шаклини олганда, гап эгасиз қўлланади: 1. *Бугун стадионга **борилади**.* 2. *Ўн минут қадар йўл **юрилди**.* (Ойб.) 3. *Институтнинг ўттиз йили давомида улкан ютуқларга **эришилди**.* 4. *Катта трассага чиқиш учун ўнг томонга **юрилади**.* 5. *Жиззахга бориш учун Самарқанддан **ўтилади**.* Бу гаплардан биттасининг лисоний қолипini кузатамиз (43-жадвал):

43-жадвал

Е	Н	W	P _m
-	<i>ўттиз йили давомида</i>	<i>эришил</i>	<i>ди</i>
	↑ <i>институтнинг</i>	↑ <i>ютуқларга</i>	
		↑ <i>улкан</i>	

Маълум бўладики, гапнинг максимал лисоний қолипидаги эганинг ўрни бўш. Бунинг боиси, айтилганидек, ўтимсиз феъл (*эришмоқ*) мажхул нисбатга ўтганда эга ўз-ўзидан тушиб қолади. Агар феъл ўтимли бўлса эди, (масалан, *ўқимоқ*), унинг воситасиз тўлдирувчиси эга мавқеини эгаллар эди: *Нилуфар китобни ўқиди – Китоб Нилуфар томонидан ўқилди* тарзида. *тўғри келмоқ* кўшма феъли «Ўзбек тили»нинг изоҳли луғатидаги 8-маъносида жўналиш келишигидаги ҳаракат номи билан зич алоқага киришиб, эгасиз гаплар ҳосил бўлишига олиб келади: 1. *Наргизага оғир бўлди, кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келади.* 2. *Бунинг учун Тошкентга ўз вакилларимизни юбориб, корхонадан зарур ёрдамни сўрашимизга тўғри келади.* Бу гапларнинг лисоний структураси қуйидаги кўринишда бўлади (44-жадвал):

44-жадвал

E	H	W	P _m
		<p>сўрашимизга тўғри кел</p>	-ади
	<p>Тошкентга</p> <p>ёбориб</p> <p>ёз → вакилларимизни</p>	<p>ёрдამни</p> <p>зарур</p> <p>корхонадан</p>	

II. Эгасиз гапларнинг иккинчи тури кесимдаги (P_m) нинг хусусиятлари билан боғлиқ.

1. *Керак, лозим, мумкин, зарур, даркор, муҳим, шарт, жоиз, фарз* каби кесимлик сўзлари ҳаракат номлари билан кесим мавқеида келганда, эгасиз гаплар вужудга келади. Бунда (P_m) таркибидаги учта – майл (модаллик), замон, инкор, тасдиқ турли шакл ва маъноларда бўлиб, уларнинг шахс-сон шакли III шахс бирликда бўлади: 1. *Мазкур масалада ҳаммани қизиқтираётган барча саволларга Республика марказий банкида ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали батафсил жавоб олиши мумкин.* 2. *Бу топшириқни бажариши шарт.* 3. *Устозлар ишини ҳар доим давом эттирмоқ ва ривожлантирмоқ керак.*

Бу гаплар кесимидаги *мумкин, шарт, керак* кесимлик сўзи (P_m) даги майл маъноси ифодаловчилари бўлиб, улардан кейин замон ва тасдиқ, инкор маъноларини ифодаловчи воситалар келади.

Юқоридаги гаплардан бирининг лисоний структур схемасини келтирамиз (45-жадвал):

45-жадвал

E	H	W	P _m
---	---	---	----------------

	<i>ҳар доим</i>	<i>ривожлантирмоқ, давом эттирмоқ</i>	<i>керак эди</i>
		↑ <i>ишини</i>	
		↑ <i>Устозлар</i>	

Кесими [феълнинг III шахс шарт майли+бўлади] қурилмаси асосида ифодаланган гаплар ҳам ўзбек тилида эгасиз гапларни ҳосил қилади: 1. *Ҳосилни ўн-ўн беш кунда йиғиб олса бўлади.* 3. *Бу извонинг сабабларини таҳлил қилса бўлади.* Бунда кесимларнинг *йиғиб ол, таҳлил қил* қисмлари (**W**) (луғавий бирлик) ва [-са бўлади] қисмлари эса (**P_m**) воқеланиши.

Кесим равишдошнинг [-(и)б] шакли ва бўлмоқ феълнинг турли кўринишлари билан ифодаланганда ҳам эгасиз гап вужудга келади: 1. *Бу хатнинг мазмунини бировга айтиб бўлмайди.*(А.Қах.) 2. *Фалакка қўл узатиб, шамсу анворни олиб бўлмас.* (Мащр.) Бу кесимларда *айтиб бўл, олиб бўл* қисмлари (**W**) ва [-майди], [-мас] қисмлари [**P_m**] воқеланиши. Схемаси (44-жадвал):

44-жадвал

E	H	W	P _m
	<i>узатиб</i>	<i>олиб бўл</i>	<i>Мас</i>
	↑ <i>қўл</i>	↑ <i>шамсу анворни</i>	
	↑ <i>Фалакка</i>		

III. Ўзбек тилидаги атов гап – эгасиз гапнинг ўзига хос тури: 1. *Кенг саҳро. Қуруқ чўл. Сув манбаларидан дарак йўқ.* 2. *Ёқимли оҳанг. Завқли қўшиқлар. Анорхон йўлларида тўхтаб тинглайди.* (И.Раҳ.) Бу гаплар бир қарашда кесимсиз, фақат эгадан иборат гаплардек тасаввур уйғотади. Бироқ гапларни замонлар бўйича парадигмага солсак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

1. *Кенг саҳро – Кенг саҳро эди.*
2. *Тун – Тун эди.*

Демак, атов гап – ҳозирги замон кўринишидаги кесимдан иборат эгасиз гап. Қиёсланг:

1. *Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар.* (Мук.)
2. *Ҳамон ёдимдадир, гул чоғи эрди.*(Уйғ., И.Султ.)
3. *Кўришган масканим, гул боғи эрди.* (Уйғ., И.Султ.)

IV. Семантик-функционал шаклланган гап ҳам эгасиз гапнинг алоҳида кўриниши: 1. – *Бугун бормоқчимсан?* – **Ҳа.** 2. – *У ҳам бормоқчими?* – **Йўқ.** 3. – *Китобни оласанми?* – **Бўлмасам-чи!** 4. *Насриддин халтани улоқтириб юборди: Ма! Сен тўй!* (“Афанди латифалари”дан). 5. **Салом,** - *деди кўриши билан ҳамма бирдан. Қўллар ўтди биқинларнинг орасидан.* (Ғ.Ғул.)

Эгали гап. Эгасиз гап тилимизда чегараланган бўлиб, улар эгали гапга нисбатан кам. Эгали гап эса тилимизнинг меъёрий хусусиятидан бири. Чунки гап марказини ташкил этувчи кесимнинг таркибидаги (**P_m**) (кесимлик категорияси) нинг қисмларидан бири шахс-сон маъноси бўлиб, у ҳамisha ўзининг тўлдирилишини, муайянлаштирилишини талаб қилади. Бу эса гапларнинг эгали бўлишини тақозо қилади.

Айтилганидек, ўзбек тилидаги гапларнинг лисоний структураси уч аъзо (эга, ҳол, кесим) дан иборат, эгали гапларда эга позицияси бўш бўлмайди, тўлдирилган бўлади. У нутқда эса юзага чиққан ҳол, юзага чиққан кесим бўлиши мумкин. Қуйидаги икки гапни қиёсланг:

1. *Мен китобни ўқидим.*
2. *Китобни ўқидим.*

Ҳар иккала гап ҳам [**Е-Н-Р_m**] қолипи ҳосиласи бўлиб, уларнинг кесимидаги (**P_m**)га хос шахс-сон қўшимчалари эга, унинг табиати (қайси шахс, сон) ҳақида тўлиқ ахборот бериб турибди. Ҳар иккала гап учун ҳам эга – I шахс бирликдаги кишилик олмоши. Бироқ, улардан биринчисида бу лисоний тўлиқлик (эга позициясининг бўш эмаслиги) нутқда намоён бўлган, иккинчисида эса нутқий эҳтиёж бўлмаганлиги туфайли юзага чиқмаган. Кўринадики, ҳар иккала гап ҳам лисоний эгали, эга позицияси тўлдирилган гап қисмининг ҳосиласи.

Эгали гапларнинг ўзи қуйидаги турларга ажратилиши мумкин:

- 1) эгаси ифодаланган (нутқда намоён бўлган) гап;
- 2) эгаси ифодаланмаган (нутқда намоён бўлмаган) гап.

Эгаси ифодаланган гап. Кесимдаги (**W**), (**P_m**) хусусияти ва уларнинг ўзаро муносабати туфайли нутқда эгани тушириб қолдириш мумкин бўлмайди. Бунда эганинг нутқий воқеланишини зарур қилиб қўядиган:

- I. (**W**) га боғлиқ омил.
- II. (**P_m**) га боғлиқ омил

мавжуд.

I. Кесимдаги [W] га боғлиқ ҳолда эга ифодаланишининг зарурлиги.

1. Кесимнинг (**W**) қисми вазифасида фразема (ибора) келганда, эгани тушириб қолдиришнинг иложи йўқ: 1. *Бу воқеадан Жамшиднинг капалаги учиб кетди.* (Газетадан.) 2. *Марказга келиб, бўлиб ўтган воқеаларнинг бутун тафсилотини эшитган Қаландаровнинг физони фалакка чиқди.*

Бунда эга ифодаланишининг зарурлиги, кўриниб турибдики, гапнинг қолипига эмас, балки ибораларда эга билан кесим алоқасининг ўта зичлиги, ибораларнинг барқарор ҳодиса эканлиги билан боғлиқ.

2.Маълумки, айрим ҳолларда ўтимли феълнинг семантикаси уларнинг воситасиз тўлдирувчи билан комплетив (ўта зич) алоқада бўлишини тақозо қилади (масалан, *кузатмоқ, кўрмоқ, айтмоқ*). Бу сўзларнинг объект валентлиги (тушум келишигидаги кенгайтирувчиси) зарурий. Шу боисдан феъл мажхул нисбатга ўтгач, уларнинг воситасиз тўлдирувчиси эгага айланади, шунингдек, мазкур комплетив алоқа ҳам сақланиб қолади, аввал тўлдирувчи, энди эса эганинг ифодаланиши зарур бўлиб қолади: 1. *Оқибат, ҳозиргача ҳам айрим фуқоралар, айниқса, ёшлар орасида иккиланишлар, ҳатто муҳолифат томонига оғиб кетиш каби ачинарли ҳоллар кузатилмоқда.* (Газ.) 2. *Натижада кўплаб фуқаролар учун бузғунчи муҳолифатнинг асл башараси, унинг мақсад ва вазифалари, моҳияти, кирдикорлари тўлақонли баён этиб берилмади.* (Газ.) 3. *Йигинда фермер хўжаликлари тараққиёти учун маҳаллий фермерлар томонидан қўйилаётган сунъий говларнинг сабаблари ҳам айтилди.* (Газ.)

3.Кесимнинг (**W**) қисми тақлид сўзлардан ясалган феъл билан ифодаланиши ҳам эганинг воқеланишини тақозо этади: 1. *Эшик тақ-тақ қилди.* 2. *Юрагим шувиллаб кетди.* 3. *Қарга қағиллайди.*

4.Табиат ҳодисаларини ифодаловчи айрим феъллар ҳам эганинг мазмуни билан ўта зичлашиб кетганлиги боис нутқда эганинг тушиб қолишига йўл қўймайди: *Тонг отди. Кун ботди. Чақмоқ чақди. Қоронғи тушди.*

Йиғиқ ва ёйиқ гап. Ўзбек тилидаги йиғиқ гаплар формал ёндашувда асосан рус тили қолиплари асосида ажратилган. Субстанциал ёндашувда эса бу масалада ҳам гапнинг энг кичик қурилиш қолипига таянилади.

Маълумки, ўзбек тилида от, сифат, сон ёки бошқа сўз туркуми билан ифодаланган кесим предикативликнинг шахс-сон кўрсаткичини қабул қила олади ёки предикатив сўзлар орқали ифодалайди, шунинг учун улар эгасиз гапда ҳам кесим вазифасини бажара олади. Аммо рус тилида эса отлар предикативлик кўрсаткичига эга бўла олмайди, шунинг учун предикатив мақомдаги отлар эга билан келгандагина кесим вазифасини бажара олади. Бу ҳолатни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: 1. *Соғ-саломатмисиз? - Здоровы ли вы?* 2. *Ўқитувчиман. - Я учительница.*

Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятга ҳам эга. Ўзбек тилида кесим содда ва таркибли турга эга, турли кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланади. Кесим вазифасида келган сўзларда, одатда, тасдиқ-инкор, шахс-сон, модаллик ва замон кўрсаткичи бўлиши лозим. Ўзбек тилида от-кесимдан иборат гап ҳам мавжуд. Бу от-кесимларда бирлик ва кўплик, шахс қўшимчалари шахс маъноларини ифодалаши билан

бирга, ҳозирги замон маъносини ҳам кўрсатади. Масалан, *Тадбиркорман. Уйдаман.*

Ўзбек тили синтактик қурилишида от-кесимлар ҳам, феъл-кесимлардаги каби эгали ёки эгасиз қўлланиши мумкин. Рус тилида эса, тилшунослар эътирофича, отларга қўшиладиган предикатив шахс-сон қўшимчалари йўқлиги туфайли бу тилда отнинг ўзи мустақил ҳолда маълум бир морфологик кўрсаткич ёрдами билан кесимга айлана олмайди. У фақат эга билан келиб, кесим вазифасини бажариши мумкин». Масалан, *Тадбиркорман. - Я бизнесмен.*

Демак, ўзбек тилидаги гапларнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи асосан [WP_m] шаклида бўлса, Ҳинд-Европа тилларида гапнинг минимал қолипи асосан [E-WP] кўринишида. Бу эса бу тиллар орасидаги асосий типологик ва миллий фарқлардан ҳисобланади.

Ўзбек тилида содда йиғиқ гап уч хил кўринишда намоён бўлади:

1) эгаси ифодаланмаган содда йиғиқ гап. Бу гапнинг қолипи [WP_m] кўринишида берилди.

2) эгаси ифодаланиши лозим бўлган содда йиғиқ гап. Бу гап [E-WP] ёки [E-WP] қолипи ҳосиласи: *Мен - шоир. Укам – талаба.*

3. Сўз-гапдан иборат йиғиқ гап ([WP]): *Хўп. Раҳмат. Балли* каби.

[WP_m] қолипли гаплар бошқа ҳар қандай, [E-WP] қолипли гаплар иккинчи даражали бўлақлар билан кенгайса, ёйиқ гап ҳисобланади. Сўз-гап типидagi йиғиқ гап кенгаймайди.

Ҳол

Ҳолнинг гап қурилишидаги ўрни. Ҳол эга каби гап кесимидаги кесимлик шакллари – (P_m) нинг маъновий хусусиятини муайянлаштирувчи, ойдинлаштирувчи бўлақ, яъни гап кенгайтирувчиси саналади. Қуйидаги гапларни қиёслайлик:

1. *Жамшид ишлади.*


2. *Жамшид кеча ишлади.*

3. *Жамшид эртага ишлайди.*

Келтирилган гаплардаги *ишлади* ва *ишлайди* сўзшакллари гап кесими вазифасида келган бўлиб, бошқа бўлақлар ана шу марказий бўлақнинг муайянлаштирувчилари:

1.ишлади

↑
Жамшид



(Жамшид) сўзи ҳар учала гапда ҳам кесимдаги (P_m) нинг шахс-сон, (кеча), (эртага) сўзлари эса пайт маъносини муайянлаштирган. Эга ва гап марказидаги шахс-сон маънолари каби, ҳол ва кесимлик категорияси (P_m) воқеланишидаги замон маънолари ҳам бир-бирига мувофиқлашган. Аниқроғи, кесимликда ўтган замон маъноси воқеланганда, ҳол ҳозирги ёки келаси замон маъносида бўлмайди. Демак, маълум бўладики, гап қурилишида гап марказидаги кесимлик категорияси маъноси билан узвий боғланган гап кенгайтирувчиси пайт ҳоли. Пайт ҳоли кесимга боғланар экан, ундаги луғавий қисм маъноси билан эмас, балки кесимлик категорияси таркибидаги замон маъноси билан боғлиқ эканлиги от-кесимли гапларда янада яққол кўзга ташланади. Масалан, от лексема ўз семантик валентлигини тўлдирувчи ҳар хил аниқловчилар билан эркин бирикув ҳосил қила олади: *аълочи талаба, шаҳарлик талаба, ўнта талаба* ва ҳ. Бунда бирикув ҳосил қилиш учун *талаба* сўзининг гап ҳосил қилиши, гап таркибидан ўрин эгаллаши шарт эмас. Қиёсланг: *аълочи талаба, Жамшид аълочи талаба*. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳосил бўлган бирикув меъёрий. Чунки аниқловчи сўз кенгайтирувчиси. Бироқ *бугун талаба, эртага талаба, кеча талаба* каби сўз бирикмалари ғайримеъёрий. Лекин улар гап таркибига киритилганда ва *талаба* сўзи кесим мавқеини эгаллаганда, бу ғайриоддийлик йўқолади: *1. Мен бугун талабаман. Сен кеча талаба эдинг*. Демак, *бугун, кеча* сўзлари гап кенгайтирувчиси бўлганлиги ва гап марказидаги (P_m) га тортилганлиги, боғланганлиги сабабли сўз бирикмасидаги номеъёрийлик гап таркибида барҳам топади.

Ўрин ҳоли ҳам сўз кенгайтирувчиси эмас, балки гап кенгайтирувчиси эканлиги бундай вазифада келувчи сўзларни гапда ва гапдан ташқарида СБ ҳосил қилиш учун от-лексемага тобелаб кўриш асосида амин бўлиш мумкин. Қиёсланг: *1. Қишлоқда муаллим, заводда ишчи. 2. Ҳалим шаҳарда ўқитувчи, Фафур заводда ишчи*.

Кўринадики, биринчи гуруҳ бирикувлар ғайримеъёрий, иккинчи гуруҳ бирикувлар эса ўзбек нутқида хос меъёрий қурилма эканлиги ҳеч

кимда шубҳа уйғотмайди. Демак, ўрин ҳоллари пайт ҳоллари каби гап кенгайтирувчиларидир.

Энди ҳолнинг бошқа турларига диққат қиламиз:

1. *Илгари иккаламиз бирга талаба эдик.*
2. *Бу пайт сен каби ўқитувчиман.*
3. *Шу боисдан дадам ишчи эди.*

Биринчи гапда *бирга* сўзи равиш, иккинчи гапда *сен каби* ўхшатиш, учинчи гапдаги *шу боисдан* сўзшакли сабаб ҳоли. Улар гап кенгайтирувчиларими ёки сўз кенгайтирувчилари эканлигини аниқлаш учун бирикувларни гап таркибидан чиқариб, зикр этилган сўзшакллар *талаба, ўқитувчи, ишчи* сўзшакллариининг маъновий валентлигини тўлдираётган-тўлдирмаётганлигини текшираемиз:

- 1) *бирга талаба;*
- 2) *сен каби ўқитувчи;*
- 3) *шу боисдан ишчи.*

Кўринадики, бирикувлар номёёрий ва тобе сўзшакллар ҳокимларининг луғавий-маъновий бирикувчиси эмас, балки уларнинг кесимлик вазифаси, мавқеи билан ҳар доим мантиқан боғланган.

Демак, ҳолнинг мазкур турлари ҳам гап кенгайтирувчиларидир.

Ҳолнинг гап кенгайтирувчиси эканлигини асослаш учун от-кесимли гаплардан фойдаландик. Бунда ҳолнинг гап кенгайтирувчиги яққол кўзга ташланади.

Ҳол гап марказини шакллантирувчи (P_m) билан боғланар экан, у, умуман, гап конструктив тизимида қандай мавқега эга бўлади?

Ҳол гапнинг бевосита конструктив узви эмас. Чунки ҳолсиз ҳам гап ташкил топаверади. Демак, ҳол кесимдан қуйи мавқени эгаллайди. Кўпинча ҳолнинг гап таркибига киритилиши (P_m) маънолари билан зич боғланмайди. Шу боисдан ҳол эгадан ҳам қуйи мавқени эгаллайди. Чунки нутқий гапларда кесим орқали эгани тиклаш ҳолни тиклашдан анча қулай. Ифодаланмаган ҳолни тиклаш қийин. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, баъзан кесимнинг (W) си мақомида ўрин, пайт, сабаб, мақсад ва бошқа маъноли актантлар билан кучли алоқада бўладиган лексема юзага чиққанда, гапнинг юза қолипида ҳол эгадан кўра зарурроқ фаолиятга эга бўлади. Масалан, юриш феъллари (*бормоқ, келмоқ, етмоқ, кетмоқ*) кесим вазифасида келганда гапда ўрин ҳолларининг иштирок этиши зарурияти кучаяди: *Уйга борди. Шаҳардан келди. Мактабга кетди. Манзилга етди.* Бу албатта, кесимлик категорияси бирикувчанлиги билан эмас, балки кесим вазифасида келаётган феълнинг маъновий хусусияти билан белгиланади.

Демак, ҳолнинг гап қурилишидаги зарурий бўлак даражасига кўтарилиши кесимдаги (W) нинг муайянлашиш эҳтиёжи билан

белгиланади. Ҳол гапнинг конструктив бўлаклари сифатидаги кесим ва эгадан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Ҳолнинг маъновий турлари ҳақида. Ҳол нутқда гапдан англашилган мазмуннинг, кесим ифодалаган иш-ҳаракат, ҳолат, воқеа-ҳодисанинг ўрни, пайти, тарзи, миқдор-даражаси, сабаби, мақсади, натижаси, шарти (қаторни яна давом эттириш мумкин) каби маънони ифодалайди.

Бошқа гап бўлақларига нисбатан ҳолнинг маъновий турлари нисбатан кўпроқ. Лекин, олайлик, аниқловчининг ранг-тус аниқловчилари, хусусият аниқловчилари, ҳажм-шакл аниқловчилари каби турларини ажратиш грамматик, синтактик қурилиш нуқтаи назаридан мантиқсиз бўлгани каби, ҳолнинг маъновий тури ҳам гап синтактик қурилиши учун дахлсиз. Шунингдек, кўп ҳолларда ўрин-пайт (*Ботир урушда билинади*), сабаб ва мақсад (*Ўқиш учун Тошкентга келди*), равиш ва миқдор ҳолини (*Исроил қайта-қайта ўқиди*) фарқлаш қийин. Чунки ҳол ва сўзлараро муносабат нутқ шароити, воқеа-ҳодисанинг табиатига ва сўзловчининг мақсадига мос равишда турлича воқеланиши мумкин.

Ҳолнинг тузилиш турлари. Лисоний синтактик қолипнинг асосий хусусиятидан бири шуки, уни тўлдирадиган нутқий бирлик бир аъзо ҳуқуқига эга ва ҳар қандай катта-кичикликда бўлиши мумкин:

I. Ҳолнинг бир сўз билан ифодаланиши: 1. *Тогам шаҳарга мени ҳам олиб борди.* 2. *Шалола шошилиб жўнади.* 3. *Қиз билан саломлашиб суҳбатлашди.*

II. Ҳолнинг сўз бирикмаси билан ифодаланиши: 1. *Тогам нотаниш шаҳарга мени ҳам олиб борди.* 2. *Шалола фавқулодда шошилиб жўнади.* 3. *Қиз билан дўстларча саломлашиб суҳбатлашди.*

Демак, бир сўзшакл билан ифодаланган ҳол содда, кенгайган (бирикма ҳолидаги) бирлик билан ифодаланган ҳол мураккаб дейилади.

Ҳолнинг ифодаланиши. Ҳол барча мустақил сўз туркуми билан ифодаланади:

- 1) феъл: *Шалола шошилиб гапирди;*
- 2) от: *Уйдан чиқариб кетди;*
- 3) сифат: *У яхши ўқийди;*
- 4) сон: *Бир келди, бир кетди;*
- 5) олмош: *Бунда ари келтиради бол;*
- 6) тақлид: *У пиқ-пиқ кулди;*
- 7) равиш: *Иш кеч тугади.*

Ҳолнинг кесимга боғланиш усули – битишув ва бошқарув.

Битишув алоқасида ҳол вазифасида тобе узвлик вазифасига хосланган сўз келади. Улар сифат, равиш, сон, олмош ва тақлид: 1. *Вазифани хўб удалади* (сифат). 2. *Кўққисдан кулиб юборди* (равиш). 3.-

Ғўнғир-ғўнғир суҳбатлашди (тақлид) . 4. **Бир гапириб, ўн кулар** (сон). 5. *Кун ботгунча келмади* (фёъл).

От, фёъл, олмош ҳол вазифасида кесимга **боиқарув усули**да боғланади. Бунинг учун от келишик шакли ва кўмакчи, ўхшатиш, фёъл эса равишдош ва ўхшатиш шаклига эга бўлади: 1. *Шаҳардан қайтди.* 2. *Шошилиб гапирди.* 3. *Одамдек яшади.* 4. *Ухлагандек ётарди.* Ҳолнинг кесимга бирикишида боғланиш омиллари муносабати қуйидагича бўлади:

1. [ШМЖ-МШЖ]: 1. *Уйдан келди.* 2. *Гўдакдай кулди.* 3. *Шошилиб гапирди.*

2. [МЖШ-МШЖ]: 1. *Тез ўқирди.* 2. *Кўққисдан кулиб юборди.* 3. *Чиндан қийналди.*

Демак, ҳол ва кесимнинг боғланишида бирикувчи унсурларда боғланиш омиллари муносабати икки хил комбинацияли бўлади: [ШМЖ-МШЖ] ва [МЖШ-МШЖ]. Бу ҳол ва кесим бирикувида ЛСҚлардан бири [W^{морфологик шакл}-WP_m] ва иккинчиси [W-WP_m] эканлигини кўрсатади.

Тўлдирувчи

Айтилганидек, сўз кенгайтирувчиси гапнинг конструктив бўлаклари сирасига кирмайди, балки гапдаги сўзларнинг луғавий маъносини муайянлаштирувчи восита саналади. Тўлдирувчи ҳам нутқий гап қурилишида сўз кенгайтирувчиси сифатида иштирок этади ва фёъл билан ифодаланган ҳар қандай бўлак ёки бўлак қисмининг маъновий валентлигини тўлдиради. Тўлдирувчи фақат кесимгагина боғланмайди. Қуйидаги гапларга диққат қилинг: 1. **Китобни олиб кел.** 2. **Китобни олиб келишни унутма.** 3. **Китобни келтириш сенинг вазифанг.** 4. **Китобни тушунишининг яхши томонлари кўп.**

Кўринадик, тўлдирувчи биринчи гапда кесимга (*олиб кел*), иккинчи гапда тўлдирувчига (*олиб келишни*), учинчи гапда эгага (*келтириш*), тўртинчи гапда аниқловчига (*тушунишининг*) боғланган. Кесимга боғланганда ҳам ундаги (P_m) маъноларига эмас, балки W га «тортилади» - унинг маъносини муайянлаштиришга хизмат қилади. Тўлдирувчи қайси гап бўлагига айланишидан қатъи назар, шу бўлак ифодаланаётган фёълнинг маъносини муайянлаштиради. Тўлдирувчи сўз кенгайтирувчиси бўлганлиги боис, у кенгайтираётган маъноси муайянлашаётган сўз гап бўлаги мақомига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Юқорида айтилганидек, кесим, эга, ҳол гапнинг конструктив бўлаклари бўлиб, тўлдирувчи ва аниқловчи бўлакнинг бўлаклари сифатида келади. Бу, айниқса, кенгайган равишдош, сифатдош, ҳаракат номи гап бўлаклари моделига эга бўлганда, яққол кўзга ташланади. Эътибор беринг: 1. *Шалола китобни келтирди.* 2.

Кеча китобни келтирган Шалола бугун келмади. Биринчи гапда *китобни* тўлдирувчиси кесимга боғланган. Иккинчи гапда эса аниқловчига (*келтирган*) тобеланган. Биринчи гапда тўлдирувчи кесим (*келтирди*) нинг эмас, балки унинг таркибий қисми бўлган *келтир* феъли маъносини изоҳлаган ва гап бўлагининг бўлагига дахлдор. Иккинчи гапда эса аниқловчи (сўз кенгайтирувчиси) нинг кенгайтирувчиси вазифасида келган. Тўлдирувчи ўзи боғланаётган феълнинг объект валентлигини тўлдиради ва, шунга мувофиқ равишда, унинг мазмунидан шахс/предметлик маъноси англашилиб туради.

Харакатни бажариш воситасини ифодаловчи гап бўлагини унинг предмет ёки нопредметлик маъносидан қатъи назар, тўлдирувчи ёки ҳол деб аташнинг ўзи ҳам муаммоли. Чунки улар бир вақтнинг ўзида *нимада* сўроғига ҳам, *қандай, қай ҳолда, қай йўсинда* сўроқларига ҳам жавоб бўлиши табиий ҳамда уларнинг моҳиятини тўлароқ очишга хизмат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мисоллардаги сўзларнинг бундай сўроқларни олишида ўрин-пайт келишиги кўрсаткичининг роли муҳим. Ўрин маъносини ифодаловчи [-да] келишик шакли гап пропозициясининг таянч бўлаги бўлган маконни ифодалашда алоҳида мавқега эга. Маълумки, макон ва замон маъносидаги ҳоллар гап кесимини шакллантирувчи (P_m) нинг ўрин ва пайт кўрсаткичларига мос келади. Хусусан, куйидаги кўринишли (45-жадвал):

45-жадвал

Мен ҳозир Қаршида	Яшайман
	Ўқитувчиман
	Иккинчиман
	Хурсандман

гапларда ўрин маъноли *Қарши* сўзи билан *яша* феъли орасида, *Қарши* сўзи билан *ўқитувчи* сўзи орасида, шунингдек, сифатга хос *хурсанд*, сонга хос *иккинчи* сўзларининг бир-бирига боғланиш хусусияти йўқ эди. Кейин келувчи ҳоким узвга кесимлик қўшимчаларининг қўшилиши унга кенгайтиш имкониятини берди ва натижада [WP_m] ҳосиласи бўлган гап шахс кенгайтирувчиси қаторида ўрин ва пайт кенгайтирувчиларига ҳам эга бўлди. Демак, зикр этилган гапларда қатнашган *ҳавода, денгизда* сўзшаклларидаги ўрин-пайт шакли (P_m) таъсирига берилган бўлиб, бу уларнинг гап кенгайтирувчиси эканлигидан далолат беради. Тўлдирувчи эса сўз кенгайтирувчиси бўлиб, (P_m) га бефарқ.

Тўлдирувчининг маъно турлари. Тўлдирувчи ўзи бирикаётган феълнинг табиатига кўра воситали ва воситасиз турга ажралади.

Воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш фақат ўтимли феълга хос. Шу боисдан воситасиз тўлдирувчи – ўтимли феълнинг объект валентлигини тўлдирувчи сўз кенгайтирувчиси. Воситасиз тўлдирувчи

вазифасида бош ёки тушум келишигидаги сўз келади: 1. Бош келишикдаги воситасиз тўлдирувчи: 1. Бунда булбул **китоб** ўқийди. 2. Бунда қуртлар **ипак** тўқийди. 3. Бунда ари келтиради **бол**, Бунда қушлар **топади иқбол**. 2. Тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчи: 1. **Сен баҳорни** соғинмадингми? 2. **Ҳар бир** туки **кийимларини** тешиб чиқиб кетган эди.

Воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги сўз турли-туман маъноларни ифодалайди. Воситасиз тўлдирувчи ўтимли феълга боғланади дейиш ўтимли феъл воситали тўлдирувчини қабул қила олмайди дегани эмас. Ўтимли феъллар ҳам воситали, ҳам воситасиз тўлдирувчини ўзига бириктиради. Ўтимсиз феъллар эса фақат воситали тўлдирувчиларнигина тобелайди.

Воситасиз тўлдирувчи бевосита ҳаракатни ўз устига олган предметни англатса, воситали тўлдирувчи ҳаракатни қамраб олган, лекин ҳаракатга дахлдор бўлмаган предметни ифодалайди. Воситали тўлдирувчи турли грамматик кўрсаткичлар билан ифодаланади.

- 1) жўналиш келишиги: *Сенга олдим.*
- 2) чиқиш келишиги: *Сендан олдим.*
- 3) ўрин-пайт келишиги: *Менда қолди.*
- 4) кўмакчи: *Сен учун олдим.*

Тўлдирувчининг тузилиш турлари. Бошқа бўлак каби тўлдирувчи ҳам содда ёки мураккаб бўлади:

1) **содда тўлдирувчи** бир сўз ёки бир сўзга тенг birlik билан ифодаланади: 1. *Хотирангиз* менинг **хотирамдан** ўтқир экан. 2. *У яна Пушкинга* мурожаат қилди. 3. *Турмушимизда* ҳамма нарса **бир-бири билан** боғлиқ;

2) **мураккаб тўлдирувчи** кенгайган бирикмалар билан ифодаланади: 1. *Мен Мирзачўлни ҳам, Сурхон дийрининг Шеробод даштини ҳам, Фаргона водийсининг Ёзёвон қумликларини ҳам* кўрганман. 2. *Ҳашарчиларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида* кўрсатма берилди. 3. *Теварак-атроф қушлар чуғурига, анвойи гуллар исига* тўлиб кетди.

Изоҳланаётган феълнинг бўш ўрнини тўлдиришда содда тўлдирувчи ҳам, кенгайган тўлдирувчи ҳам бир хил мавқега эга бўлади – у қанча кенгайган бўлмасин, барибир бир ўринни тўлдиради. Бир сўздан иборат тўлдирувчига ҳам, бир неча сўз билан кенгайган тўлдирувчига ҳам феъл валентлигидан битта бўш ўрин «ажратилган».

Аниқловчи

Аниқловчи от билан ифодаланган, шунингдек, бўлак ёки бўлак бўлакларининг, ундалма ёки кириш бирикмаларининг кенгайтирувчиси.

Тўлдирувчи каби аниқловчи ҳам сўз кенгайтирувчиси сифатида гап таркибида қатнашаётган отларнинг луғавий валентлигини тўлдирадиган восита сифатида намоён бўлади ва гап конструктив тузилмасидан ўрин эгалламайди. Унинг лисоний сатҳга алоқадорлиги – муайянлашувчи отнинг қандай валентлигига мувофиқ келиши ва уни синтактик алоқа билан воқелантириши.

Аниқловчи сўз кенгайтирувчиси экан, у истаган гап бўлақларига тобеланиши мумкин:

- 1) кесим аниқловчиси: *Нилуфар аълочи талаба*;
- 2) эга аниқловчиси: *Кимнинг гапи тўғри*;
- 3) ҳол аниқловчиси: *Сўлим ва хушҳаво водийда ўрнашдилар*;
- 4) тўлдирувчи аниқловчиси: *Бизнинг ёрни кўрган борми?*
- 5) ундалма аниқловчиси: *Хайр энди, яшил водий, хушманзара тоғ.*

Аниқловчи мустақил ҳолда бирор бўлақка боғланиши ҳам, кенгайтирувчилар таркибида келиши ҳам мумкин. Қиёсланг:

*Бир ёнда ложувард Баҳри Муҳит бор,
Бир ёнда заъфарон Саҳройи Кабир.
Бир ёнда оқ сочли тоғлар пурвиқор
Сенинг толеинга ўқийди такбир.*

Мисралардаги *ложувард* сўзи *Баҳри Муҳит* (эга), *заъфарон* сўзи эса *Саҳройи Кабир* (кесим) сўзига аниқловчи бўлиб, бўлақлар кенгайтирувчиси сифатида намоён бўлган. Учинчи мисрадаги *сочли* сўзи *тоғлар* (эга) сўзига тобеланган бўлиб, ўз навбатида *оқ* сўзини ўзига тобелаган.

Аниқловчининг ифодаланиши. Аниқловчи гапда турлича ифодаланишга эга. Аниқлашнинг ўзига хослигига кўра, аниқловчининг ифодаланиши ҳам, шунга мувофиқ, унинг кенгаювчи сўз билан синтактик алоқаси ҳам турлича бўлади.

Предметнинг қандайлиги, туси, хусусияти, маза-таъми, шакли, табиати кабиларни муайянлаштириш лозим бўлганда аниқловчи сифат, сифатдош, баъзан от туркумидан бўлган сўз билан ифодаланади. Бирор шахс ёки предметга қарашлиликни англатиш зарурияти бўлганда аниқловчи от ёки от ўрнидаги сўз билан ифодаланади. Шунга кўра, аниқловчи икки хил бўлади:

- 1) белгини муайянлаштирувчи аниқловчи (сифатловчи);
- 2) қарашлиликни муайянлаштирувчи аниқловчи (қаратувчи).

Сифатловчи-аниқловчи қуйидагича ифодаланади:

- 1) сифат билан: *Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади*;
- 2) сифатдош билан: *Оқар дарё оқмасдан қолмас*;
- 3) равиш билан: *Кечаги нохуш манзарани бир умр унутмаса керак*;
- 4) сон билан: *Ўнинчи йилларнинг саргардонлиги*;

5) белги аниқловчиси (сифат вазифасидаги) от билан: **анор** юз, **олтин** куз;

б) олмош билан: **Қайси** юзим билан унга қарайман?

Қаратувчи аниқловчи қуйидаги сўзлар билан ифодаланади:

1) от ёки от ўрнидаги сўз: 1. **Она ернинг оташ қаъридан** «ўғлим», *деган нидо келади.* (Э.Воҳ.) 2. **Менинг** икки онам бор, *иккиси ҳам меҳрибон;*

2) отлашган сўз билан: 1. **Кўпнинг** дуоси кўл. 2. **Ўқиганнинг** тили кўп узун бўлди.

Аниқловчининг турлари. Айтилганидек, аниқловчи моҳиятан уч хил бўлади: сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчи.

Сифатловчи. Сифатловчили бирикмада тобе аъзо (сифатловчи) ҳоким узвнинг бирор хусусиятини аниқлаб келади ва унга тобе алоқанинг битишув йўли билан боғланади. Сифатловчининг қўлланишида икки ҳолатни фарқлаш лозим:

1) сифатловчининг сифатланмиш маъносини торайтириши – муайянлаштириши: **Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани?** Бунда оқ сўзи билан ифодаланган сифатловчи сифатланмиш замиридаги тушунчани ажратиш, фарқлаш вазифасини бажарган (*қора илон, сариқ илон, оқ илон*);

2) сифатловчининг таъкид вазифасини бажариши. Бунда ажратиш, муайянлаштириш вазифаси кузатилмайди: **оппоқ қор, оқ сут берган она, оқ пахта.** Бу ҳолат нутқий жиҳатдан меъёрий бўлса-да, лисоний нуқтаи назардан ортиқлик саналади. Чунки *қор, сут, пахта* табиатан оқ бўлганлиги сабабли уни яна аниқловчи билан такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмайди.



Сифатловчи вазифасида табиатан тобе узвликка хосланган сўз келганлиги боис, у сифатланмишга битишув йўли билан боғланади. Сифатловчи вазифасида келган от ҳам «тобега хос»лардек хусусият касб этиб, ҳоким узвга битишув йўли билан бирикади.

Сифатловчи қаратувчили бирикмага кенгайтирувчи бўлганда, икки ҳолат фарқланади. Сифатловчи бунда қаратувчили бирикмага бутунича ёки ундан фақат қаратувчигагина кенгайтирувчи сифатида қўлланилиши мумкин. Қуйидаги гапларда сифатловчи кенгайтирувчининг кенгаювчига муносабатини қиёслаймиз: *янги хўжалик раҳбари – янги хўжалик раҳбари.* Биринчи гапда *янги* сўзи *хўжалик* сўзининг кенгайтирувчиси бўлиб, бу ҳоким сўзнинг қаратқич келишигини олишини тақозо этади. Кейинги бирикувда *янги* сифатловчиси – *хўжалик раҳбари* бирикмасининг кенгайтирувчиси.

Сифатловчилар кетма-кет келиб сифатловчи занжирини ташкил этади. Сифатланмиш уюшиқ ҳолатда бўлганда, сифатловчининг барча уюшган бирликларга ёки уларнинг бирига тегишли эканлиги англашилмай қолади. Бунда белгининг қайси бирликка хос эканлиги

матндан, бириктирувнинг валентлик имконияти ёки бошқа нутқий омиллардан аён бўлиб туради.

Қиёсланг: 1. *Ақлли болалар, қизлар.*



Сифатловчи ва сифатланмиш изофа шаклида – сифатланмиш-сифатловчи кўринишини олган бўлиши мумкин: *мажнуни гумроҳ, девонаи Машираб, ойнаи жаҳон* ва бошқалар. Бундай бирикув ўзбек нутқи нуқтаи назаридан сифатловчили бирикма сифатида қаралмайди.

Сифатловчи ва сифатланмиш тобеланишида сифатловчининг бирикув омиллари **МЖШ** тартибида бўлади. Чунки сифатловчи махсус кўрсаткичларсиз тобе аъзо мақомини эгаллайди. Шу боисдан унда шаклий омил ўта кучсизланади. Сифатловчи ва сифатланмиш орасига сўз киритиш, уларни бир-биридан узиш имконияти бўлмаганлиги, боғланишда синтактик позиция устувор аҳамиятга эга бўлганлиги боис жойлашув омили фаоллашади. Бирикувда маъновий омил биринчи ўринда бўлади. Унинг жойлашув омилидан устунлиги бирикувчи унсурларнинг маъновий мувофиқлиги ҳар доим ҳам аҳамиятли бўлиб қолиши билан белгиланади.

Қаратувчи аниқловчи. Қаратувчили бирикмада қаралмишдан англашилаётган предмет ёки предмет тасаввуридаги нарсанинг қаратувчидан англашилган нарса/шахсга мансублик, тегишлилик каби дахлдорлиги англашилади. Қаралмиш вазифасидаги сўзнинг лисоний валентлигида қаратувчи тўлдирадиган қарам бўлган бўш ўрин факультатив, нозарурий. Шу боисдан қаралмиш эгалик қўшимчалари билан шаклланиб, бу лисоний нозарурликни заруриятга айлантиради.

Қаратувчи ва қаралмиш муносабати икки томонлама. Биринчи аъзо (қаратувчи) қаратқич келишиги ёки бош келишик билан, ҳоким аъзо эса эгалик қўшимчаси билан ёки усиз шаклланади.

1.Қаратувчининг қаратқич келишиги билан шаклланиши: *олманинг шохи, аммамнинг дафтари, Ҳалимнинг китоби.*

2.Қаратувчининг бош келишида бўлиши: *март ойи, бозор кунни, нафрат ҳисси.*

3.Қаралмишнинг эгалик қўшимчасисиз шаклланиши: *бизнинг уй, сизнинг айвон, Бизнинг ёрни кўрган борми?*

Қаратувчили бирикмадаги сўзларнинг ўзаро муносабатидан турли маъно англашилиши мумкин:

1) қарашлилиқ: *Азизанинг китоби, менинг онам;*

2) хослик: *олманинг барги, пиёзнинг пўсти;*

3) бутун-бўлак: *столнинг оёғи, уйнинг эшиги;*

4) тур-жинс: *олманинг яхшиси, одамнинг ақллиси;*

5) бажарувчи ва ҳаракат муносабати: *боланинг йиғиси, итнинг ҳуриши;*

Бу маъноларнинг барчаси [**Исм**^{қаратқич келишиги} + **Исм**^{эгалик қўшимчаси} = **қаратувчи ва қаралмиш**] қолипи эмас, балки сўзларнинг маъновий муносабати ҳосиласи.

Қаралмишдаги эгалик аффикси қаратувчининг қайси шахсда эканлигини билдириб туради. Шу боисдан кўп ҳолларда қаратувчи қўлланилмаслиги ҳам мумкин: *уканг, китобинг* каби. Бунда таъкид муҳим роль ўйнайди. Қаратувчини таъкидлаш лозим бўлганда, у, албатта, қўлланади. Бошқа ҳолларда қаратувчининг қўлланиши нутқий ортиқчаликни келтириб чиқаради.

Умуман, қаратувчининг қўлланилмаслиги қуйидаги ҳолларда юз беради:

1) қаратувчи вазифасида ўзлик олмоши қўлланиши лозим бўлганда: *Ҳалим ўртоқларига хат жўнатди;*

2) қаратувчидан англашилган маъно олдинги гаплардан маълум бўлиб турган бўлса, услубий ортиқчалиқдан қочиш мақсадида: *1.Мен (менинг) севган қизимга уйландим. (Менинг) Хотинимнинг отаси савдогар эди;*

3) таъкидлаш лозим кўрилмаганда: *Богимда анорим бор.*

Сўз ва гап кенгайтирувчиларининг мувофиқлашуви ва фарқланиши

Сўз кенгайтирувчиси – сўз семантик имкониятидаги бўш ўринни тўлдирувчи актант. Актант нутқий гаплар таркибида сўз бирикмасини ҳосил қилади. Бу бирикувларда бўш ўрни тўлдирилаётган (бириктирувчи) сўз ҳоким сўз, бўш ўринни тўлдираётган сўз тобе сўз сифатида намоён бўлади. Масалан, *қизил олма* бирикувида *қизил сўзи олма* сўзи замиридаги маъновий моҳиятнинг «белги» маъно бўлакчасини муайянлаштирувчи актант бўлиб, *олма* сўзига «хизмат қилаётганлиги»

боис унга тобе унсур мақомида бўлади. Демак, бирор сўзга тобеланиб келаётган сўз *бўи ўринни тўлдирувчи, актант* атамалари билан юритилади. Актантлар нутқда, анъанавий таҳлил усуллари асосида айтганда, *эга, ҳол, тўлдирувчи, аниқловчи* атамаси билан номланади. Бироқ бу атамалар остида тушунилувчи ҳодисалар сўз ва гап кенгайтирувчиси фарқланиши нуктаи назаридан баҳоланса, бутунлай бошқа ҳолат вужудга келади. Кенгаювчи сўз гапнинг кесими мавқеида келганда, гап кенгайтирувчиси гап лисоний структурасига бевосита дахлдор бўлади. Масалан, *Жаҳонгир китобни тез ўқиди* гапнинг лисоний структураси куйидагича (46-жадвал):

46-жадвал

E	H	W	Pm
		ўқи ↑ китобни	-ди
<i>Жаҳонгир</i>	<i>тез</i>		

Бундаги учта сўз – бевосита конструктив бўлак воқелантирувчиси. Булар: *Жаҳонгир, тез, ўқиди*. Фақат *китобни* сўзи бевосита *ўқи* сўзи орқалигина лисоний структурага дахлдор бўлади. Булар *Жаҳонгир тез ўқиган китобни мен оламан* тарзида ўзгартирилса, олдинги гапда гап кенгайтирувчиси ва гапнинг конструктив бўлаклари ифодаловчиси бўлган *Ҳалим, тез* сўзлари энди аввалги мавқеидан маҳрум бўлади. Улардаги конструктив бўлакларга бевосита дахлдорлик билвоситаликка, гап кенгайтирувчилик сўз кенгайтирувчиликка айланади. Бу гапнинг структурасига диққат қилинг (47-жадвал):

47-жадвал

E	H	W	Pm
		Ўқи ↑ Китобни	-ди
<i>Жаҳонгир</i>	<i>тез</i>		

Олдинги гапда бевосита гап кесимидаги (P_m) га дахлдорлик касб этиб турган *Жаҳонгир ва тез* сўзлари кесимдаги атов бирлиги (W) кенгайтирувчиси бўлган *китобни* сўзшаклининг актанти ҳисобланган *ўқиган* сўзининг кенгайтирувчиларидир.

Кўринадики, гапнинг конструктив тизимидан фақат (P_m) га боғланган ҳоким аъзо ўрин олади. Ҳоким узвга тобеланган, эргашиб келаётган актонт нутқий гап таркибидагина бўлади. Нутқий гап қанчалик кенгаймасин, у, кенгаймаган кўринишида бўлгани каби, лисоний структурага бир хил дахлдор бўлади. Мисолга мурожаат қиламиз: *Шавкат тайёрланаётганда беҳабар эди*. Бу гапнинг структур схемаси қуйидагича (48-жадвал):

48-жадвал


E	H	W	P_m
<i>Шавкат</i>	<i>Тайёрланаётганда</i>	<i>беҳабар</i>	<i>эди</i>

Бунда бўлақларнинг барчаси бир сўз билан ифодаланган. Сўзнинг ҳар бири қанчалик кенгайса ҳам, гапнинг лисоний структурага муносабати ўзгармайди. Гапнинг *Олимликни орзу қилган Шавкат педагогика университетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, магистратурага кириши учун тайёрланаётганда ўз фаолиятига дахлдор бу гаплардан беҳабар эди* тарзидаги кенгайган кўриниши структур схемасига диққат қилайлик (49-жадвал):

49-жадвал

:

E	H	W	P_m
<i>Шавкат</i>	<i>Тайёрланаётганда</i>	<i>беҳабар</i>	<i>эди</i>



Кўринадики, бу гап қанчалик кенг бўлмасин, унинг структур қолипи ўта содда ва олдинги нутқий гап қолипидан мутлақо фарқланмайди.

Сўзларнинг нутқий воқеланиши улар бевосита конструктив бўлакка боғланганда юз беради. Конструктив бўлак бўлиши учун кесимлик шаклланиши зарур бўлади. Чунки кесим мавжуд бўлсагина, унга боғланган айрим сўзлар конструктив бўлак табиатига эга бўлади. Масалан, *Қизим Муниранинг ёш рассомлар ижодий фестивали бутун жаҳон босқичи минтақа танловида юқори ўринни эгаллаши* нутқий ҳосиласи хабар ифодалаш хусусиятига эга эмас. Чунки унда кесим йўқ. Демак, бу ҳосила гап эмас ва унда гап бўлаклари ҳам мавжуд эмас. Бу ҳосила гап қолипига дахлдор қилинса, қолип тўлдирувчиси мақомини олса, сўзлардан мутлақ ҳокимларининг мавқеи ўзгаради ва бошқалари ҳам шу ҳоким унсур орқали гап қолипига киради. Бу ёйиқ унсур гапда кесим, эга, ҳол мавқеини эгаллаши мумкин:

кесим: *Менинг орзуим - қизим Муниранинг ёш рассомлар ижодий фестивали бутун жаҳон босқичи минтақа танловида юқори ўринни эгаллаши;*

эга: *Қизим Муниранинг ёш рассомлар ижодий фестивали бутун жаҳон босқичи минтақа танловида юқори ўринни эгаллаши – менинг орзуим;*

ҳол: *Қизим Муниранинг ёш рассомлар ижодий фестивали бутун жаҳон босқичи минтақа танловида юқори ўринни эгаллаганлигидан биз беҳад руҳландик.*

Демак, дастлабки нутқий ҳосила гап таркибига киритилса, ундаги асосий кенгаювчи унсур (*эгаллаши*) гапнинг конструктив бўлагига айланади, сифат ўзгаришига учрайди, гап қолипига бевосита дахлдорлик касб этади. Лекин унинг кенгайтирувчилари у орқали – гап қолипига билвосита алоқадор бўлади, улар мавқеидаги ўзгариш сифат ўзгариши даражасида бўлмайди.

Сўз ва гап кенгайтирувчилари бир-бирига айланиб турадиган ҳодиса. Масалан, *Кеча келган болани танимадим* гапида *кеча сўзи келган* сўзининг кенгайтирувчиси. Лекин *Бола кеча келди?* гапида у гап кенгайтирувчиси мақомини олган. Биринчи бирикувда у *келган* сўзшаклидаги замон маъносига боғланган. Иккинчи гапда эса сўзшакл кесимлик категорияси таркибидаги замон маъносига дахлдор. *Кеча келган бола* бирикувидаги *келган* сўзшакли замон маъноси билан *келди* сўзшаклидаги замон маъноси фарқланади. Биринчи сўзшаклдаги замон сифатдош шаклининг маъноси бўлса, *келди* гап марказида тасдиқ-инкор, модаллик, шахс-сон ва кесимлик позицияси унсурлари системасидан иборат бутунликнинг таркибий қисми. Тўғри чизиқ учбурчакнинг томони сифатида бошқа моҳиятга, квадратнинг томони сифатида бошқа моҳиятга эга бўлгани каби, замон ҳам *Кеча келган бола* бирикувида бошқа, *Бола кеча келди* бирикувида бошқа бутунликнинг таркибий қисми. Ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам гоҳ сўз кенгайтирувчиси, гоҳ гап кенгайтирувчиси сифатида намоён бўлиши мумкин. *Ҳалим кеча келган. Ҳалим кеча келганда мен йўқ эдим* жуфтлигининг биринчисида *Ҳалим* гап кенгайтирувчиси (эга), конструктив бўлак, иккинчи гапда эса сўз кенгайтирувчиси, яъни конструктив бўлак эмас. Шунингдек, келтирилган мисолдаги *минтақа босқичида* унсури *эгаллаши* сўзи кесим мавқеида келганда конструктив бўлак, бошқа ҳолларда (ҳол ва эга боғланганда) эса сўз кенгайтирувчиси.

Демак, маълум бўладикки, муайян актант бирликнинг гап ёки сўз кенгайтирувчиси мавқеида бўлиши кенгаювчи сўзнинг синтактик мавқеи билан белгиланади.

Гап бўлаги мақомида сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам келиши мумкин. Гап бўлаги вазифасида келган сўз ўз кенгайтирувчиси билан бир бутун ҳолда битта гап бўлаги (ёки бўлакнинг бўлаги) саналади.

Гапни бўлақларга ва сўз бирикмасига ажратиш – синтактик таҳлилнинг икки хил кўриниши. Гапни бўлақларга ажратиш коммуникатив бирлик таҳлили бўлса, сўз бирикмаларига ажратиш номинатив бирлик таҳлили. Масалан, *Гулнора ўқиган китобни мен кеча тугатган эдим* гапининг гап бўлақлари бўйича таҳлили қуйидагича бўлади: 1) *тугатган эдим* – кесим; 2) *мен* – эга; 3) *кеча* – ҳол. *Гулнора ўқиган китобни* бирикуви гап бўлаги эмас ва у бўлақлар таҳлилида эътиборга олинмайди.

Демак, тўлдирувчи ва аниқловчи сўз кенгайтирувчиси бўлганлиги боис гап бўлақлари таҳлилида назардан четда қолади. Гапни сўз бирикмаларига ажратишда эса кенгаювчи сўз кенгайтирувчи сўз билан бирикма сифатида олинади. Гап кенгайтирувчиси бирор сўз (атов бирлиги) маъносини эмас, балки кесимлик қўшимчаси маъносини муайянлаштирганлиги боис, сўз бирикмалари сифатида олинмайди.

Шундай қилиб, юқоридаги гапдан коммуникатив сатҳга дахлдор, яъни (P_m) га боғланувчи сўзларни чиқариб ташласак:

- а) *Гулнора ўқиган;*
- б) *ўқиган китоб;*
- в) *китобни тугатмоқ*

каби учта сўз бирикмаси мавжудлиги аён бўлади. Чунки гап таркибидаги *Гулнора, ўқиган, китобни* бирликлари сўз кенгайтирувчиси.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, сўз кенгайтирувчиси ва гап кенгайтирувчиси муносабатидан келиб чиққан ҳолда сўз бирикмалари таҳлилини гап бўлаклари таҳлили билан қориштирмаслик керак.

Гапда ажратилган сўзшакллар


Гапда иштирок этаётган атов бирликларининг маъноси сўзловчи учун етарли даражада очилмаган бўлиши мумкин. Шунда уларнинг маъноларини муайянлаштириш мақсадида алоҳида, таъкид оҳангига эга бўлган атов бирликлари нутққа киритилади. Қуйидаги гапларга эътибор беринг: 1. *Шавкат шеър ўқиди.* 2. *Юртим – Нурота.* 3. *Унинг кафолати керак бўлади.* 4. *Сой бўйида узоқ турди.* 5. *Сени соғиндим.* Тингловчи учун ушбу гаплардаги маълум бир сўзлар маънолари изоҳларсиз ноаниқ бўлиши мумкин. Буни эътиборга олган ҳолда сўзловчи уларни муайянлаштирувчи сўзлар билан қўллайди: 1. *Шавкат, шоир, шеър ўқиди.* 2. *Юртим – Нурота, тоғлар ораси.* 3. *Унинг, Икром Имомзоданинг, кафолати керак бўлади.* 4. *Сой бўйида, қўш ёнгоқнинг тагида, узоқ турди.* 5. *Сени, вафодоримни, соғиндим.* Биринчи гапда эга (*Шавкат*) нинг маъносини *шоир* сўзи, иккинчи гапда кесим (*Нурота*) нинг маъносини *тоғлар ораси*, учинчи гапда аниқловчи (*унинг*) нинг маъносини *Икром Имомзоданинг* сўзшакли, тўртинчи гапда ҳол (*сой бўйида*) нинг маъносини *қўш ёнгоқнинг тагида* сўзшакли, бешинчи гапда тўлдирувчи (*сени*) нинг маъносини *вафодоримни* сўзшакли изоҳлаган, тўлдирган, муайянлаштирган. Бу сўзлар ўзи изоҳлаётган сўзлар билан бир ҳоким сўзга тобеланади. Ундан фақат нисбатан тор маънога эгаллиги ва таъкид оҳанги билан ажралиб туради. Бундай атов бирликлари *гапнинг ажратилган кенгайтирувчиси* дейилади. Гапнинг сўз кенгайтирувчиси ҳам, гап кенгайтирувчиси ҳам ажратилиши мумкин. Юқоридаги биринчи ва иккинчи гапларда гап кенгайтирувчиси, 3-, 4-, 5- гапларда эса сўз кенгайтирувчиси ажратилган. Шу боисдан ажратилган кенгайтирувчиларни:

- а) ажратилган гап кенгайтирувчилари;
 - б) ажратилган сўз кенгайтирувчилари
- кўринишида иккига бўлиб ўрганиш мумкин.

Гап ажратилган кенгайтирувчилари билан ажратилган бўлақлар муқобил атамалар эмас. Чунки ажратилган бўлақлар деганда, гап конструктив бўлақларининг ажратилиши тушунилади. *Ажратилган кенгайтирувчилар* атамаси эса бўлақ мавқеига эга бўлмаган атов birlikларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Масалан, *Мен сени, вафодоримни, соғинганимни айта олмайман* гапида *вафодоримни* сўзшакли ажратилган кенгайтирувчи, лекин гап бўлаги эмас.


Ажратилган кенгайтирувчининг гап структур схемасига муносабати улар изоҳлаётган атов birlikлариники каби. Ажратилган кенгайтирувчи ажралмиш (муайянлаштирилаётган) атов birlikларининг «соясси» бўлганлиги боис, улар билан бир бутун ҳолда бевосита ёки билвосита гап структур қолипига дахлдор бўлади. Юқоридаги гапнинг структур қолипга муносабатини кузатинг (50-жадвал):

50-жадвал

E	H	W	Pm
<i>Мен</i>		<i>айта ол</i>  <i>соғинганимни</i> <i>вафодоримни,</i> <i>сени,</i>	<i>майман</i>

Ёки *Шавкат, шоир, шеър ўқиди* гапининг структур схемаси қуйидагича(51-жадвал):

52-жадвал

E	H	W	Pm
<i>шоир,</i> <i>Шавкат,</i>		<i>ўқи</i>  <i>шеър</i>	<i>ди</i>

Ажратилган кенгайтирувчи муайянлаштирилаётган бўлақнинг «соясси» бўлганлиги боис, соф нутқий ҳодиса. Шунинг учун унинг мавжудлиги ва ўзига хослиги соф нутқий омил – оҳанг билан ҳам боғлиқ. Ўзига хос оҳангдан маҳрум қилинса, у бошқа нутқий ҳодиса – ундалмага монанд бўлиб қолади. Масалан, *Эркин, укам, инженер бўлди* гапида *укам*

атов бирлиги ажратилган кенгайтирувчига хос оҳангдан маҳрум этилса (укам бирлигидан кейин ажратиш паузаси қўлланса), у эгага ва эганинг атов бирлиги эса ундалмага айланиб қолади.

Гап ва сўз кенгайтирувчиларининг ажратилишида ўзига хосликлар бор.

Гапда изоҳловчининг ажратилиши бошқа кенгайтирувчиларга нисбатан ўзига хос. Изоҳловчи одатда изоҳланмишдан олдин келади: *тракторчи Тошпўлат, ошпаз Маматқулов, профессор Жўраев* каби. Изоҳловчи ажратилганда, изоҳланмиш қандай мавқеда бўлса, у ҳам шундай мавқега эга бўлади. Масалан, *Тракторчи Тошпўлат ака сменани топширди* гапида изоҳловчи (*тракторчи*) эга (*Тошпўлат ака*) га тобе. Бироқ у ажратилса, гап эгасига тобелиги йўқолади ва ўзи ҳам эгага айланади. *Тошпўлат ака, тракторчи, сменани топширди*. Бу гапда *тракторчи* сўзшакли ўрни ўзгарган изоҳловчи эмас, балки тамоман янги мавқе (гапнинг конструктив бўлаги – эга) олганлигини изоҳланмиш (*Тошпўлат ака*) ни гапнинг бошқа конструктив ёки ноконструктив бўлаклари вазифасига қўйиш билан амин бўлиш мумкин:

- 1) *Бу киши – Тошпўлат ака, тракторчи;*
- 2) *Тошпўлат акани, тракторчини, танийман;*
- 3) *Тошпўлатнинг, тракторчининг, обрўйи баланд, ҳурмати жойида.*

Биринчи гапда «собик» изоҳловчи бўлмиш *тракторчи* кесим, иккинчи гапда тўлдирувчи, учинчи гапда қаратувчи аниқловчи вазифасида келган. Демак, бундай ҳолда ажратилиш натижасида изоҳловчи ўз сифатини ўзгартиради.

Ажратилган сифатловчи. Сифатловчи аниқловчи ажратилганда ҳам аниқланмишдан кейинга ўтади: 1. *Ипаклари тиллодан дўппи тикдим - Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан.* 2. *Яланг оёқ Қобил бобо даг-даг титрайди - Қобил бобо, яланг оёқ, даг-даг титрайди.*

Гапнинг бошқа турдаги кенгайтирувчилари ажратилганда, ажралмиш ва ажратилган кенгайтирувчилар грамматик шакл ва синтактик мавқе жиҳатидан сифат ўзгариши касб этмайди.

Ажратилган эга. Изоҳловчи таъкидланганда, ажратилган эгага айланади: 1. *Доцент Жумаев Турсунали илмий сафарга жўнади – Жумаев Турсунали, доцент, илмий сафарга жўнади.* 2. *Капитан Худойназаров сўз олди – Худойназаров, капитан, сўз олди.*

Қуйидаги гапларда эганинг ўзи ажратилган: *Сиз, ёшлар – бизнинг умидимизсиз.* Бунда *ёшлар* сўзшаклини ажралмиш эгадан олдинга ўтказиб бўлмайди. Ажратилган эга изоҳловчидан олдин бўлганда унинг ўрнини алмаштириш мумкин: *Жумаев домла – домла Жумаев* каби.

Ажратилган ҳол. Бунда гапнинг бўлаги маъноси жуда ҳам аниқ бўлмаган, умумий сўзшакл билан ифодаланади. Ажратилган ҳолнинг

маъноси нисбатан муайян ва тор бўлади: *Қишда, чиллада, бўрилар одамга ҳам ҳамла қилади.*

Ажралмиш ҳолсиз ажратилган ҳол бўлиши мумкин: *Икром ака, хаёлга чўмиб, бозорга қараб кетмоқда эди.* Бундаги ажратилмишни ажратиш-таъкид деб аташ мумкин.

Ажратилган тўлдирувчи. Ажратилган тўлдирувчи одатдаги тўлдирувчининг - олмошнинг маъносини изоҳлайди: *Кеча кундуз сени, вафодоримни, ўйлайман.*

Ажратилган бўлақлар таҳлилида яна қуйидагига эътибор бериш лозим:

1) уюшиқ бўлақли гапларда умумлаштирувчи сўз ёки уюшиқ сўзлар ажратилган бўлиши мумкин: 1. *Икром ва Отабек – синфдошлар, йўлга тушишди.* 2. *Синфдошлар – Икром ва Отабек йўлга тушишди.* Биринчи гапда *синфдошлар*, иккинчи гапда *Икром ва Отабек* уюшиқ сўзлари ажратилган кенгайтирувчидир;

2) ажратилган бўлақларни аниқлашда тартиб муҳим роль ўйнайди. Ажратилган кенгайтирувчи кейин, ажралмиш кенгайтирувчи олдин келади: 1. *У шаҳарга, Қаршига, кетди.* 2. *У Қаршига, шаҳарга, кетди.* Биринчи гапда *Қаршига*, иккинчи гапда *шаҳарга* сўзшакли – ажратилган бирлик.

Ажратилган аниқловчи билан аниқланмиш дистант ҳолатда бўлганда, уларнинг алоқаси кучсизланиб, аниқловчининг нисбий мустақиллик ҳолати кучаяди: *Ҳалиги йигит, қўлида тугуни бор эди-ку, сартарош, эртага таътилга чиқар экан.*

Содда гапда тенг боғланиш

Гап ўзаро тенг боғланишга эга сўзлар билан ҳам кенгайтириши мумкин: *Бодомлар, шафтолилар ва ўриклар гуллади.* Бу гапдаги *бодомлар, ўриклар, шафтолилар* сўзшакллари синтактик мазмун жиҳатдан бири иккинчисига тобе бўлмасдан, тенг алоқага киришган ва бу алоқа тенг боғловчилар ёки оҳанг воситасида амалга оширилган. Бундай тенгланиш қаторини ҳосил қилган сўзшакллар бир кенгаювчи сўзшаклга тобеланиб, синтактик жиҳатдан бир хил мавқега эга бўлади. Бундай сўзшакл уюшиқ сўзшакл дейилади. Тенгланиш қатори гапда ҳар қандай синтактик мавқени эгаллаши мумкин:

кесим: *Сиз ақлли ва тадбиркорсиз.*

эга: *Гўё Навоий ва Бойқаро қаршимда эди.*

ҳол: *Сув ўйноқлаб, кўпикланиб оқарди.*

тўлдирувчи: *У қалам, дафтар, ручка олди.*

аниқловчи: *Насибанинг ва Кариманинг опалари келди.*

ундалма: *Азиз дўстлар, юртдошлар, сизларни соғиниб яшадим.*

Кўринадик, гапнинг конструктив бўлаклари ҳам, ноконструктив бўлаклари ҳам уюшиши мумкин.

Уюшиқ сўзшакллар бир бутун ҳолда, яхлит аъзо сифатида гап структур қолипига бевосита (уюшиқ кесим, эга, ҳол) ёки билвосита (тўлдирувчи, аниқловчи ва бошқа сўз кенгайтирувчиси) дахлдор бўлади. Тенгланиш қаторидаги сўзшакллар синтактик жиҳатдан бир хил мавқега эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Яъни улар бир ҳоким узвга тобеланишса ва ўзаро тенг алоқага киришишса-да, синтактик вазифа жиҳатдан фаркланади. Масалан: *Ҳар жойда ва ҳар кимга сен ҳақингда гапирдим.* Бундаги *ҳар жойда ва ҳар кимга* сўзшакллари ўзаро тенг алоқага киришган, лекин бири гап кенгайтирувчиси (*ҳар жойда*), иккинчиси эса сўз кенгайтирувчиси (*ҳар кимга*). Бундай тенгланиш қатори *уюшмаган тенгланиш қатори* дейилади. Уюшмаган тенгланиш қатори аъзосининг ҳар бири ҳар хил лисоний-синтактик ўринларнинг тўлдирувчиси бўлади. Хусусан, мазкур гапдаги *ҳар жойда* сўзшакли гап лисоний структурасидаги ҳол ўрнини тўлдирса, *ҳар кимга* сўзшакли гап марказидаги атов бирлиги (**W**) нинг кенгайтирувчиси, гап лисоний структурасига бевосита дахлдор бўлмаган аъзо.

Тенгланган сўзшакллариининг ҳар бири кенгайган бўлиши ҳам мумкин: 1. *У денгиз қиёфасини касб этган кенг пахтазорга ва ундаги марра учун куйиб-пишаётган теримчиларга узоқ тикилди.* 2. *Шўх йигитлар, эрка қизлар қувнашар.*

Уюшган сўзшакл. Уюшган сўзшакл ҳар доим синтактик мавқе ва морфологик шаклланиш жиҳатидан бир хил бўлади. Улар бошқа сўз билан боғланишда тенглик сақлайди. Аммо уларнинг қандай сўз билан ифодаланиши – сўз туркуми жиҳатдан бир хил бўлиши ва, демак, бир хил сўроққа жавоб бўлиши шарт эмас: *Сени (олмош) ва Саломатнинг укасини (от) тақдирлашади.*

Уюшган сўзшаклнинг охиригиси тегишли грамматик шаклни олиб, олдиндилари олмаган бўлиши ҳам мумкин: *Майдонни бегона ўт, тош ва ҳар хил чиқиндилардан тозаладик.* Бунда уюшган сўзшаклнинг охиригиси (*чиқиндилардан*) чиқиш келишиги билан шаклланган. Бу уюшган сўзшаклнинг грамматик шаклланиши ҳар хил бўлиши ҳам мумкин дегани эмас. Чунки охиригиси сўзшаклдаги чиқиш келишиги уюшган сўзларнинг бошқаларига ҳам тегишли. Фақат нутқий тежам грамматик кўрсаткичнинг барча сўзшаклда такрорланишига монелик қилади.

Уюшиқ сўзшаклнинг муҳим нутқий белгисидан бири санаш оҳанги билан айтилиши. Санаш оҳанги бўлмаса, синтактик мавқе, грамматик шакл ва ифодаланиш жиҳатлари бир хиллигига қарамасдан сўзшакллар уюшиқ саналмайди. Масалан, *Менинг диққатимни думалоқ оппоқ тошлар тортди* гапидаги *думалоқ* ва *оппоқ* сўзшакли *тошлар* сўзшаклига тобеланиб, ифодаланиш ва грамматик шакл жиҳатдан бир хил. Бирок

улар уюштирувчи (санаш) оҳангсиз уюшмаган кенгайтирувчи ҳисобланади.

Демак, синтактик мавқе, грамматик шакл бир хиллиги ва уюштирувчи оҳангга эгалик уюшган тенгланиш қаторининг зарурий белгисидир.

Уюшиқ кесимнинг ўзига хос хусусияти. Уюшган эга, ҳол, тўлдирувчи ва аниқловчида тегишли грамматик шакл ҳар бир сўзшаклда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши ҳам, фақат охиригида бўлиб, олдингиларида бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ уюшган кесимларда кесимлик шакллари билан фақат охириги кесим шаклланган, бошқалари эса бу қўшимчани олмаган бўлади: 1. *Бизнинг ёшлар доно ва зуккодирлар.* 2. *Дўкандорлар молини мақтаб ва харидорларни чорлаб турардилар.* 3. *Воқеа содир бўлган жойга зудлик билан боришимиз ва масалага ойдинлик киритишимиз лозим.*

Сўз кесимлик кўрсаткичи билан шаклланган ва кесимлик синтактик позициясини эгаллаган бўлса, у алоҳида ҳукм ва тугал маъно ифодалайди ҳамда гап ҳосил қилади. Юқорида келтирилган гапда ҳам уюшган кесимнинг барчаси (P_m) кўрсаткичи билан шакллантирилганда, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида гапни ҳосил қилади ва натижада қўшма гап вужудга келади. Қиёсланг: 1. *Сиз аълочи ва жамоатчи кишисиз* (уюшиқ кесимли гап) – *Сиз аълочисиз ва жамоатчисиз* (қўшма гап). 2. *У вақтларда отам косиб, онам тикувчи эди* (уюшган содда гап) - *У вақтларда отам косиб эди ва онаси тикувчи эди* (қўшма гап).

Иккинчи гапнинг ҳар бир кесимини (P_m) билан тўла шакллантириб, қўшма гап тарзида қўллаш услубий ғализликни келтириб чиқаради. Шу боис ушбу ўринда қўшма гап эмас, балки уюшиқ кесимли содда гапни ишлатиш ўнғай.

Уюшиқ кесимнинг ҳар хил сўз туркуми билан ифодаланиши ҳам учрайдиган ҳодиса. Бу от ва олмошда мавжуд: *Таниганим, билганим сен ва Ҳалимдир.* Бироқ феъл ва бошқа туркум сўзи уюшиқ кесим ҳосил қила олмайди. Чунки от ва феъл бошқача ва қолган туркумлар бошқача тусланишга эга бўлади: *Итингдурман ва бўзлагайдирман.* Бу гапда кесимлик кўрсаткичларини иккала сўзшакл учун битта қилиб бўлмайди: *Итингдур ва бўзлагайдирман* каби.

Уюшиқ кесимларнинг олдин тургани [-и(б)] шаклли равишдош билан ифодаланганда, ҳол билан монанд бўлиб қолади: 1. *У кўрқиб бақириб юборди.* 2. *У таниб, билиб, сўрай бошлади.* Ҳар иккала қўлланишда ҳам феъл сўзшакллар бир-бирига ўхшайди. Бироқ гаплардан биринчисида феъл ҳол (*кўриб*) ва кесим (*бақириб юборди*) вазифасида. Кейинги гапда эса уюшиқ кесим мавжуд. Бироқ биринчи гапда уюшиқликнинг зарурий белгиси – уюштирувчи оҳанг мавжуд эмас.

Тенгланиш қаторида боғловчи. Тенгланиш қатори боғловчили ёки боғловчисиз бўлиши мумкин. Боғловчисиз қатор фақат оҳанг ёрдамида ҳосил қилинади: 1. *Карима, Гулнора, Ҳалима боққа жўнадилар.* 2. *У таниб, билиб, сўрай бошлади.*

Боғловчили қатор боғловчи восита ёрдамида ҳосил қилинади: 1. *Эшикдан ёш йигит ва чол кириб келди.* 2. *Фарзандларимиз доно ва бахтиёрдир.*

Тенгланиш қатори нисбатан чекланмаган ёки чекланган аъзодан ташкил топиши мумкин. Бу аъзолараро муносабатнинг тури билан боғлиқ. Шундай тенгланиш қатори мавжудки, бунда бемалол қаторни тўлдириш, янги аъзо билан давом эттириш мумкин бўлади: *У кўк, қора, қизил қаламлар олди.* Бундай тенгланиш қатори **очик қатор** дейилади. Очик қатор шундай аъзолардан тузиладики, бунда бир аъзо бошқаларига қандай муносабатда бўлса, бошқа аъзо ҳам унга шундай муносабатда бўлади. Ёпиқ қатор эса шундай аъзолардан ташкил топадики, уларда қатордаги аъзоларнинг муносабати тақсимланган бўлади: бир аъзо иккинчисига бошқача, иккинчиси биринчисига бошқача муносабатда бўлади: *Богда нафақат олма, балки нок ҳам ўсади.* Очик тенгланиш қаторида тартиб, асосан, эркин: *Богда ўрик, олма, шафтоли ўсади* гапи *Богда ўрик, олма, шафтоли, балки нок ҳам ўсади* шаклида берилса ҳам, мазмунга путур етмайди. Ёпиқ тенгланиш қаторида тартиб, кўпинча, қатъий бўлади. *Богда шафтоли, олма, балки нок ҳам ўсади* гапи *Богда нафақат нок, балки олма ҳам ўсади* кўринишини олса, аввалги мазмунни бермайди (Қиёсланг: *пишириб, еди – еб пиширди, тўй ва томоша – томоша ва тўй*).

Баъзи боғловчи фақат очик қаторни, баъзилари эса фақат ёпиқ қаторни ташкил этади.

Айирув боғловчилари очик қаторни ташкил қилади: 1. *Биз учун мактаб ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат иши бўлмази лозим.* 2. *Бунда бор на офат, на гурбат, на гам.*

Бириктирув ва зидлов боғловчилари ё ёпиқ қаторни ташкил этади, ёки қаторни ёпади: 1) ёпиқ қаторни ташкил этиш: *Гуллар ва майсалар ажиб бир гўзаллик бахш этарди;* 2) қаторни ёпиш: *Гуллар, райҳонлар ва майсалар ажиб бир гўзаллик бахш этарди.*

Тенгланиш қаторининг ҳар иккала тури – очик қатор ҳам, ёпиқ қатор ҳам боғловчисиз бўлиши мумкин:

1. Боғловчили очик қатор. Айрим боғловчи тенглик муносабатига киришаётган ҳар бир сўзшакл учун қўлланиб, қаторни бемалол давом эттириши мумкин: *Ҳалим ҳам ўқийди, ҳам ишлайди, ҳам даволанади* гапида очик қаторни ташкил этувчи боғловчи, айтилганидек, асосан, айирув боғловчилар ва *ҳам* юкламаси.

2. **Боғловчисиз очик қатор.** Боғловчисиз очик қаторни ташкил этувчи аъзолар ўзаро уюштирувчи оҳанг ёрдамида боғланади:

*Муҳайё, Сурайё, Дилиода, Муқаддас,
Кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас.*

2.1. Боғловчисиз очик қаторнинг икки тури мавжуд:

а) ҳар хил предмет, белги ва шу кабилар номи берилади: *Нонсиз, тузсиз, сувсиз уч кун қийналди.*

б) даражаланувчи, кўпаювчи, тўлдирувчи аъзолар берилади: *Тутаб, бурқсиб, ёниб, куйди бечора.*

2.1.1. Ёпиқ боғловчили қатор аъзолари орасида:

а) уйғунлик (*Ҳалим қаттиққўл ва жиддий эди*);

б) зидлик (*Секин, аммо чиройли ёзади*)

маъноси мавжуд.

2.1.2. Боғловчисиз ёпиқ қаторда тенгланувчи аъзолар жуфтлашади: *1.Эрта-индин келарман (эрта ёки индин келарман).* Баъзан айрим восита ҳам боғловчисиз қаторни ташкил қилишда қўлланади: *Сенга эмас, қизимга айтаман.*

Ундалма

Гап ундалма билан ҳам кенгайиши мумкин. Ундалма гап таркибидаги II шахс кишилиқ олмоши бўлган сўзшакл маъносини муайянлаштирувчи унсур бўлиб, у мантиқан сўз кенгайтирувчиси мақомида бўлади. Бироқ у кенгаяётган сўз билан боғланганда, грамматик алоқага эга эмас. Ундалма мазмунан боғланган сўзшакл нутқ йўналтирилган шахс ёки нарса предметни ифодалайди. Ундалма вазифасида, одатда, бош келишиқдаги от, баъзан отлашган сўзшакллар келади.

Демак, ундалма гап лисоний структурасига бевосита дахлдор бўлмаган, гап таркибидаги ифодаланган ёки ифодаланмаган иккинчи шахс олмошининг сўз кенгайтирувчиси ҳисобланади. Ажратилган бўлак ажралмиш бўлак билан мазмунангина муносабатга киришганлиги каби, ундалма ҳам нутқ йўналтирилган шахс, предмет билан мазмуний боғланишга эга бўлади.

Ундалма кенгайтирган олмош сўзшакл гапнинг барча бўлаклари, бўлакнинг кенгайтирувчилари, қолаверса, бўлак бўлақларининг кенгайтирувчилари бўлиши мумкин:

кесим: *Дўстим, ишонганим сенсан;*

эга: *Ойбек, сен мактабга кечикяпсан;*

ҳол: *Ҳалим, сен туфайли муродимга етдим;*

аниқловчи: *Гулбадан, сенинг муҳаббатинг дилинда пинҳон;*

тўлдирувчи: *Қарчизай чангалим, сенга йўл бўлсин.*

Ундалма қўлланганда у кенгайтирган сўз тушиб қолиши ҳам мумкин. 1. *Эй Шарқнинг бўстони, дилимга пайванд!* 2. *Кел, эй Фурқат, суханни мухтасар қил.*

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс/предметни ифодаловчи сўзшакл гап таркибида йўқ бўлиши ва уни тиклаб ҳам бўлмаслиги мумкин: 1. *Ҳой қизлар, мана бўлди пора-пора паранжи.* 2. *Йигитча, машина жўнаяпти.* Аммо барибир, ундалма ифодаланмаган иккинчи шахс олмоши мазмунининг муайянлаштирувчиси эканлиги маълум бўлиб туради.

Ундалма вазифасида қўлланадиган сўз:

от: *Хола, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?*

отлашган сўз: 1. *Кўрганлар, гапиринг.* 2. *Тентагим, нима дейсан?* 3. *Биринчи, мен иккинчи!*

Ундалма кенгайиши ҳам мумкин: 1. *Яхши йигит, севганингдан айрилма.* 2. *Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани?*

Ундалма уюшиши ҳам мумкин. Бунда нутқ турли нарсаларга қаратилади. *Дарахтлар, бўстонлар, сиздан сўрайман.*

Ундалма гапнинг барча ўринларида кела олади. Гап бошида келганда уни очади, охирида эса ёпади: 1. *Азиз дўстим, омонмисан?* 2. *Омонмисан, азиз дўстим.*

Ундалма мустақил гап мақомини ҳам олиши мумкин: 1. *Опа! Сен ҳам одам эдингми?* 2. *Бола қичқирди: «Дада!»*

Гапнинг кириш ва киритма кенгайтирувчилари

Кириш кенгайтирувчилар. Маълум бўладигани, гап (P_m) и таркибида майл/модаллик маъноси ҳам мавжуд. Модаллик гап кесимини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Тилшуносликда модалликнинг ўзигина гапни ташкил этади деган қараш ҳам мавжуд. Чунки гап (P_m) ида мавжуд ва хилма-хил восита билан ифодаланган тахмин, гумон, шубҳа, ишонч, қатъийлик, шарт, истак, тилак, буйруқ, имконият, зарурият, мажбурийлик каби маъно ифодаланган ҳар қандай ҳукм, фикрда устувор қиймати билан ажралиб туради. Шу боисдан гап таркибида гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмаган, сўз бирикмаси ҳосил қилмаган бўлса-да, (P_m) даги мазкур маънога бевосита дахлдор бўлган субъектив модаллик муносабатини ифодалайдиган атов бирликлари кўплаб учрайди: 1. *Ака, бугун ота-оналар йигилишига дадам борадиларми? – Дадам, албатта, борадилар, балки, онам ҳам борарлар.* 2. *Тўғри, ёмон одам жазосини тортиши керак, – деди Саида.* 3. *Бу чол, қизининг сўзига қараганда, ҳали жуда бақувват экан.* 4. *Сиз, ўйлаб қарасам, шу лавозимга лойиқ номзод экансиз.*


Бундай атов бирликлари ва қурилмалар гап таркибига кирар экан, (P_m) таркибидаги модал ва тасдиқ/инкор маъносини муайянлаштиради, яъни гапнинг кесими билан боғланади. Шу боисдан улар *модал ёки кириш кенгайтирувчи* деб аталади. Кириш кенгайтирувчилар гапнинг конструктив бўлаклари саналмиш эга ва ҳол каби фақат ва тўғридан-тўғри гап марказига муносабатда бўлади. Бироқ кириш кенгайтирувчи (P_m) га грамматик жиҳатдан боғланмаганлиги боис унга нисбатан **конструктив** сифатини қўллаб бўлмайди. Бироқ унга зич мазмуний муносабатда бўлганлигини инобатга олиб уларни бўлак, гап бўлаги, гап кенгайтирувчиси дейиш мумкин. Демак, кириш кенгайтирувчи сўз ва гап кенгайтирувчиси орасида «оралиқ учинчи» бўлганлиги боис уларни гапнинг *конструктив бўлмаган бўлаги* атамаси билан номлаш мумкин. Атаманинг *конструктив бўлмаган* деган қисми ҳодисанинг сўз кенгайтирувчиси сифатига эгалигини кўрсатса, *бўлак* узви гап кенгайтирувчи сирасига дахлдорлигини билдиради.

Киришларнинг гап структур қурилишидаги ўрнини қуйидагича бериш мумкин (52-жадвал):

52-жадвал:

E	H	W	P_m	Кириш
---	---	---	-------	-------

Ёки



Кириш кенгайтирувчи сўз, бирикма ва гап кўринишида бўлиши мумкин: 1. *Фарғонада, балки, балқарсан.*(А.Орип.) 2. *Табибнинг таъбирича, шоҳнинг соғайиши учун уч нарса зарур экан.* (Эрт.) 3. *Мен сизга айтсам, бир кунда уч маҳал шаҳарга қатнашининг ўзи бўлмайди.* (С.Нур.) Шу сабабли кириш кенгайтирувчи кириш сўз, кириш бирикма, кириш гап каби турга бўлиб ўрганилади. Аслида барча кириш кенгайтирувчиси номинатив бирлик. Гарчи уларнинг айрим кўриниши гап характерида бўлса-да, уларни том маънодаги гап деб бўлмайди. Масалан, юқорида келтирилган, *мен сизга айтсам* қурилмаси мазкур гап таркибида шаклан гап кўринишида бўлса-да, унинг зиммасига фикр ифодалаш, ахборат узатиш вазифаси юклатилмаган. Унда (P_m) шакли мавжуд бўлса-да, тегишли маънолар воқеланиши ўта кучсизланган. Шу

боисдан ундаги (P_m) шакллари ва унга мос гап кенгайтирувчиси ўзгартириб кўрилса, унинг киришлик моҳияти бутунлай йўқолади.

Кириш кенгайтирувчиларнинг умумий ва хос хусусияти қуйидагилар:

1) кириш гап таркибига муайян денотатив маънолари билан кирмайди. Масалан, юқорида келтирилган *Мен сизга айтсам* кириш гапидаги сўзларда ҳаракат, ҳаракатни бажарувчи шахс, объект каби маъно ифодаланмаган. Унда бир бутун ҳолда «ишонтириш» модал маъноси мавжуд;

2) киришлар грамматик шаклланганлик нуқтаи назаридан ранг-баранг. Унда тусланган феъл ҳам (*айтсам*), тусланмаган феъл ҳам (*шундай қилиб*), от ҳам (*чамаси*), олмош ҳам (*менимча*) кириш вазифасида келади. Аммо улар, айтилганидек, баъзан қисман, баъзан бутунлай ўз луғавий маъносини йўқотиб, парадигмасидан вақтинча узилган бўлади;

3) кириш кенгайтирувчининг барчаси ўзига хос ягона «сўзловчининг ўз фикрига муносабатини билдириш» умумий маъноси остида бирлашади;

4) кириш кенгайтирувчиларнинг гапдаги ўрни қатъий эмас.

Бу белгиларнинг барчаси кириш кенгайтирувчилар ўзига хос луғавий-синтактик гуруҳни ташкил этишини кўрсатади.

Кириш кенгайтирувчи гапда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) таъкидлаш, тингловчининг диққатини баён қилинаётган фикрга тортиш: *такрорлайман, муҳими, ишонсангиз, масалан, мисол учун, таъкидлайман, айтиш керакки*;

2) субъектив муносабат, ҳис-туйғуларни ифодалаш: *бахтимизга, бахтга қарши, ўйлайман, умид қиламан, ўйлайманки, шубҳасиз, эҳтимол, шу маънода, қайсидир маънода, афсуски, аттанг, эссиз*;

3) фикрни баён қилиш усулига муносабат: *тўғриси айтганда, бир сўз билан айтганда, содда қилиб айтганда, аниқроғи, қисқаси, гапнинг индаллоси*;

4) фикрнинг боғланишини, матн таркибий қисмлари орасида муносабат, ички алоқа кабиларга сўзловчининг қандай қарашини ифодалаш: *демак, хулоса, сабаби, шундай қилиб, кўринадики, маълум бўладик, бунинг устига, одатда*;

5) айтилаётган фикрнинг кимга тегишли эканлигини билдирувчи сўз: *менимча, фикримча, унинг сўзига қараганда, айтишларича, хабар беришига қараганда*;

6) фикрнинг тартибини, изчиллигини билдирадиган сўзлар: *биринчидан, аввало, иккинчидан*.

Киритма қурилма. Киритма қурилма гап ҳолатида бўлиб, нутқда гапдан англашилаётган фикрга қўшимча тариқасидаги янги фикрни баён этиш воситаси. Киритма кириш гапдан ўзининг гаплик моҳиятига тўла эгаллиги (кириш гап гарчи шаклан гап тарзида бўлса-да, кўпроқ кириш сўз

табиатига эга бўлади), асосий гап билан мазмуний боғлиқликнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради: *Бувамга (ҳамма банд бўлганлиги учун) мен қарашиб турадиган бўлдим.* Бу гапдаги *ҳамма банд бўлганлиги учун* қурилмаси киритма гап бўлиб, у асосий гап билан грамматик жиҳатдан боғланмаса-да, мазмунан ундан англашилган воқеа/ҳодисанинг сабабини билдириб, мазмунан қўшма гапда бўлгани каби изоҳлаш вазифасини ўтамоқда. Киритма гапнинг нисбий мустақиллиги гап оҳангидан ҳам англашилиб туради.

Киритма гапнинг қўшма гап таркибидаги содда гапдан фарқи – унинг маълум гапга нутқ momentiда туғилиб қолган эҳтиёжга кўра қутилмаган тарзда бирдан киритилиши. Бу уни соф нутқий ҳодисадек тасаввур қилишга олиб келади. Бироқ сўзловчи онгида киритма қурилмаларни гапга киритиш кўникма ва малакаси мавжуд бўлиб, бу унинг лисоний ҳодиса тажаллиси эканлигидан, лисонда унинг нутқий қўлланиш андозаси мавжудлигидан далолат беради.

Киритма қурилманинг ўрни ҳам гап таркибида қатъий. У асосий фикрга қўшимча, илова фикрни ифодалаганлиги боис гап аввалида кела олмайди. Чунки асосий фикр бошланмасдан илова фикрни бериш ноўрин. Шунингдек, киритма, одатда, гап охирида ҳам бўлмайди.

Киритма гапнинг яна бир хусусияти унинг йиғиқ (кесимдангина иборат) бўлмаслиги: 1. *Ялпиз (чўл ялпизини айтганим йўқ) ошга солинади.* 2. *Ўша ёш болани (у ота-онасиз қолган эди) бойга қарол қилиб беришди.* Чунки, биринчидан, фикр қўшимча бўлса-да, у муҳим, шу боисдан, одатда, уни фақат кесим билан беришнинг имкони йўқ. Иккинчидан, киритма бир сўз билан берилса, у ажратилган бўлакка айланиб қолади: *Онам (ўгай) мени кўп уришарди.* Бундай кўринишдаги ажратилган бўлак баъзи дарслик ва қўлланмада киритма гап сифатида талқин қилинади. Аслида *Отам (ўгай) қазо қилди* гапида *ўгай* бирлиги ажратилган аниқловчи (*Байроқ, ҳаво ранг, ҳилпирамоқда* гапидаги каби).

Демак, киритма қурилмали гап моҳиятан қўшма гапга ўхшайди. Бироқ грамматик алоқа ва интонацион ўзига хослик уларни фарқловчи белги. Мисол сифатида *Ўрмондан (у ерда йиртқич ҳайвонлар бор эди) бўқирган овозлар эшитиларди* гапини олайлик. Гап мазмунини *Ўрмонда йиртқич ҳайвонлар бор, шунинг учун у ерда бўқирган овозлар эшитиларди* дея тушуниш мумкин. Бироқ уни *Ўрмонда бўқирган овозлар эшитиларди, у ерда йиртқич ҳайвонлар бор эди* тарзида ўзгартирилса, гаплардаги грамматик мустақиллик кучайиб, қўшма гаплик хусусияти сусаяди, алоҳида содда гапларга интилиш ўсади.

Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари

Ифода мақсадига кўра гапнинг турланиши соф нутқий ҳодиса. Сўзловчи нутқ жараёнида фикр ифодалаш билан бирга, маълум бир мақсадни кўзлайди ҳам. Гап сўзловчининг кўзлаган мақсадига кўра турлитуман:

1) дарак гап: *Узоқдаги залворли тоғлар хаёлимни келдилар босиб* (А.Орип.);

2) сўроқ гап: *Сен баҳорни согинмадингми?*(А.Орип.);

3) буйруқ гап: *Мени кутгил...* (К.Сим.)

Аммо бу турлар орасига кескин чегара қўйиб бўлмайди. Бир тур иккинчи тур вазифасини бажаравериши мумкин. Дейлик, шаклан дарак гап сўроқ мазмунини, сўроқ гап эса дарак мазмунини ифодалаш мумкин. Мисоллар: 1. *Онани ким севмайди?* (шаклан сўроқ, мазмунан дарак.) 2. *Дастурхонга қарамайсизми?* (шаклан сўроқ, мазмунан буйруқ.) Қарздор деҳқонга бойнинг «*Куз келди*» деб қичқиргани оддий дарак эмас, балки «*Қарзингни тўла!*» мазмунидаги буйруқ гапдир. (А.Ғул.)

Кўшма гап таркибидаги содда гапда ифода мақсади ўзига хос. Эргаш гапли кўшма гапда ифода мақсади бош гапники билан бир бутун ҳолда битта бўлади. Тенг муносабатли кўшма гапда эса олдин турган гап, одатда, дарак табиатига эга бўлади.

Дарак гап. Дарак гап хабар бериш, бирор ҳодиса ёки далилни тасдиқлаш хусусиятига эга бўлади: 1. *Умрим бўйи сени кутарман.* 2. *Сарви гулрў келмади.*

Дарак гап кесимликдаги майл маъносига кўра турлича бўлиши мумкин:

1) аниқ хабар: *Бола келди;*

2) тахмин: *Эртага мажлис бўлар;*

3) истак: *бугун бозорга чиқсам.*

Бу қаторни яна давом эттириш мумкин.

Дарак гап истакни ифодалаганда, сўзловчининг тахмин-тилагига ҳақида хабар беради. Истак қатъийлашса, у буйруқ гапга айланиб кетади. Бу билан дарак ва буйруқ гап бир-бирига яқинлашади: *Сен борсанг – Сен бор.*

Дарак гапда сўз тартиби, одатда, бузилмаган, гап эса дарак интонациясига эга бўлади. Шунингдек, дарак гапнинг кесими ҳам ўзига хос. У сўроқ юкламасидан холи ва аниқлик майли шаклида бўлади.

Атов гап ва сўз-гап ҳам дарак табиатига эга бўлади: 1. *Қиш.* 2. *Ҳа.* 3. *Раҳмат.*

Сўроқ гап. Сўроқ гапда сўроқ маъносига бошқа маъно ҳам қоришган ҳолда бўлиши мумкин:

1) сўроқнинг ўзи: *Ҳалим келдими?*

2) сўроқ-хайрат: *Ҳалим келдими?*

3) сўроқ-таажжуб: *Ёзда ҳам шундай ёмғир ёгадими?*

- 4) сўроқ-мамнунлик: *Ҳалим тугатдимми-а?*
- 5) сўроқ-гумон: *Олиб чиқармикин?*
- 6) сўроқ-тахмин: *Сен Олим эмасмисан?*
- 7) сўроқ-дарак: *Тугатдимми? (Кўрдингми, тугатди маъносида.)*
- 8) сўроқ-буйруқ: *Тезроқ жўнамайсизми?*

Сўроқ гап кутилаётган жавобга муносабатига кўра уч хил:

- 1) соф сўроқ гаплар жавоб талаб қилади: *Бугун қаерга борасан?*
- 2) риторик сўроқ гап жавоб талаб қилмайди ва моҳиятан дарак, шаклан сўроқ гап ҳисобланади: *Онани севмайдиган одам одамми?*
- 3) сўроқ-буйруқ гап сўроқ йўли билан буюриш маъносини ифодалайди: *Тезроқ келмайсизми?*

Сўроқ гап мазмун ҳажмига кўра икки хил:

- 1) умумий сўроқ. Бунда нарса ёки ҳодиса тўлалигича аниқланади: *Бу нима? Бу китобми?* Бунда жавоб кесимга тегишли бўлади.
- 3) хусусий сўроқ. Бунда нарса ёки ҳодисанинг бир томони аниқланади: *Бу қандай китоб? Китобнинг варағи қанча? Сен қаердан келдинг?* Бунда жавоб сўроқ олмоши билан ифодаланган кесимдан бошқа ҳар қандай бўлак бўлади.

Сўроқ гапда сўроқ маъноси куйидаги воситаларга таянади:

- 1) сўроқ юкламалари;
- 2) сўроқ олмошлари;
- 3) сўроқ оҳанги.

Буйруқ гап. Буйруқ гап тингловчини бирор предметга бирор ишни бажаришга ундаш, буюриш, қисташ маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай маъновий кўриниш турли-тумандир. Шунга кўра, буйруқ гап ўз ичида ҳар хил кўринишга эга бўлади.

- 1) соф буйруқ: *Тез бор!*
- 2) буйруқ-қисташ: *Борсанг-чи!*
- 3) буйруқ-илтимос: *Менга ҳам беринг.*
- 4) буйруқ-маслаҳат: *Яхшиси, уйда қола қол.*
- 5) буйруқ-тилак: *Яшасин тинчлик.*
- 6) буйруқ-чақирик: *Олга!*

Буйруқ гапнинг бу турлари оҳанг жиҳатидан фарқланиб туради.

Буйруқ гапнинг кесими, одатда, буйруқ майлининг иккинчи шахс, баъзан учинчи шахс шаклидаги феълдан бўлади: *Бор! Чекилмасин!* Кесим биринчи шахс буйруқ майлидаги феълдан бўлганда, гап оҳангидаги қатъийлик уни буйруқ гапга айлантиради: *Номус учун курашайлик!*

Баъзи ҳолларда аниқлик майлидаги яқин ўтган замон феъли ҳам буйруқни ифодалаши мумкин: *Қани, жўнадик!*

Буйруқ гап кўпинча ундалмали ва ундовли бўлади: 1. *Ҳой, тезроқ юринглар.* 2. *Бозор, бу ёққа кел!*

Гапда сўз тартиби. Ақтуал бўлиниш

Нутқ индивидуал табиатга эга бўлганлиги боис, гапда иштирок этаётган сўзлар тартиби ҳам эркин. Бироқ бу «эркинлик» ҳеч қачон умумий лисоний қонуният доирасидан ташқарида бўлмайди. Сўзловчининг мақсади, услуб талаби асосида сўзлар умумий тартибга эга бўлади.

Ҳар қандай нутқий гап, ўзида маълум воқеликни ифодалаш билан бирга, сўзловчининг ахборот мақсадини ҳам намоён қилади. Масалан, *Жамшид мактабга кетди* гапида, Жамшиднинг мактабга кетиши воқелиги қайд қилиниши билан бирга, сўзловчининг тингловчига Жамшиднинг қаерга кетганлиги ҳақидаги маълумотни етказиш нияти ҳам ўз аксини топган. Шу боисдан гап *Жамшид қаерга кетди?* сўроғига жавоб бўлади. Демак, ушбу гапдаги воқелик Жамшиднинг қаерга кетганлиги эмас, балки кимнинг қаерга кетганлиги, сўзловчининг ахборот мақсади эса Жамшиднинг қаерга кетганлиги ҳақидаги маълумотни тингловчига етказиш. Гапни *Мактабга Жамшид кетди* шаклида ўзгартирсак, воқелик олдинги гапдаги билан бир хил, бироқ сўзловчининг ахборот мақсади *Мактабга ким кетди?* сўроғи орқали муайянлашади. Биринчи гапда ҳаракатнинг йўналиши, иккинчи гапда ҳаракатнинг бажарувчиси – ахборот мўлжали. Гапнинг ахборот вазифаси нуқтаи назаридан тузилиши **актуал тузилиш** дейилади. Ақтуал тузилманинг таркибий қисмлари ақтуал бўлак дейилади.

Ақтуал вазифа нуқтаи назаридан гапни ташкил этувчи унсурлар тема (маълум) ва рема (янги) қисмларга бўлинади. Гапнинг рема қисми коммуникатив (ахборот) нуқтаи назардан аҳамиятли бўлади. Савол ана шу ремани аниқлаш учун берилади. Гапнинг тема қисми маълум бўлганлиги сўроқ гапда айнан такрорланади. Юқоридаги гапларда тема-рематик (ақтуал) бўлиниш қуйидагича (53-жадвал):

53-жадвал

Тема	рема
<i>Ҳалим</i>	<i>мактабга кетди</i>
<i>Мактабга</i>	<i>Ҳалим кетди</i>

Гапнинг ақтуал бўлиниши мантиқий бирлик бўлган ҳукмнинг бўлакланиши (субъект ва предикатга бўлиниш) га ўхшайди. Шу боисдан айрим тилшунослар ақтуал бўлинишни *мантиқий-грамматик бўлиниш* деб ҳам номлайди.

Ақтуал бўлиниш – соф нутқий ходиса. Лекин ақтуаллашиш лисоний структурадан мутлақо узилган дейиш нотўғри. Ҳар қандай ходиса муайян моҳиятнинг намоёндаси бўлганлиги каби ақтуаллашиш ҳам конструктив-

синтактик сатҳдан бутунлай узилмаган. Актуаллашишда гапнинг лисоний структураси унсурлари бўлган кесим, эга, ҳол ўринлари тўлдирувчилари ёки бу тўлдирувчилар кенгайтирувчиларининг коммуникатив аҳамияти актуал бўлинишни келтириб чиқаради. Шу боисдан актуаллашишнинг лисоний асоси конструктив-синтактик лисоний сатҳ, актуаллашиш жараёни эса коммуникатив-синтактик сатҳ деб юритилади.

Актуал бўлиниш талаби билан гапда сўз тартиби ҳар хил бўлади.

Гапнинг конструктив ва ноконструктив бўлаклари турлича жойлашади. Бунинг синтактик қурилишга дахли йўқ. Тартиб ўзгариши билан гап синтактик қурилишига путур етмайди. Гапда сўз тартиби актуал бўлиниш билан чамбарчас боғлиқ.

Гапдаги сўзлар ўзларининг тема ёки ремага киришига кўра жойлашади.

Ахборотнинг тингловчига маълум парчаларини ифодаловчи сўзлар гап бошида келади.

Тема (маълум) ҳақида ахборот беради, рема эса гап охирида, темадан сўнг келади. Бу изчилликнинг бузилиши ё услубий бўёқдорлик учун хизмат қилади, ёки мантиқий бузилишни келтириб чиқаради.

Агар эга гуруҳи тема, кесим гуруҳи рема бўлса, актуал бўлиниш синтактик бўлиниш билан мувофиқ келади: *Ўқувчилар шодланишди* (эга-кесим, тема-рема).

Қуйидаги гапларнинг тема-рематик бўлинишини қиёсланг (54-жадвал):

54-жадвал

Тема	Рема
<i>Фермерлар</i>	<i>бу йил пахтадан мўл ҳосил олдилар</i>
<i>Бу йил</i>	<i>фермерлар пахтадан мўл ҳосил олдилар</i>
<i>Пахтадан</i>	<i>фермерлар бу йил мўл ҳосил олдилар</i>

Биринчи жумлада тема гапнинг эгаси билан мувофиқ келади. Кейинги гапларда актуал ва синтактик бўлиниш номувофиқлиги юз берган. Демак, маълум бўладикки, гапдаги сўзлар ўрни ўзгаргани билан синтактик структурада ўзгариш юз бермайди. Актуал бўлинишда эса у муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Актуаллаштирувчилар қаторида, тартибдан ташқари, бошқа воситалар ҳам бўлиши мумкин. Улар устувор қиймат касб этганда, тартибнинг роли сусаяди. Муҳим актуаллаштирувчилар қаторига фонетик, лексик ва грамматик актуаллаштирувчиларни киритиш мумкин:

1) **просодик актуаллаштирувчи восита.** Бундай актуаллаштирувчи восита сирасига мантиқий урғу ва у билан боғлиқ бўлган нутқ темпи ҳамда пауза киради.

Гапда нечта мустақил сўз бўлса, шунча миқдорда сўз урғуси бўлади. Бироқ гап қанчалик даражада ёйиқ ёки йиғиқ бўлишидан қатъи назар, унда мантикий урғу битта бўлади. Қайси сўз мантикий урғу олса, шу сўз рема, гапнинг қолган қисми эса тема ҳисобланади. Фақат эга ва кесимдан иборат гапларда қайси бўлак мантикий урғу олса, у рема мақомини олади: 1. *Гули келди*: *Гули* – тема, *келди* – рема. 2. *Гули келди*: *Гули* – рема, *келди* – тема.

Эмфатик эмоционал урғу. Эмфатик урғу ҳам гапдаги маълум бир сўзни ажратиб кўрсатади. Бу билан у мантикий урғуга ўхшаб кетади. Бироқ, мантикий урғудан фарқли ўлароқ, эмфатик урғуда ҳиссийлик кучли бўлади. Ўзбек тилида эмфатик урғу остидаги сўз таркибидаги унли ёки ундош чўзилади. Масалан: *Ҳаво т-о-за экан. Ч-и-ройли қиз келди.* Сўзларни такрорлаш натижасида ҳам эмфатиклик ифодаланади: *Мен борсам, мен.*

Мантикий ва эмфатик урғу остидаги сўзда пауза ҳам кўмаклашувчи восита сифатида қатнашади. Урғуни олган сўздан олдин кўп ҳолда пауза пайдо бўлади.

2) **лексик ва грамматик актуаллаштирувчи восита.** Маълум бир сўзнинг актуаллашишида ўзбек тилидаги турли луғавий ва грамматик шакл ҳам иштирок этади. Бу воситалар мантикий урғули сўз билан келиб, ёрдамчи актуаллаштирувчи восита ҳисобланади. Буларга *фақат*, *ёлғиз*, *ҳатто*, ўзи сўзлари ва [-гина], [-оқ], [-ёқ] кўшимчаси киради:

- 1) *Ҳатто Ҳавоҳир ўқиди.*
- 2) *Сарвар ҳам келди.*
- 3) *Аслиддин ҳам ўқиди, ҳам ёзди.*
- 4) *Мен ўзим айтаман.*
- 5) *Шерзоднинг ўзигина тушунади.*

Бу луғавий-грамматик восита билан келган бўлак мантикий урғу олиб актуаллашади – ремага айланади.

Коммуникатив бўлинмас гап. Ҳар қандай гап ҳам тема – рематик бўлинишга эга бўлавермайди. Шундай кўринишдаги гаплар ҳам борки, уларни коммуникатив бўлинмас гап дейиш мумкин. Бундай гапларда тема (маълум ахборот) бўлмайди. Гап бутунича ремадангина иборат бўлади. Бундай гапларнинг ахборот вазифаси бирор воқеа-ҳодисанинг мавжудлиги ёки вужудга келганлигини ифодалашдан иборат бўлади: 1. *Бугун стадионга борилади.* 2. *Баҳор.* 3. *Иссиқ бошланди.* 4. *Тез тонг отди.* 5. *Раҳмат.* Коммуникатив яхлитлик гапларнинг кўпроқ бир таркиблилиги билан алоқадор бўлади. Икки таркибли феъл кесимли гапларда бу гап семантикаси билан боғланган бўлади: 1. *Тонг отди.* 2. *Шом тушди.* Бундай гапларнинг семантик структураси деярли бир таркибли гапларга яқинлашиб қолади.

Нутқий гапнинг эмоционалликка кўра тури

Нутқий гап эмоционалликка муносабат нуқтаи назаридан иккига бўлинади:

- 1) ҳис- ҳаяжонли гап;
- 2) ҳис- ҳаяжонсиз гап.

Гап, ифода мақсадидан қатъи назар, ҳис-ҳаяжонли ёки ҳис-ҳаяжонсиз бўлади. Қиёсланг: 1. *Мен келтираман* – ифода мақсадига кўра дарак гап, эмоционалликка кўра ҳис-ҳаяжонсиз гап. 2. *Мен келтираман!* – ифода мақсадига кўра дарак гап, эмоционалликка кўра ҳис-ҳаяжон гап.

Ҳис-ҳаяжонли гапда, фикр билан биргаликда, сўзловчининг кучли ҳис-туйғулари ҳам намоён бўлади. Демак, дарак, сўроқ, буйруқ гапга махсус оҳанг берилиши натижасида ҳис-ҳаяжонсиз гап ҳис-ҳаяжонли гапларга айланади: 1. *Футбол бошланди!* 2. *Отам келдими?!* 3. *Ҳайда!* Дарак гап, кўпинча, ҳис-ҳаяжонсиз, буйруқ гаплар эса ҳис-ҳаяжонли бўлади.

Ҳис-ҳаяжонли гап ҳис-ҳаяжон даражасига кўра иккига бўлинади:

- 1) фикрни ҳис-ҳаяжон билан ифодаловчи гап: *Футбол бошланди! Мен келтираман!*
- 2) сўзловчининг эмоционал туйғусини ифодаловчи гап: *Оҳ! Тўй муборак! Ура!*

Ҳис-ҳаяжон гапнинг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик белгиси бор:

- 1) махсус оҳангга эгалик;
- 2) гап таркибида ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўзларнинг бўлиши: *эҳ, оҳ, нақадар, қанийди ва ҳоказо;*
- 3) гап бўлаклари тартибининг ўзгариши: *Олтин бу водийлар, жон Ўзбекистон!*
- 4) эмфатик урғу олган сўзни такрорлаш: *Сиздан сўрадим, сиздан.*
- 5) ҳис-ҳаяжон гап кўпинча бир таркибли бўлади: *Ура! Дунай! Дунай!*

УЮШГАН ГАП

Ўзбек тилшунослигида уюшиш ҳодисаси билан боғлиқ учта ҳодиса мавжуд:

- 1) гапда уюшган сўзлар (Бу ҳақда юқорида айтилди);
- 2) қўшма гапдаги уюшиқ гаплар (Бу ҳақда қуйида - «Қўшма гап» баҳсида сўз юритилади);
- 3) уюшган гаплар.

Уюшиқлик умумий ҳолат бўлиб, содда гапга ҳам, қўшма гапга ҳам хос. Содда гапда сўзлар уюшиб келса, қўшма гапда сўз, содда гап уюшиб келади.

Айтилганидек, уюшиқлик камида икки бирлик (унсур)дан иборат бўлади:

- 1) уюштирувчи унсур;
- 2) уюшувчи унсур.


Бу икки унсур барча уюшиш ҳодисасида мавжуд.

Хўш, уюшган гап нима ва у уюшиқ гапдан нимаси билан фарқланади?


Маълумки, ҳар қандай гап грамматик ёки семантик-функционал шаклланган бўлиши лозим. Шу боис у кесимга эга бўлиб, бу кесим $[WP_m]$ (кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги) ёки $[WP]$ (семантик-функционал шаклланган гап) тарзида бўлиши лозим. $[WP_m]$ содда гапда битта, қўшма гапда эса бирдан ортиқ бўлади.

Қуйидаги гапларни қиёслайлик:

1. *Уканг расм чизар эди.* Бу гапнинг лисоний қолипи қуйидагича:



2. *Укам расм чизар эди ва синглим телевизор кўрар эди* гапининг қолипи эса қуйидагича:



Кўринадикки, биринчи гапда $[WP_m]$ ва унинг кенгайтирувчилари мажмуи битта, иккинчи гапда иккита ва улар ўзаро тенг боғловчи ёрдамида боғланган. Энди учинчи гапга диққат қилайлик: 3. *Укам расм чизар ва синглим телевизор кўрар эди.* Бу олдинги гапимиздаги кесимларнинг $[W]$ қисмлари ўзгармасдан сақланганлиги ва $[P_m]$ қисми биттага қисқарганлиги билан ундан фарқланади. Демак, гапда (W) лар

иккита ва $[P_m]$ битта бўлиб, у иккита (W) учун ҳам умумийдир. Шу боисдан уни қавсдан ташқарига чиқариш мумкин. Бу гапнинг қолипи куйидагича:

$$\begin{array}{ccc} [((E_1-W_1) \text{ ва } (E_2-W_2))P_m] & & \\ \uparrow & & \uparrow \\ T & & T \end{array}$$

Кўринадики, битта умумий (P_m) га эга бўлган бирдан ортик (W) дан ташкил топган гап ҳам тилимизда мавжуд. Бундай гап *уюшган гап* дейилади.

Йўл-йўлакай шуни айтиб ўтиш керакки, уюшган гаплар уюшиқ қисмли қўшма гаплардан фарқланади. Бунинг учун куйидагиларни қиёслаймиз: 1. *Баҳор келса, боғлар яшинаса, сайилга чиқамиз.* Гапнинг қолипи: $[E_1-W_1P_m (-са) \longrightarrow E_2-W_2P_m (-са), W_3-P_m]$. 2. *Баҳор келса, боғлар яшнайди ва сайилга чиқамиз.* Қолипи: $[(E_1 - WP_m) ((E_2 - W_2P_m) \text{ ва } (W_3P_m))]$. Бу иккала гап уюшиқ қисмли қўшма гап. Биринчи гапда эргаш гап (*Баҳор келса, боғлар яшинаса*) уюшиб, бош гапга тобеланиб келган. Иккинчи гапда эса бош (*боғлар яшнайди ва сайилга чиқамиз*) уюшиб келган ва эргаш гап (*баҳор келса*) уларга баб-баравар тегишли. Булар уюшиқ гапдир.

Маълум бўладики, уюшиқ гап қўшма гаплар таркибида бўлади. Уюшган гап эса ўзбек тилида содда ва қўшма гаплар орасидаги алоҳида синтактик қурилмадир. У кесимдаги (W) си бирдан ортиклиги билан қўшма гапга, (P_m) нинг битталиги билан эса содда гапга яқинлашади. Шунинг учун ҳам у ўз мавқеи билан «оралиқ учинчи»дир, яъни содда ва қўшма гаплар орасидаги ҳодисадир.

Содда ва қўшма гапни белгилашда асосий омил гапда нечта шаклланган кесимнинг мавжудлиги. Эганинг бор-йўқлиги, ифодаланган-ифодаланмаганлиги аҳамиятсиз. **Уюшган гапни белгилашда эса бош омил иккита:**

- 1) битта шаклланган кесимнинг мавжудлиги;
- 2) бирдан ортик уюшган эганинг мавжудлиги.

Бу хусусияти билан уюшган гап эгали содда гапдан ҳам (*Жаҳонгир, Жамшид, Исроил ўқиди*), уюшиқ кесимли содда гапдан ҳам (эгаси йўқ ёки бор бўлса, битта, кесимнинг луғавий қисми бирдан ортик, (P_m) қисми битта – (*Улар борган ва кўрган эдилар*, қолипи $[W_1-W_2] P_m]$) фарқланади.

Назарий талқинда уюшиқ кесимли содда гапда, демак, эга битта, (P_m) қисмлари умумий бўлган кесим бирдан ортик бўлади. Айтилганлар асосида содда гап, уюшиқ кесимли содда гап, қўшма гап, уюшиқ кесимли қўшма гап ва уюшган гапнинг энг кичик структур схемасини берамиз:

(Қулайлик учун энг кичик қурилиш қолипларини бериш маъқул. Чунки, $[WP_m]$ да улар (W ва P_m) нинг кенгайтирувчилари ҳам мужассамланган.

1) содда гап: $[WP_m]$

2) уюшиқ кесимли содда гап: $[(W_1 - W_2)P_m]$;

3) қўшма гап: $[WP_m - WP_m]$;

4) уюшган қисмли қўшма гап: $[(WP_m) - (WP_m) - (WP_m)]$ ёки $[(WP_m) - ((WP_m) - (WP_m))]$;

5) уюшган гап: $[((E_1 - W_2) - (E_2 - W_2)) P_m]$;

Уюшган гапга мисол: 1. *Отам раис, онам бригадир бўлган эди.* 2. *Дўкандорларнинг баъзилари китоб ўқиб, баъзилари тасбеҳ ўғириб, баъзилари эснаб ўтиришарди.* 3. *Унинг қўллари ишда, кўзи шудгорда, аммо хаёли Зебихонда эди.* 4. *Чаккаси тиришиб, кўзи қизариб кетди.*

Уюшган гапдаги умумий бўлак $[P_m]$ ни ҳар бир шаклланмаган $[W]$ га алоҳида-алоҳида қўшиш билан осонгина қўшма гап ҳосил қилиш мумкин: Қиёсланг: 1. *Чаккаси тиришиб, кўзи қизариб кетди* – уюшган гап. *Чаккаси тиришиб кетди ва кўзи қизариб кетди* – қўшма гап.

Айрим ҳолда уюшган гапда ҳам (P_m) ноль шаклда бўлиши мумкин: *У бароққош, кўзи чақчайган, афти ишшайган.* Гап мазмунидан ноль шакл охирги сўзда эканлиги сезилиб турибди. Бунга гапни ўтган замонга айлантириш билан амин бўлиш мумкин: *У бароққош, кўзи чақчайган, афти буришган эди.*

Уюшган гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро умумийлиги (ва, шу асосда, умумлаштирувчи бўлаги) турли хил бўлади:

1) ҳамма қисмлари хусусий (фарқли) бўлиб, фақат (P_m) қисми умумий бўлган уюшган гап: *Жамшид ёзар, Исроил ўқир эди;*

2) ҳамма қисмлари хусусий бўлиб, фақат кесимнинг луғавий қисми ва кесимлик қўшимчаси умумий бўлган уюшган гап: *Жамшид тез, Исроил секин ёзар эди;*

3) $[WP_m]$ ва унинг кенгайтирувчи бўлаклари умумий бўлиб, фақат эга ва $[WP_m]$ кенгайтирувчисининг кенгайтирувчиси билан фарқланувчи уюшган гап: *Жамшид оқ, Исроил қизил гул олди.*

(P_m) уюштирувчиси восита сифатида: 1. *Кун қайтган ва баҳор кунларининг учдан икки қисми ўтган эди.* (С.Аҳм.) 2. *Эрта ёғиб ўтган ёмғир чанг ва зуборни ювиб кетган, дарахтларнинг япроқлари тиниқ ва тоза эди.* 3. *Пахта далаларида энди салқин кучайган, тунгги еллар эсар... эди.* (Ойб.) 4. *Сиддиқжон ўзига бундоқ савол бермас ва бундоқ савол хаёлига ҳам келмас эди.* (А.Қаҳ.) 5. *Сайёра биринчи, укам иккинчи экан.* («Тонг юлд.») 6. *Аҳмад тикувчи, Ҳалим боғда қоровул эмишми?* 7. *Алпомишу Рустамлар сизга ёр, Равшанбек ва Авазхонлар мададкор бўлсин.* 8. *Доклад ишининг бориши, мунозара эса бутунлай бошқа масала ҳақида.*

(WP_m) уюштирувчи восита сифатида: 1. *Яхши топиб, ёмон қолиб сўзлар.* (Мақ.) 2. *Онаси ўқисин, онаси ишласин деди.* (М.Исм.) 3. *Савр ойининг булутлари ҳавода ўқириб, селлар қуйиб ўтди.* (Ойб.) 4. *Жамишд битталаб, Жаҳонгир жуфтлаб санай бошлади.* 5. *Нилуфар китоб, Феруза журнал ўқиб ўтирарди.* 6. *Меҳнатдан дўст, гийбатдан душман ортар.* 7. *Қизиқ, Иродани Акбар, Акбаржонни Гулчеҳра севади.* 8. *Сени энди Азроил ҳам уради, шайтон ҳам.* 9. *Унинг келганини на Қурбон ота пайқади, на Сиддиқжон* (А.Қах.)

(W) ёки (P_m) кенгайтирувчиси билан фарқланувчи уюшган гап: 1. *Эрта ёғиб ўтган ёмғир чанг ва ёмғирни ювиб кетган, дарахтларнинг япроқлари тиниқ ва тоза эди.* 2. *Уйғонганда суяклари зирқирар, у ўзини ланж туюрди.* 3. *Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса қариганини.* 4. *Аҳмоқ қизини мақтар, тентак ўзини* (Мақ.) 5. *Баланд симёгочлардаги лампочкалар нури ҳам тарвақайлаб кетган, сояси ҳовлига тушиб турар эди.* (С.Зун.) 6. *Яхшидан от қолади, ёмондан дод.* (Мақ.) 7. *Саодатхон жим қолган, кўнглида газаб ёнар эди.* («Шарқ юлд.») 8. *Бирники мингга, мингники туманга.* (Мақ.)

Кўринадики, уюшган гапни ҳосил қилишда уюштирувчи восита муҳим мавқега эга. Умумлаштирган ҳолда уюшган гап кесими қуйидаги хоссаларга эга бўлади:

1. Ҳамма кесимлар бир хил шаклда бўлади:

а) (...[W₁] + - ган, ... [W₂] + - ган) эди;

б) (...[W₁] + -гандай, ... [W₂] + - гандай) эмиш.

2. Кесимдаги (W) нинг грамматик шакли ҳар хил бўлади:

а) {...[W₁] + - ган, ... [W₂] + - (а)р-) P_m};

б) {... [W₁] + -(и)б, ... [W₂] + - мас) P_m}.

3. Кесимдаги (W) ҳам, (P_m) ҳам бир хил, уларнинг кенгайтирувчиси ҳар хил бўлади:

[.. [W₁]+ - ган .. [W₂] + -ган] P_m

↑

Т

↑

А

каби.

ҚЎШМА ГАП

Қўшма гап содда гап билан мустаҳкам боғланган, бироқ ундан ҳам структур, ҳам узатилаётган ахборот миқдори ва сифати нуқтаи назаридан фарқланувчи синтактик қурилма. Шу боис қўшма гапнинг умумий лисоний моҳияти унинг содда гап билан ўзаро муносабатида очилади. Лисоний структура жиҳатидан қўшма гапнинг содда гапдан фарқи маълум даражада равшан. Аниқроғи, содда гапда шаклланган кесим битта бўлса,

қўшма гапда у бирдан ортиқ бўлади ва бирдан ортиқ содда гапларнинг мазмун ҳамда грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топади. Мисоллар: 1. *Мен сизни биламан, сиз бундай қилмайсиз.* (Ойб.) 2. *Нима қиласан, қишлоққа қайтасанми?* (Ойб). 3. *Дунёда нима кўп – кулгу кўп.* (Ойб). 4. *Биламанки, содда бармоқларинг тилла узук тақмаган.* (Уйғ.) 5. *Мажлисда кўриладиган масалаларнинг муҳим томони шундаки, унда чўл ерларни сувга сероб қилиш масаласи муҳокама қилинади.*

Кўринадики, 1-гапда *биламан* ва *қилмайсиз*, 2-гапда *қиласан* ва *қайтасанми*, 3-гапда *кўп* ва *кўп*, 4-гапда *биламан* ва *тақмаган*, 5-гапда *шундаки* ва *муҳокама қилинади* каби ҳар бир гапдаги бирдан ортиқ кесим синтактик қурилманинг қўшма гаплигини таъминловчи муҳим асослардан бири. Кесимларнинг бирдан ортиқлигидан ташқари, ҳар бир қўшма гапда ифодаланаётган бирдан ортиқ фикр, ахборотнинг ўзаро зич муносабати, гаплараро грамматик тақозо этувчилик ҳамда интонацион яхлитлик кабилар ҳам бу синтактик қурилмаларнинг қўшма гаплигини таъминлайди.

Коммуникатив нуқтаи назардан содда гап бир фикрни, ахборотни узатиш вазифасини бажарса, қўшма гапда бирдан ортиқ ҳукм ўз ифодасини топган бўлади. Шунингдек, бу алоҳида ахборотлар асосидаги муносабат ҳам қўшма гапда қайсидир даражада бўртиб туради. Масалан: *Жаҳонгир келди. Мен шу ондаёқ жўнадим* гапларида ифодаланган фикрлар бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлиб, гапларнинг бири иккинчисини тақозо этади. Бу жиҳатдан улар *Жаҳонгир келди ва мен шу ондаёқ кетдим* гапидан ажралиб туради.

Демак, қўшма гап грамматик шаклланган ва бирдан ортиқ ахборотни ташиш учун мўлжалланган нисбий мустақил содда гапнинг грамматик, семантик, интонацион ва коммуникатив жиҳатдан яхлитланган бутунлигидир.

Қўшма гап таркибидаги содда гап алоҳида олинган содда гапдан нисбатан мустақил эмаслиги билан ажралиб туради. Аввало, бу – грамматик ва интонацион номуустақиллик. *Баҳор келди, шунинг учун дала ишлари қизиб кетди* қурилмасига эргаш гапли қўшма гап тусини берган жиҳат мазмуний ва грамматик тақозо этиш ва бирдан ортиқ ахборот мавжудлиги. Биринчи гапдаги мазмун иккинчи гапдаги мазмун учун сабаб мақомида. Бироқ бундай мазмуний зич боғланишсиз ҳам қўшма гап ҳосил бўлиши мумкин. *Осмонда турналарнинг «қурей-қурей»и эшитиларди, узоқлардан чўпонларнинг ҳай-ҳайлагани қулоққа чалинарди.* Иккинчидан, *шунинг учун* боғловчиси қўшма гап аъзоларини грамматик жиҳатдан зич муносабатга киритган (Бироқ бу боғловчисиз ҳам қўшма гап ҳосил қилиш мумкин: *Баҳор келди, дала ишлари қизиб кетди.*) Аммо содда гаплар орасидаги интонацион узилиш қўшма гапни содда гапга парчалаб

юбориши мумкин: *Баҳор келди, шунинг учун дала ишлари қизиб кетди – Баҳор келди. Шунинг учун дала ишлари қизиб кетди.*

Демак, маълум бўладики, қўшма гап таркибидаги содда гапнинг ўзаро зичлашуви мазмун, грамматик шакл ва интонация нуқтаи назаридан бўлади. Аммо бу омиллар даражали зиддиятда туради:

интонация – грамматик шакл – мазмун

Чунки мазмуний боғлиқлик ва грамматик шакл мавжуд бўлса ҳам, бирлаштирувчи интонация бўлмаса, айрим гаплар қўшма гапни ташкил эта олмайди. Аммо мазмуний боғлиқлик ва грамматик алоқа бўлмаса ҳам, интонация асосида қўшма гап ҳосил қилиш мумкин (боғловчисиз қўшма гап). Содда гаплар асосида ажратувчи пауза бўлганда, қўшма гапнинг яхлитлигига путур етади. Масалан, *Мен сен билан бормоқчи эдим. Бироқ сен қаршилик қилмаслигинг керак.* Гаплар орасида қўшма гапнинг барча белгилари мавжуд. Биргина бирлаштирувчи оҳангнинг йўқлиги содда гапларнинг муस्ताқил бўлишига олиб келган.

Қўшма гапни уюшиқ кесимли содда гапдан, содда ва қўшма гап орасидаги уюшган гапдан фарқлаш лозим. Уюшиқ кесимли содда гап эгаси битта, битта умумий (P_m) га эга бўлган бирдан ортиқ кесимдан ташкил топган гап. Мисоллар: 1. *Жамшид ўқир, ёзар ва чизар эди.* 2. *Дўкандорлар дўконларини очиб, мудраб ўтиришарди.* 3. *Қушлар тинимсиз чуғурлашар ва чарх уришар эди.* Уюшган гап эса, айтилганидек, бирдан ортиқ эгага, шунингдек, битта умумий (P_m) ли бирдан ортиқ кесимга эга бўлган гап. Мисоллар: 1. *Баҳор келар, дала ишлари қизиб кетар эди.* 2. *Жамшид ўқир, Жаҳонгир ёзар, Исроил эса чизар эди.* 3. *Дўкандорлар савдога чорлаб, атторлар эса молларини мақтаб ўтиришарди.*

Қўшма гап эса ҳар бири ўз (P_m) га эга бўлган бирдан ортиқ кесимдан ташкил топади: 1. *Жамшид ўқирди, Жаҳонгир ёзарди, Исроил эса чизарди.*

Субстанциал ёндашувда бир эгали, лекин бирдан ортиқ кесимли гап ҳам қўшма гап сифатида қаралади. Чунки ҳар бир кесимда шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, модаллик (кесимлик) маънолари бирдан ортиқ ифодаланади. Бу эса семантик нуқтаи назардан уларнинг ҳар бирида алоҳида ахборот мавжудлигидан далолат беради.

Қўшма гап таркибига кирувчи содда гап орасида тенг ёки тобе синтактик алоқа мавжуд бўлади. Агар у тенг боғловчи ёрдамида амалга оширилган бўлса, тенгланиш дейилади: 1. *Ўғлим келди ва тўйни бошлаб юбордик.* 2. *Баҳор келди ва дала ишлари қизиб кетди.* Тўғри, бу гаплар орасида сабаб-оқибат алоқаси мавжуд ва уларни мазмунан тобе-ҳоким гапларга киритиш мумкин. Бироқ гапларда мазмунан тобелик, шаклан тенглик мавжуд бўлганда, формал ёндашув гапларни тенг муносабатли қўшма гап сифатида қарайди. Шу боисдан боғловчили қўшма гап

боғловчининг табиатига кўра, боғланган кўшма гап ва эргаш гапли кўшма гапга ажралади.

Содда гапдаги тенгланиш ва тобеланиш кўшма гаплардаги тенглашиш ва тобеланишдан фарқ қилади. Бу куйидагиларда кўринади:

1) содда гапда тенг ва тобе алоқа турли қурилмаларни вужудга келтиради. Аниқроғи, тенг алоқа уюшиқ бўлақларни ўзаро боғлайди: *1. Яшил ўрмонлар ва қорли тоғлардан ўтдик. 2. Жавоҳир ўқир ва ёзар эди.* Сўз бирикмаларини фақат тобе алоқа вужудга келтиради: *китобнинг варағи, китобни ўқимоқ* каби. Кўшма гапда эса тенг ва тобе алоқа битта лисоний бирлик – кўшма гапнинг турли кўриниши учун хизмат қилади.

Тобе ва тенг боғловчи восита бир хил семантик муносабатни ифода этиши мумкин. Фақат уларда ушбу маъно кучли ёки кучсизлиги билан фарқланади: *Баҳор келди ва дала ишлари қизиб кетди – Баҳор келди, шунинг учун дала ишлари қизиб кетди.* Ҳар иккала кўшма гап аъзолари орасида ҳам сабаб-оқибат муносабати мавжуд. Гапларнинг иккинчисида у кучли, биринчисида кучсиз. Гапларнинг пропозициясида бу муносабат бир хил, фақат *ва* боғловчиси буни кучсиз, *шунинг учун* боғловчиси кучли намоён қилган;

2) содда гапдаги тенг боғланиш кўшма гапдаги тенг боғланишга нисбатан мустақил. Чунки содда гапда тенг боғланиш уюшувлик билан «йўлдош». У содда гапни кенгайтириш вазифасини бажарса, кўшма гапда таркибий қисмларни бир яхлитликка бирлаштириш вазифасини бажаради;

3) тенгланиш ва тобеланиш алоқаси ифодаляйдиган маъновий муносабати жиҳатидан содда ва кўшма гап фарқланади. Содда гапда боғловчисизлик, асосан, тенгланиш муносабатини ифодаляйди ва уюшиқ бўлақларда юз беради. Сўз бирикмаси таркибидаги грамматик воситали тобеланишни боғловчисизлик, воситасизликка алмаштириб бўлмайди. Кўшма гапда эса эргаш гапли кўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам, боғланган кўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам боғловчисиз гапга айланттириш мумкин. Унинг алоқа тури боғловчисиз алоқадир. *1. Ботирлари канал қазади, шоирлари газал ёзади. (Ҳ.Ол.) 2. Бор борича, йўқ ҳолича. 3. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. (Мақол) 4. Юрагида қандай дард бор – мана бу менга сир. (Ойб.)*

Боғловчисиз кўшма гап таркибидаги содда гап ўзаро тобе ёки тенг боғловчи воситасиз бирикади. Аммо бу гапда мазмуний ва интонацион яхлитлик кучаяди. Чунки боғловчи восита, мазмуний ва интонацион бирикувчанлик омили кўшма гап таркибида яхлитликни ташкил этиб, улардан бири кучсизланса, бошқалари бунинг эвазига кучаяди. Демак, боғловчисиз кўшма гапда боғловчи воситанинг ҳиссаси мазмуний ва интонацион бирикувчанлик омили зиммасига юклатилади.

Кўринадики, икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг бир мураккаб бутунликни ташкил этиши уларнинг шаклий (грамматик), мазмуний ва

интонацион мувофиқлиги натижасида юз беради. Қўшма гапни ташкил этаётган содда гап оҳанг жиҳатидан мутлақ тугалликка эга бўлмайди. Аммо мазмуний ва грамматик жиҳатдан нисбий яқунланган бўлади. Бу нисбийлик мустақил содда гапдаги тугалланганликдан фарқланади. Қўшма гап таркибида бирикаётган бир содда гапнинг модал сифатлари иккинчисига таъсир этмасдан қолмайди. Натижада янги модал маъно вужудга келади. Бу масала кесимнинг МКШ ва НКШ тури билан ҳам зич алоқадор ҳодиса. Шунингдек, қўшма гап таркибий қисмини боғлаётган боғловчи воситадаги модал маъно ҳам ана шу ҳосила модал маънога қоришади.

Қўшма гаплар таснифи


Лисоний бирлик серқирра моҳиятли бўлганлиги боис камида иккита парадигмага киради. Шу сабабли бирор бутунликка кирувчи лисоний бирликни камида икки томондан таснифлаш мумкин бўлади.

Қўшма гап ҳам лисоний бирлик сифатида мураккаб табиатли бўлиб, бу мураккаблик унинг лисоний сатҳда тутган ўрни, таркибидаги содда гапнинг грамматик шакли ва боғловчи воситалари ҳамда мазмуний муносабатининг ранг-баранглиги билан белгиланади. Шунингдек, қўшма гап турларини хилма-хил асосларда турлича таснифлаш мумкин бўлади. Тасниф асосининг аниқлиги ва изчил амалга оширилиши масала моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим.

Қўшма гапнинг маъновий ва структур таснифи кўп ҳолда ўзаро фарқланади.

Формал синтаксис қўшма гап таснифида кўп ҳолларда уларнинг нутқий белги-хусусияти, зоҳирий аломатига таянади. Субстанциал синтаксис таснифи эса қўшма гапнинг лисоний моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Қўшма гап, аввало, содда ва уюшган гапдан ўз қурилиш усулининг бошқачалиги билан фарқланади. Демак, умумий лисоний моҳият сифатида гаплар қурилиш қолипига кўра дастлабки таснифда учга бўлинади. (Таснифда гапларнинг энг кичик қурилиш қолипига таянамиз.)



Бунда, айтилганидек, содда ва қўшма гап таснифнинг чекка, уюшган гап оралик вазиятини эгаллайди.

Қўшма гап ҳам ўз навбатида қолипнинг тур ва кўринишига эга бўлади.

[WP_m-WP_m] умумий қолипнинг юзага чиқиш турини, умумий қолип билан нутқий кўриниш орасидаги турли босқичдаги оралик қолипни аниқлаш меъёри, белги ва мезонларни муайянлаштирмақ лозим бўлади.

Маълумки, қўшма гапнинг тур ва кўринишини ўрганишда содда гапнинг энг кичик қолипи асос қилиб олинган. Содда гапнинг энг кичик қолипи **[WP_m]** дан иборат бўлса, мантиқан қўшма гапнинг қурилиш қолипи

$$[W_1P_{m1}-W_2P_{m2}-W_3P_{m3}] \cdot n \text{ дир.}$$

Қўшма гапнинг лисоний қолипи **[W₁P_{m1}-W₂P_{m2}-W₃P_{m3}·n]** эканлигини назарда тутган ҳолда қўшма гапнинг энг кичик қолипи учун **[WP_m-WP_m]** рамзидан фойдаланилади.

Қўшма гапнинг воқеланиш усуллари белгилашда уч кўрсаткичга таянилади:

1) **[WP_m]** ларнинг эгаси (**E**) бор-йўқлигига, бир хил ёки бошқа хил эканлигига;

2) **[WP_m]** лар таркибидаги (**W**) нинг хусусиятига (**W** ларнинг бир хил ёки бошқа-бошқа бўлиши, бир хил ёки ҳар хил сўз туркуми билан ифодаланишига) кўра;

3) **[WP_m]** таркибидаги (**P_m**) ларнинг бир хил ёки қисман бир хил эканлигига кўра.

[WP_m-WP_m] қолипнинг то нутқий муайян гапларгача бўлинишларини бундан бошқа ўлчов асосида ҳам бериш мумкин. Масалан, иккита **[WP_m]** нинг боғланиш усули ва йўли, **[WP_m-WP_m]** умумий қолипнинг турли хил кўринишида таркибий қисмларининг боғланиш хусусияти ва уларни боғловчи воситалар, қўшма гап таркибига кираётган ҳар бир **[WP_m]** да тўлиқ ўхшаш, қисман ўхшаш, яқин ва зич аъзонинг бўлиш-бўлмаслиги, биринчи **[WP_m]** таркибида иккинчи **[WP_m]** га ишора қилувчи воситанинг бор-йўқлиги, **[WP_m]** таркибида нисбий, бир-бирини тақозо қилувчи унсурнинг бор-йўқлиги кабилар шулар жумласидан.

Эга(E) га кўра [WP_m-WP_m] турлари. Қўшма гап бир умумий эгали ва икки хусусий эгали қурилмага бўлинади:

а) бир эгали қурилманинг қурилиш қолипи **[E (WP_m-WP_m)]** кўринишида бўлади: *Мен янглишмайман, балки қаноатланиб сўзлайман.* (А.Қод.)

б) икки эгали қурилманинг қурилиш қолипи **[(E₁- WP_{m1}) +(E₂- W₂P_{m2})]** кўринишида бўлади: *Бунда булбул китоб ўқийди, Бунда қуртлар ипак тўқийди.* (Ҳ.Олим.)

(W) га кўра [WP_m-WP_m] турлари: а) бир хил [W] ли қурилмалар. [WP_m-WP_m] нинг бу тури бир неча кўринишда бўлади:

1а) (W) лари бир хил сўздан: *Сиз сўзламасангиз, мен сўзламоқчи эдим.* (А.Қод.);

1б) (W) лари бир хил туркумдан: *Энди ортиқ турма, тинч ўтир.* (А.Қод.)

2а) ҳар хил (W) ли қурилма. Бунда (W) лар турли туркумга оид сўз билан ифодаланади: 1. *Ёки менинг кўнглим ҳамма вақт ёш, Ёки сенга чирой умрбод йўлдош.* (М. Боб.) 2. *Яна нима бало исмлари бор, тилим ҳам келишмайди.* (Ойб.)

(P_m) га кўра [WP_m + WP_m] турлари:

а) бир хил (P_m) ли қурилмалар: *Хотиним борди, келди.* («Муштум»);

б) ҳар хил (P_m) ли қурилмалар: *Қарайсанми, қарай қолгин.* («Муштум»).

Демак, гап марказини шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган (P_m) кўшма гап таркибидаги содда гапда бир хил ҳам, ҳар хил ҳам бўлиши мумкин. Шундай ҳол ҳам бўладики, (P_m) умумий – битта бўлиши ҳам мумкин. Бунда энди кўшма гап эмас, балки уюшган гап вужудга келади. Маълумки, [WP_m+WP_m] қолипида (P_m) таркиби ҳар хил бўлган ҳолларда ўзбек тилининг табиати уни қавсдан чиқариш имконини беради. Чунки ўзбек, умуман, туркий тилларда, бир неча сўзлар уюшганда умумий шакл охирги сўз таркибида келиши қонуниятига таянсақ, бундай гапларнинг қолипи [(W,W)P_m] кўринишида бўлади. Мисоллар: 1. *Келган, кетган эдим.* 2. *Мен ўқиган, ёзган эдим.*

Кесимларнинг ҳар бирига эга кўйилиши билан улар уюшган гапга айланади: 1. *Мен келган, Жамшид кетган эди.* 2. *Мен ўқиган, сен ёзган эдик.*

Ҳар бир кесимни шакллантириш билан уюшган гап кўшма гапга айланади: 1. *Мен келган эдим, Жамшид кетган эди.* 2. *Мен ўқиган эдим, сен ёзган эдинг.*

Субстанциал тилшунослик уқтиришича, ҳар бир лисоний бирлик онгимизда маълум бир шакл ва мазмуннинг барқарор яхлитлиги сифатида яшайди ва хусусий ходиса сифатида нутққа чиқади. Бу нутқий кўриниш беҳисоб миқдорга эга. Бироқ улар билан лисоний бирлик (умумийлик) орасида типик кўриниш мавжуд бўлади. Юқоридаги [WP_m-WP_m] типик кўриниш [WP_m, WP_m], [WP_m → WP_m] ва [WP_m ↔ WP_m] оралик кўринишлари орқали нутқий гапга айланади.

Кўшма гап таркибий қисмлари ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўз воситасида ёки мутлақо уларсиз боғланади. Бундан келиб чиққан ҳолда, кўшма гапларни боғловчили ва боғловчисиз кўшма гапга ажратиш мумкин бўлади. Боғловчили кўшма гап грамматик восита билан боғланган кўшма гап, лексик-грамматик восита билан боғланган

қўшма гап ва лексик восита билан бириккан қўшма гапга ажралади. Қўшимчанинг функциясига кўра тенг боғловчили ва эргаштирувчи боғловчили боғланган қўшма гап фарқланади.

Қўшма гап таркибида содда гапнинг ўзаро муносабати асосида ҳам қўшма гапни таснифлаш мумкин. Мазмун, грамматик ва интонацион муносабати нуктаи назаридан қўшма гап қуйидаги турларга бўлинади:

1) таркибидаги содда гап бир-бирини мазмун ва грамматик жиҳатдан тақозо этадиган қўшма гап: 1. *Кунлар исиди ва пахталар яна қийгос очилди.* 2. *Ёвларига осмон тутундир, шунинг учун бағри бутундир.* (Ҳ.Ол.) 3. *Агар дунёнинг нариги бурчига сизни опичлаб боришга тўғри келсайди, мен севина-севина бажарардим.* (Ойб.) 4. *Мен шундай бир иш қилдимки, ўлгунимча бундан фахрланаман;*

2) таркибидаги гаплар бир-бирини мазмуний ва интонацион тақозо этадиган, бироқ, грамматик жиҳатдан талаб қилмайдиган қўшма гап: 1. *Биз етиб келдик, кутубхона очилди.* 2. *Менга пул керак, қаердан оламан?* (Ойб.) 3. *Сиз ишонмаяпсиз, ишонмайсиз ҳам.* 4. *Энди мен бир жумбоқ айтаман, сиздан жавоб кутаман.*

3) таркибидаги гаплар бир-бирини на мазмуний, на грамматик тақозо этадиган, бироқ интонацион яхлит бўлган гап: 1. *У отасини уйга тортди, укаси секин қайрилди* (С.Нур). 2. *Баҳор келди, ёз ҳам келиб қолади.* 3. *Сен ўз ишингни қил, мен ўз ишимни.*

Хуллас, қўшма гапнинг ўзи каби унинг таснифи ҳам турли-туман. Қуйида улардан айримларини келтирамыз (55-жадвал):

55-жадвал

1.Гапнинг лисоний синтактик қолипига кўра		
[WP _m , WP _m]	[WP _m → WP _m]	[WP _m ↔ WP _m]

2.Гап таркибидаги боғловчи воситаларга кўра				
оҳанг билан боғланган [ҚГ]	Тенг боғловчи билан боғланган [ҚГ]	Юкламалар билан боғланган [ҚГ]	Нисбий сўзлар билан боғланган [ҚГ]	Тобе боғловчилар билан боғланган [ҚГ]

3. Қўшма гап таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатнинг ифодаланишига кўра					
бирин-кетинлик	сабаб	ўрин ёки пайт	вазият	изоҳлаш ёки қиёслаш	ички фикр

4. Қўшма гап қисмлари орасидаги функционал муносабатларига кўра					
а) тенглик			б) тобелик		
бириктирув	зидлов	айирув	эга-кесим; аниқловчи-аниқланмиш	тўлдирувчи-тўлдирилмиш	ҳол-ҳолланмиш

5. Қўшма гапларнинг ифода мақсадига кўра		
Дарак	сўроқ	буйруқ

:

6. Қўшма гап таркибий қисмларининг реаллик ва ирреаллигига кўра		
реал гап	ирреал гап	риторик гап (ирреал гапга яқин туради)

Қўшма гапнинг қурилишига кўра таснифи

Қўшма гапнинг умумий лисоний қолипи $[WP_m-WP_m]$ бўлиб, у қуйидаги яна учта оралиқ кўринишга ажралади:

$$[WP_m, WP_m], [WP_m \rightarrow WP_m], [WP_m \leftrightarrow WP_m]$$

Бу оралиқ кўринишлар бир қарашда анъанавий боғловчисиз, эргаш гапли ва боғланган қўшма гапларнинг рамзий кўринишидек тасаввур уйғотади. (Масалан, \leftrightarrow *Баҳор келди ва гуллар очилди* - $[WP_m, WP_m]$, *Баҳор*

келса, гуллар очилади - [WP_m WP_m] ва Баҳор келса ва гуллар очилса - [WP_m WP_m] каби). Аслида бу қурилиш қолиплари қўшма гап таркибидаги содда гапни боғловчи воситага кўра эмас, балки қўшма гап таркибидан чиқарилганда мустақил қўллана олиш-олмаслик белгиси асосида амалга оширилган. Бунда, албатта, асос сифатида кесимлик турлари - МКШ ва НКШ га таянилади.

Демак, қўшма гапларнинг лисоний структур турларини белгилашда асосий омил – қўшма гап таркибидаги тўлиқ шаклланган содда гапларнинг ўзаро муносабати ва содда гапнинг ҳар бирининг нутқий жараёнда қўшма гап таркибида воқеланган маънолари билан қўллана олиш ёки қўллана олмаслиги белгиси.

[WP_m, WP_m] типик кўринишли қўшма гап

[WP_m, WP_m] қолипли қўшма гапнинг моҳияти шундаки, унинг таркибий қисми бўлган содда гап кесимининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапга айлантириб юбориш мумкин: 1. *Мен сени ўйлайман, шунга биласанми?* (Х.Тўхт.) 2. *Бориш керак, бориш керак.* (Х.Тўхт.) 3. *Ўйигитни учратиш керак, ҳайтовур совиб қолгандир.* (Н.Тил.) 4. *Мен сени дейман, лекин сен кимни дейсан?* (С. Нур.)

[WP_m, WP_m] типик кўринишли гапларда мустақил кесимлик шакли (МКШ)даги гаплар бирлаштирилади. Бирлашиш интонацион ва мазмуний омил асосида, кўп ҳолларда боғловчи воситасида амалга оширилади.

[WP_m, WP_m] типик кўринишли қўшма гапни ташкил этувчи содда гап орасида турли маъновий муносабат мавжуд бўлади. Масалан, мазкур қолип асосидаги *Ўқитувчи келди, дарс бошланди* гапида қуйидаги ранг-баранг муносабатлар бор:

- а) узилишли бирин-кетинлик;
- б) узилишсиз бирин-кетинлик;
- в) пайт муносабати;
- г) натижа муносабати;

д) сабаб муносабати ва ҳоказо. Бу муносабат ҳар бир гапнинг таркибидаги (W) ва (P_m) лар, қўлланган боғловчи воситанинг маъно ва вазифалари билан боғлиқ, бевосита синтактик структурага дахлдор эмас. Чунки бир фикрни турли синтактик шаклда, турли фикрни бир синтактик шаклда бериш мумкин бўлади.

Демак, [WP_m, WP_m] типик кўринишининг умумий хусусиятини қуйидагича белгилаб оламиз: [WP_m, WP_m] бу мустақил содда гап сифатида қўллана оладиган бирдан ортиқ гапнинг нутқда маълум бир боғловчи восита билан ўзаро боғланиши ва битта тугал оҳангга, битта гап тўхтамига эга бўлиши. Маълум бўладики, [WP_m, WP_m] [WP_m-WP_m]

умумий қолипнинг оралиқ бир кўриниши сифатида лисон ва нутққа дахлдор бўлади. $[WP_m, WP_m]$ типик қурилишли гап (W) ва (P_m), шунингдек, (S) хусусиятига кўра фарқланади.

$[WP_m, WP_m]$ типик кўринишли гапни улар кенгайтирувчиларининг хусусияти (тузилиши, ифодаланиши), боғловчи воситаларининг хоссалари асосида ҳам янада кенгроқ ва батафсилроқ тавсифлаш мумкин.

$[WP_m \longrightarrow WP_m]$ типик кўринишли кўшма гап

$[WP_m \longrightarrow WP_m]$ типик кўринишли гапда ҳар иккала содда гап ҳам шаклланган (P_m) га эга бўлса-да, биринчи гапнинг маркази мустақил содда гап кесими (МКШ) бўла олмайди. У ҳамиша тобе гап марказини шакллантирувчи восита сифатида ўз мазмунини намоён қилиш учун ўзидан кейин мустақил ҳолда намоён бўла оладиган, воқеланиши учун олдинги гапга эҳтиёж сезмайдиган гап бўлишини тақозо қилади. Бошқача айтганда, бу типик кўринишли гап таркибидаги олдинги содда гапнинг кесими НКШ билан, кейингиси МКШ билан шаклланган бўлади: 1. *Фируза тошли узукни олар экан, Саидахоннинг кўзлари қувончдан ялтираб кетди.* (С.Аҳм.) 2. *Дилиода гуручни энди тузлаган ҳам эдики, ичкаридан Анвар чиқиб келди.* (А.Қод.) 3. *Ботиржон телефонда энди гаплашиб бўлудиям, чой кўтариб Қирмизхон кириб келди.* (Н.Амин.) 4. *Ҳаво очилса, айланишга борамиз.* (С.Нур.) 5. *Унга устози чин дилдан «баракалла», «баракалла» деса, Азиз кўнглида тўлиб турган ниятини ҳам айтади.* (С.Аҳм.)

Бу гапларнинг барчасидаги биринчи содда гап мустақил қўллана олмайди, қўлланганда ҳам ушбу кўшма гап таркибидаги маънони бера олмайди. Кейин турган содда гап эса бундай эмас.

$[WP_m \longrightarrow WP_m]$ типли кўшма гап таркибидаги номустақил кесимни ҳосил қилувчи турли-туман восита бор. Номустақил кесим шаклининг ўзбек тилидаги типик вакили шарт майли кўшимчаси $[-са]$ дир. Масалан, *Мен ўқисам, у эшигади* гапида *У эшигади* гапи ўз ҳолича мустақил содда гап бўлиб кела олади, *Мен ўқисам* қисми эса кўшма гап таркибидан ташқарида шу ҳолича мазкур мазмунни бера олмайди.

$[-са]$ кўшимчаси билан шаклланган кесимли гап мустақил қўлланавериши ҳам мумкин. Масалан: 1. *Авра-астарини ағдариб моҳиятига назар ташласангиз.* (С.Аз.) 2. *Қишлоққа борсам.* (А.Қаҳ.) 3. *Ватангадоликнинг мен тортмаган азобу-уқубати, озори бўлмаса керак.* (С.Аз.) 4. *Наҳотки, ўлдирсалар.* 5. *Менга, Искандариядаги маишхур девонага, Берлиндан телеграмма келса бўладими?* (С.Аз.) 6. *Қани, ҳей Мамадали, гапирсанг-чи..* (А.Қаҳ.) Ушбу гапларда $[-са]$ шарт майли кўшимчаси истак, ачиниш, севинч, қисташ каби маъновий бўёқларга эга. Бу гаплар ўзидан кейин келувчи гаплар билан мазмунан боғланиб, матн

яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу каби гаплар қанчалик мустақил қўллана олмасин, барибир ўзидан кейин қандайдир қурилмаларнинг бўлишини тақозо қилади. Масалан, 1. – *Уйга қайтсам. Нима дейсиз? – Яхши бўларди* каби.

[-са] бириктирувчи унсур сифатида қуйидаги мазмуннинг ифодаланишига сабаб бўлади:

а) пайт: *Борсам, жойи гулзор экан, кўрсам ўзи жонон экан.* (Қўшиқдан);

б) тўсиқсизлик: *Алишер Навоий дунёдан ўтган бўлса, унинг асарлари тирик;*

в) шарт: *Сен бўлмасанг, гуллар кулмайди, сен бўлмасанг, бўлмайди баҳор.*

[-са] унсури тобелик воситаси сифатида кўп ҳолларда эргаш гапнинг кесимини шакллантиради (юқоридаги мисоллар). *Меҳмонларни жўнатдик, энди тарқалсак* гапидаги бош гапни, *Меҳмонлар келса, мен кетсам* гапида эргаш гапни ҳам, бош гапни ҳам шакллантирган.

[-са] унсурининг қўшма гап таркибида шарт мазмунини ифодалаши бир хил эмас. [-са] шакли баъзи гапда шарт мазмуни кучли бўлса, баъзиларида кучсиз намоён бўлади. Шарт эргаш гапли қўшма гапда шарт маъноси ўта кучли бўлади: *Сиз бўлмасангиз, мен яшай олмайман.* Бошқа эргаш гапли қўшма гапларда шарт маъноси бошқа маънолар «соя»сида жуда кучсизланади: 1. *Айтсам, кўнмади.* 2. *Чақирсам, эшитмади.* 3. *Дутор чалиб ўтирсам, тори узилиб кетди.* 4. *Ким гапирса, ўша айбдор саналади.*

Кўринадики, [-са] шарт майли шакли фақат шарт эргаш гапли қўшма гап учунгина хизмат қилмайди.

[-(а)р+ди] шакли ҳам [WP_m → WP_m] типик кўринишидаги гапни ҳосил қилади. Бу шакл кўп ҳолларда [-ар эди] кўринишида келади.

[-(а)р+ди] шакли қўшма гап таркибидаги содда гап кесимини шакллантирганда икки хил вазифа бажаради: *Ҳалим ўқирди* гапида феълнинг замон шакли вазифасида келган. *Ҳалим ўқирди, укаси қўймади* гапида эса [-(а)рди] «ўқиган бўларди» маъносини воқелантириши учун кейинги гап зарур. Демак, бундай ҳолда [-(а)рди] боғлаш, тобелаш вазифасини бажармоқда. Кўринадики, *Ҳалим ўқирди, укаси қўймади* гапи омонимлик табиатига эга. Яъни:

*Ҳалим ҳар куни ўқир эди, бугун
эса укаси қўймади.*

([WP_m, WP_m])

*Ҳалим ўқирди,
укаси қўймади.*

*Ҳалим ўқиган бўлур эди, укаси
ўқигани қўймади.*

([WP_m → WP_m])

[-(a)p экан] шакли кўшма гапнинг [WP_m → WP_m] типик кўринишининг ҳам номуस्ताқил кесимини шакллантиради. Мисол: *Даврон папиросини оғзига келтирар экан, кўли ҳаяжондан қалтирарди.* [-(a)p экан] шакли [WP_m, WP_m] қолипли гаплар учун ҳам хизмат қилади: *У келар экан, демак, менинг бормаганим маъқул.*

[-(a)p] шакли кўшма гапнинг [WP_m → WP_m] типик кўриниши ҳосилалари таркибида келганда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) шарт: *Агар ана шу ишга муносиб ҳисса қўшар эканман, халқ ишончини оқлаган бўламан.* (Ш.Раш.)

б) пайт: *Жаннат хола бегона бетоб бола тепасида ўтириб, ўз боласини ўйларкан, кўзларидан думалаб тушаётган аччиқ ёшлари ажсинли юзларини куйдирарди.* (С.Аҳм.)

в) сабаб: *Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкар эканмиз, турмушимиз ҳам фаровон бўлиши шарт.* (Ш.Раш.)

[-ган эди] шакли, одатда, [WP_m, WP_m] қолипли гапларни ҳам ҳосил қилади. Чунки бу ҳам омонимик табиатли шакл. Лекин унинг таркибига бошқа бирлик киритилиши билан кўшма гап аъзолари орасидаги тенглик муносабати сўниб, тобелик муносабати вужудга келади. Масалан, *Қопқон томонга бурилган эди, бақуриқ-чақуриқ бошланди* гапи [WP_m, WP_m] ва [WP_m → WP_m] қолипига тушади.

[-ган ҳам эди]: *Эрғаш кўринган ҳам эди, болалар югуришди.* (С.Нур.)

[-ган эди ҳамки]: *Арз қилишга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, кулимсираб турган Бургут полвонга кўзи тушди.* (С.Аҳм.)

[-ганда эди]: *Бизнинг дуомиз ижобат бўлганда эди, ҳаммамиз севинардик.* (А.Шораҳ.)

Келтирилган мисолларнинг барчасида гапларнинг биринчи қисмлари иккинчи қисмларининг келишини талаб қилади.

[-(u)б эди] шакли ҳам айрим ҳолларда [WP_m → WP_m] типини вужудга келтиришда иштирок этади: *Шу куни энди кўчага чиқиб эди, Зуннун бошлиқ беш нафар бола пойлаб турган экан.* (М.Исм.)

[деб] воситаси: 1. *Холмурод Гулсуннинг ўқитувчисини кўрсам деб, дераза орқасидан секин қаради.* (П.Турс.). 2. *Болалар овқатланамиз деб, бирдан шийпон томон йўл олдилар.* (Х.Наз.)

Кўшма гапнинг [WP_m → WP_m] типик кўриниши ҳосилалари таркибий қисмлари учун нафақат кўшимча, балки уларга кўмакчи мақомидаги нисбий сўзлар ҳам муҳим: 1. *Ким кўп ишласа, кўп ҳақ олади.* 2. *Кимки чиндан севса ёрини, умри ҳамини баҳор.* 3. *Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.* (Боб.) 4. *Гулнора қачон келса, Жаҳонгир ҳозир нозир.*

Кўринадикки, қўшма гап таркибий қисмларининг ҳоким-тобелик муносабатини намоён қилишда нисбий сўз номуствақил кесимлик шаклига қўшимча воситадир.

Қўшма гап таркибий қисмлари инверсия ҳолатида ҳам бўлади: 1. *Боришим керак, айтмаса ҳам.* Бундай гаплар қўшма гапнинг $[WP_m \leftarrow WP_m]$ қолипи ҳам мавжудлигидан далолат бермайди, балки улар $[WP_m \rightarrow WP_m]$ типик кўринишининг нутқий хосланган маҳсули. Демак, қўшма гапнинг қўп ҳосила берувчи типик қолипидан бири $[WP_m \rightarrow WP_m]$ дир. Бунда биринчи гап кесими шаклан ва мазмунан иккинчи бир гапга эҳтиёж сезади, лекин аксинча эмас.

Тобелик муносабатини таъминлашда соф номуствақил кесимлик шакли ҳам, омонимлик кесимлик шакллари ҳам хизмат қилади.

Нисбий сўзлар номуствақил кесимлик шаклларининг вазифасини мустаҳкамловчи воситадир.

$[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ типик кўринишли қўшма гап

$[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ умумий кўринишли қўшма гапни ташкил этувчи содда гап кесимининг бири иккинчисини, иккинчиси биринчисини тақозо қилади. Иккаласининг ҳам кесими НКШ ҳисобланади. Бошқача айтганда, бу содда гап қўшма гапдан англашилган мазмунни ифодалаш учун бир-бирига эҳтиёж сезади: 1. *Ўзи сўраса экан, мен айтсам.* (П.Тур.) 2. *Агар сув бўлсам, ҳосилга ҳосил қўшиларди.* (Ш.Раҳ.) 3. *Агар Бозор ўқиганда эди, момосининг орзуси ушалган бўлур эди.* (Н.Илҳ.) Бундай қўшма гап таркибидаги содда гапларни муствақил қўллаш мумкин. Лекин улар муствақил қўлланганда, бутунлай бошқа маъно юзага чиқади: 1. *Ҳалим бизникига келарди* (ўтган замон давом феъли - *Тез-тез келиб турар эди* маъносида). 2. *Биз бирга борардик* (ўтган замон давом феъли - *Бирга бориб турар эдик* маъносида). Аммо гаплар ушбу кесимлик шаклларини ўзгартирмасдан бирлаштирилиб, қўшма гап ҳосил қилинса, *Ҳалим бизникига келарди, биз бирга борардик* (Мазмуни: *Ҳалим бизникига келса эди, биз бирга борган бўлур эдик*) ва гап кесимлари $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ кўринишидаги бирикувни ҳосил қилади.

$[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ типик кўринишли қўшма гапларнинг кесимларини шакллантирувчи воситалар кам миқдорни ташкил этади:

I. а) биринчи қисмда $[-са]$, иккинчи гап кесимида $[-(а)рди]$ шакли келади: 1. *Ойи, ҳаво очилиб кетса, бирга дарё бўйига борар эдик.* (М.Саф.) 2. *Ёз келса, битта асбобни олиб, бошқа юртларга иш қидириб кетарди.* (П.Турс.);

б) биринчи гап кесимида $[-са экан]$, иккинчи гап кесимида $[-са]$ шакли келади: 1. *Отам бўлса экан, мен энди юрсам.* (Ф.Йўлдош.) 2. *Ёз бўлса экан, дарёда чўмилсанг.* (С.Нур.);

в) биринчи гап кесимида [-са+ми], иккинчи гап кесимида [-арди] шакли келади: 1. *Бўз ўтларнинг минг-минг йиллардан буён чириб ётган илдизлари бу ерларни ўғитлаб, семиртириб юборган, агар сув бўлсами, тоғ-тоғ ҳосил битарди.* (Ш.Раш.) Баъзан [-ми] юкламаси [-са]

шаклига бевосита қўшилади: 1. *Мабодо унинг қўлидан етакласа борми, мушуқли осонлашиб, аҳволи энгиллашарди.* (А.Қах.) 2. *Ғинг деса борми, жонини суғуриб оларди.* (С.Нур.)

с) биринчи гап кесимида [-са эди], иккинчи гап кесимида [-(а)рди] шакллари келади: 1. *Онам бўлса эди, қишлоғимга кетардим.* (Ойб.) 2. *Агар Бозорнинг ақли бўлса эди, менга, сенга ўхшаши камбағаллар билан маслаҳат қилар эди.* (С.Айн.)

д) биринчи қисми [-са] ва иккинчи қисми [-ма+син экан] шакли билан келади: 1. *Етим қоладиган бўлса, онадан тугилмасин экан.* (П.Толиб.) Бу шакллар билан қўлланган гап, асосан, шарт, истак, ишончсизлик, шарт-истак каби маъноларни ифодалайди.

Юкламалар гап таркибига кириб қўшма маъно бериш билан бирга, кесимларнинг номуस्ताқиллигини янада кучайтиради:

а) [-у/ю] юкламаси: *Кўзим тезроқ очилса-ю, боғларни майсаларни кўрсам.* (Ш. Раш.)

б) [-да] юкламаси: *Кувончи кўксига сизмаса-да, одоб юзасидан ўзини ҳазин тутушига тиришар эди.* (Ойб.)

в) *ахир, наҳотки* юкламалари: 1. *Ахир хотиним деб, бола-чақам деб олов ичидан келса-ю, бу тантиқ ундан юз ўгирса.* (С. Аҳм.) 2. *Ўгли қаҳрамон бўлса-ю, наҳотки, ундан шундай иш келиб чиқса.* (С.Аҳм.)

Юкламалар қўшма гапдан англашилган юқоридаги шакллар маъносида таажжуб, таъкид каби бўёқларини орттиради.

II. а) биринчи гап кесимида [-син эди], иккинчи гап кесими таркибида [-(а)рди] бирликлари қўлланади: 1. *Ўзи келсин эди, айтарди.* (Н.Тил.) 2. *Кекса овора бўлмасин эди, ўзи бериб келарди.* (Н.Тил.)

б) биринчи қисм кесими таркибида [-син эди], иккинчи гап кесими таркибида [-са] шакли келади: 1. *Олтин-кумуш қуриб кетсин эди, ҳамманинг оёғига тўкилаверса.* (Ойб.) 2. *Ўзи борсин эди, кўнгли тўлмаса.* (С.Нур.)

III. Биринчи гап кесимида бошқа шакллар, иккинчи гап кесимида [-(а)рди/-(а)р эди] шакли келади: 1. *Мен бўлмасам, қўйнинг ярми йўқолар эди.* (Ғ.Ғул.) 2. *Лекин ҳозир Гулнорнинг гавдасини парчалаб ташласалар ҳам, озриқ сезмаган бўлур эди.* (Ойб.)

IV. Биринчи гап кесими [-ган эди] бирлиги билан, кейингиси бошқа бирликлар билан келади: 1. *Агар бу икки батальон бу ердан кетмаганда эди, тўплар ҳимоясиз қолган бўлур эди.* (Л. Толс.)

Қўшма гап таркибида нисбий сўз иштирок этганда, содда гаплар номуस्ताқиллик касб этгандек тасаввур уйғотади: 1. *Ким деворнинг нариги*

томонида бўлса, у омон қолди. (Р.Фай.) 2. Қаер обод бўлса, ўша ер меҳрни тортади. 3. Қўшининг тилини нечоғлик яхши билсанг, уни тутуши шунчалик осон бўлади. (Ҳамз.) Бироқ бунда мазмуний ва шаклий номуस्ताқиллик-муस्ताқилликни фарқлаш лозим бўлади. Ҳалим келса, у воқеани айтиб беради қўшма гапи шаклий жиҳатдан $[WP_m \rightarrow WP_m]$ типик кўриниши ҳосиласи. Чунки биринчи гапни иккинчисисиз қўллаб бўлмайди. Ким келса, у воқеани айтиб беради гапининг ҳар иккала қисми мазмунан бир-бирини тақозо этади, шаклан эса $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипи маҳсулида ҳам, $[WP_m \rightarrow WP_m]$ маҳсулида ҳам нисбий сўзлар иштирок этади. Аммо $[WP_m \rightarrow WP_m]$ қолипли гапларда у мутаносибликни кучайтиради, аммо уни ҳосил қилмайди.

Демак, $[WP_m - WP_m]$ умумий қолипнинг кўринишидан бўлган $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ қолипи ҳар иккала узви кесимларининг ҳам номуस्ताқиллиги билан характерланади.

Қўшма гапнинг таркибидаги боғловчи воситаларига кўра таснифи

Бу тасниф соф шаклий бўлиб, гап орасидаги маъновий боғланиш қандай қўшимча (шаклий) восита билан таъминланишига таянади. Бу асосга кўра қўшма гапнинг қуйидаги турлари ажратилади:

- а) фақат оҳанг билан боғланган қўшма гап;
- б) юкламалар воситасида боғланган қўшма гап;
- в) тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гап;
- д) эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гап;
- д) нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гап.

Боғловчи воситаларнинг маънодошлиги ва вазифадошлиги

Қўшма гапларнинг боғловчи воситаларга кўра юқорида берилган 5 тури асосида маънодошлик муносабати жуда кучли. Хусусан, фақат оҳанг билан боғланган қўшма гапда ифодаланган маъновий муносабат қўшма гапнинг бошқа тури билан ҳам берилиши мумкин. Бириктирув боғловчилари ёрдамида боғланган қўшма гап ва фақат оҳанг билан боғланган қўшма гап синонимияси жуда кенг. Қиёсланг: 1. *Баҳор бошланди, далада ишлар қизиди.* 2. *Баҳор бошланди ва далада ишлар қизиди.*

Қўшма гапнинг таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатга кўра турлари

Бу таснифда қўшма гап таркибидаги қисм (гап)лар ўртасидаги маъновий муносабатга асосланилади ва иккита муҳим нуқтага эътибор қаратилади:

1) қўшма гап таркибий қисмлари орасида қандай маъновий муносабат (масалан, пайт, ўрин, сабаб, бирин-кетинлик, бир вақтдалиқ, изоҳлаш, қиёслаш ва ҳ.) ифодаланганлиги;

2) айнан бир маънонинг турли йўллар билан ифодаланиши мумкинлиги (ёки аксинча).

Шакл ва мазмун муносабати нисбий мутаносибликда (яъни асимметрик) бўлганлиги сабабли қўшма гапда полисемия ва омонимия ҳодисалари кузатилади.

Жумладан, пайт муносабатини ифодалашда қуйидагича синонимия ҳодисасини кузатишимиз мумкин:

1. *Ўқитувчи келди, дарс бошланди.*
2. *Ўқитувчи келса, дарс бошланади.*
3. *Ўқитувчи келди-ю, дарс бошланди.*
4. *Ўқитувчи келди, шу заҳоти дарс бошланди* ва ҳ.к.

Ёки шарт шаклида бир нечта семантик муносабат ифодаланиши натижасида синтактик полисемия ҳодисаси кузатилиши мумкин:

- а) пайт маъноси - *Борсам, укам йўқ экан;*
- б) шарт маъноси – *Озодахон келса, айтаман;*
- в) тўсиқсизлик маъноси - *Ақидахон келса ҳам, айтаман* ва ҳ.к.

Қўшма гап таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатга кўра таснифи билан қўшма гап қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра таснифи ўзаро боғлиқ. Том маънода бу тасниф таркибий қисмларини ўзаро боғлашга хизмат қилувчи боғловчининг ўз маънолари билан алоқадор. Масалан, *агар* шарт ва пайт маъноларини беради.

Боғловчилар маъноси ва гап семантикаси, жуда кўп ҳолатда боғловчиларнинг ўзгариши гаплараро ўзаро муносабатларнинг қисман ёки бутунлай бузилишига олиб келади. Масалан, *Ўқитувчи келди, дарс бошланди* қўшма гапи турли боғловчи билан боғланганда ҳар хил муносабатни юзага келтириши мумкин. Жумладан:

1. *Ўқитувчи келди, дарс бошланди.*
2. *Ўқитувчи келди, чунки дарс бошланди.*
3. *Ўқитувчи келди, шу сабабли дарс бошланди.*
4. *Ўқитувчи келди, натижада дарс бошланди* ва ҳ.к.

Қўшма гапнинг қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра турлари

Бу таснифда қўшма гап таркибидаги гаплар бир–бирига қандай синтактик муносабатда эканлиги назарда тутилади. Қисмлари орасида функционал муносабатига кўра қўшма гап ҳар хил бўлади. Сўз қўшилмасида, уюшиқ бўлакда бўлгани каби, гап орасидаги муносабат тенглик (бирикиш, зидланиш, айириш) ёки тобелик табиатида бўлиши мумкин. Тенглик муносабати кўп ҳолатда фақат оҳанг билан боғланган қўшма гап, юклама билан боғланган қўшма гап эса тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гап орасида кўрилади. Боғловчи ва юкломанинг маъносига кўра қўшма гап таркибий қисмлари орасидаги муносабат:

а) мўътадил бирин-кетинлик: *Баҳор бошланди, далада ишлар қизиди. Баҳор бошланди ва далада ишлар қизиди;*

б) узилмас бирин – кетинлик: *Баҳор бошланди–ю, далада ишлар қизиди;*

в) айирув: *Гоҳ йиғлади, гоҳ кулди;*

г) зидлов: *Келди, лекин гапирмади. Тортинди, лекин кирди;*

Қўшма гап таркибий қисмлари орасида тобелик алоқаси моҳиятан сўз бирикмаси таркибий қисмлари орасидаги ҳоким–тобелик муносабати билан ўхшаш. Фарқ шундаки, бунда тобе қисм ҳам, ҳоким қисм ҳам алоҳида гап билан ифодаланади. Бу масала тилшунослигимизда «Эргаш гапли қўшма гаплар» мавзуси доирасида чуқур ва атрофлича ўрганилган.

Гап бўлакларига мувофиқ равишда бундай қўшма гаплар 5 турга ажратилади.

1. Кесим тобе гапли қўшма гап: *Мени ҳайратда қолдирган нарса шуки, қиз жуда оғир ярадор бўлишига қарамай жилмаяр эди.*(Ойд.)

2. Эга тобе гапли қўшма гап: *Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.*(Мақ.)

3. Ҳол тобе гапли қўшма гап: *Ёмғир аралаш қор ёғиб турган бўлса ҳам, у негадир шошилмас, хаёл билан банд эди.*(О.Ёқ.)

4. Тўлдирувчи тобе гапли қўшма гап: *Шунга эришишимиз керакки, аёллар ҳаётнинг ҳар бир соҳасида эрлар билан тенг бўлсин.* (А.Қаҳ.)

5. Аниқловчи тобе гапли қўшма гап: *Умрлар бўладики, тиригида ўликдир. Умрлар бўладики, мангуликка тирикдир.*(М.Шайх.)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу тасниф маъно билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бир қўшма гапнинг ўзи хилма–хил тасниф этилиши мумкин.

Қўшма гап таркибий қисмларининг ифода мақсадига кўра турлари

Қўшма гапнинг ўзи яхлитликда ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ маъноларини ифодалайди.

1. *Бордик, кўрдик.*
2. *Бордимми, кўрдимми?*
3. *Борсин, кўрсин!*

Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзи ҳам ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ маъносига эга бўлиши мумкин. Бу қуйидаги турларни беради:

- 1) дарак гап + дарак гап. *Бордик, кўрдик.*
- 2) дарак гап + сўроқ гап. *Бордик, кўрдингми?*
- 3) дарак гап + буйруқ гап. *Борамиз, сен ҳам кел.*
- 4) сўроқ гап + сўроқ гап. *Кеча бордингми, уни кўрдингми?*
- 5) сўроқ гап+дарак гап. *Борасанми, у келди*
- 6) сўроқ гап+буйруқ гап. *Келдингми, кир!*
- 7) буйруқ гап+буйруқ гап. *Бор, кўр!*
- 8) буйруқ гап+сўроқ гап. *Унга айт, борасанми?*
- 9) буйруқ гап+дарак гап. *Келсин, унга айтамыз*

Қўшма гап таркибий қисмларининг ирреалликка муносабатига кўра таснифи

Нутқдаги қўшма гаплар таркибий қисми кесимлари шаклларининг эркинлиги ёки ўзаро мутаносиблиги, боғлиқлиги жиҳатидан тасниф этилиши мумкин. Бу белгига кўра қўшма гап икки турга ажратилади. Биринчи жуда катта гуруҳни $[WP_m, WP_m]$ ЛСҚ ҳосилалари ташкил этади. Бундай гапларда қўшма гап таркибий қисмлари кесимлари ранг–баранг кўриниш ва шаклда бўлади. Чунончи, хабар майли+хабар майли (*Ёзибди, келади ёки У келди, биз ёзамиз*), хабар майли + буйруқ майли (*Ёзибди, борайлик*), буйруқ майли + буйруқ майли (*Боринг, кўришсин*), буйруқ майли + хабар майли (*Келинг, борамиз*). Бу бўлинишда иккинчи гуруҳни $[WP_m \rightarrow WP_m]$, $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$ ЛСҚ ҳосилалари – тобе ва мутаносиб таркибли қўшма гаплар ташкил қилади. Бу турдаги қўшма гапларда тобе таркиб (одатда қўшма гапнинг биринчи гапи) кесими номуस्ताқил кесим шаклида бўлади. Бунда ўзига ҳос қонуният мавжуд. Тобе гапнинг кесими ирреал (яъни келаси замондаги ҳали содир бўлмаган, содир бўладиган) ҳаракат ҳолатини атаб келса, иккинчи гап кесими ҳам шундай маънога эга бўлади ва одатда ҳозирги – ҳозирги-келаси, келаси замон ёки буйруқ майли шаклларида бўлади. Масалан: *Келса, боради.*

Бу ҳолатда қўшма гап таркибий қисмлари кесими ўзаро мувофиқлашади. Агар иккинчи гап кесими ўтган замон шаклларида бирида бўлса, кучли ифодавийлик воқеланади: *Келса, иш битди!* ёки *Сўраб қолса, тамом деяверинг!*

Бунда қўшма гап кесимлари ўтган замон шаклларида келганда, тўсиқсизлик (ирреаллик) маъноси воқеланади: *Келсайди, кўрардик ёки Укам бўлсангиз эди, бахтиёр бўлардик.*

МУНДАРИЖА
MUNARRIRDAN

КИРИШ

1-ҚИСМ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ТИЛИ ТАРИХИДАН

Ўзбек халқининг шаклланиш ва номланиш тарихидан

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УНИНГ ШЕВАЛАРГА МУНОСАБАТИ

Ўзбек тилининг ўрганилиш тарихи ва босқичлари

2- ҚИСМ. ТИЛ, ЛИСОН, МЕЪЁР ВА НУТҚ МУНОСАБАТИ. ТИЛ САТҲЛАРИ ВА БИРЛИКЛАРИ

Илмий билиш ва унинг босқ ичлари

Фалсафий УМИС ва АҲВОнинг лисоний тизимда воқеланиши

Тил, лисон, меъёр ва нутқ муносабати

Лисоний ва нутқий бирлик

Лисоний парадигма ва унинг турлари

Лисоний муносабат ва унинг турлари

Лисоний зиддият ва унинг турлари

Лисоний тасниф ва унинг турлари ҳақида тушунча

ФОНЕТИКА-ФОНОЛОГИЯ

Фонетика ва фонологиянинг ўрганиш манбаи, предмети, мақсад ва вазибалари

Унли фонемалар парадигмаси

Ундош фонемалар парадигмаси

Фонеманинг вариантлашуви

Фонетик жараён

Морфонология

Ўзбекча талаффуз меъёри

ГРАФИКА

Графика ҳақида тушунча

Ёзувнинг тарихий аҳамияти

Ўзбек ёзуви тарихидан қисқача маълумот

ИМЛО

Ўзбек имлосининг асосий тамойиллари

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикология ҳақида тушунча

Лексема ва сўз

Бир семемали ва кўп семемали лексемалар

Ясама сўзнинг лексемалашуви

Семема ва унинг таркибий қисмлари

Семема ва нутқий маъно

Семеманинг нутққ а хосланиши

Ҳосила семеманинг вужудга келиш йўллари
Лексик-семантик муносабат
Қўлланилиши чегараланмаган ва чегараланган лексика
Қўлланилиши даври чегараланган лексика
Қўлланилиш доираси чегараланган лексика
Ифодавийлик ва услубий хосланганлик жиҳатидан ўзбек тили
лексикаси
Ифодавийлик жиҳатдан ўзбек тили лексикаси
Фразеология
Фразеологизмнинг семантик структураси
Лексикография
МОРФЕМИКА
ДЕРИВАЦИЯ
ГРАММАТИКА. МОРФОЛОГИЯ
Грамматик маъно ва грамматик шакл.
Грамматик категория
Алоқа-муносабат категориялари
СЎЗ ТУРКУМЛАРИ
Сўз туркумлари ва уларни таснифлаш тамойиллари
Сўз туркумлари транспозицияси
Феъл
Феъл деривацияси
Феълнинг таснифловчи грамматик категориялари
Нисбат категорияси
Бўлишли-бўлишсизлик категорияси
Ҳаракат тарзи категорияси
Ўзгаловчи категорияси
Феълнинг ҳаракат табиатини кўрсатувчи шакллари
Феълларда алоқа-муносабат категорияларининг воқеланиши
От
От деривацияси
Сон отнинг таснифловчи грамматик категорияси сифатида
Отда алоқа-муносабат категорияларининг воқеланиши
Сифат
Сифат деривацияси
Даража сифатнинг таснифловчи категорияси сифатида
Сифатда алоқа-муносабат категорияларининг воқеланиши
Сон
Равиш
Таклид
Олмош
Ёрдамчи сўз

Кўмакчи

Боғловчи

Юклама

Сўз–гап

СИНТАКСИС

Синтаксис ҳақида умумий маълумот

ЛСҚ ни ажратиш усуллари. ЛСҚни тиклаш

Валентлик

СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўз бирикмаси нутқ бирлиги сифатида

Сўз бирикмаси лисоний сатҳда

ГАП ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Гап коммуникатив нутқий birlik сифатида

Гапда шакл ва мазмун муносабати

ГАП ЛИСОНИЙ САТҲДА

Гап ЛСҚси ва унинг тикланиши

Содда гапнинг таркибий қисмлари

Лисоний сатҳда гап бўлаклари

Кесимлик категорияси

Кесим

Эга

Ҳол

Тўлдирувчи

Аниқловчи

Сўз ва гап кенгайтирувчиларининг мувофиқлашуви ва фарқланиши

Гапда ажратилган сўзшакллар

Содда гапларда тенг боғланиш

Ундалма

Гапнинг кириш ва киритма кенгайтирувчилари

Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари

Гапда сўз тартиби. Актуал бўлиниш

Нутқий гапнинг эмоционалликка кўра тури

УЮШГАН ГАП

ҚЎШМА ГАП

Қўшма гаплар таснифи

Қўшма гапнинг қурилишига кўра таснифи

[WP_m, WP_m] типик кўринишли қўшма гап

[WP_m → WP_m] типик кўринишли қўшма гап

[WP_m ↔ WP_m] типик кўринишли қўшма гап

Қўшма гапнинг таркибидаги боғловчи воситаларига кўра таснифи

Боғловчи воситаларнинг маънодошлиги ва вазифадошлиги

Қўшма гапнинг таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатга кўра турлари

Қўшма гапнинг қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра турлари

Қўшма гап таркибий қисмларининг ифода мақсадига кўра турлари

Қўшма гап таркибий қисмларининг ирреалликка муносабатига кўра таснифи